



Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Шарк Золдузи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ОРГАНИ

9 1990

59-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир хайъати:

Неъмат АМИНОВ

Саид АҲМАД

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ

Омон МУХТОРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Муҳаммад СОЛИҲ

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

(масъул котиб)

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ

Мундарижа

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Жўрахон Абдуллаев. Ният холис бўлсин.	3
Олимжон Юнусов. Тарихимизни қачон ўрганамиз?	84

ШЕЪРИЯТ

Азим Суюн. Ўзбекистон, Достон	7
---	---

НАСР

Муҳаммад Али. Сарбадорлар. Роман.	13
Нормурод Норқобилов. Оқбўйин. Қисса	86

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Менга эрк исмлиқ бир Ватан керак.	77
Сирожддин Раупов. Бир бедор юракнинг эгасиман мен	114
Талабалар дафтаридан.	116

ДРАМАТУРГИЯ

Шукр Холмирзаев. Қора камар.	125
--------------------------------------	-----

АСР САДОЛАРИ

Каримбек Шарифбек ўғли Камий, Аҳмад Табибий.	147
ҚУРЪОН	149

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ТАРИХИЙ МЕРОС

Ат-Термизий. Ҳадислар.	167
--------------------------------	-----

ЕДНОМА

Азиз Абдураззоқ. Шеърятнинг бобо деҳқони	170
Отаёр. Оҳанрабо	176

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР

Шариф Нурхон. Лабим тупроқлари ўпар қадрдонлар оёғидан	180
--	-----

АДАБИЙ ТАНҚИД


Эмин Усмон. Уйғоқ одамлар кўрадиган туш	183
---	-----

ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ

Мамажон Муҳиддинов. Шахмат ва ижод	193
--	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Музаффар Турсунов. Бошлиқлар қаерда туғилади? Ҳажвия.	201
Мухтор Худойкулов. Янги масаллар	204
Абдуғани Абдуғаффоров. Ҳасрат. Ҳажвия	206



Жўрахон Абдуллаев

НИЯТ ХОЛИС БЎЛСИН

(Инсон эътиқоди ҳақида ўйлар)

Менинг эътиқодларим юрагимнинг уришига
қараб ўзгараверса, унда ҳолимга вой.

В. Шиллер

Ерда нон увоғини кўрса, уни зудлик билан олиб, кўзига суртиб, юқорига олиб кўювчилар кўп. Тупроққа беланиб ётган пахтани кўрганда ҳам уни тозалаб, қутига солишни одат қилганмиз. Бу табаррук неъматларни инсон ўз кўли билан яратади. Лекин инсон ноҳақликка учраб хоксор бўлиб қолса-чи? Унинг қаддини тиклашга кўмаклашиб, вайрон бўлган қалбига тасалли берадиган марди-майдон топилармикан? Минг афсуски, бундай олижаноб одам ҳамма вақт ҳам топилавермайди. Ҳа, тан олиш керакки, биз бир-биримизга ўта лоқайд, мудроқ қараб яшашга кўникиб қолдик. Кимки бизни мақтаса дўст, айбимизни бетимизга айтса душманга чиқарамиз. Эҳтимол, шу боисдандир, атоқли совет шоири Расул Ҳамзатов: «Мамлакатимиз ривожланаётган бўлса ажаб эмас, бироқ одамларимиз айний бошлади...» деб ёзди.

Инсон табиати ғалати. У дунёга келибдики, кўзлари олазарак, атрофдан яхшиларни ахтаради, тиним билмайди. Унинг тақдирга бўйсунгиси ҳам келмайди. Вужуди доимо безовта. Ҳамма вақт бир нарсага интилиб яшайди, орзу қилади, хаёл суради... Баъзилар шу орзулари кўйида виждонлари, имонларини ҳам сотишга тайёр турадилар. Бундай кишиларда фикр, ният ҳеч қачон тоза бўлмайди. Кишида чинакам инсонийлик, эътиқод вужудга келиши учун эса фикр тоза, ният холис бўлиши керак.

Ривоят: Қадим замонда бир подшо сайрга чиқибди. Йўлда бир анорзорга кўзи тушиб, боғбондан ташналигини қондириш учун бирор нарса беришни илтимос қилибди. Боғбон бир дона анорни сиқиб берибди. Битта анордан салкам бир коса шарбат чиқибди. Подшо анор шарбатини ҳузур қилиб ичиб, ташналигини қондиргач, яна йўлга равона бўлибди. Йўлда борар экан: «Ажойиб боғ экан, бу боғни подшолик ихтиёрига ўтказиш ҳақида фармон чиқараман. Бу ялангоёққа ким қўйибди бундай боғни», — деб кўнглидан ўтказибди.

Сайрдан қайтаётиб яна ўша боққа кирибди-да:

— Боғбон, ҳалиги анор шарбатидан яна мурувват қил, жуда мазали экан, — дебди.

Боғбон битта анор олиб эзибди, лекин шарбати яхши чиқмабди. Иккинчиси, учинчиси, тўртинчисини эзибди. Атиги ярим пиёлача шарбат чиқибди. Подшо уни ичгач, ранжиб:

— Нега анор шарбати эрталабқидек мазали эмас, тахирроқ, — дебди афтини бужмайтириб.

— Мени афв этасиз, ҳазратим, — дебди боғбон шунда мулозамат билан, — эрталаб сиз оқ кўнгили билан келиб эдингиз, энди эса фикрингиз бузилган.

Шунда подшо тўғри сўздан мулзам бўлиб ортига қайтибди. Қиссадан ҳисса шуки, инсон холис ниятли бўлмас экан, ахийри бир кун унинг чуви чиқади. Инсон эътиқодли, тили билан дили бир бўлсагина эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътибор қозонади. Эътиқодсиз киши эса жамиятдаги хавфли инсонга айланади. Агар кишининг чўнтагида партия билети бўлса-ю, фикри-зикри ўғирлик, юлғичлик бўлса, бундай коммунист партиянинг обрўси-ни ерпарчин қилишдан бошқага ярамайди. Ёки одам тақводор бўлса, ибодат қилса-ю, аслида нопоклик, ғийбат, бўҳтон билан шуғулланса, бундай тақводор кимга керак?

Маълумки, бизда ҳудожўйлар кўпчиликини ташкил этишади. Шу боисдан, ҳозир, қайта қуриш шарофати билан, жамиятдаги ижтимоий муҳитни соғломлаштиришда улар билан ҳамкорлик қиляпмиз. Бу ижобий ҳодиса. Ахир биров одамларни, у ким бўлишидан, нимага эътиқод қўйганлигидан қатъи назар инсофга, ҳалолу пок бўлишга чақириб турса, бунинг нимаси ёмон?

Сир эмаски, биз илгари дин билан бидъатни, хурофотни аралаштириб юборган эдик. Эскича китоб сақлаганларнинг ҳаммасини диндорликда айблаб, қувғин қилганмиз. Ушанда ҳатто Наврўз байрами муносабати билан баҳорда сумалак пиширганлар вазифасидан олинган эди. Кўпгина коммунист раҳбарлар кўрққанларидан ўз яқинларининг ҳам таъзияларига боролмай виждонлари азобланиб юрган вақтлар бўлди.

Уйғурободлик колхоз раиси Олим Қурбонов камтар, меҳнаткаш, инсонга меҳр-муҳаббатли, тўғри сўз одам эди. 1959 йилнинг апрелида олим Қурбонов ихлос қўйган бир уламо оламдан ўтди. Уни бутун юрт йиғилиб келиб дафн этди. Олим ака маросимга бош-қош бўлди. Шунда эртаси раисни райкомга чақирди.

— Олим ака, сиз жумҳуриятимиздаги машҳур раислардансиз, — деди райком котиби, — айна чигит экиш палласида қайсидир бир уламо маросимини катта тантананага айлантириб юрибсиз. Диний маросимда бош-қош бўлганлигиниз учун ҳали бюрода жавоб берасиз.

Олим ака бунга жавобан шундай дебди:

— Райком бува, сиз ҳам, биз ҳам бир кун ўламиз. Марҳумларни сўнги йўлга кузатиш эса фақат халқнинг эмас, райкомдагиларнинг ҳам вазифаси. Марҳум уламо бўлгани билан халқ орасида яхши ҳурмати бор эди. Халқ ҳурмат қилган одамнинг дафн этиш маросимига бош-қош бўлсам, мен халққа етакчи бўлиб қаёққа бора оламан? Ахир, инсон оламдан ўтди-ку! Чигит бир гап бўлар, қолиб кетмас.

Машҳур кишилардан бири, мен черковга кирсам ҳамма қатори бошимдан шляпамни олиб тураман. Мен динга ишонганимдан эмас, одамларнинг эътиқодига ҳурмат билан қараганимдан шундай қиламан, деган экан. Мен Олим акага шу гапни айтганимда, ҳайратланиб: «Ана, унинг ақллилигини қаранг, бизнинг раҳбарларнинг аксарияти ўқимай «таббатга» тушган коммунистлар», деди.

Дарҳақиқат, инсон эътиқодига қарши салб юриши қилиб, партия ва халқ бирлиги ҳақида ўйлаш ўта бемаъ依ликдир. Аслида бундай хатти-ҳаракатлар партияни халқдан узоқлаштиради. Бунга етмиш йиллик фожиа тарихимиздан истаганча мисол келтириш мумкин.

Масалан, ислом дини мусулмонларни ўзга динларга ҳурмат ва эҳтиром билан қарашга чорлайди. Жумладан, христиан динига муносабатни олайлик. Қуръон ва суннат таълимотларига кўра христиан дини асосчиси Исо алайҳиссалом — оллоҳнинг пайғамбари ҳисобланади. Агар бирон мусулмон бунга шак келтирса, мусулмонлиги қолмайди. Шунингдек, Инжилни илоҳий китоб деб тан олмаган киши ҳам мусулмон бўла олмайди. Бу ҳукм Мусо алайҳиссалом ва Тавротга ҳам дахлдордир. Қуръони каримдаги мана бу сўзлар ҳам фикримизни тасдиқлайди: «Эй мўминлар! Ҳеч бир қавм бошқа бир қавм устидан кулмасин! Чунки улардан қайси бирлари афзалроқ экани Оллоҳнинг ўзигагина аёндыр» (49-сура, 11-оят.)

Дин — бу кўп асрлик турмуш тарзи, ижтимоий воқелик, инсоний эътиқоддир. Шундай бўлгач, унга ишонувчиларни ҳурматлаш, талаб-истакларига қулоқ солиш турмушимизнинг оддий қоидасига айланиши керак. Ахир халқ айтган-ку, қарс — икки қўлдан, деб.

* * *

Биз тарбия соҳасида катта хатоларга йўл қўйдик. Навбатдаги вазифа ана шу хатоларни тузатишдан иборат. Ёшлар тарбиясини дуч келган кишига ишонавермаслик керак. Юқори малакали, билимдон, ўз касбини жон-дилдан севган тарбиячилар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Бу муҳим ишда ҳар бир халқнинг тарихий анъаналари, маданий мероси ва урф-одатларини қатъий ҳисобга олиш лозим.

Яқинда бир уламо менга китоб совға қилаётиб, шундай деди:

— Бу китобда Муҳаммад пайғамбаримиздан тарқаган авлодлар шажараси ҳақида ёзилган. Шунингдек, юртимиз тарихига оид кўпгина нарсаларни ҳам билиб оласиз, ўқиб чиқинг.

Китобни олар эканман, бирор нарса дейишга ожиз бўлиб қолдим. Менга китоб совға қилган киши араб имлосини ўқий олмаслигимни билмасди. Шунда халқимизга

араб имлосидан воз кечишни таклиф қилганларга лаънатлар ўқидим. Аммо ҳозир бу хатомизни тузатиш пайти келди. Бунинг учун биринчидан, эски қўлёзмаларни чоп этишни кенгайтириш, иккинчидан эса араб тилини мактаб ва олий ўқув юртлари дастурига дарҳол киритиш керак. Ана шунда ота-боболаримиздан мерос қолган маънавий бойлик билан атрофлича танишиш имкониятига эга бўламиз. Таниқли шоиримиз Эркин Воҳидов ёзганидек, «...Қуръон, Таврот, Инжилни олайлик. Уларни биламизми? Билмаймиз. Уларни ҳатто мана мен деган олимларимиз ҳам очиб қарамаган. Ҳарқандай даҳрий ҳам ота-боболаримизнинг дунёқарашини, фалсафасини, орзу-армонларини ўз ифодасини топган бу қадимий китобларни чуқур ўрганмоғи керак. Нима учун биз Қуръонни, Инжилни, Тавротни билмаслигимиз билан фахрланишимиз керак? Умуман, билмаслик билан фахрланиш жаҳолатдан ўзга нарса эмас».

Дарҳақиқат, бутун ўтмиш маданияти ислом ақидалари асосида дунёга келганлигини билиб туриб, нега ўзимизни билмаганга оламиз? Бутун Шарқ фалсафасига қибланома бўлгучи асар Қуръон эмасми? Биз бу буюк китобни ўрганишга кеч, жуда кеч киришаётганлигимиз кечирилмас хатодир. Бизнинг тарбиявий ишлардаги нуқсонларимизнинг битта илдизи, менимча, мана шунга бориб тақалади. Энг яхши урф-одатларимиз йўқолиб кетаётганлиги, айрим ёш келинлар алла айтишни билмаслиги, гўдагини эмишдан воз кечаётганлиги сабаблари ҳам мана шунда. Она меҳрига қонмаган фарзандда қандай қилиб ўзгаларга меҳр-муҳаббат бўлсин?

Яқинда марказий телевиденидан бир кўрсатув берилди. Шунда ёши ўттизларга бориб қолган бир аёлга савол беришди:

— Сиз турмуш қуришда ким билан маслаҳатлашмоқчисиз, фикрингизни айтинг.

— Мен бир марта адашдим. Энди ҳеч ким билан маслаҳатлашмоқчи эмасман. Йигитни фақат компьютер орқали синовдан ўтказиб турмуш қурмоқчиман, фақат компьютер орқали, — жавоб берди жувон.

Эҳтимол, фан жуда илгарилаб кетгандир. Лекин ҳеч қандай мўъжиза, ҳеч қандай компьютер инсон қалбини, ундаги нозик ҳиссиётларни тирик жонзот каби ҳис қилолмайди-ку. Тарбияни қаранг, инсон-меҳр муҳаббатини юрак эмас, темир аниқласа...

Аслида, бу аёлнинг шу аҳволга тушиб қолишига сиз билан биз ҳам айбдормиз. Сабаби, илгари одамлар худога ишонар, сиғинар эди. Биз эса уларни тарбиялаймиз деб юрагидаги эътиқодини суғуриб олдик. Ҳозир эса улар уфқда кўзга чалинган нарса денгиз эмас, сароб эканлигини сезган кишилардай бўлиб қолдилар.

Табиатга муносабатимизда ҳам шунга ўхшаган ҳодиса рўй берди. Биз уни ўз амризмизга бўйсиндираемиз, деб буюк қонунларига зид ишларни амалга ошириш билан шуғулландик. Пировард натижада табиат бизни ўхшатиб жазолай бошлади.

* * *

Ҳаёт мураккаб, одамлар ҳам. Шу кунларда ҳаётга тор кўчадан эмас, кенг майдондан қараш жуда зарур бўлиб қолди. Тоғли Қорабоғ, Фарғона, Новий Узен, Кузбасс... Бу жойларда бўлган воқеа ва ҳодисалар барчани ташвишга солиб қўйди. Беихтиёр савол туғилади: биз етмиш йил нима учун курашдигу, нимага эришдик?

Биз кўпгина хатоликларга йўл қўйдик. Эндиликда олға бориш учун бу хатоларимиздан тўғри хулоса чиқаришимиз керак. Ана шундагина яна олға бориш имконига эга бўламиз.

Фарғона воқеасини олиб кўрайлик. Ўзбек халқи мард, сахий халқ. Ўзи емай меҳмонга едиради. Бу халқ юртига келган меҳмонни ҳеч қачон кўкрагидан туртиб чиқарган эмас. Аксинча, қучоқ очиб кутиб олган. Фарғонадаги воқеа халқимиз дилини вайрон қилди, асабини қақшатди. Вожаб! Бир гуруҳ безориларнинг жанжали икки халқ орасига раҳна солса-ю, оқибатда у миллатчиликка айланиб кетса. Айтайлик, ўзбек меҳети турки қўлидан бир бурда нонини тортиб олиб, бу нонни мен ейишим керак, деб талаб қилса, буни миллатчилик деса бўлади. Аммо бир тўда безориларнинг ғалва-жанжалини миллатчилик деб шарҳлаб бўладими?

Заҳматкаш ўзбек халқи катта советлар оиласида машаққатли, узоқ йўлни босиб ўтиб, 72 довонни ортда қолдирди. Бу давр мобайнида иссиқни ҳам, совуқни ҳам кўрдик. Тўқ кунларимиз очарчилик, инсоният бошига қирғинбарот келтирган кунларга уланиб кетган пайтлар бўлди. Энди ёруғ кунларга етамизми, деганда жамиятда иқтисодий, маънавий ва сиёсий таназул бошланиб кетди. Халқ бошида турган кишиларнинг палапартиш сиёсати, инсофсизликлари, юхтобликларини кўриб, инсофли кишилар ёқаларини ушлашди.

Халқ бузилса, уни беклар тузатади,
Агар бек бузилса, уни ким тузатади?..

Юсуф Хос Ҳожибнинг бундан минг йил аввал ёзилган бу байти худди кечагидек жаранглапти. Жамиятдаги танглик эса халқни чарчатди, руҳини сўндирди, белидаги қувватини олди. Эндиликда уни руҳлантирадиган, юрт фаровонлиги йўлида шижоаткор меҳнатга илҳомлантирадиган тадбирлар белгиланиши керак.

В. И. Лениндан ҳаракатимизнинг моҳиятини бир оғиз сўз билан ифодалаб бера оласизми, деб сўрашганида: «Нон учун кураш!» — деб жавоб берган экан. Шу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги бутун саъйи-ҳаракатимиз барча имкониятларни ишга солиб, халқ фаровонлигини оширишга қаратилиши лозим.

Умуман, қайта қуриш масалаларини оқилона ҳал қилиш ҳар бир ишга жаҳон тажрибасидан, умуминсоний қадриятлардан келиб чиқиб ёндашишни тақозо этади. Бунинг учун эса биринчи навбатда билимларимизни тинмай оширишимиз, ташқи олам билан маданий, сиёсий ва иқтисодий алоқаларни юксалтириб боришимиз керак.



Редакциядан: Маълумки, журналимизнинг шу йилги 5-сонида юбилей олди журналхонлар анкетаси эълон қилинган эди. Тез орада жумҳуриятнинг турли ҳудудларида яшовчи турли ёш ва касбдаги муштарийларимиздан уларнинг фикр-мулоҳазалари битилган мактублар кела бошлади. Шу сондан бошлаб сиз — азиз журналхонларни мазкур мактублар билан таништириб борамиз.

Маишхур кишилардан бири «токи китоблар бор экан, ўтмиш ҳеч қачон эскирмайди» деган экан. «Шарқ юлдузи» журналининг кейинги йиллардаги сонлари билан танишиб чиқиб шундай хулосага келдим. Токи, «Шарқ юлдузи» журнали бор экан, биз ўтмишимиздан бебаҳра қолмаймиз. Бироз ортга қайтадиган бўлсак, журнал кейинги йилларда жуда кўп хайрли ишларни амалга оширди. Бу бир томондан, журналга даврнинг таъсири бўлса, иккинчи томондан, журнал ижодий ходимларининг бир маслак сари дадил интилишлари натижасидир. Халқимиз кўзига суриб, журнал аҳлини дуо қилиб ўқийдиган муслмон оламнинг муқаддас китоби — «Қуръон» таржимасининг берилиши. «Темур тузуклари», Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон асарлари, Аҳмад Яссавий «ҳикматлари»нинг чоп этилиши бу туркий олам учун чинакам байрамдир.



Журнал саҳифаларида эълон қилинган Г. Вамберининг «Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи» асари, Ё. Илёсовнинг «Афсунгар» романи, Т. Қаҳҳорнинг «Кўзга кўринмас махлуқ» достонини ўқиб менинг шууримда неки қуртак отган бўлса, бу Сизнинг хизматингиз шарофатидан. Утган сонларда муштарийлар ҳукмига ҳавола этилган Зебо Мирзаева, Иқбол каби ёш назмгўйларнинг шеърлари мена жуда ёқди. Қисқаси, «Шарқ юлдузи» ўзига ажойиб йўл танлади, биз мазкур йўлдан у билан бирга боришга ҳамиша таяёрмиз. Бу — тарихимизни, ўзлигимизни англаш йўлидир. Келажакда журнал фаолиятида ёш ижодкорларга янада кенгроқ ўрин берилса, шунингдек бўйи, қандайдир манфаатни кўзлаб ёзилган, мақтовларга бой тақризлар ўрнига чинакам таҳлилий мақолалар эълон қилинса, журналнинг обрўси яна ҳам баландроқ бўлур эди. Журъатингиз сўнамсин!

М. ХОЖИМАТОВ, Андижон шаҳри, «Янги турмуш» маҳалласи

Ассалому алайкум, «Шарқ юлдузи» журналининг ижодий ходимлари. Аввало, Сизларни юбилей билан табриклайман. Менинг исму шарифим Дилфуза Олимжонова, пойтахтнинг Октябрь ноҳиясидаги 102-ўрта мактабнинг 9-синфида ўқийман. 10 ёшимдан буён «Шарқ юлдузи»да эълон қилинаётган қизиқарли материалларни мунтазам ўқиб келаман. Унга оиламиз билан обуна бўлганмиз.

«Шарқ юлдузи» менинг энг сеvimли журналимдир. Унинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман. Ҳозирги қайта қуриш даврида журналнинг янада қизиқарли бўлиб чиқаётганидан хурсандман.

Тилакларим: доимо соғ-саломат бўлинглар. Ижодий ишларингизда зафар ёр бўлсин!



Азим Суюн

Ўзбекистон

Достон

МУҚАДДИМА

Учоқлар учади
кўналғилардан,
Дунёни айланиб елар поездлар.
Ҳаво кемаларин
йўналғилардан
Изма-из кузатиб қолар юлдузлар.
Уммонлар бағрини
ханжардай тилиб,
Бамисли дўзахнинг сур лашкарлари,
Сирлик тамғаларин
бошга тож қилиб,
Изгишар сув ости ракеталари.
Шимолдан Жанубга,
Жанубдан Шарққа,
Шарқдан Ғарбга тинмай айлаб савтолар,
Шу кўҳна Заминни
солиб титроққа
Олд-орти узилмай чопар автолар.
Қўғирчоқ мисоли
қараб ҳаётга
Баъзи давлатларнинг президентлари,
Сонсиз бомбаларни
яшириб ортга
Қучоқлашар ака-ука сингари!..
Тоғдан келаётган
қудратли селдай,
Ўз ишин қилгайдир шошқалоқ шиддат.
Лекин Инсон уйда
не борин билмай,
Кўкка интилмоғин тушунмам фақат!

У, менинг Ватаним,—
 Ўзбекистоним,
 Шоми ғарибондай руҳсиз, паришон?
 Юрагим эзилар,
 оғрийди жоним,
 Сарикдан силмисан ва ёки камқон?
 Қодирийнинг сўнгги
 сурати каби
 Жовдираб боқасан — кўз тирик расат.
 Сени бемор қилди
 сароб матлаби,
 Сени хароб қилди фаҳш сиёсат!
 Биламан, Инқилоб
 гуноҳкор эмас,
 Қанча донишдан дарс олганман — руқн.
 Ношукурлик, шоир
 қонимда оқмас,
 Озини кўп кўрдик, кемтигин бутун.
 Хусусан, чўлларнинг
 тортдик танобин
 Бетон уйлар қурдик — қандай гўзал,
 соз!

Фабрика, заводлар,
 ишлар туну кун,
 Миллион... миллион... пахтамиз ҳам оз!
 Ҳаммаси жойида:
 боқ, харитага,
 Орол тўлиб турар — Аму, Сир оқар.
 Унингчи қаватда
 кампирлар, хушбоқ,
 Ҳаттоки, итларин гўшт билан боқар.
 Фақат шу Тупроқ, Сув,
 Ҳавомиз, бир оз,
 Яъни, Ўзбекистон — Ватаним тани,—
 Жароҳат топибди, емрилибди боз,
 Бугун қийнамоқда шу қисмат мани!

II

Нурота тоғларин
 бағрида ўсдим,
 Отам чўпон эди — тутдим баридан.
 Ох, у пайтлар мени
 нафас қисмасди,
 Рози эдим чўлик, тупроқ, тангридан.
 Оппоқ булутларга
 кўзларим тикиб,
 Майсалар устида ётардим узоқ.
 Мовий кўшиқларга¹
 кўкни тўлдириб,
 Турналар ўтарди солиб арғимчоқ.
 Улар қўнар эди
 яшил қирларга,
 Кун буйи ёйилар эди хуркмасдан.
 Отам эртак каби
 сўзларди менга
 (Билмайман, неча бор!..) ҳеч
 эринмасдан:

— Турналар қўнмаган
 юртлар харобдир,

¹ Жўбир — кунда (шева).

² Иксир — Урта Осиё кимёгарлари тасаввурида ҳамма нарсани олтинга айлантира оладиган афсонавий тош.

У ердан кетади қуту барака.
 Шукурким, юртимнинг
 ери ободдир,
 Чўлу саҳроси ҳам қушга маърака...

III

...Отам қайдан билсин
 пахта йўлини...
 Бутун бир мамлакат турса «урра»лаб.
 У яхши билмасди
 ҳатто Ленинни,
 Бироқ Сталинни мақтарди алқаб.
 Ҳолбуки, отаси
 ва, яъни, бобом
 Қамокдан келганди яқин жўбирда.¹
 Қолиб кетган эди
 бенишон-беном
 Тўрт-беш амакиси қонкаш Сибирда...
 Адашган тош терар
 душмани учун,
 Отам таёғини судрарди дилгир.
 Зоғора нонга ҳам
 кўникди беун,
 Хрушчёв Коммунизм қуради, ахир!
 Ҳайҳот, аллақачон
 тоғ қишлоқлари
 Ҳувуллаб ётарди, дайдириди итлар.
 Тирқираб кетганди
 унинг эллари
 Пахтани кўрганди илк бор йигитлар.

IV

Кўриб — ишонмайсан —
 сен бахтсиз кимса!..
 (Ў, хотира, мени қийнайсан бунча?!)
 Отамнинг гаплари
 ой, йилдан-йилга
 Ўзгарди — ўсибми?.. Қазо етгунча:
 — Торғил қуш олди-я
 дунёнинг ярмин,
 (Минг ғозни ўлдириб, бирин ейди у!)
 Яйловлар қисқариб
 борар кун сайин,
 Пахта деганлари аждарму, ёҳу?!
 Отам қайдан билсин...
 XVI аср,
 Инглиз саноатин ривож-авжини.
 Ушбу юмшоқ пахта
 бамисли иксир²
 Бошлаб келажагин ёв занжирини!
 Отам қайдан билсин,
 шу пахта учун
 Англия Мисрни босиб олганин.
 Отам қайдан билсин,
 шу пахта учун
 Ҳиндистон забтга тушиб қолганин.
 На билсин... Туркистон
 пахтаси, дея,
 Россия-Англия рақобатини
 Ва оқибат зафар
 қучган Россия...
 На билсин... Туркистон ҳалокатини!
 Отам қайдан билсин,
 Мулк-Ғанж йўлини...
 Сен қайдан билибсан, Ўзбекистоним?!

Америка топгандай
занжи — қулини,
Топила қолди-ку халқим — деҳқоним.
Деҳқоним, бунчалар
атворинг юмшоқ,
Ёв арқони билан тушибсан жарга?
Донишманд эрурсан,
унутдинг бироқ:
«Бирга туғилмоқ бор, турмоқ йўқ
бирга!»

Нақадар севасан
тупроқ, ерингни
Ва ҳатто севасан болангдан ортиқ.
Унга бериб бўлдинг
бору йўфингни,
Наснос*га айландинг — даврдан тортиқ!
Этимни есалар
есину, дединг,
Еримни емасин, дединг, деҳқоним,
Этингни едилар,
ерингни еди,—
Ғарибдай жовдирар Ўзбекистоним!

V

Тошкент осмонида
ловуллар офтоб,
Менинг деҳқон синглим не ҳолда экан?
Ерга кириб кетгинг
келади бу тоб,
Терликлар танингда, мисоли кафан!
Мен бу ўт — оловга
парво қилмайин,
Бирор таниш-билиш тикмай орага,
Куч-қудрат, ақлимни
пешлаб кун сайин,
Бостириб кираман салқин хонага:
— Уртоқ Академик,
Ўйза навларин
Сонсиз турларини яратдингиз сиз!
Уларга бирдайн
дўст, ёв назарин
Ва олам юзини қаратдингиз сиз!
Уртоқ Академик,
қанча кимёвий
Дори яратилди — ичди Сув, Тупроқ.
Олдингиз мартаба,
довруқ дунёвий,
Ўзбекнинг Замини тугади бироқ!
Соф Тупроқ, Сув керак
Ўзбекистонга,
Уларни яратинг, ё топинг Ҳақим?!
Варламдай тиржайманг
инсоф-имонга...
— Сен кимсан?
— Ҳақиқат!
— Ҳақиқат — ҳеч ким!

VI

«Биринчи раҳбардан
Сўра табибни»,—
Мени Академик қувди хонадан.

* Наснос — Беруний хабарига кўра, бир оёқ-
лаб сакраб юрувчи қандайдир эл-элат.

«Одамнинг навини
яратинг энди!»—
Мен ҳам «узиб» олдим унинг жонидан.
«Гагарин боғи»да
тентидим узок:
«Менга нима ўзи, ким бўлибман мен?..
Шеърингни чоп этиб
юравер, ўртоқ,
Бир далли-девона шоирсан-ку сен.
Йўқ! Виждон бор! Имон,
Адолат, Ҳақ бор! —
Ҳақпарвар отамнинг жигарбандиман.
Мен Инсон ўғлиман,—
бўлгил мададкор,
Шоирман — Ватаним гражданиман!».
...Шом тушди. Ҳавонинг
босилди тафти,
Академик сўзи тушиб хотирга,
Ўзим ҳам билмайман,
не баланд-пасты,
Шароф Рашидовнинг келдим қабрига.
Қабр йўқ. Бир тўда
«совет посбони»
Теп-текис майдонни кўриқлар эди,
«Не гап?...» — деб сўргандим,
«Не гаплигини
Чукурсойга элтсак биласан!» — деди.

VII

Ҳақиқат, нимасан,
юзингни кўрсат,
Оддий экинчининг орзуимсан?
Ёки кимларгадир
сохта шон-шуҳрат,
Ёки мансабдорнинг обрўйимисан?
Ҳақиқат, нимасан,
юзингни кўрсат,
Фоҳиша — ётасан ё пул қўйнида?
Қулмисан — жаллодга
шоҳона овқат,
Ёки саробмисан башар ўйида?
Ҳақиқат, нимасан,
юзингни кўрсат,
Корчалон касларнинг ўйинчоғи ё?
Ёки қонунмисан,
ёки сиёсат,
Мустабид зотларнинг кўғирчоғи ё?
Ҳақиқат, нимасан,
юзингни кўрсат,
Қиличми, қалқонми ёхуд зармисан?
Мен сени асабий
дедим: КУЧ-ҚУДРАТ,
Кучсизлар оҳига кўру кармисан?
Битта сил пахтакор
айтарди доим:
«Ҳақиқат — мен тараф бўлмаса агар,
Бундай Ҳақиқатнинг
кулдек, илойим,
Тўзғиб йитмоқлиги маъқул, муқаррар!»
Ҳақиқат, нимасан,
юзингни кўрсат,
Кўрайин, билайин, таниб олайин?!
Сени ахтармоқлик
мен учун қисмат,—
Туғ қилиб дунёга доврүқ солайин!

Ҳақиқат излайман!..
 Салом, Москва,
 Қардош Ватанларнинг пушти-паноҳи.
 Инкилоб бердинг сен
 бизга, Москва,
 Энди бир Адолат берсайдинг, қани?!
 Еттинчи осмондан
 тушган оқ елкан,
 Абадул-бақода сирли тароват, —
 Нақадар гўзалсан,
 нақадар улкан,
 Қандай салобат бу, қандай маҳобат?!
 Қизил майдон, қизиқ,
 нега қип-қизил,
 Деворлар қизилдир, қизил Кремль?!
 Байроқлар қизилдир,
 шиорлар қизил,
 Тўрт томон қип-қизил, юзларим
 қизил?!.

Ўзни йиғиштирдим,
 ахир, бу ерга
 Томоша — яллога келмаганман, йўқ.
 Учрашмоғим керак
 катта Вазирга,
 Қанча кун беҳуда елмаганман, йўқ!..
 — Соф Тупроқ, Сув керак
 Ўзбекистонга,
 Жаноби бош Вазир, сиз бўлинг Ҳаким!
 — Бизга «пакта»¹ керак...—
 Э, дарвоқе, ҳа,—
 Сен кимсан?
 — Ҳақиқат!
 — Ҳақиқат — ҳеч ким!

IX

Хўрликки, ўлимдан
 ёмон минг қарра,
 Майли, сенинг учун хўрланай, Ватан!
 Қадрингни тиклайин
 заррама-зарра,
 Кўйингда ит бўлай, фидо жону тан!
 Қайси бир йил эди...
 Узум пишиғи
 Тифлисида кезардик Чабуа² билан.
 Бирдан айниб қолди
 ҳаво қилиғи
 Ва лайлак қор ёғиб берди дафъатан.
 Хўрматли адибга
 нигоҳим тикиб,
 Шиғил узумларни кўрсатиб, дедим:
 — Уҳ, энди барчаси
 батади чириб,
 Халқнинг насибаси... кўп ёмон бўлди...
 Адиб қаҳ-қаҳ урди...
 Сўнг кулди кўзи...
 Сўнг эса, деди у (жиддий ва сипо):
 — Токлар ўсаверар,
 етилар узум,
 Лекин Гуржистонга керак соф ҳаво!..

¹ Пахта демоқчи.

² Грузин ёзувчиси Чабуа Амирэжиби.

Сен яқдил эмассан,
 ҳали, ўзбегим,
 Юртимнинг ўзлиги ўзда эмас-ку?!
 Ҳар бир халқ бошқармас
 экан то ўзин,
 Ҳеч нарса ўзгармас! — Қатъий гапим
 шу!

Эгилган дарахтга
 суянсанг агар,
 Сени ҳам ўзидек эгар албатта.
 Элингдан чиқмаса
 донишманд сарвар,
 Ҳамиша яёвсан, ғаниминг отда!
 Қўшнининг нон-тузи
 кўшнига қарздир,
 Эли бошқа бўлса, эл бўлмас, дерлар,—
 Боболар гаплари
 барчага фарздир,
 Нодону нокаслар бир-бирин ерлар!
 Мен нафрат қиламан,
 то эртадан кеч
 Ош ошаб чойхона — пинҳон сўрида,
 Қисмати, ўйлари,
 маслаклари пуч,
 Латифа айтишиб юрган тўдадан!
 Илдиз озиқ берса
 новда кўқарар,
 Деҳқон озиғини ёнга урган кас! —
 Мен нафрат қиламан
 Ва айтай такрор:
 Кимки фикрламас, у халққа кирмас!
 Эр бўлиб туғилмас,
 эр бўлиб етар,
 Ўйлагин таниннга озурда андуҳ,—
 Мен нафрат қиламан,
 эй, миллатсотар,—
 Фақат нафсин деган ҳезалак гуруҳ!
 Бунча кўпайдингиз,
 бунчалар кўпсиз,
 Беаждод, беавлод, зурриётсизлар,—
 Мен нафрат қиламан,
 сиз силлиқ тўпсиз,
 Тилини, динини унутган зотлар!
 Сўнгги йилларда, оҳ,
 бир синф келди,
 Улар қисматиға асл йўқ таъриф,—
 Фоҳишалар синфи,
 дея аталди,
 Нафратим сенгадир, фоҳиша синф!
 Фоҳиша, фоҳиша...
 бир таниш жувон...
 Менга не деганин айтмасам бўлмас:
 Баҳслашиб қолдик
 бир кун чунон:
 Миллат, Ўзбекистон ҳақида, хуллас.
 Мен сўнгги сўзимни
 айтдим жаҳд билан:
 — Сиз, ахир, ўзбексиз, бу йўлдан
 қайтинг!

Ўзбекистон бахти
 сизларгадир тан,
 Унинг келажаги не бўлар, айтинг?..
 Ийғлади... сўнг кулди...
 берган бўлди зеб,—
 Тақиб олди сирға — ярим ойини.

Сўнг у: «Ўзбекистон
келажаги», деб
Ғазаб-ла кўрсатди нозик жойини...

XI

Ўзбекистон, Ота,
Ў, мен ҳушёр маст,
Буюк бир ғам билан севаман сени!
Юрт кезмаган додон,
эл кезмаган кас,
Қаёқдан билсин-ей сенинг қадрингни!
Ҳақиқий гапдир бу:
ҳар ким тешани
Ўзин тарафига чопмоғи аён.
Йиғиштириб қўйдим,
бас, андишани,
Очга, яланғочга тегмоқлик ёмон!..
Ўзбекистонда чўл,
даштлар кўп, бирок,
Жуғрофий жиҳатдан тоғлар ўлкаси,
Лоф билан айтганда,
саҳроларга боқ,
Салқин тўшаб турар улар кўлкаси.
«Фарғона водийсин
тупроғига гар,
Шоти эксанг,— деган битта келгинди,—
Арава унади
аниқ-муқаррар!»
Унинг сўзларида ёлғон йўқ эди!
Йўқ! Ёлғон йўқ эди...
Каттаю кичик
Олти юздан ортиқ дарё оқарди.
Эслаб-эслаб кўяр
Ватаним шўрлик,
Куйиб-суйиб, мана, сочи оқарди.
Зарафшону Тошкент
воҳаларида
Боғлар яшнар эди бақавли жаннат.
Сурхону Қаршининг
яйловларида
Сурувлар ёйилар эди беминнат.
Бир қозон асалу
бир қошиқ заҳар...
Тамом ўзгартирди халқим тутимин.
Қанчалаб қора кўз
ўзбек жужанлар,
Унутиб қўйдилар ҳатто ўз тилин! —
— Эътиқод, Тил керак
Ўзбекистонга,
Сиз тахтда эрурсиз, сиз бўлинг Ҳақим?!
— Бизга «пакта» керак...
бизга «таг»² керак?...—
Сен кимсан?...
— Ҳақиқат!
— Ҳақиқат — ҳеч ким!

XII

Кўтарам халқлар бор:
билибми, билмай,
Ғурур туяр ҳатто чориғи билан.
Нега фахрланмай,

¹ Жужан — манкурт.

² Таг — тахт демоқчи (шева).

³ Нурота тоғлари назарда тутилмоқда.

нега мақтанмай
Ўз элим ва унинг тарихи билан?!
Ватан ичидаги
Ватан Самарқанд,
Ватан ичидаги Ватан Бухоро,
Шош, Хива, Қўқон... йўқ
Уларга монанд,
Йўллари чанги ҳам кўзимга даво!
Қуруқ сойга кўприк
қурмаган ўзбек,
Ўлса — ўранган ўз увадасига!
Жон дўстин бошига
кўтарган ўздек,
«Сен ёвсан!» — демаган нон, мол
«дўсти»га!

Ўн фарзанд туғилса
ўн терак экиб,
Саранжом-саришта яшаган халқ бу!
Учоқ, қозонига
меҳрини тўкиб,
Ўз ёвғонин ош деб ошаган халқ бу!
Келимли-кетимли
ушбу дунёда
Бир ўтмиш яратди — жаҳонга кўзгу.
Яшаш-ку яратиш,
демак, аслида,
Яратиб ҳайрона, вайронадир у!
Тупроқ, Сув ва Ҳаво —
Ватаним тани,
Ишонгим келади, тузалар бир кун!
Аммо мулкдан айро,—
Ватаним жони —
Яримжон шу халқим тузалармикин?!
Бўлармикин, дейман,
миллий истиқлол,—
Жорий сиёсатга у зарурият!
Ислоҳат қилмоқлик,
келса гар малол,
Ки, демак, замонга шартдир Ҳуррият!
Ўзбекистонга Эрк,
Озодлик керак,
Садо борми унинг халқи сасига?
Юраги тўлганнинг
йиғиси бўлак,—
У зордир Ғурурнинг ҳимоясига!

XIII

Пойтахтдан қайтган кун...
Нур³ сари кетдим, —
Кўнглим шу тоғларда топар осойиш.
Алқорлар ўйнайди,
чашмалар сим-сим...
Какликлар чиройин қилар намоиш.
Қуёш ёниб битди.
Ғириллар шамол,
Ҳаёт чўққиси-ла турдим бетма-бет.
Бир овоз... дафъатан,
чўққидан, алҳол,
Шомнинг сокинлигин тилди кетма-кет!
— Аланкуво, Аланкуво,
Нурга қўшилган, Она!
Аланкуво, Аланкуво,
Марҳамати кенг, Она!
Ёлвораман, қабул айла,
Фақир дилим эт кушод!
Аланкуво, Аланкуво,


Менга бер бир пок авлод!
Ул авлоднинг иши, фикри
Бирлик топсин то абад!
Ватан ишқи бўлсин зикри,
Миллатин этсин обод!
Озодлигин туғ сингари
Кўтарсинлар бошида.
Ҳам дастурхон, ҳам қиличи —
Бирдек бўлсин қошида!
Аланқуво, Аланқуво,
Эрксиз дилим этгил шод.
Аланқуво, Аланқуво,
Менга бер озод авлод!!!

Шом тунга айланди,
узун муножот...
Миллат, умматимни танидим гўё.
Ким у? Арвоҳмикин?..
Ё бир даҳрий зот?
Ёки бир фаришта ва ёки рўё?
Ким у? Балки менман?..
Сендирсан балки?..
Эҳтимол, қандайдир камдийдор
кондош.

Ким бўлса ҳам тили —
тилимга тўғри,
Ким бўлса ҳам дини — динимга
жондош!
Миллати ҳокима,
лаънатга лойиқ,
Миллати маҳкума, сенга шонли йўл!
Ўз баҳрида сузсин
ҳар кема, қайиқ,
Кескин қурашларда ёвқур, собит бўл!
Ким у? Жалолиддин
руҳимикан ё?
Ва ёки суйдигим Ҳусайн Жовид?
Ким у? Қрим-татар
Гаспрали ё?
Ё қозоқ талаба — уйғонган йигит?!
Улуғ Туркистоннинг
битта бўлаги,
Балки Ўзбекистон, бир Сиймо монанд,
Муножот қилгандир,
шоён тилаги,—
Кўрмай — ишонаман — ман
саодатманд!

ХОТИМА

Учоқлар учади,
кўналғилардан,
Дунёни айланиб елар поездлар.
Ҳаво кемаларин
йўналғилардан
Изма-из кузатиб қолар юлдузлар.
Уммонлар бағрини
ханжардай тилиб,
Бамисли дўзахнинг сур лашкарлари,
Сирлик тамғаларин
бошга тож қилиб,
Изгишар сув ости ракеталари.
Шимолдан Жанубга,
Жанубдан Шарққа,
Шарқдан Ғарбга тинмай айлаб
савтолар,
Шу кўҳна Заминни
солиб титроққа
Олд-орти узилмай чопар автолар.
Қўғирчоқ мисоли
қараб ҳаётга,
Баъзи Давлатларнинг президентлари,
Сонсиз бомбаларни
яшириб ортга
Қучоқлашар ака-ука сингари!..
Тоғдан келаётган
қудратли селдай,
Ўз ишин қилгайдир шошқалоқ шиддат.
Лекин Инсон уйда
не борин билмай,
Кўкка интилноғин тушунмам фақат!



Муҳаммад Али

Сабздорлар

Роман¹

ИККИНЧИ ҚИСМ

УНИНЧИ БОБ

Мавлонозоданинг ҳужраси

...Кониғилда ғаройиб манзара кўзни қувонтиради. Баҳор нафаси табиатга жон озиғдай мадад бермакда, ҳар кунжакдан жаннат жамоли кулиб боқадир, юз турфа сабзаю райҳонлар ўз бағирларига Эрам боғини яширишган... Далада минг турли ранг-баранг чечаклар айланишга чиқишган...

Ям-яшил ўланзорда ҳеч ким йўқ, Самарқанд халқи сайру томошага чиқишни яхши кўрадиган Кониғилда, чоштгоҳ вақтидан ўтган бўлишига қарамай, ажабо, ҳеч ким йўқ... Икки кишидан бошқа... Бошига такана ташлаган, узун енгли оқ бўз кўйлак кийиб олган, вужудидан ғайрат ёғилиб турган гўзал Жаҳон билан эғнида янги оқ яктак, мисқоли салла ўраган Мавлонозодадан бошқа... Гўёки бутун олам, эл, табиат, икки севишган юраклар бир-бирлари билан кўришолмай азиятда қолдилар, бас энди, қониб-қониб сўйлашиб олсинлар, бир-бирларига боқиб тўйсинлар, дейишгандай, икки оташ қалбнинг холисанилло ташвишини чеккандай туюларди.

Ажабланарли жойи шуки, Жаҳон ўланзорнинг гуллар тўфони қайнаб ётган чап томонида, Мавлонозода лолалар хирмони тошиб шоширган ўнг томонида эди. Қиз севиклиси тараф қадам ташлагани сари, юриш қийинлашиб борар, гуллар қалинлашиб йўл бермасди. Йигитда ҳам шундай ҳол: вазифаси севишган дилларни бирлаштириш бўлган гуллар Кониғилда, аксинча, тўсқинлик қиларди. Лекин на қиз, на йигитнинг нимага шундоқ эканлигини ўйлашга фурсатлари бор, фақат тўтиқушнинг болаларидай қизгин бир-бирига талпинишади:

— Жаҳо-о-о-он!..

Йигитнинг кучли овози Кониғилни жаранглатиб юборади, ўланзорни оралаб, гулларни, майсаларни сийпалаб ўтиб, олисдаги тоғларни бағирлаб, эпкинга кўшилиб қайтиб келади:

— ...о-о-он!..

Қиз, оламни тўлдирган бу овозни шаҳарда, Наддофлар маҳалласида эшитиб қолишади-ку, деб хижолат чекади. Жаҳоннинг ёлғиз ўзи у ёқларда нима қилиб юрибди дейишмайдими, дейди...

— Астароқ сўзланг, мулла ака! — илтижо айлайди Жаҳон. Оҳиста айтилган қизнинг каломлари йигитнинг овозидан ҳам қаттиқроқ акс-садо беради, борлиқнинг қат-

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда

қатларини янгроқ оҳангга тўлдириб юборади. Бундай ҳолдан иккиси ҳам лол, бир-бирларига тикилишар экан, кўнгиллари фараҳларга тўлади.

Энди эса бутун табиат ҳаяжонда, майсалар жилмаяди, гуллар табассум қилади, тоғлар хо-холайди, олам қаҳ-қаҳ отиб кулади...

Мана шундай талотум ичида Жаҳон билан Мавлонозода олдинга, рўпарадаги тоққа қараб юрар эканлар, гул хирмонлари ортда қолар, бошларида қушлар ғужғон ўйнарди. Қиз билан йигит тоғ тепасига чиқдилар. Олдинда бепоён фазо, туйғулар кенглиги, муҳаббат олами яшнаб ётарди.

— Келинг, учиб кетамиз! — деди Жаҳон осмон қатларига чиройли кўзларини тикиб.

— Эркин қушлардек! — қўшимча қилди шайдо йигит фазонинг мовий рангларидан завқланиб.

Улар чўққида туришар экан, оёқларида қайдандир фавқуллодда бир куч пайдо бўлди-ю, қўлларини ёзишганча фалакка парвоз қилдилар. Улар қушдан ҳам енгил учардилар. Қаёққа учиб боришаргани билишмас, кўнгиллари фақат парвоз сеҳри, кенгликлар меҳри... Ана, пастда Конирил ўланзори, ана, Самарқанд... ана, Шаҳри-сабз... ана, офтобда ялтираб, эгри-бугри олов тасмадай кўринган Зарафшон биланглаб оқмоқда...

Бирдан Жоме масжиди томондан Шамсиддин сўфининг азони эшитилди:

Оллоҳу акбар!.. Оллоҳу акбар!.. Ашҳаду ал-ла илаҳа иллоллоҳ!.. Ашҳаду анна Муҳаммадар-расулиллоҳ!..

Мавлонозода уйғониб кетди. Аъзои бадани жикқа тер, ҳўл бўлибди, аммо руҳи қушдек енгил эди. У яна парвозга қайтгиси келиб, дарров кўзини юмди. Наф бўлмагач, шифтга қараб бир муддат хаёл суриб ётди, ҳеч хаёлларидан айрилгиси келмасди, Кейин ўрнидан турди-да, қўл-бетини ювди, таҳорат олди. Мадраса ҳовлисига чиқиб, машриқ томон кўз ташлади. Офтоб ҳали чиққани йўқ... У ҳужрага қайтиб нонушта қилди-ю, кўпдан орзулаб юргани Абулайс ас-Самарқандийнинг «Бўстон ул-орифин» китоби мутолаасига киришди. Китобфуруш топиб қўйган экан, кеча бозордаги дўкондан олувди. Шу пайт ташқаридан:

— Ҳў, мулло! Уйдадилар?!.. — деган овоз эшитилди. У китобни очик ҳолида лавҳа қолдирди-да, ташқарига юзланди:

— Айтганингиздай уйдадилар! Келаверсинлар!

Толиби илмининг тахмини тўғри чиқди, келган одам Кулоллар маҳалласи оқсоқоли Уста Кулол эди.

Тақхонадаги ўша суҳбатда, ўз ҳужрасини сарбадорлар жамоаси ихтиёрига топширдим, дегандан кейин, Садр Сулаймон мадрасаси толиби илмининг ташвиши кўпайди, авваллари фақат Худобанда билан Аббос баҳодиргина келиб турадиган ҳужра энди гавжум бўлиб қолди. Бу ерда камонмерган Хўрдак Бухорий, Ҳалвойи, Исоқ этикдўз, Нозим Меҳметларни тез-тез кўриш мумкин. Улар ўз чекига тушган жойлардаги кишилар рўйхатини келтириб беришди.

Мавлонозода Уста Кулол билан суҳбатлашиб ўлтиришган пайтда морбоз Лакшман ҳам сарбадорлар жамоаси котиби ҳужрасини излаб келиб қолди. Ҳужралар томчи сувдай бир-бирига ўхшаганидан, топа олмай, нарига ўтиб кетди. Бир ҳужрани очди, ичкарида овози ингичкадан келган, кўзлари шилпиқ каламуш башара бир муллавачча қироат билан банд эди. Лакшман Абумансурнинг ҳужрасига келиб қолганди.

— Мулла йигит, сизни сабоқдан қўйдим... узр... — деди, сўнг Мавлонозода ҳужрасини сўради.

— Ўн ҳужра орқага қайтасиз, ўша ерда... — деди Абумансур кўзлари катта-катта Лакшманнинг кичик жуссасига тикиларкан, дастрўмоли билан шилпиқ кўзларини артди: «Нима учун Мавлонозода атрофида ҳаммаси парвона экан-а? Қандай сир бор бу ерда, қандай сир? Нега мен билмаймен, нега?..»

Морбоз раҳмат айтиб ортига қайтди.

— Сарбадорлар нечтага етди, уста? — сўради Мавлонозода.

Уста Кулол жилмайди.

— Наддофлардан сўнг бизники-да, Самарқанднинг энг катта маҳалласи, — деди у. — Чоғимда, мингтага борди-ёв! Лойи пишитилган бўлсин, ишқилиб...

— Сир тутмақдамусиз? — Мавлонозода умум қондани эслатди. Сарбадорлар жамоаси оқсоқоли ҳар бир вакил келганда шуни сўрашни қаттиқ тайинларди.

— Бешак-шубҳа! — тинчлантирди Мавлонозодани Уста Кулол.

Шу пайт ҳужрага Лакшман кириб келди.

— Овозларингиздан танидим, — деди у. — Ҳужрангизни топгунча анча қийналдим...

— Нима... овозимиз ташқарига чиқиб турибдими? — ташвиш ичра деди Мавлонозода.

— Ҳовлига эшитилиб турибди, ҳужра ёнидан ўтган баралла эштади.

Уста Кулол билан Мавлонозода ҳайратланиб бир-бирларига қарадилар.

— Биз эса сир тутмақ ҳақида бақириб гаплашаётган эканмиз-да! Бу ёғи қандоқ бўлди, уста?..

— Деворнинг ҳам қулоғи бор, деган гап машхур... — қўшиб қўйди Уста Кулол.
Уста Кулолнинг гапи бу ерда жуда ўрнига тушди. Абумансур морбозни кузатиб қўйди-ю, қизиққанидан жойида ўлтиролмади қолди. Мадраса ҳовлиси кимсасиз... У Мавлонозода ҳужраси эшигига келиб, биқинганча гапга қулоқ сола бошлади.

— Бағоят ҳақ гапни айтдингиз. Бордию ҳозир шундоқ эшикнинг орқасида кимдир гапимизни эшитиб турган бўлса-чи? — Мавлонозода шундай деди-ю, бу гапига ўзи ҳам ишонмади.

Юраги така-пука Абумансур, мабодо эшик очилиб қолса, нима қилиш лозимлигини ўйлаб, атрофга кўз ташлади. Эшик билан девор ўртасида бир одам сиққувлик жой бўлиб, агар эшик очилса, киши ўша ерда биқиниб қолиши мумкин. У ортга қайтмоқни ҳам мўлжаллади, бироқ сирни билиш истаги устун келди-да, жойида қолди.

— Йўқ, ташвиш қилманг, — деди Лакшман. — Ташқарида одам зоти кўринмайди.

— Кимнингдир овози келяптими? — сўради бирдан Уста Кулол.

Орага жимлик чўкди, ҳамманинг қулоғи динг бўлди. Ҳеч қаердан ҳеч қандай садо эшитилмас, фақат Чорсу майдони томонда садақа сўраб юрган бир девонанинг ўтқир овози элас-элас қулоққа чалинарди. Абумансур бўлса эшик орқасида нафас ҳам олмай турарди. Эрталаб кўйлақчан ташқарига чиқиб кетганиданми, у сал нохушлик сеза бошлади, бурни ачишиб, акса уриб юбориш хавфи туғилди.

— Хонқали кўчасини ҳам айланиб келдинг, шундай қилиб... — Уста Кулол Лакшманга тикилди. — Нечтасини рўйхатга олдинг?

— Хонқали кўчасида уч юз киши. Ҳар бир одам билан сўйлашдим. — Морбоз мамнун эди. — Кўплари сарбадорлар ҳақида эшитишган. Самарқандни фозил шаҳарга айлантириш борасида сўйласам, Ниёз қизиқчи, афсонани гапирманг, дейди. Сарбадорлар жамоасини маъқуллашди, «Хайрия» жуда ёқди... Гапларимни тушунмаганлар ҳам бўлди... Уларни қўшмадим.

— Сир тутишадирми?

— Албатта! Бозоркўчадагилар рўйхатини энди олиб келурмен.

— Биронта ҳам хонадон қолмадимми? — сўради Уста Кулол.

— Биронта ҳам! — жавоб берди Лакшман.

Абумансурнинг димоғи тобора чирсиллаб борарди, у икки бармоғи билан бурнани қаттиқ қисди. Энди нафас маромига путур етганидан томоғи қичишга турди, ҳа-па, дегунча йўтал тутиб қолиши ҳам мумкин...

— Балли, балли! — деди уста зўрға ўзини кулгидан тўхтади.

Мавлонозода ҳазилвон Уста Кулолнинг гапни қаёққа буряётганини яхшигина тушуниб турар, соддадил морбознинг тўғрилиқчасига самимий бераётган жавобларидан завқланар, сўзга аралашмай суҳбат оқимини кузатарди.

— Бундан чиқди, кўчанинг бошидаги хонадонга ҳам кирибсанда? — жиддий тикилди Уста Кулол.

Морбоз ўйланиб қолди. Бирдан хижолат тортиб жилмайди, худди айб иш қилиб қўйган одамдай катта-катта кўзларини четга опқочди:

— Ҳа... Оббо сиз-ей! Қўймайсиз-да, уста!..

— Асосий рўйхатни ўша ердан бошлаш лозим эди! — қаҳ-қаҳ отди Уста Кулол, Мавлонозода ҳам унга қўшилиб куларди.

— Тўғри... Биронта ҳам кирмаган хонадоним қолмади, дебмен... — Морбоз ҳазилни келган жойидан давом этдирди. — Хонлиқ оқа хонадонига кирмадим. Лекин унинг ўзи билан гаплашдим...

— Ие? Ие? Хўш, хўш? — сўради Уста Кулол кулгидан тўхтаб.

— Биз «хайрия»га дирҳам-пирҳам беролмаймиз, дейди...

— Ҳа, нега энди? Нега энди?..

— Биз, бошқа нарса берамиз, дейди...

Қаттиқ қаҳ-қаҳа кўтарилди. Абумансурнинг иложи қолмади, қараса, акса уриб юборадиган. Оғзини беркитганча ўрнидан турди-да, эшикдан ташқари отилди. Беш-ўн қадам юргач, қаттиқ акса уриб юборди, бу пайт кулгу тинганди, «апчу!» ҳужрадагиларга аниқ эшитилди. Мавлонозода шитоб ҳовлига чиқди, уни кўрган Абумансур лўкиллаб чопа бошлади.

— Ҳа, Абумансур? — маъноли савол ташлади Мавлонозода.

— Бадан тарбияси билан шуғулланаётирмен... — деди Абумансур боз акса уриб. — Чиниқмак лозимдир...

— Ажаб... бадан тарбияси билан шуғулланишингизни ҳеч кўрмаган эдим.

— Бугун илк бор бошладим...

— Акса уриб турибсиз...

— Тўғри айтасиз, кириб кетамен, шекилли... — Абумансур шундай деди-да, секингина ҳужрасига кириб кетди.

Мавлонозода ҳозиргина Абумансур турган жойга бирпас тикилиб турди, бирон шубҳа унинг хаёлига келмади. Бирдан толиби илмининг қулоғига:

«Таваккалту алолло»ни деган эр,

На қалқону, на толқоннинг ғамин ер! —

деган сўзлар эшитилди. У дарвоза томон қайрилди: баланд бўйли, бошига учли қалпоқ кийиб олган, барваста, шоп мўйлов Ахий Жаббор келарди. Мавлонозода Тун салтанатининг ишонган тоғларидан бўлган бу йигитни, ўша Самарқанд қўйнида машъалалар порлаган кечаси Чорсу майдонида кўрганича бошқа учратмаганди. Бироқ унинг ортида атрофга олазарак тикилганча, айиққа ўхшаб лапанглаб келаётган одамни кўриб озроқ саросимага тушиб қолди. Миқтидан келган, юзларини соқол-мўйлов босиб кетган, ўнг чеккасида ёнғоқдек нарса бўртиб чиққан одам Абомуслим эди.

— Дўстни кўрмоқ зўр юмуш, ҳеч баҳоси йўқ эмиш! — деди Ахий Жаббор Мавлонозодага кучоқ очиб. Сўнг ёнидаги одамни таништирди: — Бу киши Тун салтанати фуқароси Абомуслим бўладилар!

Мавлонозода Худобанда билан иккисига тинчлик бермаган бу одамни доим йироқдан кўрганлигиданми ёки ҳамшиша йўл тўсиб чиқаверганидан ҳаяжонга тушганиданми, чеҳрасига яхши қарамаган экан. Абомуслим очик чеҳрали, хушрўй қиёфали эди, чуқур ботиб кетган кўзлари сўнгги йўқ қайғуга тўлиб турарди.

— Абомуслим оға, Тун салтанатининг ғазначиси этиб тайинланди, кечаги йиғинда. Шаҳриёрдан тортиб салтанатнинг энг сўнгги фуқаросигача Абомуслим оғани ҳалол, хиёнатдан йироқ одам деб ёқладилар. Сарбадорлар жамоаси «хайрия»сига жамалгани бу киши йиғиб берадилар. Келаётган эдим, Абомуслим оға: «Самарқанд сарбадорлари жамоаси котиби, хушбичим йигит Мавлонозода билан мени ҳам таништириб қўйсанг!» деб қолдилар. Бу ердан чиқиб Нозим Меҳмет қаҳвахонасига борамиз...

— Жуда яхши! Жуда яхши! — мамнунлигини яширмади Мавлонозода. — Қани, ичкарига... Меҳмонлар ҳам бор эди...

Тун салтанати фуқаролари хужрага кириб бордилар.

— Ёдингизда бўлса, — деди Мавлонозода. — Абубакр оға ғаройиб салтанат ҳақида гапиргандилар. Мана, ўша салтанат фуқаролари — Ахий Жаббор, Абомуслим оға! Булар эса — Кулоллар маҳалласи оқсоқоли Уста Кулол оға, сарбадорлар такяхонаси соҳиби морбоз Лакшман оға...

Кўришиб бўлганларидан сўнг Ахий Жаббор одатдагидек тантанали суратда сажли сўзини бошлади:

— Азизларим, сизларга битта сўзни айтайин, ёмони йўқ оламда сўз дейилса нотаин. Рўйи заминда яккаю ягона, унга тан беради замона, Тун салтанати фуқаролари ўзларини бундан буён сарбадорлар сафида кўрадилар! Мана шул муждани котибимизга еткурмакка келдик. Сарбадорлар жамоаси оқсоқоли Абубакр Калава оға кеча анжуманимизда иштирок этдилар, ўзлари ҳам қароримиз гувоҳи бўлдилар...

— Тун салтанати фуқаролари ўзларининг ҳар бир кепакли чақасини лозим эса сарбадорлар жамоаси учун сарф этишга тайёрдирлар! — деди Абомуслим.

Уста Кулол Тун салтанати фуқароларини қаердадир кўргандай бўлаверди, аммо қаердалигини эслай олмади. Лакшман эса дарров таниди, уларни Чорсу майдонида, бозорда, карвонсаройда, тўй-томошаларда кўп кўрган.

— Салтанатингиз каттадирми? — сўради Уста Кулол Ахий Жаббордан, унинг ўтлишудли эканлигига эътибор бериб.

— Салтанатимиз бутун Чорсу майдонидан иборатдир. Ушбу салтанат ҳудуди кенгайиб бормакда, буткул шаҳарга ёйилмакда... Мана, Тун салтанати рўйхати...

Шу пайт Абомуслим ўз-ўзига айтгандай хаёл ичида:

— Қани ганак? Ё лошқанот! — деб юборди.

Ҳамма нима деяпти, дегандай ҳайрон бўлиб унга қаради, ҳеч ким ҳеч нарса англамади. Мавлонозода Худобанда иккиси Абомуслим билан неча бор учрашишган бўлса, барчаси бир лаҳзада толиби илм хаёлидан лип этиб ўтди. Абомуслим ҳар сафар ҳам бир хилда ана шу сирли сўзларни такрорларди.

— Нима дедингиз? — сўради Уста Кулол, жуссаси кичик Лакшманнинг ҳайратдан кўзлари яна ҳам каттароқ очилиб кетди.

— Ўзим... шундоқ... — хижолат бўлди Абомуслим.

— Ахий Жаббор! Нечун Абомуслим оға доим шу сўзларни айтиб юради, балки биларсиз? — сўради Мавлонозода. — Кўнглида бир дардлари борми...

— О! Толиби илм, кимда йўқдир дард, дарди билан қувватлидир мард! Тун салтанатида бир одат борким, ҳеч қачон кишининг ўтмиши борасида сўралмайдир. Ким эдинг, қандоқ эдинг, қашқанг бормиди, тожинг бормиди — булар салтанат фуқароларини асло қизиқтирмайди. Аввало, унинг одамлиги даркордир, — Ахий Жаббор жиддий гапирарди. — Бу сирли сўзларни мен кўп эшитганмен, аммо қоидадан чиқмай деб маъносини сўрашга ботинмаймен, ўзлари эса айтмайдилар...

Абомуслим лом-мим демас, кўзларини ерга тикканча гапларга қулоқ солиб ўтирарди. Шу ерга келганда оқ тортиб юборди.

— Айтамен... нега айтмаймен? Айтамен! — ўртанди Абомуслим. — Фақат қиссамнинг кимга кераги бор, деймен. Андиша қиламен... Азобларим мени жинни қилишига оз қолаётир...

Ҳамма Абомуслимга тикилиб қолди.

— Андиша қилманг! Айтинг, биродар! — Уста Кулол самимий қувватлади.— Айтинг! Дардингиз енгиллашади!

— Майли...— Абомуслим ҳаммага бир-бир қараб чиқди.— Үзим ҳам қийналиб кетдим. Енгил тортсам зора...

Абомуслим ҳикоясини бошлади.

* * *

— Бу йил, 765 йил кўкламида, адашмасам, қирқ тўққизга кирдим. Асли Фарғона томонларданмен, Ахси шаҳридан. Ахси — Сайхун бўйида жойлашган бўлиб Мовароуннаҳрда машҳур шаҳарлардан ҳисобланади. Шон-шукуҳда унга тенг келадиган шаҳар кам, Қубо, Андижон, Марғионлар унинг ёнига боролмайди. Хўжанд, Тошкент, Самарқандлар билан бас бойлашадиган кент эди она шахрим Ахси... Мен Ахси ҳоқими Саъди Акбар хонадонида туғилдим, Жалойирбек деб атадилар. Волидам отамнинг кенжа, тўртинчи хотини бўлиб, Оққизбегим дердилар. Падари бузрукворимиз волидамизни суюб қолиб уйланган эканлар.

Мен эрка-талтанг ўсдим, укаларим билан ўйнамасдим. Мактабда ўқитишларига бепарво эдим, ота-онам чунон уриндилар, такасалтанглигимдан уларни ҳам ҳоритдим. Менда ўйин-кулгига ҳавас кучли эди, ўқиш, меҳнат қилиш ҳақида гап кетди дегунча елка томирим тириша бошларди. Тенгқур дўстларим билан Сайхун бўйларига шикорга чиқардик, ошиқ ўйнаш, бўзахўрлик, баччавозлик қилиш, чилим тортиш асосий машғулот эди. Чилимни тортиб, эски гиёҳвандлардек: «Қиршо! Қиршо!» деб қўярдик йўталиб, аммо маъносини билмасдик, бу бир маъносиз сўз бўлса керак...

Ёшим йигирма бешга борганда Марғион бегининг қизини олиб бердилар, тўғрироғи, олиб бермасликларига қўймадим. Унгача уйланмадим. Бир марта шаҳар аёнларидан бирининг қизига уйлантирмакчи бўлдилар, оёғимни тираб туриб олдим. Иккинчи марта қозининг қизини олиб беришмакчи бўлди, тўй арафасида Андижонга қочиб кетдим... Бундай қилишимнинг сабаби, мен уйланмак, ожизаларга эш бўлмак руҳи пок кишиларга тўғри келмайди, деб ўйлардим, андишасизларча ўзимни ўшандоқ кишилар қаторига қўярдим, домоним булғанмасин, дердим...

Бир куни волидамизни кузатиб Марғионга боришга тўғри келди. Онамиз Марғион бегининг заифалари билан дугона эдилар. Булажак завжамни ўша ерда кўриб ошиқу беқарор бўлдим. Сулувбика — сут билан чайиб қўйгандай офатижон эди, кўрдиму жигаримдан урди, гўзал чеҳра хаёлимдан кетмай қолди. Ота-онам уйланаман, деганимга хурсанд бўлиб кетишди, аммо Марғиондан келин тушириб келишга оғринишди. Сабаби, отам билан Марғион беги орасида орият даражасида бир келишмовчилик ўтган экан. Ушанга отам: «Қандай бош эгиб борамен?» дер эмиш. Мен: «Жалойирбек беклигини қилади, Сулувбикани олмасам дунёдан тоқ ўтамен!» деб туриб олдим. Отам мени оқ қилиб юбораман, дер эмиш, тагин ўзини босар эмиш... У ақлли, андишали одам эди, онам икковлари охири маслаҳат қилишиб, ўғлимиз уйланса қўйилиб қолади, тезроқ тўйини бошлаб юборайлик, дейишибди.

Отам катта бошини кичик қилиб Марғионга совчи юборди. Совчилар бир неча марта қатнашди, куда томон совчилар борган сари қизининг баҳосини оширарди...

Тўй ҳам ўтди.

Тўйдан кейин ҳам менинг яшаш тарзим ўзгармади. Уша давралар, шикорлар, бўзахўрлик, қиморвозлик...

Ногаҳон юз берган бир воқеа ғира-шира хонамни чақмоқдай ёритиб кетди, кўлмак сувдай ҳаётимни тўлқинлантириб юборди: ўғил кўрдим! Ота-онам ҳаддан зиёд севишнишди, Сулувбика бахтли эди. Уғлимга Шерўғлон деб от қўйдик. У бирам ширин эдики, бирам ширин эдики, қўяверасиз! Бирга кирди, иккига ўтди... Уни «Ширинўғлон» деб эркалатардим. Кейин қиз кўрдик. Ширинбика деб атадик уни. Икки курагининг ўртасида чиройли нори борлигидан, «Қизингни Норжон дейиш керак!» дер эдим онасига ҳазиллашиб. Адашмасам, ўғлимнинг кўкрагида, юрагининг тепасида ҳам нори бор эди, ҳа-ҳа, каттагина нори бор эди...

Ширинбика туғилган йили фожиа юз берди,— давом эттирди ҳикоясини Абомуслим.— Отам Саъди Акбар саройда кечаси номаълум кишилар томонидан ўлдирилди. Отамнинг турли хотинларидан фарзандлари кўп эди, лекин ҳоқимлик рутбасига амаким Саъди Ваққос эришди. Тажанг, кекчил бу одам азалдан пинҳона ҳоқимликка даъво қилиб келарди. Ҳатто отамнинг ўлимида амакимнинг қўли бор дейишарди. Бу ёғини олло билади, мен бир нарса деб гуноҳга ботишни истамаймен.

Шу алпозда кунлар кечди. Тўрт ёшга кирган Шерўғлоннинг тобора шўҳи чиқиб борарди. Ширинбика, ширинқизим эса бирдан ўтиб иккига қадам қўйди. Тили чиқиб чулдираб қолди. Ростданам ширин.

Авваллари шикорми, майхўрликми, чилимми, қиморми — барчасидан ҳам оздан бўлиб турар эди. Кейинги вақтларда шикорни умуман йиғиштирдим, гарчи Сайхун бўйларида шикор қилишни дунёнинг уч фароғатидан бири деб ҳисобласам ҳам. Мени қимор ўзига батамом тортиб олди. Унинг васвасасидан тунлари ухламай чиқади-

ган, «Қани ганақ? Ё лошқанот!» сўзларини такрорлайдиган бўлиб қолдим. Киши бундай паллаларда нима қилаётганингни билмайсан, буткул эс-хушингдан Мосуво бўласан, ақлинг терс томонга ишлай бошлайди. Умидингни узиб молингни тикасан, аммо молингни оламан, деб умид қиласан. Рақибингни жонини олай дейсан, жонингни тикасан, бутун олам, ҳаёт, ёр-дўст, одамгарчилик торозининг бир палласида туради, бир палласини ўзининг васваслари, гиж-гижлари, қайноқ ҳаваслари, кутқулари билан қимор банд этади...

Бир кун ютқизавериб бор-будимдан айрилдим. Ҳеч омадим келмади. Олам кўзимга қоронғи бўлиб кетди, ҳеч нарсага ақлим етмай қолди. Нима бўлса тикишга тайёр бир ҳолда эдим. Миям қарахт, гарангман. Теграмни омади чопиб турган рақибларнинг хушчақчақ ва музаффарона овозлари тутган... Ақлим бир лаҳза ёришгандай бўлди-ю, дунёда менинг ўйинга тикадиган хотин, бола-чақамдан бошқа ҳеч вақом йўқ эканлигини англадим! Энди ўйласам, даҳшатга тушиб кетаман, лекин миям қизиб турганда, ўшанда, менга хотинимни ўйинга тикиш даҳшат бўлиб туюлмади. Аксинча, шу йўл билан ютқизган молларимни қайтариб оламан, деб умид қилдим, бунга ишондим ҳам, хотинимни ютқазиб қўяман, деб асло ўйламадим. Рақибларимни бир бор «Аттанг!» дегизгим, «Воҳ»латиб қўйгим келди. Заррача ҳам иккиланмай суюкли хотиним Сулувбикани, Шерўғлонни ва Ширинбикани қиморга тикдим... Даврада хотинимнинг гўзаллигини эшитишганди, сулувлигини яхши билишарди. Тўйимизда улфатларим қатнашишган эдилар-да!..

Ўртани бўшатдилар. Мен қўлимга беш дона ошиқ олдим. Ошиқлар ҳам ташланавериб ажабтовур хирпа бўлиб кетган. Бешовини кафтимга тердим, яхши ниятда барини олчи қилиб қўйдим. Бир лаҳза теваракка назар ташладим. Теваракда чағир кўз, ола кўз, қўй кўз, қисик кўз, қора кўз, кўк кўз, соққа кўз, зағча кўз-турфа кўзлар, Жалойирбек ҳозир нима қилар экан, ошиқларни қандай ташлар экан, дея катта қизиқишу ҳайратда тикилиб қолишган эди...

Мен кафтимда саф тортган бешта бир хил ошиқларга қарадим. Қарадиму кўзим тиниб кетди! Ошиқларга жон кира бошлаганди! Ана биринчиси қимирлади, иккинчисига жон кирди, учинчиси!.. Ҳозир қўлимдан ўрмалаб тушиб кетишадигандай! Лол бўлиб қолдим! Ҳеч кимники бундай булган эмас!.. Қайси қиморбоз, ошиқлар қўлимда жонланиб кетади, деб мақтана олади? Мен буларнинг барини яхшиликка йўйдим, омадим келди, деб ўйладим.

Аслида эса мени қаттиқ ҳаяжон чулғаганди, қўлим қалтираганидан, ошиқлар қимирлаб жон кирганга ўхшаб кўринганди. Мен парвосиз, руҳим баланд, ошиқларни камоли завқ билан дадил ўйинга отдим:

— Гардкам! Бахташ-таваккал!

Ошиқларни ўйинга отдиму нечундир кўзларимни очишга кўрқардим. Ҳамма бараварига «Оҳ!» деб юборди. «Битта-я, битта!» дер эди кимдир. «Биттаси олчи турса нима қиларди?» дерди бошқаси. Мен одатда ошиқларни ўйинга ташлаб кўзларимни юмардим, сўнг «Қани ганақ? Ё лошқанот!» деган сеҳрли сўзларни айтиб, ошиқларга қарардим, бу сеҳрли сўзлар кўнглимга мадад берар, руҳимни кўтарарди.

— Қани ганақ? Ё лошқанот!

Шундай дедиму апил-тапил кўзимни очдим! Очдим, очганимга пушаймонлар едим. Афсус... сеҳрли сўзлар бу сафар мени қўлламаган эди! Бешта ошиқдан иккитаси олчи турганди, қолган учтаси бўзахўрлик қилиб ҳориб толган худобезор сўтаклардай юмалаб ётарди! Мен ютқизган эдим, гўзал хотиним Сулувбикадан, Шерўғлон билан Ширинбика фарзандларимдан тирик туриб ажраб қолган эдим!

Аммо ҳали ўйин давом этарди. Албатта, бу ёғи ўйиннинг оқоваси. Мен Сулувбикани ва фарзандларимни ўз қўлим билан Гардкамшоҳга топширишим керак эди. Уйга ёлғиз эмас, балки Гардкамшоҳ ва унинг гумашталари билан кириб бордим. Хотиним бизларни кўрди-ю, мен севадиган шаҳло кўзлари жиққа ёшга тўлди:

— Нима қилиб қўйдингиз? Нима қилиб қўйдингиз? Хонумонимни куйдирдингиз-ку?! — деди.

— Яхши-ёмон гапларимга рози бўл! — дея олдим фақат хотинимга, лекин кўзларига қарай олмадим. Қимор қоидаси бўйича, ютқазган одам хотин-болаларини томга, ҳамма кўрадиган жойга чиқариб қўяди, эшикни ланг очиб ўзи этак қоқиб уйини тарк этади... Мен ана шундай қилиб, чиқиб кета бошладим. Остонадан беш қадам юриб улгурмаган ҳам эдимки, қулоғимнинг тагига тушган шапалоқ зарби гандираклатиб юборди:

— Мусулмончилигингни қилиб кет, сийниталоқ! — деди Гардкамшоҳ дарғазаб. Боплаб жавобини берсам бўларди, аммо бир кундаёқ ич-этимни еб, қуруқ гавдам қолганди холос. Илгари қариллаб юрган, шикорга чиқиб ҳаммадан кўп илвасин отиб мақтанган, неча-неча май тўла хумларни бўшатиб парво қилмаган, урганда уч одамга бас кела оладиган Жалойирбекнинг суратигина турарди...

Ҳамма менга тикилган... Гардкамшоҳ айтган нарсани тушунардим. Мен атай индамасдан чиқиб кетаётгандим. Кўнглимда, ахир қачондир омадим келиб уйимга қай-

тарман, деган умид бор эди, шу важдан орани узмоқчи эмасдим. Гардкамшоҳ эса, хотинингни талоқ қилиб кет, демоқда эди.

— Уч талоқ кўйдим! — дедим ҳаммага эшиттириб. Ҳусиб-ҳусиб йиғлаб турган Сулвбика шу ерга келганда ўкраб юборди... Энди унинг боши очик, менга етти ёт бегона бўлганди...

Уша-ўша, Ахсидан «Ҳай-ё хув!» деб чиқиб кетдим. Бошимни қайси тошларга уришимни билмаймен, қаерни ватан айлай, деб ўксинамен. Андижонга бордим, Оқгўр маҳалласида ҳаммомда гўлаҳилик қилиб кун кечирдим. Сўнг Ушга ўтдим, бир бойнинг қўйларини боқдим. Кейин Қубода ризқим сочилган экан, териб едим. Хўжандга йўлим тушди, ундан Уратепа азимати қилдим. Бир карвонга қўшилиб Тошкент, Утрор томонларга бордим, Ясси, Фороб қишлоқларини кездим. Энди билсам, бу қишлоқда муаллими соний Абу Наср Форобий таваллуд топган экан, сарбадорлар жамоаси оқсоқоли Абубақр Калава суҳбатларидан билдим. Уша ерларда бўлибмен. Икки йилдан бери Тун салтанати фуқаросимен. Ахсидан чиқиб кетганимга ўн саккиз йил бўляпти...

Менинг бир армоним бор, у ҳам бўлса болаларимни топишдир. Ҳануз Шерўғлон билан Ширинбика кўз ўнгимда туришади. Ҳозир ўғлим йигирма иккига кирган, қизим ўн тўққизда бўлса керак... Билмадим, тақдирлари қандай кечди... Гардкамшоҳ иккисини ҳам сотиб юбордимми?..

Қаерда бўлмай, бир кўнглим Ахсида бўлди, Сулвбика, ўғлим Шерўғлон, қизим Ширинбика ҳозир нима қилишяпти экан, деймен. Уша томондан биронта одам учради дегунча, Гардкамшоҳдан сўраймен, у ҳақдаги гапларни суриштирамен, болаларимдан бирон хабар эшитаменми, деган умид мени тинч қўймайди... «Қани ганак? Ё лошқанот!» дейишимнинг сабаби шу, қимор ўйнашни ташлаб юборганмен, аммо бу сўзларни ҳеч эсдан чиқара олмаймен, ҳозиргача ҳам ҳаётнинг аччиқ ўйинида иштирок этаётгандаймен. Ўғлим тенги, қизим тенгиларни кўрсам, барини Шерўғлон билан Ширинбикага ўхшатворамен, кўз узгим келмайди...

* * *

Абомуслим кўнглини бўшатиб олган эди. Ўзи ҳам ажабтовур енгил тортди. Барча унинг мунгли қиссаси таъсирига берилди. Мавлонозода Абомуслимнинг тутумини энди тушунди. Гадо Мавлонозода билан Худобандани ўз ўғлига ўхшатиб юборганидан, узоқ-узоқ тикилар экан-да!.. Ахий Жаббор Абомуслим ҳикоясини эшитаркан, ҳаёлидан бир-бир ўзининг аламларга тўла ҳаёти ўтиб турди. Фаргона томонда, Қубо шаҳрида туғилгани, уч ёшида ота-онасига ўлат тегиб дунёдан кўз юмгани, ўн боласи бор хола-ваччасининг қўлида қолгани, кўча-кўйларда сандироқлаб юргани, кейин ўғри болаларга қўшилиб кетгани, ўғри бошининг уни бачча қилмоқчи бўлгани, шундан ўғрилар галасидан қочиб чиқиб кетгани, сўнг Марғинонда бир мударрисга хизматкор бўлиб тушгани, ўшанда дурустгина савод чиқариб олгани — бари-бари тасаввурида жонланди. Уста Кулол билан Лакшманнинг ҳам болаларидан айрилган гадога раҳмлари келди.

— Сиз Жалойирбекмен, дедингиз... Исмингиз Абомуслим шекилли?.. — сўради Мавлонозода. Абомуслим жавоб берадиган ҳолатда эмасди. Ахий Жаббор сўз олди:

— Салтанатимизда ўз аламли ўтмишини унутишга бел боғлаганлар истиқомат қиладир. Утмишни унутишни исмларини ўзгартиришдан бошлайдилар. Шу сабабдан бу кишининг исмлари Абомуслимдир...

— Хафа бўлманг, болаларингизни топасиз! Улмаган бўлсин ишқилиб... — Уста Кулол Абомуслимни юпатиб деди.

— Биргалашиб топамиз! — сўзга аралашди Лакшман. — Мана мен ҳам эл ичида юрамен. Суриштирамен...

— О, қанийди! — Абомуслимга яна жон кирди. — Болаларимдан бирон хабар топсангизлар айтинглар! Бобо Султонга ҳам айтганмен. У карвонсаройда кўп бўлади, турли мамлакатлардан келган мусофирлар билан учрашади...

— Бобо Султон? Ким у? — сўради Уста Кулол ҳайрон.

— Ҳа... Уми? Салтанатимиз фуқароси. Салтанат кулоғи, — тушунтирди Ахий Жаббор. — Барча янги гапларни бизларга ўша айтиб беради.

— Мен ҳам сизга қўлимдан келганча кўмак беришга тайёрмен, — деди Сарбадорлар жамоаси котиби. — Болаларингизнинг дарагини қидирамиз. Ноумид шайтон...

Абомуслим миннатдорчилик билдирди.

— Маъзур тутасизлар... — деди Ахий Жаббор. — Абомуслим оға билан Нозим Меҳмет қаҳвахонасига бормоғимиз зарур. Сўнг кундалик юмушимиз ҳам кутиб турибди. Ҳар нарса ўз вақтида бўлсин, одам бахти аҳдида бўлсин...

Тун салтанати фуқаролари кетишга ҳозирландилар.

— Мотурид гузарида ҳаммом қуришмакчи эканлар, ғишт буюртма қилишганлар, ваъда бўйича, маҳалла калонполари келишмакчи эдилар, — деди Уста Кулол. — Мен ҳам борай...

— Мен ҳам Камонгаронга пешинга етиб бормагим лозим, Кумар уйда қараб турибди. — Қўзғалди Лакшман ҳам. — Тўйга айтилганмиз...

Мавлонозода бирин-кетин меҳмонларни кузатиб ҳужрага қайтди. Вақт чоштгоҳдан ўтиб қолганди. У рўйхату тафсирларни тоқчадан олиб тартибга келтира бошлади. Рўйхатлар ичида Наддофлар маҳалласига тегишлиси йўқ. Уни Абубакр Калавадан олиб қўшиб қўяди. Бугун пешиндан кейин Наддофлар маҳалласига ўтади. Жаҳонни кўриш умиди ҳам бор, кўнглининг бир четида Жаҳон...

Бирдан хаёлида саҳарда кўрган туши жонланди. Туш дostonи, рўё қасидаси дейиш мумкин эди уни! Ишққа ташна, муҳаббат гадоси бўлган йигирма икки ёшли йигитнинг туши эди у!

Мавлонозода кўзларини юмганча энтиқиб ширин тушнинг барча тафсилотларини битта ҳам қолдирмай эслашга тушди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Сувда қалқиб келган олма

Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли кун кўринмай шаҳар ҳоқими эшигига етиб борди. Сабаби, Садр Сулаймон далаларга тонг салқинида чиқиб кетишни яхши кўрарди. У бир кун олдин Абубакр Калавага одам юбориб, чинак мавсуми қандай кечаётганлигини кўрмоқ учун эртага қишлоқларга чиқажагини билдирди.

Садр Сулаймон ҳар йили йиғим-терим вақтидагина ҳосилнинг чўғини билиш учун пахтачилар ҳузурига бориб, қишлоқларни айланиб қайтади. Бошқа пайтларда чинак ишларини Абубакр Калавадан сўраб, ҳисоб олади. Чунки пахтани Наддофлар маҳалласи оқсоқоли қабул этиб оларди, унинг берган маълумотига кўра пахтачиларга ҳақ тўланади. Наддофлар маҳалласи аҳли эса бор пахтани олиб толасини толага, чигитини чигитга ажратади.

Дарвоза ёнидаги соқчи Абубакр Калавани танирди.

— Ҳокимга хабар бергил,— деди у соқчига.— Наддофлар маҳалласи оқсоқоли сафарга тайёр эканлар, дегил...

Соқчи тезда хизматкорлардан бирига хабар берди. Дарвоза олдида қолган Абубакр Калава Чорсу томонга назар ташлаган эди, анча нарида, кўз илғар-илғамас масофада уч отлиқ келаётганини кўрди. У эътибор бермади, нима кўп, кўчада тасир-тусир от чоптириб юрадиганлар кўп, ўшанақалардан бўлса керак, деб ўйлади. Шу пайт ичкаридан отда Садр Сулаймон чиқиб келди, ортидан Худобанда билан Жаммазабонлар кўринишди. Жаммазабон яқинда девонбеги мартабасига кўтарилган эди.

— Ассалому алайкум, ҳоким бува! — деди Абубакр Калава қўл олиб кўришар экан.

Садр Сулаймон Наддофлар маҳалласи оқсоқоли саломига ҳушламайгина алиқ олди. Ёз бўлишига қарамай, ҳоким зарбоф матодан авра тўн кийиб олган, ўнг кўлидаги сўфибармоғида ёқут кўзли узук жиља кўргизарди.

Самарқанд ҳоқими ўз шериклари билан эндигина жиламан деб турганида, ҳалиги отлиқлар етиб келишди. Улар Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайннинг элчилари бўлиб, элчиларга Темурнинг одамларидан амир Жоқу барлос бошлиқ этиб тайинланганди.

Эгнига ҳарбий зирҳ ташлаган амир Жоқу барлос шарт отдан тушди-да, шерикларини йигирма қадамча ерда қолдириб Самарқанд ҳоқими истиқболига ошиқди. У чап кўлини беллидаги қиличга тираб олган, қадам ташлаганда орқасидаги кокили у елкасидан бу елкасига селкиллаб ўтиб турарди.

— Самарқанд ҳоқими Садр Сулаймон садри жаҳон мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсин! — беш қадамча нарида тўхтаб таъзим қилар экан деди амир Жоқу барлос.— Мовароуннаҳр султони Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғондан қутлуғ мактуб келтирдим!

— Қадаминг бўлсин, элчи! — деди ҳоким хушнуд, ирмоққа ошиқиб депсинаётган отининг жиловидан тортиб-тортиб қўяркан.

— Мамлакат подшосининг назари муборак, эй падари бузруквор! — майин овозда қутлади ҳокимни Худобанда.

— Мовароуннаҳр ҳукмдоридан қутлуғ нома келган бўлса ажабмас, султоним! — ялтоқланиб сўзланди Жаммазабон девонбеги.— Ахир биз солиқларни, пулу молни, ғаллаю пахтани уч ҳисса ортиғи билан етказиб бердик...

Амир Жоқу барлос кўкрагининг чап томонига қўл суқиб найча қоғоз олди ва ортига бир қадам чекинди-да, мактубни ўпиб кўзларига суртди, сўнг икки қўллаб ҳокимга олиб бориб берди.

Садр Сулаймон ҳам найчани ўпгач, сирачланган жойидан авайлаб очди-да, ўқимоққа тутинди. Фармонда настаълиқ усулида жуда бежирим, чиройли қилиб қўйидаги сўзлар битилган эди:

«Мовароуннаҳр султони Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғоннинг айт-дурғон сўзимиз. Рубъи маскунда ягона Самарқанд шаҳрининг танҳо ҳоқими Садр Сулаймонга маълум бўлсинким, мамлакат маснадида осойишталик байроғи ҳукм сур-

мишдир, фаровонлик авжида... Юрт сарҳадлари дахлсиз, Жета унсурларининг қадамлари қирқилмишдир. Инчунун баттол Илёсхўжа ҳануз Мовароуннаҳр даввосидан кўнгил узолмайди... Вале ул нопок жаннатмакон тупроғимизга хуруж черигин ияртиб келмак ниятидан халос бўла олмайди эрмиш... Баски, шайланмак лозимдир. Алалхусус, бизга беғараз кўмагингиз даркор бўладир. Солиғу ўлпон, божу хирож барчасин фуқародин жам айлаб, Шаҳрисабзга, ўнг қўлимиз Амир Темур ихтиёрига юборурсиз, токим ул черик тадорикин қиладур. Райиятдан фақат ушбу йилги эмас, келаси йилнинг солиқларини ҳам бир унновда йиғиб олингиз, илло шароит тақозоси шулдир. Имилламак — душман кўнглини олмак демакдир. Бесарҳад мамлакатнинг барча шаҳру қасбаларига ҳам шул мазмунда фармон юборилмишдир.

Солисарой. Ҳижрий 766 йил, шаввол ойи
15-кун, чаҳоршанбаи муродбахш».

Самарқанд ҳоқими мактубни авайлаб найча ҳолига келтирди-да, бир лаҳза Чорсу томонга, узоқларга тикилди. Яна солиқ йиғмоқ керак, ўлпон солмоқ керак... У Самарқанд ҳоқимлигига тайинлангандан бери ўтган бир йил ичида турли важ-корсонлар билан уч марта солиқ олинди. Учинчи мартасида Кўрчилар маҳалласининг одамлари гоҳлик қилишиб қурол-яроғ кўтаришиб чиқишибди. Хурдак Бухорий деган бир одам тўппадан-тўғри бундоқ депти: «Ҳоқимнинг ўлпон йиғмоқдан бошқа юмуши ҳам борми? Ҳоқимми ё ўлпончими? Агар бас қилмаса ўзи ўлпон бўлиб кетади!» Шу гап алам қилди. Ошиғич чора кўриб сипоҳ юбормак лозим эди-ку, бироқ бошқа маҳаллаларда ҳам бундоқ кайфиятга эрк бергувчилар борлигини айтдилар. Мана энди тағин ўлпон деб шаҳар аҳлини безовта қилмоқ керак... Ҳоқимнинг ўзи ҳам билади, Ҳолвачилар маҳалласида қозонда ҳолва пиширилади, аммо ўзларига фақат ҳолва ҳиди қолмоқда, кулолларнинг ўзи кўзага ёлчишмайди, хумдонда қанчадан-қанча фишт тайёрлашади, лекин бири икки бўлмай ўзлари пахса уйларда ўтиришади... Қаландарлардан не олиш мумкин, аксинча уларга бермоқ керак. Наддофлар ҳам очикдан-очик нолиш йўлини танлашди, улар ҳам солиқдан бош тортмакда. Арк кўчасидаги казо-казоларга тегиб бўлмайди, тўппадан-тўғри бетингдан олишади...

Лекин мамлакат султонининг айтган сўзи — дарёга отилган тош, қайтиб олишнинг иложи йўқ. Отилган ўқ балки қайтиб келади, аммо ҳукмдор сўзи айтилган жойида қолади.

— Уғлим! — деди Садр Сулаймон Худобандага қараб. — Мамлакат султони йўллаган ёрлик менинг шаҳарда қолмоғимни тақозо этади. Бу сафар ҳам бора олмадим, на чора... Лекин доғоғга бешак-шубҳа бирга чиқурмиз, ўғлим.

— Номада бирор кори ташвиш изи кўринадирми, эй падари бузруквор? Озроқ тараддудга тушиб қолганингиз сезилди? — деб сўради Худобанда.

Худобанда, Самарқанд ҳоқимининг эрка ўғли, мана ўн олти-ўн етти йил Садр Сулаймон хонадониде яшайди. Қоши-кўзлари пиликдек бола унинг хонадонига қадам босганде фарзандга ташна садри жаҳон алланечук бўлиб кетди, Худобандага худди ўз пушти камаридан бино бўлгандек меҳр қўйиб қолди. Келган кунидан бошлаб унга энага тайин қилди, алоҳида хона ажратдирди. Ҳар кун эрталаб Худобанданинг қўлидан ушлаб ҳовли айланади. Меҳмонга борса бирга олиб боради, уйда қолдириб кетишга кўнгли бўлмайди. Худобанда худди ноёб мева кўчатидай парвариш қилинди. Шаҳарнинг энг яхши мударрисларидан Хожа Лутфуллоҳ унга сабоқлар бера бошлади, саркардалардан бири эса ҳарбий санъатга ўргатди, қилич тутуш, найза отиш сирларидан оғоҳ этди.

Садр Сулаймон Худобанда учун «тарих» ўйлаб топди. Бу тарихга кўра, Худобанда — ҳоқимнинг яққаю ягона ўғли. Уни тўрт яшар вақтида, мана шу Арк кўчасида ўйнаб юрганида кимдир ўғирлаб кетган... Уғлини излаб ота юрак оғриғига мубтало бўлди, онаси эса озиб чўп бўлиб кетди, ёлғиз ўғлидан айрилиб ўзини ўнглай олмай, оламдан ўтди. Худобандани ўғирлаб кетишгандан уч йил кейин Нишопурдан хабар етди-ю, Садр Сулаймон бориб ўғлини олиб келди...

Худобанда бу гапларнинг барига ишонгандай қарарди... Самарқанд ҳоқими Садр Сулаймонга худди мана шу керак, токи одамлар унинг ўғли бор, меросхўри бор десин, вассалом! Аммо Худобанда зоҳиран ишонгандай қараган билан, ботинан буларнинг бари ёлгонлигини билар, юз бераётган сохтагарчилик, ғирромликдан дили увишарди. Авваллари, болалик пайтлари, ўсмирлик чоғларида бу гапларга унчалар эътибор қилмаган йигит, балоғат ёшига етгандан сўнг, ақли тўлишиб, оқ-қорани таниб, кўп нарсаларни фаҳмлайдиган бўлди. Садр Сулаймон тарихни ўзича таҳрир қилиб, мослаштириб олди. У тарих табиатан битта бўлиши, бир воқеанинг бир неча ўтмишга эга бўлиши ёки бир нарса бир неча қиёфага кира олиши мумкин эмаслиги билан ҳисоблашмасди. Тарих ғирромларча аралашганларни ҳеч қачон кечирмайди. Ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган, мол-мулкнинг чўғи билан қиёслайдиган, ҳоқимиятнинг қудрати билан баҳолайдиган кишиларга тарих қуруқ сўзлар, беҳуда воқеалар йиғиндиси, ўтиб кетган ўлик нарсалар мажмуаси бўлиб туюлади холос...

— Ташвиш ҳам бор, ўғлим, бор... Беғалва калла каллами, деган экан бир машойих. Мамлакат ҳукмдори яна Жета хони Илёсхўжа устига қўшин тортмакчи... — ўйланиб деди Садр Сулаймон султон.

— Ё фалак, бало-қазонгдан ўзинг сақла! Тағин уруш-талашми?— деб юборди шу пайтгача жим турган Абубакр Калава афсус оҳангида. Унинг оти ҳам бир жойда тураверганидан зерикиб депсина бошлади.— Уруш подшолар учун ўйиндир, вале фуқарога ўлим билан баробар!

— Тағин урушми, валинеъмат?— зорлангандай деди Жаммазабон девонбеги ҳам, чунки ҳар сафар уруш тараддуди кўрилди дегунча, Самарқандда бутун ташвиш унинг зиммасига тушар, солиғу ўлпонларни йиғиш тобора машаққатга айланиб бормоқда эди.

Элчиларнинг иккитаси нарироқда тўхталган кўйи қимир этишмас, амир Жоқу барлос эса лом-мим демай ҳокимдан жавоб кутарди. Садр Сулаймон томоқ қирдида, деди:

— Бор меҳримиз, қалбимизнинг кўри Мовароуннаҳр султони Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозогон умрларини зиёда қилишга бахшида бўлғай! Улуғ ҳукдорнинг айтганлари ҳамisha аъло, деганлари доимо дуруст! Хўш... Жаммазабон девонбеги, одамларингни ол, ҳам Абубакр билан чинакни кўриб келасен, ҳам олти қишлоқнинг ҳар бирида солиғу ўлпонни йиға бошлайсан! Бугун шу юмушга кириш, маъқулми?— Жаммазабон номига биринчи марта девонбеги сўзини қўшиб айтганларидан мамнун эди, у «хўп» дегандай бош ирғади.— Худобанда, барига ўзинг бошчилик қиласен! Урган, ўғлим...

* * *

Худобанда бошчилигидаги закотчилар, улар ўнга яқин эдилар, Кундузак қишлоғига вақт чошгоҳдан ўтиб қолганда етиб бордилар. Чинакчи қишлоқлар шаҳардан унча йироқ эмасди, улар фарби-жанубда Зарафшонга яқин ерларда жойлашганди. Қишлоқлар асосан йигирма-ўттиз атрофида уйдан иборат бўлиб, энг каттаси Кундузак эди, унда саксон хонадон истиқомат қиларди.

Кундузак қишлоғининг оқсоқоли Холмат сўфи «меҳмон»ларни ноҳуш кутиб олди. Тўғри сўз, қизиққон ва шартаки бу одамнинг Жаммазабон девонбеги босқоқчиларини кўриб ғаши келди, совуққина кўришди-ю «ҳа» йўқ, «бе» йўқ, деди:

— Худодан ҳам хафа бўлиб кетаман-да баъзан! Нега энди бизнинг бир парча қишлоқни шаҳарга яқин қилиб яратган-а! Шаҳарда ётган одам кўлини мундоқ ташлаб юборса бизнинг қишлоққа тушади!..

Холмат сўфи меҳмонларнинг келишиданоқ мақсадларини билиб, оғиз очишга ҳам қўймай бобиллаб берди:

— Ун кун бўлдимми, бўлмадимми, бор-бўдимизни қоқиштириб кетдингизлар-ку? Тағин меҳрибончилик кўргизгани келдингизларми? Ахир фуқаронинг уйида қип-қизил девордан бошқа ҳеч вақо йўқ-ку!

Қишлоққа ҳокимнинг босқоқчилари келибди, деган хабар лаҳзада барчанинг қулоғига етиб борди. Одамлар бирин-кетин Холмат сўфи ҳовлисига тўплана бошладилар. Улар қишлоқ оқсоқоли билан босқоқчилар ўртасидаги даҳанаки жангга дабдурустан қўшилолмайд турдилар.

— Ушр дедингиз олиб кетдингиз, ўн боғ пичан ўриб қўйган бўлсам бир боғини олдингиз, товуқлардан олдингиз, ўтган йилги тариқдан ҳам беришга тўғри келди... Тағин...

— Ҳой, вайсақи!— деди дарғазаб Жаммазабон девонбеги қўлидаги қамчинни ўқталиб қишлоқ оқсоқолига.— Э, оғзингни ёп! Ҳаммани ерга қорвординг-ку! Бас қил! Эмаса қишлоқ-пишлоғинг билан кулингни кўкка совуриб юбораман, пир урган!

Холмат сўфи орқага қайтадиганлардан эмасди, қишлоқ аҳли шунинг учун уни қаттиқ ҳурмат қиларди.

— Пир урган?! Пир урган деб сени айтадилар, урса сени уради, ҳа! Ун кун олдин келиб, энди бу йил бошқа солиқ бўлмайди, мана шу охиргиси, деб кетган ким эди? Тағин келиб турибсан-ку! Пир урган бўлмасанг, шунақа қилармидинг, нас босган?!

Худобанда Холмат сўфининг дадил гапларидан ҳайратда қолди. Унинг ҳам жаҳли чиқа бошлади, нимадир демоқчи бўлди, аммо шуури оқсоқолнинг гаплари ҳақ эканлигини сезиб турганиданми, тили айланмади.

Абубакр Калава Холмат сўфини эскитдан яхши биларди. Оқсоқол фуқарони ўйлаб, ҳоким одамлари билан тез-тез «сен-мен»га бориб қоларди. Ҳар сафар солиқ йиғишга келишганда ана шундай ловиллаб кетарди-ю, кейин барибир солиқни тўлашга мажбур бўларди. Аммо, бу гал Холмат сўфининг қарори қатъий эди. У Абубакр Калавага деди:

— Булар-ку, майли, еб тўймасдан нари қоч, деганлар! Сиздек одам ҳам шуларга қўшилиб бизни шилишга келдингизми, оқсоқол? Жуда булар учун иззат-обрўли одам экансиз, билмаган эканмиз... Ахир бир оғиз тушунтирсангиз не қипти, ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор деб...

— Ҳў, Холмат сўфи! Ҳў, Холмат сўфи! Узингизни босинг, эй феъли яхши! Мен бошқа юмуш билан келдим, менинг юмушим пахта, ўзингиз биласиз-ку! Закотлар билан менинг ишим йўқ!— вазиятни англатмоққа тиришди Абубакр Калава.

— Энди, унақа эмас-да!..— дерди Холмат сўфи.— Тағин мени феълинг яхши, деб мақтайсиз...

Ховлида қишлоқнинг қирқ-эллик одами тўпланиб қолди. Шу пайт Жаммазабон девонбеги кўллари белига тираб таҳдидли деди:

— Ҳа! Ушр дейман оламан, хирож дейман оламан, жон солиғи дейман оламан! Ҳа! Дод десангиз ҳам оламан, вой десангиз ҳам оламан! Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан!

Фуқаро энди жунбушга келди.

— Эй, оғзингга қараб гапир! Оғзим бор, деб гапираверасанми?

— Чатаноғини кериб гапиришини қаранг! Ёриб ташлайман, даюс, чатаноғингни!

— Битта тушириш керак, мана ушр деб!

— Ушр деганни тушир!— сўз ўйини қилди кимдир. Аммо ҳеч ким кулмади.

— Халойиқ!— деб Холмат сўфи қўлини кўтарган эди, ҳамма жим бўлди. Қишлоқ оқсоқоли Худобандага юзланди:— Сиз оқил йигитсиз, тушунасиз... Фуқаронинг ҳам оғзи бор, томоғи бор, бола-чақаси бор. Тонгсаҳардан туриб қора шомгача бир парча еридан чиқмай меҳнат қилади, бири икки бўлмайди. Эртадан кечгача тиним билмайди, аммо қорни тўймайди, нимага шундоқ, англамайди... Яширмаймен, қишлоқ аҳли бағоят норози, зулм чегарадан чиқиб кетмакда. Кеча Совғончига бориб келдим, бир эски танишим қазо қилибди. Бўз топилмайди... Ана!.. Пичоқ бориб суякка қадалапти... Ҳамма дод дейди...

— Биз ҳам одаммиз-ку!— қичқирди кимдир.

— Алқисса,— давом этди Холмат сўфи қишлоқ фуқаросига ишора қилиб.— Кўриб турибсизлар, буларнинг ёниб турган қаҳру ғазабидан бошқа, аламдан бошқа закотга берадиган нарсаси йўқ...

— Девонбеги!— мурожаат қилди Абубакр Калава.— Инсоф юзасидан сўйлаганда Кундузак аҳлининг закотга берадиган мол-матоси йўқ эканлиги аён-ку. Бир сафар буларга тегмаслик керак, деймен...

Нима қиларини билмай турган Жаммазабон девонбеги энди бутун захрини Абубакр Калавага тўкди:

— Э, оқсоқол! Сиз маслаҳатингизни қоғозга ўраб қўйинг! Наддофлар маҳалласига борганимизда яраб қолади. Бу ерда эса тилингизни тийинг, ҳа! Яхши бўлади!..

— Қаттиқ тегманг,— буюрди Худобанда девонбегига.

Абубакр Калава жавоб бермади. Жавоб берадиган пайт ҳали етиб келмаган эди, у буни ҳис қиларди.

— Холмат ака!— деди бирдан Худобанда.— Ташвишланманг, сизлар бу сафар солиқдан озод этилувсиз!

Ҳамма хурсанд бўлиб кетди.

Жаммазабон девонбеги эса тилини тишлаганча қолди.

— Нима қилаётирсиз, султонзода! Булар шунақа дея беради-да! Ахир...

Худобанда жим ишорасини қилди. Абубакр Калава сўз олди:

— Раҳмат, султонзода! Ҳа... менинг юмушим талайгина, шу қуни бутун чинакчи қишлоқларни кезиб чиқмоғим жоиз. Ижозат этилсаю ўз юмушимга равона бўлсам, эй феъли хуш!

Абубакр Калава Кундузакдан чиқиб, аввал Хожай Калонга борди, Совғончига ўтди, Хожа Ғунжора билан Кумушкентда бўлди, Вударда тўхтади. Ҳамма жойда фуқаронинг аҳволи оғирлигини кўрди, ҳоким босқоқчиларининг ғирромликларидан дили оғриди.

* * *

Наддофлар маҳалласи оқсоқоли Абубакр Калава покдомон одам эди, у қинғирлик нималигини билмас, тўғрисиўзликни шиор этиб олган кишилар тоифасига кирарди. Бу йўлдан чекинмаган, бир бурда нонини ҳалол топиб еган Абубакр Калаванинг Қорасоч бикага уйланиши ҳам бағоят қизиқ, ўша ҳалоллик йўлини маҳкам тутишига боғланиб кетади.

Абубакр Калава Самарқандга қайтар экан, отни ўз ҳолига қўйди-ю, хаёлларга берилди.

...Боштинда, Сабзаворда сарбадорларнинг қўзғолонлари авж олиб кетди, сарбадорлар давлати оёққа қалқди. Ун саккиз ёшли Абубакр Калава сарбадорлар сафида иштирок этди. Аммо у Самарқандни соғиниб қолди. Бир кун шу ҳақда оғиз очган эди. Ибн Ямин: «Тўғри, ўғлим! Юртингга қайт!» деб маслаҳат берди. Йигитнинг: «Бизнинг шаҳарга юринг!» деган таклифига: «Самарқандни кўрмак орзуим бор, рўёбга чиқиб қолса шояд!» деб жавоб қилди. Ҳасан Ҳамза билан Ҳусайн Ҳамза Хўтанга бораётган бир қарвон сардорига айтишиб, Абубакр Калавани қарвонга қўшиб юбордилар.

Она шаҳрига соғ-саломат қайтиб келгач, Абубакр Калава бир қуни не иш биландир Кумушкентга бормоқчи бўлди-ю, Обимашҳад ариғи бўйлаб йўлга тушди. Айни пишиқчилик, ёз палласи, борлиқдаги файзиёб манзарадан кўнгил рўшнолик тортади.

Олисада адирлар, ундан ҳам нарироқда, жануброқда Ургут тоғлари. Офтоб чарақлаган, осмонда бир савам ҳам булут йўқ... Ҳаво тип-тиниқ, тоза, шаффофки, агар чертсанг, жаранглаб садо бериши аниқдай туюлади. Бошида дўппи, эғнида оҳори тўкилмаган оқ яктак, йигирма ёшдаги йигит ариқ бўйидаги сўқмоқдан оҳиста юриб бормоқда. Атрофга боқар экан, она юртининг нақадар гўзаллигини, табиасти бетакрорлигини ҳис қилди, ғурур туйди. У бир нарсага ҳайрон: илгари ҳам бу йўлдан юрганди, лекин негадир энди илк бор ўтаётгандай бўлмоқда, ҳамма кўрганлари унинг учун янги — йўл ҳам, тиниқ сувли ариқ ҳам, олис тоғлар ҳам, кўҳна олам ҳам...

Обимашҳад ариғи гоҳ тўғри, гоҳ бурилиб оқар, йўл эса ундан йироқлашмасди. Ниманидир хиргойи қилиб бораётган йигитнинг бирдан хаёли бўлинди. Сувда бир олма қалқиб оқиб келмоқда эди. Шаффоф, мовий ранг сувда олманинг оқлиги, қирмизи ранги тағин ҳам бўртиб кўринарди. «Олтин олма деганлари шу бўлса керак», деди ўзича йигит ва уни олмоққа чоғланди. Узун бир ёғоч топди-да, аста олмани ўзига томон ҳайдай бошлади, аммо олма қувлик қилиб йигитни алдар, ёғоч учи тегиши биланоқ сувга бир шўнгиб яна «қочиб» қоларди. Бундай ҳол анча давом этди. Ниҳоят, Абубакр Калава олмани ариқ лаби томон келтиришга муваффақ бўлди, олма қалин ўтлар орасига кириб қолди. «Хайрият!» деди йигит ва эгилиб олмани олди.

Муштдек келадиған қимизак олма томоша қилса қилгудай чиройли эди, бир қараганда оқ бўлиб кўринган олмани қизил ҳам дейиш мумкин, оқдан қирмизига ўтгунча яна бир қанча беҳол ранглар борлигидан йигитга олма камалакнинг бир парчаси бўлиб туюлди. У қўллари билан олмани артди. Олма тиниқ, доғсиз эди, у ер-бу ери эзилмаган ҳам... Демак, савоғидан узилиб бирон жойга тегмай тўғри сувга тушган... Йигит сувнинг тепа томонига қаради, қаердан оқиб келган бўлиши мумкин? Аммо кўз илғар масофада бирон боғ кўринмади.

Ҳар қандай гўзал нарса унга тегилгунча гўзалдир. Гул яшнаб турган жойида гўзал, узилгач хазон либосига ўралади, ғунча ҳам очилгунча гўзал, очилгач япроқлари тўзишга маҳкум... Йигит ёш эди, олма эса бемисл гўзаллик пардасига беркинганди. Ҳар иккисини ҳам шиддатидан тўхтатиб бўлмасди. Йигит ўзини тутиб туролмади, қирмизи олмадан бир тишлади! Олманинг чиройи ҳам бир тараф, мазаси ҳам бир ёқни олар экан! Абубакр Калава худди асал қўшилган сутни ичгандай бўлиб кетди, дунёга кўз очиб ҳали бундай олмадан тотиб кўрмаган эди. Оламнинг кенглиги, тоғларнинг баландлиги, Обимашҳад сувининг тиниқлиги, олманинг чиройи, ғаройиб туйғулар — барча-барчаси қўшилиб йигитни элтиб ташлади.

Йигит бирдан ўзига келди-ю, ноҳуш ўйдан вужудига ларза кирди, ҳалиги ҳавойи хаёллардан асар ҳам қолмади. «Мен бировнинг олмасини сўрамай, рози қилмай едим-ку? Бировнинг моли макруҳ, ҳаром! Қандай қилиб олмадан ошиғич тишлаб қўйдим? Худди ўғирликка қўл бергандай бўлдим-ку!..»

Йигит бир лаҳза жойида туриб қолди. Теваракка аланглар экан, ҳеч кимни учратмади. Бироз ўйланиб тургач, ўша олма оқиб келган ҳовлига бориб, эгасини рози қилиш керак, деган қарорга тўхталди. У хато қилди, лекин бир ишончи бор: хатолар ичида энг оғири ўлимдир, уни тузатиб бўлмайди, тузатиб бўладиганларини эса хато дейиш ноўриндир, улар адашиш холос...

Абубакр Калава ариқ ёқалаб юқорилай бошлади. Шундагина олмани тутмоқ бўлиб хийла орқага кетиб қолганини сезди. Эгри-бугри ариқ бўйидан борар экан, гоҳ адир устига чиқди, гоҳ водийга тушди, гоҳ қишлоқ оралади, гоҳ тошлок... Ариқ бориб-бориб девор билан ўралган боғ ичига кириб ғойиб бўлди. Девор ортидан йигитнинг қўлидаги олмага ўхшаш катта-катта қимизак олмалар ям-яшил барглари ичида товланиб кўзга ташланарди. «Олма ана шу боғдан оқиб чиққан», деб ўйлади йигит. Тўрт танобча келадиған ҳовли, дарвозаси кунчиқарга қаратиб қурилган экан. Йигит оҳистагина дарвозани тақиллатди. Бир оздан кейин ичкаридан кимнингдир томоқ қиргани эшитилди, дарвоза очилиб, ёши элликлардан ошган, қаддини тик тутиб юрадиған, қалин соқолига оқ оралаган, тиниқ юзли, ўрта бўй бир киши пайдо бўлди.

— Ассалому алайкум, ота,— деди Абубакр Калава ўнг қўлини кўксига қўйиб салом берад экан.

Киши рўпарасида турган хушрўй, дуркун йигитга обдан разм солиб чиқди, қўлидаги олма ҳам назардан қочмади. «Қимизак олмага харидор бўлиб келибди, бирор тўйичи борми, сотиб олиб кетмоқчи шекилли...» — ўйлади у.

— Ва алейкум ассалом, ўғлим! Келинг, келинг!

— Бир юмуш билан келувдим... Исмин Абубакр. Шаҳарнинг Наддофлар маҳалласиданмен...

— Бош устига! Не юмуш экан, гапираверинг, ўғлим!

— Мана бу олма... сизнинг боғингиздан...ми?

— Бу олмами?— сўради боғбон олмани наззора айлар экан. Тишламнинг ўрни занг тусига кирганди.— Ҳа, бизнинг боғ олмаси... Сиз қаердан олдингиз?

Боғбон сўзларидаги самимий оҳанг йигитга далда берди.

— Ўҳ-ҳў, жуда узоқдан!— деди у.— Нақ икки тош йўл босдим...

— Хўш?.. Ва ё олмадан зарурми, ўғлим? Қоқтириб берайми?

— Қуллуқ, қуллуқ!— деди Абубакр Калава.— олма зарур эмас... Ҳамият юзасидан келдим, яъни...

— Яъни?..— такрорлади боғбон, унинг таажжублана бошлаганлиги сезилди.

— Обимашҳадни ёқалаб келаётган эдим. Кумушкентга бораётувдим, сувда ушбу олма қалқиб бормакда экан. Жуда ҳавасим келиб кетди.— Йигит хижолатомуз деди.— Олмани олиб бир тишладим. Шу заҳоти бировнинг олмасини сўрамай еганимдан уялдим... Мана шу олмангизга рози бўлинг, деб тилаб келдим, ота!

— Шундоқми?— битта олмани беизн тишлаб қўйиб, розилик сўраб турган бу йигитнинг ҳалоллиги боғбонни ҳайратга солди. Биров ҳақини емасликка ўрганган пок одамни учратиш ҳам маҳол эди бу замонда. Бундай йигит учун олма экан-ку, бутун боғни берса арзийди!

Нихоятда сахий, ҳотамтойлиги билан ном чиқарган бу боғбонни Абдумавлон юз деб аташарди, пишиқчилик бўлди дегунча, атроф қишлоқларнинг болалари шу боғ теварагидан кетишолмай қолишарди. У бу ердан ўтган одамларни билиб қолса, албатта уйга таклиф қилмай қўймасди. «Агар қовун ўғирликка кирганин тутиб олсанг ўлдир, чунки қовун уч ойга қолмай пишади, шунга чидамаган одам ҳар қандай жазога лойиқдир,— эслади Абдумавлон юз ўзининг севган нақлини.— Узум ўғирликка тушганин қувиб-тутиб, қўлига яна узум бериб юбормоқ лозим, чунки узум уч йилда бино бўлади. Олма эса тўрт-беш йилда вояга етади, ҳосил беради. Демак, Абубакрга бир тишлам олмага рози бўлибгина қолмай, тагин олма бериб юбориш ҳам керак...» Аммо боғбон кутилмаганда йигитга қарата бундай деди:

— Афсуски, рози бўлолмаймен...

Энди ҳайратланиш навбати Абубакр Калавага етди:

— Нечун? Бир тишлам олмангизга-я? Ё фалак! Ахир...

— Ҳа, битта олмага...

— У ҳолда не қилмоқ даркор? Нима қилсам рози бўлурсиз?

— Киши моли азиз... Менинг бир шартим бор, шуни адо этиб берсангиз, олмага рози бўлурмен... Лекин оғир шарт...

Йигит юзига табассум ёйилди:

— Майли, ота! Айтинг шартингизни... Хўш, ер ағдариб берайми? Сув чиқариб берайми?

— Йўқ... Қани бундоқ ўтиринг! — таклиф этди Абдумавлон. Унинг қалин соқоли кўксига тушиб турарди.

— Менинг бир қизим бор... Худо уни тулум қилиб яратган...— муддаога ўтди боғбон.

— Тулум?... сўраганини билмай қолди йигит.

— Ҳа, тулум. Унинг қўл-оёғи йўқ... Бу ҳам етмагандай қулоғи қар. Кўзиям кўрмайди, буни қарангки, худо унга тил ҳам бермаган...

— Ие! Ё тавба!— деб юборди йигит таажжуби ортиб. Унинг боғбонга ва бечора қизга раҳми келиб кетди.

— Шартим шуки, шу қизимни жуфти ҳалолликка қабул этасиз!— Боғбон йигитга синчков тикилди.— Шунда мен олмага рози бўламен...

Абубакр Калава кутилмаган шартдан қотиб қолди. Ёраббий! Ўзи ёш, қирчиллама йигит, жуфти ҳалоли эса, қўл-оёқсиз, кўр, қар, соқов қиз... Бир умр азиятини чекиб яшаш... Лекин ичкаридан келган бундоқ ташвишли сасларга қулоқ солмасликка уринган йигит, деди:

— На чора... Розимен, ота!

— Шунақа денг?... Ҳм...— ўйланганча деди боғбон.— Баракалла! Хўш.. оталари ким бўлади, ўғлим?

Абубакр Калава бош эгганча ерга қаради. Боғбон тараддудланди.

— Энди... отасизмиз... Унинг устига ёлғиз ўғилмен... Волидимизни Абусиддик Калава дердилар, у киши ҳаж сафари пайтида оламдан ўтдилар...

— Танир эдим... Яхши одам эди,— деди боғбон дуо қилиб.— Ташвиш чекманг, ўғлим, ота ўрнида ота бўлмоққа саъи ҳаракат қилурмен.

Абдумавлон юз бу гапни сидқидилдан айтди. Ўзи бош бўлиб тўйни ўтказиб берди. Тўйгача Абубакр Калавани ҳар хил хаёллар тарк этмади, ногирон қиз билан бир ёстиққа бош қўйиш, тирикчилик, рўзғор... Билмаса ҳам майлиди, барини кўриб билиб тиконни босмоқда. Аммо ортга ҳам қайтиш йўқ...

Ёр-ёр садолари ҳам тинди, тўй тарқала бошлади. Янгалар Абубакрни гўшангага кузатиб қўйдилар. Шу пайтгача қайлиғи хусусида минг турли хаёллар оғушида фарқ йигит энди қаттиқ ҳаяжонлана бошлади. Чунки, у ўша қўл-оёғи йўқ, қар, кўр, соқов бир ожизанинг ҳузурига киради, унга ҳаётнинг нотекис йўлларида биргаллашиб умргузаронлик қилурмиз, деган сўзларни айтади, яқиндан жуфтиҳалолига назар айлайди, отасининг ўзи «тулум» деб атаган бир бечора қизга!..

Абубакр Калава шундай хаёллар ичида келин остонасига қадам қўйди. Йигит хонани тутган муаттар бўйдан, уфор исдан маст бўлаёзди, бутун вужудига ажиб бир титроқ югурди. Хонанинг тўрисида, икки тахмоннинг ўртасидаги чуқур токчада ёниб турган

шам, гўшанга ортида эканидан куёвга кўринмади. Шамнинг ёруғи келин ўлтирган гўшанга ичига оқарди. Куёв беш қадамча юргач, гўшангага етди, янғаси «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!» деди-ю, пардани кўтарди.

— Мулкингизга қадам қўйинг, соҳиби иқбол куёв тўра!

Куёв ердан бошини кўтариб келинга қаради! Қаради-ю... кўзларига ишонмади! Рўпарасида оппоқ ҳарир матодан кўйлак кийган, бошига ғўзапўчоқ гулли ипак рўмол ташлаган, юзларида юпқа парда нозанин бир қиз турарди! Куёв истиқболига хиёл эгилган қизнинг қадди-қомати рисоладагидан ҳам аъло, гулдай чеҳраси эса маъсум, келинлик ибосию зийнати зебоси чиройига чирой қўшибди!.. Абубакр Калава бир боққанича боқиб қолди, кўзини олай деса олинмади, келин ниҳоятда сулув эди!

Шу пайт қизиқ ҳодиса рўй берди.

Абубакр Калава шу дам келинни ҳам, янгани ҳам тонг қолдириб шарт ўгрилди-да, ташқарига йўл олди! Янга бўлса ҳеч нарса тушунмай, унинг ортидан саннаб борарди:

— Вой ўлмасам! Гўшангага кирган куёв ҳам чиқадими? Вой мен ўлай! Нима деган одам бўламиз энди? Ҳай, куёв! Куёвжо-о-он! Қайтинг, айланай! Қайтинг!

Куёв эса қайтишни хаёлига ҳам келтирмасди. У Абдумавлон юзни қидира бошлади. Боғбон ҳовли четида, Обимашҳад ариғи бўйида, сўрида ўтирарди. Абубакр Калавани кўриши билан, ўрнидан туриб пешвоз чиқаркан:

— Нима бўлди, ўғлим? Тинчликми?— деб сўради.

— Бизни алдашмоқчи бўлдилар, ота! Худо бир сақлади! Бизни алдашмоқчи бўлдилар!— ҳаприққанчи деди куёв.— Гўшангага бошқа қизни киритиб қўйишибди! Қайлиғим йўқ, қайлиғим!

— Майли, ўғлим! Узингизни босинг! — мийиғида кулиб деди боғбон. — Мен сизга айтсам, қайлиғингиз... ўша — сиз гўшангада кўрган қиз...

— Нима?! Нима дедингиз? Юрагимни ўйнатманг, ота!

— Ҳеч ҳазили йўқ, ўғлим!— деди Абдумавлон юз босиқ оҳангда.— Қайлиғингиз — ўша Қорасоч бика, менинг яккаю ягона қизим, жигарбандим бўлади!..

Абубакр Калава таажжубининг чеки йўқ эди! У боғбоннинг ёнига ҳолсизгина ўтирди...

— Ахир қизимнинг қўл-оёғи йўқ, қар, кўр, соқов деган эдингиз... Бу ерда бўлса пари пайкар, моҳи талъат бир қиз...

— Филҳақ, ўғлим, шундоқ дегандим,— Абдумавлон юз кулиб деди.— Қўл-оёғи йўқ деганим — шу ҳовлидан четга чиқмаганини билдиради. Қар деганим — бирон бир номаҳрамнинг сўзини эшитмаган, кўр деганим — бегонага назари тушмаган, соқов деганим — тилидан ножўя сўзлар чиқмаган...

Куёв ҳайрат бармоғини тишлаганча лом-мим деёлмай қолди. Туриб ўзини Абдумавлон юз бағрига отди, кўзларига дув-дув келган ёш боғбоннинг елкаларига сассизгина тўкилди.

Куёв иккинчи марта гўшангага қадам қўйди. Бу сафар энди саҳаргача қолиб кетди...

Абубакр Калава Қорасоч бика билан тўрт фарзанд кўрдилар. Шулардан иккитаси бор, Шамсулмулк билан Жаҳон, қолганлари турмади.

Наддофлар маҳалласи оқсоқоли шундоқ хаёллар ичида Самарқандга етиб келганини билмай қолди. Уйда уни Қорасоч бика кўзларида ёш кутиб олди...

УН ИККИНЧИ БОБ

«Инна жаалнока халифатан фил арз...»

Мовароуннаҳрда ҳукумат Амир Ҳусайн ва амирлашкар Темур қўлига ўтгани билан мамлакатда нотинчлик тўхтамади. Нотинчликнинг сабаби ана шу икки амирнинг бири-бирига муносабатларида яширин эди.

Амир Ҳусайн Солисаройда яшар, гоҳ Балх, гоҳ Бадахшон томонларга босқин уюштирарди. Унинг назарида, улус амирларининг ўзлари ҳукмдорга бош эгиб келишлари керакдай эди. Аммо амирлар гожлик қилардилар. Бу нарса улус беклари ўртасида Амир Ҳусайннинг обрўйи йўқлигини кўрсатарди. «Барчасини қилич кучи билан бўйсундириш, бирлаштириш керак!— деб ўйлади Амир Ҳусайн.— Бироқ бунга қани куч, қани вақт!..» У истар-истамас бу юмушлар ижозатини амирлашкар Темурга беришга мажбур бўлди. Тезликда Шаҳрисабзга чопар жўнатди.

Амирлашкар Темур Шаҳрисабздан бирон ёққа жилмаган бўлса ҳам, тингчилари орқали мамлакатда нима воқеалар рўй бераётганини яхши билиб турарди. «Ёрабий! Улус амирларининг бунчалар тангназар эканликларини билмас эканмен!..— деди Темур Бобо Али Шоҳ деган авлиёга зиёратга борганда. Авлиё кичиккина ҳужрада кун кечирарди.— Бирортасида ҳам бундоқ улусни бирлаштириш нияти йўқ, барчаси ўзимга бўлсин, дейдир... Ёғийлар эса бундан фойдаланиб юртимизни гораг қилмакда... Илс-хўжа ўз жангчиларини юбориб вилоятларни талон-торож этмакда...»

Бобо Али Шоҳ бош тебратди:

— Амирларнинг кўзлари оч, Темурбек! Кўзлари тўймайдир...

— Оч кўзни фақат тупроқ тўлдириши мумкинлигини наҳот билишмайдир?— бўғилди амирлашкар.— Дараи Суфдалиғимда Тоғмуқа баҳодир отлиғ бир йигитимни Термиз томонга юбордим. Хабар келтирдикки, Жета лашкари Термиз вилоятига келмиш, халқни талаб, уруш-талаш билан машғул эмиш... Элчи Буғо сулдуз Балхда ўз салтанати туғини кўтарган, Муҳаммад Хожа Опардий найман Шибирғон вилоятини қўлдан қўймайдир... Амир Хизир Ясовурий одамлари эса Тошканд вилоятини босиб олган, Кайхусрав Хутталонда...

— Темурбек!— деди Бобо Али Шоҳ.— Тангри таоло буюрганки, агар, кўкда икки худо бўлса жаҳоннинг иши бузилур!

Темур бунга эшитиб ҳайрат билан авлиёга тикилиб қолди. Иттифоқо, Темурнинг кўнглида ҳам шунга ўхшаш, ер юзида бир подшо бўлмоғи керак, иккитаси ортиқча, деган фикр бор эди. Худои таоло унинг кўнглидагини қайдан билибдир?.. Чиндан ҳам тангри билувчандир! Валлоҳи аълам!..

— Тангри таоло шундай буюрганмилар?..

Бобо Али Шоҳ тасдиқ ишорасини қилди ва шу ондаёқ Қуръони каримдан фол очди. Фолда қуйидаги оят чиқди:

«Инна жаалнока халифатан фил арз...». Яъни, сизларни ер юзида халифа қилдик!..»

Темурнинг ҳайрати чексиз эди!

— Туронзамин амирларининг эса бошлари бир жойга қўшилмайдир...— афсус билан деди у.— Ҳар бири ўзига хон, ўзига бек...

Амир Ҳусайндан келган хабар сабаб бўлди-ю авлиёнинг башоратли сўзларидан сўнг амирлашкар Темурнинг фикри қатъийлашди. Бас, у нима қилиб бўлса ҳам юрт амирларининг бошини бир жойга қовуштирмоғи керак!

Минг бир хаёлга чулғанган Темур қўш табақали нақшин дарвозадан ҳовлига кирганида, ўғиллари ўн яшар Умаршайх билан саккиз яшар Жаҳонгир эндигина сабоқдан қайтишган экан, чопиб унинг олдига келишди-да, салом беришди:

— Ассалому алейкум!

Айвонда Темурнинг онаси Текина хотун ўлтирар, Темурнинг Улжой Туркон оқадан кўрган қизалоғи, уч ойлик Султон Бахт бегимни қўлида тутганча суйиб эркалар эди:

— Боласию боласи, қантак ўрик донаси! Қара! Қошлари попукдеккина! Ана-ана! Оталари келиб қолди...— деди яқинлашиб келаётган ўғлига кўзи тушиб.

Темур ипак тўшакка ўраб боғланган чақалоққа қаради: ажабо, ҳеч қандай попукдек қош йўк, қип-қизил жиш чақалоқнинг ўзи... «Ожизалар ҳам худонинг мунглуғ бандалари, умрнинг чечаклари...— деб ўйлади Темур.— Борига шукур... Лекин юртга ўғиллар керак, жонини фидо этмакка тайёр валламатлар керак!.. Валламатлар!.. Умаршайхлар, Жаҳонгирлар!..»

Амирлашкар шуларни хаёлидан кечирди-ю, ўзининг ажойиб валламат дўстлари, йигитлари борлигидан қувониб кетди ва содиқ йигитларни йиғиш учун қилган саъи ҳаракатлари ёдига тушди.

* * *

Темур ўз йигитлари билан Шаҳрисабздан унча олис бўлмаган Ҳисор тоғларидаги бир ғорни маскан қилиб олди. Қоялар бағрида жойлашган ғорга бориш учун Қальбадарё сойи бўйлаб икки минг газ баландликка кўтарилиш керак эди. Темур лашкарига қўшилмоқни истаган йигитлар ана шу ғорга қийналмай чиқа олишлари зарур бўлиб, ғор сафари имтиҳон вазифасини ҳам ўтарди. Йигитларнинг айримлари ярим йўлга борганда ҳаво етишмаганлигидан ҳаллослаб қолишарди. Шунда Темур йигитларнинг кўнглига қаттиқ тегмай:

— Сен, ажойиб йигитсен... Аммо менга паҳлавонлар керак! Майли, ортингга қайтақол!— дерди. У йигитларни шундай ажратиб оларди.

Пастдан қараганда кўзга чалинмайдиган ғорнинг оғзида туриб олис-олисларни кўриш мумкин. Ғорни худонинг ўзи гўё Темур лашкари учунгина яратгандек эди. Ғор оғзи маҳобатли, бўйи ўн икки газ, эни ўн беш газча бор. Уттиз-қирқ қадам ичкарига кирилгач, қоронғулик бошланади. Худди шу ерда шиғи баланд катта Гумбазли айвон жойлашган. Гумбазлидан бошқа айвонларга бир неча йўлақлар кетган. Йўлақларнинг бири узунлиги етмиш қадам, эни қирқ қадам келадиган зилол сувли қўлга олиб боради. У ерни Кўлли дейдилар. Неча юз йиллар ичига офтоб нури тушмаган ғор жунжиктирар даражада салқин. Ташқарида авжи саратон бўлишига қарамай, айвонлардан бирида янги сўйилган танани бир неча кун асрай олган эдилар.

Юз қадамча ғордан нарида қачонлардир қурилган эски сайисхона ўрнида Темур тошлардан бир неча хонали иморат бино қилдирди. Кенг-кенг хоналарда жуда чиройли йўнилган мрамар устунлар ярақлаб кўринар, томнинг баландлигидан, ичида отлиқ қиличини ҳавода ўйнатиб юра оларди.

Темур ғаройиб бу тош салтанати ҳақида биринчи бор ўсмирлигида эшитганди.

Беш юз йиллар илгари Аббосийлар халифалиги босқинчиларига қарши курашган Муқанна ҳам шу ғорда истиқомат қиларкан. Жангларда ҳориб-толган Муқанна аскарлари билан шу ғорга чекиниб, душман кўзида бирдан ғойиб бўлиб қолар экан. Босқинчилар билан ўн тўрт йил талашиб тортишгач, душманга таслим бўлишни истамаган Муқанна аввал хотинларию болаларини ўтга ташлаптиди, кейин ўзи қизиган тандирга киради... «Муқанна мажусий эди, оловга сиғинарди,— ўйлади Темур,— демак, у ҳам ўзини ўтга отиб, худонинг ўзига қочиб борган экан-да... Пирим ҳам, одамлар бало-қазодан тангри-нинг ўзига қочсинлар, деган эдилар...»

Аббосийларга қарши бош кўтарган Муқанна ва Чингизийларга қарши қурол тутган Темурни, босқинчиларга нафрат туйғуси билан бир қаторда ғаройиб ғор ҳам бирлаштириб турар, бу ёш амир кўнглига катта далда берарди.

Барлос уруғининг баҳодир йигитлари йиғилишганда асрлардан бери сукунатга чўмган ғор, бирданига эси йўқ болалари жам бўлиб бағрига қайтган, мункайган она кулбаси мисоли шовқинга тўлди. Аҳён-аҳёнда йигитларнинг хиргойиси қулоққа чалинади. Улар барлосларнинг суюмли қўшиқларидан айтишарди:

Хон тағойи баллос,
Мардикорга бормас,
Бўри емас,
Закот бермас...
Юриши чангал,
Ўлтириши дангал...

Йигитларнинг ичида биринчи бўлиб Темурга қўшилишган Ики Темур, амир Жоқу барлос, Аббос баҳодир, Йилдирим Султон, Бектурди ўғлон ва Давлатшоҳ бахшилар алоҳида ҳурмат-иззатда. Уларнинг ҳар бири ўн-ўн беш қиличдай аскарга эга эди. Ёқуб-хўжа барлос, амир Зайниддин, Суюнч баҳодир, Темурлар хонадонидида туғилиб ўсган Мубашшир ва Абдулалар ҳам оламга бергисиз паҳлавон йигитлардан саналарди. Темур барчасини ўнбоши этиб тайинлади.

Темур йигитларни Гумбазли айвонга чорлади. Аскарлар фармон кутиб ташқарида, сайсхона атрофларида — кимдир ёнбошлаган, кимдир ўтирган ҳолда жавзо офтобидан баҳраманд бўлмоқда эдилар.

— Эй барлоснинг мардлари!— сўз бошлади тахтда ўлтирган Темур пастда чордонна қурган йигитларга.— Мовароуннаҳрнинг жангари ўғлонлари! Киндик қони тўкилган тупроғимиз, мана, юз эллик йилга яқинлашиб қолди, келгинди босқинчилар оёғи остидида топталадир, қадру қимматлар қора ерга тенг... Ёт одамлар еримизда эғалик қилурлар, эрларимиз қул, аёлларимиз чўри... Ёрабий! Паҳлавонлари бир пайтлар жаҳонни идора этган юртимиз мана шундоқ хору зор, ночор...

Йигитлар лом-мим демай тинглар эдилар.

— Тангри таоло ҳар кимга бир вазифа юклайдир, бировга вайрон қилишни, ўзгага тиклашни... давом этди Темур.— Буни унинг пешонаси билади... Мен, тангри таоло манглайимга нима битганини сезиб турамен... Эй йигитлар! Биз ғорат этилган, хўрланган Туронзаминни душманлардан фориг айлашимиз керак! Мўғул босқинчиларининг қадамлари кесилур! Билингизким, душман туғини мажақлаш — менга ҳаётнинг тўкис, бебаҳо инъоми бўлур!

— Инъоми бўлур!— қичқирди ҳамма баравар.

— Аввало, йигитлар, бир-бирига садоқатда бўламен, деб қасамёд этсунлар! Нияти бузуқлар ҳозирнинг ўзида оёқларин тортсунлар! Барчангиз менинг оғамсиз, инимсиз, яқинимсиз. Кўнглингиз тўқ бўлсинки, мен сиз учун боримни аямаймен, аммо мен учун ҳам керак бўлса жонларини фидо қилишларини истаймен!..

— Сиз нима десангиз, биз шуни адо этурмиз! Сизни оламда танҳо амиримиз деганмиз!— қичқирди Аббос баҳодир.

— Ростию рўсти!— деди Темур қўлидаги узукка ўйилган сўзларни силаб қўяр экан. Узук айни бир пайтда муҳр ўрнида ҳам ўтар эди.— Адолатга эришурмиз, озодликка чиқурмиз!..

— Ростию рўсти!— сурон солиб такрорлашди йигитлар.— Адолатга эришурмиз, озодликка чиқурмиз!..

Темур лашкарнинг машқи пишиқ бўлиши ҳақида, маъракаи майдонга қандай кирилади-ю, қандай жанг қилинади, ёвни узукдек ўраб олиш, ҳарбий сирлар, чаққонлигу мардлик — барча-барчаси тўғрисида узоқ сўзлади. Мозийнинг баҳодирю лашкарбошиларидан мисоллар келтирди.

— Машққа!— буйруқ қилди ниҳоят Темур йигитларга.

Барча қиличбозлик машқларига киришди. Йилдирим Султон билан Суюнч баҳодир, амир Зайниддин билан Ёқубхўжа барлос «саваш» қурдилар. Офтобда исиниб ётган аскарлар ҳам машқларни бошлаб юбордилар. Кейин бутун лашкар иккига — «ўз» ва

¹ «Адолату озодлик»(форс.).

«ўзга»га бўлинди. Икки гуруҳ икки қояга чиқишиб, арқон тортишиб, қоядан қояга ўтиш қилишди. Энди курашга навбат етди. Шу пайтгача «Қилични бундай ушла!», «Ўзингни четга ол!», «Хушёр бўл!» деб, ҳаммага маслаҳат бериб турган Темур, чарчаб қолган аскарларни илҳомлантириш учун, ўзи майдонга тушди. У Ики Темурни курашга чақирди. Ики Темур ҳам барваста йигит эди, тап тортмай амир билан беллашмоқчи бўлди. Уч юз одамнинг ҳаммаси кураш қандай тугаркин, деб қизиқиб қолди.

— Бир Темурга Ики Темур!— дер эди ҳазиллашиб Давлатшоҳ бахши. Аскарлар чиройли лутфдан қийқириб юбордилар.

...Машқлар тугагач, аскарлар сайсхона олдидаги сайҳонликка чўкдилар, Темур ўнбошилар билан Гумбазлидаги ёқут тусли оқ мрамар тахта атрофига давра қурдилар. Ноз-неъматлар, таомлар тортилди.

* * *

Амирлашкар Темур улус амирларини бирлаштириш чораларини қидирар экан, бунда шошилмасликка қарор қилди. У бир марта ёшлик қилиб шошилиб, афсона бўлиб бўлган. Воқеа бундай юз берганди. Темур Шаҳрисабз ёнидаги Дархон қишлоғида бир кампирнинг уйига кириб қолди. Кампир атала пишириб турган экан. Темур қорни очлигидан дарров иссиқ аталадан ҳўплаган эди, оғзи куйди. Кампир олдидаги йигитнинг кимлигини танимай, жавраб берди:

— О, болам-а! Мунча шошилмасанг! Сенинг атала ичишинг худди Амир Темурнинг Шаҳрисабзни олишига ўхшайди...

Темур қотиб қолди! Икки йил аввал Шаҳрисабзга ҳужум қилиб, тадбир кўргизолмай шаҳарни ололмагани эсига тушди. Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан-да! Уша-ўша, Темур ҳар бир ишни етти ўлчаб, бир кесадиган, ўйлаб қиладиغان бўлди.

Сафарга чиқишдан бир ой олдин у Давлатшоҳ бахшини чақирди:

— Шаҳрисабздаги ҳамма чеварларга буюргил: уч юз аскарга беш хил либос тикиб беришсун. Аскарлар ҳар сафар жангга киришганда янги либос кийсунлар. Бу кўшинни кўп қилиб кўрсатади...

Либослар тайёр бўлгач, амирлашкар Темур йигитларини олиб Бохтарзамин ва Қандаҳор томонларга отланди. Балх тоғларида Сиддиқ барлос, Боғлон атрофида эса Қозончи баҳодирлар келиб унга қўшилдилар. Йигирманчи кун деганда Темурнинг лашкари Дараи Арсиф номли хушҳаво тепаликда тўхтади. Амирлашкар аскарларини сийлаб бир неча кун дам берди. Лашкар тепаликни қўршаб ётди. Ишнинг бориши кўнгилдагидек эмас, кўшин оз... Катта ният бору уни амалга ошириш йўллари ноаниқ, мужмал... Қадамларда суръат йўқ...

Кўнгли хижил Темур туни билан ухламади, жума кечаси эди, тонг отгунча тилак қилиб чиқди. Бомдод намозини ўқиб, дуога қўл очди, очдию нечундир кўзлари ёшланди. Амирлашкарнинг юраги бўшаши...

— Э, тангри таоло!— деб илтижо айлади у.— Мени бу сарсонликлардан ўзинг халос эт! Кўнглимга шижоат, илгимга қувват бер!

У сўзларини тугатар-тугатмас, узоқдан бир тўп кишилар кўринди. Улар тепаликни ёнлаб Ғазна томонларга ўтиб кетмоқда эдилар. Темур кишиларнинг кимлигини билиш мақсадида уларнинг изидан юрди. Етмиш отлиқ экан. Эллик қадамча қолганда Темур сас берди:

— Баҳодирлар! Ким бўласиз? Қаердансиз?..

— Бизлар Амир Темурга навкар бўлишни дилга тукканларданмиз. Уни излаб тополмай юрибмиз...— жавоб беришди улар.

— Мен амирлашкарнинг навкарлариданмен...— деди Темур ўзини танитмай.

Кишилардан бири буни эшитиб қувониб: «Амир Темурнинг ҳузурига олиб борадиган одам топдик!» деганча бошлиқлари томон от қўйди. Салдан кейин бошлиқлар отларини буриб, Темурга қараб қичқирдилар:

— Ҳой навкар! Бизларни Амир Темур қошига олиб бор!

Улар уч тўда эдилар. Биринчи тўданинг сардори — Туғлуқхўжа барлос, иккинчиси — амир Садриддин, учинчиси-Тўбак баҳодир экан. Бирдан Темурни таниб қолишиб, нақ ўзларидан кетаёзишди. Учови ҳам отдан тушишиб, тизза уриб Темур отининг узангисига лабларини босдилар. Темур ҳам дарҳол отдан тушди-да, ҳар бири билан кучоқлашиб кўришди. Кўнгли юмшаб, мандилини Туғлуқхўжа бошига қўйди, нозик ишламали, олтин билан зийнатланган камарини амир Сайфиддиннинг белига боғлади. Тўнини ечиб Тўбак баҳодир елкасига ташлади.

— Қуллуқ! Қуллуқ!— дер эдилар таъсирланган бошлиқлар.

Шундан кейин Темур шиддат билан Аложур қалъасини эгаллади ва Хулм деган жойга шошилди. Мамлакат ҳукмдори Амир Ҳусайн ҳам Балхдан шу ерга келди. Темур қайноғаси шарафига катта зиёфат берди.

— Амирлар бош эгишмакчи эмас...— деди Амир Ҳусайн, унинг чехрасида ранжу норизолик аломатлари кўринди.

— Ҳа... Ҳусайнбек... Улар бирлашишни ёқтиришмайди. Ўзим бўлсам, дейдир... Бу

юртнинг фожиаси ҳам шунда-да... Афсус... Бўлингани бўри ер, деганларидай, ҳар бири ҳар ёққа тортади...

— Қилич билан бирлаштираман лозимдир, қилич билан!..

— Қилич айирадир, Хусайнбек...— деди Темур.— Бошқа йўл топмоқ керак! Кун ҳеч қачон қиличга қолмасин...

— Қани ўша йўл?.. Арханг вилоятида Опардий бебошлик қилади. Кайхусрав Хутталонда...

— Бадахшонга от сурмоқчимен...

Темур сўзини тугатиб улгурмади. Чопар кириб, Бадахшон шоҳларининг Темур лашкари келаётганини эшитиб, таслим бўлганликлари ҳақидаги хабарни етказди.

— Бу йўлнинг очилишидир, Хусайнбек...

Амир Хусайннинг хиёл чеҳраси ёришди. Иш юришгандек эди. Аммо Амир Хусайн кутилмаганда кўполу кўрслик қилиб қўйиб Темурнинг катта уринишлар билан мустаҳкамлаб келаётган лашкарига путур етказди. Мамлакат ҳукмдори даврадаги амирларни ланжу ялқовликда айблаб, қўлидан иш келмайдиган ландовурлар, деб атади. Хафа бўлган айрим амирлар, Темурнинг ҳай-ҳайлаганига ҳам қарамай, ўз улусларига кетиб қолдилар. Кетишни Пўлат Буғо бошлаб берди... Кейин амир Сайфиддин, ортидан Туғлуқхўжа барлос...

— Темурбек, мен Солисаройга жўнармен!..— деди Амир Хусайн бўлган воқеага парво қилмай.— Илсхўжанинг бир амири бостириб бораётган эмиш...

Темур ҳақли чиққанини билдирмади, жаҳлини босиш учун атай деди:

— Балхдек мўтабар шаҳарни бобонгиз Амир Қозоғон, жойлари жаннатдан бўлсин, пойтахт қилмиш эдилар, Хусайнбек...— Темурнинг сирли гапи Амир Хусайннинг кўнглига ғулғула солиб қўйди.— Энди...

— Бу билан нима демакчилар, Темурбек?— синчков тикилди ҳукмдор от устида.

— Энди Элчи Буғо сулдуз Балхда салтанат туғини кўтарибдир...

— А?..

— Тахт унинг мероси эмас, сизникидир!— Амир Хусайнни Элчи Буғога қайрашда давом этди Темур.— Ул эса, салтанатда мен даврон сурадирман, дер эмиш...

Амир Хусайннинг гўштдор товоқдай бети оқарди, қисик кўзлари баттар қисилиб, ўнг юзи уча бошлади.

— Балхда... энасининг ҳақи бормикин Элчи Буғонинг?! — деди.

Гап тугади. Темурга шу кифоя эди, энди Амир Хусайннинг Балхга бориши шубҳасиздир.

Шунинг устига тинғчи нохуш хабар келтирди:

— Кайхусрав сулдуз бошлиқ олти минг Жета лашкари бостириб келмоқда экан!

Энди бу ортиқча эди. Хабар кўпчиликни совутиб қўйди. Баъзилар саросимага тушиб қолди. Хайриятки, амир Жоқу барлос, Ики Темур ва амир Жалолиддинларнинг ҳаракатлари лашкар парчаланишининг олдини олди.

Шитоб аҳволни ўнглаш керак эди. Темур дарров бостириб келаётган Кайхусров сулдузга элчи орқали нома юборди. Номада унинг Хутталонга ҳеч даъвоси йўқлигини, агар Кайхусрав Арханг вилоятини эгаллаган Улжойту Опардийга қарши жанг қилса, кўмакка кўшин юборишини уқтирди. Таклиф қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида Темурга қарши отланган Кайхусрав сулдузга ёқиб тушди. У қўшинни Арханг вилоятига бурди. Қаттиқ жанг бўлди, енгилган Улжойту Опардий чорасиз қолиб, ўтган гаплардан бехабар Темур қошига паноҳ сўраб келди. Темур уни яхши кутиб олди, ҳатто кейин Кайхусрав билан яраштириб ҳам қўйди. Эски душманлар дўст бўлиб қолдилар. Кўп ўтмай Амир Хизир Ясовурийнинг Тошкент вилоятини босиб олгани, у ердаги бузғунчиликлари ҳақида хабар етди-ю, Темур икки амирга катта лашкар қўшиб ўша ёққа жўнатди. Иш амирлашкар ўйлагандек бўлиб чиқди: Тошкентни ташлаб қочган Амир Хизир Ясовурий ҳам келиб, Темурдан паноҳ тилади... Урушлар тингандек эди. Аммо...

Мамлакат ҳукмдори Амир Хусайн Хулмдан чиқиб, Балх ёки Солисаройга эмас, нечундир Қаршига қараб юрди. Қалъани олгач, кўрғонбеги Амир Мусо бошчилигида етти минг отлиқ аскарни Қаршини кўриқлашга қўйди. Ҳукмдорнинг амирлашкар билан кенгашмай пинҳона Қаршини ишғол этгани Темурга оғир ботди. Бу, албатта дўстликдан эмас... Темурнинг шижоат-ғайрати туғёнга келди ва Қаршини тортиб олишга ундади.

— Қаршига юриш қилиш керак! — таклиф киритди амир Жоқу барлос.

— Тунда босқин қурайлик! — маслаҳат берди амир Зайниддин.

Аммо Темур ўзгача режа тузди: у Хуросон томонга юзланиб, Қарши бекларининг хотирларини жам айлайди, кейин кутилмаганда чақмоқдай ортга қайтиб, шабихун уриб қалъани забт этади...

Амирлашкар барчани ҳайрон қолдириб Хуросон сари отланди. Амударёдан ўтган эдилар ҳамки, Хўтанга бораётган бир карвонга дуч келдилар. Сорбон совғаю тансуқот олиб Темурни зиёрат қилди.

— Хуросон амирларининг аҳволи қалай? — сўради амир. Сўради-ю, нечундир жавоб ҳам кутмай, Хуросонга кетаётганини айтиб, карвон билан хайр-хушлашди. Аммо карвонга бир тинғчини қўшиб юборди, ўзи эса дарё бўйида унинг қайтишини кутди. Кўп

ўтмай тинғчи гап топиб келди. Сорбон қўрғонбеги Амир Мусога дебди: «Амир Темурни Жайхун ёқасида кўрдик, Хуросон тарафга кетаётган экан...» Бу гап Амир Мусо лашкарига етгач, хурсанд бўлишиб, ўйин-кулгуга берилибдилар...

Хабарни эшитган Темур, йигитларидан уч юзини олиб, Қарши қалъасига от қўйди. Темурнинг бирдан босиб келаётганидан хабар топган Амир Мусо яқинлари билан қочиб қолди...

«Амир Ҳусайн, қайноғам, мамлакат ҳукмдори, бир пайт фақат дўсту қариндошга муносиб иш қилурмен, деб Қуръони каримни тутиб қасам ичганди,— хаёлидан ўтказди Темур.— Ёраббер, на унинг дўстлигини билиб бўладир, на душманлигини!.. Унинг тутумини тушунмак мушукул...»

Амир Ҳусайн Қарши қўлдан кетгач, Темурга тилёғламалик қилиб, бундай мактуб юборди:

«Темурбек! Ўтган гаплар ўтди... Мақсадимиз бирдир. Бас, ўртадаги эски аҳд-паймонимизни янгиласак, гина-қудуратни унутсак, худо ҳаққи дуруст бўларди... Келаси ойда Чакчек дарасига келинг, кўришайлик!»

Темур учрашувга боришга тайёрланар экан, одати бўйича чаптаст баҳодирлардан бир бўлугини олдинроқ жўнатиб, эҳтиёт шарт дарага яшириб қўйди. Айна пайтда Амир Ҳусайн хизматида бўлган дўстларига хат юбориб, ҳукмдорнинг нияти қандай эканлигидан хабардор этиб туришларини ўтинди. Унга Шер Баҳромдан одам келганлигини айтдилар.

— Кирсин!

Навкар чодирга кириб, Темур қошида тиз чўкди:

— Шер Баҳром соғ-саломат... Бир қошиқ қонимдан кечасиз...

— Кечдим...

— Амир Ҳусайннинг нияти бузук эмиш... Умрингизга зомин бўлмоқчи. Чакчек дарасига бормаслигингиз керак... Шер Баҳромнинг ўтинчи шу...

Темур бу гапни эшитиб ўйланиб қолди. Лекин ортга қайтмади.

У ваъдалашилган Чакчек дарасига эндигина қадам қўйган эди, олисда Амир Ҳусайннинг катта қўшини кўринди. Шер Баҳромнинг гапи наҳотки тўғри бўлса? Лекин қоровулларнинг айтишларича, қўшинда Амир Ҳусайннинг ўзи йўқ эмиш...

— Амир Темурнинг ёлғиз ўзи келибди, деб эшитиб, сизни қўлга олмоқ учун лашкарнинг оз қисмини юборибди,— дейишди тинғчилар.

Темур ниҳоятда дарғазаб бўлди. Дарага яшириб қўйган баҳодирларига, душманнинг орқасидан йўлини тўсишга буюрди, ўзи эса икки юз отлик аскар билан ёғийга юзма-юз борди. Ўртада қолган ғаним аскарари асир тушди.

Эртасига яна Шер Баҳромнинг элчиси пайдо бўлиб қолди, у анча ташвишли кўринарди.

— Маъзур тутасиз, амирим... Шер Баҳромнинг сизга хабар берганини Амир Ҳусайн билиб қолиб, уни ўлимга буюрди!..

— Нима дединг?! — Темур ўрнидан туриб кетди.

— Шер Баҳромни қатл этдилар... Зўр йигит эди... Мени ҳам ўлдирмоқчи эдилар, қочиб қутулдим...

— Эсиз!.. Эсиз!..— дея олди холос Темур.— Шундай ўғлон нобуд кетди...

Темур Шер Баҳром учун қаттиқ қайғурди ва дўстнинг ҳар ерда ҳам асқотишини ўз тажрибасида яна бир синаб кўрди. Амир Ҳусайннинг мунофиқлигидан эса ҳар мўйи найзадай бўлди, аммо у билан алоқани батамом узиб ташлаш хатар эканлигини, ҳали бунга фурсат борлигини сезарди.

Чунки ҳозир кучни ўзаро урушларга эмас, балки бирлашиб ташқи душманга қаратиш лозим эди. У бунга яхши тушунарди. Бобо Али Шоҳ авлиёнинг Қуръони каримдан очган фолида ҳам «Сизларни ер юзида халифа қилдик» дейилган, «сизни...» дейилмаган-да... Йўқ эса ҳамма ишни бир ўзи қўлга олган бўларди...

Темур ўйлаб-ўйлаб Амир Ҳусайнга ушбу туркий байтни ёзиб юборди:

«Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манға,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анға».

Амир Ҳусайн байтни ўқиб, мағзини чақди-ю, изо тортиб уялди, дарҳол яна Темурдан узрлар сўраб мактуб битди. Аммо Темур энди унинг сўзларига ишонмас, айна бир пайтда ишонмаганини билдирмас ҳам эди.

УН УЧИНЧИ БОБ Жаҳон, қайдасан?

Қош қорайганда пахтачи қишлоқлардан қайтган Абубакр Калава дарвозадан кирдию донг қотиб қолди. Қадди-қомати хушбичим ёстиқдоши Қорасоч бика ҳўнграганча ўзини унга отди.

— Энди нима қиламиз? Энди нима қиламиз? Войд-о-о-д!

— Нима бўлди? Нима бўлди, эй феъли чиройли? Секин! Секин!..

— Вой, энди нима қиламан? Шўрим қуриди! Қуриганда ҳам ёмон қуриди! Бозорга юбормай менгина ўлай!..

— Бўлди, бўлди! — юпатди кўз ёшлари кулча юзини юваётган Қорасоч бикани.— Мунча овоз қўйиб юбордингиз? Қўшнилар эшитса яхши бўлмайди. Қани, ичкарига кирайлик...

Абубакр Калава Қорасоч биканинг қўлидан тутиб, айвонда ҳам тўхтамай ичкарига олиб кирди. Кўнгли бузилган она ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

— Чоштгоҳ вақти эди. Кумар келиб қолди. Бугун Чорсу майдонига йиғилар экансизлар... Кимдир қазо қилган эмиш...

— Ким... қазо қилибди?

— Билмайман... Кимдир эмиш... Ушанга сизни айтгани келибди. Ҳа, яхши келдинг-а, дедим мен тилинг кесилгур, бундай бўлишини қайдан билибман... Бир тоғора кириб бор, ювиб қўйибман, қачондан бери шунга ранг керак, қайнатиб ранглаб қўяй дейман, фурсатим бўлмайди...— йиғи аралаш тушунтирди Қорасоч бика.— Жаҳонга Кумар билан бориб бозордан ранг олиб келинглар, дедим... Чоштгоҳда кетишган, шу пайтгача йўқ, рангга юбормай мен ўлай, энди рангим чиқиб ўтирибман...

— Қаерда экан болалар? — сўради Абубакр Калава.— Уйнаб қолишгандир у ер-бу ерда?.. Балки Кумарларникига кетишгандир!

— Билмаймиз...— деди шўрлик она.— Ҳали Читрабону ҳам келиб кетди...— Қорасоч бика Кумарнинг онасини ҳурматлаб исмига «бону» қўшиб айтарди.— У ёқда йўқ...

— Балки... Унда қаёққа кетишади ахир? — деб юборди энди воқеанинг бутун даҳшатини англай бошлаган Абубакр Калава.

Қорасоч бика жавоб бериш ўрнига яна йиғига зўр берди. Наддофлар маҳалласи оқсоқолининг боши қотди. Қаёққа кетган бўлиши мумкин? Ун еттига кирса ҳам ҳали ёшда, Жаҳон, Кумар иккиси шаҳар айлаиб юришибдими? Ёки капча илоннинг ўйинини томоша қиламан деган бўлса, Кумар кўрсатаман деган бўлса, тўй-пўйга кетишдимиди? Аммо бундоқ одат йўқ эди қизиди, унинг устига Читрабону ҳам келиб кетибди. Йўқ, бу ерда бошқа гап бор...

— Жаҳоннинг шаҳти йигитларникидан ўтади,— деди Абубакр Калава, у Қорасоч бикадан кўра ҳам кўпроқ ўзини тинчитмоқчидай эди.— Доим дарахт билан жанг қилгани-қилган. Қиличбозликни машқ қилишни яхши кўради... Жаҳон шаддод, унча-мунчага эгилиб қолмайди, онаси... Мен унга ишонаман. Керак бўлса саваш қуради, ҳа!..

— Шундайку-я...— йиғламсинди беҳол она.— Биламан, шаддод. Шайтон киши хаёлини ҳар қайларга олиб кетади-да тагин... Одамлар ёмон...

Ногоҳ келган машўм ўйдан Абубакр Калаванинг эти жимирлаб кетди. Борди-ю, чиндан ҳам Жаҳон ёмон одамлар қўлига тушган бўлсачи?.. Йўқ, йўқ!

Шаҳарда бир тоифа одамлар борлигини Абубакр Калава кўпдан эшитиб келар эди. Бу тоифа, асосан, хуфия Хонлиқ оқа хонадонини «товар» билан таъминлаб туришга хизмат қиларди. Улар турли йўллар билан ёш қизларни қўлга киритиб, маълум бир муддат сақлаб, ўргатиб сўнгра катта пул эвазига машўм хонадон чўрилигига ўтқарар эдилар. Кейинги юз-юз йигирма йил ичида бу иш жуда авжига чиқди. Босқинчилар ҳаммиша босиб олган юртларида, аввало кишилар ғурурини, муқаддас туйғуларни, орномусни поймол этадилар, ўша улус тархини бузишга ҳаракат қиладилар, тозаллигини сақлаш борасида асло қайғурмайдилар, қулу чўриларни ўз билгича хор қиладилар. Абубакр Калава Ҳалокуийлар замонида чўрию жорияларни хўрлаш чегарадан ошиб кетганини биларди. Натижада масжид ва хонақоҳлар ёнида фоҳишахоналар очиб турли ерлардан олиб келтирилган, ҳар хил йўллар билан қўлга туширилган чўриларни хароботда сақлар эдилар...

«Ундай бўлиши мумкин эмас!» деди ўзига ўзи Абубакр Калава ва уйда ўтиролмай ташқари чиқди.

Шу пайт дарвоза тақиллади, кимнингдир: «Абубакр оға! Ҳо, Абубакр оға!» — деган овози эшитилди. Дарвоза олдида Самарқанд сарбадорлари жамоаси котиби Мавлонозода турарди. Салом-алиқдан сўнг ичкари кирдилар. Уй соҳиби ҳаяжонини босишга ҳаракат қилар, ўзини хотиржам кўрсатишга уринарди. Ҳовлининг чапидаги мўъжазгина айвончага ўлтирдилар. Лаҳза сукунат чўкди. Сукунатни қуйроқда қўшни ўйдан жилдираб оқиб чиққан ариқчанинг овозигина бузиб турарди. Қорасоч бика ҳам ташқарида одам келганлигини билиб, йиғисини тўхтатганди.

— Дафтарни келтирдим, Абубакр оға! — деди Мавлонозода.— Жуда ажойиб манзара намоён бўлмакда... Ажойиб!..

— Шундоқми?...— сўради Наддофлар маҳалласи оқсоқоли, кўз олдида эса жондан ҳам ширин қизи Жаҳон гавдаланар эди: «Ҳозир қаерда экансан-а, қизим?...»

— Шаҳримизда сарбадорлар сони, аниқроғи сарбадорларга хайрихоҳ кишилар сони хийлагина бор экан... Ҳозирча менинг хомчўтим бўйича беш мингдан ортади...

— Беш мингдан?

— Ҳа, беш мингдан!

— Беш мингдан... беш мингдан ортади... Демак, беш мингдан ортади, денг? Қаранг-а!..

Мавлонозода шундагина Абубакр Калаванинг хаёли паришон эканлигини сезди. Чиндан ҳам Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли бугун Мавлонозодага сал бошқачароқдек туюлди. Аввало, у Мавлонозодани ҳамишагидек хурсанд кутиб олмади. Кейин, Самарқанд сарбадорлари рўйхатини кўп марта ўзи сўради, олиб келинганда эса, нечундир унчалар қизиқиш билан қарамади. Муллавааччанинг пинҳона Жаҳонни бир бор кўрармикинман деган илинжи ҳам илинжлигича қолди — қиз кўрингани йўқ...

Дарвоза яна тақиллади ва Лакшманнинг юз овоз ичидан ҳам ажратиб олиш мумкин бўлган, шиддатсиз, пўк овози эшитилди:

— Абубакр яқиним!

— Ассалому алайкум, Лакшман оға!

— Ие! Толиби илм ҳам шу ерда эканлар-ку...— Лакшман салом аликдан сўнг айвончага ўлтирди.

Қоронғу бўлса ҳам Абубакр Калава Лакшманнинг кутилмаган мусибатдан сабзак ранги тагин ҳам қорайиб кетганини тасаввур қилиб турарди.

— Ҳа, бу...— деб сўз бошлаган эди Лакшман аламли, Абубакр Калава гапни кесиб қўйди:

— Ҳа, шундоқ...

— Энди нима қилиш керак? Иккисини ҳам Вишнунинг ўзи асрасин!

— Ҳа, иккимизни худо уриб қўйди, уриб қўйди, дўстим! — Абубакр Калава ортиқ чидай олмади. У Лакшманни ҳолсиз кучоқлади.

— Абубакр оға! Лакшман оға! — деди ҳалитдан бери ҳеч нарсани тушунолмаётган Мавлонозоданинг нимагадир ақли етиб.— Нима бўлди? Қандай ташвиш бошингизга тушдики, худо уриб қўйди, дейсиз?..

— Жаҳон билан Лакшманнинг ўғли Кумар иккови чоштгоҳда бозорга чиқиб кетишган экан, ҳануз улардан дарак йўқ-да... Оллоҳ ўз паноҳида сақласин! — базўр деди Абубакр Калава.

— Нима?! — сўради жон ҳолатда Мавлонозода.— Улардан ҳануз дарак йўқ?

Нохуш хабар Мавлонозодага бамисли чақмоқ ургандай таъсир қилди. Абубакр Калава шундан маъюс экан-да, шундан ҳамиша чамандай ҳовли ҳам шукуҳини йўқотган, файзсиз...

— Топаман!.. — деб юборди Мавлонозода.— Ие... топамиз... Абубакр оға! Лакшман оға! Албатта, топамиз! Укинмангизлар!

— Лакшман! — деди бирдан Абубакр Калава, овоз ҳар галгидай қатъий ва шиддатли эди, мусибатнинг лаҳзалик тўлқини босиб келганида хиёл эсанкираб қолган Наддофлар маҳалласи оқсоқоли энди ўзини ўнглаб олди.— Ортиқча қайғурмайлик, балки қайғудан қутулмоқ чорасини қидирайлик, энг адолатли йўл шу бўлур, эй феъли яхшилар! Бас, алқисса, Чорсуга кетдик! Кимдир қазо қилибди... У ерда бутун маҳалла оқсоқоллари, Тун салтанати фуқаролари бизларни кутиб туришибди...

* * *

Улар Чорсу майдонига етай деб қолдилар. Ана, Чорсу майдонининг у чеккасидаги Жоме масжиди ёнида лип-лип ёниб турган фонус аниқ кўзга ташланди. Икки юз қадамча қолганда посбоннинг таҳдидли овози эшитилди:

— Жонингдан умидинг бўлса тўхта! Кимсен ва қаён борурсен?

Наддофлар кўчасининг посбонлиги бугун Аббос баҳодирнинг чекига тушган эди. Темур нечундир Самарқандга катта эътибор берарди. Ҳижрий 763 йилда Амир Ҳусайн билан Мурғоб бўйида туркманларга асир тушиб, маҳонлик бадавлат Муборакшоҳ ёрдамида жон сақлаб қолган Темур Самарқандга келиб, эгачиси Қутлуғ Туркон оқа уйида қирқ саккиз кун яшириниб ётди. Аббос баҳодир ўшандай оғир кунларда ҳам Темур билан бирга бўлди. Садоқату ихлос камарини белига маҳкам боғлаган йигит тинччи бўлиб келганда, Самарқанднинг амир диққат-эътиборида турган шаҳар эканлигини доимо ёдида тутди.

Аббос баҳодир ҳар гал амир олдидан қайтганда совға-салом олиб келар, совға-салом ичида Амир Тўрғайнинг дўсти мунажжим Яҳё Ҳасан барлос ўғли толиби илм Мавлонозодага аталган динор тўла ҳамён ҳам бўларди. Темур ҳар сафар: «Мавлонозодага айтгил, ташвиш чекмасин, мадрасани битиришда илғорлик кўргизсин!» деб тайинлаб юборар, аммо бошқа бирон-бир гап қўшмасди.

— Қўй келади қўзи билан! — деди Абубакр Калава, жойида тўхтаб. Лакшман билан Мавлонозода Наддофлар маҳалласи оқсоқоли айтган сўзлар сирли эканлигини англашди.

— Бир-бирининг изи билан! — эшитилди бир оздан кейин.— Тун салтанатига мар-хабо! Йўлингиз бўлсин!

— Аббос баҳодирмисиз? — сўради Абубакр Калава қоронғида посбонни таниб. Шу топда бултур Ҳасан чиноқ тутиб олган бечора шахрисабзлик савдогар эсига тушди.

— Бугун зиммамизда салтанат юки!..— салом берди Аббос баҳодир.

— Аббос оға?! — ҳайратда қолди Мавлонозода, у ҳол-аҳвол сўрашни бошлаб юбормоқчи, нима қилиб юрибсиз, демоқчи эди, Аббос баҳодир гапиртиришга қўймади — қўли билан бошқаларга билдирмай унинг оғзини бекитди.

— Дурустмилар, э... муллавачча? Их-м! Их-м!.. Қани, ўтсинлар... ўтсинлар...

Мавлонозода посбоннинг ҳаракатларидан Аббос баҳодир билан танишликлари сир қолиши зарурлигини тушунди... Абубакр Калава кўча посбони билан Мавлонозода ўртасидаги сирли ишораларни сезди-ю, ўзини билмаганга олди.

Улар Чорсу майдонида етдилар. Жомеъ масжиди ёнидаги минорада липиллаб турган фонуснинг хира шуъласида кимлардир ивирсиб юрарди. Масжид олдидаги учта сандиқда Шаҳриёр ўлтирибди, майдон эса фуқаролар билан гавжум. Аббос баҳодир овозини баланд қўйиб деди:

— Наддофлар кўчасининг посбони Аббос баҳодир ҳузурингизда! Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли, дўстимиз Абубакр Калава таширф буюрарди!

Абубакр Калава шериклари билан тахт томон борар экан, салтанат фуқаролари қоронғида уларга йўл бўшатар эдилар.

Майдон сув сепгандай жим бўлиб қолди.

Салтанатда ҳукм сурган одат бўйича биринчи бўлиб Шотабибга сўз берилди. Аниқ-роғи Насафий бундоқ деди:

— Салтанат солимлиги посбони Шотабиб фуқаролар сиҳхатидан сўз айтадир.

Қотмадан келган баланд бўйли, оқ яқтак ва оқ кулоҳ кийиб олган Шотабиб тахт пойига яқинлашди. Минорадаги фонус Шотабибнинг ўнг юзини ёритиб турарди.

— Салтанат фуқаролари! Машъум ҳодиса юз берди, машъум эмас, асли одатий ҳодиса, демоқ лозимдир. Илло, ўлим, қазойи кадар ҳамманинг ҳам бошида бор савдо-дир.— Шотабиб бироз жим қолди.— Салтанат фуқароси Чиғатойхон оламдан кўз юмди... Муолажаю малҳамлар унинг дарди олдида ожизликларига тан берди... Эрта-лаб бомдод намозиға чиқариладир, Чокардиза қабристонига дафн этиладир.

Майдонга сукунат чўкди.

— Аммо ҳаёт, ёруғ дунёнинг каромати шуниси билан ҳам ғаройиб-да! — Шотабиб давом этди.— Ҳеч нарса исзиз йўқолиб кетмайди. Агар Чиғатойхон қазо қилган бўлса, унинг қизи, ўтган йили тўйини қилган эдик, фарзанд кўрибди!

— Яна битта гадо! — деб юборди кимдир. Бу гап пичинг аралаш айтилдими, холис айтилдими, англаб бўлмади.

— Алқисса, Чиғатойхоннинг қизи куёви билан салтанат аёнлари ҳузурида, подшо ўзининг бўлажак фуқаросига исм қўйиб берсин, дейишяпти.

Майдондагилар бир тўлқинланиб олдилар.

— Ахир из қолибди-да, из! — деди кимдир.

— Туёқ! — тасдиқлади бошқаси.

— Туёқмас тирноқ дегин, овсар!

— Ишқилиб, тирик нарса-да...

Шотабиб Чиғатойхоннинг набирасини олиб, Шаҳриёр турган ерга қараб юрди.

— Фуқаро! — чақалоқни қўлида тутганча деди Шаҳриёр.— Бу ҳам бекам таби-атнинг бир инъоми, худонинг етказгани! Чиғатойхон саксон беш ёшга борди, бунчалар умр кўрмак монандсиз омаддир, илло бу ёшдаги ўлим ўлим эмас, байрамдир, тўй-дир... Вақти келганда бу дунёдан кўз юммоқ ҳам саодатдир. Инчунун, ўлим экан деб кўнглингизни чўктирмангиз! Зеро ҳар қандай ўлим қаддимизни букиб кетиши керак эмас, аксинча, сиз билан бизни бирлаштириб кетмоғи, аҳдимизга аҳд, шиддатимизга шиддат қўшмоғи жоиздир...

Майдонда яна жонланиш бошланди.

— Ҳар кимга ҳам насиб қилсин!

— Бунга ҳам етган етади, етмаган нетади? — тасдиқлади Ахий Жаббор.

— Фуқаро! — яна майдондагиларга мурожаат қилди Шаҳриёр.— Салтанатимизга мўътабар меҳмонлар келишган. Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли Абубакр Калава, Уста Кулол, Ҳалвойи, Мавлонозода, Хўрдак Бухорий, Исоқ этиқдўз, Нозим Меҳмет, Лакшман... Барчаси самарқандликлар...

— Биламиз, яхшиликларини кўрганмиз...— деди кимдир.

— Уларни ўзимизга дўсту қадрдон деб биламиз!— гапирди Ахий Жаббор чап томондан.— Дўстсиз бошим, тузсиз ошим, деганлар!

Ахий Жабборнинг ёнида турган Кумар Абубакр Калава билан отасининг исмини эшитиб саросимага тушиб қолди. У ҳадеб Ахий Жабборнинг қўлини ушлар. «Энди нима

бўлади, ака?» деб қўярди. «Сен шошилма, жим тур! Нима қилишни ўзим айтаман!» — деди Ахий Жаббор.

Шаҳриёр кўлидаги чақалоқ сал безовта бўла бошлаганини кўриб, ишни тезлатиш кераклигини тушунди.

— Салтанатимиз ўша Самарқанд сарбадорлари жамоасига бир бўлук бўлиб кирадир... Азизлар, сиз билан биз ҳам сарбадорлармиз... Сиз билан биз ҳам ўзимизни ўша озоду бахтиёр жамоага шерик деб биламиз...

— Сарбадорлармиз! Шерик деб биламиз!

— Мен,— давом этди Шаҳриёр,— мана бу чақалоққа, Самарқанд сарбадорлари жамоасининг энг кенжа фуқаросига исм қўйиб беришни жамоа оқсоқоли Абубакр Калавадан ўтинурмен!..

Абубакр Калава Шаҳриёрдан чақалоқни олар экан, кўзларига ёш келди: «Сарбадорлар жамоасининг энг кенжа фуқароси!.. Унга исм қўйишда теран маъно бор...»

— Буюк бобокалонимиз муаллими соний Абу Наср ал-Форобий ўз рисоаларида бизнинг жамоамиздек жамоаларни вужудга келиши ҳақида қалам сурмишдир,— деб бошлади сўзини Абубакр Калава.— Зеро, ҳар бир инсон ўз табияти билан шундоқ яратилмишки, унинг яшаши ва олиймақом даражада етукликка эришмаги учун кўп нарсаларга ўзида муҳтожлик сезадир. Аммо одамнинг бир ўзи бундай нарсаларнинг ҳеч бирини қўлга кирита олмайди. Бунинг учун фақат жамоа лозимдир, инсонлар жамоага бирлашмоқлари даркордир, бирлик зарурдир... Сиз билан биз, эй феъли яхшилар, ана шундоқ жамоани орзу қилурмиз, шу вайдан ҳам Самарқанд сарбадорлари жамоасига яқдил бирлашиб турибмиз...

Шу пайт кимдир майдон ичидан:

→ Ким у Ал-Форобий деган?— деб қолди.

— Ҳазрат келсин-да!

Абубакр Калава энди оғиз жуфтламоқчийди, майдоннинг чап томонидан биров кичкирдди:

— Эсвос бўлсанг на дейман, расво бўлсанг на дейман...— Ахий Жаббор гапирарди, у шерикларининг соддаю саводсизлигидан хижолат бўлиб кетди.— Абу Наср ал-Форобий, муаллими соний ўтрорлик, Фороб қишлоғидан, мен ўша қишлоқда бўлганмен. Ул донишманднинг ўтганига кўп бўлган, китоблари қолган...

— Жуда тўғри сўзни деди Ахий Жаббор,— Абубакр Калава давом этди:— Биз шундай жамоа тузайликки, яшашимиз яхши бўлсин, ҳаётимизга маъни кирсин, бир-бировга кўмак қўлин чўзайлик. Ҳокимларга қарши бизнинг даъвойимиз ҳам, талабимиз ҳам бўлур. Самарқанд фозил шаҳарга айланмоғи керак... Жамоамизда «Хайрия бордир, жамалғаси камбағал, бева-бечора, мусофирлар, ночор кишиларга тасарруф этилади. Баски, Чигайтойхон дафни харажатлари «хайрия»дан олинсин, бу хусусда Нозим Меҳметга мурожаат этилса мувофиқдир... Энди яширинмак лозимдир. Қачонким, каминадан ишорат етадир, сиз қўлингизда аслаҳа билан истибдод қошида зоҳир бўлурсиз, токим охир-оқибат уни тубдан қўпораёлик!

Абубакр Калава сўзининг охирида қарийб шайх Ҳасан Журийнинг Боштин масжидида айтган даъватини такрорлаганини билмай қолди.

— Айтганингиз келсин!— деди майдон гувиллаб.

— Аҳли жамоа! Мана бу чақалоқ исмини ҳам зулмдан озод бўлсин деб, Озод деб атайлик! Озод бўлсин!

— Озод бўлсин!

— Ували-жували бўлсин!

Тун салтанати фуқаролари Озоднинг дунёга келишини ана шундай муборакбод этдилар. Фақат икки киши атрофдаги издиҳомга ичидан ичқиринди ўтиб қараб турарди. Булардан бири — Аббос баҳодир. «Сарбадорлар жамоаси худди Сабзавордаги каби ҳокимиятга эришмакчи! Қурол кўтариб чиқмакчи! Зудлик билан Темурбекка хабар етказиш керак!» деб ўйлади у. Иккинчиси, Мавлонозода — Самарқанд сарбадорлари жамоаси котиби. Уни аввало Абубакр Калаванинг обрўйи ошиб кетаётганлиги ташвишлантирарди. Шундай ташвишга тушганига ўзининг ҳам ғаши келди, албатта. Ҳарқалай Абубакр Калава — оқсоқол, у эса котиб... Аммо ички бир овоз: «Буни тан олма! Тан олма!» демоқда эди. Жамоа оқсоқоли ҳозир: «Ҳокимларга даъвойимиз ҳам бўлур, талабимиз ҳам!» деган сўзларни айтди. Буни қандоқ тушунмоқ керак? Ҳокимларга, яъни Худобандага, Садр Сулаймонга, Темурбекка, Амир Ҳусайнга қандай даъвойимиз бору қандай талабимиз? Улардан юмуш ўтинишми, емак тилашми, ҳокимият талаб этишми? «Қачонким, каминадан ишорат етадир, сиз қўлингизда аслаҳа билан истибдод қошида зоҳир бўлурсиз, токим охир-оқибат уни тубдан қўпораёлик...» Демак, иш Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми ўйлаганчалик шунчаки йиғинлар, тақяхонадаги учрашувлар, «хайрия», жамоа аъзолари рўйхати билангина чекланмайди, балки худди Сабзаворда бўлгандек куч, қурола аслаҳага бориб тақалади... Демак, инқилобий хуруж, исён назарда тутилмақда... Исён!.. Исён! Қон тўкиш!.. Қон!..

Ногаҳон қандайдир бир ботиний овоз келди: «Аҳли жамоа! Кўнглимдаги имоним билан шуни айтаменки, агар сарбадорлик эътиқодимдан бош тортсам, бошим дорга

тортилсин!..» Ҳа, бу сўзлар ўзиники, Хўрдак Бухорий Мавлонозодани сарбадорлар жамоаси билан илк бор таништирганда, муллавачча шундай ваъда берганди.

Йўқ, Мавлонозода сарбадорлик эътиқодидан асло чекингани йўқ, асло! Фақат у қон тўкилишини истамайди, барча жанжални хотиржам йўл билан ҳал қилмоқ лозим, дейди. Шу важдан ҳам Абубакр Калаванинг аслаҳа ҳақиқдаги сўзлари уни сергаклантириб юборди. Лекин у ўйларини ҳеч кимга билдирмасликка қарор қилди.

— Ота! Отажон!— қичқирди шу пайт бир бола ва тахт пойи томон югуриб бора бошлади. Бу морбознинг ўғли Кумар эди, Ахий Жаббор унинг изидан келарди.

— Уғилгинам! Уғилгинам!— Лакшман кўзларида ёшни тия олмай, Кумарни бағрига босди.— Хайрият, Вишнунинг ўзи асрабди! Нажоткор тангри асрабди!..

Кумарни кўриб Абубакр Калаванинг ҳам кўнгли ёришди. Кумар топилди-ку, энди Жаҳоннинг қайдалигини билиб олади!

— Хайрият! Хайрият!— дерди у.

— Кумаржон!— Лакшман ўғлининг кўз ёшларини артиб сўради.— Опанг қаерда, айт-чи! Бўлди, бўлди, йиғлама!

Кумар аранг йиғидан тўхтади:

— Жаҳон опамни эрталаб олиб қочиб кетишди... отда... Ахий Жаббор акам барини кўрди-и-и!— деди-да, яна хўнграб йиғлаб юборди.

Ахий Жаббор воқеага аниқлик киритиш фурсати етганини сезиб гапга қўшилди. У эрталаб Наддофлар кўчаси бошида рўй берган ҳодисани, қутилмаганда пайдо бўлган уч отлиқнинг қизни олиб қочиб Хонқали кўчасига кириб кетганини, ўзининг эса қувиб етолмаганини айтиб берди.

— Отлиқлар қаерда ғойиб бўлишди?— сўради Абубакр Калава йўқола бораётган умид тизгинини қўлдан қўйгиси келмай. Мавлонозода қутилмаган янгиликдан лолу ҳайрон, тили боғланиб қолганди.

— Кўчанинг охирроғида...— жавоб берди Ахий Жаббор.

— Тағин ўшалар, ҳа, аниқ ўшалар!— деди Уста Кулол афсусланиб.— Бизнинг маҳалламиздан ҳам бир қиз ғойиб бўлганди...

— Нопокларнинг иши бу!— гап қўшди Нозим Меҳмет.

— Ғаламисларнинг иши деяверинг!— қувватлади уни Халвойи.

— Уғирлаб нима қилади?— сўради Исоқ этикдўз.

— Нима қилади?— ҳайрон бўлди Хўрдак Бухорий.— Сотади! Катта пул ишлайди. Тўхта...— у Ахий Жабборга тикилди.— Хонқали кўчасида, дедингми? Чап томондами, ўнг томонда?

— Англолмай қолдим... Кузатиб турганимни биламан. Бирдан ғойиб бўлишди-қолишди. Чапда шекилли...

— Ҳим...— ниманидир эслагандай деди камонмерган.

— Воқеа бугун бўлдимми?— гапга аралашди салтанат «қулоғи» Бобо Султон.— Мен айти ўша вақтда Хонқали кўчаси ичкарасида эдим. Шу кўчада яшайдиган Ниёз қизиқчи-никида тўй бор эди...

Ҳамма бирдан жонланиб қолди.

— Сиз кўрдингизми?...— деди умидвор Абубакр Калава.

— Чўзма, каловланма!— Ахий Жаббор бир сакраб Бобо Султон ёнига ўтди. Мавлонозода ҳам яқинлашиб борганини билмай қолди.

— Ичкаридан Чорсуга қайтаётган эдим,— сўзини бошлади Бобо Султон.— Рўпарамдан уч отлиқ тасира-тусир келиб қолди. Менинг ёнимга келишдию ўнг томондаги темир дарвозага — боришда чап томондан бўлади,— бурилишди. Мени кўришгани йўқ. Ажабки, дарвоза ўз-ўзидан очилди. Биринчи отлиқ бир қопни ўнгариб олганди. Нималигини била олмадими, лекин бир аёл кишининг аниқ инграган овозини эшитдим. Ундан кейин отлиқ: «Келгунча мушукка ўхшаб тимдаланиб келди-я! Узиям ғайратли экан!..» деди. Аниқ, қопдаги қиз бола эди. Отлиқнинг башарасига қарадим: миқти гавдали, қиличбурун йигит экан. Дарвоза очилганда кўзим тушди — ичкари катта ҳовли, бир кунжагида яна дарвоза кўринди. Улар дарвозага киришлари билан дарвоза ёпилиб қолди...

— Ота ўғил, сенга балли, дилга бердинг зўр тасалли!— деди Ахий Жаббор Бобо Султонни кучоқлар экан.— Худди ўшалар! Мени ўша ерга олиб борасен!— Сўнг тахт пойида турганларга юзланди:— Подшойим! Абубакр оға! Ушбу маъшум ҳодиса менинг кўз ўнгимда юз берди, лапашанглик қилдим... Тун салтанати фуқароси, сарбадорлар жамоаси аъзоси сифатида гуноҳимни ўзим ювамен, қизни ўшал нопоклар чангалидан ўзим қутқарамен!

— Нега сен? Мана, мен қутқарамен!..— деб юборди қизиқ устида Мавлонозода, кейин ўзини ўнглаб олди. «Ахий Жабборга-ку, қизни қутқарамен дейиш жоиз. Хўш... сенга-чи? Сенинг Жаҳонни севишингни оллодан булак ҳеч ким билмайди-ку, нодон!» деди ичида ўзига ўзи муллавачча ва хижолат бўлганини билдирмасликка тиришиб давом этди.— Бир бегуноҳ ожизани қутқаришда Ахий Жаббор билан мен ҳам иштирок этсам!.. Савоб излаб юрган йигитмен...

— Боракалла!— дейишди майдондагилар.

Қизни қутқармоқчи бўлганлар сафига энди Хўрдак Бухорий қўшилди:

— Абубакр оға! Мен бу воқеани эшитиб андоқ мусибатда қолдимки, шу балога сизнинг ширин дилбандингиз эмас, балки менинг жигарпорам гирифтор бўлгандек бўлиб кетди. Жаҳон, бас, менинг синглимдир, инчунун жигаримдир. Синглисининг шаънини пок тутмак, уни иснодлардан халос этмак биринчи галда оғасининг бурчи. Бу юмушни мана мен, Ахий Жаббор ва Мавлонозодага топширурсиз!..

Ҳамма енгил тортди. Абубакр Калаванинг кўнгли тўлиб кетди, кишиларнинг ҳамдардлиги учун миннатдорчилик билдирмоқчи бўлди, аммо ҳаяжоннинг зўридан:

— Олло мартабангизни баланд қилсин...— дея олди холос.

Самарқанд сарбадорлар жамоаси билан Тун салтанати фуқаролари бир-бирларига ҳамфикру ҳамкор эканликларини изҳор қилдилар ва ягона жамоага бирлашганини айтдилар. Бу, ҳозирча фақиру йўқсул кишиларнинг, рунуду авбошнинг орзу-ўйлардан бино бўлган ҳаёлий жамоаси эди. Лекин жамоа ўзининг чекига тақдир катта вазифа юклашни ҳали билмасди. Тақдирнинг уларга насиб этган фавқуллодда ватанпарварлик шижоати, юртсеварлик туйғулари, бирлашмак фароғати ва фожиаси ҳали олдинда эди. Ҳали олдинда...

ЎН ТҮРТИНЧИ БОБ

Икки дилнинг бир муаммоси

Сўнги сабоққа киришдан олдин, улар ҳовлида турардилар, Худобанда дўсти Мавлонозодадан сўради:

— Жаҳондан бир хабар борми?

— Сал изи топилгандек...— Мавлонозода бошқа ҳеч нарса демади.

— Хайрият!..— қувонди Худобанда.— Сабоқдан сўнг бизникига борсак... Икки отни миниб шаҳардан чиқиб кетсак... Конирил томонларга...

— Нечук? Не бўлди? Фаромушсиз?

— Юрак сиқилиб кетяпти... Бир ёзилиб келайлик... Сизга айтадиган гапларим бор...

Мавлонозода дўстига қаради. Хушсурат Худобанданинг оқсарикдан келган юзи озиб қолгандай туюлди. Қоп-қора тийрак кўзлари ҳам нечундир маънос, паришон... Муллавачча бугун Хўрдак Бухорий, Ахий Жаббор, Калтатойлар билан Жаҳонни кутқаришга бориши лозим, иш хуфтонга белгиланган. Унгача улгуради.

— Жуда соз, дўстим!

— Дарвоқе,— жилмайди Худобанда.— Кеча қизиқ бўлди...

— Нима экан?

— Меҳмонхонада падари бузрукворимиз девонбеги билан бир ишнинг маслаҳатини қилишмакда экан. «Сарбадор деган қўсқиларнинг жиловини тортиб қўйиш керак!..» деди девонбеги. «Ялангоёқлар додвой қилгани билан қаёққа борарди... Парво қилма, керак пайтда, Солисаройдан сипоҳ чорлаб ҳаммасини тинчитамен!» Шу пайт мен кириб қолдим. «Сарбадорларнинг нияти яхши, улар бировнинг бурнини қонатмоқчимас, эй падари бузруквор!— вазиятни тушунтирдим мен.— Улар шаҳримизни обод қилмакчилар, фозил шаҳарга айлантирмакчилар... Бунинг нимаси ёмон?» «Сиз буларни яхши билмайсиз, султонзода!— куйиниб гапирди девонбеги.— Йўқ, биласиз ҳам! Қишлоққа закот олиш учун борганимизда ахир ҳаммамизни беобрў қилишди-ку! Одамларнинг шундай бўлишига сарбадорлар айбдор...» «Сарбадорлар бечора, ҳалол одамлар,— дедим мен яна.— Эй падари бузруквор, Солисаройдан сипоҳ чорлаймен, дедингиз... Наҳотки, ўз халқингизга қарши сипоҳ чорласангиз? Бу адолатдан бўлмас, деймен...» «Йўқ, ўғлим, йўқ, бир гапирдим қўйдим-да... Сен ташвишланма, сабоғингни ўқи!— деди падари бузрукворим.— Чорлаганим билан пойтахтда сипоҳ ҳам тайёр турибди, дейсанми?»

— Сизнинг сарбадорлар жамоаси аъзоси эканлигингизни билишадурми?— сўради Мавлонозода.— Узингизга айтишмадимми?

— Йўқ, фақат мени билишмайди, лекин бошқаларни, жумладан сизни ҳам, яхши билишади...

Улар дарсхонага кирдилар. Узун пахмоқ соқолини гоҳ-гоҳ силар экан, мударрис Хожа Лутфуллоҳ имондан баҳс юритарди:

— Имон — ишонч, эътиқод, иқрору амал демакдир. Имон уч нарсдан ҳосил бўлур, яъни: оллага эътиқоддан, ботиний руҳий тасдиқдан, иккилончи, шул эътиқодга иқрордан, тан олмақдан, учлончи, ана шу эътиқодга амад қилмақдин пайдодир. Эътиқод бўлсаю иқрор этилмаса, ёки ҳам эътиқод, ҳам иқрор бўлсаю, амалда қўлланмаса, имон юзага келмайди... У ҳолда имон — ботинан пўк бир каломдир...

— Тақсир!— деди Мавлонозода.— Кеча бир ҳадисда мутлоаа этдимки, асли бундоқдир: «Ал-имону нисфони — нисфуҳу сабрун ва нисфуҳу шукрун». Яъни, имон уч эмас, икки нарсдан иборатдир — сабрдан ва шукрдан эркан...

— Ажаб! Ажаб!— деди мударрис.— Бисёр ақлингиз тиниқдир, Мавлонозода! Ҳадисда тўғри ёзмишлар. Вале, мен айтган уч нарсага риоя қилинса, иншоолло, сиз айтган

ҳадис сўзлари келиб чиқади. Билъакс, сабр ва шукр мусулмонликнинг икки таянчидир... Мавлонозода қаноат ҳосил қилди. Хаёли ёнида чўк тушиб сабоқ тинглаётган Худобандаги кетди. Худобанданинг нечук ташвиши бор? Оламга машҳур бадавлат бойнинг якка-ёлғиз ўғли бўлса, яккаю ёлғиз меросхўр! Бу йигит ҳақида, албатта, турли гаплар юради, гўё Худобанда... Садр Сулаймоннинг ўғли эмас эмиш... Боқимонда ўғил эмиш... Мавлонозода бундай гапларга асло ишонмайди, чунки одамлар ҳасаддан, кўролмасликдан тўқийди ҳар хил миш-мишларни. Мадраса толиби илмлари орасида бу гапни кўпроқ Абумансур тарқатади. Тунов куни шу ҳақда гап кўзғалганда марғинонлик толиби илм Калтатой Абумансурнинг ёқасидан тутиб, хийла таъзирини берди... Толиби илмлар орасида бўлди кулги, бўлди кулги...

— Кетдик!— деди Худобанда кутилмаганда.

Мавлонозода сабоқ тугаганини ҳам сезмай қолибди, у Худобанда изидан ҳовлига чиқди. Шу пайт Калтатой унга яқинлашди:

— Айтган юмушингизга қачон борурмиз?

Калтатой ҳам Жаҳонни қутқаришда қатнашмоқчийди, Мавлонозода ундан илтимос қилганди.

— Шай туринг, Той! Ўзим сизни йўқлаймен...

— Самарқанд сарбадорлари жамоаси аъзосига топширилган биринчи вазифа!...— деди Калтатой, бу содда ва оқил йигит бақувватлигидан толиби илмларнинг қўриқчиси-га айланиб қолган, у бор жойда кўнгил доим тинч бўларди.

Мавлонозода жузвдонини ҳужрасида қолдирди. Улар Чорсу майдонидан Арк кўчаси томон бурилдилар. Бирдан Худобанданинг аламли овози эшитилди:

— Тагин ўша гадоми?! Ахир... Ахир... Бу исқирт...

Мавлонозода боқса, Худобанданинг ранги оппоқ оқариб кетибди, юпқа лаблари пир-пир қилади.

— Қани ганак? Ё лошқанот!— деб келар эди ўттиз қадам нарида Абомуслим. Афтидан у муллаваччаларни сабоқдан чиқишларини атай пойлаб турганди.— Бунча чиройни қайдан олдинг...

— Бу... бу... инсоф... си... сиз...— каловланарди Худобанда.

— Дўстим, ўзингизни босинг! Бу бечора бир одам...— Мавлонозода Худобандани тинчлантиришга уринди.

— Э, бечора одам бўлса, меним билан не юмуши бор?! Кетсин! Йўқса, сипоҳ чорлайдурмен!— Худобанданинг қаттиқ ғазаби келди.— Уз ҳаддини билмаган инсофсиз!

— Бечора бир гадо-ку!— деди Мавлонозода.— Бировга озори йўқ... хокисор...

— Шунинг озори йўқми?— Худобанда яқинлашиб келаётган айиқкелбат Абомуслимга нафрат билан қаради.— Қачондан бери менинг ҳол-жонимга қўймайдир, доим пойлайдир, олдимдан чиқади, изимдан юради! «Қани ганак? Ё лошқанот!» деганини эшитсам, кўнглим ағдариладирган бўлибдир!..

— Абомуслим оға!— сўзланди Мавлонозода.— Тўхтангиз! Тўхтангиз! Уша жойингизда тўхтангиз!

— Сўранг-чи, нима зарур экан унга ўзи? Нима зарур? Айтганини берайлик! Тинчисин!— Худобанда бўғилиб кетди.

Абомуслим ўн қадамча қолганда тўхтади. У ҳеч нарса демади, балки Худобандага меҳр тўла кўзларини узоқ тикиб қолди. Соқол мўйлов ўсиб кетган юзида, ўнг чеккасида бўртиб чиққан ёнғоқдек нарасада тер томчилари кўринди. Бир неча лаҳзадан сўнг у шарт бурилди-да, ортига қайтиб кета бошлади, на бир нарса деди, на бир нарса сўради.

— Бу жинними, соғми?— деди Худобанда Абомуслимнинг ғалати тутумини кўриб.

— Йўқ...— Мавлонозода йироқлашиб бораётган Абомуслимдан кўз узмай жавоб қилди.— Соғлигини билмадим-ку, ҳарақалий жинни эмас... Аммо фарзанд доғида телба бўлганлиги рост. Фарзандларидан мосуво бўлган ношуд ота бу...

— Фарзанд доғида телба бўлган бўлса, мендан нима истайдир, мендан?! Ана шу нарса энди мени телба қилаётир!.. Во ҳасрато!

Худобанда ҳам алам, ҳам афсус билан гапирарди.

— Бу исқиртнинг ўзи не-ю... болалари нима бўларди...— деди бир оздан кейин яна Худобанда. У Абомуслимни шундай ёқтирмай қолган эдики, кўрса ногаҳон хуруж тутар, ўзини оламда танҳо бебахт сезарди.

— Зинҳор кўнглингизга олманг, дўстим! Бу одам, сиз айтганчалик ёмон одам эмас. Каминанинг ақли қосири сасига бир гал қулоқ тутинг, илло, адашмағайсиз! Яқинда бу бечоранинг қиссасини эшитдим, ўшандан бери тарихи кўз олдидан кетмайдир... Ҳайҳот!.. Ўзини танийсизми?..

— Билмадим... билмадим... Кўрсам жунуним қўзыйдир холос...

— Унинг исми Абомуслим. Тун салтанати фуқароси...

— Тун салтанати?.. Салтанатни кўринг!

— Худобанда!— кесиб гапирди энди Мавлонозода.— Аминменки, сиз бу бечора қиссасини эшитиб, фикрингиз мутлоқ ўзгарадир... Чунки одам боласи Абомуслим фожеаси билан танишиб бефарқ қолмоғи мумкин эмас... Агар одам боласи бўлса...

Мавлонозоданинг ачиқ кинояси Худобандага ботиб кетди.

— Йе! Бу нима деганлари? Ҳали ўзлари одам боласи бўлдилару, биз бўлмайдикми? Биз жезми? Чағир тошми? Ҳеч нарса ҳис этмайдирган ёғоч бандасими?..

— Ундоқ демадим шекилли...

— Биз бировларнинг фожиясига бефарқ қарайдирган бағри тошлармиз... Сиз...

— Худобанда! Тўхтангиз, дўстим! Шу... сиз ўзингизмисиз?— деди ҳайратда Мавлонозода.— Ёки шу чиройли қадди-қомат, кўркабой сиймо ботинида ўзга одам жойлашиб олганмидир? Тавба демакка тил қовушмас!..

— Ана шундай чиройли қадди-қомат, кўркабой сиймо ботинида шайтон ниҳон бўлса-чи?.. А?..

— Мен сидқидилдан сўзлайдурмен! Гина-кудуратни бир четга қўяйлик!— энди Мавлонозода ҳам қизиша бошлади.

— Қўяйлик! Қўяйлик!— деди Худобанда ҳам. Сўнг ўзига-ўзи гапиргандай давом этди.— Бир нарсадан ҳайратдаменки, ажаб дейсен, неча йиллик дўстлар аллақандай гадони деб жанжал қуриб, пасту баланд саслар ила самони тўлдириб турсак... Бу қандай одам ўзи? Яқинда Чорсу майдонида такрор олдимиздан чиқди. Жаҳлим хуруж қилди, сипоҳларга буюрдимки, дўппосласинлар, токим иккинчи менинг кўзимга кўринмасин! Эл тўплана бошлагач, сипоҳлар уни тинч қўйдилар, ҳа, баланд бўйли бир йигит унинг тарафини олиб, сипоҳларни қайтарди, Ахий Жаббор дейишди отини. Боплаб таъзирини еди. Валлоҳ, мулло бўлмабдир, боз қошимдан чиқиб турибдир...

— Сиз... Абомуслим оғани дўппослатдингизми ҳали?..— ярим ўкинч, ярим ҳайрат билан сўради Самарқанд сарбадорлари жамоаси котиби.— Ўзи худо уриб қўйган бир бечорани-я?..

— Ахир, нима қилай, дўстим?— зорланди Худобанда.— Томоғимдан келтирса нима қилай? Ахир, нима қилай?..

* * *

Чорсу майдонидан Кулоллар кўчасига бурилган икки отлик биринма-кетин Конигил ўланзорига қараб юришди. Ҳамма чиройли ясалтилган икки отда бораётган шахзодалардай хушбичим йигитларга ҳавас билан қарашар, аммо улар буни сезишмас, бир-бировига билдиришмас ҳам, бир нарса ҳақида, икки дўст орасига нифоқ солишига оз қолган гадо Абомуслим ҳақида ўйлар эдилар.

«Бошга битган бало бўлди-ку бу гадо?» — дерди ичида Садр Сулаймоннинг ёлғиз ўғли Худобанда.

«Бу гадонинг бошига мислсиз балолар ёғилди-ку!» — афсусларди Мавлонозода.

«Доимо рўпарамдан чиқади... Тушимда ҳам кўрадиган бўлиб қолдим-ку? Қаёққа қочамен?..»

«Бечора ўғил-қиздан мосуво, тентираб Самарқандга келиб қолган. Бу ерда ҳам унга тинчлик йўқ. Мана шўрликни дўппослашибди ҳам... Энди у қаёққа қочадир?..»

«Нима чораси бор экан?..— дея азобларди Худобанда. Аммо Мавлонозодага айтмоқчи бўлган гапи бу эмасди.

«Нима чораси бор экан?» — қийналарди Мавлонозода. — Чораси Худобандага Абомуслим тарихини айтиб бермак, унинг беозор одамлигини англашиб, хавотирланган дўстининг кўнглини тинчитмакдир...» Бир таом пишарчалик вақт ўтар-ўтмас, улар шаҳардан чиқиб олдилар. Конигил ўланзори шаҳарнинг шимолий-шарқ тарафида жойлашган бўлиб, уни уч тарафидан Кўҳак адирлари авайлабгина «опичиб» турадилар. Олисдаги адирлар қатлам-қатлам рангларга ажралиб кўринар, бу ерда оқ кум, соғ, тупроқ қизил кесак, сариқ тупроқ, гил тупроқ ва кулолчиликда ишлатиладиган бошқа тупроқлар олинарди. Конигил фақат Кулоллар маҳалласидагиларнинг саждагоҳи эмас, балки ҳар бир шаҳарликнинг сайр айлаб кетадиган маконига айланган. Ўланзорга қадам қўйган одам чиройли манзарага маҳлиё бўлиб, оламнинг барча ташвишларини унутар, адирдан эсан шабада кўнгилдаги шубҳа-гумонларни, хижилликлар соясини тарқатиб юборишга қодирдай эди. Ҳамиша кўм-кўк майсалар тўшалиб ётадиган Конигилда рўвак, буғдойиқ, ажриқ, савағич каби ўтлар ўсар, адирларда, тоғларда писта, иргай, зирк учар, арчозорлар эса катта-катта майдонларни қоплаганди. Зарафшон дарёсининг, яна Кўҳак суйи ҳам дейдилар, ўланзордан оқиб ўтиши нур устига аъло нур бўлган, эпкин олиб келган дарёнинг салқин ҳавоси, ям-яшил майсалар ҳидига қўшилиб монандсиз бир иқлим пайдо қилганди.

Худобанда чайлининг жиловидан тортиди. Бу ердан адирлар аниқ кўзга ташланарди. Кунчиқиш томондан ўланзорга кириб келган дарё бўйида Садр Сулаймоннинг чорбоғи кўринди, афтидан, икки дўст у ёққа боришмоқчи эмасди. Худобанда отдан тушди-да, бир супурги ўт топиб чайлини боғлади. Мавлонозода ҳам шундай қилди. Улар ажриқзорда чордона қурдилар. Вақт пешиндан ўтиб қолган, офтоб ҳам мағриб томон оған...

— Дўстим, Худобанда!— деди Мавлонозода кунчиқишдаги адирга қарар экан, адирнинг тўрт кулочча жойи қип-қизил кесакдан иборат бўлиб, пешин офтобиди худди оловга ўхшаб кўринарди.— Ана бу адирга боқингиз! Мисоли бағрини ўт олиб ёнаётган-

дай... Вожаб! Аммо ул тош, кесак, гилдир, ўз дардини айта олмас... Ахир унга забон берилмаган...

— Ростдан оловга менгзайдир!— Худобанда ҳам ҳайратланиб қаради.

— Биламен, кўнглингизни анови гадо қийнайдир...— Мавлонозода дадил мақсадга кўчди.— Мен ҳам аввал сиздек фикрда эдим, аммо қиссасини эшитгач... Уша кеча кўзимдан уйку кетди...

— Уни эслатмангиз, дўстим!— Худобанда инграб юборди.— Тагин бошладингизму? Зўрға ёдимдан чиқиб турибдир. Ажабки, сизга жуда хуш ёқиб қолибди-да ўшал искирт!

— Ҳар кўрганимда жунуним кўзийдир, дейсиз... Ахир унинг кимлигини билмак лозим... Шунда нечун сиз билан бизни пойлаб юрганини англайсиз... Йўқ эса, анови адирдек бағрингиз куйиб юраверади...

— Ҳўш, ким экан ул?— агар яна рад этса, дўстини хафа қилиб қўйишдан чўчиб сўради Худобанда; бир жиҳати, дўсти ҳақ гапни гапирмоқда.

— Уни Абомуслим, дейдилар, лекин асл исми бошқа. У гадо эмас, бекзода бўлган,— Мавлонозода жилмайди.— Ахсикент ҳокимининг ўғли...

Ахсикент номини эшитиб, негадир Худобанданинг юраги «булк» этиб кетди, аммо билдирмади. Ҳайрон бўлди, Ахсикентнинг унга алоқаси йўқ-ку! Уни нишопурлик қулжаллобга усрушонлик бир мулла сотиб кетган... Садр Сулаймон сотиб олаётганда, қулжаллоб бундай деганди: «Бу бола Мовароуннаҳрдан, усрушонлик бир мулла но-чорликдан сотиб кетди...» Худобандани бола фаҳмлаб айтилган бу сўзлар, аксинча, бола хотирида тиниқ ўрнашиб қолди. Шу-шу, «Усрушона» сўзи унинг қалбида титроқ уйғотади, пинҳон ўша муллани сўроқлатиб ҳам кўрди, аммо ҳеч нарса билиб бўлмади. У мулла ким? Отасими? Нега у Усрушонадан бўла туриб, Нишопурда боласини сотиб кетади?.. Қандоқ ота экан у?— Худобанда бу саволларга жавоб топа олмасди. Бу эса Ахсикентдан, балки ундан ҳам сўраб олар... Бирон нарса айтиб берса ажабмас...

— Гадонинг исми нима экан!

— Исмими?.. Жалойирбек. Ёстикдошининг оти Сулувбика.

Худобанда таажжуб ичида қолди: «Таниш исм-ку! Жалойирбек, Жалойирбек... Эслаб бўлмаётир... Аммо Сулувбика! Қандай ажойиб исм! Ахир, оназоримни ҳам шундоқ аташарди. Афсуски, у кичиклигимдаёқ оламдан кўз юмган...»

— Қаерга борса ўғил-қизини излайдир,— давом этди Мавлонозода.— Йигитларни кўрса ўғлига ўхшатиб юборадир... Сиз билан бизга ҳам ўша маънода қарайдир. Бизларнинг-ку унга алоқамиз йўқ, унинг боласи ҳам эмасмиз. Аммо нотавон кўнгил ўзини шундай овулмакка уринадир...

— Уғлига ўхшатиб юборадир?— сўради Худобанда.— Уғли қандоқ экан?

— Уғли, айтишича, бағоят ширин экан... Ўзидан эшитсангиз!.. Ҳеч ким ўзидай гапириб беролмайди. Уғлини Шерўғлон деб атаган экан, қизчасининг оти Ширинбика эмиш...

Астафурулло! Худобандани ҳам болалигида Шерўғлон дейишарди, синглисини ҳам шунга мос исм, балки Ширинбикадир, аташарди, ишқилиб «ш» кетарди. Худобанда кишиларнинг тақдири бир-бирларига ўхшаб кетишини кўп эшитган. Тақдирлар ҳам шунчалар ўхшаш бўладими? Бу не сир-синаот? Аммо, у Ахсикентдан эмас-да, Усрушонадан у...

— Ростдан ҳам Абомуслим деган гадонинг қисмати ғаройиб экан...— Худобанда тан олди.— Ҳўш, биронта боласини кўрибдирми, исмини топибдирми?

— О, дўстим! Бечоранинг куйганича бор! Ҳалигача бирон боласини топган эмас... Ҳамма гап шунда-да!

— Нечун? Шунча излаб-а?..

— Йўқ, топмаган.

— Ажаб...

— Чунки болаларини танимайди! Айрилганида, болалари кичик бўлган, бири уч ярим-тўрт яшар, бири бир ярим-икки яшар.— Мавлонозода хотирлай бошлади.— Ҳа... ўғлим, дейди, ҳозир йигирма иккига кирган, қизим ўн тўққиз-йигирмада...

Яна Худобанданинг ҳайратига ҳайрат қўшилди. Гадонинг ўғли йигирма иккига кирган бўлса, Худобанда ҳам бу йил йигирма икки ёшга тўлди. Икки томчидай бир-бирига ўхшаш тақдирлар... Бечора гадо ўғил-қизини ахтариб юрибди, Худобанда бўлса отасию синглисини...

Бирдан чақмоқдай фикр ялт этиб Худобанданинг миясига урилди! «Борди-ю... Шу гадо, Абомуслим, унинг отаси бўлиб чиқмасин тагин?!» У худди биров воқиф бўлиб қоладигандай, шитобан бу фикрни калласидан қува бошлади. Мумкин эмас! Зинҳор мумкин эмас! Миқтидан келган, бақувват, юзларини соқол-мўйлов босиб кетган, ўнг чаккасида ёнғоқдек нарса бўртиб чиққан, қора кулоҳ кийиб, айиқдек лапанглаб юрадиган бир абтарин, ажойибул махлуқот... Наҳотки Худобандадай гўзал чеҳра бир йигит шундай гадонинг пушти камаридан бино бўлган бўлса?! Йўқ, йўқ! Фақат тақдирлар ўхшаш! Ухшаш!.. Ухшаш...

Воқеалар тизгини, ўхшашликлар силсиласи — онасининг исми Сулувбикалиги, ўзи-

нинг Шерўғлонлиги, синглиси борлиги, фақат унинг Усрушонадан эканлигини ҳисоб-га олмаганда, бари-бари Худобандани ўша гадонинг ўғли дейишга асос берарди. Лекин у салкам йигирма йил Садр Сулаймон хонадониде йўқчилик нималигини билмай, азият тортмай, доим ҳурмат-иззатда, диққат-эътиборда «яккаю ёлғиз ўғил» бўлиб ардоқда яшаб келган, энг муҳими, шундоқ ҳаётга ўрганган йигит эди. Жаммазабон девонбегидан тортиб шаҳарнинг бутун казо-казолари — шайхулислом Абулворис Самарқандий, Қавомиддин қози, мударрис Хожа Лутфуллох, имом Қутбиддин уни танишар, султонзода сифатида икром кўргизар эдилар. Ҳатто мамлакат ҳукмдори Амир Хусайн билан Темур яқинда Самарқандда меҳмон бўлганларида, хушсурат Худобандани кўришиб: «Баракалло, ота ўғли! Падари бузрукворингга мос бўл! Самарқанддай шаҳарга сен ҳам ҳокимдурсен, зеро падари бузрукворингнинг танҳо меросхўридурсен!» дедилар. Энди, қандоқ қилиб, Самарқанднинг бўлажак ҳокими, яккаю ягона ўғил, юзлари оқ сариқдан келган, кўзлари қоп-қора, Юсуфойин йигит, ана бу тавбияю тараққос, бадрафтор гадонинг ўғли бўлади?..

Бугун дўсти Мавлонозодага: «Сизга айтадиган гапларим бор», деганида ёлғон гапирмаганда, ростдан ҳам уни кўпдан қийнаб келаётган бир муаммо ҳақида дўстига ёрилиб, очиғи, маслаҳат сўрамоқчийди. Гап Худобанданинг Садр Сулаймонга муносабати хусусида боради. Падари бузруквори доим унга: «Сен, ўғлим, кичик бўлатуриб бошингга кўп савдолар тушди, хайриятки, бари яхшиликча туғади, пешонамга битган ёлғизим бўлганинг учун ҳам тангри таоло оҳимга етиб, сени қайтиб берди!» дейди. Ҳаммаси рост, Худобанданинг Садр Сулаймоннинг ўғли эканлиги ҳақидаги гапдан бошқа ҳаммаси рост. У ҳокимнинг зурёди эмаслигини аниқ билади, ҳокимга фарзанд кўриш насиб этмаган... Энди қайга борса, Худобандани ўғлим деб мақтанаяди, ўзи ичиде ҳам гапнинг ёлғонлигини билади, лекин ташқарида ҳақиқат деб даъво қилади ва ўзини ҳам бунга ишонтирмоқчи бўлади. Бу мунофиқлик, сохтагарчилик, ёлғончи дунёнинг ана шу иккиюзламалиги Худобанда дилини куйдиради... Майли, у Садр Сулаймонга ўғил бўлмоқчи рози, аммо ҳоким ўзимнинг ўғлим эмас, боқиб олганман, десин, ростини айтсин! Ёлғон сафсата, ноўрин даввонинг нима кераги бор?.. Шундай қилинса, Худобанда ўзи отасини бемалол излаб топарди...

Йўқ эса, Худобанда бу хонадонда ўзини худди ўғринча юргандай сезадир, меҳмондай қимтиниб, омонатдай яшаб, яширинча фирром ишлар қилаётгандай бўладир, гўё эрта-индин ҳамма қилвирликлар очилади-ю, эл аро шарманда-ю, шармисорликдан бош кўтаролмай қоладир, пасткашликнинг тавқи-лаънатини буйнига иладир...

Худобанда мана шу ўйларини дўсти Мавлонозодага айтиб, кенгаш сўрамакни дилга туккан, оқилона маслаҳат олиб иш тутмакчийди. Аммо Абомуслим воқеаси унинг фикрини мутлоқ алғов-далғов қилиб юборди, руҳиятида турфа ўзгариш ясади. У энди Садр Сулаймонга бўлган муносабатини наинки Мавлонозодага, балки ҳеч кимга ҳам айтмаслиги керак, уни дилнинг туб-тубига ташлаб юборсин, токи зарур бўлганда ўша жойдан олмакка имкон топилмасин! Устига устак, отамни топамен, деган хаёлларни ҳайдаб, Садр Сулаймоннинг ўғли эмасмен, қабилдаги андишаларни хотира чоҳига кўмиб, беш кунлик дунёда ҳаётнинг марҳаматини кўриб, шукроналар ила яшасин!

Аммо, иккинчи томондан, Худобанда истаса ҳам Садр Сулаймонни инсон сифатида ҳурмат қила олмас эди, зикнаю хасис бу одамнинг турфа қилиқлари, укаларига бўлган муносабати, бефарзандлиги хусусидаги миш-мишлар унинг кулоғига ҳам чалинар, руҳан азоб берарди. «Шундай одамга ўғил бўлиб юргандан гадо бўлган афзал!» дер эди баъзан ўзига ўзи.

Худобанданинг хаёлга шўнғиб кетганини кўрган Мавлонозода, бунини яхшиликка йўйди, хайриятки Абомуслим тақдири бефарқ қолдирмабди, деб қувонди.

— Болаларини танимаса, у ҳолда топиши ҳам мушкул кечадир... — Мавлонозодага тикилди Худобанда. — Энди ул гадо не қилмакчи? Не йўл тутмакчи?

— Топамен, топмагунча қўймаймен, дейдир. Мен ҳам унга кўмак беришга ваъда этдим. Сарбадорлар жамоаси аъзолари барчаси унга ёрдам беришмакчи... Сиз ҳам ёрдамингизни дариғ тутмасиз, дўстим...

— Лозим келса... албатта... — Худобанда бош тебратди. — Аммо болаларини танимаса қандай топади? Гап шунда...

— Абомуслим оғанинг топамен, деб умиди катта, — кулди Мавлонозода. — Унинг битта ишончи бор экан. Болаларини таниб оладиган жойи — қизчасининг икки кураги орасида нори бор экан, ўғлининг юрагининг тепароғида... Шундан топамен, дейди... Бирдан-бир белгиси шу.

Худобанда энди қотиб қолди! У сездирмай ёқасини очди-ю, аста юрагининг тепасига кўз ташлади!.. Е раббий! Худобанда юрагининг устида олмадек нори бор эди! Борлигини биларди, яна бир сынаб кўрмоқчи бўлди-да...

Шу пайт олис болалиги эсига тушди. Ҳа, ҳа... синглиси кичкинайди... икки яшармиди... кўпинча куйлаксий юрарди, икки курагининг орасида нори бор эди, ҳа, ҳа... нори...

Мавлонозода кунчиқишдаги адирга қаради, ҳалиги пешин офтобда ловиллаб ёниб турган жой нечундир энди қорайиб кўринарди. Конигил ўланзорига кечки шам тушди.

Фалакнинг шеvasи

«Юрагим сиқилиб кетмоқда... Бир ёзилиб келамиз» деган ниятда дўстини Кониғилга таклиф қилган Худобанданинг бу сафардан, аксинча юраги баттар увишиб қайтди. Икки дўст шаҳарга киргунча лом-мим дейишмади. Ҳар ким яна ўз хаёллари билан машғул бўлди.

Мавлонозода Хўрдак Бухорий, Ахий Жаббор, Калтаой билан бу оқшом Жаҳонни яшириб қўйишган жойга боришлари лозим. Худобанда «гапларим бор» деганди, нечундир оғиз очмади, Мавлонозода вақтдан қизғанди-ю, бу ҳақда ўзи сўрамади. Абомуслим ҳақида Худобандага батафсил гапириб, дўстининг кўнглини тинчитганидан бағоят мамнун бўлди.

Улар Чорсу майдонида хайрлашдилар. Худобанда бироз ўйлашиб тургач чайлининг бошини шартта Хонқали кўчасига бурди. Дили хира бўлган Садр Сулаймоннинг ёлғиз ўғли бу кеча сирли Хонлиқ оқа хонадонидан паричеҳралар билан айш-ишрат қилиб, Кониғил сайрининг ҳиссасини чиқармакни кўнғилга тугди.

Хонлиқ оқа хонадонидан ишлар пинҳона олиб бориларди, ҳар ҳолда шундай дердилар. Келгувчиларнинг аксарияти мусофирлар, бекзода, амирлар эди. Бобилхона оғалари карвонсаройга бориб, узоқ муддатга кўнган мусофирлардан топиб келишарди. Катта пул эвазига уларга бобилхона бекаларидан бири сийға қилиб берилар, яъни бир ой, икки ойга, баъзан ярим йил, бир йилга никоҳдан ўтказишар, мусофир юртига қайтмоқчи бўлиб қолса, хотинга талоқ хатини тутқазиб кетаверар эди. Улар ҳовли ичидаги алоҳида уйларда яшардилар. Ундан бошқа махсус бўлмалар ҳам бор бўлиб, буларга келганлар ҳеч кимга билдирмай яширинча қадам ранжида қилардилар.

Хонадонни ўраган баланд девор, ҳовлини Арк кўчасининг чап томонидаги хонақоҳдан ажратиб турарди. Ҳовлидан қаралганда хонақоҳ биноси, унинг ёнидаги юксак мақом мақбара кўзга ташланади. Бу — Самарқанд ҳоқими Садр Сулаймоннинг ўзига тайёрлаб қўйган мақбара.

Гулдор кўш табақа дарвоза ёнида Худобандани икки бобилхона оғаси қарши олди, бири узангини тутиб отдан тушишга кўмаклашди, иккинчиси отни отхонага етаклади.

Худобанда дарвозадан қадам қўйди-ю, бошқа оламга келиб қолгандай бўлди. Қайдандир бир ажойиб наво келар, сетордан таралаётган самовий куй киши кўнғилга бўлажак роҳату фароғатдан хабар бергандек, ширин туйғулар қошига етакларди. Ҳовлининг ичкарироғида кунбеткай иморат, ҳароратдан бўлса керак, ўзини баланд ишком бағрига урибди. Чап томонда мўъжазгина қилиб қурилган кўшкнамо уйлар эътиборни тортади. Олди печакгул билан ўралган бу уйлар паричеҳраларнинг бўлмаларидир. Улар қилмишларидан уялгандек юзларини «печакгул» пардаси билан тўсиб олганга ўхшардилар... Ҳовли ўртасида ҳам баланд ишком бор. Ишкомдан берида чиройли кўшк, ундан ҳам ўнг томондаги иморатга, ҳам бўлмаларга алоҳида йўлқалар кетган.

Худобандани тўғри кўшкка етакладилар.

— Пойингизга гуллар сочилсин, султонзода! — деди йўғон овозда кимдир. Ўнг томондан йигит билан баравар кўшкка кирган Хонлиқ оқа эгилиб таъзим қиларкан, давом этди: — Бир табассумингизга диллар мунтазир, ҳимматингизга оҳу кўзлар интиқ, дилкаш мулоқотингизга дилдорлар орзуманд, эй Парис¹ янглиғ ойчеҳра йигит! Бизнинг кулбаи вайронани обод қилмакка аҳду паймон айлабдилар-да... Хуш кўрдик!

— Шундоқ... — деди холос йигит, гапни қисқа қил дегандай. — Кимса билмасин... Бизни қайси бўлмага юборурсен, эй соҳиба?

— Хоҳишингиз... Барча ҳурилиқлар ҳам жон офати истиғнолари билан ҳар қандай пўлат вужудларни симобдай эрита олурлар... — деди Хонлиқ оқа мовий кўзларини Худобанданинг қоп-қора кўзларига тикиб, қошларини чимираб экан. Қошлар чимрилиб ёзилганда ўнг қошга яқинроқ жойдаги қорағат донасидай чиройли холи ўйнаб турарди. Қоп-қора сочларини иккита қилиб зар дўппига чамбаракнусха боғлаб олган, ипкин аталмиш қимматбаҳо навли қирмизи матодан кўйлак кийган... У кечил Самарқанд ҳоқимининг бевафолигию бешафқатлигини кечиролмади, аччиққа аччиқ дегандай ўзига яхши қаради, кўрку ҳуснига оро берди. Дунёда қасослар ичида энг даҳшатлиси аёл оладиган қасосдир, бу йўлдан уни ҳеч нарса, ҳатто ор-номус ҳам қайтара олмайди. У нима ишга қўл урган бўлса, қасосдан келиб чиқди. Хонадонда жазманларни энг аввало ўзи қабул қила бошлади. Бир келган такрор келадиған бўлди. Хонлиқ оқа карашмаларини аввалдан хуш кўрган Қавомиддин қози тунда, барча уйқуда ётганда яширинча ташриф буюрар, ҳар сафар сирлилиқда ширинлиқ бор эканига имон келтириб қайтарди. Бировнинг қўйди-чиқдисини ажрим қилиш, кимнингдир меросини бўлиш, яна кимнингдир даввосини тафтиш этиш, ўғри-каззобларнинг додини бериш каби ташвишлардан ҳориб-толган қози тунда тўлин ойдаи Хонлиқ оқанинг оғушига отилар, қошларининг

¹ Парис — юнон афсоналарида гўзаллик тимсоли бўлган йигит (муал.).

орасидаги қорағатдай холидан ўпар, неча марта ўпган бўлса, шунча шукрона келтирар эди.

Кўнгли ҳамон ёришмаган Худобанда деди:

— Энг ёш, энг одобли, энг гўзал нозанин бўлса...

— Чўтали ҳам «энг» бўладир...— Хонлиқ оқа очикчасига «энг» сўзига урғу берди.

— Э... мени билмайдурмусен ҳали?.. Чўталин ҳам, йўталин ҳам ол, ма!— ҳамён ўзатди йигит.— Мен роҳат тилайдурмен!.. Уқдингму? Роҳат!..

— Уқдим, султонзода, уқдим!— Хонлиқ оқа динорларни жаранглатиб ҳамённи олди.

У Худобандани эргаштириб, икки ёнида икки сарв дарахти ўсиб турган уйга бошлаб борди. Аввал ўзи кириб чиқди.

— Мана шу ишқ манзили тонгга қадар сизники. Ичкарида соҳибаси сизга мунтазир... Яқинда бу бўлмани бошқача безаттирдим, фақат шу бўлма шунақа... Кўриб роҳат қиласиз... Сиздек барно йигитга муносиб... Сафо айланг, султонзода!

Худобанда ҳамон маънос эди, бугун Кониғилда Мавлонозода билан бўлган суҳбат кўнглининг қаеринидир хижил қилиб турарди.

У эшикка қўл юборди. Эшик очилганда, чиндан учмоҳларда бўладиган бир манзарага кўзи тушди. Ажойиб боғ, ям-яшил дарахтлар, турфа қушлар... Ичкарироқда ҳурлар учиб юрибди. Худобанда яхшироқ боқса, кўрганлари эшик пардасидаги тасвирлар экан... Пардада хона ичида ёниб турган икки катта шамнинг шуъласи ўйнарди. Каттагина дахлизнинг бурчагида хонтахта турибди, ўнг томонда оқ эшик кўринди. Эшик астагина очилди. Ичкаридан бир канизакнинг майин, ширали, нафис овози эшитилди:

— Қадамнингизни дариг тутманг, шер йигит! Буюринг! Хизматингизни адо этай деб бир хокисор гул ўртанадир...

Худобанда ҳали кўрмай туриб, овозиданоқ канизакнинг келишган, хушсурат эканлигини ҳис қилди. Қанчалар синиқ овоз!.. Йигитнинг вужуди титраб кетди. Беихтиёр оқ эшикдан ичкарига қадам қўйди. Қаршисида, бошига оқ ҳарир рўмол ташлаган, иксун қабо аталмиш қора рангли, серҳашам ипак кийим кийган бир қамарсиймо ерга боққанча таъзим қилиб турарди!

— Хуш келдингиз! Буюрсинлар...

Йигит мисоли келин хонасига киргандай бўлди, ўнгда тахмонда кўрпалар, деворда дорпечлар. Девор ёнидаги хонтахта атрофига бахмал тўшаклар солинган, парқув болишлар қўйилган. Хонтахтада турфа ноз-неъматлар, таомлар, титрама кабоб, тухум сомса, яхна жигар, мевалар бор эди, шарбат, мусаллас кўринарди. Бир четда, хурмачада набиз — хурмодан нимтатир қилинган сариқ рангли май ҳам турар, у қувватижон саналарди.

Емакхонанинг тўрт бурчагида нақшинкор мис шамдонда шамлар ёниб турибди. Чап қўлидаги эшикдан ётоқхонага кирилади. Ётоқхонада биронта ҳам дарча йўқ, оппоқ деворларига ғалати бетавфиқ суратлар чизилган. «Лаззат ун-нисо» ва ўшанга ўхшаш китоблардан эркагу аёл зотининг турли ҳолатлари тасвир этилган... Мана, чап томондаги суратда шинам боғ кўринади, майсалар устида йигит билан қиз, либосларини четга ирғитишиб, яланғочу урэн висолдан маст эдилар. Суратларнинг барчасида ҳам эркагу аёллар онадан қандай туғилса, шундоқ тасвирланганди. Яна нарироқдаги суратда эса йигит қизни оғушига олганча шавқиблигидан қўли дилдорнинг бўйнида-ю, оғзи қулоғида эди. Яна бирида йигит қизни кўтариб етти қават кўрпага урганди, устларига кўрпа тортишни ёддан чиқариб, завқ-шавққа берилганди... Суратлар тобора беҳаёлашиб борар, киши қарашга ҳам уяладиган жойлар учрарди. Хонлиқ оқанинг «Бўлмани бошқача безаттирдим, кўриб роҳат қиласиз», дегани шу экан. Лекин ҳаммасидан ҳам, хонанинг ўртасида солинган устига оппоқ рўйжо ташланган тўққиз қават кўрпали ўрин чиройли эди... Бу хонани ҳам тўртта шам ёритиб турарди.

Ётоқхона ҳам Худобанданинг хижил кўнглини ёза олмади. Хонтахтага кўзи тушиб, очикқанини сезди, ўлтираркан:

— Хурмачадаги мусалласдан қуй!— деб буюрди. Шу пайтгача қўл қовуштириб турган канизак хиноли нозик қўллари билан чиний косалардан бирини олаётган эди, Худобанда уқтирди:— Узингга ҳам ол!

— Ичмак каминаи ожизага нораводир...— канизак иккиланди. Унинг одоби Худобандага ёқди.

Хонлиқ оқа бобилхона канизакларининг ўзини тутиши, одобига катта эътибор берарди. Ўн йиллар давомида Қўстантияда орифу обид турк оиласида олган тарбияси бу ерда қўл келиб қолди. Бобилхонада янги чўриларни муомала доирасига киритиш учун у икки ой, баъзан уч ойлаб сабоқ берарди. Иш аввало қизларни қўлга киритишдан бошланарди. Хонлиқ оқа ёллаган махсус кишилар қўшни мамлакатларда изғиб юришар, чўрилар сотиб олишар, чиройлиси бўлса, пинҳон ўғирлаб кетишдан ҳам тойишмасди. Канизакларни Хонқали кўчасидаги сирли ҳовлида, ер остидаги саройда сақлардилар. Хонлиқ оқанинг икки ғунчачиси, ўзи бир бўлишиб уларни «тўғри йўлга солиш» билан шуғулланишарди.

— Қани, рўмолингни ол-чи!— деди Худобанда ва кутмай ўзи канизакнинг ёнига

келди-да, оқ ҳарир рўмолни бошидан олди. Қошида гилам дўппи кийган, қошлари ингичка терилган, кўзлари қоп-қора, тийрак, ўн тўққиз ёшлардаги ўрта бўй бир оғизга турарди. Чаккасидаги ғажаги чаённинг думидай қайрилиб кетган, бамисли «чаён думи» жамолининг оловидан жизғанаги чиққанди. Оқ сариқдан келган чиройли юзи, пардозданми ёки шамнинг нуриданми қирмизи кўринди. Орқаси билан битта майда ўрилган сочлари мушқу уфор билан ювилганидан иксун қабо узра сезилар-сезилмас товланарди. Худобанда канизакнинг кўзларида мунг, қайғу кўрди, усиз ҳам ғаш кўнгли баттар сиқилди.

— Тўхта... Сен менинг ташрифимдан хурсанд эмасмусен?

Канизак сал бошини кўтарди:

— Нечук? Нечун ундоқ дейсиз?— ингрангандай деди канизак.— Шундай қилмакка менинг не ҳаққим бор экан?..

— Ундоқ бўлса, ўтир! Майдан куй! Билиб турибмен, сен ҳам менингдек недандир андухлисен... Бас! Озроқ ором олайлик, бири кам дунёни эздан чиқарайлик.— Худобанда канизакка эмас, ўзини ўзи юпатаётгандай деди.— Оғизлар ҳам май ичсин, аммо оз-оз... Оз-ози уларга муносибдир.

Канизакнинг ҳайрати ошди. Умрида биринчи марта ундан одам қатори ҳол-аҳвол сўрашмоқда. Келганига бир йилдан ошган бўлса бу хонадонга кирган одам ундан, умуман, ҳеч нарса сўраган эмас, ишини бажариб кетаверган, мана бу тўшак ўтириш учун яратилган бир буюм бўлса, унга шундоқ буюмдек қарашган...

Канизак майи набиздан косаларга қуйди, бирини ўрнидан туриб таъзим билан Худобандага узатди. Бирини ўзи олиб юпқа лабларига теккизди.

— Исми зотинг недир?— сўради Худобанда косани симириб.

Хушрўй йигитнинг саволи канизакни яна ажаблантирди. Унга қиз исмининг нима қизиғи бор? Наҳотки, бобилхонага келган киши соҳибанинг исми, кайфиятини сўраш билан вақтини ўтказса?

— Исмида не маъно?.. Айтишни ман этадилар...— жавоб берди қиз.

— Наҳотки, кишининг исмини билмак мумкин эрмас?

Йигитнинг нимадандир ғашлигини сезган қиз аввало ўша ғашликни ёзиши кераклигини тушунди.

— Исми Жоннигор. Ҳеч кимга айтмаслигингни ўтинадурмен...

Улар таому мевалардан тановул қилдилар. Худобандани тагин хаёллар чулғади: «Гадо Абомуслим... ўғли, қизи... Уларнинг не айби борки, бунчалар азобларга қолишди? Азобга қолишдимми, бас, демак, айби-ғуноҳи бор. Бор! Хўш... Худобандачи? У нима айб иш қилибди? Нега энди у ота-онасидан мосуво, синглисидан айру тушиб, бировнинг сохта ўғли бўлиб эл кўзида мақтанадир? Ғирром ўйин эмасми бу? Буни биладиганлар бор-ку? Ҳеч ким билмаса ҳам ўзи билади-ку?..»

— Жоннигор! — деди Худобанда, хаёлларини нари қувишга тиришиб. У ўрнидан турди-да, канизак ёнига ўтиб, қучоқлади, етаклаб ётоқхонага олиб кирди. Жоннигор султонзодадай хушрўй йигит билан анжуман қураётганидан мамнун эди, у сочларини турмаклашга турди, бадани қизиб, юзларининг ловиллаётганини сездди. Майдан шархуш йигит канизакнинг либосларини бир-бир еча бошлади. Девордаги суратлар шамнинг лип-лип шуъласида худди жон киргандай, қимирлаётгандай туюлди. Аввал иксун қабонинг кўкракдаги савоқларини ечди, кейин пастга ечиб тушди-да, қабони оҳиста қиз эгидан олиб ташлади. Жоннигор битта оқ ҳарир кўйлақда қолди, гул жиякли лозими ҳам оқ ҳарир матодан, шу ҳолатда қиз жаннатдан чиққан хурга ўхшарди, унинг оппоқ бағбақаси, бўйнидаги сеҳрли маржонида йирик Яман ақиқи чўғдай ёнарди.

Канизакнинг қизиб турган буғдойранг бадани, қадди-камоли, қимизак олмалардек қўш сийнаси ҳарир кўйлақ тагидан аниқ кўриниб турар, Худобанданинг иштиёғини оширар, кўнглидаги хижилликни ҳам унута ёзганди. Аммо шу пайт қутилмаган бир ҳодиса рўй берди. Худобанда қизнинг кўйлагини ҳам ечди... Канизак йигитнинг бўйнига осилди. Йигит кўтариб кўрпачага урмакчи бўлди. Жоннигор:

— Ҳозир... маржону исирғаларимни олиб қўяйин, халал берадир...— дея ўгирилиб тақинчоқларини еча бошлади.

Бирдан Худобанданинг кўзи қизнинг икки кураги орасидаги норига тушди! У яқин бориб тикилди. Чиндан ҳам канизакнинг икки кураги орасида нори бор эди! Нори... О, фалакнинг шеvasи!

Худобанданинг бадани музлаб кетди! Тездан ўз кўрагига қаради: ўзининг нори билан канизакнинг нори бир-бирига ўхшарди! Баданларининг ранги ҳам ўхшаш, чеҳраларда ҳам ўхшашлик бор... Наҳотки, шу канизак... синглиси бўлса?! Йигит ногаҳонда бало-қазодай ёприлиб келган бир фикрдан даҳшатга тушди! У... синглиси билан айшишрат кўрмакчи эдимиз? О, нопок! Бир расволигинг етмай, иккинчи расволикнинг тавқи лаънатини истаб қолдингми? Балки, синглиси эмасдир, одамларнинг тақдири ўхшаб кетади-ку, шундайлардан биридир? Яна кўнгли увишди... Бу кун қандоқ кун ўзи?..

Ҳеч нарсадан беҳабар Жоннигор ҳамон ўрилган кўйи тақинчоқларини ечар, маржонини олиб бўлган, навбат исирғаларга келганди.

— Жоннигор! — ҳолсиз деди, кутилмаган воқеадан бир лаҳзадаёқ эсини йўқотган йигит.

— Ҳозир... ҳозир...— дерди бечора канизак, йигит тоқатсизланыпти, деб ўйлаб.— Исирға бўлмай ўл! Ёмон боғланган экан, олиб бўлмаётир... Ҳозир...

— Жоннигор! — деди яна Худобанда ўша маъшум нордан кўз узмай.— Либосларингни кий... Емакхонада озроқ ўлтирайлик... Гаплашайлик...

Йигит шитоб кийина бошлади. Жоннигорнинг яна таажжуби ортди. У ўзгача «гап»ни кутган, бас бойлашишга шайланган, ўзини руҳан фароғатли онларга чоғлаганди. У ҳозир севган куйига хиром этмоқни мўлжаллаган, аммо мусиқачининг созни созлаётиб битта торини узиб юрганидан, ўйнолмай ноумид қолган раққоса ҳолига тушди, ноилож хонтахта ёнига чўкди.

— Чоғирдан қуй! Лим-лим қил!

Канизак чоғир тўла косани йигитга узатди. Худобанда бир сипқаришда косани қуритди. Жоннигор мевадан тутди. Йигит бир пишқариб олди-да, канизакка деди:

— Қани! Менга бошингдан ўтганингни сўзла!

— Нимани сўзлаймен?..— сўради бечора канизак ҳеч нарса тушунмай.

— Нимани? Қандоқ қилиб бу бижғиган маконга келиб қолганингни сўзла! Кимсен? Қаердансен? Отанг ким? Онанг ким?..

Канизак қотиб қолди. Ўтмишга қайтиш, бошдан кечирган хор-зорликларни тағин эслаш, хотирлаш... Йўқ, йўқ, уларни эслашга хоҳиш қани-ю, куч қани! Барини Жоннигор кўмиб юборган, ҳа, кўмиб юборган қалбининг туб-тубига! Лекин бу ғалати йигит, султонзода нега ундан ўтмишини сўрайди? Таажжуб! Нечун унга шўрлик қизнинг кимлиги, қаерданлиги, ота-онаси керак бўлиб қолди? Аччиқ аламу мусибатларга йўғрилиб кетган жафодийда умрнинг кимга қизиги бор экан?..

Жоннигор нима бўлаётганини тушунмас, тушунишга уринса-да, ақли етмасди. У намланиб, фавқулудда чиройли бўлиб кетган қоп-қора тийрак кўзларини жавди-ратиб, Худобандага тикди.

— Сўзла! Сўзлаганда ҳам яширмай сўзла! — буюрди қатъий Худобанда.

Канизакнинг бошқа чораси қолмади. Ниҳоят, у ҳикоясини бошлади.

* * *

Мен Зоминда ўсиб катта бўлдим. Қудуқбоши дейишарди маҳалламизни... Лекин бошидан гапирсам, аслида биз Ахсикент томондан эдик. Элас-элас эслайман, отам хўппа семиз, катта одам, қиморбозлик қиларди. Бир неча хотини бўлиб, бизга ўхшаган болалари кўп эди. Мен ачам ва акам билан отамнинг катта ҳовлисида, бурчакдаги битта кулбада истиқомат қилардик. Мен югуриб бориб отамга эркалана бошлардим. Бошқа болалари қизганиб, мени итариб йиқитишиб юборишар, мен йиғлаб ачамга келардим. Ачам бошимни силаб: «Қуй, йиғлама! Улар ўзининг болалари-да!» дерди. «Мен-чи?» десам, у бошини эгиб шивирларди: «Кейин ҳаммасини билиб оласан». Акам жуда шўх, ўйинқароқ экан, яхши эсимда қолмаган. Кичкина эдим-да. Кейин-ку, барини билиб олдим, лекин ўшанда... Ўшанда уч-уч ярим яшар вақтим.

Бир кун катта ҳовлимизда қий-чув бўлиб кетди. Ҳамма болалар, оналаримизнинг дод-фарёдига кўшилишиб чувиллардик. «Тағин шўримиз қуриди!» дерди ачам. Ҳовлида бегона одамлар ивирсиб юришарди. Қўшнилардан бири девордан бош чиқариб, йиғлаётган ачамдан: «Нима бўлди, қўшни? Биров ўлдимми?..» деб сўраганди, ачам: «Э, ўлгандан баттар! Улгандан баттар!» деб жавоб қилди.

Мен отам деб юрган Гардкамшоҳ деган хўппа семиз катта одам, отам эмас экан, у бизни қиморда ўзимизнинг отамиздан ютиб олипти... Ачам Марғинон бегининг қизи эканлар, отлари Сулувбика. Отамнинг отлари жуда қийин, эсимга тушиб қолар. У Ахсикент ҳокимининг ўғли бўлиб, чиройли, келишган одам экан, ачам кўп гапирарди. У киши бошини олиб чиқиб кетипти. Биз Гардкамшоҳ қиморбознинг уйда унинг чўрилари, қуллари қаторида турар эканмиз. Энди Гардкамшоҳнинг омади келмай, бутун уйи, ҳовли-хонадони, хотинларию чўрилари, бари-барини марғинонлик бир қиморбозга бой бериб қўйибди.

Марғинонлик қиморбоз бизларни, кўч-кўронли ўттиз чоғли одамни ўзи билан бирга олиб Марғинонга жўнади. Жўнаётганимизни эшитиб, ачам ўзини ҳеч қаерга қўёлмай қолди. «Мен Марғинон бегининг қизи эдим, энди ота-онамнинг олдига қиморбознинг чўриси бўлиб қайтаманми? Қай юз билан бораман? Э, худо, бу шармандагарчиликдан ўзинг қутқармасанг, ким қутқаради?» Ачамни ҳеч юпатиб бўлмасди.

Йўлда Қумариқ деган қишлоқда тунадик. Кечаси тўс-тўполон бўлди — қаёқдан-дир қароқчилар қишлоқни босишибди. Қиморбоз шерикларини олиб қароқчилар билан жангга киришиб кетди. Осмонда юлдуз ҳам кўринмайди, қоронғида фақат «ух», «ох» деган овозлар, қиличларнинг жаранглаган садоси эшитилар, бошқа ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Қиморбознинг одамлари енгила бошлади шекилли, бир-бирига «Қочиб қолиш керак!» «Қочиш керак!» дейишарди. Шу орада қиморбознинг ўзи қилич тегиб ўлди. Ҳамма жон сақлаб, тум-тарақай қочишга тушди. Қароқчилар қоронғида хотину

чўрию болалардан қўлга кирганини қўйиб юборишмасди. Ачам акам билан мени қўлларимиздан маҳкам ушлаб олганди. Аммо зимистон пардаси кўз олдимизни тўсиб, бу нотаниш жойда қайга қочишимизни билмасдик. Атрофни қий-чув, шовқин-сурон тутганди. Таваккал бир томонга юра бошладик. Бирдан ачам «оҳ» деб ерга йиқилди. Қароқчилардан бирининг отган найзаси ачамларга тегиб, нобуд қилганди. Биз бўлса: «Ача! Ача! Туринг!» деб йиғлаймиз. Ачамиз турмайди... Бир қароқчи югуриб келиб акам билан иккимизни олиб кетмоқчи бўлди. Қараса, кимдир бизнинг қўлларимиздан тутиб турибди, ҳеч қўйиб юбормайди. Қоронғида: «Худо ўзинг сақла!» деди қароқчи кўкрагига туфлаб. Ачам қўлларимиздан маҳкам ушлаганларича ўлиб қолган эканлар, қароқчи ажратиб олгунча кўп уринди, биз қий-чув қилардик. Шу пайт бошқа бир қароқчи келиб бизларни таллашиб қолди. Келишишолмай иш ёқалашига бораётганда, бири: «Бўпти, сен биттасини ол, мен биттасини!» деди-да, қоронғида қараб ўтирмай, акамни шеригига бериб юборди. Албатта, мен буларнинг ҳаммасини бирма-бир эслаб, хотирамда тикланман... Шундай қилиб... Шу қоронғу кечада ҳам ачамдан айрилдим, ҳам акамдан...

Йўлга тушдик. Бир жойга келганимизда тонг отди. Мени олиб қочган қароқчи Мирзахалфа деган зоминлик одам: «Э, ўғлини ана бунга бериб юборибман-да!» деди афсусланиб. «Ачам қани? Акам қани?» деб яна йиғи бошладим. «Аканг ўша ёқда, йиғлама! Шу ёққа кетяпмиз! Ачанг бўлса... ачангнинг жойи жаннатдан бўлсин...» деди ҳалиги одам. Атрофимга қарасам, яна етти-саккиз ёшли иккита бола иккита эшакда келишар, эшакларга қоплар ҳам ортилганди. Мени Мирзахалфанинг ўзи отига миндириб олганди.

Икки кеча икки кундуз йўл юрдик, нақ тулканинг тагига етдиг-ов! Ниҳоят Зомин деган бир жойга етиб келдик. Мирзахалфанинг уйи Зоминнинг бошланишидаёқ экан. Ҳовли эшигидан киришимиз билан, мендан сал каттароқ икки қизча югуриб чиқишди. Қароқчи дарров уларни бағрига олиб: «Қизим! Қизим!» деб эркалади. Ҳалиги икки бола ҳам эшакларидан тушиб қараб туришарди, мен ҳали от устида эдим. Шу пайт айвонли чалдивор уйдан юм-юмалоқ семиз, пакана бир хотин чиқиб келди. Худойи таоло уни кулгиликка шундай қилиб яратганми... У аввал ҳалиги болаларга, кейин менга қаради:

— Оббо-ов! Тагин нонхўрақлар топиб кепсиз-да! Ўтган сафар Жиззахдан ҳам иккитасини опковдийиз... Қашқарга бораётган карвонга бир нарса қилиб сотиб қутулдим. Энди, яна...

Мирзахалфа хотинининг гапини бўлди:

— Ҳой, манов болалар Тошматбойники, мен олиб келдим холос. Бизга манов қизча...— у шундай деди-да, мени отдан туширди,— Қизларинг билан ўйнаб юради. Қара, ширинлигини!

Мирзахалфа дегани қизиқ табиатли, меҳрибон, юмшоқкўнгил одам эди. Асли пахсакаш Мирзахалфа, тенгқурлари: «Юр, қароқчилик қилиб келамиз, йигит кишига қирқ хунар ҳам оз!» деса, йўқ дея олмай, ўзи истамаса ҳам қўшилиб кетаверар экан. Бўлмаса бошқалар унинг устидан кулишар, сафдан чиқаришиб қўйишар экан. Мирзахалфа ана шундай маломатлардан қочибгина қароқчиларга аралашар экан. Лекин хотини норози бўлавериб, ўша Қумариқ сафаридан кейин, эрини қароқчиликка юбортирмади, Мирзахалфа пахсакашлигини қилиб юраберди. У икки қизи билан мени лой тепишга кўп олиб борарди.

Ун беш-ун олтига кириб қолдим. Мирзахалфа пахсакаш мени яхши кўрарди, даставвал жанжалкаш; уришқоқ кўринган хотини ҳам, аслида яхши аёл бўлиб, унинг бутун инжиқлиги, хархашлари турмушнинг оғирлигидан, эрининг лақмалигига кўйиб кетганидан экан. Икки опамни турмушга беришди, мени ҳам «эга»сига топширишни ўйлашарди. Пахсакашнинг хотини менинг тўлишиб бораётган чеҳрамга қараб: «Яшшамагур! Ҳазир бўл, биров опқочиб кетмасин!» дерди. Бировнинг кўзи тушмасин, деб сочларимни ҳам кўпинча ўрмай, юзларимга билинар-билинимас ўчоқдаги қора куйдан суртиб кўярди.

Бир кун Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир Самарқанд сафарига бораётиб Зоминни талотўп қилди. Ҳа, ҳа, эсладим: отамнинг оти Жалойирбек эди. Ота-оналарини чирқиратиб ёш-ёш йигитлар, қизларни, мол-қўйларни йиғиб Самарқандга ҳайдадилар. Зоминда биронта ҳам бўй етган йигит-қиз қолмади. Уларнинг ичида мен ҳам бор эдим. Янги ота-онамдан ҳам айрилдим. Мирзахалфа пахсакаш билан хотини дод-вой қилишганча қолишарди.

Жета хони Туғлуқ Темурхоннинг мамлакатга бостириб келаётганини билиб, Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир унинг кўнглини олиш мақсадида, жуда кўп бойлик, тилло аҳмар, қул ва чўриларни пешкаш сифатида олиб истиқболга ошиқди...

Кейинги воқеаларни аниқ айтиб беролмайман. Бизлар, элликка яқин қизлар, қуллар, кўп буюмлар қаторида Туғлуқ Темурхонга пешкаш қилиндик. Сўнг у қизларнинг ўнтасини кўп совғот билан Самарқанд ҳокими Шохмалик қавчинга юборди, яна ўнтаси Шахрисабз амири Темурга ҳадя этилди. Мен эса Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳрни олишда шавкат кўргизган Юсуфхўжа деган лашкарбошисига қилинган тансуқотлар ичида эдим. У лашкарбошида чўрилар кўп экан, бизларни кимгадир оширибди, ҳатто сотибди дедилар, ундан кейин яна кимгадир тўхфа бўлдик... Садр Сулаймон хонадони-

да бир ҳафта тургач... айланиб Хонлиқ оқа хонадонига келиб қолдим. Аммо ҳалихануз бу жойга қандоқ келиб қолдим, аниқ билмайман...

Менинг ҳеч кимим йўқ, қаердадир акам бор холос. Отам Жалойирбек ўликми, тирикми номаълум, ачам кўз олдимизда нобуд бўлди. Акамни Қумариқда қоронғу кечада айрилганимизча бошқа кўрмадим. Афсуски, бедарак кетди. Кейин мен Мирзахалфа пахсакашдан акам ҳақида кўп сўрадим, уни олган одам ким, акам қаерда, билиб беринг, дедим. «Бўпти, биламан, у қароқчи Усрушондан», деди. Бир куни янги гап топиб келди. Ушанда мен ўн ёшларда эдим. Усрушонлик қароқчи акамни ҳажга кетаётган бир муллага сотиб юборибди...

Менинг исмим Ширинбика, акамни Шерўғлон деб чиқиришарди. Жоннигор бу ердаги исмиmdir...

— Бас! — деб юборди Худобанда шу ерга келганда, Жоннигор кўрқиб кетди.

— Бас! — деди яна Худобанда. — Бас қил! Бунча одамга азоб берасен? Тегирмон тошининг орасига тушган дондек эзасен? Бу дунёда нима гуноҳим борки, тақдир мен бундоқ балоларни раво кўради?.. Нима гуноҳим бор?!

Жоннигорнинг ҳикояси давомида лом-мим демай, фақат гоҳ-гоҳда инграб, тоза шаробдан ҳўплаб ўлтирган Худобанда энди дунёга сиғмай қолди. Абомуслимнинг ўзининг отаси эканлигини исботловчи рад қилиб бўлмайдиган далилларга қарамай, тан олгиси келмаган Худобанда Жоннигорнинг мунгли қиссасини эшитгач, қопқонга тушган бўридай тўлғана бошлади. Елғиз отасининг ташвишини чекиб тургани етмай, энди синглиси ғавғосига гувоҳ бўлиб турибди. Ҳа! Синглиси! У Жоннигорнинг синглиси эканлигига энди шубҳа қилмасди. Канизақ ҳикоя қилиб бераётганда, йигит эшитар экан, онандан қайта туғилган бир ҳолатга келди. Ахсикент, Қумариқ фожиаси, ўша қоронғу тунда ачаси Сулувбиканинг ҳалок бўлиши, синглисининг бир томонга, унинг бошқа томонга кетиши, Усрушонлик мулланинг ҳажга бораётиб, уни Нишопурда бир қулжаллобга сотиб юборгани — ҳамма-ҳаммаси Жоннигор айтиб бергандай, ҳақиқат... Отаси, ачаси, ўзи ва синглисининг исмлари ҳам айни ўзи... Энг даҳшатлиси — Худобанданинг кўкрагидаги нори, Жоннигорнинг икки кураги орасидаги нори!..

Лекин ҳаммасидан ҳам Жоннигорнинг Садр Сулаймон хонадонига бир ҳафта «бўлиши» Худобандани адои тамом қилди. Демак... демак Самарқанд ҳокими ўзининг нопок чангалини шўрлик Жоннигорга ҳам урган экан-да? Худобанданинг падари бузруквори! Энди бунга чидаб бўлмасди. Ҳайҳот!..

Не қилмоқ керак? Бошини деворга урсинми? Кўчага чиқиб дод солсинми? Шундоқ аҳволга солиб қўйдинг, деб Хонлиқ оқанинг ёқасидан олсинми? Осмонга учиб кетсинми, ё кириб ерга ғойиб бўлсинми? Эвоҳ, ўзи билмаган ҳолда отасини дўппослатибди, энди бир қориндан талашиб турган синглиси билан айш-ишрат қурмакчи, «сиқилган юраги»ни ёзмоқчи экан, бундай шаккоклик, инсон шаънига мос келмайдиган иснод доғини у қандай кўтарадир?.. Кўтармакка юрак қайда-ю, енгмакка билмак қани?..

— Маъзур тутингиз!!! Мен нима қилдим?..— зорланди Жоннигор хафа қилиб қўйдим, деган хаёлдан Худобанданинг этагини ўпар экан.— Мен айтмакчи эмасдим... Ўзингиз қўймадингиз... Матносиз қиссам сизни изтиробга чулғади, на чора, бори шу...

— Бас! — қичқирди яна Худобанда яктагини канизақдан тортар экан.— Нега ўпасен? Ким тилади?..

Оқшом давомида Худобанданинг ғалати қилиқларига, тутумларига ҳайрон бўлиб, сабр косаси тўлиб турган Жоннигор шу ерга келганда чидолмади:

— Англамак мушкул... Не қилмакчиси ўзи? Айтганингизни бажо келтирсам, яна не керак?.. Кимсен, қаердансен, отанг ким, онанг ким, дедингиз... Мен шўрлик асло оғзимга олмаймен, хотирламаймен, деган кечмишимнинг қоронғу кечаларини кўршапалакдек титкилаб чиқдим... Энди, бас, дейсиз...— Жоннигор ўрнидан турди.— Ғалати йигит экансиз... Кишини шунақа ҳам хўрлайсизми ахир? Шунча хўрланганим етмагандай... Пешонам курсин! Мен ўзи не учун дунёга келдим? Бировларнинг хўрлаб, оёқ учида кўрсатишлари учунми? Хор-зор этишлари учунми? Кўнгил хирманимни совурдилар, орзу чаманимни пайҳон этдилар, ғуруримни қора ерга тенг қилдилар... Мен ҳам одам боласи эдим-ку? Э, худо! Жонимни ол! Бир лаҳза ҳам бу дунёсида тургим йўқ, тургим йўқ! Тургим йў-ў-ў-ў-ўқ!..

Жоннигор кўзларига тўлиб келган ёшни тўхтата олмай қолди. Ичидан отилиб чиққан йиғи ўкрак садо бўлиб хонани тўлдирди. У бир нафасга қаердалигини унутди. Тезда хушини ўнглаб овозини пасайтириб, инграб йиғлашга ўтди. Бобилхона канизаги йиғисининг бефойдалигини биларди, аммо тийишнинг иложини тополмасди. Мунглуғ юзларини ёстиққа босганча ўксиб-ўксиб йиғлар, гўё ўн тўққиз ёшга кирган бўлса, шу пайтгача тортган азобу уқубатлар, тақдирнинг адолатсизлиги, дунёнинг бевафолиги, жудоликлар, мусибатлар — барча-барчасининг ҳиссасини бирдан чиқармоқчидай эди.

— Ширинбика!!!

Жоннигор ўз қулоқларига ишонмади. «Ширинбика!» деган сўзни эшитдими ёки эшитгандай бўлдими? Йигит айтди шекилли? У ёстиқдан бошини кўтариб ёш тўла кўзларини йиғитга тикди. Худобанда эса қиз томон келар экан, юпқа лаблари пир-пир қилар, йиғлаворишига бир баҳя қолган — шамнинг ёруғида бари аниқ кўриниб турарди.

— Ширинбика!

Канизакнинг ҳайратига чек йўқ эди. Ҳурдан тураркан, йигитга қарата:

— Мени... қақиряпсизми? — сўради тўлғаниб.— Кимсиз?.. Мени қайдан биласиз? Шу пайтгача ҳеч ким отимни айтиб қақирмаган...

Худобанда ҳеч нарса демади, бир нарса демакка рости қурби ҳам келмасди. У қизнинг қўлини олди, қара, дегандай ишора қилди-да, аста кўкрагини очди... Ҳамон ниманидир гапирмоқчи бўлгандай лаблари пириллар, кўзлари лим-лим тўла ёш эди.

Жоннигор Худобанданинг кўкрагига тикилди, тикилди-ю... даҳшат ичида ортига тисарилди!

— Сиз... Сиз... Акам?! Акажон!!!

Тақдир шамолида умрлари хазон бўлишга келган жафодийда ака-сингил бир-бирининг қучоғига отилдилар! Иккаласи ҳам юм-юм йиғлар, аммо уларни юпатадиган киши йўқ эди... Ҳақиқат юзини сидириб ташладди.

Аммо даҳшатли ҳақиқат ҳали олдинда эди.

Худобанда бирдан Жоннигорни қучоғидан чиқарди ва дағаллик билан нарига итариб юборди:

— Йўқол!

— Акажон!.. Ака...— деди кўзлари мўлтираб қўрқиб кетган бечора Жоннигор.

— Йўқол!

— Нега ундай дейсиз? Мен шўрлик нима қилай? Энди топдим деганда...— қиз у ёғини гапира олмади.

— Мен аканг эмасмен! Етти ёт бегонамен! — титраб гапирди Худобанда.— Йўқол, деяпмен! Яқин келма, деяпмен!!!

Жоннигор буйруққа бўйсуниб бурчакка бориб қисинибгина ўтирди.

Худобанданинг хаёли алғов-далғов бўлиб кетди. Отаси Абомуслимни дўппослатганининг ўзи йигит бўйнига осилган тавқи лаънат тоши эди, Конибилда уч берган бу ҳақиқат унинг инсонлик ғурурини поймол қилди, фикру ўйини, бутун ҳаётини издан чиқариб юборди. У қаттиқ алам чекиб, койиниб, май ичиб, тизгинини йўқотар даражада маст бўлган одамга ўхшарди. Мана энди яна бир даҳшат юз берди: у сингиси билан учрашди! Бир кеча-кундузда ҳам отасини топди, ҳам сингисини!

Сингиси, топталган гулдек хор бўлган, кимларнинг оғушига кирмаган, танини-вужудини сотган, инсонлик қиёфасидан мосуво сингиси!.. Мана шу Худобанданинг сингиси қилган шундай нопок ишларни, Шерўғлоннинг сингиси Ширинбика!.. Ҳайҳот! Бу қандай дунё ўзи? Ҳамма нарсага қабоҳат, разиллик ўз панжасини урган, олам-жаҳонни нопоклик пардасига чулғаган... Туйғуларни, орзуларни, одамийлигу қадр-қимматни поймол этган, тупроққа қорган... Барчасини нима поклаши мумкин? Барчасини — фақат ўлим поклаши мумкин... Фақат, ўлим!.. Улим!..

Худобанда аста Жоннигор томон бора бошлади, кўз олдини туман қоплаб олганди. Канизак ака важоҳатини кўриб, қўрққанидан бурчакка қаттиқроқ қисиниб олди. Келаётган одам неча-неча йиллардан бери энди топган акаси эмасди, балки ғазабдан кўзлари чақчайган, раҳму шафқат кўчасидан ўтмаган мутлоқ бегона бир одам эди! У Худобандани танимади, Худобанда етти ёт бегона одамга айланганди! Чангалини очиб айиқдек тайпанглаб келаётган Худобандани кўрган Жоннигор ниманидир сезиб, қичқирмоқчи бўлар, аммо овози чиқмасди.

Отасини дўппослатгани бир, сингиси билан айш-ишрат қурмоқчи бўлгани икки... Энди у, ҳоким ўғли Худобанданинг сингиси бобилхона чечаги экан, деган гапларни қандай кўтара олади? Буни одамлар билса нима дейди?..

«Ўлим поклайди!» — шивирлади юраги тошга айлана бошлаган Худобанда Жоннигор томон келар экан... У аввал қизнинг ҳарир ёқаларидан ушлади, сўнг қўлини томоғига юборди. Жоннигор қаршилик қилмасди, у гўё умр бўйи шундай тақдирни кутган ва ниҳоят ўша кунга етишганидан мамнун, чеҳрасида изтироб излари кўринмас, бу ғурбатли дунёдан фориф этаётганлари учун миннатдордай эди. Ака шафқатсизлик билан сингисини бўға бошлади...

Сал ўтмаёқ Жоннигорда тирикликдан асар ҳам қолмади, қизнинг нозиккина танаси шилқ этиб ёнига тушди.

Худобанда бағритошлик билан шивирлади:

— Ўлим поклайди!..

Бирдан сингисининг жонсиз танасига ўзини отди-ю, ўкраб йиғлаб юборди...

УН ОЛТИНЧИ БОБ

Дарё бўйидаги қурултой

Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайн Солисарой шахрида мамлақат ҳокимлари, бек, амирлари иштирокида қурултой қақиртирди.

Сўнги ярим йилда Мовароуннаҳр бир мuddат осойишталик палласига киргандай бўлди. Аслида бу Темурнинг хизмати эди.

Амир Боязид жалойир хоинлиги учун Туғлуқ Темурхон томонидан ўлдирилгач, Хўжандда жалойирлар хийла тинчиб қолдилар. Панжикентдан нарида яшовчи қавчинлар ҳам хуруждан тийилдилар. Амударёнинг жанубидаги арлотлар тавба-тазарру камарини белига боғлаб, мамлакат ҳукмдориға садоқат кўргизажакларини билдирдилар. Амир Улжойту сулдуз Балхда, Муҳаммад Хожа Опардий Шибирғонда, Амир хизир Ясовурий Тошкентни қўлдан бергач, Ҳисори шодмонда ҳокимлик курсисида ўлтиришарди, гарчи уларнинг ҳаммаси Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайнға итоат этажакларини ошкор айтсалар-да, бу уришқоқ, ўжар амирларнинг кўнглида нима борлигини билиш жуда қийин эди. Уларнинг ё олтойи пўстинга, ё сақарлот чакмонга, ё олача хошияли тўнға ўралиб олишганини кўриб кишининг хаёлиға ёмон ўйлар келмасди. Аммо бу кийимларнинг ичида яширин ҳарбий совут борлигини ҳеч ким, ҳатто мамлакат ҳукмдорининг ўзи ҳам билмасди.

Лекин Мовароуннаҳр мамлакати асосий хавфни ўз ичидан эмас, балки ташқаридан, аниқроғи шимолдан кутарди.

Шундай кунларнинг бирида Илёсхўжанинг Мовароуннаҳрға юриш тадорикида эканини маълум қилдилар. Жета хони нияти эскидан бор гап эди, буни Амир Ҳусайн ҳам, Темур ҳам билишарди, аммо ишнинг бунчалик жадаллашиб кетганлиги турк амирларига янгилик бўлди. Темур зудлик билан ташвишли хабарни Солисаройға етказди, ўзи эса йиғилган солиқларни, от-улов, аслаҳаларни кўздан кечирди. Афсуски, закотға борган хон одамларини ҳар жойда эл-улус ғазаб ила қарши олар эмиш. Ҳамма мавзеларда, шаҳару қасабаларда райият Амир Ҳусайннинг солиқларнинг икки йиллигини бирдан ундириб олиш ҳақидаги фармонидан норизо эмишлар. Авомуннос билан аҳли хирож орасида иш баъзан қиличу яроққа бориб тақалмоқда экан. Қарачиларнинг хабарига кўра, Жиззахда эл солиғу хирож бермаймиз, деб дангал айтибди. Самарқанднинг Камонгарон қишлоғида расмана исён воқе бўлибдир, хон кишиларидан иккитаси исён-да ўлим коржомасини эгниға илибдир. Фарғона тарафлардан келган хабарлар ҳам қувонарли эмас...

Темурға бундай хабарлар пинҳона хуш ёқарди. Гап шундаки, эл мамлакат ҳукмдоридан норизоми, бас, бу тахтдан бир поғона пастда турган, аммо ҳокимиятдан умидвор кишиларға айни муддаодир. Ҳукмдор борасида нохуш миш-мишлар, улуснинг норизолиги хусусида учирма сўзлар, писқин иборалар барчаси маълум маънода унинг обрўйиға путур етказида, энг даҳшатли томони, тахтға муносиблиги йўқ, деган фикр-ни келтириб чиқаради... Темурға асли шу керак, бир томони шундоқ бўлишини ўзи режалаштирди, закоту хирожни икки йиллигини бирдан йиғиб олайлик, деган таклифни у айтди. Амир Ҳусайн ўйлаб ўлтирмай бунга рози бўлди. Ажаб, ўзаро урушлардан, амирларнинг қуюшқондан чиқар даражада юртбузуқилиги-ю, ёғийнинг от солишларидан энка-тинкаси қуриган Туронзамин халқи, носқовоғини сотиб ейишға мажбур бўлиб турган авом икки йиллик хирожни йиғиб бера оладирми? Бу эртани кўролмаган оқилнинг телбалиги! Кишининг кулгуси қистайдир холос... Темур ҳам ҳокимиятға умид боғлаб, Амир Ҳусайннинг ларзондай синглиси Улжой Туркон оқаға уйланди, йўқ эса ўшандоқ лаппосдай хунук нарса билан бир ёстиққа бош қўярдирми? Аммо... амирнинг сулув хотини Сароймулкхоним, Қозонхон зурёди, энди... балои офатнинг нақ ўзгинаси эканда! Манглайида шўри бор унинг шўх кўзларига тикиладир!.. Бу воқеа Самарқандда, Чорсу майдонида, тунда юз берганди. Амир Ҳусайн учун омонатгина қўйилган тахтнинг чап томонида сўриларға тўшақлар солинганди. Шу ерда ўлтирган гўзал малика Сароймулкхоним билан тахтнинг ўнг томонидаги сўрида тиз чўккан Темур машъалалар ёруғида пинҳона илк бор кўз уриштирдилар. Темурнинг чақнаб турган ўткир кўзлари малика кўзларига дуч келди-ю, нури кесилгандай бўлди! О... Бир қарашда минг бор савол кўрди Шаҳрисабз ҳокими! Ғалати кўзлар эди бу кўзлар! Бунда ноз-истиғно ҳам бор, озгина ўпка-гина, озгина мунг шарпаси, куйдирмажон ўтнинг ёлқини, хиёл хокисорлиғу шикасталиғ — бари-бари ниҳон эди бу қарашда! Керак одам ўқиб олади ўзи...

Ушандан бери Темур Сароймулкхонимнинг қарашидеги юз бир саволға жавоб топишға уринадир, топа олмай қийналадир... Худди шу палла Солисаройдан чопар келиб, қурултой хабарини етказди. Темур мамнун бўлди. Унинг пойтахтға боришдан бир ошкор мақсади — қурултой, иккинчиси — Сароймулкхонимни пинҳона кўриш эди; аммо иккинчисининг имкони топилмади.

Қурултой Солисаройдан четроқда, тез оқар ва ўжар Амударё бўйида, Амир Ҳусайн саропардаси ўрнатилган ям-яшил ўтлоқда бўлиб ўтмоқда эди. Ҳукмдор саропарда олдида заррин чаҳорболишли тахтда савлат тўкиб ўлтирарди. Ҳокимлар, амирлар унинг атрофида, ярим ой шаклида тўшалган кўрпачаларда чордона қурган эдилар.

Ўртадаги дастурхон дунёдаги бор ноз-неъматлар билан тўла, аёқчи тоза шароблардан косаларга қуйиб турибди. Ҳукмдорнинг чухралари атрофни назорат этиб юришар, йироқроқда эса сипоҳийлар қоровуллик қилишар эди.

Саропарданинг чап томонида, юз қадамча нарида меҳмонларнинг отлари, эллик-олтмиш чоғлик келади, сувлуғ чайнаб, дамбадам ер депсинарди, уларга рикобдорлар қарашарди. Унг томонда, эллик қадамча ерда ҳукмдорнинг қора бахмал ёпилган ўтови кўринади. Ҳокиму амирлар олиб келган совға-саломлар ўша ерда жамланган. Ҳада қилинган тулпорлар эса тушовда, кумуш умилдириқларини, заррин эгарларини офтобда ялтиратиб, ўтов ёнида ўтлаб юришибди.

— Қарши ва Балх ҳокимлари солиғу ўлпонни йиғишда ўрناق бўларли саъй-ҳаракат кўргиздилар,— деди Амир Ҳусайн...— Айни бир пайтда Самарқанд закату ўлпонларни вақтида йиғиб бера олмади. Туронзаминнинг энг катта шахри, мамлакат таянчи саналган вилоят, етти туман, не-не қасабаю маҳалаларни ўзида мужассам этган фирдавсмонанд Самарқанд ушмундоқ таънаю маломатларга қолиб турса?! Бу нечук ҳол?..

Мамлакат ҳукмдорининг қурултойни бундай гаплар билан бошлаши барчани саро-симага солиб қўйди. Ҳеч ким сўз дейишга ботинмасди.

Дарё лабида сарғая бошлаган ўтлар куз фасли келганидан далолат берарди. Темур Амударёнинг бурилган жойида сувнинг камар ҳосил қилиб оқишини кузатар экан:

— Ҳусайнбек! — деди ҳукмдорга қарата нохуш вазиятдан чиқмоқ мақсадида.— Довруқли Самарқанд мамлакатингизнинг пойтахти бўлишга арзирлиқдир... Не-не қада-ми учқур, каломи кескир йилдиригдай шиддатли зотларнинг изи қолган бу шаҳарда! Жаҳонгашта Искандар Зулқарнайн, Арслонхон, Султон Санжари Мозий, Муҳаммад Хоразмшоҳ, Чингизхон... Самарқанд гирдобли ғарқобли жойдир, мана бу дарё каби камарлари борки, ҳокимиятни гирдобига тортиб кетмоғи мумкиндр... Мамлакат пойтахти Самарқандга жо бўлса, бундоқ унсурлар ўз-ўзидан гум бўладирлар. Дарднинг ўзи билан курашмакдан кўра олдини олмак афзалроқдир, дейди табиблар...

Темур кўнглида сақлаб юрган эзгу ниятларидан бирини айтиб юборди. Агар насиб этиб нияти амалга ошса, Самарқандни, Туронзаминнинг энг катта шаҳарини пойтахт айламакни кўнглига тугиб қўйган...

— Нақл қиладурларки,— деди яна Темур давом этиб,— араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим Самарқандни қамал этганда, бир тош кўрибдир. Тошга ушмундоқ сўзлар битилган экан: «Бу ерга Арабу Ажам подшоши Самар ибн Ифриқишнинг қадами етди. Кимда ким бу ерга келиб ундан ҳам нари ўтиб кетса, ўша мenden қудратлидир, кимки бу ерга етиб келолмаса, мenden ожизроқдир». Самарқанд мана шундоқ устивор қалъадир, салтанат қўрғонидир!

— Амирлашкар мамлакат пойтахтини иккита қилмак ниятидадурмулар?...— деди жимликни бузиб захархандалик билан Амир Ҳусайн. Унинг овози йўғон эди. Яна ҳамма жимиб қолди. Амир Ҳусайн ўжар, кўпол, ўз ўрнида мардлиги ҳам бор бир киши эди. Қаттиққўллиги таърифи эл ичра афсонага айланганди. У арзноналар девонхонасида раиятни қўлида чўқмор билан қабул қиларди. Агар даъвогар билан жавобгар тилларидан адашиб, ҳукмдор сўзини дабдурустдан англай олмасалар, бошларига чўқмор тушиб қоларди. Бағоят хасислигидан кийимни бетакаллуф қиярди. У ҳамиша пахтадан тўқилган кийимни ёқтирар, кийим камон ва эгарга тегиб ишқаланаверганидан йиртилиб кетса, ўша ерга ямоқ солдирарди...

— Ва ё мамлакатнинг пойтахти Солисарой эканлигини, ҳозир шу шаҳарнинг этагида ўлтирганини билмайдурмулар? — Амир Ҳусайн Темурга қирғий қараш қилди.— Пойтахт бордир ва собитдир. Солисарой бизнинг табаррук бобомиз номларига эшидр. Бу ерни пойтахт деб атади, обод этди... Мамлакат султони Амир Қозоғон тунни тун демай, қон кечиб, сафар байроғини юксак кўтариб, авому улус деб, юртни деб от суриб ўтди. Душманлар олдида қудратли қўлини уришқоқлик этагидан чиқариб, кураш қулочини ёзди! Бошлари, ажабки, истироҳат ёстиғига тегмади! Бильакс, Чиғатой улуси хони Ҳозон султон билан Ҳирот домонида, Дараи Занги мавзеида бўлган жангда, табаррук бобомиз кўзларига бадбахт найза тегиб ногирон қилди. Бас, замон жонбози бўлган бобомизнинг ҳурматлари йўқмидир? Ул зот ардоқлаган нарсани, биз бу кунда оёқости қиладурмизми? Амир Қозоғоннинг ҳурмати йўқ экан, ҳеч бўлмаса, унинг муборак шажарасига мансуб ҳукмдорингизга эътибор айланг эди! Нима, кўзингизни ёғ босдим, номусу диёнат хирманига ўт қўйдингизми?...— Амир Ҳусайн ғазабнок барчага бир-бир қараб чиқди, кейин давом этди:— Иззат-иқболли амирлар, зафар дастгоҳли акобирлар, содиқ ниятли паҳлавонлар пойтахтни кўчириш ҳақида эмас, балки салтанат саодати, раият рўшнолиги борасида ақл тулпорини елдирсинлар, фасоҳатда чечанлигини аён қилсинлар! Билингим, кимки темир билакка човут солмакни хаёл қилса, ўзининг кумуш билагини офритадир!..

Саропарданинг сўл томонида ўлтирган Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон соғ тарафдаги Темурга назар ташлади. Амирлашкар лом-мим демади, Фақат бош эгиб узр сўради. Ҳукмдор серзарда бўлиб турганда, тилни тиймоғи фуқаронинг толеидир. У Амир Ҳусайннинг бундоқ аччиқ сўзлаши сабабини тузук англайди. Амир Ҳусайн тақдир тақозосию даврон илтифоти билан «лоп» этиб тарих майдонига чиқиб қолди,

тахтга эга бўлди. Толенинг ҳам кўзи кўр экан! Бўлмаса, салтанат тизгинини шундоқ дағалу бесавод амир илгига тутқазадирми? Унинг Туронзамин халқи орасида на обрў-эътибори бордир, на шиддатию ҳиммати! Даъводан бош ва тож кўтариб юрган бу Амир Қозоғоннинг набираси на черик тузишда, на кўшин тизгинини тутишда соҳиби иқтидордир. Еттисувни ишғол қилган Жета хонларининг Мовароуннаҳрга хужумлари тинмайди. Кошки ул, лашкарни йиғиб, баронғору жовонғорни, қалбни мустаҳкамлаб, чаноҳ билан соқани¹ ҳам фаромуш этмай маъракаи майдонга кирса, ёғийнинг додини берса! Саваш сирларини билмайди бу гушна, ғурурдан димоғи бевақт шишган нодон!

Темур Амир Ҳусайннинг мулоҳазалари хом, фикрлари думбул эканлигини бир нарсада жуда аниқ билди. Бир кун у ҳукмдорга, мамлакат шаҳарларини деворлар билан ўрамоқ зарурлигини, қалъалар бунёд этмоқ лозимлигини айтганди, Амир Ҳусайнга ёқмади:

— Бундай қилмак Чингизхон васиятларини бузмак, демакдир.

— Чингизхон замони ўзгарди, ҳозир замон ўзгадир, унга боқмак лозим бўлур!...— эътироз билдирди Темур.

«Салтанат соҳиби бўлатуриб, қандоқ қилиб салтанатни устивор этмакни ўйламаслик мумкин? — куйинарди ўзича Темур.— Салтанат — мустаҳкам қалъалар, устивор шаҳарлар, собит кўрғонлар билан тирикдир, боқийдир...» Ана шунга амал қилган Темурнинг ўзи жим тургани йўқ, Қарши шаҳрини девор билан ўраттирди, бошга қора кун тушиб-нетиб қолса, бу қалъага чекиниб жон сақласа бўлади. Амир Ҳусайн турган Солисарой шаҳри эса ҳануз ўшандоқ, тўрт томони қибла, кўчманчининг уйини эслатадир... Пойтахт эмиш тагин!..

Қолаверса, пойтахтни мустаҳкам этайлик, улуғ шаҳарга кўчирайлик, деган гапнинг нимаси ёмон? Бу ерда Амир Қозоғонни ҳурмат этмаслик керак, деган маъно келиб чиқмайди-ку? «Салтанат саодати, раият рўшнолиги» борасида ақл юрийтиш шунчалар бўлса керак-да! Ҳаммасидан ҳам Темурга алам қилгани, ҳукмдорнинг сўнгги гапи бўлди: «Кимки темир биланка човут солса, ўзининг кумуш билагини оғритадир!..» эмиш! Кимнинг билаги нимага қодирлигини кейин кўрасен, эй ўз ҳадини билмаган!

Темур ана шуларни хаёлидан ўтказар экан, оғирликни ўзига олди, шайтонга ҳай берди, индамади.

Амир Ҳусайн гапини тугатаётганда амирлашкарнинг қорамағиздан келган юзи оқариб кетганини кўрди. Ҳа, у Темурнинг чапдасту эпчил, ишбилармон эканлигини сезарди. Қўрқмас ва қаттиққўл... Темурнинг Амир Ҳусайндан бир нарсада устунлиги аниқдир: у жанг йўриғини биладир, ясоқ тузишга моҳир, жанг майдонини бир қарашда чамалай оладир... Мамлакат ҳукмдори Темурнинг мана шу фазилати билан ҳисоблашмай иложи йўқ... «Унга, шубҳасиз, ишонмаслик ҳам жоиздир. Мамлакат амирлари ўртасида тобора унинг нуфузи ортиб бормақда... Ўзим ҳам бунда айбдормен, уни яқин олиб, Самарқандда, ҳамманинг олдиди, ўнг қўлим, деб эълон қилдим. Энди эса у рақибга айланиб, беандишаллик ила рақобат отининг жиловидан тутмақда. У бамисли бўйнидаги занжирни ечмак учун қўл чўзганинда, ҳаракатларинда душманлик фаҳмлаб, қўлингни тишлаб олган кучуқдек тутаётир ўзини. Қўйиб берсанг ириллайдир, кам деганда норизо бўлиб ғингиб гувранадир... Ҳукмдорларга эса ириллайдиган кучуқлар эмас, мўминқобил қўйлар керак!..»

— Бисёр ҳақ гапни айтдилар, амирим! — ялтоқланиб сўзга аралашди шу пайтгача жим ўтирган Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон пайтдан фойдаланиб қолмоқ мақсадида.— Нечун табаруқ бобонгизнинг ҳурматлари йўқ бўладир? Ул зот, мана, олам биладир, менинг меҳри қутлуғ волидим Мингқутлуғ билан дўсту қадрдон эдилар, бизга кўп ҳиммат кўргизганлар... Ким ҳурмат этмайди? Темурбек ҳам ҳурмат этадир...

— Ҳоким бува! — деди Темур босиқ оҳангда, йўқ эса гапи ҳукмдорга тегиб кетиши мумкинлигини биларди.— Жанобингизни қўйинг! Ўзингиздан сўз очинг, ўзингиздан! Кимгадир пахта қўясиз, кимгадир похол соласиз... Нечук зарурати бор?..

Садр Сулаймоннинг гапи кесилиб қолди, битта-иккита оқ оралаган пахмоқ соқолини силар экан: «Ие! Ие!..» деди, кенг пешонасида совуқ терлар пайдо бўлди. У кўрқиб кетди! Орадаги хафагарчиликни йўқотаман, деб ишни баттар чигаллаштириб қўйиши мумкин экан. Икки кўнжорнинг боши бир қозонда қайнамас, дейдилар. Шу палла уларнинг орасига тушиш хавфли эканлигини Самарқанд ҳокими энди англаб етди:

— Хўп, хўп... Қуллуқ! Қуллуқ!..— таъзим қилди шоша-пиша у. Бу гал овози нечундир дарёнинг шов-шувида эшитилмай кетди.

Самарқанд ҳокими Садр Сулаймондай бообрў одамга қизиқ устида Темурнинг қаттиқ тегиши қурултойда иштирок этаётган бошқа ҳокиму амирларга ғалати таъсир қилди. Яна орага нохуш жимлик чўқди. Жимликни дарёнинг бир маромда шовиллаб оқиши, гоҳ-гоҳ осмонда пайдо бўлиб қолган қушларнинг чуғур-чуғури бузарди холос.

Темур иложининг борича юмшоқ сўзлашга ҳаракат қилди, барибир ботинидаги ғазаб, жаҳлнинг аччиқ истимаси зоҳирга чиқди, унинг ниятини ҳаммага ошкор айлади.

Соқа — қўшин ортидаги қисм, чаноҳ — яна бир қанот.

Узига неча марта жаҳл устида сўз демасликни, қизиққон бўлмасликни уқтирарди, пайт келганда эса барчаси, ёшликнинг ҳавойи хаёлларидай унутиларди қоларди. Худди ўшандоқ бўлди, ҳукмдор ўз ўйи билан машғулми, индамайди, қовоғи тушиб кетганлигидан қисиқ кўзлари кўринмайди, гўштор товоқ юзидан ҳеч нарса англаб бўлмайди. Самарқанд ҳоқими сўл ёқда ўлтирганича, дастрўмоли билан манглайи, юз-кўзларини дам-бадам артадир...

— Бир қошиқ қонимдан кечасиз, Ҳусайнбек! — деди Темур, қўлини кўксига қўйиб таъзим қилар экан. У Амир Ҳусайн билан муносабатни бузмасликка, ишни жанжалга олиб бормасликка уринди, ҳисоб-китобни эса кейинга қолдирди. — Бизлар фуқаронгиз... Сиздан ўпкагина қилсак, азбаройи, ҳаққимиз... Биз бунда не мақсадлар билан қурултойга жамландик, вале фақирнинг қизиққонлиги, тезлиги, не-не тулпорларни гижинглатиб миниб, жаҳл қирчанғисига қолганда ожиз эркани, улуғ юмушлардан барчани четга тортмакда... Қуръони каримни ўртага қўйиб дўст, оғанини тутинганмиз... Баски, узримни, қабул этингиз!

— Қабул этингиз, аъло ҳазрат! — деди Садр Сулаймон воқеанинг бундоқ йўсинга кўчганидан хурсанд.

— Қабул этингиз! — қўшилди Балх ҳоқими Амир Улжайту сулдуз.

— Қабул айлангиз! — қувватлади Муҳаммад Хожа Опардий, Шибирғон ҳоқими.

— Аъло ҳазрат!.. Йўқ деманг!..— деган овозлар ёғилди атрофдан.

— Бизнинг шаънимизга айтган аччиқ каломларингиз — давом этди Темур, — ҳали ҳам юмшоқ айтилди. Дўст ачитиб гапирди. Сиз ҳақсиз, кўзимизни ёғ босди шекилли... Номусу ор хирманига ўт қўйдик чамаси!.. Қўйдик... қўйдик!.. Бас! Эй аҳли қурултой, сиз билан биз жанг-жадаллар соҳибни, отган ўқи Кайвон айвонининг тоқини синдираш шиддатга эга тирандоз, душманларни бало бандига мубтало айлагувчи паҳлавон, урушмак, фикрламак ва кенгашмак водийсининг пешқадам амири, мўминлар қутби Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозогоннинг тузини оқламагимиз, қадрига етмагимиз, сийламагимиз даркордир...

— Даркордир! — қичқирди кимдир. — Даркордир!

— Сийламагимиз даркордир!

— Валинеъматимиз, авому улус қиблагоҳи, аъло ҳазрат олампаҳо умрлари узок бўлсин! — чийиллади Садр Сулаймон.

Амир Ҳусайн бошини кўтармади, гўё атрофдаги издиҳомни сезмасди. Унинг кўнглидан шундай ўйлар кечарди: «Темурбек жуда устомон, у ҳасадхўр, қора кўнгли, кекчил экан. Бундан уч йил олдин Сеистонда саваш қурдик. Ёғий лашкарбошиси икки ўқ билан Темурнинг ўнг қўли, ўнг оёғини яралаб чўлоқ қилди. Оёқ-қўлига ўқ санчилиб турибди, ўқни олиб жонини тинчитиш ўрнига, у: «Эй кўзим! Яхшироқ қара! Уша лашкарбошиси оинанга акс этдириб қол! Бир кун бегумон ўч олажакмен!» дейди. Кекчиллиги шунча! Шумлиги ҳам билганга яхши сабоқдир. Ҳозир Садр Сулаймонга гапирганида дилидагиси тилига чиқиб кетди. Фаҳм этдики, ишни расвои жаҳон қилибдир. Шитоб тилёғламлиқка юз бурди. Туғлуқ Темурхонни ҳам шундоқ мақтовлар билан чув туширганди, йўқ эса Мовароуннаҳрнинг ҳамма амирлари ёмону битта Темур яхши бўлармиди? Ҳамиша амирларни тумтарақай этади-ю, битта Темурга Шаҳрисабз ҳокимлигини топширадирми? Шунинг ўзи ҳам билганга яхши сабоқдир. Темурдан эҳтиёт бўлмак зарурдир. Ҳар нарсанинг ўз фурсати бор. Жета хони билан саваш қурурмиз... Балки шу жангда қазо камонидан отилган бирор ўқ тегиб... Темур ҳам ўз оёғидан йитиб кетар. Амир Ҳусайннинг ташвишлари битар... Ҳозирча, мен муносабатимни билдирмайин. Маккорликка маккорлик ила жавоб бермак лозим. Аччиқни аччиқ кесадири...»

— Эй, ақобир уаёнлар! Аҳли қурултой! — мурожаат қилди Мовароуннаҳр ҳукмдори. — Бизнинг нордон сўзимизни ширин деб қабул этганингиз бағоят хушдир. Инимиз ва таянчимиз Темурбек: «Дўст ачитиб айтадир» деганида бисёр ҳақдир. Биз айтмасак ким айтади?... — ҳукмдор даромад қилгач, давом этди: — Салтанат уч нарса билан обод — подшо, ҳазина, қўшин билан. Подшо ҳазинага бой бўлса, қўшини қоим эса, салтанати олиймақом даражага етадир, буни унутмак яхшилиқка олиб бормас... Инчунин, салтанат олдида катта ташвиш кўндалангдир. Ёғий бостириб келмакда. Жета хони Илёсхўжа ҳануз Мовароуннаҳр даъвосидан кеча олмайди...

Амир Ҳусайн узок гапирди. Савашишга тайёргарлик хусусида, солиқ-ўлпонлар йиғишининг сустиги борасида, айниқса шаҳар ҳокимлари зиммасида турган юк тўғрисида алоҳида тўхталди. Шаҳар ҳокимлари вазиятни англаганликларини айтиб, юмушларни тез адо этишга ваъда бердилар.

Шундан сўнг Мовароуннаҳр салтанати амирлашқари Темур сўз олди:

— Аъло ҳазратнинг ҳар бир каломи олтинга тенгдир. Ҳақ гапни айтдилар. Салтанат уч нарса билан тирик — подшо, ҳазина, черик билан. Доно гапни айтдилар. Ҳазина қуруқ бўлса офатдир. Низомсиз, машқи хом аскар салтанат бошига битган балодир. Амирларга лашкар тузиш борасида шундоқ кенгаш раво кўрилади: ясоқ юришида қора черикдан ўн саккиз киши бир чодир кўтарсин. Уларга икки от, бир садоқ, бир қилич, бир арра, бир ялов, бир қопчиқ, бир жуволдиз, бир болта, бир кескич, бир керки, ўн йиғна, бир чаноч берилсин. Баҳодирлардан эрса беш киши бир чодир бўлсин-

лар. Ҳар бирови бир совут, бир дубулға, бир қилич, бир ўқ-ёй олсин, отларни бўлса сайлашни ўзларига қўйсинлар. Унбошиларнинг ҳар бирига бир чодир, бир совут, бир қилич, бир ўқ-ёй берилсин, бешта от измида бўлсин. Юзбошилар қуролу аслаҳадан бошқа ўн от олсин. Мингбошига чодир, соябон, совут, дубулға, чирайна, найза, қиличу садоқ, эллик от берилсин, ўқдан кўтарганча олсин. Амирлар чодир, бир ўтов, икки соябон олсин, ўпчин, қурол-яроғи ўзидан ошириб бошқаларга бергудай бўлсин. Бир юз ўн отнинг жиловни унга берилсин. Уларнинг ҳар бирига бир байроқ, бир довул инъом қилинсин... Қўшинга зарур қурол-аслаҳа, совуту дубулға, от-улов тайёрлаш шаҳар ҳокимларига юклатилади... Барчаси ҳаққинда низомли ёрлиқ битилур ва ундан бирин-бирин олурсиз...

Темур сўзлаганда Амир Ҳусайн мамнун бош тебратиб ўлтирди. Бу ўртада бўлиб ўтган гаплар унутилганидан далолат эди.

Қурултой келаси ҳижрий 767 йил кўкламида Жета хони лашкари билан юзлашишга Тошкент томон борилсин, ёвни мамлакат сарҳадида қарши олинсин, деган қарорга келди. Кенгаш тарқала бошлади.

Амударёнинг бурилган жойида сув ҳамон камар ясаб оқар, осмонда қушларнинг чуғур-чуғури эшитиларди. Энди уларга, қурултой тугаб, эгаларининг ўринларидан турганларини кўрган тулпорларнинг йўл юрмоқ иштиёғида ўкраниб кишнашлари ҳам қўшилди.

УН ЕТТИНЧИ БОБ

Сирли шарпалар

Самарқандга оқшом чўкди. Кўчаларда одам сийраклаша бошлади. Рамазон ойида, одатда, кун ботганда ҳамма уйларига ошиқади. Кимлар оғзини очиш учун шошилади, кимлар ифторликка тайёрланган таому тансуқотлардан нафланишни кўнгилга тугади. Болалар эса тўп-тўп бўлишиб, рамазон айтиб, эшикма-эшик изғиб юришади. Уларга бирон егулик, нон, мева-чева, баъзан пайса-чақа пул беришади. Болаларнинг айтадиган рамазонлари ҳам қизиқ. Чунончи, ўғли йўқ хонадон эшигида бундоқ куйланади:

Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Худойим ўғил берсин бешигингизга.
Ҳовлининг қилманг юзин писта пўчоқ,
Келади уйингизга тилла...

Бундоқ яхши тилак билдирилганини эшитган уйнинг эгаси албатта эриб кетиб, саховатини оширарди.

Аслида рамазон айтиб уйма-уй юриш — болалар учун вақтни хушчақчақ ўтказишнинг қулай йўлларида бири эди. Рамазон ойи оқшомлари Чорсу майдонида туриб турли маҳаллалардан болаларнинг ана шундоқ пасту баланд овоздаги қўшиқларини эшитиш мумкин.

Шу оқшом Хонқали кўчасида ҳам ўн икки ёшлардаги бир бола негадир бир ўзи рамазон айтиб юрарди. Кўча кичкина, тор бўлиб, унга фонус қўйилмаган, бирон тошчи-роқ ҳам йўқ... Қоронғу зимистон кўчада ёш боланинг қўрқмай юриши уй эгаларини ҳайрон қолдирарди.

— Шерикларинг қани? — деб сўрашарди.— Қўрқмаяпсанми?

— Ҳаммамиз турли уйларда рамазон айтамыз. Қўрқаётганим йўқ,— дерди бола қувноқ овозда, дадил.

Бола кўчанинг этагидан тушганди. Ундан юз қадамча олдинда иккита қора кўринар, юз қадамча кейинда ҳам уч қорани илғаш мумкин эди. Улар болани қўриқлаб келишмакдами ёки бад ниётда пойлаб юришибдими, билиб бўлмасди. Боланинг ўзи орқа-олдида сирли шарпалар юрганини сезармикин? Бу ҳам қоронғу.

Бола бўйнига халта осиб олган, нарсаларни ўшанга солади. У навбатдаги ҳовли дарвозасига яқинлашар экан, олдинга — Чорсу майдони томонга қаради. Олисида бозор дарвозасининг тепасида ёниб турган фонус кўринди.

Рамазон айтиб келдик эшигингизга...—

хиргойисини бошлади бола. Сирли шарпалар ҳам жойида тўхташди. Ичкаридан ҳеч қандай садо бўлмади. Бола яна тақорлади. Тағин ҳеч ким чиқмади.

Одатда дарвозани очишмаса, болалар сўнгги чорага ўтишар, хонадон эгаси шаънига тегадиган, зиқнаю хасислигини фош қиладиган қўшиқларни айтиб, қочиб қолишарди. Бундоқларини «сассиқ қўшиқлар» деб аташарди. «Бу ҳовлининг эгаси хасис экан, ё рамазон, вой рамазон, хасис экан...» деган қўшиқда уй соҳибининг нолойиқ камчиликлари

чўлоқлиги ёки ғилайлиги, семизлиги ё ориқлиги, кўрлиги ё карлиги, итдан кўрқиши ва ҳоказолар шу ернинг ўзидаёқ қўшиққа солиниб санаб ўтиларди. Лекин очилмайдиган дарвозалар кам учрарди.

Темир дарвоза ҳам ана шундай ҳовлиларнинг бирига мансуб шекилли, ҳеч очилишдан дарак йўқ... Бола энди сўнгги чорани қўллади — «сассиғи»дан олди. Қўшиқ бошлаганига ҳеч қанча бўлмади, бадҳазм эканми — чунки унда бу уйдагиларнинг очофатлиги бўрига қиёс қилинарди — тездагина дарвозанинг занжири тиқирлай бошлади. Сирли шарпалар эса лип этиб дарвозанинг икки ёнига этиб келишди, ичкаридан чиққан одам дабдурустдан шарпаларни илғамасди.

Бир пайт дарвоза очилиб, эгнига тунбон кийган бир норғул йигит кўринди, у болага қараб, қўли билан «кет» ишорасини қилди. Бола кетмади. Йигит энди болани туртиб кеткизмоқчи бўлди. Сал олдинга юрганди, қандайдир ён томондан бир темирдай қўл, ўлжасига човут солган бургутдай ёқасидан тутиб четга тортиб олди. Кимдир унинг оғзини бекитди. Бақувват йигит ёқасини бўшатишга уриниб ўзини ҳар ёққа ота бошлади. Йигитнинг ёқасидан олган шарпа, унга: «Жим! Дод солсанг, бошингни оламен!» деди, қилични кўрсатиб. Кўзи ола-кула бўлиб кетган йигит кўпчилиكنи кўриб тақдирига тан берди.

— Ахий Жаббор! Қўлини орқасига қилиб боғла! — буюрди найза-ёй тақиб олган шарпалардан бири. Бу Хўрдак Бухорий эди. Қолган шарпалар эса Садр Сулаймон мадрасаси толиби илмлари Мавлонозода ва Калтатой, Тун салтанати фуқароси Бобо Султонлар эдилар. Барчаси Кумар билан биргаликда ғойиб бўлган Жаҳонни қидиришарди. Бобо Султоннинг шаҳодати бўйича, қизни шу дарвозага олиб кириб кетишган.

— Оғзидан қўлингни ол-чи! — буюрди камонмерган Ахий Жабборга.

— Ўзингни ақлга ошноман деб бил, ақлинг расо бўлса, айтганимни қил! — деди Ахий Жаббор, қўллари боғлиқ, тунбон кийган йигитга.

— Ўғирланган ожиза қаердадир? — сўради Мавлонозода чидолмай. Сўнг нечундир ўзини ноқулай сездим, кўшиб қўйди:— Бизнинг синглимиз...

Тунбон кийган йигит елкасини қисди. Нимадир дегандай бўлди, аммо айтганига ҳеч ким тушунмади.

— Нима?! — Калтатой яқин келганда тунбон кийган йигитдан бақувватроқ кўринди. Йигит яна нимадир деб чайналди, яна унинг гапи ҳаммага тушунарсиз бўлди.

— Э...— деб юборди бирдан Ахий Жаббор.— Булбул экан-ку бу!.. Соқов, гунг экан бечора! Мен бўлсам унинг оғзини беркитиб юрибман!.. Соқовмисан, а?

Йигит бош тебратиб «ҳа» ишорасини қилди. У гапни тушунарди, аммо жавоб беролмас, тили йўқ эди.

— Бизни кўриб гунги мақол бўлдими ва ё ўзини соқовликка солдимиз? — гап ташлади ўртага Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми Мавлонозода.— Валлоҳи аълам!

— Бас, бундан гап сўраб ўлтириш бенафдир,— деди камонмерган.— Лекин бизни ичкарига олиб кирсин. Бошла!

Ҳаммалари ичкарига кирмоқчи бўлдилар, ўзлари билан ўзлари бўлиб дарвоза беркилиб қулфланиб қолганини сезишмабди.

— Бу ёғи неча пайсадан тушди, қадрдон? — сўради Ахий Жаббор ҳайрон.

Соқов йигит «Уҳм! Уҳм!» деб қўйди, сўнг «Калит бор, калитни ол!» дегандай тунбон чўнтагига ишора қилди. Кумар эпчилик билан калитни олиб Ахий Жабборга берди. Дарвозани очиб долонга кирдилар. Долондан ўн қадамча юришгач, тўрт томони қалин деворлар билан ўралган кўрғондан чиқдилар. Унг томонда баланд дарвозадан бўлак биронта ҳам эшик кўринмади. Ҳамма соқов йигитга қаради. У дарвозага йўналди. Ахий Жаббор унинг ёнида қилич яланғочлаб хатти-ҳаракатини кузатиб борарди. Соқов йигит дарвозага қараб овоз берди:

— Мо-о-о! Мо-о-о!

Мавлонозода ушбу саснинг ўзига хос белги вазифасини бажаришини англади. Ичкаридан жавоб келди:

— Мо-о-о! Мо-о-о!..

Бирпасдан сўнг дарвоза очилиб, ятак устидан енгсиз пўстинча кийган, соқовдан ҳам бақувватроқ бир йигит чиқиб келди. Энди унга Калтатой ташланди. Бир неча қуролланган нотаниш одамларни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолган йигит, Калтатой ҳамласидан ўзини йўқотиб қўяёзди. Иккинчи дарвоза соқчисининг қўлларини ҳам ортга боғладилар. Соқчи соқов йигитни кўриб қаршилигини тўхтатди.

— Хўш...— Хўрдак Бухорий сўради.— Дарвозадан яна борми?..

Соқчи «йўқ» дегандай бош чайқади.

— Ичкарида нима бор? — тафтиш қилди Бобо Султон.

— Ўғирланган ожиза қаердадир? Бизнинг синглимиз?...— ҳаприқди яна Мавлонозода тоқатсизланиб. У тезроқ сирни билиш иштиёғида эди, лекин ҳали калаванинг учи топилган эмас... Топилармикун?..

Соқчи Бобо Султон саволига жавоб бериб нимадир девди, ажабки, унинг гапини ҳам биров тушунмади.

— Булар ўзи соғми? — Ахий Жаббор таажубини яширмади.— Нима бўлган ўзи буларга? Ёки сен ҳам гунг-соқовмисан, а?..

Соқчи тасдиқ ишорасини қилиб бош тебратди.

— Ана холос! Бунисиям соқов экан...

— Ичкарига бошласин! — Хўрдак Бухорий ҳам ҳайрон эди.— Икки дарвоза, соқчилари эса гунг-соқов... Қўрғонлар бўм-бўш...

Биринчи гунг билан иккинчи гунг дарвозадан кириб торгина долон йўлакдан ичкарига қараб юрдилар. Йигирма қадамлардан кейин ажриқзор қўрғонга чиқдилар. Ҳар томони эллик қадам келадиган, мураббаъ шаклидаги баланд девор билан қўрғоннинг тўрт бурчагида шамлар пориллаб ёниб турарди. Бу ерда энди биронта ҳам дарвоза йўқ эди. Камонмерган ва унинг шериклари бу ҳолни кўриб, такрор ҳайрат бармоғини тишладилар.

— Ё фалак! Бу дарвозаларда не сир? — деди Мавлонозода.

— Бамисли эртақларда юргандекман, дарвозалар сирли, соқчилари гунг-соқов... — бош чайқади Ахий Жаббор.

— Ростданам сирли... — қўшилди Қалтатой.

— Самарқандда шундоқ сирли жойлар борлигини мен ҳам эшитмовдим... — тан олди Тун салтанати соҳибул хабари Бобо Султон.

— Бу ерда сир — мана бу соқовларда! — камонмерганнинг фикри қатъий эди.— Мана шулар гапирса, сир очилади...

Бирдан чапдасту чаққон Кумар жонга оро кирди.

— Мен соқовлар билан гаплаша оламан! — деди у камонмерганга қараб.

Кутилмаган янгиликдан ҳамма хурсанд бўлиб кетди.

— Ие! Ана!

— Гаплаш! Гаплаш, шер бола! Ҳа, чукингдан аканг! — эркатлатди Кумарни Ахий Жаббор қувониб кетиб.

— Қаердан биласан? — сўради Мавлонозода ишонинқирамай.

— Биламан, — деди Кумар дадил.— Қўшнимиз соқов, ўша билан гаплашиб юриб яхши ўрганиб олганман. Илонлар билан ҳам гаплашаман. Илонларнинг олдида имо-ишора билан сўзлашамиз. Номимизни ҳам айтмаймиз. Улар номларимизни билмаслик-лари керак... Шундай қилиб билиб олганман-да...

— Қулоқ солинглар! — икки гунгга деди камонмерган.— Бу бола сизлар билан сўйлашади...

— Фақат қўлларини ечиб қўйиш керак...

Биринчи гунгнинг қўлини ечдилар. У шам ёруғида имо-ишоралар билан ўз аҳволидан сўзлаб бера бошлади. Кумар ҳаракатларни қийинчилик билан бўлса-да, буёқдагиларга тушунтириб турди:

— Мен... машҳадлик... а? Ҳа, марвлик... бир савдогарнинг ўғли эдим. Чинмочинга карвон билан кетаётиб Самарқандда тўхтадик. Отам савдо ишларини юритгани қайгадир кетар, мен кундузи шаҳар айланардим. Йигирма иккига кирганман. Қоним гупириб, ҳар хил саргузашт қидириб юрган пайтим... Чорсу майдони энг яхши кўрган жойим бўлиб қолди, кунни шу ерда кеч қилиш менга ёқарди. Бозор айланардим, ит уриштиришларни, бедана жангини жуда хуш кўрардим. Ҳамма кўчаларга, маҳаллаларга бир-бир кириб чиқдим.

Саёқ юрган таёқ ер, деган мақолни кўп эшитганман. Бир куни мана шу Хонқали кўчасига кирдим у бошимга шундай балолар ёғилди. Кўчада кетаётган эдим, муюлишдан юзларини ярим тўсган бир қиз югуриб чиқди-да, олдимга келиб: «Мени паноҳингизга олинг! Иккитаси қувиб келаётибди!» деди жон ҳолатда. Кўзларида ёш филтиллади. Бир ожиза шундоқ деб сизга келса, қандай чидай оласиз? Юзлари тўлин ойдаи, кўзлари шаҳло бир қиз... «Қўрқма, нозанин, қўрқма!» дедим уни юпатиб. Шу пайт муюлишдан бири новчароқ, бири миқтидан келган қиличбурун иккита йигит чиқиб келди. «Манжалақи! Қани бу ёққа юр!» деб қизга ҳамла қилишиб қолди. Қиз пинжимга кириб олган... Ҳалиги қиличбурунни шапалоқ билан тортиб юбордим, новчасининг қорнига тепдим! Қочмайсан-а, қочмайсан... Қиз иккимиз қолдик. «Бало экансиз, раҳмат сизга!» «Сизни уйингизга элтиб қўяман, бўлмаса ҳалигилар тагин йўлингиздан чиқишадил...» «Олийҳиммат йигит экансиз, — деди қиз.— Мард йигитларга жонни фидо қилсанг арзийди...» Мен олдинроқда, у орқароқда йўлга тушдик. Ниҳоят бир уй олдига келдик. «Уйимизга кириб ҳордиқ чиқариб кетасиз...» дейди қиз бирдан. Вужудимга титроқ кирди. Худо шоҳид, шу пайтда маишат, айш-ишрат ҳақидаги гаплар миямни чулғаб олди. Қизнинг кўзларига қарадим — шаҳло кўзлари нозли табассум билан боқар, мени ҳеч қўйиб юборгиси келмас, ширин кутқулар оғушида ғарқ эди. Ичкарига кирганимни билмай қолдим. Пастқам ҳовли экан...

Гунгнинг қўллари толди шекилли, ҳикоя қилишдан тўхтади. Хўрдак Бухорий дам гунгга, дам Кумарга қарар, қиссага ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмасди. Бошқалар Кумарнинг дор устида ўйнашларини, чаққонлигини кўришганди, энди унинг соқов билан бемалол гаплаша олганига қўйил қолишди.

Ахий Жаббор Кумарнинг бошини силади:

— Ҳаммасини тушуниб оляпсан-а?

— «Уҳм!», «Уҳм!» — тасдиқлади гунгнинг ўзи, яхши гапиряпти деган маънода.

Тун салтанати фуқароси Бобо Султон индамай эшитар, гапларни жон қулоғига қуйиб олар, янгиликлар айтишда энди рақибни Соҳиб Чангални ҳам танг қолдириши мумкинлигини ўйлаб қувонарди.

...— Пастқам ҳовли экан,— давом эттирди ҳикоясини гунг.— Атрофи билаң девор билан ўралган. Киришимизданоқ қиз дарвозани занжирлаб беркитди. Бунга эътибор қилмадим. Уйга кирдик. Чиндан ҳам пар ёстиқлар қўйилган, тўшаклар солинган. Дастурхон тўла ноз-неъмат... Тўшакка энди ёнбошлаган эдим, чап томондаги эшикдан ҳали кўчада мендан шапалоқ еган миқти гавдали қиличбурун йигит қўлида ханжар билан чиқиб келди, ўнг томондаги эшикда новча бўйли иккинчи йигит кўринди. Қиз ҳалигиларни кўриб дод солиб юборди: «Йўқолинг! Қайдан келдингиз бировнинг уйига! Войдод!» Қиличбурун қизнинг оғзини бекитди: «Жим бўл! Агар финг-пинг десанг қорнингга мана шуни ботириб оламан!» У дудама ханжарни кўрсатди. Қиз кўрқиб индолмай қолди. Мен уларга қандай ҳамла қилишни ўйлардим, қўлимда қуролим ҳам йўқ... Шарт эгилиб пар ёстиқни олдим-да, қиличбуруннинг билагидан сидирилиб чиқиб кетди, ханжарнинг дамига урилиб икки жойидан тилинди. Қўлимдан қон оқарди. «Ҳали дилдор билан маишат қилмакчи эдиларми?» деди новча бўйли йигит, мени ўша тортиб олганди. Мен, кўчада ёнимга паноҳ тилаб келган қиз ҳам, қувиб келган икки йигит ҳам, ичкарига таклиф этилишим, дарвозанинг занжирланиши, яна ўша йигитларнинг пайдо бўлиб қолиши — бари-бари илгаридан режалаштирилган, моҳирлик билан пиширилган ўйин эмасмикин, деган хаёлга бора бошладим. Афсуски, аҳвол шундоқ эди, бари мени қўлга тушириш, тузоққа илинтириш учун қилинганди.

Фавқулудда бир куч билан новчанинг қўлидан силтаниб чиқиб олдим. Ўгирилдим у қорнини мўлжаллаб болаб тепдим! Новча шуни кутиб турган эканми, узун қўллари билан оёғимдан шарт тутиб олдида, қовуғим аралаш зарб билан тепди! Кўзимдан ўт чиқиб кетди! Букчайиб ётиб қолдим. Бир умрга майиб бўлган эдим... Ўзимдан кетибман... Неча соат, неча кун ўтганини билмаймен. Бир пайт ўзимга келсам, яна бир даҳшатли фожиа юз берибди: тилим йўқ! Беҳушлигимда тилимни суғуриб олибдилар! Майибу ногирон, гунгу соқов бўлиб қолдим... Бу ерда худди мендек, мана бунингдек, одамлик қиёфасидан айрилиб қолган тилсиз ва ногирон махлуқлар керак экан, токим бундаги гапларни гапиролмасин, бир ёққа чиқолмасин...

— Ким ўша новча? Ўша тепган? — Хўрдак Бухорий гунгнинг аламли ҳикоясини бўлди.— Ноинсоф! Ким экан? Билдингми?

— Шу ердами ўзи? — гапга аралашди Қалтатой.

— Кишини шундоқ ҳам хўрлайдиларми? — деб юборди Мавлонозода.— Қабиҳлик бундан ортиқ бўлмаст..

Ахий Жаббор бемисл азобларга чидаб, яна ўзини йўқотмаган бечора йигитга раҳми келиб кетди.

— Ўзи кимнинг дарвозаси бу? Соҳибни ким экан? — сўради у.

Энди ҳаммани шу нарса қизиқтирарди.

— Бу дарвозаларнинг соҳибини Қора арлот дейишади, ўзи бу ерларга келмайди, уни кўрганимиз ҳам йўқ... Бир одам тез-тез келиб туради, ўттиз бешларда, қорин қўйган, қуюқ туташ қошлари кўзини тўсган... Бошида тайласон... Ўша Қора арлотнинг одами эмиш. Отини Жаммазабон — Жаммазабон?! — Ҳа, ҳа, Жаммазабон дейишади. Бу ерда ер тагида сарой бор, бу саройга бизларга йўл йўқ. Мен ўз кўрғонимдан бошқасини билмайман, шеригим ҳам шундоқ, фақат ўз кўрғонидан чиқолмайди. Саройга йўлак билан тушилади, уни фақат шеригим билади, бошқа одам қидириб топа олмайди. Саройда ҳар ёқдан ўғирлаб келинган қизлар яшайди, уларнинг гунчачи-энагалари бор. Қизлар йигирма-ўттиздан ортиқ бўлса керак... балки ундан ҳам кўпдир... Бари Қора арлотнинг чўрилари, истаса уларни мамлакат подшоси Амир Ҳусайнга, амиру бекларга инъом этади, истаса ҳар бирини ўз тўшагига торта олади. Улар Қора арлот тўшагининг гуллари... Сўнгра бу гуллар Хонлик оқа хонадонига бориб бўй таратишади...

— Қочиб кетсанг бўлмайдами? Дарвозани очишни билар экансан? — гунгнинг гапини кесди Ахий Жаббор тоқатсизланиб.

— Қаёққа қочамен? Хору расво, майибу майриқмен. Қайга бораману кимга керакмен? Энди мен учун бари тамом. Юрагим эса олисда... Кетиб қолмасин деб мусофирларни танлашади... Лекин бир марта қочиб кўрдим... Тутиб олишиб ёмон калтакладилар... Бу ердаги эркакларнинг бари ахта қилинган, барчасини Қора арлот сотиб олган экан... Хўш... қўлим бут, кучим етарли... Менга зулм ўтказган ўша қиличбурун ва новча билан учрашамен ҳали...

Гунгнинг фожиали қисмати барчани лол қолдирди. Иккинчи гунг ҳам, маъқул

дегандай, дам-бадам бош тебратарди. Қўрғоннинг тўрт бурчагидаги шамлар кечанинг гира-шира пардасини ёриб ўтолмас, чеҳраларни ёритолмас, хижил юракларни баттар сиқарди.

Мавлонозодани ҳайратга солган нарсалардан бири, гунг ҳикоясида Жаммазабон девонбеги номининг эслаб ўтилиши эди. Ие! Бу маккор, бу баддин, бу бадкор!.. Жаммазабон-ку, аниқ бўлди, аммо Қора арлот дегани ким экан? Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми Самарқандда бундай нисбали киши борлигини эшитмаган.

— Ер тагидаги саройга бошлаб борсин бизни,— деди Ахий Жаббор сабрсизлик билан.— Бошлаб борсин! Кумар, тушунтир!

— Мен ҳам кашмирлик бир савдогарнинг ўғли эдим... Менинг қиссам ҳам шеригимникидан қолишмайди...— сўз олди иккинчи гунг.— Яхшиси, эсламай қўя қолай... Аммо ер ости саройининг эшигини очаман!..

Уша бизларни одамликдан чиқарган каслар билан бир ҳисоб-китоб қилажамиз бор! Зора, ўзимиз ҳам куллик занжирини эгнимиздан соқит қилсак!..

— Балли, балли! — қувватлади Хўрдак Бухорий.— Ана ўшаларга сизнинг ўзингиз жазо берурсиз!

— Миқти гавдали қиличбурун йигитни олу, аммо новчасини менга қўйиб қўясан, қадрдон! — қўшилди Ахий Жаббор.— Бир отамлашаман!..

— У ёқда нима бор ўзи? Неча одам бор? — сўради Мавлонозода.

Иккинчи гунг жавоб берди.

...— Ер ости саройига, афсуски, бизлар тушмаганмиз, кўрмаганмиз... Аммо ўша саройга лаҳим йўл олиб борармиш...— Бу гапни биринчи гунг ҳам тасдиқлади.— Фақат шовқин қилиш керак эмас...

Ҳамма лаҳим йўлга тушиб, ўша ер ости саройини тезроқ кўргиси келиб тоқатсизлана бошлади.

Вақт ҳуфтонга яқинлашиб қолганди. Гунглар мураббаъ кўрғоннинг чап бурчагига қараб юрдилар. Қалин ажриқ оёқ остида сассиз эзиларди. Бу кўрғонни иккинчи гунг билан осмондаги булутлару, учиб ўтган қушлардан бошқа ҳеч ким кўрмас, шундоқ сирли маскан, табиийки, Хўрдак Бухорий шерикларини тобора ҳайратга чулғарди.

Иккинчи гунг кўрғоннинг бурчагига борди-да, эгилиб қўли билан ниманидир ушлаб даст кўтарди. У қопқоқ эди, устига худди ажриқ рангида мато ёпилган, бир қарашда ажриқдан ажратиб бўлмасди. Ҳаммининг кўз олдида гўрдай қоронғу лаҳим йўл очилди.

...— Бизларга кирмак манъ қилинган...— деди иккинчи гунг.

Ахий Жаббор шартта бурчакдаги шамдондан шамни олди:

— Таваккал ту ололлони деган эр, на толқону на қалқоннинг ғамин ер! Бисмилло-хир раҳмонир раҳим!..— деб лаҳим томон қадам қўйди. Иккинчи гунг қўлида нимадир тутиб, барибир, унга эргашди. Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми Мавлонозода ҳам улардан қолишмасликка ҳаракат қилди. Биринчи гунгни кўрғонда қолдирмоқчи эдилар, у кўнмади. Ҳаммалари лаҳим йўлдан ер остидаги сирли саройга туша бошладилар.

* * *

Бир тоғора кирни бўяш учун ранг олгани Кумар билан бозорга йўналган Жаҳон Чорсу майдонида номаълум одамларнинг қўлига тушганидан кейин, нима бўлганини билмайди. Унга қоп кийдиришиб, отга ўнгариб қаёққадир олиб кетишди. Қопнинг паст томони ҳар жой-ҳар жойидан тешиб қўйилганди, ундан ҳаво кириб турарди. Қоп ичида ёруғ дунёси куппа-кундузи қоронғу бўлган бечора қиз, қулоқларига пахта тикилган, сўзию қўллари боғлиқ ҳолда от устида ўнгарилган қўлдаи тебраниб борар, оёқчалари билан тепинаётгани шундоқ кўриниб турарди. У отликларнинг бир-бирови билан гангир-гунгир сўзлашиб бораётганини эшитарди-ю, сўзларини фаҳмламасди. Ниҳоят отликлар тўхташди. Жаҳонни кўтариб олдилар, сўнг зинама-зина қайгадир пастга туша бошладилар. Олдинда миқти гавдали қиличбурун йигит борар, қизни кўтариб олганидан ҳансирарди. Жаҳон бир қулоғидаги пахта сал бўшашиб қолгани сабаб баъзи гапларни эшита бошлади. Бирдан қандайдир қизлар чувилладилар:

— Вой, шўрим!

— Яна бир бахти қаро келди!

— Сен бечорага ҳам шу қараб турган экан...

— Мана бу қузғунлар ўлмади, биз кутулмадик...

— Яшшамагурлар!

— Ўзи ея олмайдиган қузғунлар! Бундоқ бўлгандан қора ерга кирган яхшироқ!

— Туркинг гўрда чиригурлар!

— Баримизнинг гуноҳимиз сенларнинг бўйинида!

Йигитлар ҳеч нарса дейишмас, афтидан улар бундай аччиқ гапларни кўп марта эшитишган, шундан бўлса керак, бепарво боришарди.

— Ҳай, тилиннга чипқон чиққурлар! Бас қилинлар! Уят бўлади-я!— деди ўрта ёшлардаги бир аёл ёндош хонадан чиқиб келар экан. Ясан-тусан қилиб олган бу аёл,

худди ёш қизлардек жилпанглар, ёши ўтиб қолганига қарамай, ажабки, қилиқлари ўзига ярашиб турарди.

— Қабул айланг, Ғунчачи бегим! Бундақаси ҳали келмаган... Қора арлот тилаганича бор экан...— деди мақтаниб қиличбурун йигит, Жаҳонни ерга қўяр экан.

Қизлар даҳшатни сезиб, дарахтнинг ҳар жой-ҳар жойига қўниб олган чуғурчиқлардай гувранишар, чувиллашар, турли усуллар билан Қора арлот чангалига тушиб қолган бахти қора мунглиқларнинг бирдан-бир чораси ҳам шу эди.

— Овозинг ўчгурлар, ҳей, мунча жаврашасан? — зуғум қилди Ғунчачи бегим.— Қиз бола деган ҳам шунақа бўладими? Ҳа, қиз бўлмай қизил итга ем бўлгурлар!

— Ўзинг жаврамай ўл, қариб қуюлмаган мочағар! Зулук! Чаён! — қичқирди қизлардан бири аламли.

— Зулук! — қўшилди иккинчиси.

— Чаён! — қувватлади учинчиси.

— Илон!..

Ғунчачи бегим гапни бошлаган ким эканлигини билиш учун қизлар томон юрди. Қизлар, бўри келаётганини кўриб қочишга жой тополмай, бурчакка қисилиб қолган қўйлар каби писиб қолдилар. Ғунчачи бегим айбдорни топиб, бир адабини бериб қўймоқчи бўлди-ю, фурсати эмаслигини сезиб, ҳамма ғазабини кўзига жойлади. Терилган қошлари чимирилганидан бир-бири билан туташди.

— Сен ер юткурларни чатаноғингдан айириб, отнинг думига боғлатиш керак-ку-я!..— деди тиш орасидан у.

— Бундоқ хор бўлиб яшагандан кўра отнинг думида ўлган минг марта афзал! — тарсиллади бир қиз тап тортмай.

Қизга бошқалари қўшилишди, қий-чув бўлиб кетди. Асира бўлиб ётган қизларнинг таънали гапларига жавоб бермаслик энг тўғри йўл эканлигини англаган Ғунчачи бегим шарт бурилиб Жаҳон солинган қоп ёнига келди.

— Нега қопни дарров очмайсан, галварс? — ўшқирди аёл миқти гавдали қиличбурунга, қизларнинг аламини ундан олиб.— Дарров оч, каллаварам! Нафаси қайтади!

Йигит қоп оғзини еча бошлади. Дағдағаю зуғумлардан қий-чувларини тўхтатмаган қизлар, қопдан ким чиқар экан, деб бирданига жимиб қолдилар.

Ҳамма «Воҳ!» деб юборди, қопдан чиққан Жаҳон эса бегона жойга келиб қолган оҳудай, атрофга жавдираб қарар, бирон-бир хайрихоҳ назар, нигоҳ қидирарди. Қизлар орасида шивир-шивир бошланди.

— Мени ҳам шундоқ қоп ичида олиб келишганди...

— Ўлсин бу қоп! Бошга битган бало!

— Келишган, дўндиққина экан...

— Пешонанг қурсин!

— Аммо кўринишидан ғайратли!..

Ҳамма гапирар эди-ю, ҳеч ким қизнинг ёнига келмасди. Афтидан Ғунжачи бегимдан ҳайиқишарди.

Ғунчачи бегим дарров Жаҳоннинг пешонасидан ўпиб: — Хуш келибсан! — деди, сўнг қўлларидан ушлаб бағрига олди-да, миқти гавдали қиличбурунни жеркиб берди:— Шундай паричеҳра дўндиқ қизни минг азобда олиб келибсизлар, яшшамагурлар! Сенлар қизларнинг қадрини қаёқдан билардинглар, инсофсизлар! Боринг, қорангизни кўрсатманг!

— Сасимай ўл! Қачон қарасанг сасигани сасиган! — бировга эшиттирмай деди қиличбурун орқага қайтар экан.

— Анов қизни юпатиш учун қилаётир,— тушунтирди новча.— Саркордан хира бўлма...

— Э, саркорингни...

Йигитлар ўз хоналарига кириб кетишди, улар ҳам шу саройда туришар, қизларни ўғирлаб келишдан ташқари, қўриқчилик ҳам қилишарди.

— Она қизим, она қизим! — эркалади Жаҳонни Ғунчачи бегим.— Сени қийнашдими? Ҳали мен уларнинг бир адабини бериб қўяй, менинг совунимга кир ювмабди ҳали! Ҳа...

Нотаниш жойга келиб қолган Жаҳоннинг бу гаплардан кўнгли эриди, беихтиёр Ғунчачи бегим орқасидан юрди. «Бу аёл яхши феъллик кўринади, кетиш йўлларини айтиб берса ажабмас!..» деб ўйлади қиз. Жаҳон бу ерда бир англашилмовчилик юз берганига, бировнинг ўрнига адашиб уни ўғирлашиб келтиришганига шубҳа қилмасди.

— У қўшмачининг ширин гапларига ишонма, ҳой қиз, ишонма! Ширин гапириб жонингни олади у, ҳа!

— Зулук!

— Илон!

— Чаён!..— чуғурлашди асира қизлар.

Ғунчачи бегим Жаҳонни бир лаҳза ёнидан жилдирмади, қизлар билан учраштиришга қўймади. Унинг усули шундоқ эди. «Бирон нарсани гапириш учун, аввал қизнинг этини ўлдириш керак», дерди у. Аввало, Жаҳонга меҳрибонлик кўргизди, онасини суриштирди, қайси маҳалладан эканлигини сўради.

— Падари бузрукворимни Абубакр Калава дейдилар, Наддофлар маҳалласи оқсоқоли, волидамнинг отлари Қорасоч бика...

— Жуда чиройли исм экан-а, волиданнинг исмлари!

— Билмадим, волидамнинг аҳволи не кечди?..

— Ҳа, яшшамагурлар! — қарғаб кўярди Ғунчачи бегим қизни ўғирлаб келган йигитларни атай. У қизнинг ғайратли эканига эътибор қилди. — Менинг қизимни онасидан айирди-я! Бир бегуноҳ қизни шу қўйларга солиб-а...

— Мени уйимга юборинг, ота-онамнинг бағри қон бўлиб кетгандир, опажон! — деди Жаҳон зориллаб. Қизнинг кўз олдига падари бузруквори сиймоси келди: Абубакр Калава қизини йўқотиб қўйиб, нима қилаётган экан? Нега ўйламай бозорга юбординг, деб онамларга азоб бермакдами? Йўқ, у киши юмшоқ феъл, айниқса, онамларга ҳеч ҳам қаттиқ гапирмайдилар, фақат аламлари ичида, ўз ёғига ўзи қоврилиб юрган бўлсалар керак... Қизини қидирай деса еру жаҳонда йўқ... Онаизори-чи? Бир ўзи уйда ўзи ёниб, ўзи ўчиб, ғурбатга гирифтор бўлиб, ранг олиб келишга юборган қизини кутиб ранглари сарғайиб ўлтиргандир? Кумар нима бўлдийкин? Ушанда отликлардан биттаси, ёш бола демай, уни қаттиқ тепди, оёғинг сингур. Кумар пишиқ бола, у ҳамма бўлган гапни отасига етказди, Мавлонозодани ҳам хабардор қилади, ҳа... эшитиб Мавлонозода зинҳор тинчиб туролмайди, бунга қизнинг имони комил.

— Пайти келсин, ўзим сени қочириб юбораман, хўпми, қизим?

— Раҳмат, опажон! Яхшилигингизни асло унутмайман!

Бир кун Ғунчачи бегим Жаҳонга шивирлади:

— Энди, қизим, қиз бола деган бировнинг хасми бўлади. Ҳандалак етилса банд беради... Пишган олма узилиб ерга тушади... — чарс ва шартаки қизни чўчитиб юбормаслик учун гапни узоқдан бошлади Ғунчачи бегим.

— Бу нима деганингиз, спажон? — Жаҳоннинг қошлари чимирилди.

— Ҳа... Сени қочириб юборадиган пайт келди, қизим, деганим...

— Ана! Вой қандай яхши! — хурсанд бўлиб кетди ғофил қиз.

— Аммо бир шарт бор...

— Қандоқ шарт?

— Айтаверайми?

— Айтаверинг.

— Йўқ... Эртага айтаман.

— Айтаверинг! Бу ерда тонг отганиниям, кун ботганиниям билмайсан, кеча-кундузнинг фарқи йўқ экан...

— Бўлмаса, — деди Ғунчачи бегим. — Мен айтаман, сен эса, ҳа, деб турасан...

Сўз бер!

— Сўз бердим.

— Шинам хона... Ҳа, деб тур! — бошлади хотин.

— Ҳа... — хушламайгина деди қиз ҳайрон.

— Ипак гиламлар...

— Ҳа...

— Тахмон тўла бахмал кўрпалар...

— Ҳа...

— Ипак тўшаклар...

— Ҳа...

— Пар ёстиқлар... Ноз-неъмат тўла дастурхон...

— Ҳа...

— Тўққиз қават кўрпа солинган юмшоқ ўрин...

— Ҳа... — Жаҳоннинг тобора ҳайрати ошиб борарди. У Ғунчачи бегимнинг гапни қаёққа бураётганини идрок этарди, аммо шунчаликка бормаса керак, деб ўйларди.

— Паҳлавон йигит...

— Нима? — сўради қиз. — Нима дедингиз?..

— Сен, ҳа деб тур, дедим-ку! — хотин ўпка қилган бўлди.

— Гапирманг, худо олсин сизни! Бас, йўқ, дейман!

— Паҳлавон йигит сенга ҳадялар этса... Сўнг оғушига олиб ширин гаплардан деса... Эркалатса... Кейин...

— Бас қилинг! — деб юборди Жаҳон. — Беандиша гапларни гапирманг! Сўзларингиз дилимни куйдираётир!

— Ие! Айтганларимнинг нимаси ёмон?.. Не-не қизлар шундай кунларга етарманми, деб орзу қиладилар-ку... Сенинг юлдузинг ёруғ экан...

— Бу гапингизни ўшаларга айтинг!

— Уларга айтсам-ку, жон дейишади-я! — кулди Ғунчачи бегим. — Менга ҳам биров айтса экан, қанийди...

— Боринг ўзингиз! Бировга айтиб ўлтирасизми?

Жаҳоннинг гапи Ғунчачи бегимга ботиб кетди.

— Шунақами ҳали? Мен сенга яхшилик қилмоқчи эдим, билмадинг. Демак, сен ҳам ана бу қайсарлардай шу ертўлада қолиб кетмакчи экансан-да? Қолиб кетиб бўпсан! Тур ўрнингдан, қанчи! — деди бирдан, энди ҳалиги мулойим гаплардан асар ҳам қолмаганди. — Эси вақтим! Сени анови манжалақиларга қўшиб қўймасам, мен ҳам юрган эканман! Таъзирингни емайсанми! Мен сени подшозодалар, ҳокимзодаларга раво кўргандим. На чора! Энди ҳамма қатори, ё бирон савдогарга nasib этасан, унинг тагида фил эзган гулдек топталасан, ё бобилхонада истаган пулдорга бағрингни очиб турадиган бўласан! Мени билмас экансан! Мен айтганимни қилдирадиган хотинман! — жазаваси тутиб кетди Ғунчачи бегимнинг. — Мен Самарқанднинг энг олд гўзали бўлганман. Бир оғиз сўзим учун Зарафшонни тескари буриб юборишга тайёр эдилар, мени Амир Қозоғоннинг ғунчачисийдим, Ҳисори Шодмон ҳоқими Баён сулдуз изимдан юриб, ахири висолимга етишди. Баён сулдуз ҳалок бўлгач, мени Балх ҳоқими Амир Улжайту сулдуз олиб кетди... Боринг ўзингиз, эмиш! Борсам боравераман! Сендайларнинг ўнтасини хизматини қиламан ҳали ҳам, ҳа!..

Жаҳон ҳайратда қотиб қолди. Рўпарасида беозоргина бўлиб юрадиган Ғунчачи бегим эмас, балки оламнинг расамадини виждон сотиш билан ўлчайдиган, бу дорилғурдаги умрни фақат айш-ишрат билан баҳолайдиган юзсиз бир хотин турарди. У ўрнингдан шарт туриб ортига чекина экан, чидамай деди:

— Айтганларинг оғзингдан чиқиб ёқанга ёпишсин! Ўзингдан бери келмасин! Ҳе, айнамай ўл! Афсуски, қиличим йўқ, бўлганда шу онда бошингни танангдан жудо қилардим! Мени ҳам билмас экансан!

— Қилич? — сўради бирдан Ғунчачи бегим. — Хо-хо-хо! Қилич эмиш! Қилич берса, қандай ушлашни ҳам билмасанг керак... — У Жаҳонга яқин келди-да, зуғум билан деди: — Сенинг ишинг қилич ушлаш эмас, Қора арлот қўйнида тўлғаниб ётиш! Шу ишни қиламан деганман, қилмасдан қўймайман!

— Бас! Бас! — чидолмаган Жаҳон келиб фавқулодда бир куч билан Ғунчачи бегимни бўға бошлади. Хотин додлашга тушди. Қиз бу қилаётган ишининг нотўғри эканлигини англади, бўғишдан тўхтади-да, ялина бошлади: — Мени қўйиб юборинг! Худо хайрингизни берсин! Отамлар сизга катта пул берадилар!..

— Пулинг керак эмас! — кесди баджаҳл хотин. — Ўлдириб қўй, деди-я!..

— Мол-дунё берадилар!

— Мол-дунёнг керакмас!

— Нима керак бўлмаса?

— Нима керак? Бир парча нарсанг керак! Билдингми?..

Жаҳон беҳаё хотиннинг кўзларига қаролмай, қўллари билан юзларини яширди-да, аламли ингради:

— Йўқ!.. Йўқ!.. Йўқ!..

УН САККИЗИНЧИ БОБ

Тубанликда

Самарқанд ҳоқими Садр Сулаймон бугун пешинга Қавомиддин қозини уйига чорлатган эди, улар ганч шарафали баҳаво меҳмонхонада, ҳар қачонгидек ясатиғлик дастурхон атрофида ўлтиришар, ҳоким қозикалонга Солисаройдаги кенгаш таассуротларини сўзлаб беради.

— Жета хони бадбахт Илёсхўжа ҳануз Мовароуннаҳр даъвосидан кўнгил узолгани йўқ... Кўнгил узиб бўладими шундоқ чаман-чотир юртдан? Ота-боболари бу ерларда не ишларни қилгану... Хўҳ-ху-ў!.. Хумори тутадир, хумори! — Жета хонига ғойибона пичинг қиларкан, Садр Сулаймоннинг овози тағин ҳам ингичкароқ эшитилди. — Ўзига қиладир, ўзига ўзи бало тилайдир. Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайн энди ёғий билан саваш қурмакчи...

— Илло, бадниятларнинг таъзирини берсин! Душман ўз оёғидан йитсин! Ҳе-ҳе-ҳе! — деб кулди Қавомиддин қози қовурилган товўқнинг оёғини оғзига солар экан. У тўлишган, бошидаги дастори, эгнидаги уч-тўрт қават тўни қозини яна ҳам салобатли кўргизарди.

— Беради, таъзирини беради, иншоолло! Сизу биздек беозор одамлар тинчини бузгандан сўнг, душман жазосини олмай иложи йўқ!

— Фақирингизни беозор демак мушкул... Хизматимизнинг ўзи кўплар кўнглини ранжитишдан иборат... Ҳе-ҳе-ҳе! — тағин кулди қози калон.

— Ранжитсангиз ҳам, беозорлик билан ранжитасиз-да, Қавомиддин! — узиб олди Самарқанд ҳоқими. Қозикалон бунӣ сезмаган бўлди:

— Ҳа, биров ризо, биров норизо... Биз шундоқ... Лекин, сиз жуда беозорсиз, мусичага ҳам озор бергингиз йўқ... Мана, ҳалигина капалакка қанча меҳрибонлик кўргиздингизу... Ҳоқим шундоқ фуқароларига меҳрибон бўлмаги лозим...

Садр Сулаймон капалакни эслаб, мийғида жилмайиб кўйди. У Қавомиддинни дарвоза олдида қаршилаб, меҳмонхонага олиб келаётган эди. Олтин олма рўпарасига етганларида, иттифоқо, йўлда ётган бир капалакни кўриб қолишди. Капалакнинг бир қаноти эзилганидан учолмас, ўрмалаб йўлка ўртасига чиқиб қолган, беихтиёр кимдир босиб кетиши мумкин эди. Садр Сулаймон дарҳол эгилиб капалакни кўлига олди-да, гулзор томонга юраркан:

— Сен ҳам худонинг бир махлуқи,— деди авайлаб ва бўзноч гулнинг баргига кўйди.— Юрсанг юрибсан-да...

Ҳоқимнинг қилган ишини кўрган ғуломлар, кейинроқ етиб келган Жаммазабон девонбеги фавқуллода бу меҳрибончиликдан кўнгиллари ийиб бир-бирларига дейишарди:

— Ана муруват!!

— Раҳму шафқат бундоқ бўлибди!

Жаммазабон девонбеги деди:

— Ҳоқим бува меҳрларининг бир улушини кўрдингиз холос...

— Ўша бир улушнинг бир улуши бизларга ҳам бўлсайди...— деди бир ғулом кетар экан, ўзига ўзи айтгандек секингина.— Бир улушининг бир улуши...

Аммо бу гапни ҳеч ким эшитмади.

— Бизнинг падари бузрукворимиз шундоқ эдилар, қозикалон жаноблари! Фуқаро-парварлик ўша падаримиздан ўтган...

Орага жимлик чўкди. Лекин жимлик бир лаҳзагина давом этди холос. Дарвоза томондан қандайдир хуруж садолари кела бошлади. Садр Сулаймон уч бор қарсак урди. Эшиқда Жаммазабон девонбеги пайдо бўлди.

— Кўчамиздан лўлилар тўдаси ўтмас эди шекилли?... Бу не шовқин?

— Сурондан мен ҳам ҳайратдамен...— муносабат билдирди Қавомиддин қози.

Жаммазабон девонбеги шовқин сирини билмакка кетди.

— Қозикалон жаноблари! — деди Самарқанд ҳоқими.— Солисаройдаги қурултой-да бизнинг шаънимизга муносиб гаплар айтилди. Аммо мақтов гаплар эшитсак ҳам, биз отга бир қамчи эмас, икки қамчи урмагимиз лозим... Солисарой пойтахт эса-да, мамлакатнинг кўрки Самарқанддир... Қани, таомга қарасинлар!..

— Хўш? Хўш?..

— Биздан озгина ўтди... Улпону солиқни вақтида йиғиб беролмадик... Қишлоқларда солиқ йиғмак мушкуллашиб кетди. Кундузак, Хартанг, Соғарчи, Хожай Калон, Совғончи, Хожа Ғунжорага борган закотчилар хўржиннинг бир кўзини шалвирашиб, бир кўзини ярим тўлатиб қайтишибди. Камонгаронда аҳвол нундан ҳам баттар: қишлоқ аҳли хуружга дил берибди, орада жанжал чиқиб, бир закотчи нобуд бўлибди...

— Ким экан салтанат закотчиларига тиғ ўқталгувчи нонкўр? — ғижинди Қавомиддин қози.— Илло, мен унинг оёғига тахтакач боғлаб...

— Гапнинг бу ёғини эшитинг! — қози сўзини бўлди Самарқанд ҳоқими.— Ўзимиз ҳам Самарқанд аҳлидан ўлпону солиқ йиғиб олмадик. Шаҳарни биласиз, олақурок, барча қавмдан топилур. Мен бутун маҳаллалар оқсоқолларига буюрдимки, бугун пешиндан сўнг Чорсу майдонига йиғилсинлар. Сиз, қозикалон жаноблари ҳам ўзингизнинг обрў-эътиборингиз, ҳам адлу инсоф йўллари яхши билмагингиз боис, элга андак ҳукмингизни ўтказиб берурсиз, деган умиддамен... Шайхулислом, имом, мударрисларга ҳам киши юбортирдим...

— Наҳотки, ҳоқимнинг ҳам айтганидан бўйин товлагувчилар бор бўлса?..

— Бор, қозикалон жаноблари, бор! Замон ўзгариб борадир. Шаҳримизда сарбадорларнинг унсурлари бор эмиш... Косиблар, қўсқилар, бошпанасизлар...

— Бор бўлса, бундан ташвиш чекмак, оғримаган бошни беҳудага оғритмак билан баробардир,— қозикалон парвосиз деди.— Уларнинг илгидан не келади?.. Қарға... «қағ-ғ-ғ» этадир, илло вақтини чоғ этадир!.. Бохабармен баридан...

Шу пайт Жаммазабон эшикни очди:

— Султоним! Хартанг қишлоғидан олтига деҳқон келибдир. Сиз билан кўришишмоқчи. Қайтармоқчи бўлдим, аммо мушкул...

— Нима дарди бор экан? Наҳотки, ўзинг тинчитиб юборолмадинг? Қозикалон жанобларидай бир зот билан давлат юмушлари ҳақидаги кенгашимизни ким буза олади?— ранжиганини яширмади Самарқанд ҳоқими.— Мен энди давлат ишларини кўйиб, қандайдир ялангоёқларнинг ташвишини чекаменму? Бор, сен девонбегисен, доруғасен, ўзинг ҳал эт!

— Мен ҳал этиб бермакчи эдим...

Жаммазабон девонбеги гапини тугатиб улгуролмади. Эшик очилиб, меҳмонхонага хартанглик деҳқон Дадаали кириб келди. Унинг авзойи бузук, қисик кўзлари янаям

қисилиб кетган, яктагининг устидан дурра боғлаган, унда пичоқ осиглиқ эди. Дадаали чамандай ҳовлини, олтин олма, ҳавзи арзизни кўриб ҳайратга тушганди, баҳаво меҳмонхонага кириб нима дейишини билмай қолди.

— Хўш, хўш, нима юмушинг бор? Сўзла!— буюрди Самарқанд ҳоқими.

— Ҳартангданман, ҳоқим бува... Мен билан яна бешта деҳқон ҳам сизни паноҳ тутиб келган...— Дадаали дадилланди.— Икки танобгина ерим бор, ҳар йили қарзимга беравериб, шу қолди... Бу йил ғўзадан унум бўлмади. Меҳнатим қумга сепилган сувдай беҳуда кетди, харажатларни ҳам қоплай олмади. Ахир бешта болам бор, ҳаммаси оғзини каппа очиб, берсанг ейман, урсанг ўламан, деб турибди...

— Нега болани кўпайтирасен?— чинқирди Самарқанд ҳоқими, болалар ҳақида гап кетганда, ҳар доим унинг фарзандсизлик яраси янгиланарди. Гўё ҳамма фарзанд кўрганлар Садр Сулаймон насибасини тортиб олаётгандай, худди у кўрмоқчи бўлган фарзандни худо бировга бериб юбораётгандай туюлаверарди. Бу нарса унинг аламига алам қўшар, одамларга, болаларга, дунёга умулан ҳаммага нисбатан ғазабини кўзғар, дийдасини қотирарди.— Кўрпангга қараб оёқ узатмайсенму? Мана, мен ҳоқим бўлишимга қарамай фақат биргина ўғлим бор холос...

«У ҳам бўлса боқинди ўғил...» деб қўйди Қавомиддин қози ичида.

— Энди худонинг бергани... Худо бериб турса не дейман, ҳоқим бува! Фуқаропарварсиз...— дер эди шўрлик деҳқон, қошонадай меҳмонхона остонасида тураркан, қорайиб кетган, жун босган, катта қўлларини қаерга яширишни билмасди.—Еримнинг бир танобини қарзимга тортиб олишмоқда, ҳа майли, на чорам бор... Мен бошқа нарсани сиздан тилаб келдим...

— Мен фуқаропарвар бўлиб сенга ёрдам берсам, унга ёрдам берсам, уйимни қаердан топамен?— ҳоқимнинг куйканаклиги билинди.— Ҳамма ҳам худонинг бандаси. Агар қарзингга босиб қолишса, мен нима деймен? Қарз олма эди...

— Қарзингдан қутулганингга шуқр эт, боёқиш! Қушдек энгил юрасен...— насиҳат қилган бўлди Қавомиддин қози.

— Қарзимга майли деярман... Аммо ўлпон деб қолган еримни ҳам тортиб олишмакда... Мен шу ҳақда... Шерикларимнинг ҳам шундай арзлари бор, ҳоқим бува...— Нима? Ўлпонга деб еримни тортиб олишмакда?— ажабланди Садр Сулаймон калта қирқилган пахмоқ соқолини силаб.— Жамма! Бу не дейдир? Нега унинг ерини тортиб олишмакда? Ўлпонга ернинг не алоқаси бор? Ўлпон учун ким ерни тортиб ол, деди?

Дадаали кўзларида умид учқуни чақнади, қайрилиб, Жаммазабон девонбегига, «Қалайсан, баттол!» дегандек тикилди.

— Султоним! Ҳеч ким тортиб олмакчи эмас... Ўлпонни тўламаганидан кейин тортиб оламиз-да...— тушунтирди Жаммазабон девонбеги.

— Ие!— деди энди ҳоқим Дадаалига қараб.— Нега ўлпон тўламайсан? Ўлпон кўпга келган тўй! Ҳамма тўлайди!..

— Тўлаймен, ҳоқим бува,— қайтмасди деҳқон.— Ахир бу йилнинг ўзида бир марта ўлпон тўладим-ку! Энди ҳемири ҳам йўқ...

— Ҳар нарса бўлса ҳам ўлпонни тўлаш жоиз. Бош тортган душман саналур. Шунини истармусен?

— Йўқ... Аммо не қилай? Хонавайрон бўлаётирмен. Бешта боламни олиб қаёққа борамен? Кимникига сиғамен?— деди бечора деҳқон тарвузи қўлтиғидан тушиб.

— Яна «бешта болам»лайди-я! Ҳадеб болангни пеш қилаверма! Оллонинг қарами улуғ, даргоҳи кенг... Оллодан бошқа кўмакчи йўқ, оллога сиғин!..— Садр Сулаймон гап тамом дегандай, Қавомиддин қозига ўгирилди.— Инсофсизни кўрдингизми? Ўлпондан бош тортадир!.. Кошки бу бадқорлар юрт ташвишини тушунса!..

Дадаали жовдираб дам ҳоқимга, дам қозикалонга қаради, аммо уларнинг кўзларида бирон хайрихолик, раҳум шафқат белгисини кўрмади. У тагин нимадир демоқчи эди, ҳоқим туюқиб кетди:

— Э, тинч қўясанми, йўқми? Агар чиқмасанг, уруғ-аймоғинг билан зиндон қиламен, танинг ерларда чирийди!..

Самарқанд ҳоқимининг олдидан ноумид чиққан Дадаали Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли Абубакр Калавани эслади ва шерикларини олиб ўша ёққа жўнади.

Дадаали билан бўлган муноқашадан сўнг суҳбатдан ҳам файз кўтарилди. Қавомиддин қози кетишга изн сўради, уйга бирров кириб Чорсу майдонига ўтишини айтди.

Садр Сулаймон меҳмонни кузатиб ортига қайтди. «Жигарларимдан хабар олай!» деди ўзига ўзи ва меҳмонхона тагида тубанликда жойлашган ертўла эшигини очди. У дунёга сиғмай қолганда, охиста ертўлага, уни хазина дерди, кириб танҳо бўлишни ёқтирар, тубанликда ўзини эркин сезарди. Бу ерга учта тўйнуқдан тушиб турган қуёш нуридан бошқа ҳеч кимнинг назари етган эмас. Ертўла деганимиз, бўйи ўттиз газ, эни йигирма газдан иборат деворлари оқланган бир хона эди. Деворларнинг тагида қаторлаштирилиб еттита туясандиқ терилган. Садр Сулаймоннинг «жигарлари» мана шу, бойлигу зар, лаълу ёқут, дуру забаржад тўла сандиқлардир. Ҳоқим бориб ҳар бир сандиқни очиб кўрар, гоҳ инжу марваридни қўлга олар, тўйнуқ ёруғига солиб жилоси-

дан гурурланар, гоҳ лаълу ёқутни томоша қилар, қотиб қолган қип-қизил бир томчи шаффоф қонни кафтида тутиб тургандек бўларди. Сўнг сандиқларни ёпаркан, кучоқ-лаб, ўпиб кўярди.

Ҳа, Самарқанд ҳокимининг ташвишлари кўпайди. Бош қанча катталашса, шунча катта бўрк кияр экан. Самарқанд ҳаммиша ҳам нотинч шаҳар, катта карвон йўлида жойлашганидан, бу ерга кўп эллардан одамлар келиб тубжой халққа қоришиб кетган. Уларнинг ҳар бири ўз урф-одати, расм-русуми, хулқи одоби билан шаҳар ҳаётига таъсирини ўтказган. Шаҳар ҳокими улар билан тил топмоғи керак. Ғайридинлар билан-ку тил топмоқ мумкин, аммо ўз қавмидагилар билан келишмак қийин бўлаётир. Мана Қавомиддин қози. Уни бекорга пешинликка чорлатгани йўқ. Чорсудаги издиҳомда бир сўзлаб кўрсин, элни бошқариш мушкуллигини англасин. Чунки у ҳокимликка даъвогар! Нотавон кўнгилга кўтир жомашов! Солисаройдаги кенгаш чоғида Темур, гарчи жеркиб ташлаган эса-да, сўнг Садр Сулаймон қулоғига шипшиди: «Қавомиддиндан эҳтиёт бўлинг! Амир Ҳусайнга ҳадя-тансуқотни бир олам қилибдир...» «Ҳадяю тансуқот менингчалик бўлмас...— деб ўйлади ҳоким ўзича.— Мен Амир Ҳусайн ҳарамига ёш-ёш қизлар юбориб турамен... Кейинги пайтларда ҳукмдорнинг ўзлари одам жўнатиб сўрайдиган бўлиб қолди...»

Хонлиқ оқани ҳам йўлдан урган қози бўлди... Аммо Садр Сулаймон бу ғайридин канизак билан боғлиқ ўйларни аллақачон унутиб юборган. У хотинлар ҳақида: «Хотин киши мен учун дастрўмолдай гап — истасам оғзимни артаман, истасам бурнимни», деб гапиришни яхши кўрарди. Неча марталаб хотин олган, фарзанд кўрмадинг деб ҳайдаб, янгилаган Садр Сулаймонга тўшак алмаштириш чиндан ҳам дастрўмол алмаштиришдай оддий гап эди. У фарзанд туғиб бермагани учун бутун хотин зотидан ўч олишга қасд қилгандай, хотинларини истаганча хўрлар, азоб берар, турли кўйларга соларди. Беш йилдан бери уйланмай кўйди. Энди ҳар икки-уч ойда Хонқали кўчасидаги сарой канизакларидан бири унинг тўшагини обод қилади. Сўнг канизакни кимгадир инъом этади ёки бобилхона даргоҳига ўтказди. Хотинларни қийнаб, азоб-уқубатларга солиб лаззат оладиган машъум одат чиқарганди у. Бу ерда ҳамият ва поклик, номусу орият ҳақидаги собит тушунчалар қасос ва белгисиз нафрат туфайли тупроққа қорилган, қабоҳатга айланганди... Ҳокимга ҳеч ким ҳакамлик қилолмас, бирдан-бир ҳакамлик қилгувчи виждон эса сас бермасди. Ҳар қалай, бу тўқликка шўхликнинг бепарда кўриниши, ҳокими мутлақликнинг нохуш манзараси соғломликдан нишона эмасди...

У билиб кўриб туриб шаҳарда сарбадорлар жамоаси борлигига эътибор бермай келди. Мадрасанинг толиби илми Абумансур бу хилдаги маълумотларни етказиб турибди. Ҳа, ҳокимга барчаси аён: сарбадорлар тақяхонаси ҳам, жамоа бошида Наддофлар маҳалласи оқсоқоли Абубакр Калава туришини-ю, Мавлонозоданинг ушбу жамоага котиблик қилиши — бари-барини у яхши биладир. «Хайрия» тузган эмишлар. Солисаройдон қўшин олдириб, ҳаммасини лаҳзада тинчитиб, қатағон қилмоғи мумкин. Лекин, Қавомиддин қози айтмоқчи, ташвишу ҳадикка ҳожат бормикин? Беш-ўнта кўсқи, гадо йиғилиб ўзини фалон жамоага аъзодирмиз, ундоқ қиладурмиз, бундоқ қиладурмиз, деб вайсаб юрган бўлса юрибди-да! Кимнинг кўнглига нималар келмайди... Мана, Садр Сулаймон кўнглида ҳам не орзулар йўқ дейсиз... Иложи бўлса, Моваруннаҳрда уч юз йилдан зиёд даврон сурган қорахонийлардек катта давлат барпо этарди. Сўнг Хуросонни ўз тасарруфига киритиб оларди, сўнгра Ҳиндистону Сарандибни, кейин Чинмочинни бирёқли қиларди...

Садр Сулаймон навбатдаги туясандиқ ёнига келди, аввал оҳиста сандиқ юзини қўллари билан силади, озгина чанг-ғубор илашгандай бўлди. «Олтинга ғубор илашди, аммо ёпиша олмайди!» деди ва доно фикридан қувониб кетди. У секин қопқоқни кўтарди. Бирдан бутун ертўла ичи ёришиб кетди. Ёмби ва кирпич олтинларга тўла сандиқдан ташқарига ёғду отиларди. Ҳокимнинг кўзлари яшнади, бор ташвишларини унутди. Олтинларни шунинг учун яхши кўради-да у! Олтинлар — киши фароғати, олтинлар дунёда энг пуркуч нарса, бошингга бир иш тушганда ҳаммиша қўлтиғинга кирази, йўқ демайди, оғринмайди, писанда қилмайди. Садоқатнинг бундан ортиқ нумунаси бўлмаги мумкин эмас. У бефарзанд эмиш!.. Мана, унинг фарзандлари, сандиқларда қатланиб ётган дуру забаржад, инжюю марварид, тиллою зар унинг энг яхши кўрган ўғиллари, қизлари бўладир, ҳа! Мана, унга қайишадиган, керак бўлса меҳр кўргизадиган жигарлари! Ҳа, ҳа, жигарлари! Дунёда булардан ортиқ меҳрибону мушфиқ топилмас!..

Садр Сулаймон сандиқни очик қолдириб, оҳиста унинг ёнидаги ипак тўшакка чўзилди. Ҳар сафар ертўлани айланиб чиққач, шу тўшакда озгина ҳордиқ олар, кўзларини юмганча хаёлларга бериларди...

«Худобанда Садр Сулаймоннинг ўғли эмас!.. Ўғли эмас!..» — барча инжу, дур, забаржад, ёқут, феруза шундай дерди. Қаердандир куй садолари келарди. Сандиқлардаги дуру инжулар гўё ертўлани бошларига кўтариб шовқин қилишар, бу нохуш янгиликдан хурсанд эканликларини билдиришгандек, сакраб ўйнашар эди...

— Бас! — деб юборди Садр Сулаймон, у ғазабидан ўрнидан туриб кетди. Бунчалар беадаблик кўргизган бетавфиқларнинг додини бериб қўймакчи бўлди. Қараса, ертўла жимжит, олтин сандиқ ўша очик ҳолича шуъла таратиб турарди. Инжу, дур,

ақиқ, марварид, лаълу ёқут солинган сандиқлар ўша ҳоким кўрганча ёпиқ, Яман ақиқи ҳам жойида, ҳеч қанақа мусиқа ҳам йўқ... Наҳотки босинқираб қолган бўлса? Еки туш кўрдими?..

Самарқанд ҳокими олтин сандиқни ёпиб, шитоб ташқари чиқди. Пешвоз келаётган Жаммазабон девонбегини кўрди-да, сўради:

— Жамма! Қаердан мусиқа овози келди?

— Қанақа мусиқа, султоним?— ҳайрон бўлди Жаммазабон девонбеги.

— Ҳозиргина мусиқа чалинди-ю...

— Ҳечқанақа мусиқа чалингани йўқ... Ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит, султоним!

— Ажаб...

— Султоним!— деди бир оздан кейин Жаммазабон девонбеги, юз берган сароси-маликни сезиб сабабини сўрашга ботинмади, аксинча, уни чалғитиш керак, деган фикрга келди.— Султоним! Пайшанба тун оқшом димоғингизга хушбўй таралур! Жаҳон исмли бир барно ҳусни хонаи хосингизда офтобдек барқ ургуси! Уша ўзингиз кутган, ўзингиз тайин этган офтобжамол... Сирли саройдан ушмундоқ мужда бор. Элчи нома олиб келиб дедиким: «Қора арлот ҳузурига бир малак юборилурким, монанди оламда йўқ... Пайшанба оқшомида ул малак қадами аробада Қора арлот қошига етгай!»

— Жаҳон?

Ҳа, Садр Сулаймон бу дўндиқ қизни анчадан бери кутарди. У ростдан ҳам чалғиди, хушбўй таратгувчи малак хабаридан кўнгил ёришди.

— Ассалому алайкум, эй падари бузруквор!— салом берди жиддий Худобанда яқинлашар экан. У йўлқадан келаётиб, ҳокимнинг девонбеги билан сўзлашаётганини эшитди-ю, гулзор панасида тўхтаб қолди. Ўртадаги суҳбат, Жаҳон ҳақидаги гапларни ногаҳонда у ҳам эшитди. «Жаҳон?! Мавлонозода севган қиз? Уша бегуноҳ ожиза Қора арлотга туҳфа этилармишми?...»— танг қолди йигит. Садр Сулаймоннинг нопок ишлари, фирром тутумларини кўравериб ранжиган Худобанда пайшанба оқшоми бўладиган мулоқот хабаридан қаттиқ ғазабга келди. Ширинбика синглисини булғади... хор этди... Энди яна бир бегуноҳни балои нафс деб пайҳон қилмакчи... Ноинсоф! Қора кирди-корларини яширмак учун Қора арлот деган лақаб танлабди ўзига падари бузруквори! Худодан кўрқмаганини! Худобанда кун ўтган сайин Садр Сулаймонга нисбатан нафрати ортаётганини сезар, улар орасидаги ўприлиш тубсиз чоҳга айланиб бораётганини кўриб турарди.

— Ие, ўғлим!— деди Садр Сулаймон беихтиёр кучоғини очиб кўришар экан.— Сабоқларинг нечук?.. Яхши... Қани Чорсуга кетдик! Юр! Эл билан, авомуннос билан сўзлашмакни ўрган, тил топишни бил...

Самарқанд ҳокими бошқа ҳеч нарса демади. Худобанда рози бўлгандай ишора қилди. У барибир ҳам шитобан Мавлонозодани топмаги лозим. Дўсти Чорсудаги йиғинда албатта бўладир.

Улар Чорсу майдони томон отландилар.

ЎН ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

Ўлпон жанжали

Чорсу майдонида одам тирбанд, Наддофлар, Ҳолвачилар, Кулоллар, Қурчилар, Қаландарлар кўчаларидан оқиб келаётган одамдан майдон игна ташланса ерга тушмайдиган бир ҳолга келди. Жоме масжидининг айвони ердан бир-бир ярим тирсак баланд бўлгани учун, у ердан Чорсу майдони, атроф баралла кўриниб турарди. Айвондаги сўрида, қалин кўрпа-тўшаклар устида Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон, Худобанда, Қавомиддин қози, мударрис Хожа Лутфуллоҳ, имом Қутбиддин, Жаммазабон девонбеги, яна бошқа оталиқлар, қозилар, имомлар, кадҳудолар бор эди. Майдондан қараган одамга ўн беш-йигирмага яқин саллалар кўринарди холос. Шайхулислом Абулворис Самарқандий, унга қозикалон таклифи билан хабар берилмади, аммо эшитиб ўзи етиб келди, катта саллали бошини ғоз тутиб айвонга қадам қўйганида ҳамма унга пешвоз чиқди.

Масжиднинг ўнг томонида Солисаройдан чақирилган йигирма сипоҳдан иборат кичик лашкар ҳар эҳтимолга қарши қуроолланган ҳолда шай туришарди.

Майдонда, олдинги қаторда Абубакр Калава дўстлари билан бирга издиҳомни кузатишмоқда. Хўрдак Бухорий, Уста Кулол, Ҳалвойи, Мавлонозода, Лакшман, Исоқ этикдўз, Нозим Меҳмет, Дадаали ҳам шу ерда, Кеш дарвозасининг соқчиси Ҳалимқулни ҳам кўриш мумкин. Дадаали шериклари билан Наддофлар маҳалласида паноҳ топдилар. Улар тола ажратувчиларга кўмак беришадиган бўлишди.

Улардан ўнг томонда Тун салтанати подшоси Шаҳриёр турар, Ахий Жаббор, Ҳасан чиноқ, Насафий, Бобо Султон, Шотабиб, Соҳиб Чангал, Абомуслим, гапга уста Сукрот, Аббос баҳодирлар ҳам шу ерда ҳозир эдилар. Сал нарироқ борилса, мадраса толиби

илмларидан Калтатой, Абумансур, яна кўп кишилар кўринади. Издиҳомда Рўзи аттор, маззанг хотин, «борига шукр қилмайдиган» эроний йигитлар ҳам юришибди.

Қаландархона кўчасидан келган бир гуруҳ қаландарлар, ана, денгизга сингиган томчидай оломонга кўшилиб кетдилар.

— Муҳтарам Самарқанд аҳли!— сўз бошлади Садр Сулаймон оломонга қарата, унинг овози чинқириб чиқди, майдоннинг турли жойларига қўйилган кишилар «Муҳтарам Самарқанд аҳли!», «Муҳтарам Самарқанд аҳли!» дейишганча ҳоким сўзларини илиб олишиб, яна нарироққа етказиш пайида қичқира бошлашди.

— Яқинда Солисарой шаҳрида, Мовароуннаҳр пойтахтида мамлакат шаҳар ҳокимлари, беклар, амирларнинг қурултойи бўлди. Сиз фуқарога маълум бўлсинки, Жета хони Илёсхўжа Мовароуннаҳрга, жаннатмакон тупроғимизга хуруж черигин бошлаб келмак ниятиндадир. Чидаб бўладирган ишми шу? Тупроғимизни топтасинми, боғларимизга от солсинми? Мана шу муаззам майдонда музаффарият гулханини ёқсинми? Айтинг, ёқсинми? Айтинг, ёқсинми, а? Ёқсинми?..

Ҳокимнинг сўзлари одамларнинг юрагидан олди. Ҳар жой-ҳар жойдан: «Йўқ!» «Ёқмасин!», «Нега ёқади?...» деган овозлар эшитилди.

— Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайин ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон ҳам худди шундоқ фикр илгидан тутмиш, ул ҳам сизу бизнинг омонлигимизни тилайдир, юрт маъмурчилиги ташвишини чекадир,— давом этди Садр Сулаймон. Ул зотнинг табаррук бошлари сизу биз фуқаро ғами билан оғриган, мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсин!

Шаҳар ҳокими юрт ҳукмдори ҳақидаги бу мақтов гапларни атайлаб гапирарди, чунки у майдонда Амир Ҳусайиннинг «кўз»лари борлигига шубҳа қилмас, юз бераётган сир-синаот ипидан игнасиғача эгасига етиб боришини яхши уқарди. Ким билади, балки Қавомиддиннинг ўзидир, ўша «кўз», балки анови турган салладир... У одамларнинг чеҳраларига бир-бир қараб чиқди, бари бир-бирига ўхшар, қайси бири ўша «кўз» эканлигини билиб бўлмасди.

— Амир Ҳусайиннинг мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсин!— қичқирди Қавомиддин қози шаҳар ҳокими сўзини қувватлаб.

— Зиёда бўлсин!— қўшилди Жаммазабон девонбеги.

— Оё, Илёсхўжадай қаттол ёв билан бас бойлашмак Амир Ҳусайиндек кумуш билакли мардлар ишидир. Ҳукмдоримиз юрт ташвишини ўйлаб, ғамимизни чекиб маъракаи майдонга қадам қўймакчи эканлар, сизу биз бепарво қараб турмагимиз нораводир. Парво қилмак недан иборатдир? Демак, биз ҳар бир жон бошига олинадиган солиғу ўлпонларни йиғиб бермагимиз жоиз. Оқилу донолар ўлпону солиқнинг бу йилгисигина эмас, балки келаси йилнинг улшини ҳам бир ундовда йиғиб олишни кенгайтадилар. Барча маҳалла оқсоқоллари, кадхудолар ушбуни назардан соқит этмасинларки, ўлпону солиқни, бор жамалғани Шаҳрисабз амири, мамлакат ҳукмдорининг ўнг қўли, амирлашқар Темурбекка шу ҳафта ичида етказиб бермак мажбурияти бўйинмиздадир... Қурултой келаси йил кўкламида Жета хони билан юзлашишга Тошкент томонга боришга қарор қилди...

Майдонга бирданига жимлик чўкди. Лекин бу «сукут-аломати ризо» деган мақолга тўғри келмасди, Самарқанд ҳокими айтган сўзларнинг ҳали мағзини қақиб улгурмаган эдилар. «Мағзини қақиш» кўпга чўзилмади.

— Яна ўлпонми?— овоз Кўрчилар кўчаси томондан келди.

— Фуқарони ҳам ўйлаш керак-да! Тўрт қават кўрпачага ўлтириб олиб гапираверасизларми?— деди кимдир майдоннинг ўртасидан.— Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр!..

Гапнинг оқоваси қаерга боришини билолмай саросимада турган оломонга шу кифоя қилди. Ғалағовур кучая бошлади:

— Йўқ! Улпон йўқ!

— Уйимда молнинг тапписидан бошқа ҳеч нарса қолгани йўқ...

— Улпон деб энди ўлиш керакми?

— Мисрлик уламо, фозиллар фозили...— жаранглади Сукротнинг чийиллоқ овози майдоннинг ўртарағидан. Овоз суронни босиб кетар даражада ўткир эди.— Ибн Маҳжурий, аззама қадроху,¹ ўзининг «Тарихи Маҳжурий» китобининг олтинчи фасл, ўн иккинчи саҳифасида юқоридан саккизинчи қаторда ёзмишларки, йилда бир марта ўлпон олинган жойда, иккинчи марта ўлпон талаб этилса, ноинсофлик бўлур, демишлар!

Кулги садолари эшитилди.

— Ноинсофлик бўлур!

— Ноинсофлик бўлур! Хо-хо-хо!

— Улпон тилайдиганларга айтиб бер шуни!..

— Самарқанд аҳли!— мурожаат қилди Садр Сулаймон иложи борича овозини қўйиб.— Салтанат уч нарса билан ободдир: подшо, хазина, аскар билан. Подшойимиз, бор, оллога шукур, Амир Ҳусайн Мовароуннаҳргина эмас, Жета хонлигию Чинмочинни ҳам сўрамоққа қодир ҳукмдордир. Лашкаримиз ҳам етарлик... Ҳар иккисининг

¹ Дуо маъносида, «қадрини улғу қилсин» дегани (араб.).

суянчиғи бўлган хазина эса сизу биз беражак ўлпону хирож ила фаровондир... Улпону солиқдан ҳеч ким тархон этилмайди. Улпон нимадир? Бутун элга бўлса бир улушдан тегадир, карнайчидан бир пуф дегандай... Алалхусус, биз беражак ўлпон салтанат пойдеворини устивор этгүвсидир. Қани айтинг-чи, ким салтанат пойдевори мустаҳкам бўлмасин, дея олади? Қани, ким ўз салтанатига заво́л тилайдир? Кимки ўлпондан бош тортса, у салтанат душманига дўстдир!..

Одамлар норизо бўлиб ўзаро бир-бири билан сўзлашар, гангир-гунгирда аниқ бир гапни эшитиш мушкул эди.

— Халойиқ!— деб бошлади сўзини одамлар ичида турган Уста Кулол.— Бизлар лаганни хумдонда пиширамиз, пиширгунча ўзинг ҳам пишиб бўласан... Тоғма-тоғ юриб долғаш, мағал, гилвой, мис каби маъданларни топиб кўрғошин оламиз, лаганга ранг, жило бермак учун, сирламак учун... Салтанатимизга ранг бермак, жило бермак учун бағри дилимиз анови хумдондаги лагандай куйиб доғ бўлиб кетмакда ахир! Яқингинада ҳокимнинг босқоқчиларига ўлпону солиқни жамлаб бердик-ку! Қани ўша ўлпон? Ўша жилла бўлсин салтанатимизни сирлашга етарди, дейман...

Уста Кулол бир оз тўхтаб давом этди:

— Лойи пишитилган бўлса ҳеч гап эмас... Ал-косибу ҳабибуллоҳи¹ деганлар. Мен Кулоллар маҳалласи номидан шуни айтايки, бизнинг ўлпон берадиган ҳолимиз йўқ... Тирикчилик деб чатаноғимиз керилиб кетяпти... Гапим тамом!

Садр Сулаймон Уста Кулолнинг гапидан норизо бўлди, ғажинганча Қавомиддин қозига қаради. Қози, сўрининг ёнига келиб майдонга мурожаат қилишим зарур бўлиб қолди, деб ўйлади:

— Фуқаро! Эрталаб туриб юзни ювмак қанчалар зарур бўлса, илло, ўлпон тўламак ҳам шунчалар лозиму лобиддир, хе-хе-хе!— хунук кулгуси эшитилди қозикалоннинг.— Магарки, ҳукмдоримиз ўлпон ийғмакни буюрибдилар, бу ул зотнинг сизу бизга қилган меҳрибончилиги холос! Биз меҳрибончиликка шундоқ «Йўқ! Йўқ!» деб дағалу кўрс жавоб берадурмизму? Қани бу ерда инсоф? Қани бу ерда салтанатга садоқат? Қани орномус? Биздан озгина ўлпон сўрасалару, биз «лаббай!» деб жавоб бермак ўрнига, бетимизни сидириб ташлаб, «Берганлар бераверсин!», «Бошқа бермаймиз!» деб тосрайиб ўлтирсак? Ахир бу савоби иш-ку? Бу ерда энг катта гуноҳ маҳалла оқсоқолларига тушади! Ҳа! Маҳалла оқсоқолларига! Мана бу Уста Кулолнинг сўзларига қаранг! Маҳалла бошлиғининг гапи бу... Илло... Балиқ бошидан сасийди, деганлари шу-да, а?.. Хе-хе-хе-хе!

Қавомиддин қозининг арра овозидай ёқимсиз кулгуси қулоқларга тиқилиб, эшитганларни беҳузур қилди. Садр Сулаймон жилмайганча бош тебратиб қўйди, у янги докадан салла ўраганди. Шайхулислом Абулворис Самарқандий ўнг қўлида тасбеҳ тутиб, чап қўлида чўққи соқолини чимчилаганча, жим одамларга қараб турарди. Худобанданинг қозининг дағдағасифат гапларидан энсаси қотди, мударрис Хожа Лутфуллох «Ажаб, ажаб!» дер эди холос.

— Тўғри айтяптилар, ахир бу савоб иш!— деди кимдир.

— Тўғри, балиқ бошидан сасийди,— кичқирди қуйидан Ахий Жаббор.— Бошидан сасимаса, шундай гапларни дермиди!

Ахий Жабборнинг гапини илиб кетишди:

— Бош бўлгандан кейин сасийди-да!— деди Бобо Султон.

— Шукр қилсин, боши бор экан, сасибди...— кулди Соҳиб Чангал.

— Боши бўлмаса нимаси сасирди, дейсан-да, а?— суриштирди Абомуслим.

— Бош эмас экан у турган! Бошининг ўрни экан... Бош йўқ...— буни Ҳасан чиноқ айтди.

Ҳамма гуриллаб кулиб юборди. Сўридагилар, бу гаплар қаердан чиқди, деб чўзилиб қарай бошлашди. Самарқанд ҳокими «Ие!» деб қўйди, шайхулислом мийиғида жилмайди, Хожа Лутфуллох ёнидаги имом Қутбиддинга кўзларини катта-катта очиб тикилди. Қавомиддин қози катта салласи оғирлик қилаётгандай ғазабдан бошини сарак-сарак қилди, кейин масжиднинг ўнг томонидаги сипоҳларга буюрди:

— Ўша бадбахтларни топингиз! Тез топингиз! Илло, оёғига тахтакач боғлаб, тово-нидан қон тизиллатмасам, мен ҳам юрган эканман!

Ёнига қилич таққан қалқон тутган бир сипоҳий Тун салтанати фуқароларига яқинлашди, овозини таҳдидли қилиб айтмоқчи эди, пўписадан нарига ўтказолмади:

— Мен сенларга кўрсатиб қўяман! Ким у балиқни бошидан сасийди, деган? Чиқ бу ёққа!

Ахий Жаббор шу ондаёқ одамларни ёриб, сипоҳий олдига келди. Баланд бўйли, учли қалпоқ кийган, шопмўйлов, жуссадор йигитни кўрган сипоҳий сал ортига тисарилди.

— Мана, мен балиқни бошидан сасийди, деган!

Худобанда Ахий Жабборни таниди. У отаси — энди бунга шубҳа йўқ — Абомуслимни билмай дўппослатганда, келиб сипоҳийлардан ажратиб олган йигит. Худобанда ўлтирган жойида безовта бўлиб, негадир Ахий Жабборга қайиша бошлаганини сезди.

¹ «Косиб олло таолонинг суйган бандасидир» (араб.).

У ҳозир ўзини сўрида омонат ўлтиргандай ҳис қилар, гўё унинг жойи ана шу фақирлар, пахта тозаловчилар, кулоллар, чорикорлар, юпун толиби илмлар орасида кабидек туюларди. Худобанда сипоҳий Ахий Жабборга бирон зуғум қилмасин, деган хавотирда шарт ўрнидан туриб бормоқчи эди, кечикди, кимдир отилиб чиқди:

— У-мас, мен балиқни бошидан сасийди, дедим!

Ҳамма ўша томонга қаради. Самарқанд сарбодорлари жамоаси оқсоқоли Ҳасан чиноқни дарров таниди: унинг чап қулоғи йўқ. Кўрқмас, мард йигит оқибат кўргизиб фалокатда дўстини ёлғиз қолдирмоқчи эмас.

— Адашма, ўғлон, адашма! У гапни айтган мен-ку!..— Шаҳриёр сипоҳийга деди.— Уни тинч қўй. Мана мен!

— Мана мен ўшандай деган!

— Мен!..

— Мен!..

Тун салтанати фуқаролари бирпасдаёқ Ахий Жаббор ёнига чиқиб, сипоҳийни ўраб олдилар. Сипоҳий нима қилишини билмай ҳайрон эди ҳаммага жовдираб қараб турарди. Худобанда содда одамларнинг бу қадар яқдиллигидан ёқа тутди, ўзлари юпун, оч бўлишига қарамай одамгарчилик бобида, мана бу саллалардан нечоғлик баланд эканлигини англади. Ўзини оламнинг устун сананган, олифтагарчиликни қўлдан бермайдиган бу казо-казоларнинг юриш-туришида сохталик шундоқ кўриниб туради, зоҳиран бошқа-бошқа қиёфага эга бу одамлар, ботинан бир хил... Ажабланадиган жойи шундаки, бунга ҳаммаси билади, аммо ҳеч ким биламан, демайди... Мана, бойликка муккаси-дан кетган падари бузруквори. Унинг назарида, бу одамнинг бирон тутуми инсонгарчиликка тўғри келмайди. Фарзанди йўқ... Элнинг кўз ўнгида, шундоқ тўқис одамда ҳеч айб бўлмаслиги керак, айниқса, фарзандсизлик эркак шаънига ёмон тегадиган қусур... Мана шуни ёпиш маъносида, Худобандани боқиб олган холос. Агар Худобандани суюб, ардоқлаб чинакамига ўғлим, деб қабул қилганида эди, отасиз ўсган йигитнинг ҳам бағри тошдан яралган эмас, юрагининг тубида отага, онага, дўстларга атаб қўйган бир чимдим меҳри бор, аяб ўлтирмайди! Афсуски, Садр Сулаймон билан Худобанда ўртасида ота-болага хос соф илиқ муносабат пайдо бўлмади, ясама меҳр-мурувват эса яқинлаштириш ўрнига, нифоқ келтириб чиқармоқда. Бунга Абомуслим воқеаси, Жоннигор фожеаси қўшилиб муаммони ортиқ чигаллаштириб юборди, Худобанда энди жим туриб бўлмаслигини, нимадир қилиш кераклигини фаҳмларди. Нима қилиш керак? Нима?.. Нима қилиш кераклигини ёлғиз оллоҳгина биларди холос...

Тун салтанати фуқаролари орасида қолган сипоҳий кимни тутишни билмай ҳайрон эди. Самарқанд ҳоким ишораси билан сипоҳийларнинг бошқалари ҳам ўша ёққа ошиқдилар. Уртадан низо чиқди. Худобанда сарбадорлар сафига назар ташлаб, Мавлонозодани илғади-ю, оҳиста одамлар орасидан ўша ёққа қараб юра бошлади. Самарқанд ҳокимининг ўғлини кўриб, барча чекиниб йўл берарди. Худобанда эгилиб Мавлонозоданинг қулоғига шивирлади:

— Дўстим... Пайшанба оқшоми Жаҳонни Қора арлот хузурига олиб келар эканлар, аробада... Оқшом чоғи. Чорсу майдонидан ўтишади-ку... Йўлини тўссак... Кўпчилик бўлиб Жаҳонни қутқаришимиз даркор!..

Дабдурустан ҳеч нарсани англай олмаган Мавлонозода, гапнинг тагига етиб, дўстини маҳкам қучоқлади.

— Ташаккур сизга дўстим! Пайшанба... ҳали уч кун бор... Уч кун! О, нечоғлик қувонтирдингиз! Шукур оллога!..

Мавлонозода бир лаҳза қаердалигини унутди. Хайрият, Жаҳоннинг хабари топилди! Топилди!

...Ушанда Мавлонозода шериклари билан лаҳим йўлдан пастга туша бошладилар. Йўл бир киши сиққулик эди, қоронғуликда икки қадам нари ер кўринмасди. Йигирма қадамча юрганларидан сўнг, бошлари қотди: лаҳим икки томонга ажралган эди. Таваккал қилиб ўнг томон юрдилар. Юриб-юриб, айланиб ҳалиги тушган жойларидан, кўрғончадан чиққанларини билмай қолдилар. Яна лаҳимга қайтдилар, ўша жойга етганда, энди чап томонга юриш керак, деган хулосага келдилар. Чап томон ҳам кўрғончага олиб чиқди. Ажабо, сарой қаерда? Аҳволни кўриб иккита соқчи ҳам танг қолиб бош тебратишарди. Неча бор кирсалар ҳам ҳеч нарсани била олмадилар. Бу жуда сирли макон эди. Ер ости саройи йўли эса ўша лаҳим иккига ажралган жойда, аниқроғи, икки йўлнинг ўртасида жойлашганди. Бу ерда темир эшик бор эди, ўша очилса, саройга кириш мумкин бўларди. Аммо эшик тупроқ рангида бўлганидан, унинг устига қоронғи эканлигидан, бегона одам уни илғай олмасди.

Хўрдак Бухорий шерикларига деди:

— Бу ерда сир бор. Ақлимиз етмай, саъй-ҳаракатимиз бенаф кетди. Бошқа йўллари кидирамиз...

Қайтар эканлар, икки соқчига яна ҳам синчиклаб ўрганишни, кузатишни тайин қилдилар, ер ости саройига тушишни бошқа кунга қолдирдилар. Мавлонозода юраги увишиб турса ҳам, иложсиз, рози бўлди. Ахий Жаббор эса чорасизликдан тили лол эди.

— Тўхтанг...— дўстига тикилди Мавлонозода.— Қора арлот ким бўлди экан?..

— Хафа бўлмайсиз... Қора арлот — Самарқанд ҳоқимидир...— жавоб берди Худо-банда пинагини ҳам бузмай.

— Нима-а?! Нима дедингиз?!..

Мавлонозоданинг ичи ёниб кетгандай бўлди! Қулоғи битиб қолгандай, атрофдаги сурон эшитилмасди. Йигит сўри томонга қаради: Садр Сулаймоннинг худди тарвузга салла ўратиб қўйгандай кўринган боши саллалар ичида ажралиб турар, пастдаги жанжални кузатар экан, жим ўтиролмас, дам-бадам қимирлаб кўярди.

Жанжални тинчитишолмаган сипоҳийлардан бири қиличини яланғочлаб ҳавода ўйната бошлади, Хўрдак Бухорий бирон қор-қол юз бермасин, деган ташвишда шериклари томон шошилди. Шовқин-сурон, пала-партиш оломон ичида юришдан қийини йўқ. У қилич ўйнатаётган сипоҳий ёнига борди-да, билагидан қаттиқ ушлаб қисди. Панжалари бўшашиб қолганидан осонгина қилични олди-ю, деди:

— Қани, қилични ёнга сол-чи! Бировга тегиб кетса нима бўлади? Ма, ушла қиличгини!

Норғил, паҳлавон камонмерганнинг ҳаракатлари самимий эди, сипоҳий беихтиёр қиличини қинига солиб қўйди ва деди:

— Буларни қаранг! Қозикалон билан ҳазиллашади!

Шу пайт сўри олдига Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли Абубакр Калава чиқиб келди. Бошида кичиккина салла, эгнида оппоқ яқтак, баланд бўйли, шопмўйлов оқсоқол майдоннинг ҳамма жойидан аниқ кўриниб турарди. Хўрдак Бухорий ҳали ҳам тинмаган жанжалкашларга қараб ҳайқирди:

— Бас қилинг! Бирингиз оға, бирингиз ини, нени бўлишолмай ётурсиз? Жим бўлингиз! Сўзлашаётир!

— Самарқанд ҳоқими,— деб бошлади Абубакр Калава сўзини,— Солисаройдаги қурултойдан сўз очдилар. Салтанат хазинаси бой бўлмаги лозимдир, лашкар пурқувват, подшо собит, салтанат эса устивор... Бизлар ўлпон йиғмакдан чекилмаймиз. Аммо шаҳар аҳлини бир жиҳат ташвишга соладир. Бу йил йиғилган ўлпоннинг бирон улуши ҳам шаҳар ободончилиги, кўприк қуриш, йўл тузатиш, қабристонлар орасталиги ва етим-есирларга сарф этилмади, бева-бечораларнинг қора кунига ярамади. Мана бу Жоме масжидимиз не-не йиллардан бери таъмир этилишини кутади, кўчманчининг кулбаси бундан афзал. Кўчаларнинг тоши кўчиб, оёқдан чалмакка мойиллик кўргизадир. Ахир бир оз инсоф кўчасидан ҳам ўтайлик, феъли қаттиқлар! Одил подшога шундай бўлмак ярашади!

Хайрихоҳ овозлар янгради:

— Инсоф кўчаси қаерда экан ўзи?

— Ундоқ кўча бузилиб кетган! Хо-хо-хо!

Шайхулислом Абулворис Самарқандий Наддофлар маҳалласи оқсоқолининг гапларини эшитаркан, беихтиёр жилмайиб қўйди. Садр Сулаймон:

— Пахтачини қара, тили чиқиб қопти!— деди ғижиниб Жаммазабон девонбегига. Қавомиддин қози, хўш, гап охири қаёққа борар экан, қабалида диққат қилиб эшита бошлади.

— Қозикалон жаноблари, ўлпондай савоб ишни амалга оширмаслик гуноҳи маҳалла оқсоқолларига тушади, дея бизнинг кўчамизга ҳам тош отиб ўтдилар. Алқисса. Улусимиз ҳеч қачон савоб ишдан бош тортмайди, буни қозикалон жаноблари яхшилаб уқиб олсинлар. Игна ўзи яланғоч бўлса ҳам айбни ёпа оладир. Аммо ҳозир йиғиб олинмоқчи ўлпон Жета хони билан бўлажак урушга сарфланар эмиш. Муаллими соний Абу ал-Фаробий шундоқ дегандилар: «Қимсага тиг кўтармак бадхўйлиқдир. Бу оллоҳга ҳам ёқмайди. Бойлигу зар учун биров элига бостириб бормак, душманликка юз тутмак, ўзганинг тупроғин забт айламак — бари жоҳиллик белгиси. Бировга зўравонлик кўргизмак куппа-кундузи, барчанинг олдида ўғирлик қилмак билан баробардир. Ор-номус доирасидан чиқиб ўғирликка қўл урилган экан, бас, у ерда ёлғончи дунё даврон суради, ҳар қадамда сотқинлигу разиллик илдиз отадир. Бундоқ кишилар истиқомат айлагувчи шаҳар, билингим, жоҳил шаҳардир, маърифатнинг ёнидан ҳам ўтмаган бир маскандир...» Алқисса. Илёсхўжа билан уруш куппа-кундузи қилинган ўғирликка тенгдир. Уруш жиҳатидан бало олови баланд кўтариладир, фитна-фасод шуҳрат топади. Бечора раия жанглар ташвишига мубтало-ю, паришонликка гирифтор бўладир. Биз бунинг учун ўлпон йиғмакдан бош тортамиз. Бундоқ ўлпон гуноҳи азимдир, англайлик, эй феъли дурустлар!

— Ҳой, оқсоқол!— бақирди Жаммазабон девонбеги куйиниб.— Оғзингизга қараб гапиринг! Салтанат ҳукмдори Амир Ҳусайннинг уруши ўғирликка тенгми? Тағин куппа-кундузи, денг?

— Аввалан, Амир Ҳусайн уруши, демадим, умуман, урушлар ҳақида гапирдим. Сониян, бу гапни мен эмас, муаллими соний Абу Наср ал-Фаробий айтганлар,— хотиржам деди Абубакр Калава.

— Амир Ҳусайн сиёсатига қарши айтилган ҳар қандай сўз салтанатга қараб отилган ўқдир... Ажаб... Ажаб...— сўз олди Хожа Лутфуллоҳ, мадраса мударриси, Садр Сулай-

мон унга қаттиқ тикилгандан кейин.— Баски, ўлпон минг кўзли ярадир, унинг давоси ижросидир... Улпонни тўлаб берайлик, мусулмонлар!..

— Шундай деган ўша муаллим ҳам, Наддофлар маҳалласи оқсоқоли Абубакр Калава ҳам жазога мустаҳқидур!— қичқирди Абумансур, у бемалол гапириш учун Калтатойдан нарироққа силинди. Қозикалон сўзлари калака қилинганидан хижолат мирза шу билан ўзини оқлагандек эди. Асли-ку, у жим тургани йўқ, ҳали «балиқ боши» аския бўлиб кетганда, «Бас қилинлар!», «Тўхтанлар!» деб қичқирди, аммо ингичка овози суронда эшитилмади. У энди фурсат келганини билди, ҳам Самарқанд ҳоқими олдида, ҳам Қавомиддин олдида, ҳам Жаммазабон девонбеги кўз ўнгида садоқатини кўргизиб қўймоқчи бўлди:

— Мударрис Хожа Лутфуллоҳ сўзларини эшитдингизми?.. «Амир Ҳусайн сиёсатига қарши айтилган ҳар қандай сўз салтанатга отилган ўқдир!» дейилди. Бағоят тўғри. Ҳукмдоримиз юртимизнинг тинчи, фароғати учун урушга отланмакдадурлар, аммо бу уруш ўғирликка баробар кўрилди. Ҳа, Абубакр Калава ва унинг атрофидагилар салтанат душмандидурлар, зеро улар ўзларини сарбадор санаб, «Самарқанд сарбадорлари жамоаси» туздилар... Шунинг учун ҳам ўлпон тўлашмакчимас, юрт улуғларининг гапига қулоқ солишмакчи эмас...

Яна майдонда шовқин кўпди:

— Сарбадорлар жамоаси бўлса нима? Емонми?

— Абубакр Калава яхши одам!

Абубакр Калава ўзини алланечук сизди. Гап шундаки, Самарқанд сарбадорлари ҳақида шу пайтгача сир сақлаб келинди. Мана бугун биринчи марта ошкор айтиляпти. Модомики, Сабзавор ва Мозандарон сарбадорлари каби Самарқанд сарбадорлари жамоаси тақдирида ошкор бўлмоқ насибаси бор экан, бас, ошкор бўлсин! Вақти соати етибди, шу палла, ана, офтоб ҳам мағриб сари оған бир палла... Самарқанд сарбадорлари ҳам адолат тилаб, тенгсизликка тик боқиб, фозил шаҳар яратиш йўлидаги орзуларини байроқ қилиб тарих майдонига қадам қўйдилар.

— Самарқанд аҳли!— мурожаат қилди яна Абубакр Калава денгиз каби мавж урган майдонга қараб. Майдон одамга тўла, ҳатто рўпарада, бозор дарвозаси тепасига ҳам бир-икки бола қўниб олишганди. Бундан бир оз олдин сўзлаган Наддофлар маҳалласи оқсоқоли билан ҳозир гапираётган Самарқанд сарбадорлари жамоаси сардори ўртасида фарқ бор эди, Абубакр Калава буни яхши сезарди. Ҳозир унинг сўзлари бошқача салобат касб эта бошлади.— Мударрис Хожа Лутфуллоҳ фақирнинг ўлпон ҳақидаги сўзларини Амир Ҳусайн сиёсатига зид сўзлар деб баҳолади, ҳатто салтанатга қарши отилган ўқ, дейишгача борди. Бу феъли пишиқнинг гапи эмас... Самарқанд сарбадорлари деганимиз ўзи кимлар? Самарқанд сарбадорлари — наддофлар, кулоллар, ҳолвачилар, мадраса шогирдлари, турли косиблар, рунуду авбош, очу гадолардан иборатдир. Улар ҳамиша адолат томонидадирлар, фуқаронинг, ҳеч кимнинг бурни қонамасин, дейдилар. Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай яралганки, у яшамаги ва олиймақом камолотга эришмаги борди. Бу феъли пишиқнинг гапи эмас... Самарқанд сарбадорлари нарсаларни қўлга кирита олмаги мушкул, уларга эга бўлмак учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Самарқанд сарбадорлари ана шундай жамоани орзу қиладилар. Бу жамоа фуқароси бир-бирига кўмак берувчи ихтиёрий жамоадир.— Абубакр Калава қарийиб Ал-Форобий сўзларини такрорлади.— Биз она шахримиз Самарқандни фозил шаҳарга айлантирмак ҳаваси билан нафас оламиз. Кимда-ким, аъзо бўлмакчи бўлса, ташриф буюринг, дийдамит устига!

— Фозил шаҳар деганингиз нимадир?— сўради кимдир, овоз карвонсарой тарафдан келарди.

— Фозил шаҳар ҳамма барабар меҳнат қиладиган шаҳар. Биров бировга тобе бўлмаган, эли бахт-саодатга эришган шаҳар!— қичқирди Самарқанд сарбадорлари жамоаси котиби Мавлонозода. У Абубакр Калаванинг обрўйи ортиб бораётганидан сал юраги қисилганини сизди, бундан ўзи ҳам уялиб кетди. Унинг кўнгида икки одам бир-бири билан тортишарди: «Абубакр Калава оқил инсон, ҳалол одам, у сарбадорлар жамоасига бошчилик қилмаги зарур», дерди биринчиси. Иккинчиси унга эътироз билдирарди: «Нега энди у сарбадорларга бошчилик қилар экан? Сен, Мавлонозода, раҳбарлик қилмоғинг шарт! Илғор толиби илмсен, мадрасада обрўйинг баланд, Худобанда билан дўстсен. Темурбек сени йўқлаб, қўллаб турадир. Сарбадорларнинг бошида сен турмагинг керак!» Биринчиси бунга жавоб қиларди: «Бу феълингдан қайт, нодон! Абубакр Калава Самарқандда сарбадорлар ҳаракатини бошлаган одам. Ундан кейин — Жаҳон ул кишининг жигарпоралари, сенинг дилингни ёритувчи офтоб... Шундай зот билан обрў талашиб ўлтирмак сендай йигитга ярашмайди. Худбинликнинг кўчасига кира кўрма, уят бўлади!» Иккинчиси индолмай қолди. Биринчиси яна нимадир демоқчи бўлди, аммо турли томондан ёғилган овозлар бунга йўл қўймади:

— Мени жамоага қабул қилинг!

— Менам қоп кетмай!

— Мен!

— Мен...

Чорсу майдони узра кўтарилган сурон анча вақтгача тинмади. Сўрида ўлтирган «казо-казо»лар эса аллақачон жўнаб қолган эдилар. Сарбадорларнинг қаттиқ туриши натижасида шаҳардан ўлпон олинмади. Садр Сулаймон ўлпон ўрнини ўз ёнидан тўлдириб хазинага топширишга мажбур бўлди.

* * *

Орадан бир ой вақт ўтгандан кейин, Мовароуннаҳр салтанати қўшини Тошкент томон йўл олди. Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон Амир Ҳусайнни кутиб олар экан, амирлашкар Темур ҳузурида, Самарқанддаги аҳволдан сўзлаб, сарбадорлар ҳаракатидан қаттиқ ташвишланаётганини билдирди. Амир Ҳусайн: «Илёсхўжани бир ёқли қилиб келай, сўнг сарбадорларнинг додини берурмен! Ҳозирча фурсат йўқ, майли, уларни ўз ҳолига қўйинг, билганини қилсинлар. Яланг-оёқларнинг кўлидан не ҳам келарди?..» деди бепарволик билан. Чорсу майдонидаги воқеадан аллақачон хабар топган Темур эса орага ҳеч қандай гап қўшмади.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Қорасоч бика ташвишлари

Оқшом чўкканидан кейин шаҳар кўчаларида одам сийраклаша бошлади. Ниқоб кийишиб олган Хўрдак Бухорий, Ахий Жаббор, Калтатой, Худобанда, Мавлонозода ва Бобо Султонлар Хонқали кўчасидаги ўша иккита гунг соқчи қўриқлайдиган маълум темир дарвозадан бериқоқда ниманидир кутишар, кўчанинг бу жойи хийла хилват эди. Худобанданинг берган хабари бўйича, бугун — пайшанба оқшоми Жаҳон аробада Қора арлот ҳузурига олиб борилади. Лекин ароба қачон, қай палла ўтади, буни кутмак лозим...

Дунёда кутиш азобининг нималигини онаизордан бошқа одам яхши билмаса керак. Кутишни оналарга чиқарган, кутиш, интизорлик гўё оналарнинг бирдан-бир насибаси. Бошқаларни билмайди-ю, аммо Қорасоч бика буни шундоқ деб ўйлайди. Мана, олти йилдирки, ўғли Шамсулмулк Сабзавор мадрасасида таҳсил кўради, келса, йилда бир келади. Қорасоч бика ўғлининг-ку келишини кутмайди, билади, мадрасани битирмагига яна бир йил бор. Аммо ундан мактуб пойлайдир, бир хабар келса деб интиқ бўладир. Абубакр Калава ўғлининг соғинганини билдирмайди, эркаларники бари ичида, унинг устига бориб кўриб келди, лекин онаизорга қийин...

Қорасоч бика шундай пайтларда токчадаги кичкина сандиқчанинг ичидан Шамсулмулкнинг мактубларини олиб ўқий бошлади. Мактубларни кўп ўқиган бўлса ҳам, такрор ўқишдан зерикмайди. Шамсулмулк ўзини тутиб олган, мулоҳазали бир йигит бўлиб ўсди. Йигирма тўрт ёшли йигит тарихнависликка мойиллик кўргизарди. Херодотнинг «Тарихи», Табарий, ал-Балазўрийнинг ёдномалари, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хусравнинг «Сафарнома»си йигит ардоқлаган асарлардан эди. Ўзи пинҳона тарихлар ёзади, аммо ҳеч кимга кўрсатмайди. Падари бузрукворига йўллаган мактубларида суҳан равонлиги, воқеабандликка интилиш сезилади, барчаси тарихнависликка муҳаббатдандир.

Қорасоч бика мактублардан бирини олди. Мактуб бундоқ бошланарди:

«Қиблагоҳим, валинеъматим, тоғлардан ҳам қоим суянчим, соябоним, падари бузрукворимга, умрлари зиёда бўлсин. Дуои саломни ёзмакдан мурод, мусофирлар шаҳрида жумла мўминлар қаторида истиқомат этиб юрган зурёдингиз Шамсулмулк ўз номаи аъмолини баён айлайдир. Тўрт мучам соғ, шукрлар бўлсин. Сабоқлар ҳам кўнгили хоҳишидек ўз йўсинида кечмақдандир. Бирон нимарсадан камлик сезмайдурумен, вале кам бўлса бир нарса камдир, у ҳам бўлса, сиз қиблагоҳимнинг, мунглуғ онаизоримнинг, ширин синглим Жаҳоннинг дийдорлари камдир...— Қорасоч бика шу ерга келганда ҳар сафар кўз ёши қилиб олади, бу гал ҳам шундай бўлди.— Аммо бир нарса кўнглимни тўқ этадир, ки биродарингиз жаҳонсўз шоир Ибн Ямин Фарюмадий ҳамиша кор-ҳолимдан огоҳдирлар, ҳол сўрамакдан зинҳор орланмайдирулар. Ашъори кунбақун сарбадорлар элида ўзига доврўқлар тилайдир. Ул зотнинг дуои саломини қабул этгайсиз.

Қиблагоҳим, сўровингизга кўра, сарбадорлар давлати зикрида янги юз берган воқеалардан ёзадурумен. Паҳлавон Ҳайдар қассоб Исфаройин қалъаси ёнида завод топгач, сарбадорлар умаро ва фузалолари жумласидан паҳлавон Ҳасан Домғоний билан хожа Фазлуллоҳ Боштиний амирзода Лутфуллоҳни мамлакат тахтига миндирдилар. Сабзаворнинг арбобу аҳолисига шоду хуррамлик етишди, салтанат сойига қайтадан равона бўлган обиҳаётдек, унга пешвоз чиқиб, қутлуғладилар ва бошидан нисор сочдилар.

Аммо тез орада амирзода Лутфуллоҳ билан паҳлавон Ҳасан Домғоний орасида

низо кўпди. Сабаби андоқки, амирзода паҳлавонга дашном берди, паҳлавон Ҳасан Домғоний эса ундан кинадор бўлди, бир куни кечаси уйига бостириб бориб амирзода-ни бандга олди ва ўз номига довул қоқтирди. Амирзода Лутфуллоҳнинг қўл-оёғини боғлаб Дастиржон қалъасига жўнатди, сўнг одам юбориб, уни шаҳид қилдирди.

Паҳлавон Ҳасан Домғоний кўркмас ва шерюрак киши эрса-да, тадбиршуносликда шошқалоқлик қилиб, хатога йўл кўяр экан. У билан дарвиш Азиз Маждий орасида адоват кўзгалди. Паҳлавон Ҳасан Домғоний лашкар ияртиб Машҳад шаҳрини забт этди. Дарвиш шу дам намоз ўқирди, паҳлавон унга деди: «Сен бир намозхону покдомон одамсен, ўлдирмакка оллодан ҳайиқамен. Яхшиси шитоблик билан юртимдан чиқиб кет!..» Азиз Маждий кўнди. Унга икки харвор ипак мато бериб Исфаҳон томонга чиқариб юбордилар...»

Қорасоч бика мактубнинг давомини ўқимай, энг сўнги келганини олди:

«...Андоқки, паҳлавон Ҳасан Домғонийнинг бошини кесиб Шуғнондан Сабзаворга жўнатдилар. Энди Хожа Али Муайяд комронлик курсисига ўлтирди, ўз номига хутба ўқитиб, танга зарб этдирди. Ҳукумат тахтига мингач, райиятга ҳиммат кўргизди. Унинг дастурхонидан хосу ом баробар лаззатланадир, камина ҳам неча бор толиби илмлар билан ўшал кутлуғ хонадонга ташриф буюрдим. У кечалари маҳалла-қуйда юриб, беваларга пул ва таом улашадур. Хожа Али Муайяднинг ғаройибу, ақл бовар қилмайдиган ишларидан бири, ҳаммаслаги дарвиш Азизни ўлдирди, шайхи Ҳасан Журий муридларини инкор этиб, Шайх Халифа ва Шайх Ҳасан мазорларини бозор ҳожатхонасига айлантириши бўлди. Ажабки, бу юмуш инсонгарчилик доирасига сиғмас... Айни замонда сарбадорлар давлатини кенгайтди, Филон, Табас, Туршиз ва Кўхунстонни ишғол қилиб, Домғондан Сарахсгача бўлган ерларни ўзига қаратди. Ул зот буюрдиларким, ҳар кун оқшому саҳар ясатилган тулпорни шаҳар дарвозасига чиқарсинлар. Соҳиб-алзамона қайтиб келганларида, токи интизор бўлмай, ўшал тулпорга миниб Сабзаворга қадам кўйсинлар...»

Шамсулмулк сўнг ўзининг сабоқларидан ҳикоя қилганди, фурсат етса, шу йил албатта Самарқандга боришини ёзганди. Шоир Ибн Ямин Фарюмадийнинг насибалари кўшилиб турган эса, ул киши ҳам бориб қолишади.

Ўғил соғинчи она бағрини ўртаганда, шаддод ва шартаки қизи Жаҳон жонига оро қирар, баъзан йигитчасига, акасига ўхшаб кийиниб олиб турфа қилиқлар кўрсатарди. Гоҳ Шамсулмулкнинг толиби илм эканлигига ишора қилиб бошига нозиккина мисқоли салла ўрар, эгнига авра чопон кийиб ҳовлида у ёқдан-бу ёққа муллаваччалардек юриб қоларди. Гоҳ эса айб иш қилиб кўйиб падари бузрукворидан дашном еган акани кўриш мумкин бўларди, ҳаммаси Шамсулмулкнинг ўзгинаси, ҳеч нарса деёлмай ер чизиб туриши ҳам, бурнини тортиб-тортиб кўйиши ҳам...

Оппоқ юзли, ўнг юзида чиройли холи бор, кишининг икки суядиган Жаҳон худди Қорасоч биканинг ёшлигига ўхшарди, тўлачадан келган, аммо чеҳраю тарзда монандлик бўлса ҳам, сажияларида турфалик бор. Чунончи, Қорасоч бика бу ёшда майин, кўйининг оғзидан ҳам чўп олмайдиган, отаси Абдумавлон юзнинг каттагина боғидан ташқари чиқмаган, юмшоқ дил, тортинчоқ бир қиз эди. Жаҳон аксинча — шаддод, шартаки, кўркмас, шу вайдан ҳам ҳайиқмай бозорларга бориб келади. Падари бузрукворига ҳам шартта гапириб юбораверади, албатта, ножўя гапирмайди-ку.

Ота билан она, айниқса Шамсулмулк Сабзаворга кетгандан бери, Жаҳонга жуда қаттиқ боғланиб қолишган. Жаҳон уйда уларга ҳам ўғил, ҳам қиз... Ота юришларини мактаб: «Полвон қизим! Полвон қизим!» деб кўяр, жасурлик, ботирликка интилишларини қўллаб-қувватларди. «Қиздир, йигитдир, ҳар ким керак пайтда ўзини ҳимоя қила оладиган бўлсин!» — дерди Абубакр Калава. Онаси эса бошқача ўйлайди, қиз бола қиз болалигида турсин, дейди...

— Сен бундай шартаки бўлма! — насиҳат қилди бир куни Қорасоч бика Жаҳонга ҳазил аралаш.— Бўлмаса эр олмай кўяди... Утириб қоласан...

— Эрга тегмайман! — кесди дарров қиз.

— Ие! Урди худо! Нима қиласан унда?

— Бошингизга болиш бўламан! Хо-хо-хо! — шарақлаб кулиб юборди қиз. Бир куни

Қорасоч бика пахталарнинг чигитини ажратиб чинакхонадан ҳовлига чиққанди, айвондаги манзарани кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Бошига тож кийган, белига зар камар боғлаган, чап қўлида қалқон, ёнида қилич Жаҳон қимир этмай узоқларга тикилиб турарди. «Тож» гаврондан қилинган, унга ялдир-юлдир нарсалар, қийқимлар ёпиштирилганди. Қалқон ҳам гаврондан тўқилиб, усти мато билан ўралганди. Эғнида, отаси Шамсулмулк келса елкасига ташлайман, деб олиб кўйган абрашим тўн... Қорасоч бика аввалига танимади, яхшироқ, қараса — Жаҳон! Йигитлардан ҳеч фарқи йўқ... Онаизор кўрқиб кетди.

— Ҳай, қизим? Сенга нима бўлди? Тобинг қочдими? — деб юборди жон ҳолатда.

Жаҳон жавоб бермади. У ҳамон қилт этмай, узоқларга кўз тиккан... Шу туришида ёш шаҳзодаларни эслатар, тож кийиб олганидан чеҳраси яна ҳам гўзал кўринарди.

— Шақлар маликаси Тўмарис душманга қарши жангга жўнайди! Лашкар! Сурон!

Сурон! Сурон! Саваш майдонига кетдик!— фармон қилди Жаҳон хаёлий лашкарга, қиличини ҳавода ўйнатар экан.— Душманга кун йўқ, мардга — ўлим!

— Ҳа...— бўшашди Қорасоч бика.— Ҳазилинг ҳам бор бўлсин-е!

— Ўхшадимми, онажон? А, ўхшадимми?— қаҳ-қаҳ отиб деди Жаҳон.— Малика Тўмарис ҳам мендекдир-да...

— Сендек, қизим, сендек!.. Сенга ўхшаган-да уям!

Яна бир куни боғнинг четидаги қари теракни увадалар билан ўраб боғлабди. Сандиқдан падали бузрукворининг кўктемир деб аталган совутини олиб кийибди, бошида дубулға, қўлида қилич... Кўктемир Абубакр Калаванинг Боштиндан, сарбадорлардан олиб келган ёдгорлиги. Уша ерда беришган. Кийиб сарбадорлар сафида жанг қилган экан. Совут кичкина келиб қолган, сандиқда турарди. Жаҳон ҳалиги терак («ёв») билан саваш қурмоқда. Қиличини турли йўсинда ўйнатиб, ҳамлага шайланади, алдоқ ҳаракатлар қилиб, чап бериб қолади. Жаҳон қиличбозлик сирини хийла билиб олганди. Қорасоч бика бирпас томоша қилиб турди. «Ҳа, деб ўйлади у, Абубакр Калава бир пайтлар мана шу кўктемирни кийиб олган Жаҳондек нозик йигит экан-да! Одамнинг ишонгиси келмайди...» Жаҳон қиличбозлик машқларини отасининг уйда бўлмаган пайтлари ўтказарди.

Ўтган йили, ҳовлининг четида экилган чорак танобгина жўхори пишиб қолди. Абубакр Калава эрталаб қишлоқларнинг бирига кетаётиб, жўхорининг бошини қайириб олиш керак, келиб ўриб ташлайман, деб тайинлади. Жаҳон «Ўзим бажараман» деди. Қорасоч бика чинакхонада иш қиладиган бўлди. Бир оздан кейин она қизидан хабар олгани борди-ю, ҳайратидан ёқа ушлади! Кўктемирни кийиб олган қиз ўзини жанг майдонида сезиб, эгатга кириб қилич билан «дushman» (жўхори) бошини шарт-шарт узиб ташламоқда эди! Ўзи ҳам терга пишиб кетибди. Боши олинган жўхорилар эса мунгайиб туришарди...

— Ҳа, Жаҳон қизим! Секин-секин!..— деди Қорасоч бика.

— Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шундоқдир!— жавоб қилди Жаҳон, ерда ётган «бош»ларни кўрсатиб.

— Вой, қизим-ей! Ажойибсан-да! Уғил бўлиб туғилиб қўя қолсанг нима қиларди экан-а! Умрингни берсин, ишқилиб!..

Қорасоч бика шундай дерди-ю шаддод маликаларга ўхшамоқчи бўлган Жаҳоннинг шижоатидан ҳам қувонарди, ҳам қўрқарди.

— Онажон!— деди яқингинада жиддий Жаҳон, ғойиб бўлишидан сал олдинроқ.— Менинг падали бузрукворим сарбадордир. Мен Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқолининг қизимен. Отам айтдиларки, сарбадор замоннинг энг илғор кишисидир, дедилар... Дуо қилинг: зарурат туғилганда сафларга кира оладиган бўлсин шаддод қизингиз ҳам! Падали бузрукворига муносиб бўлсин!

— Вой, айланай қизимдан!— бағрига олди Жаҳонни онаси.— Охир замоннинг қизлари-да... Улар билганини биз билмаймиз...

У қизининг катта бўлиб қолганини, қиличбозлик машқлари шунчаки болалик ўйинлари эмас, балки улкан мақсадлар йўлида қилинаётганини англади. Она тезликда бу тахминларининг исботланишини ҳозир хаёлига ҳам келтиролмас эди.

Мана энди қирқ кунга яқинлашиб қолди, Жаҳондан дарак йўқ. Унинг Хонқали кўчасидаги саройга тушиб қолганини айтишяпти, аммо ўша саройга йўл топилмасмиш. Падали бузруквори Абубакр Калава бўлса, гоҳ сарбадорлар жамоаси йиғини деб Читрабонулар уйига кетади, гоҳ Тун салтанати фуқаролари билан учрашмакка боради, қишлоқларни кезади, бева-бечоралар келса оғирини енгил қилишга тиришади. Яқинда Хартанг қишлоғидан Дадаали деган бир чорикор келибди, бешта боласи бор. Ғўзаси ҳосил бермай, ер-суви, бор-будидан айрилиб уч қоққан кунжутдай хонавайрон бўлибди. Ана ўшанинг ташвиши ҳам бу кишига юк: маҳалладан жой топ, юмуш бер... Талай вақтлари кетди. Аммо жигарпораси Жаҳон бир ойдан ошиб кетди, бедарак, буни ўйлашга, қидиришга вақт топилмайди. Қорасоч бика чидай олмай яқинда қаттиқ йиғлаб берди. «Ташвиш чекманг, онаси, вақт-соати бор!— деб тинчлантирди Абубакр Калава.— Жаҳон ҳам анойилардан эмас!» Отаси шўрлик ҳам шундай дейди-да, бошқа нима ҳам десин?... Ишқилиб, нима бўлса ҳам, боши омон бўлсин — Қорасоч бика шуни ўйларди.

Читрабону ҳар икки кунда бир хабар олади. Жаҳоннинг топилмаганини билиб, хафа бўлиб қайтади. Наддофлар маҳалласи оқсоқоли уйидаги бу ташвиш Абубакр Калаванинг барча дўстларини безовта қилган, улар ҳам кўришганда бир-бирларидан аввало «Янги гап борми?» деб сўрашар, саволнинг замирида нима ётганини изоҳсиз ҳам англашар, «йўқ»... деган жавобни эшитишгач, бош чайқаб қўяр эдилар.

* * *

Ниҳоят Хонқали кўчасида бир соябон ароба пайдо бўлди. Ажабо, у ердан чиқдими, осмондан тушдими? Кўчадан кўз узмай тикилиб турган Мавлонозода ва унинг шериклари биронтаси ҳам аробанинг қандоқ пайдо бўлганини билолмай қолдилар. Ароба гунглар дарвозасининг берироғидан чиқдими ё нариёғидан? Гира-шира қоронғида аробани тўртта сипоҳий қўриқлаб келаётганини илғаш мумкин эди. Унга ясалтилган от

қўшилган, отнинг пешонасида тумордеккина туғро тақилган. Туғро бу от, ароба, ундаги одамлар Мовароуннахр ҳукмдори Амир Ҳусайнга қарашли эканлигини билдиради. Дахлсизликни таъминлайдиган бу белги, мамлакат ҳукмдорининг ўнг қўли, амирлашқар Темур маслаҳати билан муомалага киритилганди. Анъана ҳали янгилigidан кўникма йўқлиги сабаб, кўпда унга риюя қилмас эдилар.

Аробанинг тўрт томонидаги сипоҳийларнинг иккитаси таниш — миқти гавдали қиличбурун билан новча, улар ҳамиша аробани кузатиб юришади. Қолган иккитаси Самарқанд ҳокими Садр Сулаймоннинг хос аскарлари, ароба олдида ўшалар келишарди. Улар Қора арлот интиқлик билан кутиб турганини билишарди, аммо кимларнингдир йўлда пойлаб ётишгани уларнинг тушларига ҳам кирмаган эди. Соябон ичида Ғунчачи бегим Жаҳон ёнида ўлтирар, худди келинга насихат қилаётган янга каби алланимларнидир уқтириб борарди. Жаҳон келинчаклардек ясанган, ҳарир кўйлаги оқаришиб кўринар, тиллақоши ароба ичидаги фонус ёруғида ялтирарди. У Ғунчачи бегимнинг гапларини тинглаб, уқдим, дегандек бош тебратиб кўярди.

Ғунчачи бегим Жаҳон билан келиша олмади. Орадан гап қочгандан кейин, Жаҳон йўлаб кўришга қирқ кунга муҳлат сўради. Ғунчачи бегим қизнинг чарс, шаддод, ғайратли ва чўрткесарлигини фаҳмлади-ю, бу шартга рози бўлди. «Қирқ кун нима, кўз очиб юмгунча ўтади кетади,— деди у ўз-ўзига.— Қора арлот ҳам бундоқ чарсу қайсарини ёқтирмайди, у ўзи ийиб, эгилиб борганини хуш кўради». Жаҳон бир хонада яшар, ташқари чиқмас, ҳеч ким билан гаплашмас, устидан қулфлаб кўяр эдилар.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Қиз кўп нарсаларни ўйлади, падари бузруквори, онаи-зори, Сабзавордаги оғаси, қошлари туташиб ёнгандай қоп-қора, олифта мўйлабли хушбичим йигит Мавлонозода, Кумарлар билан неча бор хаёлан суҳбат курди. Нимани ўйламасин, хаёли барибир бир нарсага келиб тақаларди: бу «қабристон»дан омон-эсон чиқиб олмоғи керак! Чиқиб олишнинг йўли фақат битта — Ғунчачи бегим айтганига рози бўлса, бас... Фақат «қабристон»дан чиқиб олсин!..

Гоҳ-гоҳ Мавлонозодадан хабар бўлмади, деб ўксиниб кўяди. Отасининг йўқламаганидан йиғлаб-йиғлаб олади. Буларнинг бари Жаҳоннинг қарорини қатъийлаштирди.

Бир кун қиз Ғунчачи бегимдан пичоқ сўради.

— Ие! Тентак! Сенга пичоқ бериб бўларканми!— деди Ғунчачи бегим.— Йўқ, пичоқ! Иккинчи сўрай кўрма!

Яна бошқа кун, тирноғимни оламан, деб қайчи сўради. Ғунчачи бегим топиб берди. Жаҳон тирноғини олган бўлди, Ғунчачи бегим эртасига қайчини сўраганида, парвосизгина, йўқотиб кўйдим, деб жавоб қилди.

— Қаёққа йўқотдинг, яшшамагур! Топ қайчини!

— Қайга кўйганимни билолмай қолдим, опагон!— деди қиз.

— Топ! Топасан, дедим, топасан!

— Эсон-омон бу ердан чиқай, бир қайчингизни икки қилиб олиб келиб бераман, опагон! Битта қайчига шунчами? Узи темиртак экан, тирноғимни олмадиям!..

— Вой! Эсон-омон чиқсан эмиш... Чиқиб бўпсан!— захрини сочди Ғунчачи бегим.— Танинг шу ерларда чирийдими сенинг бу туришинг-да, ҳа!..

Ғунчачи бегимнинг юмшаганини кўрган Жаҳон, қайчининг энди ўзиники бўлганлигига ишонч ҳосил қилди. Яшириб кўйди.

— Айтганингизга розиман, опагон!— деди қиз беш кун аввал Ғунчачи бегимга. Шундай қилмас, айтилган муҳлат тугагандан кейин қўл-оёғини боғлаб олиб кетишлари ҳам мумкин-да.— Бу ерда бари бир умрим бекор ўтиб кетмакда. Начора, пешонада борини кўраман-да... Туғри маслаҳат берган экансиз...

Жаҳон бундоқ қарорга келди: «Ғунчачи бегимга розилик бериб бу қабрдан ёруғ жаҳонга чиқиб олмоғи даркор. Кимга рўпара қилса ҳам, осонликча жон бермайди, қиз бола эканман, деб қараб турмайди, тиш-тирноғи билан курашади, ўзини хор айлашга йўл қўймайди! Ёнида қайчи бор-ку... Балки йўлда қочининг имкони бўлиб қолар? Ҳарқалай, ташқарига чиқиб олсин...»

— Вой, айланай ўзим! Эсли қиз мана бундоқ бўпти!— қувониб кетди Ғунчачи бегим.— Маликалардай яшайсан, қизим, бахтинг бор экан, еганинг олдингда, емаганинг кетингда... Узинг рози бўлсанг, борган жойингдагиларга ҳам роҳат, сенга ҳам...

Мана энди Ғунчачи бегим Жаҳонни келинлардай ясантириб, Қора арлот хузурига элтмакда.

Ароба билан Хўрдак Бухорийлар ораси тобора қисқариб борар, масофа юз қадамча қолганди. Бирдан Бобо Султон отилиб чиқди-да, аробага қараб бора бошлади.

— Йўлчи момо тили билан сиздан хайр тиларман! Элчи момо тили билан сиздан хайр тиларман! Ё Ғавсул Аъзам валиларни тилидан, ё Хожа Кафшир валиларни дилидан, ё Луқмони Ҳаким валиларни қўлидан, ё ҳазрати Вайсул Қароний йўлидан... Хайр қилинглар, садақа қилинглар...

Ароба олдидаги Самарқанд ҳокимининг хос аскарлари сал нарироқда жавраб келаётган девонанинг сўзига эътибор қилишмади, афтидан садақа бергилари ҳам йўқ эди. Девона эса сўрашини қўймас, нукул: «Хайр қилинглар! Ҳазрати Султон Қулхона Аҳмад ҳаққи, Термиз ота ҳаққи хайр қилинглар!» дерди.

— Ҳей, девона! Кўсқи!— қичқирди ниҳоят сипоҳийлардан бири.— Қоч йўлдан! Сенга садақа берадиган аҳмоқ борми? Қоч! Бир уриб қапиштириб ташлайман!

— Сени қапиштир деяётганим йўқ, хайр қил, деяпман холос...

— Э, мунча вайсайсан?— дўқ қилди иккинчи сипоҳий.— Сенга қоч, дедилар... Тушунарли бўлса керак?.. Миямнинг қатиғи чиқмасин десанг, қоч!

Қиличбурун билан новча гапга аралашишмасди.

— Нега қочар эканман?— қайсарлик қилди Бобо Султон.— Ҳеч ким девонани туртмаган, йўлдан қоч, демаган... Тўрт томон қибла девонаники! Девона ҳам худонинг бандаси!

— Тўрт томон девонаники бўлса, ўша ёққа бор!

Бобо Султон кўнмай йўл ўртасига туриб олди, у деса у деди, бу деса бу. Сабри чидамаган сипоҳийлардан бири, баланд бўйли йигит аста девонанинг олдига келди.

— Сенга хайр-садақа керакми?— деди.— Яхши... Ҳозир хайр қиламан...

Сипоҳий чўнтагини кавлай бошлади. Бирдан қўлини мушт қилиб чиқарди-да, бепарво турган Бобо Султоннинг лунжига қўйиб юборди. Девона ўмбалоқ ошиб кетди!

— Эй, сипоҳийлар!— қичқирди Худобанда бирдан пайдо бўлиб.— Нега бир бечорани хўрламакдасиз? Ва ё падари бузрукворимиз сизларга шундай ҳуқуқ бериб қўйдиларми?

— Ие! Ие! Султонзода...— ҳайратга тушди баланд бўйли сипоҳий.— Қоронғу кечада танҳо ўзлари? Сипоҳсиз, аскарсиз?..

— Нечун бир бечорани хўрламакдасиз?.. Билмайдурмисизки, бир камбағалнинг кўнглини олмоқ етти марта ҳажга бормоқ савобидан ортиқроқдир? Бир бечора дилини сиёҳ қилмак гуноҳини дўзах оловида ёниб ҳам ювиб бўлмайди...

— Султонзода! Девонанинг ўзи ёпишди, ўлгиси келганми, билмадим...

— Сипоҳнинг сўзи тўғри, султонзода!— деди қиличбурун гапга аралашиб.— Айб девонанинг ўзида...

— Девона ўзига тилаб олди...— қўшилди новча ҳам.

— Бас! Сизнинг жазонгизни ўзим берурмен! Ал-қасос сизнинг ёқангиздан тутадир! Ал-қасос, бос!

«Бос!» сўзи белги эди. Анчагина қоронғилиқ тушиб қолганди. Ҳали Чорсу майдони-га йироқ, ароба ичидаги фонус ёруғи соябон қилиб ёпилган намат тирқишидан ғирашира кўринарди холос. Кўз очиб юмгунча Хўрдак Бухорий билан Мавлонозода баланд бўйли сипоҳийга ташландилар, камонмерган қўлини пахса қилиб қирраси билан сипоҳийнинг бўйин жигига қаттиқ урди. Сипоҳ ўзидан кетди, шарт унинг қиличини олдилар ва бошини тандан жудо қилдилар. Калтатой иккинчи сипоҳий билан олишарди, бир нима қарс этди, сипоҳий «ох!» деб юборди. Калтатой унинг ўнг қўлини қайириб олмоқчи эди, сипоҳий ножўя ҳаракат қилиб қўйиб, қўли тирсагидан ажралиб кетди! Ахий Жаббор Калтатойни сипоҳий билан бунда қолдириб ўзи новча йигит томон отилди. Келишилганча, икки гунг соқчининг қиличбурун ва новчада алоҳида ҳисоб-китоблари бор эди. Биринчи гунг орқадан келиб билагини қиличбуруннинг томоғидан ўтказиб бўғиб олди-да, қаттиқ қиса бошлади, аммо рақиби унга сўз бермасди. Ахий Жаббор қиличбуруннинг қорнига қаттиқ тепди, у букчайиб гунгнинг қўлида осилиб қолди, бўғила бошлаганидан, «ҳиҳ», «ҳиҳ» қиларди. Ахий Жаббор Жаҳонни ўғирлаб кетаётганларида қиличбуруннинг Кумарни ёмон тепганини кўрган, буни кейин Кумарнинг ўзи ҳам гапириб берганди. Ушанинг қасдини олиш маъносида қиличбуруннинг кетига ҳам ўхшатиб тепмоқчи эди, қараса, гунгнинг қўлида бўғилиб адои тамом бўлибди. Новчанинг ҳам ҳоли вой эди, иккинчи гунгга қилич тутган Калтатой ёрдамга келганди, икковлашиб саранжом қилдилар. Аҳд шундай бўлса керак, савашини давомида «Иҳ!» «Иҳ!», «Хиқ! Хиқ!»дан бошқа бирон садо эшитилмади.

Бу олатасир, ур-сур бир зумда бўлиб ўтди. Аробада соябон ичида ўлтирган Гунчачи бегим нима бўлаётганини тушунолмади. Соябондан ташқари қараш эса ман қилинганди, лозим эса сипоҳийларнинг ўзлари очишади. Жаҳон юраги дарз кетиб: «Наҳотки, қароқчилар йўл тўсишган бўлса?» деб ўйлади, нечундир узун енг ичидаги яшириб келаётган қайчини маҳкам ушлаб қўйди.

— Нима дуп-дуп? Қароқчилар шекилли!— деб юборди жон ҳолатда Гунчачи бегим ва дарров фонусни ўчирди. Соябоннинг ичи зимистонга чулғанди. Иккиси ҳам саросимада нима бўларкин, деб кутиб туришарди.

— Аробани юрит, Той!— буюрди камонмерган Хўрдак Бухорий Калтатойга. Ароба юрди.

Гунчачи бегим овоз эгасини таний олмади. Жаҳонга сал танишдай туюлди, лекин барибир овоз кимники деса айтиб беролмасди. Ташвишланиб қолган Гунчачи бегим:

— Қиличбурун! Ҳо, қиличбурун!— деб қақирди намат тирқишидан.

Жавоб бўлмади.

— Ҳай, йигит ўлгур? Нимага индамайсан? Тўғри кетяпмизми?..— сўради яна Гунчачи бегим. У талотўп бўлганини билди-ю, қароқчилар ҳужум қилди, аммо қиличбурун билан новча, сипоҳийлар барчасини қувиб юборди, деб кўнгли тўқ эди.

— Тўхтат аробани! Тўхтат!— деди Гунчачи бегим буйруқ оҳангида. Кўнгли ни-

манидир сезиб безовталанди.— Қиличбурун! Тўхтат! Мени Ғунчачи бегим, дейдилар-а! Тағин бизни бошқа ёққа олиб кетаётган бўлма?! Билиб қўй?... Султонзода! Ҳа, султонзода! Тийиб қўйинг буларни!

Ҳеч ким жавоб бермади.

Ғунчачи бегим ҳар қандай қондани бузиб бўлса ҳам, шарт наमतни кўтарди. Кўтарди-ю, додлаб юборди! Ароба атрофини юзларига ниқоб тутган аллақандай бегона одамлар ўраб олишган, на қиличбурун бор, на новча, на сипоҳийлар!.. У фожиа юз берганини англади. Ғунчачи бегимнинг додлаганини кўрган Бобо Султон ҳеч кимнинг гапини кутиб ўлтирмай, овозини ўчириш мақсадида чаққонлик билан хотиннинг оғзига рўмол тикиди, қўлларини маҳкам боғлади.

— Самарқанднинг машҳур ғунчачисидир,— деди Тун салтанати «қулоғи» Бобо Султон.— Хайрият, кўрмакка мушарраф бўлдик... Амир Қозоғоннинг ғунчачиси, Ҳисори шодмон ҳоқими Баён сулдуз қўлига тушган, жуда кўплар унинг атрофида парвона бўлгалари бор эди... Ҳали ҳам қиздек...

— Сулагинни оқизма!— кесди Хўрдак Бухорий.

Мавлонозода бу гапларга парво қилмай соябон томон интилди. У қоронғида, парда ичида ўлтирган Жаҳонга кўзи тушди, аммо қизни бундоқ либосларда кўрмаганидан, тасаввур қилмаганидан, танимади, Жаҳон ичкарироқда ўлтиргандир, деган маънода Мавлонозода наमतни бир четга сурмакчи, маҳбубасини ҳурликка чиқариб, ҳар икки кўнгилни обод этмакчи бўлди. Ғунчачи бегимни маҳкам тутишганини кўрган Жаҳон сўрсимада қолди, чиндан ҳам улар қароқчилар қўлига тушишибди, бунга шак-шубҳа йўқ! Ниқобли қароқчилардан биттаси, ана, Ғунчачи бегим қўлларини орқасига қайириб ташлади, беҳаёлар, уни ҳали ҳам қиздек дейишади... Энди унга қўл чўзишса керак, қўлларини боғлашса керак... Уна шаҳри Самарқанднинг қоронғи оқшоми пастқам кўчада, унинг оҳ-фарёдини ким ҳам эшитади?... Шу камлик қилиб турувди ўзи... Йўқ, у шундоқ қараб турмайди, Тўмарис душманларга қарши қандай курашган бўлса, шундай курашади. У яшашни бош эгиш, таслим бўлишдан иборат деб тушунмайди. Қани бирови яқин келиб кўрсин!..

Қиз шундай хаёлларга ғарқ бўлиб турганда, Мавлонозода беихтиёр наमतга қўл юборди. Жаҳон эса қайчини мўлжаллаб йигитнинг қўлига урди! Қўлини чаён қақиб олгандай бўлган Мавлонозода ингранганча ўзини орқага ташлади. У қайчи урган қизнинг Жаҳонлигини билмас, Жаҳон эса наमतни сурмакчи бўлган йигитнинг ўз севгани эканлигидан мутлоқ беҳабар эди.

— Нима бўлди, Мавлонозода? Нима бўлди?— шошилишда исмни атамаслик ҳақида келишувга ҳам қарамай сўради Ахий Жаббор.— Қўлингизга бир нима тегдими?

— Йўқ... йўқ...— ўзини босишга ҳаракат қиларди Мавлонозода, шу заҳоти кафтида илиқ бир нарсани ушлаб тургандай бўлди, зарб билан тушган қайчи унинг кафтини тешиб ўтган, отилиб чиққан қондан кафти тўлиб қолганди. Хўрдак Бухорий дарров дастрўмолини олиб Мавлонозода билагидан қаттиқ қисиб боғлади.

— Чаёндай чақди-я...— дер эди Мавлонозода.

— Ким экан бундай чаён?— сўзланди ўз-ўзича Ахий Жаббор ва Жаҳонга тикилиб қолди. У Мавлонозодадан фарқли ўлароқ, бир қарашдаёқ Жаҳонни таниб олди! Ҳа, оппоқ ҳарир қўйлакли, бошига тиллақош кийган сулув — ўша Жаҳон бўлади! Уша Нададофлар маҳалласидаги бир тўйда капча илондан қочиб, беихтиёр Ахий Жабборнинг ёнига келиб қолган, ҳатто елкасига қўлини қўйиб турган, бундан шўрлик гадонинг бошини осмонга етказган, бир лаҳзага подшога айлантирган қиз!.. Уша, қўлида тугун Чорсу майдонига бепарво кириб, лаҳзадан сўнг уни олиб қочиларидан беҳабар дилдор, гуллик қўйлак устидан нимча кийган тамтам, дўндиқ қиз... Уша, муҳаббатга йигит қалбида тоғ тубидаги олтиндай пинҳон гўзал... Бора-бора бу пинҳон туйғу Ахий Жаббор қалби сарватига, пароканда умр мазмунига айланди, кўнглига қувват, руҳига мадад бўлди.

У ичида Мавлонозодага ғаш келадиган бўлиб қолди. Албатта, Ахий Жаббор ўзини Садр Сулаймон мадрасаси толиби илми, Самарқанд сарбадорлари жамоаси котибига асло тенглаштирмайди. Аммо унинг Жаҳон хусусида бўлган гапларда ҳадеб «Мен! Мен!» дейиши энсани қотиради холос. Ахий Жабборнинг эсида, Чорсуда у Шаҳриёр билан Абубакр Калавага қараб: «Ушбу машъум ҳодиса, яъни Жаҳоннинг ўғирланиши менинг кўз ўнгимда юз берди, мен лапашанглик қилдим, сусткашликка йўл қўйдим. Тун салтанати фуқароси, сарбадорлар жамоаси аъзоси сифатида ўз гуноҳимни ўзим юваман, қизни ўшал нопоклар чангалидан ўзми кутқарамен!» дейди бирданига! Ие, унинг нима алоқаси бор? Еки Жаҳон билан иккиси орасида робита бормуким, бундоқ сўзларни дейдир ул андишасиз? Қизиқ... Сирли дарвозалар қўриқчилари билан учрашганда ҳам дам-бадам: «Ўғирланган ожиза қайдадир?.. Бизнинг синглимиз?».. деб сўрагани сўраган, ўзини қайга қўйишни билмайди. Ғалати...

Жаҳон Мавлонозоданинг номини эшитиб қувониб кетди. Хайрият, айтганидай севгани уни кутқармоққа келибди! Лекин шу ондаёқ халоскорининг қўлига қайчи санчиб олганини билиб хижолатдан қизарди. У не дейишни билмасди.

— Жаҳон!— деди Хўрдак Бухорий. Қиз овоз томонга қараб, ниқобли, паҳлавон бир кишини кўрди.— Бизлар падари бузрукворинг Абубакр Калава биродарларимиз, се-

нинг оғаларинг! Ушбу фалокат чангалидан сени қутқармоқ учун фатво олганмиз. Худо-га шукурким, шу кунларга етдик. Бизлардан ҳайиқма, синглимиз!

— Соғ-саломат экансиз, хайрият, Жаҳон...— Мавлонозода томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди-ю, ортиқ гапиролмади.

Жаҳон жилмайиб, мамнун бош чайқади, қоронғида бунини ҳеч ким кўрмади...

Хўрдак Бухорий, Худобанда, Мавлонозода ва Калтатойлар аробани Наддофлар кўчаси томон ҳайдадилар. Ғунчачи бегимни эса Ахий Жаббор билан Бобо Султон олиб қолдилар. Танноз хотинни кўриб, Тун салтанатининг аёл зотидан бебаҳра фуқаролари қувончига қувонч қўшилди...

Эрталаб Чорсу майдонида келганлар бостирманинг ичида бир аёлнинг хор-зор бўлиб ўлиб ётганини кўрдилар. Бу қилмишига яраша жазо олган машҳур Ғунчачи бегим эди... Лекин унинг ким томонидан ва қандай ўлдирилгани сирлигича қолди.

Охири келгуси сонда



Мен «Шарқ юлдузи» журнали билан 7-синфда ўқиётган пайтимда танишганман. Уни бутун оиламиз билан севиб ўқиймиз. Айниқса, онам журналнинг ҳар бир сонини интиқ бўлиб кутадилар. Шу сабабли, ҳар йили биринчилар қатори обуна бўламиз.

Журналда чоп этилган асарлардан менга айниқса «Бир муҳаббат қиссаси», «Севги олмоши», «Муҳаббат», «Укамга хат» каби қисса, шеърлар маъқул бўлди. Журнал саҳифаларида ёшларни оила қуришга тайёрлаш мақсадида ёзилган мақолалар босилишининг тарафдориман.

Б. МАНСУРОВА.

Бухоро вилояти, Ғиждувон ноҳиясидаги
С. Айний номли мактаб ўқувчиси

* * *

Урта мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаб, мана, 7 йилдирки, пенсиядаман. Давлатимизга раҳмат. Шунча йил қилган меҳнатим эвазига ойига 40 сўмдан нафақа бериб турипти.

Журналда Куръони карим мазмуни эълон қилиниши ҳақида ўқишим биланоқ обуна бўлдим. «Шарқ юлдузи»ни авваллари дўкондан сотиб олиб ўқир эдим.

Журналда эълон қилинаётган материаллар орасида тарихий воқеаларга бағишланган асар ва мақолалар менга жуда маъқул. Бир илтимосим: бундан буёғига халқ таъба-тига оид мақолалар ҳам бериб борилса.

Б. РУЗИМАТОВ,


Фарғона вилояти, Ўзбекистон ноҳияси

* * *

Ассалом, сеvimли журналим «Шарқ юлдузи»! Сени яқинда нишонладиган 60 йиллик тўйинг билан чин дилдан қутлайман. Муболаға эмас, сени ҳаётимнинг сўнмас шамчироғи деб биламан. Чунки, сен туфайлигина кўп нарсалардан хабардор бўлдим, билимимни, дунёқарашимни бойитдим. Ҳозир 10-синф ўқувчисиман.

Яна ҳам раvнақ топавер, эй азиз «Шарқ»имиз «Юлдузи»!


А. АБДУЛЛАЕВА, Тожикистон жумҳурияти,
Ленинобод вилояти, Исфара ноҳияси



МЕНГА ЭРК ИСМЛИК БИР ВАТАН КЕРАК

Рашид Зоҳид

Рашид Зоҳид — 1965 йилда Хоразм вилоятида туғилган. Тошкент Давлат Дорилфунунининг журналистика факультетида ўқиган. Ҳозир Ҳамид Сулаймон номидаги Кўлөзмалар институтида ишлайди.



* *
Бадиий ижод оламига кириб келаётган ёшижодкорларга эътиборни кучайтириш, улар яратаётган асарларни тарғиб қилиш журналистик учун яхши анъанага айланиб қолди. «Шарқ юлдузи» журнали ҳар йили ўз саҳифаларида юздан ортиқ ёш шоир, ёзувчи, адабиётшунос ва мақола-нависларнинг турли мавзудаги энг яхши шеър ва достонларини, ҳикоя ва қиссаларини, мақола ва тадқиқотларини эълон қилиб бормоқда. Мақсад — ёш истеъодларни аниқлаш, халққа таништириш, адабиётимизни янги номлар билан бойитиш.

Анъанага мувофиқ, ушбу сон саҳифаларида биз шеърят оламига кириб келаётган ёшлар ижодидан намуналарни эътиборингизга ҳавола қиларканмиз, бу танишув ёш ижодкор учун ҳам, сиз азиз муштарийлар учун ҳам хайрли бўлади, деб умидландик.

* * *
Сен гўдаксан —
ҳеч қачон улғаймайдиган
ва меҳрдай сағир,
меҳрдай ғариб!

Ғунчасан —
абადий шудрингга кўмилган:
муҳаббатнинг ўзидай ёлғиз
ва мотамсаро!

Ойдан сут сўрайман сен учун,
қуёшдан нур,
тонгдан — озгина туман!..

Кўргилик

Аччиқланма, иним,
Булғатма кўнглинг,
Кўзингдан улоқтир жаҳлни.
Оёғингни узгин ботқоқдан,
Қўлингдаги ханжарни синдир!
Тупурсанг-чи майда сўзларни,
Истаклардан кеч, иззатталаб.
Аёлларни сўкмоқчи бўлсанг —
Сен энг гўзал сўзларни ишлат!

Бўйинингга осилган тўрвами,
Шунчалик оғирми?
Эгилма!
Фил ҳам кўтаролмаган нозни,
Мен кўтариб юрибман, мана!..

Ёнимда ўтирган сен эмас, бу — мунг.
Борлиғини буткул бағишлаётган,
Сен эмас мен томон сурилаётган,
Бу — бўм-бўш курсига сиғмаётган мунг.

Катталашар ана осмон тўла мунг.
Кичраярдинг гулим, кичраяр ўлим.
Тушунмасдан сени, сени тушундим.
Ёнимдаги кўшним — тили бийрон гунг.

Курсидан осилиб қолган бу кўйлак,
Узундир сеникидан, узундир, ахир,
Этаги ерларга теккан бу кўйлак!
Йиғлаб юборди-ку бечора ёмғир,
Нечун осмон билан мени кўйдирмак?!
Кел, энди кўшилиб йиғлаймиз, ёмғир!

Тилёғлама

Кечирасиз, ёғлайман ҳозир
Қуриб қолган бўлса тилингиъ.
Тушунаман сизга қийиндир,
Мана... озор кўрмас дилингиъ.

Хосиятли арабча отим,
Ўтган борми бу йўлдан ўзи?
Қани тўғри юринглар, наҳот,
Йўл бошида биргина ўзим!

Сал қолди-я ўлишингизга,
Бахтингизга мен бор эканман.
Роҳат кўринг, умр бўйи то
Ерда муқим сайёр эканман.


Кўп сўзлаб юбордим, чамамда,
Очиб қўйибман-ку дилимни.
Қаранг, тилим қуриб бормоқда,
Ким бор, келинг ёғланг тилимни!

Мезон — кузнинг азиз қўшиғи...
Сесканиб кетаман бир салқин бахтдан.
Қайтиб келдим, ой қиз,
Келдим, ой, шамол,
...Мени кутиб ол!..

Изларингни босиб ўт бўлар бағир,
Бунчалар қадрдон, иссиқ бу ерлар!
Эшигингни очгил, қувноғим, ахир,
Оқиб келар сенга аталган шеърлар!

Кузнинг азиз қўшиғи — мезон
Қоплади кўзимни, йиғлагим келди.
Менга сувларингни сепмагил, осмон.
Бари бир ҳушимга келмайман энди.

Шомда юлдузларни узиб-узиб ол,
Ойни олиб бергил, эй узун терак.
Озод кезмоқчиман, эй дайди шамол —
Менга эрк исмлиқ бир Ватан керак.



Тўлқин Раҳим — 1962 йилда Фарғона вилоятининг Риштон ноҳиясидаги Бешкапа қишлоғида туғилган. 1988 йили ТошДДнинг ўзбек филологияси факультетини татомлади. Ҳозир Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишламоқда.

Тарих дарси ёки 45 минутлик фантазия

Муаллимнинг кунлик юмуши —
Тарих сирин қилмоқлик аён.
Сочларида вақтнинг кумуши —
Бир умрга берилган нишон.
Муаллим — саркарда,

дарсхона — жанггоҳ,
Ҳарбу зарбга чақирар чорлов:
«Ватандошлар, бўлингиз огоҳ,
Юртимизга қадам қўймиш ёв!»
Асрлар уйқашиб кетар шу нафас —
Енгмоқ учун Чингиз ёки Дорони,
Торобий ҳам эмас, Широқ ҳам эмас,
Муаллим бошлайди мард фуқарони...
Отланамиз бир тўда йигит,
Саркарданинг кўзида умид:
Илҳақ боқар бир тўп ўғлонга,
Аммо...

Бу не ҳол?! —
Фаёз от кўяди ҳарам томонга,
Хипчабел жононлар тўла томонга.
От бошини шарт бурган Камол,
Йўл олади хазина сари —
Зорлик нима, зўрлик нимадир,
Унга қолса дунёнинг зари!
Бошланса, бас,

шерик топилар
Аббос, Саттор, Зокир...
Чопдилар:
Кайфу сафо, мол ҳамда дунё
Маконига элтувчи йўлдан.
Саркарда — лол,

саркарда— забун...
Энди на муаллим, на саркарда бор,
Чиқиб кетди у бир сўз ҳам демай —
Ёт ўлкада ёв қуршовидан
Ёлғиз чиқиб кетган Жалолиддиндай...

* * *

Хонага қамайман ўзимни-ўзим,
Энди асир бўлдим саккиз соатга.
Лекин тиламасман сабримга тўзим,
Ахир, кўникканман бундай ҳаётга.

Сўлғин қарши олар тувакдаги гул,
Хонам учун баланд унинг қиммати.
Табиат кўйнида яйрамоқ буткул —
Дам олиш ойининг менга ҳиммати.

Кунлар шошаётган чопар отлари,
Менинг бекатимдан тез ўтиб кетар.
Қалбимга йўлланган дунё хатлари —
Туйғу ўтиб кетар, ҳис ўтиб кетар.

Қарайман хонамнинг деразасидан:
Ойнанинг ортида турли расмлар —
Рассомларнинг кўчма кўрғазмасидай
Ўзгариб боради унда фасллар...

Қишлоқда

I

Яланғоч бўлишдан ор қилар бунда,
Бир томчи сув томган ҳар қарич тупрок.
Каттаю кичиги йил бўйи, кунда,
Экин ташвишида юради кўпрок.

II

Саккиз соатмикан бунда иш вақти? —
Сўраб кўр баҳордан, сўра куз, ёздан.
Ҳад билмас заҳматкаш одамлар шахти,
Куюш чарчаб қолар бас келолмасдан.

III

Кўчалар четида ўсган ҳар терак
Ташвишларга шерик билар ўзини —
Ҳозирдан яралиб бормоғи керак
Бўлғуси уйларнинг синчи, тўсини.

IV

Йўллар ўша-ўша, уйлар ҳам ўша,
Юлдузли тунларда ҳислар самовий...
Ҳамон кўшиқларга бойдир бу гўша —
Чирилдоқлар—ҳофиз,
Чинорлар-ровий...

Эрк — даво, эрк — раво...


Орзу — эрк,
Орзу эрк
Юрагингнинг кўриқларига,
Қуллик подшонг бўлса ҳам,
Қуллик пешвонг бўлса ҳам,
Энди қулоқ солма буйруқларига!
Бўйин эгаверсанг, бўйнинг синади,
Ийиғинг чиқади, илигинг қурир,
Пешонангдаги ойинг сўнади,
Азизларга ёққан пилигинг қурир!..

Мақсад—эрк,
Мақсад эрк
Ҳаётингнинг ёбонларига,
Эркпарвар уруғлар кўкарсин,
Бошига кўтарсин
Зиёни,
Бошига кўтарсин
Дунёни —
Сен эса кўриқла,
Егизма истибдод қобонларига!

Эрк — даво
Ҳам эски, ҳам янги яраларингга,
Эрк — раво
Ногирон, нигорон болаларингга!...
Пашшага ялинар фил эрксиз бўлса,
Пошшога ялинар тил эрксиз бўлса,
Хаёлга юз тутар дил эрксиз бўлса,
Заволга юз тутар эл эрксиз бўлса!..

Болтабой Бекматов

Болтабой Бекматов — Туркманистон жумҳуриятининг Тошовуз шаҳрида 1958 йилда туғилган. Горький номидаги Адабиёт институтида сиртдан таҳсил олмоқда. Айни пайтда, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди.



Ҳақгўй

Ҳаққонийлик — даволанмас дард,
Қашшоқлик ҳам бугун — уятдир.
Ҳақгўй бўлиб, тўкис яшамоқ —
Каминага улуг ниятдир.

Ўсиб борадирман кун сайин,
Ўсмоқда қалбимда ният ҳам,
Дард ҳам оғирлашар тобора,
Тобора аччиқдир уят ҳам.

* * *

Уя бўм-бўш дарахт кўйнида...
Хушхон кушча келмади қайтиб.
Бу фаслда, дарахтни ҳеч ким
Овунтирмас кўшиқлар айтиб.

Дарахт маъюс.
Индамас дарахт,
Сир бой бермас, тўкмай кўзёшлар —
Кия бошлар байрам кўйлагин —
Бўш уяни яшира бошлар.


Сен

Рўпарангда ёнади гулхан,
Алвон-алвон учқунлар учар
Ва учқунлар сенинг қўлларинг,
Кўкрагингга урилар, ўчар.

Сен эса жим.
Сен гўё лоқайд,
Жилмаясан, лаззат туясан.
Сўнаётган гулханни яна
Оёгинг-ла қўзғаб қўясан...

* * *

Ичимда яшайди салбий қахрамон,
Жин каби, соҳибин фарқ этмас.
Ҳолбуки қисмати — беомон,
Яшар у виждонга қасдма-қасд.
Ичимда яшайди, чиқармас товшин,
Бу ўзим яратган мўъжизам, қулим.
Бир қўлим ардоқлаб силаса бошин,
Бўғзида туради иккинчи қўлим.



Минхожиддин Мирзо ўғли

Минхожиддин Мирзо ўғли.—
1965 йилда Андижон шаҳрида ту-
тилган. 1984—1986 йилларда
армия сафида хизмат қилган. 1990
йилда Тошкент Давлат Дорилфу-
нунининг журналистика бўлимини
тугатди. Ҳозир Ўзбекистон ойнаи
жаҳонининг ходими.

*

*

* * *

Кўксим—замин, қўлимни кўйдим,
Унда кишнар отим бор маним.
Шовқинларни эркликка йўйдим,
Юрак, ўзинг — менинг Ватаним!

Субҳидамда ногора чалиб,
Табиатни уйғотар жала.
Сеҳр кучин кўк ишга солиб,
Сипоҳларга тўлади дала.

Хат келтирар тонгда қалдирғоч,
Баҳор бермиш курашга фатво.
Лашкарбоши — яшил туғ равоч,
Қизғалдоқлар қилишар дуо.

Бошларида сурмаранг дастор,
Кўзикорин черик тўплайди.
Ўтдан чиқиб Муқанна ва ор,
Гул косадан шароб ҳўплайди.

Қуёш шомда саман отидан,
Тушган кези уфқ ичар қон.
Гуллар чарчаб ҳолдан тойганда,
Намозшомгул бошлайди исён...

* * *

Қора қумғон маъюс кўз тикар,
Аёл хануз даладан келмас.
Армонлардан ғам кўйлак бичар,
Оналарин қақшатган элмас!

Темур руҳи безовта гирён,
Бобурийлар қилур машварат.
Дафтаримнинг варақлари қон,
Естиғимда руҳлар битган хат.

Саҳар чоғи далага судрар,
Қўлларида зулмкор кетмон.
Тупроқ кўча, орзулар мудрар,
Тугунида бир кафт майиз, нон.

Кўзларимда порлар камалак,
Лабларимни мактубга босгум,
Журъат келар дилимда лак-лак,
Андишани дорларга осгум.

Орзуларин тўзғитар шамол,
Кетмон урар хаёлларига.
Ғамлар бунча суркалаверар,
Ўзбекистон аёлларига.

Паранжисин оловга ёқиб,
Эрклик сари йўл олган аёл,
Эртасига умид-ла боқиб
Етмиш йилким суради хаёл!..

* * *

Осмон кўкрагига таққан лола-уфқ,
Қалдирғоч чарх урар уфққа ошифта.
Тошмеҳр қоялар тўса олмайди,
Сочлари оқарган мағрур-олифта.

Турналар мунчоқдек уфққа қадалар,
Булулар уялиб қайтиб кетурлар.
Юлдузлар бир-бирига розини айтиб,
Самонинг қўйнида ётурлар.


Борлиқни чулғайди салқингина тонг,
Қалдирғоч уламо ўқир валфажр.
Кимнинг дилин хуфтон айласам дея,
Тутнинг ковагида ўй сурар ҳажр.

Исён туғмай қўйди диллар ҳам,
Гуноҳларнинг этаги узун.
Чўлпонлари ёнган кунлар кам,
Қора чопон кия бошлар тун.

Ваъдаларнинг отлари ориқ,
Журъатларнинг оёқлари шол.
Кўкрагимда қилич осиглиқ,
Йиғлай бошлар бевадай баҳор.

Мажнунтолнинг сочлари кесик,
Шамол кезар тунлар — айғоқчи.
Бир мен десам, минг йиллар ўксик —
Хазонрезлар ёвуз қароқчи.

Муқаннани кутиб йиғлайди,
Мангуберди кетган ўша йўл.
Кўкдан жасур ўғил тилайди,
Турон йиғлар ўтлоқлари хўл...



Нурмуҳаммад Муҳаммадиев

Нурмуҳаммад Муҳаммадиев —
1965 йилда Сурхондарё вилояти,
ҳозирги Қумқўрғон ноҳияси тасар-
руфидаги Уяс қишлоғида туғилган.
1983—1985 йилларда Совет Армия-
си сафида хизмат бурчини ўтаган.
Бу йил Тошкент Давлат Дорилфу-
нунининг журналистика бўлимини
битириб, Ўзбекистон ойнаи жаҳо-
нида ишляпти.

Доғ

Бу шеърни Катта Фарғона канали
қурилишида қатнашиб, бедарак кетган
Санам момомга бағишлайман.

Узоқ қароргоҳга боқаман маъюс,
Уфқига туташиб қотиб қолган Ой.
Шуъласин таратиб сўнди не боис,
Ё муҳаббат тафти тортдимиз ҳай-ҳай?!

Пойгакда шуъласи — якка ҳукмрон,
Сукланиб термилар узун сўрига.
Чилласи чиққанми, ўзи ҳам билмас,
Дуч келишин билмас ваҳший бўрига.

Ўчоқдаги олов авжлар шамолдан,
Фалакни тимқора булут қоплайди.
Катталар бошига тушган фалокат,
Гўдаклар қалбига армон пуркайди.

Жигаргўша — ота қўлида милтиқ,
Қайдадир тинимсиз қувлайди ёвни!
Санам, қариндошлар йўлингга интиқ,
Фарғона йўлидан қўмсайди Ойни.

Таназзул


Чўнтагим — Саҳрои Кабир.
Қадоқ қўллар ачишади қатқалоғликдан.
Сўрай десам на бир бўлак ёғ бор,
Ўриклар ҳам ҳосил бермас —
чириб тўкилар.

Кўз ёш бўлиб дардлар тўкилар,
Айрилиқдан ота чекар оҳ.
Танасида бир бовир эдинг,
Белда қувват, мушқилда паноҳ.

Бедор кўзлар қоқади киприк,
Суратингга айланган йўллар.
Дийдорингдан симирай деса,
Қалтирайди чўзилган қўллар.

Субҳидамда сабо эсади,
Тунги жангнинг ғалабасидай.
Сени излаб бир руҳ кезади,
Хаёлларнинг тўзғин сасидай.

Тун. Ҳовлида соғинч бўзлайди,
Кўргилиқдан қишлоқ ўкирар.
Қурол тутган дўстлар сўзлайди:
... Кўзёш бўлиб дардлар тўкилар.



ТАРИХИМИЗНИ ҚАЧОН ЎРГАНАМИЗ?

«Шарқ юлдузи» журналі саҳифаларида (1989 йил № 8) «Темур тузуклари»нинг босилиши бугунги қайта қуришнинг шарофатидир. Севимли журналимизнинг бу иши тарих ўқитувчиси сифатида мени гоаят қувонтирди. Агар бугунги ҳаётимизда янгилашиш, поккланиш зарур экан, буни биз тарихимизга, ўтмишимизга муносабатдан бошлашимиз керак. Очиғини айтганда, биз шу пайтгача кўпгина тарихий воқеаларни, буюк шахсларнинг фаолиятини бузиб талқин қилиб келдик. Аммо вақт олдида тарихнинг юзи ёруғ. Цицероннинг айтишича, тарих ҳақиқат чироғидир.

Шу пайтгача халқимиз ўтмиши асоссиз равишда камситиб келинди. Инқилобгача Ўзбекистон чоризмининг энг қолоқ, энг саводсиз ўлкаси бўлиб келган, деган тавқи лаънат тарихимиз саҳифаларига муҳрлаб қўйилди. Аслида ўтмишни, унинг кадрятларини камситиш ҳар бир миллатнинг бугуни ва эртасини камситишдир.

Маданиятимизга, миллий кадрятларимизга уч давр жиддий путур етказди. Чоризмининг мустамлака сиёсати оқибатида маданиятимиз бир пайҳон қилинди. Совет даврида бўлган катағонда маданиятимиз иккинчи бор пайҳон қилинди. Турғунлик йиллари ўтмишга бир хил кўз билан қараш, ўтмиш воқеаларини, атоқли шахслар фаолиятини бузиб талқин қилиш натижасида маданиятимизга учинчи бор жиддий путур етказилди.

Хусайн Бойқарони биз майхўр деб келдик. Худди ана шу Хусайн Бойқаро ўзбек тилига давлат мақомини берганлигини, шахсан ўзи ҳам шу тилда ижод қилганлигини яшириб келдик. Нима, Хусайн Бойқаро шоир ва фозил инсон бўлган, десак осмон узилиб ерга тушармиди?! Менимча, кимларгадир шундай туюлган. Уша даврда Хирот шахрида 20 минг аҳоли яшаган ва ана шу аҳоли орасидан 300 нафар шоир етишиб чиққан экан. Демак, ҳар 60—65 кишининг бири шоир бўлган. Бизнинг Уйчи районида ҳозир 120 минг аҳоли яшамокда. Лекин битта ҳам тайинли шоир йўқ.

Инқилобгача кўпгина халқларда хотин-қизлар орасидан шоирлар етишиб чиққанини билмайман. Ваҳоланки, инқилобгача ўзбек хотин-қизлари орасидан Нодира, Увайсий, Анбар Отин, Зебунисо каби ўнлаб ажойиб шоирлар етишиб чиққан. Бу ҳодиса маълуум маънода халқнинг маърифатпарварлик даражасини белгилайди.

Мен тарих ўқитувчиси сифатида инқилобгача ўзбек аёллари орасидан Қурбонжон Додхон сингари ҳарбий саркарда етишиб чиққанлигини эшитиб ҳайратдан ёқа ушладим.

Қурбонжон Додхон Қўқон хони Худоёрхон енгилганидан кейин ҳам чор аскарларига қарши қурашни давом эттирган. У озодлик, мустақиллик тарафдори бўлган ва умрининг охиригача шу мақсадларига содиқ қолган. Туркистон генерал губернатори Фон Қауфман уни «Шарқнинг жасур аёли» деган.

Биз тарихий ҳақиқат тўлалигича очилишидан манфаатдормиз. «Титаник» кемасининг муз тоғига урилиб ҳалокатга учраганига 77 йил бўлди. Лекин уни одамлар бутунлай унутиб юбормадилар. Денгиз қаърига тушиб, қолдиқларини топдилар. Бу ҳақда кўп ёздилар. Бу бежиз эмас, албатта.

Ватанпарварлик ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади. Биз ўз ўлкамиз тарихини биламизми? Қайси қишлоқда яшаётганлигимизни биламиз-у, лекин унинг тарихидан беҳабармиз. Буни узрли ҳол деб бўлмайди.

Ўлка тарихини ўрганиш болаликдан бошланиши керак. Лекин бизда бу масалага эътибор йўқ. Бугунги кунда мактаб ўқувчилари Ўзбекистон тарихини ўқимаптилар. Улардан ҳозир Емельян Пугачёв ким бўлган, деб сўрасангиз биладилар-ку, лекин Маҳмуд Торобийнинг қимлигини билмайдилар. 7—8-синфлар учун «Ўзбекистон ССР тарихи» дарслиги 1979 йилда охириги марта нашр қилинган. Шундан бери бу дарслик нашр қилинмади. Ун йил аввал нашр қилинган дарслик титилиб, йиртилиб тамом бўлаёзди. Эндиликда бу китобни янгитдан, ҳаққоний қилиб ёзиш пайти келди.

«Ўзбекистон ССР тарихи» дарслиги 115 бетдан иборат мўъжазгина китоб. Бу дарсликнинг фақат 30 бетигина инқилобдан аввалги бир неча минг йиллик тарихимизга бағишланган. Бу энди инсофдан эмас. Тарихий воқеалар, халқлар тақдири бир-бири билан ҳамшиша боғлиқ бўлган. Масалан, ўз даврида Амир Темур кўшинлари Тўхтамиш кўшинларини енггани, Олтин Ҳорданнинг инқирози славян халқлари озодликни қўлга киритишларида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлганлигини ҳам ҳамма билиши керак.

Ўрта мактабларда Ўзбекистон ССР тарихи учун 37 соат ажратилган. Бунинг устига ҳозир ўқувчилар учун дарслик йўқ. Тарихчи ўқитувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам Ўзбекистон ССР тарихини яхши билавермайдилар. Сабаби, ҳозир ўрта мактабларда тарихдан дарс бераётган ўқитувчиларнинг 80—90 фоизи педагогика институтларининг сиртки бўлимларини битиришган.

Яна ўша факультатив соатлар дарс жадвалининг энг охирига — еттинчи соатларга ёзиб кўйилади. Еттинчи соатда эса ўқувчиларнинг аксарияти фанни ўрганамиз, билим оламиз, деб эмас, қандай қилиб тезроқ уйга боришни, очиккан қоринларини тўйғазишни ўйлаб ўтирадилар.

Ўзбекистон ССР тарихидан кўргазмали қурооллар ҳам йўқ. Ўтмишни акс эттирган ўқув харталари, жанг схемалари, инженерлик лойиҳалари чизмалари қандай бўлган? Бугунги авлод буларни кўзи билан кўриши керак.

Қирғиз кино санъаткори Толомуш Окаев Чингизхон ҳақида кўп серияли фильмни суратга олишга ҳаракат қилмоқда. Бу фильм учун 12 миллион сўм маблағ ажратилибди. Хўш, нега Амир Темур, Бобур тўғрисида фильмлар яратиш мумкин эмас. Чингизхон ватани қирғизлар учун олис юрт. Биз яшаётган замин эса Темур ва Бобурлар юрти-ку!

1986 йил октябрда бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми ҳамон ёдимда. Унда Темур ва Бобурлар босқинчи шахслар сифатида қораландилар. Пиримкул Кодировнинг Бобур ҳақидаги асари жиддий танқид қилинди, ёзувчини босқинчининг ҳаётини идеаллаштирганликда айблашди.

Аслида эса Бобур биз учун ажойиб ижоди билан кадрлидир. У олис юртда ҳамшиша Ватан ишки билан яшади, инсондаги энг эзгу туйғуларни мадҳ этди. Қолаверса, хинд халқи Бобур ва унинг авлодидан миннатдордир. Чунки у хинд юртидаги юздан ортик мустақил жамоани ягона давлатга бирлаштирди. Бу юртни обод қилиш, маориф ва маданиятини юксалтириш йўлида кўп ишларни амалга оширди.

Аммо Темур ва Бобурнинг босқинчилик юришлари қилганликлари ҳам рост. Буни инкор этиб бўлмайди. Аслида бу феодал тузумга хос бўлган ҳодисадир. Шу сабабли ҳам тарихий шахсларга баҳо берганда у яшаган тарихий вазиятни унутмаслик керак.


Бундан бир неча йил аввал ўқитувчи ҳамкасблар билан Фрунзе шаҳрига бордик. Аэропортга қирғиз халқининг миллий қаҳрамони Манас номи берилган экан. Бизни бошлаб юрган аёл ҳам сўзини Манасдан бошлади. У Манас қирғиз халқининг миллий қаҳрамони сифатида халққа руҳ бахш этиб турганлигини таъкидлади. Хўш, бизнинг миллий қаҳрамонимиз ким? Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрдикми? Бу юрт — Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Маҳмуд Торобий, Темур Малик ва Жалолидинлар юрти.

Хайриятки, кейинги пайтда миллий қаҳрамонимиз Алпомиш тўғрисида, унга хайкал ўрнатиш ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлиб қолди. Лекин бу яхши таклиф амалга ошгунига қадар яна қанча вақт ўтади — маълум эмас. Ҳозирча умид қилиб турибмиз.

Чор кўшинлари Тошкентни олганида, шаҳарга саф-саф бўлиб, олдинда оркестр билан кириб келишган экан. Шунда йўл четида ўтирган бир банги: «Шаҳримизни олса олаверсин, машшоқлари бор экан», деган экан. Бизнинг ҳозирги кўп хатти-ҳаракатларимиз ўша бангининг гапини эслатади. Сабоби, ижтимоий масалаларга ҳамон лоқайд муносабатда бўламыз, ҳамон қарахтмиз.

Хуллас, турғунлик йиллари ва ундан олдин йўл қўйган камчиликларимиз кўп. Эндиликда биз мана шу нуқсонларга қарши дадил кураш олиб боришимиз керак. Бунинг асосий йўлларида бири турмушимизда танқид ва ўз-ўзини танқидни қучайтиришдан, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксак даражага кўтаришдан иборатдир.

Олимжон ЮНУСОВ,
Наманган вилояти Уйчи районидаги 10-ўрта мактабнинг
тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси.



Журналхонларнинг мақтублари



* * *

Мен тўқимачилик фабрикасида ишлайман. Журнални 6-синф ўқувчиси эканлигимдаёқ катта қизиқиш билан ўқиди эдим. Афсуски, кейинги сонларини мутолаа қилолмадим. Ҳозир уни шахримиз дўконларидан топиб бўлмайди. Дўкончидан сўрасам, почтага келган заҳоти талашиб олиб кетишяпти, деб жавоб берди.

«Шарқ юлдузи»да эълон қилинаётган асарларнинг кўпчилиги юксак бадиий дид ва маҳорат билан ёзилган. Уларни чоп этаётганлиги учун журналимиздан миннатдоримиз.

Истақларим: аввало, бошқа жумҳуриятларнинг ойлик адабий-бадиий журналлари билан алоқалар қучайтирилса. Юбилей муносабати билан журнал ташкил топган пайтдан бошлаб то ҳозиргача бўлган давр ичида ишлаган кишилар, уларнинг меҳнат фаолияти ҳақида ҳам ҳикоя қилинса, редакциядаги иш жараёнини тасвирловчи фотосуратлар босилса, журнал ходимлари билан вилоят, ноҳиялар меҳнаткашларининг учрашувлари уюштирилса, жуда яхши иш бўлар эди.

У. ЗАЙНИЕВ,
Самарқанд вилояти, Уреут шаҳри



Нормурод Норқобилов

ОҚБЎЙИН

Қисса

Оқбўйин нотаниш ҳидни дарров илғади. Парво қилмади. Товуқ патини ўйнашда давом этди. Патни эрталаб топган, нималигига ақли етмай боши гаранг эди. Уйчаси ёнидаги чирик хашаклар устида чўзилиб ётган онаси безовта ғингшигандан сўнггина қадам товушлари келаётган томонга ўгирилди. Беш одимча нарида уй эгаси — Содиқ ака билан норғул бир одам — Карим подачи, эғнида яғири чиққан пахталик, оёқларини кериб турарди. Ундан гўнг, пичан, силос ва яна алламбалоларнинг ҳиди анқирди.

Оқбўйин бу хил ташрифларга кўниккан, ҳар келди-кетдидан сўнг оға-иниларидан бирортаси ғойиб бўларди, кейин онаси туни билан ғингшиб чиқади. Бошда улар ўнта эди. Учасини, урғочи экан, биринчи ҳафтадаёқ гумдон қилишди. Бу гал навбат қайси бирига экан?

Карим подачи оёқлари остида ўралашаётган иниси — Оқтўшни қўлига олиб, обдан пайпаслаб кўрди, панжаларини диққат билан кўздан кечирди. Ёқтирмади. Оқтўш нари кетишни хаёлига ҳам келтирмай, тағин суйкала бошлаганди, Карим подачи этиги учи билан туртиб юборди. Жони оғриган Оқтўш ангиллаганча онаси томон пилдиллаб қочди.

Иниси Оқбўйинга ёқмайди, ўлгудай ялтоқ, кўринган қорага суйкалади. Акаси Малла эса, тамомила акси — тажанг, салга зардаси қайнаб дарҳол «ёқа бўғишади». Ҳозир ҳам у уйчаси тўрига биқиниб олиб, Карим подачига адоватли қараб турибди.

— Анови турқи совуқни обер-чи,— деди подачи Маллани кўрсатиб. Содиқ ака Маллани уйчасидан тортиб чиқарди-да, унга узатди. Карим подачи уни узоқ тутиб турмади, дарров ерга қўйди.

— Буниси қопоғон бўлади,— деди Малла тишлаган бармоғига пуфлаб.

Подачининг эғғиллашлари Оқбўйинга ёқмади. Аммо табиатан бардошли бўлгани учун бошқалар каби тўполон қилмади, темирдек катта бармоқларга тиш ботиришдан ўзини тийиб, жимгина туриб берди.

Карим подачи-синчи, итни фарқлай билади. Умри фермада ўтган бу одам итни ишқибозлик учун эмас, зарурат юзасидан асрайди. Негаки, қиш кезлари қир ошиб келадиган бўрилардан куйган — жондор деса, етмиш етти томири тортишади, бўриларга емиш бўлган томдай-томдай новвослари кўз олдига келиб, ичи-таши баробар ёнади. Авваллари аҳволи айтарли даражада ёмон эмасди, салгина пўписаю қутқу билан

жондор зотини даф этмоқ мумкин эди. Аммо уч йил бурун Елдор деган бир махлук пайдо бўлдию подачидан ҳаловат кетди. Арлони бўри итларни писанд қилмагандек, милтиққа ҳам осонгина чап берарди. Тунлари бўри пойлайвериб, биқинини шамоллатиб қўйганидан сўнг, Карим подачи қопқон қўйиб кўрди. Бироқ Елдор қолиб, қопқонга ферма теварагида айланишиб юрадиган дайди эшаклардан бири тушди. Этни дорилаб йўлга ташлади. Елдор эмас, ити заҳарланиб ўлди. Кейинги асраган ити эса ғоят юраксиз чиқди. Елдорнинг қорасини илғар-илғамас, эшик тирнаб, фингшиганча ичкарига интилади, баъзида қишлоққа қочиб қоларди. Шу қиш ўртаси бу ҳол яна такрорлангач, Карим подачи жаҳл устида итни отиб ўлдирди. Чунки Елдор тўдаси бошқа мол қуригандай, унинг танасини бўғизлаб кетганди. Шундан буён подачи яхши ит қидириб юради. Худди шундай ит ҳозир унинг қўлида эди. Бу кучук арлон наслидан. Бунақаси мингдан битта чиқади. Насиб этса, узоғи билан яна тўрт-беш ойдан сўнг бу атрофда унга тенг келадигани бўлмайди. Жондор зоти борки, овозини эшитиши билан қир бошида миҳланиб қолаверади... Карим подачи ич-ичидан хуруж қилиб келаётган қувончини базўр ютуб, уй эгасига юзланди.

— Шунисини танладик.

— Йўқ, буниси ўзимизда қолади,— деди Содиқ ака қатъий бош чайқаб.— Қанжиқни йўқотмоқчимиз...

— Бир қўй... қўзиси билан.

Содиқ ака Оқбўйинга қизиқиш билан тикиларкан, тоғаси ҳақлигини англади. Ичида унинг топқирлигидан қўйил қолди. Тоғаси меҳмон бўлиб келган кучукваччалар энди оёқлаган эди. Тоға қанжиқни йўқотиб, арлон ит асрашни маслаҳат бераркан, кучукваччаларни чопони барига солиб томорқа адоғига обориб ташлади. Иссиқ жойидан қўзотилган кучукваччалар нотаниш жойда нима қилишларини билмай, пайпасланиб туришганида, Оқбўйин тўдасдан ажралиб, сал нарида безовта фингшиб турган онаси томон интилди. «Мана шунисини асра, — деди тоға. — Бундан зўр ит чиқади. Қолганлари бир пулга қиммат. «Содиқ ака учун ҳамма ит-бир ит эди. У бу борада ҳовли итсиз бўлмаслиги керак, деган ақидага бўйсиниб иш тутарди. Тоғанинг гапидан сўнг Оқбўйинга нисбатан қизиқиши ортгандай бўлди. Бир томони, тоғанинг келар-кетари бор, боз устига, у ўлгудек иззатталаб, гапи ерда қолганини сезса, қаттиқ ранжиши тайин. Ушанда Содиқ ака Оқбўйиннинг зўрлигига ишонмаган бўлса-да, меҳмон ҳурмати, уни асрамоқчи кўнглига туксанди. Подачининг гапидан кейин Оқбўйинга нисбатан бўлган қизиқиши ўн чандон ошди. Ахир ҳеч замонда ит савдолашилганми? Қишда бир чакса қорни бировга раво кўрмайдиган шундай бир одам қўй ваъда қиляптими, демак, бу кучукда бир гап бор. Туришини қара, пинак бузмайди-я.

— Ана, бор, иккита қўй.

— Ака, биласиз, мен битта гапираман.

— Оббо! Қўранг тўла молмидики, ит асрайсан.

— Яхши ит ҳаммагаям керак.

— Буни асраб наф кўрмайсан. Рашким ёмон, бирда бўлмаса бирда отиб ўлдираман.

— Ярашадиган гапни қилинг, ака.

— Отмаган тақдиримдаям... барибир Хидир хира отиб кетади.

— Отиб кўрсин...

...Савдоси пишмаган Карим подачи итни ерга қўяркан, зарда билан биқинига бир тепди. Зарб кучли бўлмаса-да, бу хил муомала Оқбўйинга ёмон таъсир қилди. Таҳқирланганини ҳис этиб, ғазаби келди. Ириллади. Ириллаш баробарида акиллади. У ўз кадр-қимматини яхши биларди. Бу жиҳатдан отаси Олапарга тортган эди. Олапар қўшни қишлоқлик Абдурайим овчининг ити. Кузда бу томонларга қадам қўйганда, унинг ҳайбатли, кўркам келбатини кўриб, бутун қишлоқ лол қолганди. Ушанда Олапар ҳовлига бошқа итлар каби девор ошиб эмас, тўғри дарвозадан кирди, уй эгасининг дўқ-пўписасига зиғирча эътибор бермай, бамайлихотир юриб томорқага ўтди, картошкапоёда, ўн чоғли ит кўршовида «нозланиб» ётган қанжиқни бир зумда ўзиники қилиб олди...

Ҳали ҳеч кимдан бу хил муомилани кўрмаган Оқбўйин ғазаб ва аламдан беихтиёр акиллаб юборганди. Акиллаган сари иззат-нафси алланечук ором топиб, овози ўзига хуш ёқди. Карим подачи Маллани қўнига солиб, эшик ортида кўздан йўқолмагунча у тинчимади.

Шу кундан эътиборан у ҳуришни ўрганди.

Оқбўйин дилхираликни тез унутди. Тағин товуқ пати билан андармон бўлди. Илгари бир нима билан ўйнашганда ирилларди, энди бўлар-бўлмасга акиллашни одат қилди. Эпкин товуқ патини ҳаволатганда, акиллаганча ортидан қувлайди, сакрайди, таппа босади, панжалари билан пийпалайди ва охир-оқибатда, ҳафсаласи пир бўлиб, эндигина бошқа нарсага алаҳсимоқчи бўлганида, бирдан товуқ патига «жон» киради, шабадада «қанот қоқади». Оқбўйин тағин унга ташланади, тутади, пийпалайди, нималигига ақли етмай гаранг бўлади.

Чор атрофи баланд девор билан ўралган тор жойда унинг ақли етмайдиган ажойиботлар тўлиб-тошиб ётибди. Шулардан бири бурчакдаги тешиқдан тез-тез мўралаб турадиган каттакон каламуш эди. Оқбўйин унга нисбатан яхши муносабатда эди, оға-

иниларига тегажқлик қилгандек, у билан ўйнашгиси келади. Аммо каламуш кучук яқинлашиши билан ура қочади. Яна бири аҳён-аҳёнда том бошида пайдо бўладиган таргил мушук эди. Мушук олифтанамо қадамлар билан девор устидан юриб келади-да, томга сакраб, соатлаб ўзига оро беради. Энг қизиги, девор бошида ўқтин-ўқтин кўриниш берадиган бабақ хўроз. У ўзига ҳайратомуз тикилиб турган Оқбўйинга бошини у ён-бу ён буриб анчайин қараб қўяди-да, қанотларини тап-тап қоққанича, бирдан қичқириб қоладики, шўрлик Оқтўш қочаман деб ўмбалоқ ошиб тушади.

Оқтўш журъатсизлигига яраша ўлгудек бўшанг-салга додлайди. Оқбўйин худди мана шунисига ишқибоз, уни ерга босиб эзилашни яхши кўради. Онасининг хотиржам боқишларида ўз қилиғига рағбат сезган сайин ғайрати янаям жўшади, оқибатда, онаси ўртага тушишга мажбур бўлади. Қилғиликни Оқбўйин қилиб, гапни Оқтўш эшитади, бўшашмай кет, лапашанг!

Гоҳида шу иш устига уй эгасининг ўртанча ўғли Расул келиб қолади. Ана унда кўринг томошани. Расул уларни атай ўчакиштиради, яъни Оқбўйинни Оқтўшнинг тагига босиб, ғашига тегади. Бундан Оқбўйиннинг ғазаби шу қадар кўзийдики, тутқиндан бўшалиши билан сакраб туриб, ҳеч бир гуноҳи йўқ инисини тишлаб-тортқилаб кетади. Натижада Оқтўш ташқарига чиқолмай, соатлаб биқиниб ўтиради. Онаси ин оғзида чўзилиб, интиқом ўтида ёнаётган Оқбўйинни ичкарига йўлатмайди, ҳовуридан тушишини кутади. Оқбўйин аламидан Маллага ёпишади. Аммо Малла бўш келадиганларнинг хилидан эмас, «мушт»га «мушт» билан жавоб беради. Айниқса, кечаги жанжал ёмон бўлди. Расулнинг қутқиси билан у Маллани энди тагига босган ҳам эдики, кутилмаганда ўнг оёғи акасининг жағлари орасига тушиб қолди. Жағ эмас, мисоли қопқон, қани энди қўйворса... Ангиллаб юборди. Расул уни ердан кўтариб бағрига босди. Лат еган оёғини силаб-сийпади. Маллани эса тепиб ҳайдади.

Расул бошданоқ Оқбўйинга айрича меҳр қўйган. Оқбўйин буни ўзича ҳис қилган сари тантиқлиги ортади. Аслида эшиқдан кириб келадиганлар орасида энг ғамхўри ҳам Расул эди. Шу боис боланинг келишини Оқбўйин илҳақ кутади. Келавермаса эшик ёнига бориб, ташқарига мўралайди. Тирқишдан кенг ҳовлининг бир бурчаги — ўчоқ боши кўринади, холос. У ердан кунда уч маҳал ялоққа қўйиладиган овқат ҳиди келади.

Товуқ пати жонига теккач, Оқбўйин эшик ёнига борди. Тирқишга тумшугини суқиб ғингишиди. Таниш ҳиддан дарак йўқ, қадам товушлари ҳам эшитилмайди. Расул келмагунча, у эшиқдан нари кетмади, гоҳ ғингишиб, гоҳ акиллаб уни йўқлаб турди.

* * *

Малла олиб кетилган куннинг эртаси пешинга яқин чақин чақиб жала қуйиб берди. Оқбўйин ҳали бунақасини кўрмаган, кўрқувдан юраги ёрилай деди. Ёмғир тинмагунча онасининг пинжидан чиқмади.

Оқбўйин ин оғзида пайдо бўлган каттақон кўлмакка эҳтиёткорлик билан қадам қўйганида, ёмғир тинган, паға-паға оппоқ булутлар орасидан офтоб мўралай бошлаганди. Панжаси сувга тегиши билан Оқбўйин оёғини тортиб олди. Исканди. Четлаб ўтиш лозимлигини фаҳмлади. Шундай қилди ҳам. Намчил ерга чиқиб, қаттиқ силкинди. Шунда ортидан Оқтўшнинг нолакор ғингишгани эшитилди. Угирилиб, инисининг ин оғзида пайпаслашиб турганини кўрди, келавер, деган маънода шўхчан акиллади. Аммо Оқтўш кўлмақдан ўтишнинг эвини қилолмай баттар ғингишиди ва турган жойида тўсатдан шалоп этиб сувга ағдарилиб тушди-да, ортидан онасининг улкан боши кўринди. Онаси Оқтўшга қайрилиб ҳам қарамади, енгил сакраб Оқбўйиннинг ёнига келди. Силкинди. Сўнг меҳр билан унинг тумшугини ялаб қўйди. Уддабурон кимга ёқмайди дейсиз. Мақтовдан талтайиб кетган Оқбўйин лўмбиллаганча инисининг устига бостириб борди. Шусиз ҳам бўлари бўлиб, дейдираб турган шўрликни тўши билан уриб йиқитди. Остига босиб пийпаламоққа чоғланди-ю, тагин раҳми келди, тумшуги билан турткилаб унинг туришига кўмаклашган бўлди. Кейин девор ёқалаб тентиб кетди. Ёмғирдан сўнг ер бетига қалқиб чиққан чувалчанларни кўриб, бир муддат шошиб қолди. Нима бу? Диққат билан кузатди. Исканди. Бошқаларига нисбатан жадалроқ ҳаракатланаётган йўғон, семиз чувалчангини оғзига олди. Туфи-ий, бунча бемаза! Чувалчангдан юз ўгириб, девор ёқалаб юрди. Хашақлар орасидан ёмғирда ивиган бир чақмоқ қанд топди. Қандни кеча Расул олиб келганди. Зўрлаб оғзига тиқиштирмоқчи бўлганида, Оқбўйин бош тортганди. Тошдек нарсани еб бўларканми? Ҳозир эса... аввал исқади, кейин қизиқсиниб ялаб кўрди. Мазаси оғзига ёқиб, тагин ялади. Бирпасдан сўнг қанддан ном-нишон ҳам қолмади.

Оқбўйин қанднинг кайфини суриб, тумшук ялаб турганида, бирдан том бошида тапир-тупир бўлиб кетди-да, алламбало жон ҳолатда бағиллади. У эс-хушини йиғиб олгунча бўлмай, ғазабдан туклари хурпайган, кўзлари бежо қора мушук нақ қаршисига тап этиб тушди. Оқбўйин унинг вазоҳатидан чўчимади, дастлаб ҳайрон бўлди, кейин чилвирдай ингичка думини ликиллатди, ўйнашгиси келди. Бироқ кўтарилган ўнг оёғи ҳавода муаллақ қолди. Мушук таҳдидли «пих-х»лаб, жон ҳалпида деворга сакради,

ивиган тупроқ кўчиб, у ерга йиқилиб тушди. Каттакон суякни оёқлари остига олиб ғажиётган она ит уни зир қува кетди.

Оқбўйин онасининг ҳаракатидан бу жой ёлғиз ўзларига даҳлдор эканини, ўза жонзод қадам қўймоққа ҳақи йўқлигини англаб етди. Шу ваздан том бошида жароҳатини ялаб-юлқийётган тарғил мушукка қараб акилламоққа тушди. Тарғил пинак бузмади, лоақал қиё боқини ўзига эп кўрмади: ғашимга тегмаган сен қолувдинг, кўп акилламай тошингни терсанг-чи!

Шу тарзда бу ёруғ жаҳонда унинг биринчи душмани пайдо бўлди. Мушукни кўрди дегунча тирқиратадиган бўлди. Илк тўқнашувдаёқ бу олифта жониворлардан яхшилиқ чиқмаслигини сезган эди-да.

Оқбўйин акиллашдан чарчаб, яна тимирскилана бошлаганида қия очиқ эшикка рўбарў бўлди. Оралиққа бош суқиб, ташқарига мўралади. Ҳовли юзидаги товуклар диққатини тортди. Бир четда ўша таниш бабақ хўроз ғўдайиб турарди. Оқбўйин қадрдонларини учратгандек алланечук шодланиб улар томон ошиқди. Аммо унинг ташрифи товукларга ёқмади. Хўроз эса очикдан-очиқ таҳдид қилмоққа ўтди. Унг қаноти билан ер супириб, яқинлашма, ёмон қиламан, деган йўсинда жойида чир айланаркан, кетига тисланиб, телмоққа чоғланди. Оқбўйин ярим йўлда саросимада туриб қолди, бегона жойга қадам босганини пайқади.

Бахтига товуклар тезда уни унутишди. Хўроз атрофида уймалашиб, у топган нон бўлагини талашиб-тортқилай бошлашди. Оқбўйин ортиқ чидаб туролмади, беозор акиллаганча тўдага суқилди. Товуклар тўзиб, хўроз чекинди. Оқбўйин нонни искади, кейин чайнаб ютиб юборди.

У ҳовлида эмин-эркин тентиб юраркан, дафъатан ҳушёр тортди. Қулоқларини динг қилди. Узоқ кутмади. Маъраш овози яна такрорланди. У товуш келган томонни тусмоллаб юрди. Қўра эшигига борди. Эшикни тимдалаб, кўкраги билан итариб очди. Димоғига гўнг ва шипир ҳиди урилди. Бурчакдаги темир охур ёнида боғлиқ турган говмушга кўзи тушиб, жойида қотди. Фингшиш аралаш ириллади. Сигир қаттиқ пишқирди, сузмоқ бўлиб бош силкиди. Бунга жавобан Оқбўйин акиллади. Акилла-акиллай изига бурилди. Ошхонадан тумшук ялаб чиқиб келган тарғил кучукни кўриб эринибгина томга сакради. Оқбўйин унга ортиқ эътибор бермади. Нимага деганда, ўзини тинмай таъқиб этаётган сон-саноксиз ҳидлар орасидан туйқусдан таниш ҳидни илғаб қолганди. Ҳид уни тўғри уй эшигига бошлади. Эркаланиб уй эшигини тирнади, фингшиди, акиллади. Аммо Расул чиқмади. Эшикда каттакон қулф осиглиқ эди.

Оқбўйин бирпас искаланиб турди-да, кейин ҳовлини кесиб ўтиб, томорқа эшиги томон йўналди. Ланг очиқ эшикка етаркан, кўзи тушган биринчи нарса чопилган ер ўртасида ниманидир зўр иштаха билан чайнаётган қора мушук бўлди. Уни кўриши билан Оқбўйин бояги учрашувни эслади, ғазаби кўзиди, акиллаганча шудгор оралаб мушук сари югурди. Қора мушук девор ошиб қочиб қолди.

Оқбўйиннинг ғазаби — чин, ҳужуми — пўписа эди. Мабода мушук бироз ҳаяллаганида, олға боришга юраги чопмаган, чор тарафи тераклар билан ўралган бу ерни мушукка даҳлдор деб билган бўларди. Аммо мушук ҳам хўроз сингари у билан пачакилашиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Натижада Оқбўйин ўз-ўзидан ҳовли ва томорқага «хўжайин» чиқиб қолди. Бундан беҳад шодланиб, бор овозда акиллаганча онаси ва инисини чақирди. Бироқ улар қорасини ҳам кўрсатишмади.

Оқбўйин томорқа бўйлаб тентираркан, ариқ ёқасида чумоли карвонига дуч келди. Олдин ҳеч кўрмаган эди, қизиқсиниб кузатди. Искади. Нақ тумшуғига ёпишган уч-тўрт чумолидан базўр қутулиб, токзор оралади. Ғумай баргида ўрмалаб бораётган хонқизини томоша қилди. Искаб кўришдан ўзини тийди. Аммо кўз олдингда турган нарсани искамай ёки пайпасламай бўларканми, у энди оёғини кўтарган ҳам эдики, барг учиди бесаранжом тебранаётган хонқизи уни ҳайратда қолдириб учди-кетди.

Томорқанинг аллақайси бурчида ку-кулаган мусичанинг овозидан ўзига келганда, шундоққина тумшуғи тагида, қоқигул устида болари айланиша бошлади. У ҳамон муаллақ турган оёғини йиғиб, бошини ийдирадиган тарзда бир ён қийшайтириб, унинг ҳаракатларини зимдан кузатди. Болари гулга қўниши билан Оқбўйин панжасини олдинга чўзди. Болари норози визиллаганча ҳавога кўтарилди. Оқбўйин ортидан чопди ва кесакка қоқилиб чуқурчага ағдарилиб тушди. Тушиши ҳамон жонқалпида юқорига тирмашди. Чуқур тубидаги бақалар кўзига алламбалолар бўлиб кўринди. Ташқарига чиқиб ҳам хийла вақт ўзига келолмай турди. Кейин аста чуқур лабига келиб, бир муддат бақаларни томоша қилди. Туфе-ей, бунча совуқ.

Кейин учраган ҳар бир нарсага алаҳсиганча томорқа бўйлаб тентиради.

Бироқ унинг эркинлиги узоққа чўзилмади. Ҳовлида товукларга тегажоқлик қилиб юрганида, дарвозадан кириб келган Кимсан хола қўлига тушган таёқ билан уни қувлади. Буни қарангки, ҳовли одамзодга тегишли экан. Шунингдек, Оқбўйин ўзи билган, кўрган жонзодлар орасида ёлғиз одам боласи билангина ҳазиллашиб бўлмаслигини қўймичига тушган калтак зарбидан сўнг яна бир карра чуқур ҳис этди.

Қишлоққа босиб келаётган фалокатни Оқбўйин тонгдаёқ пайқади. Нималигини фаҳмламаса-да, қишлоқда қиёмат-қойим қўпаётганини ҳис этди. Ҳавода ўзи кўниккан ҳидлардан бўлак милтиқдори ҳиди ҳам анқий бошлаганди. У жавоб истаб онасига термулди. У эса бепарво, овқатга тўйганча хашак устида чўзилиб ётарди.

Оқбўйин бекорга безовталанмаганди. Қишлоққа ит отувчилар оралаган, ҳовлима-ҳовли юриб, «индамас» милтиқлари билан ит зотига қирон келтиришарди. Бу ишга Хидир хира мутасадди эди. Исми жисмига монанд бу одам ит эгаларидан қанча таънадашном эшитмасин, ҳаттоки неча бор калтак емасин, одатини сира тарк этмас, ҳар кўкламда, ўзи айтгандек, юқорининг буйруғини бекаму кўст адо этарди. Буйруқни ким берган, нима учун берган — ёлғиз худога аён. Қисқаси, мағрибда бирор ит касалланган бўлса, машриққача бўлган жамики итларга қирон келарди. Уққа учган итларни кўрган-да, Хидир хира ошқора роҳат қилар, оғзининг таноби қочиб, ялпоқ юзи ҳаддан зиёд хунук тус оларди. Аммо у қанчалик ҳаракат қилмасин, икки-уч ойдан сўнг қишлоқда яна кучук овозлари эшитилиб қолар ва сал ўтмай бу жимитдек жониворлар росмана итга айланарди. Хидир хира эса янги ит отиш мавсумини сабрсизлик билан кутар ва ҳар сафар бу кунни зўр бир тантана билан бошларди.

У қишлоқ бошидаги Абрай чўлоқнинг итини отгандаёқ Оқбўйин хавфни сезган эди. Сезгирлик унга отаси Олапардан ўтган. Ана шу ўткир қобилияти туфайлигина Олапар бу хунрезликдан мана неча йилдирки, омон қолиб келади. Ҳавода порох ҳидини сезиши билан у қирга қочар, ҳафталаб ўша ерда жон сақларди. Лекин зурёди қирилиб кетарди. Эндиликда Оқбўйиннинг бошига ҳам шу бало кўланка солмоқда эди.

Оқбўйин безовталаган сайин ҳавода милтиқдори ҳиди кучая борди, ҳатто яраланган итларнинг аянчли акиллашлари ҳам элас-элас қулоққа чалина бошлади.

Ниҳоят, хавфни онаси ҳам пайқади. Мудроқ кўзларини очиб ғингишиди.

Худди шу пайт эшикдан Расул отилиб кирди. Дарсдан қочиб келганди у. Келасолиб Оқбўйинни бағрига босди-да, сомонхонага ўзини урди. Қишдан ортган сомон устига чиқиб, шифтга қадар тахланган беда боғларидан бирини суғириб олди. Оралиққа Оқбўйинни тиқиштириб, бедабоғини жойига қўйди.

— Жимгина ёт!— деди.

Оқбўйин нима гаплигини тушунмаган бўлса-да, нафас чиқармай ётиш лозимлигини англади. Қоронғида ғимирлай-ғимирлай бир амаллаб жойлашиб олди. Бу ер қуруқ ва иссиқ эди. Беда орасидан алланималарнинг шитирлаши, чийиллаши эшитиларди. Дақиқалар ўтган сари унинг кўнгли ғуссага тўла борди. Қизиқ, илгари ҳеч бунақа бўлмасди.

Расул ҳовлига чиқиб, энгил-бошини қоқар-қоқмас, дарвозада Хидир хира кўринди.

— Сизда бир қанжиқ бор деб эшитдик,— деди у пешвоз чиққан Кимсан холанинг саломини жавобсиз қолдириб.

— Болалари бор, раҳм қилинг,— деди Кимсан хола ялиниб.

— Ит... одамдидики, раҳм қилсанг.

— Болаларнинг отаси эшитса... хафа бўлади-я.

— Мен юқорининг буйруғини бажарадиган одамман. Қўлимда қоғозим бор.

Хидир хира ичкарига қўйишни истамай турган Кимсан холанинг елкаси оша ҳовли юзига бир сира кўз югуртирди-да, сўнг уни четлаб ўтиб, томорқа эшигига юрди. Бўйини чўзиб қаради. Кейин қўшни эшикни итарди.

— Аҳ-ҳа, мана қаерда экан,— деди у хунук ишшайиб.

У ғингишиб ҳура бошлаган қанжиқни мўлжалга олди. Қоқ пешонасидан ўқ еган ит «ванг» деганча оҳиста қулади, бир-икки оёқ силкиб жим қолди. Уйча ёнида ўралашиб юрган Оқтўш ҳеч нарсани тушунмади, жонсиз танани айланиб ўтиб, думини қилпанглатганча Хидир хира яқинига борди. Хидир хира, кўзи кучукда, милтиғини ўқлаётиб, ёнида серрайиб турган шеригига, юзига ҳуснбузар тошган йигитга имо қилди.

— От!

Ит отувчилар эшик оғзида турганлари учун ташқаридагилар ичкаридаги манзарани кўрмас эдилар.

Шериги елкасидан милтиғини олиб, Оқтўшга тўғрилади. Оқтўш баттар қийшанглаб милтиқ милини искади. Бу йигитга қизиқ туюлди шекилли, пиқирлаб кулди. Хидир хира, бўлақол, дегандан сунгина тепкини босди. Оқтўш чийиллаганча думалаб тушди. Уқ тилган тугмачадай тушмуғини ерга ишқаб, ғалати ҳаракатлар қилди. Йигит хохолаб юборди. Хидир хира унга қўшилди. Кулиб турган жойида нақ елкасига тушган зарбдан олдинга мункиб кетди. Базўр ўнглиниб ортига ўгириларкан, эшикда дарғазаб турган Карим подачини кўрди.

— Нега ҳиринглайсан, тинчит!— деди подачи.

Хидир хира ундан чўчирди, шоша-пиша милтиғини ҳамон жон талашиб ётан Оқтўшга тўғрилади-да, отди. Оқтўш бир силкиниб жим қолди.

Карим подачи ўлиб ётган итларни ҳатлаб ўтиб, ин ёнига борди. Эгилиб ичкарига қаради.

— Яна бири қани? — деб сўради ҳайрон бўлиб.

— Яна бормиди? — Хидир хира жонланиб, милтигини ўқлади. Атрофга жонсарак аланглади.— Қани? Қаерда?

Карим подачи Расулга юзланди.

— Арслон қани?

— Қанақа «арслон»? — Бола елка қисди.

— Оқбўйинни сўраяпман.

— Ҳа, уми?.. Отам кеча оқшом бир одамга бериб юборди.

— Бериб юборди?! — Карим подачининг кўзлари олайиб кеди.— Кимга берди.

— Қайдан билай.

— Менга бермай... хи-и, отангни...

— Яшириб қўйган чиқар,— Хидир хира теваракка синчков кўз ташлаб, болага юзланди,— Қаерга яширдинг? Барибир топиб оламиз.

— Яширган бўлсанг, айт,— Карим подачи Расулга яқин келиб, елкасидан тутди.— Қўрқма, бир тукига ҳам қўлини тегиздирмайман.

Бола баттар талмовсиради.

— Айтдим-ку, бериб юборди деб.

Карим подачи сўкиниб-сўкиниб чиқиб кетди. Унга бошқалар эргашди.

* * *

Оқбўйин ташқарида нимадир юз бераётганини ҳис этиб, бирор беш дақиқа жим ётди. Сўнг гўдаклигига борди. Хавфни унутди. Бош сиғарли оралиққа қалласини тиқиб ташқарига интилди. Интилган сайин бедабоғнинг қимирлай бошлаганини сезди. Оёқларига куч берди. Бедабоғ пастга ағдарилди. Оқбўйин қулаб тушишдан базур ўзини тутиб, қуйига боқди. Кейин кетига тисарилди. Бир муддат сомонхона ичкарасини қизиқиш билан кўздан кечирди. Шунда нимқоронғи бурчакда нимадир ғимирлаётганини пайқайди. Бошини у ён-бу ён қийшайтириб тикилиброқ қаради. Жимитдек сичқонча... Сал нарида яна биттаси юрарди. Қизиқиши ортиб, Оқбўйин беихтиёр олдинга талпинди ва сирғалиб пастга думалаб тушди. Ўзини ўнглаб, ошиғич ён-верига аланглади. Сичқонлардан дарак топмади.

Оқбўйин пилдираганча эшик ёнига борди. Тирмалашнинг анча ҳадисини олган эмасми, тирқишга панжасини суқиб эшикни тортқилай бошлади. Шу аснода нақ тумшуги тагидан кирза этиклар гурсиллаб ўтди. Оқбўйин тешикдан мўралаб бир гала ялангоёқларни ҳам кўрди. Акилламоқчи эди, бурчакда нимадир чийиллаб диққатини тортди.

Қадам товушлари тинар-тинмас, эшик оҳиста очилиб, Расул кўринди. Оқбўйинга кўзи тушиб ҳайрон қолди: «Зўрсан-ку,— деди гоҳ кучукка, гоҳ тепага қараб.— Қайтиб тушдинг?»

Оқбўйин думини ликиллатиб, унинг оёқларини искади, ғингшиди. Ташқарига чиқди. Хидир хиранинг гўрига ғишт қалаганча ўчоқ бошида куйманаётган Кимсан холага ҳадикли боқди. Кечагидай қўлига таёқ олиб қувлайди, деб ўйлади. Йўқ, Кимсан хола унга қайрилиб ҳам қарамади, қозон-товоғи билан банд бўларкан, ичкарига қўйма, ҳовлида юрсин, деди.

Оқбўйин ҳовлига чиқиши ҳамон қон хидини туйди. Юраги ғаш тортди. Онаси томон ошиқди. Аммо Расул уни нари ҳайдади. Оқбўйин саркашлик қилиб турмади, писмиқланиб молхона томон юрган бўлди-ю, Расул уйга кириши билан изига бурилди. Доимо ёпиқ турадиган эшик бу гал очик эди. Онаси одатдаги жойида эмас, сал берида, яланг ерда чўзилиб ётарди. У билан ўйнагиси келиб югурди. Аввало қонга беланиб ётган Оқтўшга дуч келди. Искаланди. Кейин турткилади. Иниси миқ этмади. Сарғиштоб кўзлари осмонга тикилганча қотиб қолган, чап кўзи теварагида каттакон пашша айланишиб юрарди. Бу сир-синаотга ақли етмаган Оқбўйин онаси томон талпинди. Уни ҳам шу аҳволда кўргач, ҳайрон туриб қолди. Ботинқирамай акиллади. Аммо онаси шу қадар тош қотган эдики, лоақал бошини кўтарай демади. Оқбўйин ҳали ўлимни тушунмасди. Тушунмагани учун ҳам шумлиги тутиб, онасининг пинжига суқилди, қизғиштоб эмчакларидан бирига оғиз солди. Билади, бундай дамларда онаси тинч ётолмайди, меҳри жўшиб, бошдан-оёқ ялаб-юлқайди.

Бироқ Оқбўйин музлаб бораётган эмчакни қанчалик тортқиламасин, онаси миқ этмади. Шунда у сўнгги чорани ишга солди, этга тишларини ботирди. Майли, онаси оғриққа чидаёлмай, елкасидан ғарчча тишлаб четга улоқтирсин, фақат бу тахлит ётмаса бўлди.

Шу пайт кичкина қўллар уни беозор тутиб, эмчакдан айирди. Расул бўғзига тиқилган йиғини базур ютиб, кучукни ҳовлига олиб чиқди. Эшикни зичлаб ёпиб, ғишт тираб қўйди.

Ҳовлига бутунлай кўчиб ўтгандан сўнг Оқбўйин тезда ҳаммасини унутди. Ҳовлида ўзини тўла хўжайин ҳис этиб, даставал девор ошган қўшни хўрозни қувиб солди. Кейин бир майдон товуклар билан ўйнашди ва то бабақ хўроздан бошлаб тепки емагунча, ҳовли бўйлаб уларни тирқиратиб юрди. Аввалига изза бўлиб чекинмоқчи эди, қарасаки, хўроз яна хезланмоқда. Шунда унинг чинакамига қаҳри кўзида, бу турқи совуқни яхшилаб таъзирини бермоқчи бўлди. Акиллаганча дадил хужумга ўтди. Аммо хўроз бўш

келмади, четга сакраб, нақ бошига иккинчи зарбани берди. Оқбўйин оғриқдан вангиллаб юборди. Лекин чекинишни хаёлига келтирмади. Ириллаган куйи хўрознинг ҳар бир ҳаракатини сергак кузатаркан, бирдан рақибининг ўнг қанотига човут солди, хўроз ўзини ўнглаунча бўлмай, тўлғаб четга улоқтирди. Шўрлик бабақ уч-тўрт юмалаб, зўрға оёққа қалқиди-да, қақақлаганча ура қочди.

Оқбўйин, оғзи тўла пат, ортидан акиллаб қолди. Бу унинг биринчи жанги, биринчи ғалабаси эди.

У ғалаба нашидасини суриб турганида, каттакон темир дарвоза тарақа-туриқ очилиб, бир қоп ун ортилган эшакни олдига солиб ҳовлига Содиқ ака кириб келди. Оқбўйиннинг кўзи кўчага — нотаниш оламга тушди. Эҳ, дунё деганлари бунчалик кенг! У шитобла ўша томонга интилди. Етай деганда дарвоза шарақлаб ёпилди.

* * *

Оқбўйин илк бор кўчага чиққанида, кўклам ўтиб, саратоннинг айни қайноқ кунлари бошланганди. Энди унинг овози раста тортиб, росмана итга айланган, келбатидан киши чўчиғулик эди. Чап қулоғининг чала кесилганию бўйнидаги оқини демаса, тусию турқтаровати қўйиб қўйгандай Олапарнинг ўзи, феъли ҳам — мағрур, сипо, ҳуда-беҳуда акиллавермайди. Яна бир феъли — емиш танлайди, туриб қолган овқатга оғиз урмайди. Суякни яхши кўради, қанддан эса ҳузур қилади.

Шу кунларда Оқбўйин тутқунликдан ҳам кўра иссиқдан беҳад азоб тортарди. Тушга яқин том кўланкаси чекиниб, у офтоб тиғида қолар ва то кун қайтиб, боғдаги тераклар кўланкаси ҳовли юзига тушмагунча жони минг азобда қийналарди. Гоҳида, азбаройи чидаёлмаганидан, тумшугини кўкка кўтариб мунгли увлаб юборарди. Аммо унинг ноласини эшитадиган қулоқ йўқ. Бу пайтда Кимсан хола уйини қоронғилатиб, ширин тушлар кўриб ётган бўлади. Жонига ора кириши мумкин бўлган Расул эса, мана ўн кундирки лагерда. Оқбўйин соя-салқин боғ эшигига илҳақ термулганча қозиқ атрофида беҳол, бемажол айланишдан ўзга чора тополмайди.

Салқин тушиши билан Оқбўйин кундузги азобни унутади, дарвозага алаҳсийди. Бир ойча бурун, сокин тунларнинг бирида даштдан аллақандай итнинг маъюс увлашини эшитгандан буён у дунёнинг кенглигини, нақадар улуғворлигини англаб етган, девор ортидаги ҳаёт сирли кўриниб, дарвозага интилгани-интилган эди. Айниқса, дарвоза очилган кезлари ўзини қўярга жой тополмай қолади: сакрайди, ирғишлайди, акиллайди, ириллайди, гоҳо бўйинини сиқиб турган арқонни ғажийди... халос бўлишга жонжаҳди билан уринади. Дарвоза ёпилгач эса, узала тушади-да, зилдай бошини оёқлари устига қўйиб, эркин бўлишига қарамай ҳовлидан бир одим нари жилмайдиган товукларни ҳайрат билан кузатади, емиш топиб, кўпинча ўзи қуруқ қоладиган хўрознинг қилиғига ҳайрон бўлади. Хўрозни жини ёқтирмайди, ялоғига яқин келса, қувиб солади.

Аслида хўроз туфайли тутқунликка тушганди у. Ўша кунги жанжални Кимсан хола кузатиб ўтирган экан, эри келгач ваҳима кўтарди: «Эр,— деди итга бармоғини бигиз қилиб.— Йўқотинг буни! Бугун хўрозни еб қўйишига бир баҳя қолди. Ҳай-ҳайламасам ебам қўярди. Худо бир асради. Йўқотинг! Қорасини кўрмайин!» Содиқ ака ишонмади, хотин зоти шу, гапни хамирдай кўпчитмаса, кўнгли жойига тушмайди. Хирсдай такани қочирган даканга маймоқ нима бўпти. Бироқ сал ўтмай Оқбўйин яна қовун туширди, ҳовли юзида тинчгина донлаб юрган товукларнинг ўтакасини ёриб, хўрозни тирқиратиб қува кетди. Боз устига, шу кеч Карим подачи тагин келди. Расулни одобсизга чиқариб, яна Оқбўйинни сўради. Бу гал унинг зотини яширмади, бундай ит мингдан битта бўлишини, қўй эмас, кўзи эмас, бутун бошли тана беришини айтди. Рад жавобини эшитиб, кўзи қонга тўлди, «Тирик эканман, итингга кун йўқ»,— деди.

Шундан бери Оқбўйин боғловда. Бошда роса тўполон кўтарди. Кейин кўниккандай бўлди. Кундузги жон ўртар иссиқни демаса, ётар жойи соз — ҳовли бурчагидан чоратроф кўзга ташланиб туради. Зерикканда нимагадир алаҳсиши мумкин, айниқса, ҳовлида одам бўлганида тутқунлиги эсидан ҳам чиқиб кетади.

Бугун офтоб шу қадар забтига олдики, ортиқ бардош беришга Оқбўйин ўзида бўлак куч топмади. Фингшиди, ангиллади, акиллади, уч-тўрт бор кўкка боқиб чўзиб-чўзиб нола қилди. Кейин қутилмаганда қутириб, арқонга ташланиб қолди... Бироздан сўнг ҳоври пасайиб, бундай қарасаки, арқон узилай деб қопти. У бундан қутилмоқнинг имконини кўрди, яна арқонга оғиз солди, гўё суяк чайнагандай жонжаҳди билан чайнади-тортқилади, чайнади-тортқилади. Илкис бир силтовдан арқон чирт узилди. Ярим қулоч арқонни судраб томорқа эшиги томон йўналди. Ичкарида, ажриқ босган ариқчада бағрини захга бериб қатор тизилишиб ётган товуклар ёнида ғўдайиб турган хўроз уни кўриб ташвишга тушди. Оқбўйин унга эътибор бермади. Аллақандай хашаки жониворларга элакишадиган вақтдан ўтган, кўзи токнинг қуюқ кўланкасида, салқинда чўзилиб ором олиш истагида эди. Аммо томорқа эшигига етар-етмас, бирдан кўнгли кўчани тусаб қолди-да, изига қайрилди. Дарвоза ўртасидаги мўъжазгина эшикни туртиб очиб, ташқарига чиқди.

Кўчада жон асари кўринмас, сукунатни ариқдан оқаётган сувнинг шилдирашигина

бузарди. Оқбўйин чанқовини қондиргач, тумшуқ ялаб, кўчанинг ҳар икки тарафига қизиқсиниб назар солди. Унг ёндаги кўча адоғидан дала кўзга ташланарди. У ўша томонга юрди. Кўп ўтмай бийдек даштга чиқди. Узоқда кўнғир қирлар ястанган, ундан нарида тоғлар... бериоқда фермаҳона томи оқариб турарди. Ўша тарафдан итнинг эринибгина акиллагани эшитиларди.

Фермаҳонани қора тортган Оқбўйин энг четдаги ҳовли томондан ўқдек учиб келаётган қора итни кейин пайқади. Дастлаб унга нисбатан душманлик сезмади, ҳатто уни учратганидан бироз қувонгандай ҳам бўлди. Сокин тунлари қулоғига чалинган ит озовини эслаб, ғингшиди. Бироқ ит яқинлашган сари унинг вазоҳати бўлакчалигини, қўйиб берса, еб-ютиб қўйишга чоғи борлигини фаҳмлади. Нима қиларини билмай бир муддат саросимада турди-да, сўнг жанжалга тоби йўқлигини билдириб, таҳдидли ириллади. Ириллаган қўйи йўлида давом этаркан, судралиб келаётган арқонни босиб мункиб кетди. Бу орада жуда яқин келиб қолган қора ит унинг чалғиганидан фойдаланиб кўкси билан уриб ўтди. Оқбўйин ағдарилиб тушди. Оёқлаб улгурмай, қора ит унинг хотига чанг солди. Жони оғриган Оқбўйин вангиллаб юборди, ортиқ сусткашлик ҳалокат билан яқунланишини идрок этди. Қони қизиб, ғазаби қўзиди. Безбет бу махлуқнинг адабини бермоқ ниятида сапчиб ўридан турди.

Зум ўтмай қаршида жунлари ҳурпайган, вазоҳати ғоят даҳшатли бир йиртқични кўрган қора ит ҳаялламай чекиниш лозимлигини англади. Аммо энди вақт ўтган эди. Ўгирилишга ўлгурмай нақ яғринига Оқбўйиннинг ўткир тишлари ғарчча ботди. Бир пайтлар ҳўрози силкигандай, Оқбўйин уни икки-уч тўлғаб таппа тагига босди. Энди томоғидан олай деганда, қўлида узун калтак, ҳай-ҳайлаганча югуриб келаётган кишини кўрди. Алаҳсиди. Қора итга худди шу нарса керак эди, даҳшатли жағ бўйнидан узилиши ҳамон жон ҳалпида тура солиб қочди. Эгасининг қаватиға кириб, қайта ҳужумга ўтди. Аммо Оқбўйин ортиқ пачакилашиб ўтирмади, лукиллаганча йўлида давом этди. Ён-верига тап-тап келиб тушаётган тошу кесакларга парво қилмади. Тошлардан бири қўйимчиға теккандан кейингина қадамини тезлатди. Шу кетишда ялангликда тўнтарилган дўппидеккина бўлиб турган янтоқзор дўнгликка етиб, бироз нафас ростлади. Ҳадиксираб ортига ўгирилганда, қора ит том соясида чўзилиб ётар, эгаси кўринмасди. Сой томондан бир тўп бола чуғурлашиб келарди. Қишлоқдан елиб чиққан юк машинаси уларни чанга кўмиб ўтди.

Кўриб турган нарсалари Оқбўйинга жуда қизиқ эди. Шу боис ҳар бир қорани диққат билан кузатар, айниқса, отлиқ чол ортидан гижинглаб, иргишлаб бораётган кўнғир-тоб тойчоқ унинг эътиборини жалб этди. У тойчоқнинг ҳаракатларига маҳлиё бўлиб турганида оёғи остида нимадир шитирлагандай бўлди. Оқбўйин чўчиб нақ бир газ тепага сапчиди. Сапчиш мобайнида билонглаб қочаётган каттакон сариқ илонга кўзи тушди. Ё, қудратингдан, бу нимаси бўлди? У қизиқсиниб илоннинг изидан тушди. Ётай деганда диққатини сертиканак жонивор тортди. Типратиканлар тўртта эди. Мунчоқдай қоп-қора кўзларини жовдиратиб, чор тарафга ўрмалаб чопардилар. Оқбўйин енгил сакраб, бирининг олдини тўсиб чиқди. Типратикан уни баттар лол қолдириб коптокдай юмалоқланиб олди. Тумшуғига тикан санчилиб Оқбўйин вангиллаб юборди. Қайта искаланмоққа юраги чопмай, аланглаб илонни қидирди. Аммо у ерга синггандай ғойиб бўлганди.

Тинч ва сокин туюлган дўнгликда ҳаёт шу қадар қайнаб-тошардики, Оқбўйин эътибор қилган сайин ҳайрати ошиб борарди. Гўнг-копток юмалатиб бораётган гўнгкўнғизга алаҳсийман деганда, диққатини бадбашара келтакесак бўлар, уч-тўрт одим ташлар-ташламас, чумоли карвонига дуч келар, сал ўтмай дала сичқони чийиллаб қоларди. Чигирткаларни-ку сон-саноғи йўқ эди...

Оқбўйин бу ҳаётга тез кўникди. Уларга ортиқ эътибор бермай қўйди. Янтоқлардан холи ерга чўнқайиб, теварак-атрофни кузата бошлади. Фермаҳона томонда ит ҳурди. Овозида тажанглик акс этарди. Қора ит аламзада оҳангда жавоб қайтарди. Ўртадаги мулоқотга қулоқ тутиб турган Оқбўйин фермаҳонадаги итнинг ёвқур табиатини ҳис этди. Келбатини тасаввур қилолмаган сайин унга нисбатан қизиқиши орта борди. Узоқдан бўлса-да, турқини бир кўриб қўйгиси келди.

У фермаҳона томон йўртиб кетди.

Манзилга ярим қақиримча қолганда, фермаҳонадан қора бир шарпа ажралиб, ғазабли акиллаганча ўқдек учиб кела бошлади.

Карим подачи тўғри башорат қилган эди, Малла ниҳоятда қопағон итга айланган, ферма ва ферма атрофига тирик жонни доритмасди.

Табиий, тўғишганлар бир-бирини танишмади. Бу мумкин бўлмаган ҳол эди. Нимага деганда, ит зоти ҳам барча бошқа жониворлар каби она бағридан узилиши билан қон-қариндошларини унутади. Она бағрида кечган дамлар ўтмиш қаърига қайта эсланмайдиган бир тарзда сингиб, йўқликка юз тутади. Вақт ўз ҳукмини тез ўтказди... Мабодо танишганлари тақдиридаям ҳеч нарса ўзгармасди. Малланинг ўз йўи, ўз олами бор — Карим подачи, ферма ва унинг атрофидаги ерлар... шундан бошқаси энди унга бегона. Ўз «мулк»ида тинчгина яшашдан ўзга нарсани истамайди. Ғашига тегмаса, биров билан иши йўқ. Лекин тинчини бузганни аямайди. Ахир «мулк» эгаси бўлгунча озмунча ку-

рашдими?! Аввалига ўрта кўчадаги Бўйноқ билан қирпичоқ бўлишига тўғри келди. Кейин боя Оқбўйинга ҳамла қилган қора ит билан ташлашди. Охирида қўшни қўтон итлари билан беомон жанг олиб борди. Ҳозир улар Малланинг «мулк»ига даҳл қилишмайди. Шунча жангу жадал билан қўлга киритилган ерида аллақандай бир итнинг бемалол тентиб юришига албатта у чидаёлмайди. Ҳозир бориб шундай бир адабини берсинки, қайтиб бу томонларга доримайдиган бўлсин.

Одамларни истисно қилмаганда, Малла ҳар қандай «келгинди»ни тезда тартибга солиб қўяди. Фақат одамзодгина унинг тартибига бўйсинмайди. Аниқроғи, итларнинг ҳаёт тарзини биз тушунмаймиз. Тушунмаганимиз учун кўпинча итга таланиб юрамиз. Ер умумийдек туюлса-да, аслида у жониворлар томонидан кўз илғамас чегараларга бўлинган. Ҳар бир «мулк»да қатъий тартиб ҳукм суради. Тартибни ким ёки нимаики бузса, у ўша «мулк» эгасининг қаттиқ қаршилигига дуч келади. Эътибор берган одам уй итнинг хуружи дарвозадан ўн-ўн беш одим берида тийилишини пайқаши қийин эмас. Демак, ҳовлига кўча юзигача бўлган маълум бир масофа ўша итга тегишли. Қўтон итларининг сарҳади эса бир мунча кенгрок. Шу сабаб кўринган қорага улар бир қақиримдан от қўяди. Малла ҳам шулар тоифасидан.

Арлони итларнинг йўриғи эса бутунлай бўлак. Улар ҳуда-беҳудага «ёқалашиб» юрмайди. Лекин уларнинг сарҳади ниҳоятда кенг бўлиб, одамзодга даҳл қилмаган ҳолда ўз «мулк»идаги жамики жониворга зимдан ҳукмини ўтказиб келади. Оқбўйин айнан ана шундай итлар жумласидан. Аммо ҳозирча у фақат ўз ҳовлиси билан чегараланган бўлиб, эрксизлик Оқбўйиннинг ўз имкони ва қудратига яраша ҳаракат қилишига изн бермай келарди.

Малланинг важохатини кўриши билан Оқбўйин бегона жойга қадам қўйганини фаҳмлади. Ҳайбатли бу махлуқ билан беллашмоқ осон кечмаслигини сезиб, ими-жимидан изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Лекин ички нимадир бунга ройиш бермади. Ер тирнаб, хурди. Агар Малла ҳа дегунча от қўймай, пўписа қилганида, Оқбўйин жўнаб қолиши мумкин эди. Тўполонга тоби йўқ, шу тобда у ташқи дунё таъсирида эди. Аммо энди Малланинг хуружи иззат-нафсига теккан, ора очди қилмасдан туриб, изига қайтишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Оралиқ масофа қисқарган сайин Малланинг ҳайрати ошиб борарди. Нимага деганда, ўз тасарруфидаги бу ерга билиб-билмай қадам қўйган ҳар қандай ит унинг қорасини кўриши билан жуфтани ролларди. Буниси эса қочиш ўрнига гўдаиб турибди. Келгиндини қонига белаш қасдида олиб келаркан, Малла ўта хавфли рақибга рўбарў келганини жуда кейин англади. Аммо энди қайтиб бўлмас, ҳатто бу ҳақда ўйлашнинг ўзи даҳшат эди. Энди бу ёғи таваккал, чекиниш йўқ. Чекингандан кўра ўлмоқ афзал.

Оқбўйин Малла ҳам қора ит каби забт билан уриб ўтади, деб ўйлади. Аммо итлар билан олишавериб пишиб кетган Малла етти-саккиз одим қолганда таққа тўхтади. Ҳазабдан қанчалик кутурмасин, у бундай дамларда ақлини йўқотмасди. Пайт пойлаб туриб рақибининг нозик жойига човут соларди. Боз устига, Оқбўйин бутун вужуди жангга ҳозир ҳолда унинг ҳар бир ҳаракатини ўта сергаклик билан кузатарди. Малла паст овозда ириллаганча унинг атрофини бир айланиб чиқди. Оқбўйин қилт этмади. Малла иккинчи қўр айланишида, кутилмаганда чап томондан ташланиб қолди ва Оқбўйин ўзини ўнглагунча бўлмайд қулоғи остидан бир парча этни узиб олди. Оқбўйин қутириб унинг томоғига чанг солди. Бироқ Малла эпчил эди. Оқбўйин қай томондан қай тахлитда ҳужум қилмасин, унинг ўткир тишларига дуч келарди. Дақиқа ўтмай Оқбўйин уч-тўрт жойидан яраланди. Рақибининг эса, бир тукига ҳам зиён етмади. Охири оқибат Оқбўйин рақибини чалғитмасдан туриб, бир иш чиқаролмаслигини англаб етди. Аммо чалғитиш учун қилган барча уринишлари зое кетди. Малла ҳийлагарликда ҳам устун эди, Оқбўйиннинг ҳар бир ҳамласига жавобан унинг баданида катта-кичик жароҳат изларини қолдирарди.

Охири Оқбўйин бўлак ҳийлани ишга солди. Тикка ҳужумга ташланган бўлиб, Малла ўзини четга олиши билан яшин тезлигида қуйига шўнғиди-да, унинг орқа оёғига човут солди. Бақувват жағлар орасида суякнинг қарсиллаб сингани эшитилди. У жағларини бўшатмай илкки сакраган эди, рақибни тўпиллаб остига келиб тушди. Бўғзига оғиз солган жойида Малла аянчли ангиллаб юборди. Итнинг ангиллагани-енгилгани. Оқбўйин енгил тин олиб четланди. Ортиқ ҳужумни ўзига эп кўрмай, Малланинг уч оёқлаб қочишини кузатиб қолди. Кейин ғолибона ҳуриб, тевааракка мағрур назар ташлади. Дала-дашт энди унинг тасарруфига ўтган, ер эгаси эса шармандаларча қочмоқда эди.

Карим подачи фермаҳона биқинидаги уйчадан милтиқ кўтариб чиқиб, оти томон юрганда, Оқбўйин бир-бир босиб қирга томон борарди. У Оқбўйинни таниди. Лекин отишга қўли бормади. Отга етган жойида фикридан қайтиб, энсасини қашиганча итнинг изидан тикилиб қолди.

* * *

Оқбўйиннинг занжирбандлиги Расул лагердан қайтгунга қадар давом этди. Занжирга у Малла билан талашиб-тортишган куниёқ тушди.

Расул қайтган куннинг эртасига Содиқ ака анчадан бери азоб бериб келаётган оёғини даволатгани санаторияга жўнаб кетди. У дарвозадан чиқар-чиқмас, Расул итнинг қошига келди. Қанд умидида тумшук ялаб, дум силкиётган Оқбўйин бўйнидаги оғир темир ҳалқа бўшаганини сезиб, ҳушёр тортди. Сал ўтмай темир ҳалқа оёқлари тагига шарақлаб тушгач, бутун вужудида энгиллик туйди. Халос бўлганига ишонгиси келмади шекилли, ботинмайроқ олдинга бир одим ташлади. Одатдаги қаршиликни сезмагач, яна бир қадам босди. Тўхтаб ортига ўгирилди, ерда илондай чуваланиб ётган занжирга қараб қўйиб, улкан қоматини чўзганча ҳузур қилиб керишди.

Содиқ акани кузатиб, дарвозадан қайтиб кирган Кимсан хола бу ҳолни кўриб ажабланди.

— Иби, нима қиляпсан? Товуқларни битта қўймай қирсин, дедингми?

— Товуқларингизга тегмайди, эна,— дея Расул унга ёлворувчан тикилди.— Мана кўрасиз, тирноғини ҳам тегизмайди.

— Отанг кетиб... Сулаймон ўлди, девлар қутилди бўпти-да, а?! Қани, кўп шитирамай, итни жойига боғла! Йўғасам, ҳозир тоғанга айтиб, изини қуритаман.

— Товуқларингизга тегар бўлса, ўзим изини қуритаман,— деди ялиниб Расул.— Бир гал қўйиб кўрайлик...

— Бас, кўп гапирма!

— Хўп дея қолинг. Мана кўрасиз, айтган ишингизни ҳаммасини қиламан.

Ўртадаги можаро ўзи туфайли эканини Оқбўйин дарров фаҳмлади. Доимо нимадандир норози, сира чакаги тинмайдиган бу аёлга адоватли тикилди. Бир хаёли вовуллаб қўрқитмоқчи ҳам бўлди. Аммо унинг қўлидан еган овқатлари эсига тушиб, ўзини босди.

Расул дам-бадам қанд билан сийласа, аёл эрта-кеч овқатига қарайди, сувидан хабар олади. Баъзиларга ўхшаб таъбига ёқмаган нарсаларни тиқиштиравермайди. Онда-сонда бўлса-да, яхши сўзини аямайди. Фақат бир айби — товуқларни ер-кўкка ишонмайди. Фаросатсиз бу махлуқларнинг дастидан кунда ҳовлини икки-уч қайта супуриб-сидирса-да, уларга меҳри шу қадар баландки, ўлақолса симтўрни раво кўрмайди. Тутқунликда товуқнинг тухуми бемаза, тўши этсиз бўлармиш. Бу гап қанчалик ҳақ, қанчалик ноҳақномаълум, лекин товуқлар туфайли уйда бот-бот жанжал чиқиб туради. Содиқ ака баъзида тўсатдан тутақиб, товуқларни ҳовли четидаги симтўрга ҳайдаб қолади. Кимсан хола ҳай-ҳайлаб ўртага тушади. Бунга сари уй эгаси баттар бўғилади: «Буларнинг дастидан ҳовли юзига оёқ босиб бўлмай қолди-ку, — дейди товуқ тезаги ёпишган оёғини ерга ишқаб. — Гап шу, ё симтўрда асрайсан, ё ҳаммасини битта қўймай қираман, сўяман, тамом-вассалом.» Кимсан хола: «Бозорда бир чакса гўшт фалон пул... кунимизга яраб турган шулар-ку», дея шартта оғзига уради. Ғазабдан қизариб-бўзариб турган Содиқ ака бирдан ҳалимдек юмшаб, лекин шу... ҳовлини пес қилгани ёмон-да, деб қўяди. Жанжалнинг интиҳоси кўпинча бир товуқ билан якун топади. Эти уларга, суяги Оқбўйинга. Товуқ устихони мўрт, чайнаб улгурмай оғзида эриб кетади, Оқбўйин суяк чайнагандай бўлмайди, сўлак оқизгани қолади, холос. Шунга қарамай, товуқ зотига бежо қараш яхшиликка олиб келмаслигини Оқбўйин аллақачон англаб етган ва шу сабаб уларга тирғалмасликка тиришади.

Ҳозир ҳам Расулга эргшиб, дарвозага йўналаркан, товуқлардан узоқроқ юришга интилди.

Кўчага чиқиши билан водопровод ёнида бир тўп қизларни кўриб саросимада қолди. Бунча одамни умрида биринчи бор кўриши эди. Дафъатан ўзини тошбўрон қилган кимса эсига тушиб, вовулламоқчи бўлди. Аммо аллақачон кўча ўртасига етган Расул чакириб, диққатини бўлди. Оқбўйин қизларнинг безиёнлигини пайқаб, хийла хотиржам тортди, Расул томон юрди.

Хиёл ўтмай кўнглидаги ҳадик батамом ариди. Негаки, ўткинчилар беозор эди. Ҳатто чоғроқина эшик ёнидаги ўриндиқда ўғилчасини тиззасига олиб ўтирган баҳайбат бир йигит уна эркалаб чақирди, боласига кўрсатиб алланималар деди. Бунга жавобан Оқбўйин думини ликиллатиб қўйди.

Салдан сўнг қишлоқ биқинидаги тутзор оралаб бориб, бийдек бедапояга чиқдилар. Орқароқда қолган Оқбўйин суви қуриган ариқдан ҳатлаши баробар ҳайратдан донг қотди. Не кўз билан кўрсинки, қаршисида ўзга бир олам ястаниб ётарди. Ҳавода хушбўй пичан ҳиди анқир, тоғ бўйи пичан ортилган олисдаги машина атрофида одамлар уймалашар, чап тарафдаги пахта пайкалидан аёлларнинг шовқини эшитиларди. Йўлда лойга тикилиб қолган трактор ёнида бир йигит қўл сермаб шийпон томондаги кимнидир кўмакка чақиради...

Расул бедапоя четидаги яккам-дуккам йўнғичқаларни шатир-шутир ўра бошлагач, Оқбўйин манзилга еганини англади. Тут соясига бориб чўзилди. Чўзилиши ҳамон боланинг нимадандир қаттиқ хавотирда эканини пайқади. Сергак тортди. Аммо бироздан сўнг оғир юк остида базўр ўрмалаётган машинага алаҳсиди. Янги оламнинг бу ғалати мўъжизаси унга жуда қизиқ туюлди. Унинг бир зайлда гувиллаши қулоғига ёқмай, пишқириб қўйди. Бир пайт машина оғир чайқалиб улар томон бурилди. Оқбўйин ирғиб ўрнидан турди. Тишларини иржайтириб ириллади. Ҳайтовур машина ўнга қай-

рилди. Дала четидаги йўлга бир амаллаб тушиб олди-да, ортидан қуюқ чанг кўтариб паства эниб кетди. Оқбўйин унинг нималигига ақли етмай қолаверди.

Машинанинг уни ўчгач, Оқбўйин боя йўлда илашган, хиралик қилиб ҳоли-жонига қўймаётган каттақон кўкпашша билан андармон бўлди. Тўтзордан чиқиб келган отлиқни кеч илғади. Бошда эътибор бермади. Сўнг қарасаки, отлиқнинг келиши бежо. Бунинг устига, Расул ранг-қути учган кўйи ўрган ўтини ошиғич ийғомқда эди.

Шитоб билан келган қоровул тутақиб сўкинганча Расулга қамчи ўқталди. Кейин от устидан эгилиб, узун пичоғи билан арқонни кесиб юборди. Боғлам от оёғи остида топталиб, ҳар томонга сочилиб кетди. Шундан кейингина Оқбўйин ҳали Расулнинг нимадан хавотирланганини фаҳмлади. Ётган жойидан ўкдек отилиб чиқди. От ҳуркиб, қоровул эгардан учиб тушай деди. У ўзини базўр тутиб қоларкан, ғазабдан афти қий-шайиб, юган қайшини кескин тортди-да, итнинг устига от солди. Оқбўйин ер тирнаб, нақ от бўйи сакради. От кўрқувдан пишқириб юборди. Иккинчи ҳамладан сўнг шаталоқ отиб қочди. Эгасининг барча уринишлари бесамар кетди.

Оқбўйин уларни дала четигача қувлаб борди.

Шу соатдан эътиборан Оқбўйин боланинг яқин ҳимоячисига айланди. Ундаги бу хусусият табиий майл туфайли юзага келганди. Нимага деганда, жониворлар, айниқса, ит зоти кимгадир меҳр қўймасдан яшолмайди. У атрофидагилардан бирини танларкан, умр бўйи бор меҳру садоқатини ёлғиз ўша одамга бағишлайди. Албатта, бунинг учун аввало унинг муҳаббатини қозонмоқ лозим.

Итнинг болага меҳри қанд туфайли эмасди. Агар гап егуликда бўлса, эрта-кеч томоғига қарайдиган бирдан бир одам Кимсан хола эди. Аммо ҳамма гап шундаки, аёлнинг бутун хатти-ҳаракатида миннат, энг ёмони, зарурият сезилиб туради. Содиқ ақанинг муносабати ҳам шунга яқин. Фақат Расулгина болаларча меҳр билан севади уни. Сўйкалишни жинидан ёмон кўргани туфайли Оқбўйин баъзан ўз меҳрини қай тарзда ифода этишни билмай қийналарди. Бугун эса шунга имконият туғилди ва бундан бутун вужуди беҳад яйради. Илк бор ўзининг кимгадир кераклигини ҳис этди.

Шу тариқа Расулга тирғаладиган кимса Оқбўйиннинг ўтли ғазабига дуч келадиган бўлди.

Орадан уч кун ўтиб, ўзидан кичик болаларга зуғум қилишни яхши кўрадиган Абдували качал буни ўз бошидан кечирди.

Улаш бобонинг томорқаси адоғидаги қуриган ариқ болалар тўпланиб турадиган жойлардан бири эди. Ариқ туби майин кум, сал кавланса намланади. Нам қумдан ҳар турли шакллар ясаш мумкин. Расул қумдан ғаройиб қасрлар яшашни яхши кўрарди. Бугун ҳам у ўртоқлари билан антиқа қаср ясаб, теварагини девор билан ўради. Навбат дарвозага келганда, ариқ лабида Абдували качал пайдо бўлди. Анча нарида бағрини қумга бериб ётган Оқбўйинни пайқамади, совуқ тиржайганча тўғри қаср устига сакради. Ҳозиргина болаларнинг кўзини яшнатиб турган қаср ер билан яқсон бўлди. Бошқалар юрак бетлаб бир нима дейишолмади-ю, лекин Расул чидаб туrolмади, Абдували качалнинг биқинига боплаб мушт туширди. Абдували качал, вуй, знангни, дея уни қумга босди. Ва қутилмаганда кўзи тепага кетиб, бўкириб юборди. Кейин думбасини чангаллаганча қочиб қолди.

Тушдан сўнг Расул итни чўмилишга олиб борди. Соё соҳилида болалар ғужғон эди. Оқбўйин болалардан ҳадик олиб берида қолди. Чўнқайганча болаларни ҳайратомуз кузата бошлади. Болаларга алаҳсиб, Расулни кўздан йўқотди. Хавотирли фингшиганча атрофга аланг-жалаң қаранди. Аммо катак кўйлакли бола ҳеч қаерда кўринмасди. У безовталаниб вовуллаб юборди.

— Оқбўйин, бери кел.

Оқбўйин таниш овоз келган томонга ўтирилди. Буни қарангки, Расул ярим яланғоч ҳолда шундоққина қаршисида турган экан. Оқбўйин тинчланди. Яна йўқотиб қўйишдан чўчиб, ундан кўзини олмади.

Расул чоғиб бориб сувга калла ташлаганда, у тагин безовталанди. Расул ҳадеганда кўринавермагач, югуриб соё бўйига келди. Бола ўн-ўн беш қулоч нарида бир кўриниш бериб, яна ғойиб бўлганидан сўнг, у ўзини сувга отди. Оқбўйин умрида сузиб кўрмаган, сув юзига қалқиб чиққанида, дастлаб нима қиларини билмади. Кейин оёқларини беихтиёр ҳаракатлантириб, тумшугини олдинга чўзганча жон-жаҳди билан суза кетди. Шиддатли оқим уни қуйига суриб борарди. Кўп ўтмай соё ёйилиб оққан жойда тиззасигача сувга ботиб турган Расулни кўрди. Салдан кейин оёқлари ерга тегиб, у енгил нафас олди. Болага эргашиб соҳилга чиқди.

Оқбўйиннинг бу қилиғи ҳамманинг эътиборини тортган эди, бир зумда атрофини болалар ўраб олишди. Юраклироғи ботиниб-ботинмай силаб-сийпашга ҳам улғирди.

Тезда у болалар билан элакишиб кетди.

Шу зайлда унинг кунлари бир хилда, лекин нашъали кеча бошлади. Пешингача ўт юлишга боришади. Кейин бошқа майда-чуйда юмушлар. Айни тушда чўмилишга жунашади. Баъзан у ерда кечгача қолиб кетишади. Кундалик сайр ва совуқ сувдан Оқбўйиннинг мускуллари тобланиб, бақувватлаша борди. Кўркам келбатини кўрган одам ундан кўз узолмай қоларди.

Сўнги пайтларда Оқбўйин ўзига нисбатан ғаразли қарашларни ҳам илғай бошлади. Биринчи — қоровул, иккинчиси — Карим подачи. Карим подачи қоровул каби очиқдан-очиқ адоват билан тикилмаса-да, боқишларида пинҳона ҳасад ва ғазаб яширин эди. Аввалига подачи Оқбўйинни ўзига йдириб олишга уриниб кўрди-ю, ҳаракатлари бекор кетгач, кўйинига тош солди, ҳар кўрганда, ҳап сеними, дея ич-ичидан янадиган бўлди. Оқбўйин эса мутлоқа бепарво, кунларини мағрур ва масрур ўтказарди. Бора-бора қишлоқдаги жамики итларни ўзига бўйсиндириб олди. У бор жойда ҳар қандай ит думини қисарди.

Шунга қарамай, Оқбўйиннинг ғашига тегадиган нарсалар ҳам йўқ эмасди. Кундузлари-ку унчалик билинмасди-ю, лекин кеч тушиши билан Малланинг акиллашлари барала эшитиларди. Овозида дағдаға, дағдағадан ҳам кўра таҳдид оҳанги кучли эди ва бу нарса Оқбўйиннинг ёмон жиғига тегарди. Бориб овозини ўчирмоққа ҳарчанд уринмасин, болани ёлғиз ташлаб кетолмасди. Назарида, ҳовлидан бир одим нари жилиши билан болага бирор кори-ҳол бўладигандек туюларди. Ундаги бу жонсараклик Расулнинг тайин-бетайин қилиқлари туфайли юзага келганди. Сабаби, ити қаватиға кирганидан бери бола тенгқурларинигина эмас, ҳаттоки ўзидан бир неча ёш катта болаларни ҳам менсимай кўйганди. Ёнида ҳар лаҳзада шай ити турганидан кейин ким ҳам юрак бетлаб бир нима дея оларди. Аммо шунга қарамай, гоҳида унинг ҳам адабини бериб туришарди...

Айниқса, ўтган ҳафтадагиси ёмон бўлди. Абдували качал анчадан бери Расулга кек сақлаб юрарди, кутилмаганда мактабнинг ёнида йўлини тўсиб чиқди. Албатта, бет бўлишдан аввал ўнги-сўлига қараб, Оқбўйиннинг бор-йўқлигини аниқлади. Бу пайтда Оқбўйин муюлишдаги дарвозахонадан югуриб чиққан момик пахтадек оппоқ, жимитдек кучукчанинг журъатидан, аниқроғи, безбетлигидан ҳайрати ошганича кўча бўйидаги сомон ғарами ортида турарди. Бир туртгулик ҳоли бор жониворнинг чиранишларини қизиқсиниб кузатаркан, туйқусдан узоқдан Расулнинг бўғиқ қичқирини эшитди. Жон ҳалпида ўша томонга югурди. Нақ тумшуги тагида ўралашаётган кучукча унинг эпкинидан ўмбалоқ ошиб кетди.

Абдували качал қоровулхонага бекиниб базўр қутулиб қолди.

* * *

Ниҳоят бу кеч унинг сабри тугади. Супада ухлаб ётган болани кўзи қийиб-қиймай, девор ошиб кўчага чиқди. Кўчадан далага. Катта ариқ бўйига етиб бир зум тўхтади. Ариқдан нарёғи Малланинг тасарруфидаги ерлар. Худди шуни таъкидлагандек, ферма-хона томондан Малла ҳурди. Овозида ишонч, якка ҳокимликка ҳос турли оҳанглар қоришиқ эдики, айнан шу нарса Оқбўйинни ферма-хона томонга тортарди.

Тун ойдин. Малла қишлоқдан узилган қорани узоқданоқ пайқади. Овозига ҳайрат инди. Қизиқ, унинг ерига қадам қўймоққа журъат этган ким бўлди экан? Азбаройи тутақанидан бўғилиб қолаёзди. Қутуриб олға интиларкан, ярим йўлга етмай беихтиёр тўхтади. Қайси кўз билан кўрсинки, қаршисида ҳов бирда оёғини синдирган баҳайбат махлуқ келарди. Малла талвасада туриб қолди. Жон ширин, лекин жондан ҳам... Йўқ, ўз ерида бегона итнинг эмин-эркин юришини кўргандай кўра... Зора қайтиб кетса, деган умидда Малла ер тирнаб жон-жаҳди билан ҳурди. Бироқ рақиби пинак бузмади, лоқал ириллашни ўзига эп кўрмади.

Малла нима қиларини билмай таҳлика оғушида тураркан, шу пайт ферма-хона томондан эшикнинг ғижирлаб очилиб-ёпилгани элас-элас эшитилди. Шунда у бирдан енгил тортди. Рақиби кўзига ортиқ даҳшатли кўринмай кўйди. Нима қилишини у энди яхши билади. Оқбўйинни чалғитиб ферма-хона биқинидаги уйча яқинига олиб борса бўлди, қолганини Карим подачи эплайди. Ҳафта бурун кўшни қишлоқдан улоқиб келиб қолган каттакон сариқ итнинг куни ҳам шу тариқа битган эди...

Малла калта-калта ҳуриш билан Карим подачини воқеадан огоҳ этганича, секин-аста чекина борди.

Оқбўйин-содда, фирибни сезмади. Интиқом туйғуси вужудини шу қадар забт этган эдики, пастак эшикнинг қия очилганини кўрса-да, эътибор бермади. Маллани деворга сиқиб бораркан, одатдагидек, ҳамла олдиндан бир зумга тўхтади. Шу дам эшик оғзида ўт чақнаб, ўқ овози қарсиллади. Яғринига чўғдек қадалган зарбдан Оқбўйин йиқилди. Димоғига ўша таниш милтиқ дори ҳиди урилиши билан даҳшатга тушиб, сакраб турди. Оғриқдан ҳам кўра кутилмаган бу ҳодисадан кўрқиб кетган Оқбўйин рақибининг аёвсиз таловлари остида шармандаларча қочди.

* * *

Баданидаги тиш излари тез битиб кетди-ю, лекин ўқ тешган жароҳатига қурт тушиб, беҳад азоб чека бошлади. Овқатга қарамай кўйди. Ун кун ичида аввалги келбатидан асар ҳам қолмади.

Ота ҳали қайтмаган, онанинг ит билан иши йўқ, ёлғиз Расулгина унинг дардига

шерик, ўзи билганича, қўлидан келганича муолажа қиларди. Олдинга кул сепиб юрди, кул ҳам фойда беравермагач, аллақердан бир шиша қуюқ, қорамтир, қўланса дори топиб келди. Аммо дориниям ёрдами тегмади. Итнинг аҳволи кундан кунга ёмонлаша борди. Охир-оқибат мол дўхтири Салом паканага бориб ялинишдан Расулнинг ўзга чораси қолмади.

Салом дўхтирни томорқасидан топди. У икки ишёқмас ўғлини пиёз ўтоққа қўйиб, ўзи картошка чопаётган экан. Отанинг кайфиёти бузуқ, болаларининг қовоқлари қизарган, каттароғининг яланғоч сониди чивик излари шундоққина кўзга ташланиб турарди.

Расул яқинроқ боришга юраги бетламай турганида, Салом дўхтир уни кўриб қолди.

— Нима керак?

Расул қимтинибгина унга яқинлашди.

— Кучугимиз ўляпти, — деди негадир томоғига йиғи тикилиб.

— Нима қилай шунга? — Салом дўхтир ҳайрон бўлди.

— Тузатинг... тузатиб беринг.

— А? — ҳайратдан Салом дўхтирнинг қошлари керилди. Бу боланинг эси жойида-ми ўзи, деган маънода унга бошдан-оёқ тикилди. Шу дамгача ҳеч ким, итим касал, деб келмаган. Аллақандай ўлакка улоқчаси оғриганда, унинг эшигига танда қўядиган одамлар ити дардга чалинганда парво қилишмас, нари борса, жони қийналмасин, дея бирор жар-парга чиқариб, отиб ташлашарди.

— Агар хўп десангиз, — деди Расул ялинчоқлик билан, — эвазига пиёзингизни ўтаб бераман.

Салом дўхтир энди унга айрича қизиқиш билан тикиларкан, димоғида, хи-им, деб қўйди.

— Тузатинг... ҳар куни даладан сигирингизга ўт юлиб келаман.

Салом дўхтир иш деса том ошиб қочадиган ўғилларидан куйган эмасми, боланинг бу гапи фавқулодда меҳрини кўзғаб юборди.

— Ановиларга қарашиб юбор-чи, кейин бир гап бўлар, — деди кулимсираб.

Расул ҳаш-паш дегунча икки пол пиёзни ўтаб ташлади.

— Ана, кўрдиларингми қанақа ишлаш керак, — деди Салом дўхтир ўғилларига хўмрайиб. Сўнг Расулнинг елкасига енгилгина шапатилади. — Баракалла, қани, кетдик!

Расул итни боғлагач, Салом дўхтир Кимсан холага чилвир олиб чиқишни буюрди. Кимсан хола ҳайрон: «Тавба, ит молмидики, дўхтир кўрса. Шу Саломниям ёш бола феъли бор-а.»

Расул дўхтир айтгандай қилиб итнинг оёқларини куллаклади. Оқбўйин қаршилиқ кўрсатмади, зеро бунга ҳоли ҳам йўқ эди. Тақдирига тан бергандек бир алпозда ғингшиб ётаверди.

Салом дўхтир итнинг тумшугини тасма билан сириб боғлагач, каттақон қора сумкасини очди. Бошда жароҳатни обдон кўздан кечирди, сўнгра қўлидаги ялтироқ тиғни шартта ярага ботирди. Оқбўйин бор вужуди билан титраб кетди. Улкан бошини кўтариб, турмоққа интилди.

— Лаллаймай, бошидан тут! — дея буюрди Салом дўхтир. — Устига миниб ол!

У имиллаганча ярадаги қурт ва сочма ўқларни битталаб тераркан, Оқбўйин устидан Расулни итқитиб юбормоққа интилар, тўлғанар, инграр, ғингшир, Салом дўхтирга еб-ютиб қўйгудек тикиларди.

Ниҳоят, Салом дўхтир жароҳатни боғлаб, ўрнидан кўзгалди. Пешана терларини билаги билан сидираркан, чоғроққина шишадаги қорамтир дорини болага тутқазди.

— Кунда уч маҳал сурасан. Айтганча, вақти-вақти билан ярасига сийиб турсанг ҳам бўлади. Ҳа, нимага ишшайсан? Вой-бўй, уялиб кетдиларми? Сени қараю бунинг нимаси уят. Агар билсанг, сийдик энг яхши малҳам. Тез қотиради. Жароҳатига тили етганида сен билан менга куни тушиб турмасди, ялаб-юлқаб ўзи тузатиб оларди.

Ҳафта ўтиб, жароҳати хийла битган Оқбўйин оз-оздан овқат ейдиган бўлди.

Қувватга кирган сари ўша машъум кеча хотирида тобора равшанроқ жонлана бориб, Маллага нисбатан адовати беҳад кучайди. Боз устига, кейинги вақтларда Малла баттар ҳаддидан ошган, гоҳида унинг овози шундоққина қишлоқ ёнидан, кўчалардан эшитилиб қоларди. Шуниси қизиқки, унинг саси чиқиши билан қишлоқ итларининг овози майин тортар ёки бутунлай ўчар, ҳатто ялтоқли ақиллашларни ҳам эшитиш мумкин эди.


Маллага нисбатан зимдан куч тўплай бошлаган Оқбўйин эндиги учрашув сўнггиси бўлишини ич-ичидан сезар ва шу куннинг келишини бетоқат кутарди.

У зориқиб кутган вақт етиб келганида, бағлар сарғайиб, ҳаво хийла салқин тортганди. Энди Расул ҳовлида эмас, уйда ухларди. Шунга қарамай, Оқбўйин тунларини дераза остида ўтказарди. Эски одатини ҳануз тарк этишни хаёлига ҳам келтирмасди. Чунки ит бир нимага одатландими, уни ҳеч қачон қанда қилмайди.

Бугун у деразадан шуъла сўниши билан девор ошиб кўчага чиқди. Ғўзапоя ғарами ёнида қўшни ит — Тўрткўзга рўбарў келди. Тўрткўз ғажиб турган суюгини ташлаб, думини ликиллатганча уни дўстона қаршилади. Ялтоқланиб искаланди. Оқбўйин уни

ёқтирмасди, ортидан эргашганди, ириллаб берди: йўқол кўзимдан! Тўрткўз ғингиб қолди.

Оқбўйин ариқ бўйига етиб чўнқайди. Муздек елга юз тутиб, хид олди. Малланинг маккорлиги эсида, тўғри босиб боришга юраги чопмади. Тадбир қидирди. Аммо минг бош қотирмасин, миясига жўяли бир фикр келмади. Аламидан увлаб юборди. Узоқдан Малла ҳурди. Шундан сўнг Оқбўйин таваккалига олға юрди. Салдан кейин ўзи томон шифаб келаётган Маллани илғади. Вужуди ғазабга тўлиб, қадамини тезлатди. Бироқ Малла югуриб келаётган жойида тақа-тақ тўхтади. Оқбўйин илдамроқ ҳаракат қилган эди, у шартта изига бурилди-да, қоча бошлади. Оқбўйин хатосини тезда фаҳмлай қолмади. Қачонки, Малла ўтган галгидек калта-калта хурганича кимнидир кўмакка чақираётганини англагачгина, яна фириб ишлатаётганини пайқади. Тўхтади. Малла эса ер тирнаб хурганча жиғига тегишда давом этди. Оқбўйин илгари боришга юраги бетламай, бирпас ҳардамхаёл тураркан, ноилж изига қайрилди. Шунда Малла тўсатдан ташланиб қолди. Оқбўйин ўгирилиши билан яна ура қочди. Қувиб етолмаслигига кўзи етгач, Оқбўйин кишлоқ томон юрди. Малла кетидан қолмади, хотидан олгудек бир важоҳатда эргашиб келаверди. Шунда Оқбўйиннинг кўнглига шумлик оралади. Аввалига лўкиллади, сўнг чинакамига қочган бўлди. Ариққа юз одимча қолганда, Оқбўйин шартта изига бурилди-да, яшин тезлигида унга ташланди. Малла ўзини ўнглагунча бўлмай, Оқбўйиннинг ўткир тишлари бўғзига қадалди. Қайноқ қон ҳидидан қутуриб кетган Оқбўйин зумда уни ғажиб ташлади. Кейин сал четланиб, рақибининг жон талвасада тўлғаланишларини ғолибона кузатиб турди. Малланинг сўнги ноласи қанчалик аянчли бўлмасин, кўнглида унга нисбатан тариқча шафқат сезмади. Қайтанга ғалабадан сармаст ҳолда жасад атрофини уч қур айланиб чиқди. Сўнгра кишлоқни бошига кўтараётган ариқ бўйидаги итлар тўдасига эътибор бермай, бир-бир босганча тепалик сари юрди. Шунга қарамай, кўнглининг бир чети ҳануз хира эди, зафар завқидан тўла баҳраманд бўлишга нимадир халақит берарди. Нималигини билмаган сайин хуноби ошиб, охириқибат увлаб юборди. Увлаш баробарида фермаҳонага кўзи тушаркан, шундагина нимадан дилғирлигини англаб етди.



Фермаҳонада шундай бир куч яширин эдики, Оқбўйин шакл-шамойилини тўла тасаввур етолмаса-да, қарсиллаган овози, кўз олгувчи шуъласи, ёқимсиз ҳиди, куйдирувчан зарбидан ғоят даражада даҳшатли нарса эканини фаҳмларди. Унинг нималигини кўрмасдан, билмасдан туриб, бундан кейин бирон дақиқа ҳам хотиржам юролмаслигини ҳис этган сайин ташвиши ортиб, кўнгли ғўссага тўлиб борарди. Қизиқ, нима экан у?

Оқбўйин табиатан қанчалик жасур ва доворак бўлмасин, узоқ иккиланишдан кейингина бир қарорга келди. Тепалиқдан тушиб, ҳар бир қадамини ўта эҳтиёткорлик билан босганича фермаҳона томон юрди. Сўнг яқинлашгач, чўзилиб ётганча теварак-атрофни узоқ кўздан кечирди. Қатор дарчали оппоқ девор ортидаги молларнинг шовурини илғагач, ер бағирлаб бориб дарчалардан бирига яқинлашди. Очиқ дераза раҳига олдинги панжаларини қўйиб, ичкарига мўралади. Димоғига ўткир шиптир хиди урилди. У бу ерда узоқ қолмади. Девор ёқалаб уйча томон юрди. Ярим йўлга етмай янада

сергак тортди. Тумшуғини чўзиб ҳавони искади. Ўша таниш милтиқ дори ҳиди уйча тарафдан келмоқда эди. Шу кеч Карим подачи ўқ ясай туриб, одатдагидек, бир чимдим дорини ёқиб кўрганди. Текширмаса бўлмайди, намиққан дори панд бериб қолиши мумкин... Оқбўйин ҳидга эргашиб эшиккача келди. Бу ерда дори ҳиди бошқа ҳидларга қоришиб кетганди. Ичкаридан эшитилаётган хуррак овозини тинглаган сайин ўша сирли ва даҳшатли куч бутун борлиғи билан кўз ўнгида гавдалана бошлади. Сирли куч ҳеч қутилмаганда одам боласи бўлиб чиққанидан Оқбўйин ўзида йўқ қувониб кетди. Одам боласи билан тенглашиб бўлмаслигини у аллақачон англаб улгирган. Дунёда инсонгина истаган ишини қила олади — хоҳласа, бўйнига занжир солади, хоҳласа, оёқларини куллаклаб, этини бурдалайди, хоҳласа... Хуллас, энг яхшиси, улар билан пачаклашмагани маъқул. Тегмасанг тегмайди.

Оқбўйин йўлни тўғри Сариқтепага солди. Осмон тўла юлдузларга боққанича ўзга овоз, ўзга оҳангда ушлаб юборди. Пастда қорайиб турган қишлоқдаги итларнинг уни ўчди. Лоақал бирортаси пўписига хурмади. Тўртинчи ё бешинчи улишидан сўнггина Тўрткўз ялтоқланиб жавоб қайтарди. Кейин унга бошқа итлар қўшилди. Гуё улар янги «хукмдор»ни олқишлашар эди.

* * *

Карим подачи билан юзма-юз тўқнашув орадан ҳафта ўтиб, Элдор туфайли содир бўлди.

Отасидан Малланинг фожиасини эшитган Элдор Оқбўйинга беҳад кек сақлаб келарди. Табиий, итга юзма-юз бўлишга журъати йўқ. Бор бўлган тақдирдаям нима қила оларди денг? Хирсдай итга калтак ўқталиб бўлмаса, тош отсанг, таппа босиб таласа. Милтиқ ҳақида эса ҳатто гап бўлиши мумкин эмас, яроғ билан ўйнашган болани Карим подачи ёмон кўради, ҳадегунча қамчи остига олади. Шу тарзда боши қотиб юраркан, бугун тасодифан уларни кўчада учратиб қолди. У кўп ўйлаб турмай, қочиби кириш осон бўлсин дея, дарвозани қия очиб қўйди-да, қўни-қўнжини тошга тўлғазиб, кўча бўйига чиқди. Тепкилаб хазон барг тўлғазилган оғир қоп остида бурни ерга теккудек мункайиб келаётган Расулни ўтказиб юбориб, сал ортда бораётган Оқбўйинни тошбўрон қилишга тушди. Тоши тегар-тегмас, Оқбўйин тишларини даҳшатли равишда иржайтирганча унга ташланди. Элдор дарвоза томон қочди. Ярим йўлда қоқилиб ўмбалоқ ошиб кетди. Қўрққанидан чинқириб юборди. Чинқирганга ит тегмайди. Оқбўйин изига қайтди.

Карим подачи милтиқ кўтариб ҳовлига кириб келганида, Расул бўлган воқеани эндигина отасига гапириб бўлганди. Подачининг вазоҳатини кўриб, Содиқ ака ирғиб ўрнидан турди. Аммо Карим подачи унга эътибор бермай, уйчаси ёнида чўзилиб ётган Оқбўйин томонга юриш қилди.

— Ҳой, мусулмон! — Содиқ ака йўлини тўсиб чиқди. — Бу уйда одам борми-йўқми демай, тикка бостириб келишингиз нимаси, а?!

— Қоч! — деди Карим подачи оғзидан туфук сачратиб. — Отаман! Ўлдираман! Уруғини қуритаман!

— Нимани отасиз?! Нимани ўлдирасиз?! Нима, бу жой энангизни маҳрига тушганми, бунча кекирдак чўзасиз! Қани, ҳовлидан чиқинг! Марш кўчага! Индамаган сайин... Чиқинг!

— Индаб нима қилардинг?! — Карим подачи энди унга ҳезланди. — Қани, кўрайлик-чи, нима қиларкинсан! Тагин ит-питинг билан... Наритур! Олдин итингнинг қонини ичаман, кейин сени! Қоч деяпман!

— Ит сизга нима ёмонлик қилди?

— Билмайсан?

— Билмайман.

— Бутун қишлоқ билган нарсани сен билмай қолдингми?

— Кўз билан кўрмагансиз, тухмат қилманг. Нима, қишлоқда фақат бизнинг ит борми?

— Кўр эмасман! Бу иш фақат мана шунинг қўлидан келади. Қўйвор милтиқни! Милтиқни қўйвор деяпман!

— Узингизни босинг.

— Итимни бўғизлади, майли дедим, зўрдан зўр чиқибди, қандини урсин дедим.

Аммо энди... Боламни ўлдириб қўйишга сағал қопти-ю, тагин қанақасига ўзимни босай! Қонини ичмасдан кетиш йўқ! Сен, яхшиси, супада босиб ўтир. Халақит берма менга. Қўрқма, ўлигини ташлаб кетмайман.

— Менга қаранг, ака! Эркак одамсиз, келинг, эркакчасига гаплашайлик. Аммо лекин гапдан қайтиш йўқ, худога шукр, белда белбоғимиз бор. Агар итим улингизди бирон ерини тирнаган ё тишлаган бўлса, марҳамат, ит сизники, хоҳланг, пишириб енг, хоҳланг, куйдириб. Келишдикми? Ия, нега нафасингиз ичингизга тушиб кетди? Гапиринг! Одам деган бундоқ бўлмапти, бостириб келишингиз етмагандек, дағдағангиз ортиқча. Индамаса, кўкракча чиқиб тепишдан ҳам тоймайсиз. Итингизни дастидан-ку

бола-чақа даштга тезакка чиқолмасди. Хурматингизни қип бир нима демаганмиз. Сиз эса... Ё шу итни берсам, қутиламанми сиздан?

Карим подачи бирдан хушёр тортди. Шунинг баробарида дарров шаштидан тушиб, унга умидвор тикилди.

— Ана гап қаёқда экан, — дея ачитиб олди Содиқ ака. — Одам деган бунча майда бўлмади, ака. Кўнгилди кенг қилинг, кўнгилди!

Карим подачи тагин қутурди.

Булаётган воқеани жимгина кузатиб ётган Оқбўйин ортиқ сабр қилиб туролмади, улар милтиқ талашаётганида, сапчиб турди-да, вовуллаганча подачига ташланди. Содиқ ака итни оёғи билан тепиб ҳайдаркан, илқис бир ҳаракат билан милтиқни тортиб олди-да, ўқларини чиқариб, томорқага улоқтирди.

— Иззатингиз борида жўнаб қолинг! — деди милтиқни эгасига қайтариб. — Йўқса, чатоқ қиламан! Кетинг тезроқ! Агар яна бир бор яроғ кўтариб келсангиз, ўзингиздан ўпқаланг! Кетинг!

Карим подачи дарвозага етмай тўхтади. Ортига ўгирилди. кўзларида қаҳру ғазабдан ташқари, ҳасад, ҳавас ва яна алланамаларнинг ифодаси қоришиқ эди.

— Содиқ, ке, сенам би-ир одам бўл, бер шуни менга, — деди алланечук ёзғирган оҳангда. — Яхши нарса... увол бўлмасин. Феълимни биласан, барибир бирда бўлмаса, бирда отиб қўяман... Йўқ дема.

— Кетинг, ака! Иззатингиз борида жўнаб қолинг!

Содиқ ака Карим подачини ириллаган куйи кузатиб қолган Оқбўйинни тинчлантиришга ҳаракат қиларкан, итга қаттиқ ичи ачиди. Негаки, подачининг феъли унга беш қўлдай маълум — тикилган нарчасини олмай қўймайдиган мардум у. Аввало тикилмасин, тикилдими — тамом, ё ўзиники қилади, ё бутунлай йўқ қилади. Шу феълу атвори туфайли йигитлигида қамоқхона тупроғини ялаб келган. Минг тавалло қилишига қарамай, унга қиё боқшин лозим кўрмаган кўшини қизни тўй кечаси пичоқлаб қўйган. Қиз ўлмади. Ҳозир саккиз боланинг онаси, гумбаздай семириб, аввалги ҳусни-жамолидан асар ҳам қолмаган. Аммо ёшлиқда берган кўнгил бедаво бўларканми, ҳануз уни кўрди дегунча Карим подачининг кўкраги ости куйишиб, миясига қон тепади. Майда-чуйда баҳоналар билан аёлнинг эрини тутиб урган вақтлари кўп бўлган. Энди буни муҳаббатга йўйиб, подачини оқламоқ мумкиндир. Бироқ унинг куракда турмайдиган қилиқлари шу қадар серобки... икки йилча бурун подачининг ҳаваси Қодир тракторчининг сигирига тушди. Узиям сигирмисан сигир эди-да. Ем танламас, эрта-кеч челақ-челақ сут берарди. Сути серёғ, чўп суқсанг типпа-тик турарди. Подачи шу сигирга харидор бўлди. Турган гап, Қодир тракторчи кўнмади. Барча уринишлари бесамар кетгач, Карим подачи сигирни далада захарлаб ўлдирди. Мол аччиғи-жон аччиғи, Қодир тракторчи уни кўчада тутиб олиб, тупроққа белаб урди... Букрини гўр тuzатар дегандек, мана энди у Оқбўйинга кўз тикиб юрибди. Мақсадига етса етди, етмаса, эрта бўлмаса, индинига шартта отиб ташлаши тайин. У бу ишни пана-пастқамдан туриб эмас, ошқора адо этади. Даъво қилар бўлсанг, ўларман хўкиздай бошини тутиб келади: «Урасанми?! Мана ур! Қўлингдан келса, этимни тил, бошимни янч! Яширмайман, отдим! Отиб ўлдирдим! Худо шундай феълни берган бўлса, мен нима қилай?! Қўй дейману ўзимни тугулмайман. Ичимда алламбало хуруж қип қўймайди. Лекин мен сенга ялиндим, катта бошимни кичик қип ёлвордим. Ўзинг бермадинг. Берганинда, бечора худо берган умрини яшаб юрган бўларди. Мана, энди сенгайм йўқ, менгайм. Ҳа, нимага туриб қолдинг?! Қўлинг қичиб келдингми, ҳаяллатмай уравер, мана елкам сеники. Қалла керак бўлса, бошим сеники. Аммо-лекин тавба қилиш йўқ! Кутма буни мендан! Этимни тилимласанг-да, тавба демайман! Феълим ўзимга маълум..»

Бугун оғзимга сўз олиб қўйиб, эрта бир кун субутсиз деган ном орттирайми! Тавба дейиш йўқ!...» Ҳақиқатан Карим подачини узр сўратиш қийин. Бу иш ҳатто Келдиёр лўлининг қўлидан ҳам келмаган.

Узоқ йили Карим подачи қирда тулки овлаб юрган Келдиёр лўлининг този итларидан бирига ошиқ бўлди. Тозимисан този эди-да ўзиям ҳар қандай эпчил тулкини бир заптда оларди. Карим подачи ўшанга оғиз солди. Келдиёр лўли отда, у пиёда — узоқ тортишдилар. Тортиша-тортиша Сариктепа ёнидаги айри йўлгача келишди. Келдиёр лўли умрида бу қадар ёпишқоқ кимсани кўрмаган экан, охири тоқати тугаб, подачининг чап яғринига аччиқ қамчи тортди. Қамчи баҳона, Карим подачи този итнинг манглайдан отиб ташлади. Лўлилар кўпчилик эди, уни ўртага олишди. Воқеани кўрган болалар қишлоққа югурди. Яхшими-ёмонми, подачи қишлоқ одами — бегона урса, қишлоқ аҳлининг ори келиши тайин. Ўн чоғли йигит Сариктепага от қўйди. Мамаражаб жувозкаш тасодифан келиб қолмаганда, бу жанжалнинг оқибати ғоят хунук бўларди. Ҳайтавор чол вақтида улгурди. У келганда, оғзи-бурни қора қонга беланган подачи бир четда лўлиларни ёппасига чангитиб сўқар, йигитлар эса, қўллари мушт бўлиб тугилган, қия тугилган милтиқлар қаршисида ноилж, шунингдек, ҳар лаҳзада ташланишга шай ҳолда туришарди. Мамаражаб жувозкаш юрт кайвониларидан бири сифатида озми-кўпми обрўга эга эди, енг ҳимариб орага тушди. Йигитларни тергаб-сергаб четлатди. Лўлиларга бир мезбон сифатида муомала қилди. Сўнг Келдиёр лўлини ўртага чорлаб

сўроққа тутди. Савол-жавобдан Карим подачининг гуноҳи аён бўлгач, чол унга юзланди, бети йўқ, деб сўқди, қишлоқни шарманда қилдинг, дея койинди, охирида Келдиёр лўлининг талабини инобатга олиб, тавба-тазарру қиласан, дея шарт қўйди. Карим подачи бошидаги телпагини ерга отиб уриб, ёқа йиртиб олдинга чиқди.

— Йўқ! — дея ҳайқирди. — Келиб-келиб аллақандай бир лўлидан тазарру сўрайманми?! Бу-ку бандаси, керак бўлса худосидан ҳам сўрамайман! Сўраёлмайман! Фейлим ўзимга маълум, бугун оғзимга сўз олиб... эртан яна... йўқ, сўраёлмайман!

Келдиёр лўли ҳайратдан ёқа тутди:

— Ё тавба! Шунчалик нўҳтангни узганмисан!

— Узганман!

— Гуноҳинг бўйнингда қолса, оқибати ёмон бўлади.

— Нимага шаъма қиялпсан?! — Карим подачи ёмон сўқинди. — Итинг қолиб, ўзингни отиб ташламаганимга шукр қилсанг-чи. Ғашимга тегаверсанг, ҳозир ҳам... пешонангдан дарча очиб қўйишим мумкин.

— Ҳозирча милтиқ менда...

— Ҳечқиси йўқ, худонинг кунни кўп...

— Қасдланма, тентак! — Чол Келдиёр лўлига хезланиб бораётган подачининг кўрагидан итариб ташлади. — Тентаклигингни биз кўтарамиз. Ичдан чиққан балосан, нима ҳам дердик, чидаймиз. Лекин булар билан қасдлашма. Бола-чақангни ўйласанг-чи, нодон. Ҳали итига товон ҳам тўлайсан. Гапини эшитдинг, уч қўйни пулига олганман деяпти...

— Товон?! — Карим подачи истеҳзоли илжайганча лўлига юзланди-да, ўнг билагини хунук сўлқиллатди. — Мана сенга товон! Кўрдингми!

— Қўйинг, бобой, — Келдиёр лўли тишини тишига босиб, қўлидаги милтиқни чолга узатди. — Олинг милтиғини. Садқаи гапингиз кетсин бунга. Одаммаскан бу ўзи. Тавбасини сўраманг. Кечдим гуноҳидан. Энди бизга рухсат беринг. Тирикчилигимиздан қолмайлик.

— Йўқ, сўрайди, — деди Мамаражаб жувозкаш гапи ерда қолганидан ранжиб. — Сўрамай кўрсин!..

— Сўрамайман, — деди подачи ички бир қониқиш билан. — Ҳали буларнинг яна келари бор. Ушанда бошқача гаплашаман бу билан...

Уша кунни Карим подачи узр сўрамади. Келдиёр лўли қайтиб бу томонларга доримади.

Мана шундай бир қайсар одамга Содиқ ака нимаям дея оларди? Мабода подачи дабурустан дов тўкиб келмай, елимдай ёпишиб ҳоли-жонига қўймаганида Содиқ ака итдан воз кечиши мумкин эди. Аммо энди бериб бўлмасди. Подачининг қилиғи унинг ҳамиятига қаттиқ теккан эди. Майли, қасд қилибдими, кўча-қўйда отиб ташлай қолсин. Бир камии ҳаром ит учун ёқалашиб юриши қолувди. Ҳозирча қўлидан келадиган бирдан бир чора — итни занжирда сақлаш.

Орадан уч кун ўтиб, Содиқ ака итни занжирдан бўшатишга мажбур бўлди. Нимага деганда, Оқбўйин ангиллайвериб, фингшийвериб тинчлик бермади. Аслида итнинг нонинчилиги тутқунликдан эмас, хавотирдан эди. Расул уйдалигида сокин ётган ит у ҳовлидан чиқиб кетиши ҳамон қозиқ айланиб чопар, то бола уйга қайтмагунча ўзини қўярга жой тополмай қоларди.

Бўшовдан сўнг Оқбўйин аввалгидек яшай бошлади. Тушгача мактаб ёнидаги те-ракзорда Расулнинг дарсдан чиқишини пойлаб ётади. Кейин бирга уйга қайтишади. Расул апил-тапил чойини ичади-да, пахтага жўнайди. Оқбўйин пайкал четида қолиб, уни шомгача кутади. Тунда эса, деразадан шуъла сўниши билан девор ошиб кўчага чиқади-да, боши оққан томонга тентиб кетади. Бу ёғи қўшни қишлоққача, у ёғи қиргача изғийди. Фермаҳонадан доимо четлаб ўтади. У ерда ғаними борлигини билади. Уша кунги жанжалдан сўнг Карим подачи Оқбўйинни икки бор отишга уриниб кўрди. Биринчисида тегизолмади, иккинчисида ўқ кўксини ялаб ўтди. Жароҳати енгил эди, Оқбўйин ялаб тузатди. Карим подачи бу билан қаноатланиб қолмай, Хидир хирани ҳам аврашга уриниб кўрди. «Буйруқ йўқ, жўра, — деди Хидир хира кўнмай. — Бир энлик қоғоз бўлса, сен айтмасанг-да, уруғини қуритаман.» «Қоғоз-поғоз деб ўтирасанми, паққа от қўй-да». «Қоғозсиз мумкин эмас. Эгаси ёқамдан олса, сени кўндаланг қиламанми? Қўлингда милтиғинг бор, ўзинг отавер. Бир қишлоқди одамисизлар, эгаси қозилашиб юрмас, ахир. Энди бизди йўриғимиз бўлак, бегоналигимиз бор. Агар жудаям эвини тополмасанг, сабр қил, қиш ўтиб, кўклам келсин...»

Оқбўйин Карим подачининг зимдан тиш қайрашларига кўпда эътибор бермас, тунлари дала-дашда беармон тентирди.

* * * *

Узоқ чўзилган қорасовуқдан сўнг ерга биринчи қор тушди.

Оқбўйин ёмғир нималигини билади, туманни кўрган, лекин бунисига ақли етмади. Искаб кўрди, ялаб кўрди... кейин кўникди. Илк қор қувончидан у ҳам бебахра қолмади. Ҳовлида Расул билан роса тўполон қилди.

Бироқ кечга бориб юраги ўз-ўзидан безовта бўла бошлади. Уйин кўнглига сиғмай, бўйнига осилган Расулни силтаб ташлади: кўп тирғалмай нари тур, шусиз ҳам кўнглига сиёҳ. Расул қорда чўзилиб ётаркан, унга ҳайратомуз тикилди. Итни биринчи марта ўта безовта ва жонсарақ ҳолатда кўраётган эди. Оқбўйин ошириб юборганини сезди, шекилли, қўлини оғритмай тишлади, юзи-кўзини ялади. Ярашувдан сўнг бола уни чанага қўшди. Аввал ҳовли юзида учинди, кейин кўчага чиқишди. Бошда бу юмуш Оқбўйинга ғалати туюлган бўлса-да, сўнг-сўнг жуда қизиқиб қолди. Расулнинг майлига бўйсиниб, болаларнинг кўзини ўйнатиб қишлоқ кўчаларини бир айланиб чиқди. Эвазига бир чангал қанд билан сийланди.

Кечки овқатдан кейин Оқбўйин одатдаги жойига, дераза тагига узала тушди. Қор юмшоқ, ҳаво илиқ эди. Оқбўйин кўзларини бир нуқтага тикканча, ичкаридан эшитилаётган шовурга қулоқ тутиб ётаркан, бирдан сергак тортди. Устига қўнган қорни силкиб ташлаб, оёққа қалқиди. Нафасини ичига ютиб, қулоқларини динг қилди. Кўп ўтмай чўзиқ улиш овози яна такрорланди. Оқбўйин итникига ўхшаб, ўхшамай кетадиган бу нидо замирида юракка ваҳима солувчи нимадир борлигини илғар-илғамас, қишлоқ итлари жазавага тушиб қолишди. Оқбўйин бошини бир ён қийшайтириб, итлар овозига диққат қиларкан, уларнинг овозида безовталик сезди. Бунга сари гоҳ аниқ, гоҳ элас-элас эшитилаётган овоз эгаси тасаввурида ғаройиб ва даҳшатли махлуққа айлана борди. Қўрқув билмас юрагига қизиқиш оралади. Шу қизиқиш ҳалпида девор ошди. Кўча ва даладан ўқдек учиб ўтиб, тепаликка интилди. Чор-атрофга аланглаб, ҳавони искади. Қор ҳидидан бўлак ҳидни туймай норози ғингшиди. Шу дам ҳазин улиш яна қайтарилди. Оқбўйин уни қайси тарафдан келаётганини англаб улгурмай, кунботиш томондан яна бири қулоққа чалинди. Дашт оппоқ қор, Оқбўйин икки қишлоқ оралиғидаги дўнгда қорайиб турган шарпани базўр илғади.

Оқбўйин ўша томонга югурмоқчи бўлган жойида беихтиёр тўхтади. Қорани Олапар деб ўйлади, шунингдек, дов тўкиб боришга ўзини ҳақсиз сезди. Нимага деганда, дўнглиқдан нарёғи Олапарга дахлдор, келишувга биноан оёқ босиши мумкин эмас. Бу ҳақда Олапар ўтган гал ўта жиддий бир тарзда огоҳлантирганки, унинг ўша пайтдаги ҳолати ҳануз Оқбўйиннинг кўз ўнгида, эсласа, эти жунжикади.

Икки ҳафтача бурун, сутдек ойдин тунларнинг бирида Оқбўйин ўз тасарруфидаги ерларни айланиб юриб, тасодифан отасига дуч келиб қолди. Олапар дўнгда қир тарафга тикилганча чўнкайиб ўтирган экан. Оқбўйин аввалига эътибор бермади. Қуриган оққурайлар оралаб дўнгликка кўтариларкан, тўсатдан миҳлангандек қотиб қолди. Қайси кўз билан кўрсинки, қаршисида ўзи ўйлаганчалик жўнгина ит эмас, баҳайбат махлуқ савлат тўкиб турарди. Жисми гўё пўлатдан қўйилгандай, ҳар бир мўйидан куч ёғилади. Кўзларида эса, на ғазаб, на адоват — жиддий осойишталикдан ўзга нарса акс этмасди чунда. Ўз кучига беҳад ишонган жониворгина мана шу тарзда хотиржам боқа олади... Оқбўйин олға боришиниям, чекинишиниям билмай турганида, нотаниш итнинг жиддий нигоҳларида, кимсан, бу ерга қаердан кеп қолдинг, деган маънони ўқди. Бу хил сокин ва босиқ муомала камдан кам итнинг қўлидан келади. Бундай дамларда аксари итлар дарҳол лўписага ўтади, кучи етса-етмаса, ҳамла қилмоққа тиришади.

Оқбўйин табиатан оғир эмасми, жиззакилик қилмади, калта акиллаш билан жавоб қайтарди. Нотаниш итнинг каломи униқидан ҳам қисқа бўлди: «Вов!» Бу тарздаги мулоқат одамларга бир хил туюлса-да, овознинг баланд-пастлигига қараб, турли маънони англади. Дейлик, агар ит бошини хиёл қуйи эгиб, вов, деса, қани, жўнаб қол, деган ифодани билдиради, ёхуд кўкка тумшук чўзиб, шу хилда ҳурса, қани, яқинроқ кел, туркингни бир кўриб қўяй, дегани бўлади. Шундан сўнг, бир-бирига яқин келиб, обдон искаланишади. Бу вазият ўта хавfli, бирон томон жиндек кўполликка йўл қўйса, таом — ўртада нақ қирғинбарот юз беради.

Ҳайтовур улар ўртасидаги бу ҳолат тинч ва осайишта ўтди. Табиий, томонлар қонқариндошлигини билишмади, аммо куч-қувватда бир-бирдан асло қолишмаслигини англашди. Шунинг учун ҳам Олапар хиссиётга эрк бермай, дўнгда нарига ўтиш яхшиликка олиб келмаслигини босиқлик билан билдирди. Бу билан қаноатлилик қолмай, ер тирнаб белги ясаркан, тупроғини бу томонга сочди. Оқбўйин ҳам ризиқлик аломатида тирналган ерга панжа ботириб, у тарафга тупроқ тўзгитди.

Шундан кейин улар тинчгина айрилишди. Дўнгни учдан икки қисми Олапарнинг чекига ўтди.

Ҳозир Олапар дўнгликнинг ўзига тегишли томонида турарди. Ҳовлиқишу жазавага тушишга асоси қолмаган Оқбўйин ноилож ерга чўқаркан, бирдан сергак тортди. Энди кўланка иккитага айланган ва улар дўнгликнинг бериги бетида ғимирлашарди. Буни кўргач, Оқбўйин улар томон ўқдек учди. Ярим йўлга етмай, ҳали ўзи учун бутунлай нотаниш бўлган ҳидни туйди. Ажабсиниб тўхтади. Ҳавони қайта-қайта искади. Йўқ, бу Олапарнинг ҳиди эмас. Унда ниманики бўлди экан? Оқбўйин тагин югуришда давом ётаркан, азбаройи ғазабланганидан, жиддий хатога йўл қўйди, яъни одатига хилоф равишда ҳурди. Турган гап, бўри зоти итнинг қанақалигини овозига қараб билади. Куч жиҳатдан устун бўлган итга ҳеч қачон рўбарў келишмайди. Уларнинг маккорлигиям шунда. Ёвузлиги туфайли ҳужум қилса, маккорлиги туфайли жон сақлайди.

Оқбўйин сойга эниб, ялангликка кўтарилганда, дўнгда жон асари кўринмасди. У чопиб бораётган жойида баланд-баланд сақраб, теваракка аланглаганча рақибларини қидирди ва қир томонга йўртиб кетаётган икки қорани кўрди. Йўлни ўша тарафга солди. Етолмади. Бўрилар қир ошиб кўздан йўқолдилар.

Шундан эътиборан Оқбўйиннинг нотинч ва беҳаловат тунлари бошланди. Бўрилар кунда бўлмаса-да, қонора қишлоқ томон энишар, бир кечаси эса, икки бирдай ити бор қўтондан уч-тўрт қўйни бўғизлаб кетишди. Оқбўйин ўзи сезмаган ҳолда даштнинг ҳақиқий қўриқчисига айланди. Ҳар кеч деразадан шуъла сўнар-сўнмас даштга чиқиб кетар ва тонг-азонда бир аҳволда қайтарди. Ҳовлига кириши билан дераза тагига келар, нафасини ичига ютиб, ичкарига қулоқ тутар ва Расулнинг бир маромда пишиллашини эшитгандан сўнггина, кўнгли хотиржам тортиб, пинакка кетарди.

Оқбўйин бўрилар билан қувлашавериб, уларнинг йўлбошчисини яхши таниб олди. У Карим подачини қон қақшатган ўша йирик ёлдор бўри эди. Маккорликда унинг олди-га тушадигани йўқ. Рақибини чалғитиш учун у шундай ҳийлалар ўйлаб топардики, оқибатда Оқбўйин лақиллаб қолаверарди. Масалан, бўрилар қўтон оралаган кеча Ёлдор энг эпчил шерикларидан бирини Оқбўйинга рўбарў қилиб қўйди-да, қолганлари билан сувсиз сой ўзанидан писиб келиб, бир неча совлиқни тинчитиб кетди. Бу пайтда Оқбўйин қирдаги бўри билан андармон эди...

Оқбўйиннинг бўриларга нисбатан ғазоби бошда шунчаки ўчакиш туфайли эди. Қачонки, жар тубида эшак жасадига дуч келгандан кейингина унда нафрат уйғонди. Кунни кеча фермаҳона теварагида ўралашиб, молларнинг нишхўрдига қаноат қилиб юрган бу беозор, беэён жониворни хомталаш ҳолда қўриб, дастлаб ҳайратга тушди. Негаки, умри бино бўлиб ҳали бирон тирик жонни бу аҳволда кўрмаган эди. Бошию қовурғаларини демаса, шўрликдан ҳеч вақо қолмабди.

Оқбўйин жасадага яқин келмай, унинг атрофини айланаркан, бўри ҳидини илғаб баттар таажжубланди. Ишонгиси келмай ғингшиди. Шу чоққача бўриларни қишлоқ итлари каби ожиз ва қўрқоқ санаб келарди. Кўрдикки... У ўзга ҳид истаб ҳарчанд исқаланмасин, бўри ҳидидан бўлак ҳид ололмади. Қорасини кўриши билан шатолақ отиб қочадиган рақибларининг йиртқиқчилигига тўла амин бўлгач, у алам билан увлаб юборди. Тумшугини кўтариб чўзиб-чўзиб увларкан, тўйқусдан нигоҳи қўрқув ва даҳшат ифодаси қотиб қолган жасад кўзига тушиб, беихтиёр эти сесканди. Эсида бундай нигоҳларга кўп бор дуч келган, лекин Маллани ҳисобга олмаганда, бирортасига эён етказмаган, пўписа билан чекланган, холос.

Тирик жонни Оқбўйин икки тоифага ажратади: бири — беэён жониворлар, одам боласи ҳам шунга киради, улар ҳатто тишлашга арзимади. Иккинчиси — Маллага ўхшаш бадхулқ махлуқлар, уларни ё маҳв этмоқ лозим, ё бўйсиндирмоқ. Акс ҳолда ҳуда-бехуда жиғингга тегавериб, тинчингни бузади.

Эшак, табиий, биринчисига киради. Оқбўйин уни саратондан бери билади. Ёз бўйи қилган беминнат меҳнати эвазига эгаси уни қиш олди кўчага ҳайдаб юборганди.

Оқбўйин хумдай бошини оёқлари устига қўйганича жасадаги тикилиб ётаркан, агар ожиз бўлган тақдирида ўзининг ҳам қисмати мана шу тарзда якун топишини тўла ҳис қилди. Уйга қайтгиси келмай, бўрилар изидан тушди. Қир бағридаги тепаликда излар шу даражада чалкашиб кетган эдики, у қай тарафга юрарини билмай, гаранг туриб қолди. Чўнқайган кўйи атрофни кузатаркан, тонг ғира-ширасида Қоровултепадан пастга эниб бораётган Олапарни кўрди. Бўрилар келиб унинг ҳам тинчи бузилган эди...

Ёлдор ҳарқанча устамонлик қилмасин, барибир Оқбўйин уларнинг йўналишини аниқлашга муяссар бўлди. Бўрилар қирдан жар ичи билан эниб келишарди-да, тепаликда тўхташарди. Хийла тараддуддан сўнггина бирон манзилни қора тортишарди. Уларнинг юриши Олапардан кўра Оқбўйиннинг чекига кўпроқ тўғри келарди. Тунлари узлуксиз давом этаётган бу жанг жадалдан одамлар мутлақо беҳабар, итлар эса огоҳ, аммо кўмакка чиқшига бирортаси ҳам журъат этмасди. Ҳашаки ит ҳашаки-да. Бу етмагандек, Карим подачи ҳануз аҳдидан қайтмаган, Оқбўйинни йўқ қилиш пайида тунлари милтиғига тўнғиз ўқи жойлаб қўйишни қанда қилмасди.

* * *

Тунлари бесамар изғишлар жонига тегиб, Оқбўйин йўл пойламоққа аҳд қилди. Табиий, у қурбонлар учун эмас, рақибларининг беҳад сурлигидан, боз устига, қанчалик елиб-югуришига қарамай, осонгина лақиллатиб кетишларидан аламда эди. Оқбўйинда табиий куч, жасорат бисёрликка бисёр эди-ю, лекин тажриба кам, Ёлдорнинг хилма-хил ҳийлалари олдида довдираб қоларди. Ана шундай кезларда у бутун қувватини овозига беради, яъни бирор тепаликка чиқади-да, чўнқайган кўйи осмонга қараб улийди. Ёлдорни номарддан олиб номардга солганча, уни очиқ жангга чорлайди. Турган гап, Ёлдор унинг нодонлигидан бўриларча кулади. Гоҳида эса бу хил вазиятдан усталик билан фойдаланади.

Утган кунни шундай бўлди. Қишлоқ яқинидаги тепаликда тумшугини кўкка чўзиб обидийда қилаётган Оқбўйин туйқусдан жавоб чорловини эшитиб қолди. Аввалига қу-

лоқларига ишонмади, сўнг нафасини ичига ютиб, вужуди қулоққа айланди. Сал ўтмай нидо яна такрорланди. Овоз келаётган томонни ҳадеганда аниқлайвермагач, Оқбўйин шамолга юз ўгириб ҳавони искади. Димоғига оқшом болалар жар ичида ёққан гулхандан қолган куйинди ҳиди урилди. Бироздан сўнг унинг ўрнини силоснинг ўткир ҳиди эгаллади. Тепа этагидан ўтган йўлдан силос тўла қоп ортлган эшагини қичаб бораётган кўланкага назар соларкан, Оқбўйин норози ғингшиди. Қишлоқ томондан журъатсизгина ҳураётган итни-ку тириклайин еб-ютиб кўйгидек эди.

Ниҳоят навбатдаги чорловдан сўнг овоз эгаси Қоровултепадалигини фаҳмлади. Тепагача бўлган масофада чуқур жарлик, паст-баланд дўнгликлардан иборат кенг дашт ястаниб ётарди.

Азбаройи ҳовлиққанидан Оқбўйин сўқмоқни адаштириб қўйиб, тик жарликдан қуйига учиб тушишга бир баҳя қолди. Жар лабида базўр тўхтаркан, қоп-қора бўшлиққа кўзи тушиб, юраги орқасига тортиб кетди. Ортиқча шошқалоқлик яхшиликка олиб келмаслигини англади. Қолган масофани кўпда ўпкасини қўлтиқламай, хийла хотиржам босиб ўтди. Ошиқиб нима қилади денг, ахир рақибни қочаётгани йўқ, аксинча жангга чорламоқда-ку. Аммо унинг аҳволини ҳам тушунмоқ керак, негаки, чорлов ҳеч қутилмаганда юз берди-да. У бундай бўлишини кутмаган, кутмагани учун ҳам интиқом завқидан юраги тошиб борарди.

Аммо манзилга етеркан, бирдан ҳафсаласи пир бўлди. Не кўз билан кўрсинки, тепаликда уни Ёлдор эмас, суяклари бузуқ, улкан калласи гавдасига номуносиб, йирик бир махлуқ кутиб турарди. Бутун ғазабни Ёлдорга қаратилгани туфайли Оқбўйин тўдадаги бошқа бўриларга нисбатан айтарли даражада адоват сезмасди. Тунлари даштда қора қуюндай изғиб юрадиган тўда орасидан фақат Ёлдорнигина кўзи кўрар, шунингдек, тўдани ҳаракатга келтирувчи асосий куч Ёлдор эканини, агар у маҳв этилса, қолганлари қайтиб бу томонларга доримаслигини ҳис этарди.

Бўрилар кўпчилик бўлишига қарамай, унга юзма-юз келишдан мудом қочишарди. Аслида бунга уларнинг журъатсизлиги эмас, Ёлдорнинг тадбиркорлиги сабаб эди. Зўр олдида дум қисийдек итларга хос заифлик бўриларга ҳам ёт эмас. Кекса маккор бўри ҳар қандай тўқнашув ўзининг ҳалокати билан якунлашишини, Оқбўйиннинг ўткир тишлари бўғзига қадалиши билан шериклари тумтарақай бўлишини яхши билади. Боз устига, Оқбўйин табиат сахийлик билан инъом этган куч-қудратга эга. Бундай итлар юздан, ҳатто мингдан битта бўлади. Одамлар уларни алоҳида эъзоз ва ҳурмат билан «арслон» ёки «сиртлон» деб атайдилар. Бўри зоти эса улардан иложи борича узоқроқ юришга ҳаракат қилади. Ёлдорнинг сурбетлигига келсак, гап шундаки, Оқбўйин ҳали хом, ҳаётини тажрибаси кам, агар оёқ илдам бўлса, ҳозирча уни истаганча лақиллатиш мумкин. Аммо кейинчалик бу томонларга, яхшиси, доримаган маъқул. Негаки, вақт ўтган сайин унинг содда ақли темирдек мустаҳкам пайлари сингари тобора пишиб-етилиб боради. Ана унда ҳар қандай айёрлик эғирча иш бермай қўяди. Оқбўйин отасидек камҳафсала эмас, Ёлдор Олапарнинг ана шу камчилигидан фойдаланиб, гоҳи-гоҳида унинг ерларига ҳам бош суқиб туради... Яхшиямки, бўриларнинг бахтига икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди. Қайнаса борми, Олапарнинг ақли, Оқбўйиннинг ёвқурлиги бирлашиб шундай катта бир куч бўладики, оқибатда сичқоннинг ини минг тангага айланади.

Кувғинга учраган кезлари Ёлдор табиатнинг бу қадар нотантилигидан ғоят хафа бўлиб кетарди. Мислсиз куч-қудратни Оқбўйинга бергунча ўзига бермайдими. Бу не ҳолки, беш бирдай жондор аллақандай бир итдан қочиб юрса. Аслида Ёлдор табиатнинг бу ишидан нолимаса ҳам бўлади. Табиат куч-қувват бобида Оқбўйинга қанчалик ҳиммат қилган бўлса, маккорлигу тадбиркорлик, зийраклигу ҳушёрлик борасида Ёлдордан ҳам ўз саховатини аямаган эди. Ёлдор шу хусусиятлари туфайлигина ўз ризқ-рўзини териб юрарди. Масалан, у қопқон деган нарсани юз одимдан сезади. Темир исканжа қанчалик усталик билан кўмилмасин, унда ўтириб қолган турли ҳид юзада қолаверади-да. Овчи масаласига келсак. Ёлдор қадам олишиданоқ унинг қандай одамлигини билиб олади. Ҳашаки итларни писанд қилмагандек, ҳавасманд овчилардан ҳам сира чўчимайди. Емон кўргани — сиртлон ит. Агар оёқлари эпчил бўлмаса, бу балодан қутулмоқ мушкул. Шунинг-чун, учраб қолса, уларни кучуквачалигидаёқ гумдон қилишга ҳаракат қилади. Шу дамгача тўрттасини қуритди. Сўнггисини ўтган кўклам бошида даф этганди. Эсласа, ҳалиям баданига муз югуради.

Уша кезлари Ёлдор тўдаси билан тоғда изғиб юрарди. Тунлардан бирида тоғ этагидаги қишлоққа энаётиб, итлар шовқини орасидан кучуквачанинг ингичка, ўктам овозини илғаб қолди. Сезди. Шу яқин орада бўлғуси кушандаси вояга етмоқда. Агар ҳозир ҳаракат қилмаса, кейинчалик бу ерлардан қадамини узишга тўғри келади. Тўхтаб, овозга қулоқ тутаркан, қорин ғамини унутди. Шерикларини арчазорда қолдириб, ёлғиз ўзи қишлоққа энди. Итларнинг диққати арчазорга қаратилганидан фойдаланиб, тор кўчага шўнғиди. Қишлоқ маст уйкуда. Келаётган балодан бутунлай беҳабар, овозига зўр бериб ақиллаётган қоп-қора кучуквачани у осонгина топди. Аввалига пастак девор оша ҳовлини обдан кўздан кечирди. Кейин енгил сакраб тошсупа устига тушди. Кучуквачча ақиллаганча уй томон тисланди. Ёлдор шошилмайроқ олдинга юрди. Бундай пайтда

ошиқишни ёмон кўради. Интиқом дақиқаларини иложи борича узоқроқ чўзишга ҳаракат қилади. Ахир вақти келиб тенгсиз қудратга эга бўладиган жимитдек вужуднинг қайноқ қонини ҳовлиқмай, ошиқмай ичмоққа нима етсин. Аммо уч-тўрт одим отмай, кўнгли андак хатар сезгандай бўлди. Қадамини тезлатди. Кучуквачча уйдан ошхона томонга қочди. Ёлдор икки сакрашда унга етди-да, яғрини аралаш бўйнидан хиппа тишлади. Тишлари орасида нозик суяклар қисирлаб, кучуквачча ангиллаб юборди. Худди шу пайт уй эшиги шарақлаб очилди-да, остонада милтиқ тутган ярим яланғоч одам пайдо бўлди. Ёлдор ўлжасини оғзидан қўймай, яшин тезлигида ҳовлини кесиб ўтиб, деворга сакради. Улгурмади. Милтиқ варанглаб, қуймичига урилган кучли зарбдан кўча юзига ағдарилиб тушди. Ҳартугул оёққа қалқишга куч топди. Қишлоқ итлари эс-хушини йиғиб олгунча бўлмай, арчазорга етиб олишга улгурди.

Оқбўйиннинг қишлоғи тоғдан анча берида. Кўклам келди дегунча бўри зоти бу томонлардан оёғини узади. Акс ҳолда у ҳам Ёлдорнинг назаридан четда қолмаган бўларди.

Оқбўйин рақибига етмай, таажжуб оғушида хийла берида тўхтади. Жангга чорлаган шуми ё бошқасими деган хаёлда теварак-атрофга кўз югуртирди. Оғир тун пардаси остида мудраётган даштда бегона қорани илғамагач, фурсатни қўлдан бой бергиси келмай, дарҳол ҳужумга шайланди. Бироқ рақиб аллақачон тепадан энган, ортига қарай-қарай дашт бўйлаб йўртиб борарди. Уларни кам деганда юз эллик одим масофа ажратиб турарди. Оқбўйин оёғига зўр берди. Шу тобда у йиртқиқлик майлига берилган, азбаройи интиқом ўтида ёнганидан кўзига жондордан ўзга нарса кўринмас, тезроқ рақибига етишу томоғидан хиппа бўғиб, жон талвасасида типирчилашини томоша қилишдан бошқасини ўйламасди. Аммо қанчалик ҳаракат қилмасан, оралиқ масофа қисқарай демасди.

Бўри йўлни ўннга солиб, қир томон қочди.

Улар шу тарзда қувлашиб, биринчи, иккинчи ва ниҳоят, учинчи қирни ҳам босиб ўтдилар. Лекин оралиқ деярли ўзгармади. Оқбўйин жон олиш қасдида ҳарчанд уринмасин, рақиб ҳам жонини асраш ғамида ундан жадалроқ ҳаракат қиларди.

Учинчи қирдан нарисси Оқбўйинга нотаниш жойлар. Оқбўйин у томонларда бирон марта бўлмаган. Шунинг-чун қадамини секинлатиб, харсангтошга етганда тўхтади. Бир оз нафас ростлаб изига қайтди. Иккинчи қирга етмай, рақиб ортидан қолмай келаётганини пайқади. Қайрилла солиб яна қувлади. Бу сафар тўртинчи қир этагигача қувлаб борди. Кейин бу ҳол яна бир бор такрорлангач, Оқбўйин тағин ҳийлага йўлиққанини англади. Юраги ҳадик олиб, қишлоқ томон шамолдек елди. Аммо у кечиккан, Ёлдор шериклари билан товуқбоқарнинг эчкисини аллақачон тинчитиб бўлганди. Оқбўйин уларга жарда дуч келди. Қорни тўқ рақиблари, одатдагидек, у билан пачакилашиб турмай жар ёқалаб қочиб қолишди. Оқбўйин биринчи қирда қолиб, алаmidан саҳаргача увлаб чиқди.

Тонгга яқин қишлоққа энаркан, фермахона ёнидан ўтаётиб, Оқбўйин бирдан ҳушёр тортди. Эшиқда тимирскиланиб юрган Карим подачи уни кўриб уйчадан милтиқ кўтариб чиққанди. Эгачидан пишанг олган каттакан ола ит (Малланинг ўлимидан сўнг, Карим подачи уни қўшни отардан олиб келганди) вовуллаганча унга томон югуриб келарди. Оқбўйин итга эътибор бермай, сўлга бурилди-да, ўқ етмайдиган жойгача йўртиб бориб, сўнг бамайлихотир йўлида давом этди. Оғзидан ўт пурковчи қора калтак узоқдан хавфсиз эканини у аллақачон фаҳмлаб етганди.

Карим подачи итнинг йўлига астойдил кўз тикмаётган бўлса-да, жонини олмоқдан асло-асло воз кечмаганди. Кўр эмас, Оқбўйиннинг тундаги ҳатти-ҳаракатларини кўриб, билиб турарди. Билгани учун ҳам ич-ичидан зил кетар, шундай бир ит ўзиники бўлмаганидан юраги куйгани-куйган эди. Ҳозир ҳам Оқбўйиннинг ортидан ҳавас билан қараб қоларкан, ақиллай — ақиллай изига қайтиб, оёғи остида ўралишга бошлаган итининг биқинига жаҳл ва зарда билан телиб юборди. Ит вангиллаганча фермахона ортига қочди. Подачи қолган аламини ёғоч охурни сузиб синдирган буқадан олди — курак икки бўлак бўлгунча савалади.

Оқбўйин хавфли жойдан узоқлашар экан, дафъатан хаёлига келган нарсадан сергак тортди. Ёлдорнинг изидан бекордан бекорга изғийвермай, бирор пана-пастқамда пойлаб ётса-чи? Ана Карим подачи уни қанчалик ёмон кўрмасин, бирор марта ортидан қувлаганини эслаёлмайди, доим мушукдай пойлагани пойлаган.

Оқбўйин рақибини қувлаб юрмай, пойлаб қўлга туширмоқ лозимлигини англаб етди. Қаерда пойлашни эса у яхши билади. Айниқса, том бошида тарғил мушукнинг қилиғини кузатгандан сўнг фикри янада қатъийлашди.

Мушукка у тасодифан алаҳсиди. Уша куни қорнини тўйдириб октябрўяда чўзилиб ётганди. Самонхона томида чумчуқ пойлаётган тарғилга кўзи тушиб қолиб, қизиқсинганча унинг ҳаракатларини кузата бошлади. Томнинг нишоби ҳовлига қарагани учун ундаги нарсалар яққол кўзга ташланиб турарди. Оғилхона томидаги пичан ғарами ёнида донлаб юрган чумчуқлар мушукни сезмай қолишди. Тарғил ўқдек отилиб чумчуқлардан бирини тутиб олди. Икки соат ичида бу ҳол яна бир бор такрорланди...

Эртаси у чироқ ўчишини кутмай даштга чиқди-да, ҳеч қаёққа алаҳсимамай, йўлни катта жарга солди. Узун жарлик бу ерда иккига бўлиниб, бир учи қирга бориб тақаларди. Ёлдор тўдасини худди шу жар ичи билан бошлаб келарди-да, шу атрофдаги тепаликлардан бирига кўтарилиб, бир муддатлик кенгашдан сўнг, бирон манзилни қора тортарди.

Оқбўйин жар тубидаги қалин юлғунзорга яқинлашаркан, кўз остига олиб қўйган ерида Олапарни кўриб ханг-манг туриб қолди. Кейин норози ғингшиб, тажовузкорона ириллади. Олапар калта акиллаш билан мақсадини англагач, унга нисбатан жиндек меҳри ийиб, иккинчи бор ғингшиди. Бу сафарги ғингшиши ҳам эркаланиш, ҳам зорланиш оҳангига йўғрилган бўлиб, у Ёлдордан шикоят қилган эди. Олапар ҳам худди шу тарзда жавоб қайтаргач, иккиси бир майдон искашдилар. Сўнг Оқбўйин унинг ёнига чўзилди. Ортиқ бир-бирлари билан иши бўлмаётган тор сўқмоққа тикилиб қолишди.

Шу тариқа улар дўстлашди десак хато бўлади. Уларнинг тотувлиги вақтинча эди. Негаки, Олапар ақлли ит, бундай пайтда ишончли шерик зиён қилмаслигини яхши билгани учун ноилож рўйхушлик берганди. Бошқа вақт уни яқинига ҳам йўлатмаган бўларди. Вужудидан куч ёғилиб турган бу навқирон ит унга сира ёқмасди. Нимага деганда, у бошқа итлар каби ялтоқланмас, жойи келса, ҳақини талаб қилишдан ҳам қайтмасди. Ким билади, эрта-индин... Бу тентақдан ҳар нарсани кутиш мумкин.

Олапар кўз қирида шеригини кузатаркан, ичида унга нисбатан ҳасадага ўхшаш нимадир туйди. Қулоғидан ғарчча тишлаб олишдан базўр ўзини тийиб, тагин йўлга кўз тикди.

Тун ярмидан оққанда Олапар тўсатдан безовталаниб қолди. Оқбўйин унинг нимадан хавотирдалигини бошда тушунмади. Теваракка аланг-жаланг боқиб, нима гап, деган маънода секин ғингшиди. Олапар қулоғини динг қилганча юлғун новдаларининг тебранишини кузатар ва тинмай ҳавони искарди. Шундагина Оқбўйин қарши томондан эсаётган шамол йўлини ўзгартирганини пайқади. Мабода Ёлдор уларнинг ҳидини олса, ўлақолса бу томонларга йўламаслигини Олапарнинг хатти-ҳаракатига қараб англади. Олапарнинг безовталиги мана шундан эди.

Ниҳоят бебош шамол тагин йўналишини ўзгартириб, қаршидан эса бошлади. Олапар тинчланди, ҳатто Оқбўйинни беозоргина тишлаб қўйди. Пистирмада ётганда шамол асосий рўл ўйнашини Оқбўйин шундагина билди. Олапарнинг тишлашини кўпда ёқтирмай, кўнгилга оғир ботмайдиган тарзда ириллаб, сал нари сурилиб ётди.

Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтгач, шамол жондор ҳидини олиб келди. Ҳидни илғашлари билан ҳар иккиси ҳам сингиб кетгудек ерга қапишдилар. Паҳмоқ жунлари хурпайиб, даҳшатли тусга кирди.

Кўп ўтмай муюлишда Ёлдор кўринди. Ортидан бўй-бастига қараб яна тўрт шериги қатор келишарди. Афтидан қоринлари хийла тўқ шекилли, қадам олишлари ланжроқ, ҳатто узоқ-яқиндан эшитилаётган ҳамжинсларининг увлашларига ҳам кўпда эътибор беришмасди. Саф охирида келаётган жуссаси кичикроқ бўрининг нимадандир бетоқатланишини ҳисобга олмаганда, тўда тинч ва сокин вазиятда олға силжирди.

Аммо пистирмага етмиш-саксон одим қолганда, Ёлдор кутилмаганда сергак тортди. Тўхтади. Чўнқайди. Тумшугини кўкка чўзиб искаланди. Утган куни Оқбўйинни аҳмоқ қилган суяги бузуқ бўри унга бақамти келгач, иккиси нима ҳақдадир узоқ кенгашдилар. Сўнгра шамолда ваҳимали шовуллаётган юлғунзорга тикилганча туриб қолишди. Уларнинг нимадандир ҳадик олгани аниқ эди.

Ииртқишлар табиатан жуда бардошли бўлишади. Ана шу хусусиятлари туфайлигина улар кўпинча ҳаётларини хавф-хатардан асраб қолишади. Озгина шошқалоқлик ёки эҳтиётсизлик ҳамиша ўлим билан тугайди. Ёлдор кўнгил безовталигини аниқ идрок этолмагани учун ҳам сабр қилишга қарор қилганди. Бу ерда ақл-идрокдан ҳам кўра сабр-тоқат кўпроқ иш беради. Мабода юлғунзорда овчи беркинган бўлса, барибир ўзини билдириб қўяди. Ёлдор буни кўп синаган. Агар ит бўлса, агар шунга журъати етса, ҳадемай ириллаганча югуриб чиқади. Қўпол бу жониворлар кутишдан кўра қутқу солишни афзал билишади. Аммо Ёлдор бу гал адашганди. Адашгани шундаки, у Олапарни хаёлидан чиқарганди. Юлғунзор Олапарга эмас, Оқбўйинга яқинлиги туфайли ҳатто хуршига эринадиган Олапарнинг бу ерга келишини тасаввурига ҳам сиғдирилмасди.

Тўғри, у бекорга вақт йўқотмай юлғунзорни айланиб ўтиши ҳам мумкин эди. Унда кўнглига шубҳа солган хатар жумбоқлигича қолиб, кейин юраги ғаш тортиб юради. Бундан ташқари, яна ўтиб-қайтиши бор. Агар хавфни бугун аниқламас экан, эртага бу ерларга қадам босмоқни ўйламаса ҳам бўлади. Чунки бир хавфланган жойдан иккинчи бор ўтишда, ҳадик ва қўрқувдан бўри зоти хийла эт ташлайди. Бахтга қарши, шамол ҳам унинг зарарига ишламоқда эди.

Шу дам жуссаси кичикроқ ёш бўри бетоқатланиб олдинга ўтганди, Ёлдор юмма талаб берди. Шериги эса бебошнинг елкасидан ғарчча тишлаб четга улоқтирди. Одобсизлиги учун бошлаб таъзирини еган шўрлик ғингший-ғингший жойига бориб турди.

Ёшлик-ғўрлик деб бежиз айтилмаган, аини пайтда Оқбўйин ҳам ўзини зўр-базўр

тийиб турарди. Агар қаватида Олапар ётмаганида, у аллақачон ҳужумга ўтган ва ҳар галгидек бесамар қувлашлар билан тонг оттирган бўларди.

Ниҳоят, Елдор жойидан кўзғолди. Юлғунзорда хавф йўқлигига имони комил ҳолда олдинга юрди. Ёш бўри унинг ортиқча эҳтиёткорлигидан кулгандай увлаб қўйди.

Тепаликка олиб чиқадиган сўқмоқ шундоққина итлар яширинган жойдан ўтарди. Мушаклари таранг тортилган Оқбўйин шеригига қараркан, унинг ошиқмаётганини кўриб ҳайрон бўлди. Агар бу ҳол яна бир дақиқа чўзилса, у ортиқ бардош беролмаслигини сезди. Ҳайтавур Олапарнинг қадди ердан бир энлик узилди. Азбаройи зўриққанидан пайлари бўртиб, елкасига тегиб турган юлғун навдаси титраб кетди. Бу орада Елдор жуда яқин келиб қолган эди.

Оқбўйин сакрамоққа энди чоғланган ҳам эдики, олдинроқ ҳаракат қилган Олапар уни туртиб ўтиб, Елдорга ўқдек ташланди. Оқбўйин сал нарида саросимада туриб қолган бўрилардан бирига ҳамла қилди. Бу ўша суяги бузук улкан бўри эди. Рақиби ҳарчанд чап беришга ҳаракат қилмасин, бўғзини Оқбўйиннинг ўткир тишларидан асраб қололмади. Ит зумда унинг бўғзини ёриб ташлади. Оқбўйин ерда чўзилиб қолган бўрига қайрилиб боқмай, иккинчисига ташланди.

Ота-бола юлғунзорда уч бўри жасадини қолдириб, икки бўрини қиргача қувлаб боришди.

* * *

Учинчи қордан сўнг ҳаво хийла юмшаб, ҳафта ўтмай тизза бўйи қордан асар ҳам қолмади. Қиш ўртаси бўлишига қарамай, кутилмаганда кунботишдан эсанг илиқ шабададан ер селгиб, дала-дашт нимяшил тус олди. Ҳавода кўклам ҳиди анқий бошлади. Аммо бу ҳолдан болаларни демаса, катталар мутлақо қувонишмади. Негаки, ҳаво шу тарзда яна уч-тўрт кун туриб берса, дов-дарахтлар ёппасига гулга киридио навбатдаги қордан сўнг ҳаммаси ер билан битта бўлади. Кўпчиликнинг тирикчилиги боғдаги мевачева билан. Аммо ҳавонинг кескин илиши одамларга таъсир этмай қолмади: магазин олди ёш-яланглар билан гавжумлашди, чоллар жувозхона қошидаги одатдаги жойини эгалладилар, кампирлар урчуғию пўстагини судраб уйдан супага кўчдилар. Болаларни-ку қўяверинг, шумтакалар даладан бери келмай қўйишди. Қисқаси, Оқбўйиндан бўлак жамики тирик жон илиқ офтоб нуридан баҳра олмоқда эди.

Шу кунларда Оқбўйин мўъжазгина ёғоч уйчасида, қалин тўшалган похол устида дард азобини тортиб ётарди. Юлғунзордаги зафари эвазига у Карим подачи томонидан тўнгиз ўқи билан сийланганди. Йирик питра ўнг елкасини титиб юборганди.

Юлғунзор воқеасидан кейин Оқбўйиннинг шуҳрати кутилмаганда ошиб кетди. Ҳаммасига Мамаражаб жувозкаш сабабчи. У ҳафта, ўн кунда бир Тошлисойга қатнаб турарди. Тошлисойликлар бошқа экинлар қатори зиғир, кунжут ҳам етиштиришади. Тутинган жўралари жувозкашни йил-ўн икки ой зиғир билан таъминлаб келишади. Албатта, текинга эмас, аммо бозор баҳосидан анча паст, бунинг устига, мағзи тўқ, сиқсанг фарча ёғ чиқади. Хуллас, қишда кунда кўп, тўй кўп. Тўй оши зиғир ёғсиз бўлмайди. Мамаражаб жувозкаш зиғир умидида тонг-сахарлаб йўлга чиққанди. Катта йўлдан айланиб юришга эриниб, от бошини сўқмоққа бурди. Аслида доимо қатнайди-ган йўли шу эди-ю, лекин қиш кезлари жар оралаб, дашт оралаб юришдан ўзини тийиб келарди. Бу сафар нима фалокат босиб, шу йўлдан юрмоқ истаб қолганига ҳануз ақли етмайди. Жарга етмай тонг бўзарди, ойдин кунда даштда жондор нима қилади, деган ўйда юлғунзорга қадам қўяркан, шу атрофда ўралашиб юрган Оқбўйинга кўзи тушиб, янада дадил тортиди. Аммо юлғунзорга кирар-кирмас, бирдан оти тайсаллаб қолса бўладими. Индамаса, изига бурилиб қочадиган. Агар жувозкаш итни кўрмаганида, отнинг райига қараган бўларди. Ҳозир эса қаҳри кўзиб кетди. Келиб-келиб итдан ҳуркасанми, ҳаром қотгур, дея отни аччиқ қамчи остига олди. Таёқ жонидан ўтган шўрлик жонивор пишира-пишира ноилож олдинга юрди. Отнинг қилиғидан ёмон жаҳли чиққан жувозкаш уни мақтаб сотган Абдужалил қовчинни ҳам, унинг гапларига лаққа тушган ўзини ҳам чангитиб сўкиб бораркан, дафъатан кўзи тушган манзарадан эси оғиб қолаёзди. Қай кўз билан кўрсинки, қаршисида бир эмас, уч бўри чўзилиб ётарди. Албатта, жувозкаш уларни тирик гумон қилди. Шу сабаб беихтиёр иштонини хўллаб қўйди. Узоқ йили даштда бўриларга ем бўлган қайнисининг фожиаси хаёлидан чакмоқ янглиғ ўтаркан, кўзига кенжа невараси кўриниб кетди. Уни қайтиб кўролмаслигини ўйлаб бўғзига йиғи тикилди. Калимага тили келмай валдир-вулдур қиларкан, йирткичларнинг ҳаракатсиз ётганини сезиб ҳушёр тортиди. Кўз ўнгини босган кўкиш туман тарқаб, у қор устидаги қон изларини, бўрилар танасидаги жароҳатларни кўрди. Шунда ҳам яқинроқ боришга юраги бетламай, от бошини орта бурди. Ҳозиргина жувоз ҳайдамай, мен ўлай, зиғир мойи емай одамлар ўлсин, деб турган одам энди расво бўлган иштонидан бошқасини ўйламасди. Бўриларни ўлик кўрганидан худога минг карра шукрлар қиларди.

Мамаражаб жувозкаш йўл-йўлакай Қаҳҳор овчи эшигини қоқмасдан ўтолмади. Ахир кўргани ҳазилакам воқеа эмас, буни бировга айтмасдан бўларканми! Гап орасида,

юрибсан-да овчиман деб, суриштириб келса бир итчалик чоғинг йўқ, дея Қаҳҳор овчини қақиб олишдан ҳам қайтмади. Уйига етгунча яна беш-олти кишидан «суюнчи» олди.

Қаҳҳор овчи итга менгзалишидан хафа бўлиб турмади. Бошқа пайтда-ку бу гапи учун чолнинг ёқасини йиртган бўларди-ю, лекин ҳозир бунақа паст-баланд гапларга эътибор бериб ўтиришнинг вақти эмасди. Чолнинг қораси ўчиши билан у юлғунзорга жўнади. Йўлда бўри терисидан тушадиган фойдани ўзича хомчўт қилиб, баттар димоғи чоғ бўлди.

Бу ёруғ оламда овчи халқидек хангоматалаб одам кам топилади. Қаҳҳор овчи териларни ортмоқлаб қишлоққа қайтаркан, кўринганга Оқбўйинни таъриф тавсиф этиб борди. Оқшом Эркин пучуқнинг маслаҳат ошида ҳам жағи тинмади. Мамаражаб жувозкаш уни маъқуллаб турди. Гурунгда ит эгасининг қанчалик баҳри-дили очилган бўлса, Карим подачиники шунчалик хуфтон тортди.

Охири бўлмади, қарасаки, Қаҳҳор овчи ҳаливери тинадиган эмас, подачи бурчакдаги печка қаватида иссиқ ва мақтовдан терга ботиб ўтирган ит эгасига шум қараш қилиб, овчига юзланди.

— Қаҳҳорвой, ишқилиб, тери яхши пул бўлдимиз?

— Бир нави. Нима эди?

— Ҳаммасини чўнтакка урган чиқарсан?

— Нима, кўчага ташлаб қўйишим керакмиди? — Қаҳҳор овчи ҳайрон бўлиб, елка учирди.

Карим подачи жавобга шошилмади. Болишни биқинига тортиб, ёнбошларкан, қаншари остидан унга кинояомуз тикилди.

— Кўчага ташлама, увол бўлади. Лекин тери пули ит эгасига тегишли эканини унутганинг чатоқ бўпти. Ҳеч бўлмаса, унга улиш беришинг керак.

Даврага сукунат чўкди.

— Майли, биз рози.

Уртадан ўт чиқариш пайида турган Карим подачи ит эгасининг бу гапини эшитиб, афти тиришди. Нордонроқ гап айтмоқ ўйида сўз қидираркан, орага Мамаражаб жувозкаш суқилди.

— Унда тери пулида менинг ҳам ҳақим бордир, а, Каримбой? Ахир уларни биринчи бўлиб мен кўрдим-ку.

Карим подачи рағбат кутиб, унга умидвор тикилди.

— Бўлмасам-чи, — деди қутқули оҳангда.

— Ҳай, унда биз ҳам кечдик, олган пули ҳалоли бўлсин, — Жувозкаш шундай дея Карим подачи томон ўгирилди. — Сиз, Каримбой иним, буйтиб йўқ ердаги гапни кавламанг. Уят бўлади. Гўнг титмоқ товуққа ярашади. Юрак ютиб борибдими, қандини урсин. Мана биз яқинигаям йўлаёлмадик-ку...

— Энди сиз... аёлмижоз одамсиз-да, бобой, — деди Карим подачи кулиб. — Ҳеч замонда эркак кишиям ўлган жондордан кўрқадими?

— Тил курғур бесуяқ, оғизга келганини алжиманг, иним, — деди жувозкаш оғриниб. — Шу-у, сизга қараб туриб фикр қилсам, Содикбойни ити сиздан эслироқми дейман...

— Менгзаманг, бобой!

— Унда сиз ҳам оғизга сал эга бўлинг! Тенгқурингиз эмасман, кўп олдида буйтиб беҳурмат қилманг!

— Ақлини-ку билмадим-а, — дея гапга аралашди Содик ака, томдан тараша тушгандай бир тарзда, — лекин содиқликка содиқ. Расул деган улимизга кўп қаттиқ меҳр қўйган, жонивор. Ётар жойини бўлак демасак, иккиси доим бирга. Қачон қарама, етаклашиб юради. Тунов куни нега молди тагини тозалаладинг деб, улди озгина буровга олувдим, ириллаб тарафини олиб қолса бўладими. Болага қўл кўтарсам, оладиган шашти бор. Кўрқдим уришга.

— Унақа итни баҳридан кечинг, Содиквой, — деди Эркин пучуқ. — Ҳар мўйи тиллага тенг бўлсам, кечинг баҳридан. Кўнгил бўшлиқ қилманг, охири ёмон бўлиши мумкин. Ҳозир мен сизга бир воқеани айтиб берайину хулосасини ўзингиз чиқаринг. Шаҳарда бир нўғай ошнаман бор. Ҳов бирда катта улди тўйида ичиб олиб, ажаб бир қилиқлар қилган норғул йигит-чи. Ана ўша. Жўрам итга жуда ишқивоз эди. Бир немис авчаркаси бўлгичи эди. Одамдай эсли, келвати нақ эшакдай келарди. Шу денг бир куни ошнаман уйига кўпроқ отиб борибди. Узиям кўп ичарди, даюс. Ичиб олиб нуқул қўшиқ айтирди. Уша куни хотини шўрликнинг кайфи бузукроқ эканми, ошнаманни бир-икки силкибди. Турткилаб-сурткилаб уйга олиб кирмоқчи бўпти. Жўрам кўнмабди, хотини қистаб қўймабди. Орада елкасига бир-икки мушт ҳам туширибди. Нарёқда кучуги ётган экан, хотин эрига қўл кўтарган ҳамон сакраб туриб, шаппа томоғидан опти. Эганг ўлгир ит кишига аввало меҳр қўймасин, меҳр қўйдими қаттиқ кўяди.

— Хотиндан гапир. Хотин нима бўлди?

— Нима бўларди, баннисага етмай узилди. Ошнаман итни чавақлаб ташлади. Мана шунақа гаплар.

— Итга дўст дея таъриф берамиз-у, лекин минг қилсаям... Ҳайвон ҳайвон-да.
— Бунақа экан, ит асраб нима керак?
— Ие, ҳамма ит бир хил деб ўйлайсанми? Мана ўзимизнинг кўппаклар, бирор гап бўлса, думини қисиб қочишдан бошқасига ярамайди.

— Лекин Содиқники сара ит...
— Содиқвой, ҳалиги гапингиз чин бўлса, бу итни тезда йўқотинг. Урнига ювошроқ кўппак асранг. Айтиб бўладими, тагин...

— Ҳақ гап.
— Ҳа, йўқотинг.
— Йўқотиб нима қилади, — деди Карим подачи гапга суқилиб. — Ундан кўра менга бера қолсин. Нима дединг, Содиқ?

— Тушингизни сувга айтинг, — деди ит эгаси тумшайиб.
— Бекорга ҳаром қотмасин дейман-да, ука.
— Ким экан, ўша ҳаром қотирадиган? Мабодо сиз эмасми?
— Хидир хира қўзғоладиган вақт яқинлашяпти демоқчидим.
— Тегиб кўрсин!

— Чиранма. Қўлида қоғози бор унинг. Бет бўламан деб тагин милисага тушиб юрма.

— Қоғозини оғзига уриб, кетига тепиб ҳайдарман.
— Кўрамиз.
— Менга қаранг, — ит эгаси подачига қаттиқ тикилди. — Қоғози бор ўша номард нега сизнинг итингизга тегмайди, а? Ё итингизди шохи борми? Балки ойи бордир? Ё ҳар сафар томоғини мойлаб юборасизми?

— Менинг итим колхоз мулкани кўриydi, нодон.
— Нима, меники амманнинг чорбоғини кўриятими?! Кечалари даштдан бери келмайди. Гир айланаб қишлоқни кўриydi. Уч бирдай жондор бунинг исботи. Қоғози бор ўша уккағарга бу гапларни айтсак, тушунар, ахир. Калласи бордир, ҳўл-қуруққа баробар ўт қўймас. Гапнинг сирасини айтсам, ҳадигим сиздан. Биламан, анчадан буён тиш қайраб юрибсиз. Тагин, уялмай-нетмай менга бер деганингизга ўлайми!

— Сен бола, кў-ўп аччиғимни кўзитма! — ғазабдан подачининг ранги бўзариб кетди. — Суриштириб келсак, ўша ахта бўлгир кучугингни бўйнида итимнинг хуни бор. Отиш кам, этини нимталасам арзийди. Худо насиб этса, бу ишни қиламан ҳам.

Содиқ ака бош бармоғини бармоқлари орасидан чиқариб, қўлини подачи томон чўзди.

— Мана қиласиз!
Карим подачи қўлидаги пиёлани жаҳд билан отди. Пиёла тоқча қиррасига тегиб, парчаланиб кетди. Содиқ ака дастурхондаги чинни косалардан бирини қўлига олди. Подачи ирғиб ўрнидан турди.

— Қоч, йўлимни тўсма! — деди орага тушганлардан бирининг кўкрагидан итариб. — Кетаман! Қолсам, ёмон бўлади! Мановини тиккалай сўйиб қўйишим мумкин! Қўйвор қўлимни! Қўлимни қўйвор деяпман!

— Содиқ, сениям ёш бола феълинг бор-а, — деди Қодир тракторчи унинг қўлидан косани тортиб оларкан, биқинига туртиб. — Ахир ит сигир эмас-ку, бунча ичинг куймаса. Бериб юбор. Бермасанг, барибир бошини ейди.

Кинояни пайқаб кимдир кулди, унга бошқалар қўшилди.
Бу пайтда Карим подачи айвонда тўнғиллаб этигини қидирарди. Ичкаридаги гапни эшитиб, қайтиб кирмоқчи бўлди. Аммо узатиб чиққанлар уни қўйишмади, яхши гапириб йўлга солиб юборишди.

Карим подачи тўғри фермахонага келди-да, тоқчада олдиндан тайёрлаб қўйилган бир жуфт чўчка ўқни милтиққа жойлаб, Оқбўйин тунлари чиқиб увлаб ўтиришни яхши кўрадиган қишлоқ яқинидаги тепаликка жўнади. Тепаликнинг қулайроқ жойига пистирма қўйди. Болалар қавлаб ташлаган чуқурлардан бири унга жуда қўл келди. Бошқа вақт аллақандай итни деб зах ерда думалаб ётмаган бўларди. Лекин жанжал туфайли анчадан буён дилига туғиб юрган ниятини бу тун қандай бўлмасин амалга оширмоққа қатъий жазм қилди. Буни қарангки, Оқбўйин ҳам кўп куттирмади. Итнинг кўркама келбати тепалик устида, юлдузли осмон фониди пайдо бўлганида, Карим подачи эндигина иккинчи ёнбошига ағдарилган эди.

Айтиш керак, Карим подачи дарҳол милтиққа ёпишмади. Совуқдан увишган бармоқларини оғзига олиб бориб, нафаси билан иситаркан, итга маҳлиё термулиб қолди. Оқбўйин ҳақиқатан ҳам маҳобатли эди. Подачи умри бино бўлиб ҳали бунақасини кўрмаганди. Шу дамгача зеҳн солмаганини қаранг. Адоватли нигоҳ гўзалликни сезмайди. Подачи ҳам шу дамгача итдаги кўркни пайқаманган, уни бемисл қудрат тимсоли сифатидагина билар ва айнан шу хусусиятига ошиқ эди.

Одамзод қонида аблаҳлик қанчалик жўш урмасин гўзаллик олдида у бир зумга бўлса-да, довдираши тайин. Карим подачи руҳида қарама-қарши ҳислар туғён ура бошлади. Қтай деса, шундай ит увол. Бунақаси онда-сонда бир дунёга келади. Отмай деса, ичи куйиб ўладиган... У ғайришуурий ҳолатда милтиқни чангаллаб, тепкини босди.

Оқбўйин кутилмаган кучли зарбдан думалаб кетди. Интиқом лаҳзасидан қутуриб кетган Карим подачи ҳаялламай иккинчи тепкини босди. Навбатдаги ўқ шундоққина боши устидан визиллаб ўтиши билан Оқбўйин жон аччиғида қоча бошлади. Ҳовлига етиб келганида баданидаги ўқ ҳали совуб улгурмаган, оғриқдан ҳам кўра ташналикдан кўпроқ азоб тортмоқда эди. У ариқ четига оёқ кўйиб, юпқа музни панжаси билан уриб синдирди-да, ютақиб сув ича бошлади. Сўнг сувга қониб, кемтик тагига келаркан, силласи қуриб бораётганини ҳис этди. Девор ошишга қурби етмай, фингшиганча дарвоза томон судралди.

Содиқ ака итни эрталаб дарвоза тагидан топди. Оқбўйин чала ўлик ҳолда ётарди. Агар у юлғунзорда шуҳрат қозонмаганида, Содиқ ака икки дунёда ҳам Салом дўхтирга бош уриб бормаган, ўз навбатида Салом дўхтир ҳам уни сидқидилдан муолажа қилмаган бўларди. Худди шу нарса унинг ҳаётини сақлаб қолди. Суягига зиён етмаган экан, жароҳати тез бита бошлади.

Содиқ ака бу бедодликка бепарқ қарамади. Уша куниеқ сўйил кўтариб фермахо-нага борди. Аммо Карим подачи уни ёзги кўрадан берига ўтказмади.

— Яна бир қадам боссанг, отаман! — деди милтиқ ўқталиб. — Бу сенга оз! Шошмай тур, ҳали сенга шимилдириқ кўрсатиш қанақа бўлишни кўрсатиб қўяман!

* * *

Жароҳати битган сайин Оқбўйиннинг фавқулудда иштаҳаси очила борди. Аввалла-ри овқатга қиё боқмайдиган жонивор энди гўё ўша дамларнинг ҳиссасини чиқармоқчи-дай, ялоғига тўкилган нарсани кўрдим демасди. Бу ҳол Қимсан холанинг яна чакаги очилишига сабаб бўлди. Яқиндагина итнинг чимхўрлигидан норози юрган аёл эндилик-да унинг очопатлигидан нолирди. Шунингдек, ҳали бу менчай товўқларимга ташланиб қолса-я, деган ҳадик ҳам йўқ эмасди кўнглида. Албатта, унинг хавотири бекорга эди. Оқбўйин товўқларга тирғалишни хаёлига ҳам келтирмасди. Аксинча ипириқчи бу мах-луқлардан шу қадар жирканардики, иложи борича улардан йироқроқ юришга ҳа-ракат қиларди. Кейинчалик уйда бериладиган овқатдан нафси қонавермагач, у дала-даштга чиқиб ўлакса қидирадиган бўлди. Елдорнинг ўлимидан сўнг бўрилар бу то-монларга доримаслиги сабабли даштдан ўлакса диярли аримасди. Фақат қишлоқ итлари аҳён-аҳёнда... Аммо Оқбўйин тезда уларни тартибга солиб кўйди. Қарға-куз-ғунларни демаса, унинг насибасига шерик бўлишга журъат этадиган жонивор йўқ эди. Бошда Оқбўйин қарға-кузғунлар билан ҳам обдан ташлашиб кўрди. Эплаёмади. Бу қанотли махлуқларни бир томондан ҳайдаса, иккинчи томондан бостириб келарди. Ноилож кўникди.

Шу тариха, Оқбўйин бўриларча яшай бошлади. Бу хил ҳаёт ёқиб қолганидан, энди илгаригидек муттасил Расулнинг ортидан эргашиб юрмас, эрталаблари болани мактаб-гача кузатиб борарди-да, кейин тўғри даштга чиқиб кетарди. Даштдан гоҳида жуда кеч қайтади. Аммо Расулдан кўнгли андак безовталанса, ҳаялламай қишлоққа югуради. Аввалига болалар тўпланишиб турадиган сайҳонликни кўздан кечиради, сўнг пода кутиладиган кўча бошига ўтади. Қисқаси, Расулни соғ-омон учратмагунча кўнгли жойига тушмайди.

Расул копток талашиб уришган куни ҳам шунга ўхшаш воқеа юз берди. Бу пайтда Оқбўйин жарда санқиб юрарди. Кўнгли ўз-ўзидан безовталанавергач, қишлоқ томон чопди. У тепалик устида пайдо бўлганида, Расул болалардан бири билан ёқа бўғишиб турарди. Оқбўйин, деди биров бақириб. Болалар қуондек елиб келаётган итни кў-ришлари билан тумтарақай бўлиб кетишди. Майдонда ит билан Расул қолди.

Бугун ҳам у болани мактабгача узатиб борди-да, муюлишда машина кутиб турган одамлар ёнидан мағрур юриб ўтиб, даштга чиқиб кетди. Икки кундан буён камардаги ҳаром ўлган сигир билан банд эди. Гўшт ҳидини сезиб, тамшаганча, қадамини тезла-таркан, тақиқланган жойда ғоят катта тартибсизликни кўрди: уч-тўрт ит ўлаксени бамай-лихотир хомталаш қилмоқда эди. Оқбўйин ғазабдан қутурган кўйи олға интилди. Чанга-лига тушган итни тилка-пора этмоқ қасдида елиб бораркан, барибир нафс деган бало устунлик қилди, қочмоқча тушган итларнинг изидан қувлаб юрмай, хўраққа ташланди. Нафси бир оз ором олгандан сўнггина олтмиш-етмиш одим нарида қийшанглаб турган боғи итлардан бири — Қоплонга кўзи тушди. Келдиёр махсум уни эркалаб «қоплон» деб атаса-да, унда қоплонлик сиёқи йўқ — ориқ, нимжонгина ит эди. Оқбўйин қараши билан гўё унинг эътиборсизлигидан аразлагандай, у нозли бир қиёфада фингшиди.

Шу чоққача Оқбўйин учун ҳамма ит бир ит эди. Арслонми, урғочими — ғашига текканини аяб ўтирмасди. Ҳозир ҳам у итга нописанд назар ташларкан, унинг кўзлари-да одатдаги ялтоқликдан ташқари, ўпка, гина, ғамза ва яна алланарсаларни пайқагандай бўлди. Қизиқсиниб у томон юрди. Қоплоннинг нимасидир унга ёқиб қолганди.

Қоплон ҳам қийшанглаб пешвоз юраркан, етиб келгач бошқа итлар каби искашма-ди, кутилимаганда оёқларини кўтарганча ётиб олди-да, шундай бир қилиқлар қилдики, Оқбўйин дабдурустан шошиб қолди. Бехос тишлаб озор етказиб қўйишдан чўчигандай ерга узала тушди-да, Қоплоннинг барча хатти-ҳаракатларини диққат ва қизиқиш билан

кузата бошлади. Қоплон уни тамомила асир этдим деб ўйлади шекилли, ботиниб-ботинмай лаб-лунжини ялаб-юлқашга тушди. Бошда унинг бу қилигидан Оқбўйиннинг ғаши келиб, ириллаб бермоқчи бўлди-ю, лекин итнинг қувноқ кўзлари тўла меҳрни кўриб, ўзини босди. Уни ўз ҳолига қўйиб берди. Бора-бора бу унга жуда хуш ёқиб, кўзлари ўз-ўзидан юмилиб кетаверди.

Қоплон уни босдан-оёқ ялаб-юлқигунча тинчимади. Оқбўйин ўша куни дунёда қорин ғамидан бўлак, англаш ва англашиш қийин бўлган яна нимадир борлигини ҳис этди. Кейинчалик Қоплонга нисбатан бошқа итларнинг эътиборини сезгач, кўнглида рашкка ўхшаш нимадир кўзғолиб, итга меҳри янада ортди. Қоплонни ўзидан бир одим нари жилдирмай қўйди.

Бу воқеа итларнинг айна илиқиш даврига тўғри келганидан Қоплоннинг «хуш-тор»лари ниҳоятда кўп эди. Бироқ унга шундай бир баҳодир эга чиққан эдики, бошқа итлар Қоплонга яқинлашишни ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдилар.

Қоплон билан бўлиб, Оқбўйин ҳовлиянам, Расулниям унутди. Ора-сира ўтишини айтмаса, Қоплонга ипсиз боғланиб қолди. Келдиёр махсумнинг ҳовлисини бутунлай ўзиники қилиб олди. Келдиёр махсум уларни ҳовлидан ҳайдамоққа бир-икки уриниб кўрдин-ю, кейин қўл силтаб қўя қолди. Ҳай, ўйнашгинг кепти, ўйнашавер, эрта-индин ҳоврингдан тушарсан. Ҳозир сенга тегиб бўладими, кўзинг қонга тўлиб турибди...

Аммо бу ҳол Карим подачининг назаридан четда қолмади. У фермаҳонадаги итини ҳовлисига олиб бориб боғлади-да, пешинга яқин Келдиёр махсумнинг уйига жўнади.

* * *

Келдиёр махсум подачининг таклифини эшитиб, ҳайратдан донг қотди.

— Қўйингиз нимаси? — деди ниҳоят ўзига келиб. — Ана олиб кетаверинг. Тавба, бировга айтсанг, ишонмайди, ҳеч замонда ит ҳам савдо бўлганми?!

Карим подачи ишнинг осон кўчганидан қувониб, Қоплонни фермаҳонага олиб бориб боғлади. Олдига қотган-қутган нон ташлаб, уйчасига кирди-да, милтиқни ўқлаб эшик ёнига суяб қўйди.

Оқбўйин бу вақтда ҳовлида эди. Ялоқдаги овқатни пок-покиза тушириб бўлгач, офтобрўяда бирпас қўзилиб ётди. Сўнг энди Қоплоннинг олдига жўнай деб турганида, дарвозадан Расул кириб келди. Итни кўрган боланинг кўзлари шодликдан чақнаб кетди. Келасолиб Оқбўйиннинг бўйнидан кучди. Эркалади. Кейин қулоғидан тортқилаб ўпка-гина қилди.

— Ҳа, дайди! Қаерларда санқиб юрибсан? Қорангни кўрсатмай қўйдинг. Ҳозир бир адабингни берайми, а?!

Оқбўйин болани соғинган, юмалаб, сакраб, бир зум ўйнашган бўлди. Кейин дарвозага йўналди.

Ҳа, ҳали яна қочмоқчимисан? Қочиб бўпсан! Дайди!

Расул итнинг қулоғидан тутиб, уйчаси томон судради. Оқбўйин буни одатдаги ҳазил деб билиб, унга итот этди. Қачонки, кўзи ерда чуваланиб ётган занжирга тушгач-гина боланинг мақсадини англади. Бошини кескин силкиб, қулогини бўшатди-да, ортига қайрилди. Расул унинг бўйнидан маҳкам кучиб, тутиб қолмоқчи бўлди. Кучи етмади. Оқбўйин болани ҳеч бир қийинчиликсиз дарвозагача сургаб борди.

Остонага қоқилиб тушган боланинг алами кўзиб, ердан каттакон тош олди. Лекин уришга қўли бермади. Тошни маҳкам сиққанича Келдиёр махсумнинг ҳовлиси томон йўртиб кетаётган Оқбўйиннинг ортидан қараб қоларкан, кўзига ёш қўйилди. Сўнг дафъатан отасининг, илиқиш даврида ит зоти ҳамма нарсани унутади, аммо бу вақтинча, кейин яна эс-хуши жойига келади, деган гапи эсига тушиб, хиёл енгил тортди. Ичида Келдиёр махсумнинг итини бошлаб сўкди.

Оқбўйин Келдиёр махсумнинг томорқасига ўтиб, Қоплонни жойидан топмади. Эркалаб чақиришлари ҳам жавобсиз қолгач, у ҳид олиб, изидан тушди. Из уни тўғри фермаҳонага бошлаб борди. Ёзги қўра четида чўнқайиб турган Қоплонни у узоқдан кўрди. Юраги ҳаққириб, қадамини тезлатаркан, фермаҳона ортидаги паншаха кўтариб чиққан Карим подачига кўзи тушиб, саросимада туриб қолди.

Оқбўйиннинг бу қадар тез пайдо бўлишини кутмаган Карим подачи аввалига шошиб қолди. Сўнг қўлидаги паншахани гўнгтепа четига санчиб, уйча томон ошиқди. Ичкарига кириб милтиқни қўлига олди. Тепкисини кўтариб, ортига ўгирилган жойида шошқалоқлиги ўзига эриш туюлиб мийиғида илжайди. Тепкинни тушириб, милтиқни деворга суяди. Тимирскиланиб юриб, бир бурчақда ётган эшак тўқимини қидириб топди. Тўқимни тагига қўйиб, эшик ёнига жойлашиб ўтирди. Эшикни қия очиб, милтиқни тиззасига олди. Оралиқдан ёзги қўра бемалол кўзга ташланиб турарди. Карим подачи бу ишларни ошиқмай бажараркан, Оқбўйиннинг ҳали-вери итга яқин келмаслигини биларди. Кўнглига ҳадик оралаган итнинг жойидан жилиши қийин, шунингдек, минг пўписа қилганинг билан узоқлашиб ҳам кетмайди. Фурсат пойлаб атрофда айланнишиб юраверади. Айниқса, милтиқ ўқини татиб кўрган итлар бу борада жуда омилкор бўлишади. Аммо шунга қарамай, манаман деган итнинг ҳам сабр-бардоши бир-икки

соатдан ортиғига етмайди. Илиқиш таъсири остида улар бора-бора хавф-хатарни унутиб қўяди. Подачининг умиди мана шундан эди. Икки соат эмас, икки кун пойлашга ҳам рози эди у. Яқин келтирмасдан туриб, Оқбўйинни бир ёқлик қилиш жуда қийиндек туюларди. Отиб ўлдирадую жасадини фермаҳона ортидаги хандаққа ташлаб, устидан тупроқ тортиб юборади. Қани, эгаси даъво қилиб кўрсин-чи!

Оқбўйин уйчадаги тараддудни сезгандай ҳамон жойида қотиб тураркан, Қоплоннинг нолакор ғингшисидан сўнг секин-аста олға силжий бошлади. Манзилга юз одимча қолганда, подачининг ўт сочувчи калтагини эслаб, тагин тўхтади. Аламли ғингшиди.

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, Карим подачи зерика бошлади. Боз устига, ҳали молларнинг ярмига емиш ташланмаган эди. Бир хаёли, бу аҳмоқона ишга қўл силтаб, юмушига уннамоқчи ҳам бўлди-ю, кейин юраги куйишиб юришини ўйлаб, фикридан қайтди. Тирқишдан мўралаб, масофани чамалади. Оралиқ хийла олис, ўқ етиши қийин эди. У тили тагига нос ташлаб, гарданини қирт-қирт қаширкан, тўсатдан кўзи фермаҳона деворига суёғлиқ турган заранг податаёққа тушиб, ўзида йўқ қувониб кетди. Аввалроқ шу нарса хаёлига келмаганидан ичида ўзини бошлаб сўқди. Ахир Оқбўйин шеригининг азобига чидаш беролмайдиган ёвқур табиатли итлар тоифасидан-ку. Бундай пайтда у ўлса ўладики, лекин ҳеч балодан қайтмайди.

Карим подачи ташқарига чиқди. Бориб таёқни олди. Йўл-йўлакай устидаги пахталигини ечиб ташлаб, Қоплонни ёнига борди. Милтиқни симтўр деворга суяб қўйиб, итни калтаклашга киришди. Қоплон ювош ва нозик ит — зарб айтарли даражада кучли бўлмасан-да, дунёни бошига кўтариб вангиллай бошлади. Ўзини чор томонга отиб, қутилмоққа уринди. Бироқ тизимча калта, калтак эса узун эди.

Қоплоннинг калтак остида қолганини кўриб, ғазабдан Оқбўйиннинг эси оғиб қолаёзди. Аммо милтиқдан қаттиқ юрак олдирган эмасми, кўнглидаги қўрқув ҳиссини енишга қурби етмади. Ғингшиди. Ғингшиганча ер бағирлаб беихтиёр олдинга силжиди.



Подачи ўзини ҳар ёнга уриб, таёқдан қочиб уринаётган Қоплонни калтаклашда давом этаркан; ора-сира Оқбўйинга кўз қирини ташлаб қўярди. Оқбўйиннинг чумчуқ пойлаган мушук сингари ер бағирлаб ғалати бир алпозда ҳаракатланаётганини кўриб кўлди ва уни тезроқ қутуртирмоқ ниятида Қоплонни баттарроқ таёқлай бошлади.

Аммо шу пайт қутилмаган ҳодиса юз берди: калтак жонидан ўтган Қоплон туйқусдан подачига ташланиб, ўнг билагидан ғарчча тишлаб олди. Карим подачи ихраб юборди-да, ўзини бир одим ортга олди. Тирқираб қон оқаётган билагига разм солиб туриб, тутатиб сўкинди. Кейин таёқни икки қўллаб тутиб, шўрликни чинакамига калтаклашга тутинди. Агар Оқбўйин халақит бермаганида бирон дақиқалар ичида итни уриб ўлдирган бўларди. Ғазабдан қутуриб кетган подачи Оқбўйинни жуда кеч пайқади. Ириллаш, ириллашдан ҳам кўра наърага ўхшаброқ кетадиган овозини эшитгандан сўнггина ёнига ўгирилди. Ўгирилдию шу дақиқани кутган бўлишига қарамай, ўзи томон ўқдек учиб келаётган Оқбўйиннинг важоҳатини кўриб, дабдурустдан ваҳимага тушиб қолди. Таёқ билан ҳимояланмоқчи бўлган жойида милтиқ эсига тушиб, қуролга ёпишди. Шошганидан милтиқ тепкиси қолиб, қўндоғини пайпаслай бошлади. Ниҳоят, тепкини кўтариб, милтиқ учини Оқбўйинга тўғрилади. Жуда яқин келиб қолган Оқбўйин айна шу дамда нақ одам бўйи сакраб, яшин тезлигида унга ташланди. Биринчи ўқи хато кетган подачи иккинчисини бўшатишга улгуролмади. Елкаларига тиг янглиғ ботган тирноқлар зарбидан кўз олди хиралашиб, ҳушини йўқотди...

Оқбўйин рақибини мағлуб этганига ишонч ҳосил қилгач, ундан четланди. Тупроққа ётиб тургандай илкис силкинди. Сўнгра бетиним ғингшиётган Қоплоннинг ёнига бориб, арқонни ўткир тишлари орасига олди.

Эртаси Хидир хира бошлиқ тўрт отлиқ итларни камардан топишди. Оқбўйин қочмади. Орқа оёғини судраб базўр одимлаётган Қоплоннинг гирдини айланиб, таҳдидли ириллади.

Зум ўтмай, камарни милтиқ овози тутди.



Сирожиддин Раупов

БИР БЕДОР ЮРАКНИНГ ЭГАСИМАН МЕН

* * *

Балки, дунёдаги жамики сўзлар
Сенинг таърифингга арзимас, эй моҳ.
Бўлса ҳам қуёшдек улар зўр оташ,
Энг хушбўй гуллардан яна хушбўйроқ.

Хуснинг таърифини ишонгин менга,
Ул қадим сўзлардан кўмак тиламай —
Битта сўз айтаман, тап-тақир чўлда
Очилиб яшнаган қирмиз лоладай.

Хуснинг таърифини ишонгин, дилбар,
Фақатгина менга, бошқа ҳеч кимга.
Сен дея яралиб, оламга бир бор
Бўйин кўрсатмаган Сўз бор кўксимда...

* * *

Осмоннинг мулкида юлдузлар шўх-шан,
Заминга кулгулар тўкаверади.
Кулгига чўмилган шу тунда бедор
Ҳар юрак Муҳаббат туғаверади.

О малак, юзингдан ойлар нур тилар,
Сочингни тун дея тўзғитди шамол.
Бир бедор юракнинг эгасиман мен,
Туғилган гўдакка келгин, назар сол.

Юракнинг боласи — шўрлик муҳаббат,
Ташнадир, ичиргин, бир томчи Меҳр.
Муҳаббат улғайсин, усиз бу олам
Юпун бир гадодир, кўзлари сўқир.

Халқ оҳангида

Қай кун ҳассос табиат
Сени бундоқ гул этди.
Тушиб ишқинг учқуни
Жигар-бағрим кул этди.

Ўртанур энди кўксим
Чидолмасдан бир ҳолга:
Тундайин сочинггамас
Ватан, ахир, шамолга!..

Висолингга сиғиниб
Ўтган кунлар туллади.
Юрагимда юз минг дард,
Қайғу-ҳасрат гуллади.

Сенсиз менга тириклик
Куйлари кўп ҳазиндир.
Қалбда ҳижроннинг тиғи
Кипригингдай узундир.

Осмоннинг бир бурчида
Юлдуз кулса кўзингдай,
Соғинчнинг зил юкига
Ҳаммол йўқдир ўзимдай.

Келгин, энди тоқат йўқ,
Карам этгил, суйгилим.
Азобларга чек қўяр
Ё висолинг, ё ўлим!

Сирожиддин Раупов шеърларида нозик рухий кечинмалар борлик баҳри билан ошифта ҳолда ифода этилади. Бу ҳол ижодқорнинг дунёни ўзига хос идрок қилишидан, ўзига хос ҳис қилишдан далолат берадики, шоир учун бу салоҳият ўз-лигини англаишида асосий омил бўлади. «Бир кун менга тухфа этади сени, Менинг нигоҳларим михланган эшик», дейди шоир. Унинг шеърларида неқбинлик оҳанглари, умид ва ишонч туйғулари дард ва алам ҳислари билан уйғунлашиб кетади. Бу туйғу, бу ҳис эса борлик, ватан, муҳаббат ришталари билан чирмашиб, куюк бўёқларда бўй чўзади.

Тилак ЖҶРА

* * *

Мен сендан олислаб кетганим кундан,
Тақдир сийламоқдан ўзини тийди.
Йиллардек судралиб ўтди лаҳзалар,
Кўзларим соғинчдан либослар кийди.

Сахродек куп-куруқ қалбимга тинмай,
Ҳасрат уруғини қадар сукунат.
Чорасиз ўйларинг қонини сўриб,
Сўнг аччиқ мевалар тугади ҳасрат.

Бир марғуб масканни тентираб излар,
Юракни тарк этган бечора шодлик.
Фироқнинг наздида вужудим — гўлаҳ,
Бағримга ўт қалар сира беҳадик.

Қулаган руҳимни тикламоқ бўлиб,
Фариштам, такрорлаб азиз номингни,
Чиллада баҳорга илҳақ қуш каби
Қўмсайман руҳафзо табассумингни.

Бир кун

Бир кун менга тухфа этади, сени,
Менинг нигоҳларим михланган эшик.

Бир ёруғ умидга интиқ кўнгилдек,
Ажиб ташрифингдан ёришар кулбам.

Жонимдан-да азиз, мўъжаз бошингга,
Ёстиқ бўлганидан яйрайди кўксим.

Шунда ҳижрон, турфа оғриқлар ҳақда
Сенга эртак сўйлар соғайган юрак.

ТАЛАБАЛАР ДАФТАРИДАН



Кўшон Абдуллаев

* * *

Қолиб кетди дардларим нигун,
Далаларнинг намгин бўлакларида.
Юрак сўнгсиз энтикар бугун,
Висолнинг ҳадсиз йўлакларида.
Гўдак муҳаббатнинг гўдак йургаги,
Йиртилди, хазонрез куз пойгакларида.
Кўйлак кийгиздилар, ҳижрон аталмиш
Армонлар чайқалди этакларида.
Йиллар туманининг пардаларида
Бўғиқ ингранади аянч бир нола.

Бу туманлар бағрида сарсон — саргардон
Кезган муҳаббатим — шўрлик бир бола.
Бугун йўлакларни супураг гуллар,
Шамоллар барчани тўйга чорламиш.
Дарахтлар чайқалиб шивирлашади:
«Бугун шу муҳаббат уйланар эмиш!...»
Юрак сўнгсиз энтикаверар,
«Фақат сен, фақат сен, фақат!...»
У сари висолнинг сўқмоқларидан
Аста юриб келар... ўша муҳаббат!

Туш

...Хонам — гўшанга эмиш, парда — чимилдиқ,
Майин энтикармиш қўш болиш, тўшак.
Бир даҳшат қувонч-ла мени қучармиш,
Қисмат арзандаси — Зайнаб-келинчак!
Ой хунук тиржаяр эмиш фалакда,
Туннинг қаро қўли бўғармиш мени.
Бир хоин ҳисларга қучоғим очиб
Тамоман унутган эмишман сени.
Йўлимга интизор юзинг сарғайиб,
Кўзингда ингрармиш қатра ёш — гавҳар.
Мен-чи, хиёнатнинг қўйнида сармаст,
Ёр-ёр айтар эмиш тун, хона, шаҳар...
Тун!
Нега бунчалар узайиб кетдинг?!
Киприклар! Кўзимни бўшатинг банддан.
Ёлғон! Буларнинг барчаси ёлғон!
Хиёнатнинг кафанин йиртиб
Ҳижрон лаҳадидан азот тураман!
Мен ҳали тирикман, севгилим,
Арзандалар ичар заҳарни.
Тун ўлар,
Гуноҳкор тун ўлар!
Бир Соғинч уйғотар саҳарни!..

• Ҳолат

Тун.
«Чиқ-чиқ» қилар соат,
«Пиш-пиш» ухлар кимдир.
Ташқарида шаҳар ингранар,
Деразани ўпади шамол.
Мен — кўланкаман.
Ҳаловат — рақибим,
Хаёллар — Азроил юборган элчи.
Соғинч судрайверар яна ул томон.

Зиналар — жаннатга элтувчи йўллар.
Уйғон, эй ғофил Ҳаловат!
Кел, Боғи Эрамда айлайлик сайр!
Кел!..
Бирок,
Сен — Ғафлат асираси,
Мен — Андишалар қурбони...
Тун.
Деразани ўпади шамол.



Наргис Довурбоева

* * *

Олам кўм-кўк, асло ям-яшил эмас,
Йўқ, олам қоп-қора, яна тим қора!
Умиднинг илинжи — нурли камалак,
Заминнинг энг сўнгги қурбони, қара!

Қорачиқлар бирдан кенгая бошлар,
Бетўхтов улғаяр кўнгилдаги доғ.
Энди бор гапингга ишонаман мен:
Бу дунё носоғдир, бу дунё носоғ!..

Сийлаган кўшиғинг асло ёқмайди,
Чанг чиққан ҳасратинг менга бегона.
Энди бу кўзлардан шўр ёш оқмайди,
Ўтли нафратимдан қўрқмагин яна.

Очун зулматидан беркинмоқ истаб,
Кимнингдир қалбига кетдим қоқиниб.
Энди билмам, тоқай, бешиё диллар
Бир ҳовуч меҳрга ўткай топиниб.

Ташналик азоблар энди дилларни,
Қийналдим демоққа ким журъат этди?
Сиз кўра олмайсиз, ахир, кимлардир
Дунё тузлиғига тупириб кетди.

Бу шеърларнинг муаллифлари — талабалар.

Уларнинг ҳар хил нигоҳларини, ҳар хил кайфиятларини, ҳар хил ҳолатларини, ҳар хил сифатларини бирлаштирувчи асосий хусусият — **СОҒИНЧ**. Қалбнинг қатламларида изтиробга дўнган **СОҒИНЧ** ҳаракат шаклига киради. Инкорни вужудга келтиради, умидни пайдо этади. «Бир **СОҒИНЧ** уйғотар сахарни!..» деб ёзади ёш шоир Қўшон Абдуллаев. **СОҒИНЧ** — адабиётда, хусу-

сан, шеърятда алоҳида таҳлил этилувчи образ. Талабалар ёзмаларига хос сезимлардан яна бири — руҳият таранглиги ва дарднинг қадрдонлиги билан боғлиқ. Дард қадрдон ҳис қилинган, яқин олинган жойдагина СЎЗ ростга айланади. Ички фикрий қувват ва руҳий қудрат сўзнинг имконини кенгайтиради. Уйлаймизки, мазкур шеърларнинг муаллифлари ҳам бунга ўзларида қурб топиша олади. Насиб!

Икром **ОТАМУРОДОВ**

Ғашлик

Кўнгилга сиғмайди
Хона ҳам тор унга.
Асли бу дунёда
Нима ҳам бор унга?


Бутун вужуд бўйлаб
Солади овоза,
Тўрт томонга боқса,
«Ланг» очик дарвоза!

Руҳий исён

Туғ кўтариб йўлга чиққан кимлар эдилар,
У манзилда ботирлар йўк, мард йўк дедилар.
Парвоз этган каптар эмас, бургут экан-ку,
Қўллардаги тиғда кимлар қатл этилар?!

Бу майдондан нени истар ўткир нигоҳлар,
Кўринмас у чилвирларга кимларни боғлар.
Сокинликдан ғалаёнга дов тикишганда,
Қай кавакдан инграган ким, не учун «оҳ»лар?!

Қон кўпирар, гўё довул дунё айланар,
Оғир гурзи тушган каби вужуд қийналар,
Шу тариқа руҳиятнинг майдонларида
Бош кўтарган қасоскорлар йўлга шайланар.



Бобомурод Эралиев

Уч

Юлдузлар кирраси ўткир пичоқдай,
Санчилар кечанинг яғринларига.
Мушуклар писиниб кирар қочоқдай,
Одамларнинг иссиқ ўринларига.

Руҳимни аврамоқ учунми тинмай,
Осмон кукунини боғларга сепар.
Дарахтнинг бақувват шохлари синмай,
Шамоллар болтаси бир бошдан чопар.

Кеча бир туш кўрдим, кўрқинчли бир туш,
Яйловда кишнармиш қора тулпорлар.
Қўлларим ёлини силаётганмиш,
Қорачиқларида машъала порлар.

Бир ҳовуч олтиндай ёғиб фалакдан,
Ярақлаб-жаранглаб лаҳзалар қолмиш.
Билмайман, кафтимга олганим недир,
Билмайман, недир у ерга сочилмиш?!

Ериб бу кечанинг қоронғусини,
Елвориб чиқаман, юракда — яра,
Илонлар қуйгандай бор оғусини,
Вужудни оғритиб қийнар тобора.

Тарк этиб, ётсираб, яқинлашолмай,
Қизларнинг оташин қучоқларига,
Кўксимни тутаман ором олай деб,
Юлдузларнинг ўткир пичоқларига.

* * *

Далалар уйғонар юлдузни кўриб,
Отлар уфқларни жимжит кузатар.
Тоғлар ҳам олисдан авайлабгина,
Ойни келинчақдай кўкка узатар.

Болалар фалақдан санар юлдузни,
Ойдин кечалари томларга чиқиб.
Момолар ухламай тонг оттиради,
Тушларга кирмаган чўпчаклар тўқиб.

Шамоллар боғларда беором куйлар,
Нимадир топгандай ё йўқотгандай.
Ўтларда юмалар, ағанар, уйнар,
Ҳали ҳеч ким билмас майдан тотгандай.

Тун кунни ўпгайдир, оғушда эриб,
Самодан куюлгай дуч келгач бир дам.
Тупроқнинг ҳидидан яйраб кетасан,
Ўғил кўрган отадай сен ҳам.

Сонет

Қиличдай кўтарил, эй сабил руҳим,
Сенга тинчлик бермас шу ер, шу осмон.
Бўғзимда жазиллар энг сўнгги уҳим,
Энди хаёл этма қолмоқни омон.

Ўчди сийратимнинг битиктошлари,
Қадимий саҳродай куймоқда ичим.
Қорачиқ тубида алам ёшлари,
Қўлимдан учарми синмас қиличим?

Тентираб қайтаман қора даладан,
Бошни кўтаролмай ўтлуғ жаладан:
Юлдуз — чўғ. Шамол — чўғ. Ой қайиғи — чўғ.

Ҳушимга келаман эзгин ноладан:
Ҳар недан муқаддас, ҳар недан улуғ,
Юракда ҳилпирар йиртилган бир туғ!

* — * — *



Хосият Рустамова

Сукунат — кўзимга қадалган савол,
Ёлғизлик — руҳимга бичилган кафан.
Эй менинг олислаб кетган ёшлигим,
Мен сени қайлардан топаман?!

Варақлар — қалбимнинг қонли кўйлаги,
Сўзимни ўрайман духобаларга.
Ғуборсиз йўллардан умидни юлиб,
Мен бошни эгаман айбномаларга.

Ғийбатлар кўксида тунайди ўкинч,
Гиналар — бўғзимда йиғлаган бола.
Ҳавойи сўзлардан юлқиниб, қочиб
Бағрингда яшагим келади, ОНА!

Сочлари оқарган хаёл чопади,
Қишлоқнинг қишлоқи кўчаларида.
Соғинчлар кўзини юмади, эсиз
Руҳимнинг армонли кўлчаларида...

* * *

Оққуш оҳимни олиб кетади,
Олашақ оғзида йиғлайди пишлоқ.
Қадоқ кўлларимни беркитдим сенга,
Меҳнат тўшагига ўранган қишлоқ.

Сочларим ғўзадан кийдилар кўйлак,
Юрагим қиз бўлди шаббодаларга.
Сўзимга кирмади хаста қалб — шеърим,
Кўзларим бирлашди фаввораларга.

Тунлари аллалаб чиқди чигиртка,
Тонгда алаמידан ясади балдоқ.
Мен эса дардимни айтмадим сенга,
Дардлари хазонга айланган қишлоқ.

Шаҳар жим. Шаҳарни ғам аллалайди,
Учиб кетгим келар бағринга шу чок.
Начора, қофия йўлим тўсади,
Шеър кўйиб юбормас, кечиргин, қишлоқ.

* * *

Ҳорғин мактуб битар пахтазор,
Чаноғида чархлаб қаловни.
Этакларда тўлиб кетар ой
Юрагига жамлаб оловни.


Кўринмас у, дард қатор-қатор,
Кўсакларда кулаверар куз.
Нигоҳидан қуёш қон ютар,
Менга бунча қарайди у қиз.

Дош беролмас кўзларим абас,
Ғўзаларда бардош тутуви.
Осмонларда осмондек эмас,
Ой шаклида севаман уни.

Сомон йўли йўллари узун,
Ҳолим хазон — сомончи бола.
Қабоғимда инграб чиқар тун,
Тушларимга киради дала.

Сочларимни ёвшан тўзғитар,
Ёбонларнинг ёви — қайсарман.
Пахтазорда мингта кўз қарар,
Бегим, сизни ўзим асрайман.

Дардлар ғўзаларга суянар,
Чаноқларга ин қураар ҳумой,
Кўнглим — соғинчларга кўк мазор,
Этакларда тўлиб кетар ой...



Асадулла Жўраев

Фидо

Майсалар оғриқ-ла суйсалар,
Босиблар ўтгувчи одамни.
Шитирлаб лутфлар айтсалар,
Бўсага кўмсалар қадамни, —
Мен нечун товонинг ўпмайин,
Майсадек бир савоб топмайин?!

Гулларки, бутоғдан қиркилур,
Узганга, лекин, бахт сочурлар.
Хижроннинг пардаси йиртилуру,
Муҳаббат эшигин очурлар.
Мен нечун фидолар бўлмайин,
Гул каби қиркилиб сўлмайин?!

Тикилсам кўзларинг ийманур,
Азобга тушарман мен буткул.
Яшаш не ҳимматинг бўлмаса,
Мисоли бир майса, мисли гул.
Чеҳрангга боқишдан қочгайман, —
Кўзимни тушимда очгайман!

Унутиш

Нар шернинг сут тиши — чақмоқ,
Улкан туғилишдир — гулдурак.
Емғир эса минг тишли тароқ,
...Унутиш керак!

Кўзлар — икки жовдир мусича,
Хурпайишар йиғидан дарак.
Қандай яши эди-я кеча,
...Унутиш керак!

Малол — юзда ним ёруғ чизгу,
Лаб бурмоқлик — лаб узра баргак.
Қовоқ уймоқ — қийшиқ бир кўзгу,
...Унутиш керак!

Тил — сўзларга қулай парвозгоҳ,
Пешма-пеш сўз юборган — юрак.
Таниш у ном сўйланса-да гоҳ,
...Унутиш керак!

Ҳеч бўлмаса, бир ухлаб турай,
Хотиралар этмаса ҳалак.
Фариштадан унутиш сўрай,
Унгли туш керак!..

Қарғиш

Қарғайди бир куни гўзаллар мени,
Қаровсиз муҳаббат учун қарғайди.
Мен пинак бузмайман, ҳадик тортмайман —
Онамнинг дуоси мени асрайди.

Бир куни дўстларим мени қарғайди,
Сотилган садоқат учун қарғайди.
Сўқори ғоридан топмасман паноҳ —
Онамнинг дуоси мени асрайди.

Қарғайди бир куни шеърларим мени,
Елғон шеърларим мени қарғайди.
Барибир қўрқмасдан хўрлайбераман, —
Онамнинг дуоси мени асрайди...

Етар, мен на Жамшид, на Ҳотамитой,
На орзуси поймол бўлган тўрғайман.
Софлигу маъсумлик ҳаққи ҳурмати,
Бир куни ўзимни ўзим қарғайман:

Дўстсиз, ёрсиз ўтгин, о Асадулла,
Битта шеър кўйида рангинг сарғайсин!..
Жавоб бера қолгин ўшанда, Она —
Ўзимдан ўзимни қандай асрайсан?!..



Маҳфуза Эшмуродова

* * *

Тонгларнинг шивири — саболар айтсин,
Исмингни чакириб зорланганларим.
Лабидан қон оққан видолар айтсин,
Туйғунинг қўлида хўрланганларим.

Туннинг қабоғида ёлғиз, қунишиб,
Тангридан бир сенга инсоф тиладим.
Нетай, ғамбодани қўлимга тутиб,
Мубҳам саробларга бағрим элади...

* * *

Қалбим зурёд кўрар ғурурдан,
Кўзлари тун каби қоп-қора, сокин.
Айрилиқ юз очар тонгнинг кўзида, —
Раво кўрмиш менга шуни худойим.

Фироқ шаробидан вужуди ёниб,
Бағридин ниш урар лолақизғалдоқ.
Фарзандим — Айрилиқ дилхуну мағрур,
Бошин олиб кетар, юраги қадок...

* * *

Бағрим тупроғидан ўсиб чиқар ишк,
Армонлар, сиз менга тўқиманг кафан.
Хўрлангиз, юрагим гар бўлса беҳис,
Ўтинчим, вафонинг тилин чўқиманг!..

Минг битта гумондан куяр остонам,
Бардошлар қулайди ўнгу сўлимда.
Севги сочларини силкитар масрур, —
Хазонлар кўқарар бахтнинг йўлида.

* * *


Холмурод Абдурахмонов

* * *

Тонгда шовқин туғиб берар чумчуқлар,
Булбуллар ғарғара қилар шабнамни.
...йўлакда ивиган гуллар шилдирар.

Тонгда кўчиб тушар қорачиғимдан,
Суврати миҳланган совуқ нигоҳ, оҳ!
...ташқарида айбсиз гуллар дилдирар.

Тонгда кетгум бедил, беҳузур бўлиб,
Туғилган кунингнинг азобларидан.
...сен итқитган гулни кўзимга экиб
кетгум - м - м!



Роҳибага

Комиллар гулнинг минг асрорин туйди,
Япроғи қалбида ёришган кўзгу.
...Асрларнинг ортида адашган туя...
Тагсиз пиёлада кимнинг акси у?!

Қўнғироқ жаранглар, лўкиллар туя,
Чайқала-чайқала силкинар қирқ хум.
Қирқ хумнинг устида қирқ илон мизғир,
Қирқ биринчи хумда ғамдан айри — рух.

Ўн саккиз минг олам асрорларини,
Ютиб юборади қутурган саҳро.
Қирқ илон қочади қанот чиқариб,
Рух эса чарх урар уфқлар аро.

Шамол куй чалади, тебранар карвон,
Тебранар хум тўла сийму жавоҳир.
Уйғонгиси келмас карвон соҳиби,
Туялар ихрайди, ихрайди оғир...


* * *

Ложарам дилимни тилсимлаб қўйиб,
Кўксимда ўйнағай раққоса — тунд ишқ.
Қирқ йиллик май ичган аллдай сармастман,
Рухимни аврайди жодугар қўшиқ.

Семурғ ҳақдан сўраб келтиргил бахтни,
Фанога буюрсин, эрк суяр жоним.
У аршга етади, оғзида тилим,
Забондан айриман, тўнглаган қоним.

Мени жоду ила руҳдан айирган,
Ошиғинг бўлдимми, гўзал ялмоғиз?!
Ҳали келар албат нигоҳида қасд,
Сеҳринг ўлдиргали соддадилим — қиз.

Келсанг-чи, келсанг-чи кўкси чок дилим,
Сен қара, сен қара: дил пора-пора.
Узатгин нигоҳинг нигоҳларимга,
Музлаган қорачик...
Меҳринг-ла ёра!



Мирза Раҳим Мамажон

* * *

Кўлмак
сувга дардимни
айтсам,
Шўрлик,
ерга
сингиб кетибди.

* * *

Кел,
дўндиғим,
суянчиқ бўлгин,
Мен ҳассамни
бир четга қўяй.

* * *

Тўхта,
увиллама менинг еримда,
Қаерлардан
келдинг, эй шамол?
Борми,
сенинг Ватанинг, онанг?
Соғинажак
ёки бир кимсанг?
Кетгин
менинг шаҳримдан, шамол,
юртимнинг ўз
шамоллари бор!!!

Кошкийди
унутсам,
тонгларни қувониб
кутган гўшани.
Хотирам
кўксимда
инграб ётибди,
мисоли
бир умр
қамалган маҳбус.

* * *

Мен бехосдан
хиёнат қилдим...
Булоқ
сувин
кафтимга солиб,
Ўз аксимдин
бўса олибман.

* * *
Қоронғу хужрамда
ғужанак ётаман...
Бари бир энди,
куёшнинг
кимларгадир чарақлаб
чиқиши.

* * *
Севаман, дея
сени алдадим,
Бир сесканиб
тушди гулларим.

* * *
Тор,
чексиз,
оч сўқмоқдан
етаклашиб
кетаяпман
юрагим билан.

* * *
Тошлар
қимирлаб қолишди,
Тағларига
сув кетгандан сўнг.

* — * — *



Марҳабо Собирова

* * *
Кетарман... йиғлаб қолади қишлоқ,
Қарашлари қалбим тирнайди бетин.
Онам фотиҳага қўл очар, титроқ,
Ўксинган ёшлари бағримда сим-сим...
Кетарман... силкинар қисмат елкамда,
Шамол йўлдан айро этмоқ бўлади.
Ҳали нафрат не билмаган теграмда,
Мени деб кўкарган умид сўлади!..
Дарахтлар кўз ёши — ҳазин япроқлар,
Хўрсинар пойимда мунгли ҳам сассиз.
Алпларнинг бағрини бир туйғу тиғлар:
«Ташлаб кетаётир сариққина қиз!..»

* * *



Рухимда кезади залворли оғрик,
Ойдин тунда ҳижрон бағримни тиғлар.
Бир сизни соғиниб, сизга сиғиниб,
Кўзим қабоғида висоллар йиғлар —
Сиз қачон келасиз Бойчибор миниб?!

Эртақлар айтади овунчоқ дилим,
Севгимнинг сирлари оламни бурқар.
Миш-мишдан минг бора бўламан дилхун,
Юрагим тубига бир умид чўқар, —
Сиз қачон келасиз Бойчибор миниб?!

Ҳар субҳи исмалоқ ёмғирдан холи,
Таскинга суяниб қўшиғин тутар.
Исмалоқ ҳидига тўймасдан ҳали,
Умидвор энтикиб бир нигор кутар —
Сиз қачон келасиз Бойчибор миниб?!..

* * *

Оқшом.
Деразамни кимдир чертади,
Бахтиёр чопаман кутиб бир илинж.
Очаману, кўзда ёшим қоатади,
Қаршимда мўлтираб туради соғинч!



Шукур Холмирзаев

Қора камар

Драма

Қахрамонлар:

Абдулла Набиев
Хуррамбек
Қорахўжа эшон
Қассоб
Салом қўрбоши
Остон
Қорақул Бобобеков
Чўлоқ ошпаз
Бозорчилар:
1-чол
2-чол

3-киши
Болалар:
Умид
Кенжа
1-бола
2-бола
Дудуқ-Офтоб
Айғоқчи
Йигитлар:
1-йигит
2-йигит ва бошқалар

Воқеа 1925 йил 30 декабрда кечади.

БИРИНЧИ САҲНА

Қора камар. Чангалзор. Тонг отяпти. Унда-бунда гулханлар ёнади. Узоқ-яқиндан бўриларнинг увлаши эшитилади. Совуқ. Босмачилар бомдод намозини ўқишмоқда. Олдинда — Қорахўжа эшон. Ёнида — Хуррамбек.

Қорахўжа. Оллоҳу акбар... Оллоҳу акбар... (Ўннга ва сўяга қараб). Ассалом алайкум раҳматулло. Ассалом алайкум раҳматулло...

Отлар дупури эшитилади. Қарғалар қағиллайди. Жўрақул қассоб банди Остонқулни олиб киради. Босмачилар тўзиб қолади.

Қассоб (Хуррамбекка). Камарнинг устидан ушлаб олдим.

Хуррамбек (Остонқулга тикилиб). Э, Остонбекмисан?

Остон. Мен... Ассалом алайкум.

Хуррамбек. Ялмоғиз айтганидек, бир саломинг бўлмаса, икки ямлаб, бир ютардим... Совқотиб ўлаёзибсан-ку? Чакмон! Бу менинг қадрдон жўрам бўлади.

**Остонқулга чакмон ёпадилар. У ғўлага ўтириб,
гулханда исина бошлайди.**

Хўш, Авғонда нима гап?

Остон. Авғон жойида. Фақат биздан борган қочоқлардан ҳазар қилишади.

Хуррамбек. Биздан дема. Сен энди бизники эмассан-ку? Нима учун ҳазар қилишади?

Остон. Бухорони кофирларга бериб қўйдинглар. Авғонгаям йўл очдинглар, дейишади.

Хуррамбек (киноя аралаш). Бу гапга нима дейсиз, тақсир?

Қорахўжа. Ҳаққаи рост.

Хуррамбек. Ана, бизнинг раҳнамомиз эшон ҳазратлари ҳам гапингни тасдиқладилар.

Қорахўжа. Бек, истехзога ўрин йўқ... Бу йигит Остонбек кўрбоши бўлса, нечук Афғонга ўтиб кетган эди-ю, яна нечук қайтибди?

Остон. Тақсир, йигитларимни бой бердим. Бу юртда юргилигим қолмаб эди.

Хуррамбек. Хўш, нима учун қайтиб келдинг?

Остон. От учун. Тангриқашқа учун.

Хуррамбек. Тангриқашқа учун?!

Остон. Ҳа. Унга ўрганиб қолган эканман. Усиз яшолмадим.

Хуррамбек. Уни қаердан топасан энди?

Остон. Уни мана шу ерга боғлаб, олдига бир-икки ойлик еми билан сувини қўйиб кетиб эдим.

Хуррамбек. Ҳалиям шу ерда турибди, деб ўйладингми?

Остон. Биров олган бўлса, унда...

Хуррамбек. Афсус-надоматлар бўлсинким, отинг, бошингни минг деворга урсанг ҳам, бер-май-ди-ганнинг қўлига тушиб кетган!

Остон. Кимнинг?

Хуррамбек. Қассоб, уни ким миниб юрибди ҳозир?

Қассоб. Эшниёз камандир! (Остонқулга) Сен, хоин, йигитларингни йўқ қилганин учун Бойсун вилоят ижроқўми отни Эшниёзга совға қилган. Эшниёз гижингла-тиб миниб юрибди!

Хуррамбек (Остонқулга). Ана, энди нима қиласан? Ҳой, сендан сўраяпман, сотқин! Нимага кўзингни чақчайтирасан? Йигитларингни бой бериб қочганинги ёлфонми?

Остон. Кетишдан... бошқа иложим йўқ эди.

Хуррамбек. Иложинг бор эди. Нега менга қўшилмадинг?

Остон. Мен онт ичиб эдим.

Хуррамбек. Қандай онт? Кимнинг олдига? Нима, йигитларим қирилиб битгач, ўз жонимни опқочаман, деб онт ичибмидинг?

Остон. Йўқ.

Хуррамбек. Балки йигитларингни тезроқ гумдон қилиш учун атай ўққа тутдир-гандирсан?

Остон. Йўқ.

Хуррамбек. Гапир бўлмасам!

Остон. Хуррамбек, кўриб турибман, сениям йигитларинг терилиб қопти. Худо кўрсатмасин, буларниям бой берсанг, кейин нима қиласан?

Қорахўжа. Ҳай-ҳай, ёмон ният қилманг, бўтам. Яхши гапгаям, ёмон гапгаям фаришта омин дейди. Бу бад ниятлар ила келган бўлсангиз, тўрт тарафингиз қибла.

Хуррамбек. Нималар деяпсиз, тақсир? Бунинг тўрт тарафи — чоҳ! Упқон, жарлик! Узим буни кўпдан кўришни орзу қилар эдим. Ўз оёғи билан келди.

Юзига парда тутган Айғоқчи киради.

Айғоқчи. Бегимиз омон бўлсинлар! Бошимизга соябон бўлсинлар!

Хуррамбек. А-а, сенмисан? Кел!

Айғоқчи. Бегим, бир нохуш хабар билан келдим.

Хуррамбек. Нуқул нохушликларни келтиравериб, ўргатиб қўйдинг. Гапир!

Айғоқчи. Шерободга бир кимса келди. Пойтахтдан. Самарқанддан. Ёшкамолларнинг каттаси экан. Бобобеков уни олиб юрибди. Ибтидоий мактабгаям олиб кирди. Йиғинлар ўтказаяпти. Босмачилар фақат шу ерда-Сурхонда қопти, дейди. Уларни йўқотиш керак, дейди. Халқни қўзғамоқчи. Жуда маддоҳ экан.

Хуррамбек, Ҳим, Бобобеков олиб юрибдими?

Айғоқчи. Ҳа.

Хуррамбек. Мабодо сени у юбормадими?

Айғоқчи. Йўқ. Ўзим келдим.

Хуррамбек. Мактабгаям олиб кирди де? (Сукут) Нималар деди?

Айғоқчи. Ташқарида эдим. Эшитолмадим.

Хуррамбек. Бобобеков... Нима учун унинг ўзи келиб бизга хабар бермади, а, Қассоб?

Қассоб. Ўзи уч ойдан буён биздан қочиб юрибди-ю, у... тулки!

Хуррамбек. Қассоб-қадрдоним, отлан! Ернинг остида бўлсаям уни топиб кел! Гарнизонда бўлсаям! У милисахонадан бошқа гўрда бўлмайди!

Қассоб. Хўп.

Хуррамбек. (Айғоқчига). Бошқа гапинг йўқми?

Айғоқчи. Йўқ.

Хуррамбек. Қассобга ҳамроҳ бўлиб бор.

Айғоқчи. Бу ёғидан хотиржам бўлинг.

Қассоб билан Айғоқчи чиқади.

Хуррамбек. Мана сизга нохуш хабар, тақсир!

Қорахўжа. Ҳа, энди, Шўролар юртга эгалик қилгандан кейин каттасиям, кичигаям келаверади-да.

Хуррамбек. Келаверади, кетаверади... Йўқ. Кетмайди! (Остонга.) Хўш, Авғондан гапир, Авғондан!

Остон. Айтгичимни айтиб бўлдим.

Хуррамбек. Иброҳимбек бордими?

Остон. Кепти деб эшитдим-у, ўзини кўрмадим.

Хуррамбек. Сўраб ҳам бормадинг?

Остон. Хуррамбек, гапингда туруминг йўқ сени. Ўзинг Иброҳимбекни бу ердан дайди итдек ҳайдаб юборган экансан-ку. Пайғамбар оролида шу ойнинг ўн саккизинчи куни қурултойларинг ўтган экан. Ушанда айтишиб қолиб, уни қурултойдан чиқариб юборган экансан. Уям лақай навкарларини олиб, кетиб қолган экан. Яна менга... уни сўраб бормадингми, дейсан.

Хуррамбек. Уни мен ҳайдаб юборганим учун сўраб бормадингми?

Остон. Йўқ.

Хуррамбек. Хўш?

Остон. Мен онт ичиб эдим.

Хуррамбек. Нима деб онт ичгансан, энағар? Онт, онт! Фақат Шўрога, шўрога, кофирларга қарши курашмоқ учун онт ичиш мумкин! Сенчи?

Остон. Мен энди қон тўкмайман, деб онт ичиб эдим.

Қорахўжа. Аммо-лекин ушбу вазиятда бундоқ бўлуви мумкин эмас-ку бўтам?

Остон. Менга мумкин.

Қорахўжа. Ахир, сиз ҳам мусулмон фарзандисиз. Ё сизнинг алоҳида бир жиҳатингиз борми?

Остон. Тақсир, онтни фақат ул ёки бул томонга ўтмоқ учун ичмайдилар-ку?

Баъзи фавқулудда истеъдодли адибларнинг шахсияти ҳам, яратган асарлари ҳам кескин ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шукур Холмирзаев ана шундай фавқулудда иқтидорли инсондир: сиз унинг ўзи санъаткорона ўқиган ҳикояларини радиодан эшитгансиз, ёшлик йилларида устози Шукур Бурҳон йўлида роллар ижро этганини биласиз, юзлаб ҳикоялари, қиссалари жамланган ўнлаб китоблари, «Қора камар», «Зиёфат» каби драмалари, «Сўнгги бекат», «Қилқўприк», «Йўловчи» каби романлари сизга яхши таниш. Ёзувчилик унинг учун яшаш воситаси эмас, аксинча, яшаш тарзидир, умрининг маъноси дир.

Ёзувчилар даврасида бир гап кўп такрорланади: «Шукур Холмирзаев — бугунги ўзбек адиблари ичиде энг зўр ҳикоя устаси, Абдулла Қаҳҳордан кейин унга етадигани йўқ». Ҳақиқатдан ҳам шундай. Унинг жуда кўп ҳикоялари ўзининг миллийлиги билан, у яратган қаҳрамонлар туркий феъллиги — соддалиги, самимийлиги, чўрткесарлиги, азобкашлиги ва саботи, юртига ва элига муҳаббати билан ажралиб туради. Худди шу руҳнинг ўқувчиларда, халқимиз онгида шаклланишига хизмат қилаётган ҳикоялар, қиссалар, романлар ва драмалар муаллифи Шукур Холмирзаев 50 ёшга тўлди. Унинг деярли барча асарлари илк марта «Шарқ юлдузи»да босилган, у кўп йиллар давомида журналимизда самарали меҳнат қилган, шунинг учун ҳам унинг ҳаётидаги бу муборак сана биз учун ҳам, журналхонларимиз учун ҳам қадрлидир.

Биз сеvimли адибимизни чин дилдан табриқлаймиз ва келажакда халқимизни яна янги-янги асарлар билан хурсанд этишини тилаб қоламиз.

Қассоб. Бегим, менинг фаҳимча, бу қочоқ қизиллар тарафга ўтгани келган. Йўғасам Авғондай жойдан битта отни деб келадими киши?

Остон (Қассобга). Сен фақат сўйишни биласан, бўри. Сенга одам ҳам, ҳайвон ҳам — барибир!

Хуррамбек. Бас... Мен ҳам сенинг фикрингга қўшиламан, Қассоб. (Остонга.) Хўш, отинг йўқ энди. Эн-ди нима қиласан? Яна Авғонга қайтиб кетасанми?

Остон. Отни Эшнӣез миниб юрган бўлса, унинг олдига бораман.

Қассоб. Эшнӣезнинг?! (Кулади.) Ана, мен нима деб эдим ҳозир?

Қорахўжа (Остонга.) Агар Қассобнинг гапи ёлғон бўлса, хаёлингиз жойидамас.

Остон. Хаёлим жойида, тақсир.

Қорахўжа. Наҳот у сизни кўрган заҳоти отиб ташламаса?

Остон. Мен унинг мардлигига ишонаман. (Сукут.) Лекин отсаям пешонамдан кўрдим.

Хуррамбек. Э, Остон, Остонбек! Шўрлик жўрагинам. Хоиним, сотқиним! Сенда уят ҳам, эркаклик номусиям қолмабди. Соб бўлибсан. Уйлаб кўр, шу гапларимга биров ишонади дейсанми?

Остон. Ишонмасаларинг, ихтиёрларинг.

Хуррамбек. Қассоб! Бу тўнғизни бўғизла!

Йигитлар Остонни босиб боғлайдилар.

Остон. Хуррам, сен бу курашда енгилдинг. Узинг билмаяпсан, холос.

Хуррамбек. Қассоб!

Қассоб, ниҳоят, ханжарини чиқаради.

Қорахўжа. Ба-ас! Уни бўшатишлар! Бўшат! Хуррамбек, сизнинг тилингиз ўрганиб қолибди: ўлдир-ўлдирга! Бу шўрлик бор гапни айтяпти-ку!

Хуррамбек. Сиз ишондингизми?

Қорахўжа. Мен йигитларга ачинаман. Бўшатишлар!

Хуррамбек (бўшатишга имо қилади). Майли. Барибир ҳеч қаерга кетмайди.

Қорахўжа. Бу бечорага: «Иброҳимбекни сўраб бормадингми?» дедингиз. Ҳа, сўроқлаб борса, яхши бўларди. Бормапти. На чора... Хўш, ўзингиз-чи? Узингиз нима қилиб эдингиз?

Хуррамбек. Нима қилибман?

Қорахўжа. Ё, раббим! Иброҳимбек жаноб олийлари ким эди? Қандай вазифада эдилар?

Хуррамбек. Ҳа, энди...

Қорахўжа. Анвар пошо ҳазрат олийларининг ўрнида қолган — Анвар пошо эди! Бу ёғи Тожикистон у ёғи Қашқа водийсигача қолган... лашкари исломнинг сардори эди! Ул кишини аъло ҳазрат бошдаёқ бу мартабага тайин этиб эдилар. Хўп, ана, Анвар пошо ҳазратлари юртимизга келгач, Иброҳимбек саркардаликни ул кишига бир муддат бериб қўйган эди. Аммо Анвар афандининг омадлари юришмай шаҳид бўлдилар...

Хуррамбек. Эски яраларни очманг. У киши билан бирга менинг ҳам минг-минг йигитларим нобуд бўлди.

Қорахўжа. Ҳамма нарса оллоҳдан... Лекин саркардалик тагин Иброҳимбекка тегди-ку?

Хуррамбек. Шу ўринда амиримиз андак хатога кетдилар.

Қорахўжа. Тавба денг!

Хуррамбек. Бўлари гап шу.

Қорахўжа. Хўп. Хўп, сиз Иброҳимбекни навкарлари билан Сурхон тупроғидан ҳайдаб солиб, нима топдингиз?

Хуррамбек. Саркардаликни.

Қорахўжа. Менинг бошқа сўзим йўқ.

Хуррамбек. Шошманг... Саркарда бўлса, нега у бизнинг қишлоқларимизни талади? От-уловларимиз, мол-ҳолларимизни Авғонга жўната бошлади?

Қорахўжа. Ахир, ўзи учун жўнатмагандир? Англизлар текинга қурол берадими сизга?

Хуррамбек. Тақсир, муфти бўлсангиз ҳам, анча содда экансиз. Унинг етти авлоди ўғри ўтган-ку?

Қорахўжа. Биз бас қилдик.

Хуррамбек. Гапиринг, ичингизда қолмасин.

Қорахўжа. О, гапирсам, тонгла маҳшаргача адо бўлмайди.

Хуррамбек. Унда қийин экан.

Қорахўжа. Сиз чуқур ўйламайсиз, бек! Ахир, Иброҳимбек билан айри тушув — кучни бўлув демақдир! Шу тобда Эшнӣез камандир бир пўлк аскар билан сизга босқин қилса, ҳолингиз нима кечади?



Хуррамбек (ғижиниб). Ҳақиқатан ҳам гапингиз кўп экан.

Қорахўжа. Е, раббано! Раҳматли оғам Эшони Судур ҳазратлари башорат қилган эканлар: «Бул туркий халқларнинг боши бирикмайди! — деб. — Ул бирикса, бу ёруғ олам оёқларимиз остида бўлурди». Нақадар ҳақ гаплар! Худо қарғаган халқ эканмиз.

Хуррамбек (ўйчан). Ноумид бўлманг, тақсир. Сиз айтган халқ энгилиши мумкин... Ҳа, биз энгилишимиз мумкин. Аммо ўлмаймиз. Йўқ, руҳимиз тирик!

Қорахўжа. Бе, бундай яшамакдан ўлим аъло.

Хуррамбек. Э, тақсир! Сиз ҳали бизнинг истиқболимизга ишонмай қўйдингизми? Унда қандай қилиб бизга йўл кўрсатувчи, фатво берувчи бўлиб юрибсиз?

Қорахўжа. Бек! Мен айтган йўллардан юрганингизда бу гаплар бўлмас эди.

Хуррамбек. Қандай гаплар?

Қорахўжа. Самарасиз гаплар.

Хуррамбек. Э, тангрим! «Мен айтган йўлдан юрганингизда эди...» дейсиз. Ҳалиям фақат сиз айтган йўллардан юрдим-ку? Тўғри, мурид сифатида эмас, саркарда сифатида... Анвар пошо, Анвар пошо дейсиз. Лекин, у руҳинг шод бўлгурнинг қайси ақидасини халқ орасида ёйдингиз?

Қорахўжа. Қайсини ёймадим?

Хуррамбек. Масалан, «Шўроларни юртдан чиқарсак, биз ўзимиз инсонларни бирига тенг қиламиз!» деган гапларини.

Қорахўжа. У — бўлмагур гап эди.

Хуррамбек. Ахир, Шўролар шу гап билан халқнинг анча-мунчасини ўзига оғдириб олди-ку?

Қорахўжа. Мен ёлғон сўздан ҳазар қиламан. Қайси тил билан авомга: «Сизлар бойлар ила тенг бўласиз. Эшонлар, хўжалар, саидлар билан қораларнинг фарқи қолмайди», дейиш мумкин? Эгам ўзи кечирсин, ҳамма нарса ундан!

Хуррамбек. Тўғри, ҳазрат, бек ҳам — бек бўлиб қолади. Бироқ...

Қорахўжа. Бас!

Хуррамбек. Лекин, сиз бизнинг жонимизга тегиб қолганингизни сезяпсизми?

Қорахўжа. Ҳа!

Хуррамбек. Хўп, бас қилдик бу гапларни. (Хўрсинади.) Кемага тушганинг жони бир, тақсир. Сиз бизнинг пиримизсиз, пиримиз бўлиб қоласиз. Қўйинг, ранжиманг... Ҳали айтганингиздек, Авғондан қурол-яроғ келсин... Иброҳимбек ҳам албатта келади. Ана унда қизилларнинг додини берамиз.

Қорахўжа. Иншоолло.

Хуррамбек. Ишонинг. Лекин бу халқ... Мени куйдирган нарса — халқимизнинг авомлиги, холос.

Қорахўжа. Кўнглингизга олмасангиз, бир гап айтаман.

Хуррамбек. Айтинг.

Қорахўжа. Бир ҳикмат бор: мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлармиш.

Хуррамбек. Ҳим. Майли. Чидаймиз...(Остонга.) Ҳа? Бизнинг гапларни эшитиб, маза қиялпасанми, исқирт?

Остон. Йўқ... Ачиняпман.

Хуррамбек. Э, ит эмган.

Қорахўжа. Маъқул гап айтди.

Хуррамбек. Уф.

Қассоб киради.

Салом. Келди.

Хуррамбек. Ўзи келаётган эканми?

Салом. Ким билсин у тулкини. Йўлда учратдим.

Хуррамбек. Чақир.

Милиционер формаси устидан чакмон кийган Бобобеков киради.

Бобобеков. Ассалом алайкум.

Қорахўжа. Во-алайкум ассалом. Хуш кўрдик.

Бобобеков. Тақсир, кўпдан зиёратингизга келолмадим.

Қорахўжа. Ҳечқиси йўқ. Ҳозир гина қиладиган замон эмас.

Бобобеков (Хуррамбекка.) Салом алайкум, бек!

Хуррамбек (ниҳоят унга ўнгланиб). Э, э, Қорақул аками? Шеробод музофотининг милиция ноziри муҳтарам Қорақул ака Бобобеков ташриф буюриптилар-ку? Кун қаёғдан чиқди?

Бобобеков. Бек, истеҳзонинг вақтимас... Бу ерда бегона одам йўқми?

Хуррамбек. А?

Бобобеков. Бегона одам.

Хуррамбек (қараниб). Бор, бор экан. (Остонга ишора қилади.) Ана шу, холос. Лекин уям тирик мурда.

Бобобеков (Остонни танимади). Шерободга меҳмон келди.

Хуррамбек. О! Авғонданми? Аъло ҳазратданми?

Бобобеков. Самарқанддан. Ўзбекистон президенти Йўлдош Охунбобоевдан... Ҳозир Шерободда — Қизил чойхонада ётипти. Оқшом аҳли Шерободни тўплаб кенгаш қилди. Кенгаш сўнгида ўттиз йигит кўнгилли бўлиб, Эшнӣез отрядига қўшилгани кетди.

Хуррамбек. Ҳа-а... Эшнӣезнинг ўзи қаерда?

Бобобеков. Шу тобда Бойсун ёшқамоллар қўмитасининг раиси Асомиддин Усмон билан Сайробга етиб келган бўлса керак. Меҳмонни кутиб олади.

Хуррамбек. У Сайробга борадимми?

Бобобеков. Сайробдан ўтиб, Бойсунга боради. Унинг мақсади — Бойсун вилоят комсомол шўъбаларини мустаҳкамлаш. Улардан кўнгилли мусулмон отрядларига кўпроқ тортиш. Пиروарди, сизни бу юртдан бадарға этиш ёки қўлга тушириб, Шўро судига бериш.

Хуррамбек. Шундай денг? (Сукут.) Хўш, яна?

Бобобеков. Яна... ибтидоий мактабни кўрди. Болалар билан гаплашди. Уларга анча-мунча нарса ўргатди... Вақтида Ҳамза Ҳакимзоданинг томошаларидаям қатнашган экан...

Хуррамбек. Ким у одам?

Бобобеков. Шундай бир шоир бор-да Кўқонда. Бойларни мазах қилиб, Шўрони мақтаб ёзади. Кейин чодир-чаман тиктириб, ёзганларини ёшларга ўргатиб айттиради. Жуда бадкор махлуқ... Ялангоёқдан чиққан.

Хуррамбек. Буям... ўша гапларни ёшларга ўргатди денг?

Бобобеков. Ҳа.

Хуррамбек. Ни-ма-ларни ўргатди?

Бобобеков. Э, бек, мен айтмай, сиз эшитманг... Кейин хотин-қизлар бўлимининг ишига қизиқди. Хотин-қизларни жамоат ишига қанчалик кўп тортсак, паранжини шунча тез ташлаб кетишади, деди. Ёшқамолнинг Таъсис Қурултойидаям бу масала кўрилган экан... Далага чиққан аёл паранжи билан ишлай олмас экан...

Хуррамбек. Бизда паранжи ёпинишмайди-ку?

Бобобеков. Ўзининг Фарғонаси деб ўйлади шекилли бу ерниям.

Хуррамбек. Қўқонлик дедингиз-ку?

Бобобеков. Барибир. Бултур Ленинградга борган экан. Ушанда Ленинград ёшқамоли Ўзбекистон ёшқамоллини оталиққа олган экан.

Хуррамбек. Оталиққа... Ленин-грод!

Бобобеков. Урусия инқилобининг бешиги дейдилар уни.

Хуррамбек. Эса бизнинг ёшларниям ўша бешикка солиб, алло-алло қилар экан-да?

Бобобеков. Унинг қўлидан кўп иш келади, бек.

Хуррамбек. Сиз ўзингиз ўшани айлантириб юрдингизми? Бошлаб, йўл кўрсатиб, кенгашларни очиб, а?

Бобобеков. Илож қанча.

Хуррамбек. Ҳим, бирон-бир милсангизга айтиб, унинг ўша тилли... оғзига бир мисқол кўрғошин қуюшнинг ҳам иложи бўлмадимми?

Бобобеков. Бек! Мен унинг ёнида бўлганимда, оёғига тикан қадалмаслиги керак!

Хуррамбек. У эса, билганини қилаверсин! Шундайми?

Бобобеков (ночор). Шунинг маслаҳатига келдим-да.

Хуррамбек (эшонга). Тақсир, гапиринг!

Қорахўжа (Бобобековга). У ўзи кимлардан чиққан? Ота-онаси?

Бобобеков. Э, бир қашшоқнинг ўғли экан. Отасини Наби косиб дейишаркан. Оёғида бир қизил этиги бор. Шуни кўрсатиб: «Отам тикиб берган», дейди. «Тўйинг-да киясан», деган экан. У бу ёққа кийиб келибди...

Хуррамбек. Азасига!

Қорахўжа. Э, шўрлик.

Хуррамбек (Эшонга). Раҳмингиз келдим, тақсир?

Қорахўжа. Йўғ-э! Уям бир умидли мусулмоннинг фарзанди экан-да.

Хуррамбек. Тақсир, сиз мусулмон билан кофирниям бир-бирига аралаштириб юбораялсиз дейман? Эҳ!... Хўш, Қорақул ака, бор гап шуми?

Бобобеков. Яна, хўш, ўн уч-ўн тўрт ёшидан қизиллар тарафига ўтган экан. Шермат, Эргаш кўрбошиларнинг сирларидан Шўроларни воқиф қилиб турган экан...

Хуррамбек. Ҳа-а, илонвачча. Ана шунинг учун Фарғона икки йилда қўлдан кетган экан-да.

Бобобеков. Кейин Қўқон шаҳар камсамол қўмитасига котиб бўлган экан...

Хуррамбек. Бўлди! (Сукут.) Эртага у Бойсунга ўтадимми?

Бобобеков. Ҳа. Уша йўлдан... Термизда кўниб турган 7-Туркистон отлик полкининг комиссари Федин ҳам Сайроб орқали борсин, йўлда гарнизонлар бор, деди.

Хуррамбек. Бехавотир деди?

Бобобеков. Ҳа. Тагин мен унга Шерободдан беш-ўнта милиса ёки гарнизондан бирон взвод аскар қўшиб жўнатишим керак.

Хуррамбек (кулади). О, қандай олижаноб одамсиз, Қорақул ака! Режаларингизниям уялмасдан айтасиз-а?!

Бобобеков. Мен сизлардан маслаҳат сўраяпман.

Хуррамбек. Ажабо! Анвар пошонинг энг тадбиркор офицерларидан бири бўлиб, бошингизга туркча ҳожидўппи кийиб, эгингиздан англис формасини тушурмай юрган чоғларингизда, мен... мен ҳам сиздан мушкул масалаларда маслаҳат сўрар эдим-а! Шунчалар пастлаб кетдингизми?

Бобобеков. Бек, у даврлар ўтиб кетди.

Хуррамбек. Йў-ўқ, ошиқманг... у йигитнинг исми нимаиди?

Бобобеков. Абдулла. Абдулла Наби ўғли.

Хуррамбек. Абдулла Наби ўғли!.. (Сукут чўзилади.) Демак, эртага шу ердан — шу Қора камарнинг пастидан ўтади. Ҳа-ҳа!.. Ахир бу ердан ҳам Бойсунга борадиган яқин йўл бор-ку?

Бобобеков. Бек, сиз ўйлаб гапиряпсизми?

Хуррамбек. Қўрқиб кетдинг-а?

Бобобеков. Ахир, ахир... менинг ҳатто бу ерга келганимни билсалар, чиқариб, пешонамдан отадилар.

Хуррамбек. Хўш, нима бўпти?

Бобобеков (Эшонга). Тақсир, сиз бир нарса денг...

Қорахўжа (Хуррамбекка). Уни ўлдирмоқчимисиз?

Хуррамбек. Албатта.

Қорахўжа. Сизга қолса, Шўронинг нораства боласиниям ўлдириш керак.

Хуррамбек. Худди шундай.

Қорахўжа (Бобобековга). Унинг боришини Бойсунда билишадими?

Бобобеков. Э, мен нима дедим, тақсир? Эшнӣёзлар Сайробда кутаётган бўлса-ю, бойсунликлар билишмайдими? Телегром борган! У ёқда тайёргарлик катта!.. Яқинда Ўзбекистон Ёшқамолнинг Биринчи Қурултойи ўтган эди. Биргина Бойсуннинг ўзидан унда уч киши қатнашди. Ушандаёқ Абдулла Набининг бу томонга келиши режалаштирилган экан. Пироварди, у Қурултой кўрсатмаларини ҳам ёйғали келган! Ҳа, унинг учун Асомиддин Усмон отини ҳам юборипти. Миниб келсин деб...

Қорахўжа. Бек! Унинг ўлими жуда катта ғавғога сабаб бўлади!

Хуррамбек. Унинг тирик бориши-чи?

Бобобеков. Бек, ўйлаб гапиринг... Ахир, унинг ўлими бутун халқни оёққа тур-

физиши мумкин. Ҳазрат шу томонини кўзда тутдилар... Халқ шундоқ ҳам... сизлардан юз ўгирган.

Хуррамбек. Зарил келса, сиздан ҳам юз ўгиради! (Дўқ қилиб.) Хўш, нима маслаҳат берасиз? Бўларини айтинг!

Бобобеков. Бўларини айтсам... умуман, бу ерда қурол-яроғ кутиб, қароқчилик қилиб юргандан кўра... Бек, кулманг! Мен ақидамни айтаяпман... Сиз уларни билмай-сиз ахир! Мен уларнинг ичидаман! Биламан: курашни бой бердик. Ҳа... Ана шунинг учун бирдан-бир йўл — тезда хорижга ўтиш! Иброҳимбек билан ярашиш! Сўнг Англиёнинг ишончига кириб, кўп-кўп қурол-аслаҳа, аскар олиш! Навкар ёллаш!.. Сўнгра бу ёққа бирданга босқин қилиш! Мана ҳозирги ягона йўл — шу!

Қорахўжа. Айни ҳақиқатни айтдингиз, бўтам.

Хуррамбек (ўйланиб, киноя билан). Балки сени юборармиз хорижга? Шу ишларни қилгани?

Бобобеков. Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги ҳолда сиздан борган вакилга ҳам қулоқ солишмайди улар. Иккиламчи, менинг Шўрода милиция нозири эканимни билишса, шунақасига нариги дунёга жўнатворишади...

Хуррамбек. Ана, ана бу гапингда маъни бор.

Бобобеков. Тақсир, ахир, менга... бу одамнинг ўзи ишонмайди-ю, ўзгалар ишонадими?

Қорахўжа. Ҳақ гап.

Хуррамбек. Бас! Фойдасиз гаплар булар... Лекин мен... мен бормайман! Иброҳимбекнинг ўзи келади бу ерга! (Сукут қилади.) Нима, уни келмайди, деб ўйлайсизларми? Келмасдан... хорижда нима қилади? Қачонгача? (Остонга.) Ҳей, ундан ҳам ҳазар қилишади-я, у ёқда? Ана! Унинг қайтадиган жойи — шу тупроқ!

Бобобеков (хўрсинади). Уни чакки ҳайдаб юбордингиз-да, бек.

Хуррамбек. Ҳе, энди... отдан тушсаям эгардан тушмагандан кейин боши деворга тегсин дедим-да!

Қорахўжа (чайқалиб). Йўқ... Биз сира одам бўлмаймиз.

Хуррамбек. Эй, тақсир! Кўп оҳ-воҳ қилаверманг сиз ҳам... Ахир, икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди! Қайнамайди! Бунинг устига, Сурхон — менинг юртим! Анвар вақтидаям — бу юртнинг эгаси мен эдим...

Бобобеков занжирли соатига қарайди.

Нега соатингга қарадинг?

Бобобеков. Кўриб турибсиз, бу ердан... Шерободда йўқман. Гарнизондаўми, музофот ижроқўмиданми сўраб қолишса, нима бўлади?

Хуррамбек. Уч йилдан буён Шўрони алдаб юрган одам бу сафар ҳам бир баҳона топади.

Бобобеков. Бек, улар кўп нарсани билади... Анвар пошога офицер бўлиб хизмат қилганимниям билишади. Хайрият, авфи умумий эълон қилиндию мен улар сафига қўшилдим. Шундаям сизнинг маслаҳатингиз билан афу сўраб борганман... Бироқ, менга буткул ишоншади, деб ўйлайсизми?

Хуррамбек. Ҳа, энди Шўронинг ўрнида мен бўлганимдаям... орқангдан қирқта искович кўярдим.

Бобобеков. Балли! Ана шунга қарамасдан, қаранг, бошимга кафан илиб келиб, шу ерда ўтирибман... Тағин... қанақа ишга бош қўшаяпман, бек!

Хуррамбек. Хали бош қўшмадинг.

Бобобеков. Унда... нимани еб ўтирибман бу ерда?

Хуррамбек. Меҳмон ҳақидаги гапларингни писанда қиялсанми? Унинг кимлигини сенсиз ҳам билган эдик... (Сукут.) Гап тамом! Эртага Абдулла Наби бу ердан... қай маҳал ўтади?

Бобобеков. Утмайди.

Хуррамбек. Соат нечада деяпман?

Бобобеков. Ахир...

Хуррамбек. Уйла. Шошилма... Ҳамма томонини ўйлаб кўр! Бемалол. Биз соатга қараб иш тутмаймиз.

Бобобеков. Ахир, кейин мен уларга... нима деб жавоб бераман?

Хуррамбек. У ёғи мени қизиқтирмайди.

Қорахўжа (ўйчан). Бўтам, сиз ҳам, ҳарқалай, ундан... уни бир ёғли қилиш керак дейсизми?

Бобобеков. Мен ҳеч нарса демайман.

Хуррамбек (ёниб). Ипсос! Шўронинг ювиндисини ялаб юрган махлуқ...

Қорахўжа. Бек! Бир фасил жим туринг, худо хайрингизни берсин. Биз ҳозир халқни... халқнинг бу хунрезликка қандай қарашини ўйлашимиз керак...

Хуррамбек. Халқнинг... поданинг-а?

Қорахўжа. Ё, тавба!

Бобобеков (қийналиб). Қизишманглар, жаноблар.

Хуррамбек. Ахир, унинг кимлиги, қиладиган бари иши маълум бўлди-ку? Эндиям уни қўшқўллаб Бойсунга кузатиш керакми?

Қорахўжа. У... Бойсунга бормаслиги керак: бу аниқ гап. Аммо бу ёғини — кейинни ўйлаш лозим.

Хуррамбек. Ундай бўлса, сиз ўйланг! Дарвоқе... сиз бизнинг раҳнамоимиз-ку! Ма-на, бизнинг қароримиз маъқул келмаётир. А? Шундай экан, сиз маъ-ку-лини топинг! Ана, акамиз Қоракул афанди бўлса, унинг оёғига тикан қадалтирмай Бойсунга юбормоқчи-лар... Буям — бир йўл бўлса керак! Ташаккур!

Бобобеков. Бек, мени жимгина юрипти, деб ўйлайсиз-а? Хўп, бу ерга келганимни айтмай қўя қолай...

Хуррамбек. Кўп айтдинг.

Бобобеков. Бойсун билан Юрчи вилоятидаги кўмита котиблари олти ойдан бери маош олишмаган экан. Абдулла Наби ўшаниям бир жилд қилиб опкелган экан. Фойтун-чига айтиб ўғирлатдим.

Хуррамбек. Тиллами?

Бобобеков. Гўрда. Қоғоз пул... Лекин озиқага асқатади. Сизлар учун...

Хуррамбек. Сенга сийлов. Бу йўриғида биз учун ғам ема. (Сукут.) Хўш, қисқаси, у эрта билан чошгоҳда шу камар тагидан ўтади... Шошма. Ёнида бошқа ҳеч ким бўлмайди. Эшитяпсанми? Отишмада яна йигит йўқотишга тобим йўқ!

Бобобеков. Э, чархинг бузилсин, фалак!

Хуррамбек. Узи у ёқдан ёлғиз келганми?

Бобобеков. Иккита ўрис ҳамроҳиям бор.

Хуррамбек (кулимсирайди). Ажиб бир гап эшитган эдим. Раҳматли отам айтиб эди-лар: «Шапкали ўрисдан кўрқма, саллали ўрисдан кўрқ», деб. Ана гап қаерда!

Бобобеков. Бўлмаса, бек... бирон кўрбошингизга айтинг, эрта чошгоҳларда Чилон-зор гарнизонига босқин қилсин.

Хуррамбек. Гарнизонга? Куппа-кундуз куни-я?

Бобобеков. Ҳа!

Хуррамбек. Кейин йигитларим тутдай тўкилсин? Шундайми? Вей, нокас, сен ўзи бу ерга...

Бобобеков (жаҳл билан). Шошилманг! Сапчийверар экан-да, ҳар гапга!.. Хужум қи-лишсин. Лекин тўкилмайдиган бўлиб хужум қилишсин-да! Шў тўполонда Набиевни бу ёққа буриб юбориш мумкин бўлади... Кейин мен ҳам... ноилож қолиб, Набиевни эски йўлдан юбордим, дейман...

Хуррамбек. Ҳим, ишлатсанг, бу маккор калла ишлайди. (Сукут.) Лекин... менга қа-ра! Уни... ўзинг олиб ўтасан!

Бобобеков. Мен?!

Хуррамбек. Сен.

Бобобеков. Тақсир, куним тўлибди экан. Балки шу ерда қолишим керакдир?

Хуррамбек (қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборади). Ҳе, Қоракул ака-е! Ажойиб одамсиз! (Авраб.) Йўқ, сиз улар орасида бўлишингиз керак. Ҳамма вақт... Уша гап — гап! Лекин, лекин, ўртоқ милиция нозири, бизга жилла... зиғирча хиёнат қилсангиз, сизга ўқни сарф-ламаймиз. Йўқ. Уқ-дори шундоқ ҳам ҳисобли... Шундоқ қиламизки, Шўронинг ўзи тўпга қўйиб отади!

Бобобеков. Номардсизлар.

Хуррамбек. Биз номард бўлсак, сен мард бўл. Тағин бир гап: агар Набиев Шеро-бодда яна бирон йиғин ўтказмоқчи бўлса... етти пуштингни қуритаман!

Бобобеков (чўкиб қолиб). Тушундим.

Хуррамбек. Ҳазрат, қуръон қани?

Бобобеков. Ишонмаяпсизми?

Эшон қўйнидан духоба жилдли китобни чиқариб узатади. Бобобеков ўпиб, тавоф қилади.

Хуррамбек. Энди бир дуо беринг, тақсир!

Қорахўжа (оғир сукутдан сўнг). Омин! Бу хуни ноҳақлар учун оллоҳнинг ўзи кечир-син. Ундан бошқа суюнчиғимиз қолмади.

Ҳамма фотиҳа ўқийди.

Хуррамбек. Саломбек! Кузатиб қўй!

Бобобеков бир умрга хайрлашаётгандек таъзим қилиб, чиқиб кетади. **Остон қўйни-дан ҳамён олиб, Хуррамбекнинг олдига ташлайди.**

Остон. Хуррам, менга жавоб бер.

Хуррамбек. Бу нима?

Остон. Тилла. Мозори шарифдан чиқиб, қароқчиларга қўшилиб қолдим. Амунинг у бетида бир туркман қишлоқни таладик. Кейин мен бошқа улушларимниям тиллага алмаштириб олдим. Сана, юзта. Эллигини ол.

Хуррамбек (кулумсираб). Эллиги кимники?

Остон. Эшнӣёзга бераман.

Хуррамбек. Эшнӣёзга? (Қаттиқ кулади.) Вей, ахмоғ-э! Ё... иккаламизниям сотиб олмоқчимисан?

Остон. Йўқ. Тангриқашқанинг баҳоси юз тилла эди.

Хуррамбек. Лекин... барибир сенга жавоб беролмайман, жўра.

Остон. Бу ердаги гап-сўзларни Эшнӣёзга айтади дейсанми?

Хуррамбек. Ҳа, энди, бу томониям бор.

Остон. Тақсир, қуръонни беринг, қасам ичаман... Менга ишонинг, пирим... Шу Тангриқашқани бир миниб, бир кезсам, кўксимга Бойсунтоғнинг шамоли текса, бас!

Қорахўжа. Бўтам, одан содиқ жонивор оламда йўқ. Биламан, у йигитнинг йўлдоши. Лекин нечук вақтида миниб кетмаб эдингиз?

Остон. Йўлда кимлар учрамайди. Тортиб олади, деб қўрқиб эдим. Бундан ташқари, тагин қайтишимни сезган эканманми...

Хуррамбек. Тўхта! (Уйланиб.) Менга қара. Хаёлингни бўлма! Иброҳимбек Авғонда нима қилиб юрипти?

Остон. Талончилик.

Хуррамбек. Англизлар билан алоқаси яхшими?

Остон. Менимча, сен бу ердан ҳайдаб юборгандан кейин улар ҳам хийла совуган.

Хуррамбек. Демак, менга ишонишади?

Қорахўжа. Во, дариг...

Остон. Хуррам, хафа бўлма, сенгаям ишонишмайди... Биласанми, нимага? Анвар пошо ҳалокатидан кейин сизлар... ҳалигидай, эътиқодли куч сифатида йўқ бўлгансизлар... Афсуски, жўра, буни сен билан Иброҳимбек билмайсизлар, холос.

Хуррамбек. Оғзингни чориқ қилиб кийиш керак сени. Дайди!

Остон. Мен билганларимни айтдим. (Сукут.) Бошқа сўроғинг бўлмаса, жавоб бер энди менга.

Хуррамбек. Тентак. (кулади.) Ё, тавба қилдим-э! Бу эллик тиллани Эшнӣёзга берар эмишу Эшнӣёз бунга отини қайтарар эмиш!.. Ҳей, ит эмган, шунчалар жўн деб ўйлайсанми мени? Эшнӣёзни ҳам-а? Ахир, ахир у... сенинг йигитларингни йўқ қилгани учун отга эга бўлди-ку? Агар қўлига тушсанг, сениям минади... эшак қилиб! Э, нодон!

Салом. Бек, бу бизни алдаб қочмоқчи, холос.

Хуррамбек. Боғла! Қассоб!.. (Ҳамённи отади.) Ма, буниям опқўй. Сен тиллани яхши кўрасан-ку? Тиллани қандай эҳтиёт қилсанг, эгасигаям шундай эҳтиёт бўл.

Қассоб имо қилади. Йигитлар Остонни босиб боғлашади.

Остон. Ҳэ, Хуррам. Номардсан!

Хуррамбек. Кўрамиз ким номардлигини... Сен бизнинг кўп гапларимизни эшитдинг. Майли! Ҳали Абдулла Наби билан гурунгимизниям эшитасан.

Остон. Илоий у билан гурунғ қилиш насиб этмасин сенга! Илоий омон қолсин шу бола!

Хуррамбек. Йўқот!

Остонни судраб чиқиб кетишади. Эшон хомуш тасбеҳ ўгиради.

Салом!

Салом. Лаббай!

Хуррамбек. Йигитлардан овга жўнат... Мен бир оз ором олай... Дудуқ! Бу ерга кел, ўтир... Чўлоқ, татил тайёрла!.. Устимга бир нарса ёп.

Гулханлар пасаяди. Саҳна қорайиб қоронғи тушгандай бўлиб қолади. Бир пайт саҳна яна ёриша бошлайди. Хуррамбек чўчиб ўғониб атрофига аланглайди. Эшон ҳамон чайқалиб, пичирлаб, тасбеҳ ўгириб ўтирибди.

Хуррамбек. Бир ниманинг овози келдими?

Чўлоқ ошпаз. Эшитмадим, бегим. (Сукут.) Лекин болам ёдимга тушди.

Хуррамбек. Итнинг тушига тут кирипти... Уғлинг Шерободдами?

Ошпаз. Ҳа. Синглимни кўлида... Ўтанбек ёлчимасин, ёримасин! Ўрисни ўқига учсин!

У сиздан ҳам қочиб юрипти, бегим. Солиқ солади, деб...

Хуррамбек. Хотинингни дараги чиқдими?

Ошпаз. Чиқса, билардингиз-да. (Сукут.) Сиз ҳам суриштирмадингиз...

Хуррамбек. Қўй энди. Тирик бўлсаям сенга номаҳрам... Вақти келса, ўзим онаси ўпмаган қиз обераман.

Ошпаз. Мен уйланмайман энди... Кенжагинам омон бўлса, бўлди. (Сукут.) Сизнинг Умиджон Бойсунда-я?

Хуррамбек ўйчан бош ирғаб, ёнбошлайди. Яна чўчиб туради.

Хуррамбек (Соқчига). Ҳой, Дудук, қулофинг ҳам кар бўп қолганми? Қандайдир...
Болаларнинг овози яқинлаша бошлайди: Яша Шўро!

Яша, Шўро!..

Қассоб пайдо бўлади.

Қассоб. Бек, қандайдир болалар!

Хуррамбек. Болалар?!

Қассоб. Ғалати ашула айтиб келишяпти. Уларни биров юборгани аниқ. Бўлмаса уларга нима бор бу ерда?

Хуррамбек. Шошма! Ҳозир биламиз.

Хуррамбек кўзғалиб, «четланинглар» ишорасини қилади. Сўнг ўзи ҳам дарахт панасига ўтади. 4—5 та 10—13 яшар болалар кириб келади. Кўкракларида қизил банд.

Болалар:

Яша Шўро! Яша Шўро!
Сен яшайдургон замон!
Ишчи ўғли шуҳратингдан...

Болалар ҳайрон бўлиб тўхташади.

Умид. Кенжа, етиб кепмиз!

Кенжа. Ана олов!

Улар қўлларини гулханга тоблаб, теварак-атрофга қарай бошлайдилар.

1-бола. Қозон!

2-бола. Милтиқ!

Умид. Ким бо-ор!

1-бола. Бизни ўлдиришмайдими, Умид?

Хуррамбек яширинган жойидан олдинроққа чиқади.

Хуррамбек (титраб). Уғлим.

Умид (Хуррамбекни кўриб қолади). Ота-а!

Хуррамбек. Уғлим!

Умид югуради. Хуррамбек уни бағрига босади.

Ошпаз (четдан). Кенжа! Болам!

Кенжа ҳам отасига отилади.

Хуррамбек (ўғлига боқиб). А-а, бўйинг ҳам чўзилиб қопти. (Болаларни кўрсатиб.)

Булар кимлар?

Умид. Жўраларим.

Хуррамбек. А-а... Хуш келибсизлар, йигитлар. (Умидга) Қани, бу ерга ўтир-чи. (Ўтиришади.) Қаёғдан келяпсан? (Кулумсираб.) Мен ҳеч нарсага тушунмай қолдим?

Умид. Милиса амаки: «Отанг Қора камарда» дедилар. «Сени соғинган», дедилар. Йўлни кўрсатиб кўйдилар. Кейин келавердик-да!

Хуррамбек. Ҳа-а, яхши қипсан... Соғинган эдим... Қанақа милиса амаки айтди?

Умид. Бор-ку? Бойсунгаям борган эдилар... Қорақул амаки-чи?

Хуррамбек. Э-ҳа.

Умид. Биз Чуқуркўл бўйида каклик қувлаб юрган эдик. Какликлар шундай қишлоққа тушиб келган...

Хуррамбек. Очликдан, очликдан... Сен Шерободда нима қилиб юриб эдинг?

Умид. Бойсунда — ибтидои мактабда болалар: «Отанг — кўрбошиларнинг бошлиғи», деяверишди. Мени йиғлатишди...

Хуррамбек. Вей, отанг кўрбошиларнинг бошлиғи экан, бундан қувонмадингми, ўғлим?

Умид (болалардан бир-иккитасини кўрсатиб). Сиз мана буларниям оталарини ўлдиргансиз-ку? Бойсундаям...

Хуррамбек. Ҳе-ҳе-ҳе... Гап бу ёқда де? (Сукут.) Кейин, нима қилдинг?

Умид. Аммам борганда айтиб эдим, Шерободга олиб келдилар. Кейин у ердаги янги мактабга қўйдилар.

Хуррамбек. А-аа? Янги мактабга!.. Янги мактабда нималарни ўргатишяпти?

Умид. Ҳар нарсани.

1-бола. Кўп нарсани.

Хуррамбек. «Ҳафтияк»ни ҳамми?

2-бола. Йўқ. Урисчадан ўзбекчага ағдарилган китобни. Татар муаллим ўргатади.

Хуррамбек. Ў-ўй! Ажойиб йигит экансизлар... Аммо оталарингни мен ўлдирмаганман.

Умид. Йўқ, сиз ўлдиргансиз.

Хуррамбек. Энди, адашган бўлувим мумкин. (Сукут.) Ҳали қандай ашулани айтиб келдинглар?

Умид. «Яша Шўро»ни.

Хуррамбек. Қани, яна бир айтиб беринглар-чи... Тур ўрнингдан. Мана бу ерга чиқ... Бошла! Бошланглар! Шундай айтингларки, бу Қора камар жаранглаб кетсин!

Болалар (саф тортиб, юриб айтадилар):

Яша Шўро, яша Шўро!
Сен яшайдургон замон.
Ишчи ўғли шуҳратингдан
Болқисин рўйи жаҳон!
Яша Шўро, яша Шўро!..

Болалар тўхташади.

Хуррамбек. Яна борми?

Умид. Бор! (Елғиз ўзи айтади).

Эски турмуш боғларин қўй,
Қарға-зоғлар қишласин!
Янги турмуш боғларида
Еш кўнгиллар яшнасин!

Хуррамбек. Эски турмуш боғларида қарға-зоғлар... Бу ашулани ким ўргатди сизларга?

Умид. Абдулла ака!

Болалар. Абдулла Набиев!

Хуррамбек. А-аа... Яхши киши эканми?

Болалар. Жуда яхши! Яхши!

Умид (кўксигадаги бандни кўрсатиб). Мана буниям бердилар.

Болалар. Бизгаям... Мана, мана...

Хуррамбек. Бу нима экан?

Умид. Бу — билмадим. Янги одамлар тақади, дедилар. Кейин, сизлар кашшоф бўласизлар, дедилар.

Хуррамбек. Ҳим, яна нималар деди?

Умид (бош эгиб). «Босмачилар — халқ душмани» дедилар. Кейин, менга айтдиларки. «Отанг уйга келса айт: одам ўлдирмасин. Юрт Шўроники бўлди. Қуролини ташласин», дедилар.

Хуррамбек. Буни қара, биз ҳалигача шу нарсани билмай юрган эканмиз-а! Қандай доно одам экан!..

Умид (отасининг қўлидан тортиб). Отажон, юринг. Бойсунга кетайлик. Соғиндим...

Хуррамбек. Кетамиз, ўғлим, кетамиз. Мен ҳам уйни соғинганман... Менинг ҳали умидларим кўп. Насиб этса, сени Бойсун мадрасасига қўяман. Кейин Бухорода ўқийсан. Ундан кейин Истамбулда...

Болалар. Абдулла ака: «Энди Московда, Ленинградда ўқийсизлар», дедилар.

Хуррамбек. А-аа? Ленин-гирод. (Хавфсираб турган эшонга.) Тақсир, ўша Ленин-гиродни инқилобнинг бешиги дейишармиди? Мана, болаларимиз йўргакланишга тап-тайёр бўлишяпти.

Қорахўжа. Бек, буларга жавоб берайлик... Майлими, болалар? Энди кетасизлар-а?

Хуррамбек. Кетади, кетади... Бориб, янги мактабда ўқишади. Яна «Яна Шўро» дейишади... Уҳ (Беҳол, нари кетади. Тўпланиб қолган навкарларга.) Эшитяпсизларми, йигитлар! Ана... Бизнинг эртанги кунимиз, булар...

Қорахўжа (ҳаяжонда.) Бек, буларга жавобми?

Хуррамбек (пича сукут сақлаб). Қассоб!

Қассоб. Лаббай!

Хуррамбек. Буларни кузатиб қўй.

Қассоб. Хўп бўлади.
Хуррамбек. Сени боланг йўқ-а?

Қассоб бош эгади.

Бир-биримизга тенг бўлишимиз керак.

Қассоб. Бе-ек...

Хуррамбек. Бор.

Қассоб. Ахир...

Хуррамбек. Нима дедим, ит?!

Қассоб. Ҳаммасиними?

Хуррамбек. Ҳаммасини!

Умид (отасининг кўлидан ушлаб). Отажон, қачон борасиз энди? Кета қолайлик хо-
зир. Энам кўп йиғлайдилар...

Хуррамбек (титраб). Қассоб!

Қассоб. Юринглар. Юринглар, болалар.

Хуррамбек ўғлини дафъатан қучиб, кейин итарворади.

Умид. Ота, энди одамларни ўлдирмайсиз-а? Ота, биз бошқа болаларгаям айтамиз.

Абдулла акагаям...

Хуррамбек. Қас-соб!

Қассоб. Юринглар-да, энди-е!

Умид. Юринглар. Яша Шўро!..

Болалар (унга жўр бўлишади). Яша Шўро!

Сен яшайдургон замон.

Ишчи ўғли...

Хуррамбек (ошпазга кўзи тушиб). Сен нимага ушлаб турибсан? Қўйвор болангни!
Ошпаз. Болам.

**Кенжа ҳам шодланиб, болаларга етиб олади. Улар чиқишади. Сўнг ошпаз шошиб,
нарвон орқали қояга кўтарилади.**

Қорахўжа. Бек! Кўнглим аллатовур бўлмақда. Сўнгги сўзларингизни уқолмай қол-
дим.

Хуррамбек (бир йигитга дуч келиб). Йўқол, ҳамманг!

Қорахўжа. Ё, раббано!

Эшон бурилиб кетиб, ёғоч катга ўтиради. Ошпаз ҳовлиқиб, пастга тушади.

Ошпаз. Бегим, бегим! Қассоб уларни қишлоққа эмас... тўқайга бошлаб кетди. Бе-
гим!.. Тўқайга кетишди... Ҳазрат, ҳазрат...

Хуррамбек. Жим бўл, ит!

Қорахўжа. Бек?!

Ошпаз. Ахир, ахир, болам...

Қорахўжа. Бе-ек!

Хуррамбек. Нарн туринг.

Ошпаз йиқилиб-суриниб чиқади. Эшон карахт. Тасбеҳ ўгирмоқда.

Ўқ овозлари эшитилади. Чангалзорда қарғалар қаттиқ қағиллайди. (Сукут чўқади.)
Хушсиз Умидни қўлтиқлаган Қассоб кираётиб, ўзига ёпишган Ошпазни тепиб йиқитади.
Болани келтириб, Хуррамбек ётадиган жойга ташлайди.

Қассоб. Бунга қўлим бормади.

Ошпаз келиб, Қассобга ёпишади.

Ошпаз. Боламни топиб бер! Менинг болам қани? Болам...

Қассоб (уни уриб ағдаргач). Болангни, ана, бекдан сўра! (Нарн кетади.)

Ошпаз. Бе-ек, бек... вой-дод! (Чопиб чиқиб кетади.)

Хуррамбек ўғли бошига энгашади. Қотиб қолган эшон ниҳоят ўзига келади.

Сўнг аста чакмонини ечади. Қидириниб, жанда-чопон кияди.

Қорахўжа. Алвидо, бек!

Хуррамбек. Йўл бўлсин!

Қорахўжа. Узлатга!.. Худо кечирмайди... Охиратим куйди, имоним куйди. Қонга бе-
ландим. Гуноҳга ботдим.

Эшон салласини ечиб, бўйнига сиртмоқ қилиб солади-да, ҳассага таяниб жилади.

Хуррамбек. Тақсир! Э, чини билан-ку?... Девона. (Бақиради.) Ахир, қизилларнинг қўлига тушсангиз, нима бўлади? Энг катта ёв...

Қорахўжа (тўхтаб). А-а, сиримни фош этади, деб қўрқдингизми?... Сиз ҳам ўзингизча ҳақсиз. На чора...

Эшон тўппонча чиқариб, ўзини отади. Бу ўқ садосидан ҳам қузғунлар чуввос солади. Хуррамбек титраб, ўғли бошига тиз чўкади.

ИККИНЧИ САҲНА

Қассоб камардан тепага чиқиладиган нарвонга боғлаб қўйилган, тўнг. Ошпаз Умидга дори ичирмоқда. Дудуқ қояда, бўйнида дурбин, пастга қараб турибди. Айғоқчи киради.

Айғоқчи. Бегимиз омон бўлсинлар, бошимизга соябон бўлсинлар.

Хуррамбек. Кел (Ҳаяжонда.) Хўш?

Айғоқчи. Меҳмонлар ҳадемай айтган жойингиздан ўтишади.

Хуррамбек. Ух, худога шукр... Ким-кимлар бор?

Айғоқчи. Иккита ўрис шериги билан битта йўл кўрсатувчи. Тўқайга етганда, йўлчи ғойиб бўлади.

Хуррамбек. Жуда соз!.. Бобобеков-чи?

Айғоқчи. Бобобеков уларни йўлга солиб юборгандан кейин мени чақириб: «Бекка айтадиган гапим бор», деди. Кейин Қизил чойхона орқасига ўтди. Чуқуркўлнинг бўйига. Сўнгра у чопонини тўшаб, намозини ўқиди. Кейин тўппончасини чиқариб, ўзини отди.

Хуррамбек (сукут сақлаб). Шундай бўлиши керак эди. (Ўғлига тикилиб.) Ана, милиса амакинг ҳам жўраларинг билан кетди... (Айғоқчига.) Чилонзорда отишма тугадими?

Айғоқчи. Мен келаётганда тугамовди.

Хуррамбек. Жўна! Мерганларга айт: қайтишсин. Биттаси ўлса ё асир тушса, қолганларининг терисини шилиб оламан!

Айғоқчи чиқиб кетади. Хуррамбек Қассобга алам билан қарайди.

Хўш, Қассоб, гапимиз чала қолганди... Айт, сен ахир менинг дўстим эдинг, суянган тоғим эдинг-ку? Нима учун... нима учун энди Ос-тон-ни бўшатиб юбординг? У ўз-ўзидан бўшалиб кетолмайди-ку? Сени ёнингдан-а?! Бунинг устига...

Қассоб. Мен айтгичимни айтдим.

Хуррамбек. Кеча (ўғлига қараб олади) мендан сал ранжиган эдинг-а?

Қассоб. Сиз ҳазратимни ўлдирдингиз.

Хуррамбек (ғамгин бош ирғайди). Хўш, Остон қочоқ тиллаларниям опкетган бўлса керак-а?

Қассоб. Йўқ. Ҳамён липамда.

Хуррамбек ҳайрон. Четда турган йигитга имо қилади. У чопқиллаб бориб, ҳамённи олиб келади. Хуррамбек қўл узатмагани учун олдига қўяди.

Хуррамбек. Ҳа-а... Уни бошқа биров бўшатиб юборган.

Қассоб. Ҳа.

Хуррамбек (аччиқ кулади). Менинг... менинг саман отимни миниб кетгани қизиқ! У қандай қилиб, сайисни ғафлатда қолдирди-ю, отни таниди-ю...

Хуррамбек Ошпазга қарайди-да, этиги қўнжидан қамчи олиб, унинг гарданига туширади.

Уни ким бўшатди?

Ошпаз (бошини кўтариб, тик қарайди). Мен.

Хуррамбек. Сен?!

Ошпаз. Мен.

Хуррамбек. Ни-ма учун?

Ошпаз. Болам учун.

Хуррамбек. Бола... Болани ўйлабсан... Бизни... мени ўйламадингми?

Ошпаз. Уйлаб бўлдим!

Хуррамбек. Э-э, дунёни қўтир! (Инқиллаган боласига боқиб, аста ўтиради.) Қассоб, нега буни тирик қўйдинг? Айтган эдим-ку, жўра... Ҳе, чўлоқ. Кимга бола ширин эмас? Мен ҳам отаман, ахир... Аммо боладан ҳам азиз нарсалар бор-ку, оламда? (Изтиробда.) Ватан, миллат... эътиқод! Сенлар бу нарсаларни ҳеч қачон тушунмайсанлар! Жоҳиллар... Мен халқим дейман, халқим эса — мол. Рухинг шод бўлгур Анвар пошо сўнги жанг ол-

дидан: «Мен бу юрт инсонларини билмасдан келганга ўхшаб қолдим. Адашган кўринаман!» деб эдилар... Нақадар ҳақ гаплар! Ё, раббим, бу қандай бедодликки, энди кўзинг очилганда, барча умидларинг барбод бўлса! (Ошпазга.) Биласанми сен, Ватан деганда, мен илгари фақат Бойсунни, Сурхонни тушунар эдим. Миллат деганда... йўқ, миллат бу — ўзбек ҳам эмас экан. У туркий халқларнинг бирлиги экан! Ана шуни англаб етган чоғимда, мана бу кунга тушиб ўтирибман-а!

Қассоб. Бек! Айт, мени бўшатсинлар!

Хуррамбек. Э! (Ҳалиги йигитга.) Бўшат! (Жим қолади.) Унинг ўрнига мана бу... нодонни боғла!

Дудук (қоядан). Ана, ана!..

Дудук пастга туша бошлайди. **Хуррамбек** шошиб қолади.

Хуррамбек. Чакмон, чакмон!

Дудук унинг эгнига чакмон ёпади. **Ҳалиги йигит Қассобни бўшатиб, ўрнига Ошпазни обориб боғлайди. Ошпаз тақдирга тан берган, қаршилиқ кўрсатмайди.**

Қассоб, ёнимга кел, жўра.

Саломбек киради. **Қўлидаги шинелни ерга ташлаб, тош қотади. Хуррамбек шинелга тикилади, Саломга боқади. Тагин шинелга қарайди.**

Бу нима?

Салом. Чопон.

Хуррамбек. Ўзи... қани?

Салом. Ўзи йўқ... Йўқотиб қўйдим.

Хуррамбек. Тушунмадим?

Салом. Опкелаётиб эдим. Отда. Бозорчиларга ваъз ўқий бошлади. Шўро ундоқ-Шўро бундоқ... Босмачи ундоқ...

Хуррамбек. Хўш?

Салом. Кейин шартта тилини кесиб ташладим...

Хуррамбек (жинниларча кулумсираб). Ё, тавба!

Салом. Ҳа. Кейин қарасам, яна биғиллайди... Жар ёқасидан ўтаётган эдик. Биқинига бир турсам, жарликнинг тубига тушиб кетди... Кейин орқага қайтиб, жарликка энсам... қарасам, шу чопони дўланага илиниб турибди. Ўзи йўқ... Кўкка чиққанми, ерга кирганми — йўқ.

Хуррамбек. Шошма-шошма...

Салом. Шу.

Хуррамбек. Кейин?

Салом. Ана, йигитлардан сўранг. Бозорчилардан ҳам...

Хуррамбек. Бозорчи, бозорчи... Қанақа бозорчи?! Улар билан нима ишим бор менинг?! Менга Абдулла Наби керак! Тушуняпсанми? Уша керак. Вассалом!

Салом. Ахир, айтдим-ку...

Хуррамбек. Ё, тавба! Қизиқ... Нега... унинг орқасидан ўзингниям жарликка ташламading?!

Салом. Э! Ундан тушган одам тирик қоладими сизга!

Хуррамбек (Саломнинг башарасига қамчи солади). Унинг ўлигини тополмабсан-ку?! Шошманглар... Йўқ, мен ҳеч нарсага тушунмаяпман! Тўхта, бир бошдан айт: уларни... кўрдинг?

Салом. Кўрдик. Урислар дарров отдан тушиб, камарга кирди. Ота бошлади. Уста экан улар... Абдулла-содда, қочди. Унинг орқасидан қувдим. Бошқалар ҳам қувишди. Кейин уни ўзим отиб йиқитдим. Отдан! Кейин отимга мингаштириб олдим. Қўлини боғлаб... Кейин совуққа тиришиб қолмасин деб чопонни ёпиб қўйдим. Эгнига... Кейин у бозорчиларга...

Хуррамбек. Яна бозорчилар дейди.

Салом. Бугун жума бозори-ку? Шерободдан беш-олти қари-қартанг Бойсун бозорига бораётган экан. Улар ҳам дуч келиб қолишганди. Кейин у...

Хуррамбек. Вей, сен нималар деяётганингни биласанми ўзи? (Ҳушёр тортиб.) Йўқ! Бундай бўлуви мумкин эмас... На-ҳот-ки, бошли-кўзли, тўрт мучаси бут одам... йўқолиб қолади?! **Қассоб!**

Қассоб. Лаббай!

Хуррамбек. Дўстим, қадрдоним! Бор!.. Топ уни! Бу... бу оламни тит-пит қил! Ҳамма ёқни кўр! Топиб кел уни...

Қассоб. Салом, гапинг рост бўлса, у узоққа кетмаган.

Хуррамбек. Кетмайди!..

Қассоб шерикларини имлаб чиқиб кетади.

Салом, Салом!.. Отинг ўчсин сени... Буни безрайиб туришини қаранг! Ахир, сендайларнинг юзтанг, мингтанг — бир тараф-у, Абдулланинг ўзи бир тараф эканини билардинг-ку? Билиб эдинг-ку? Эшитиб эдинг-ку, ҳўкиз!

Салом. Э, менинг йигитларим ҳам излашяпти, бек. Мен энди... энди борайми мен ҳам?

Хуррамбек. Борайми дейди... Билиб қўй, у топилмаса, се-ени тилингни кесаман. Вой-вой! Унинг учун шунча кишидан жудо бўлиб... Вой (Саломга.) Саллангдан чиқиб турган нарса... Ёрлиқми? Ол! (Салом олиб беради. Хуррамбек йиртиб ташлайди.) Сен юзбоши эмассан! Навқарсан!

Салом. Агар бозорчилар учрамаганда...

Хуррамбек. Қани ўша бозорчиларинг?

Салом. Шу ерда! Бойсунга бориб, хабар беришмасин деб, ҳайдаб келаётгандим уларниям...

Хуррамбек. Чақир!

Салом бир-икки йигит билан чиқиб кетади.

Ё тавба! Анвар пошо афандим, қайдасан? Мана менинг аҳволимни кўр! Сен жангга кирганда, қанчалаб юзбошиларинг сотилган эди! Хайрият, битта қочоқнинг орқасидан қувиб, ўзинг отиб ўлдирган эдинг!.. Мен кимни ўлдирай?

Бозорчиларни ҳайдаб киришади. Улар тўзиб, ҳар жой-ҳар жойда тиз чўкиб қолишади.

Хуррамбек. Бозорчилар... Хўш, менинг юртдошларим! Аб-дул-ла Наби қандай одам экан? Кўрдингларми?

1-чол. Йўқ, ҳеч нарсани кўрмадик, бегим.

2-чол. Кўрмадик. Бойсунга бораётиб эдик...

Хуррамбек. Салом?!

Салом уларни қамчилай кетади.

Салом. Кўрмадингми? Сен-чи, қари. эш-шак? Тилини кесганимда, йиғлаб эдинг-ку?

1-чол. Кўрдим, кўрдим.

2-чол. Рост. Жарга тушиб кетганиниям кўрдик, бегим...

Хуррамбек (Саломни тек туришга ишора қилиб). Ана, менинг ўзбекларим!.. «Кўрдим дедим — тутилдим, кўрмадим дедим — қутулдим!» Ана шу йўриғда иш тутадиган нодонларим... (Ачиниб.) Хўш, тугалмисизлар?

1-чол. Ҳа. Ҳаммамиз шу ерда.

Хуррамбек (уларга боқиб). Сизлар халқ-а?

1-чол (кўрқа-писа). Ҳа, энди, ҳаммамиз қўшилсак, халқ бўламиз-да...

Хуррамбек (йигитларни кўрсатиб). Буларни қўшма, қария! Булар менинг ботирларим. Тикандаям гул бўлади, а? Агар бизда халқ бор бўлса, булар — унинг гуллари! Э, воҳ! (Ғўлага ўтиради.) Шўрочилар бизни «босмачи» дейди. Хоинларимиз ҳам... (Бирдан сергак тортиб.) Уша йигит — Абдулла Наби нима деди сизларга? Қўрқманглар. Бемалол гапираверинглар... Салом, бу ёққа ўт!.. Қани, қулоғим сизларда. Хўш? Бемалол...

1-чол. Бизнинг фаҳмимизча, анча бамаъни гаплар айтди.

Хуррамбек. Хўш?

1-чол. Энди... умр бўйи молдек бўлиб бойлар ерида ишладинглар. Бирларинг икки бўлмади, деди.

Хуррамбек. Бамаъни гап!

2-чол. Яна ўша кунларни истасанглар, майли, деди. Хуррамбекка...

Хуррамбек. Ҳим. (Бўғилиб.) Вата-ан, ха-алқ тақдири ҳақидаям гапирдимми?

1-чол. Гапирди. Ватан озод бўлиши керак, деди.

Хуррамбек. Кимдан озод бўлиши керак экан? (Сукут.) Кимлардан? (Чоллар жим.)

Демак, биз-лардан! Шундай деган... (Ўртаниб.) Салом, эшитясанми? Булар унинг гапларига ишонган? (Ўйланиб қолади.) Хўш, менга қаранглар, мусулмонлар. Яқин-яқингача, Ўрусияда кечган инқилобгача ҳам ўлкамиз Оқпошшо тасарруфида эди-я? Ҳа. Полисменлар, мардикор олишларни эсланглар. Эсларингдами? Ҳа-а... Бобо-бобокалонларимиз: «Қачон Оқпошшо зулмидан қутуламиз?» деб ўтиб кетишдимми? Ҳа... Мана, Ўрусияда Оқпошшо тахтдан туширилгач, энди озод бўлдик, деганимизда... тахтга минган Ўрусия Шўролари яна бир босқин қилишди: чунки қутулиб кетишимиздан қўрқди, буларгаям қуллар керак эди... (Хўрсинади.) Қарабсизки, уларга ўзимиздан чиққан хоинлар ҳам қўшиляпти! Ў, ўзингни ўзагингни узади, деб бежиз айтмаганлар... Мана, оқибати, мана!.. (Нафасини ростлаб.) Мен Ватан озодлиги деганда, ана ўша ўрис босқинчиларидан ҳам, хоинлардан ҳам халос бўлишни, ўзимиз... ўз еримизга хўжайин бўлишни тушунаман! Нодонлар... (Беҳол тортиб, қўйин соатига қараб олади.) Уф... Айтинглар-чи, Бойсун, Шеробод шўролари сизларга ёқадими? Қўрқманглар. Очик гапиринглар.

1-чол. Энди, Шўро бизга ер берди, сув берди...

2-чол. Тегирмон, обжувоз берди.

3-киши. Мактаб очди.

Хуррамбек (инграб юборади). Ў, мак-та-аб... Шошманглар, ўша нарсаларни ўз ёнидан бердимми?

1-чол. Йўқ энди...

Хуррамбек. Сабр... Бир кун келиб, у нарсаларни яна тортиб олмаслигига ким кафил бўлади? Тушунинглар: итниям эргаштириш учун олдига суяк ташлайдилар. А? Кейин бўйнига занжир солишади. Шундайми? (Кулади.) Улар — кофирлар ахир...

3-киши. Лекин, бегим, биз уларни кофир десак, уларниям динлари бор экан.

Хуррамбек (ёниб). Уларнинг динлари — динсизлик!

3-киши. Йўқ, Никел шундай деди.

Хуррамбек. Ким у Никел?

1-чол. Чека бошлиғи.

Хуррамбек (оҳ уради). Э, худойим!.. Нақадар кўзи ожиз бандалар булар? Ахир, Бой-сун мадрасасини отхона қилгани ростми? А?! Қуръони шарифнинг муқаддас саҳифаларини йиртиб, тамаки ўраб чекканлари-чи?

1-чол. Ҳозир мадрасада аскар туради.

3-киши. Қуръонни йиртганни зиндонга солишди.

Хуррамбек. Барибир бу ишлар бежиз бўлмаган-ку?!.. Кейинги тадбирлар — макр, макр... (Хаёлчан.) Анвар пошо ғоят тадбиркор инсон эканлар-а! Салом, галварс, ҳазрат билан кеча нима хусусда айтишиб қолиб эдик? Бой, камбағал, тенглик... Эсиз эшоним! Маккорликни билмас эди, раҳматлик... (Бозорчиларга бирдан.) Сизлар Анвар пошо деганни эшитганмисизлар?

1-чол. Эшитган бўлсак ҳам, ўзларини кўрмаганмиз.

2-чол. Пошшоми?

Хуррамбек (ўртаниб). У киши — Буюк Туркия Султонининг куёви эдилар! Туркия қўшинларининг Бош Нозири эдилар! У киши шаҳри Румдан Шарқ мусулмонларига халифа бўлиб, бизнинг тупроғимизга келган эдилар!.. У киши бизни Ўрусия асоратидан бир умрга халос этмоқчи эдилар!.. У кишининг режалари... жуда буюк эди!.. Биз, биз... Бухорони сотқин шўрочилардан ҳам халос этганимиздан кейин жамаи кучларимизни йиғиб, Англиёдан ҳам мадад олиб, Ўрусияга ҳужум қилмоқчи эдик! Кейин... унинг қуллигидан барча туркий халқларни озод қилиб, бу қадим тупроқда Буюк Ўрта Осиё турк Султонлигини барпо қилмоқчи эдик! (Бозорчиларга истехзо билан тикилиб.) Ана ўшанда тахтга ким ўлтирган бўлур эди? Амирми? Йўқ!

1-чол. Бўлмаса...

Хуррамбек. У хотинбозни, ишратдан бўлак нарсани билмаган, дўст ким, душман ким — ажратишга ожиз кимсани Амударёдан бу ёққа... бир қадам ҳам ўтказмас эдик!..

3-киши. Во, ажаб!

1-киши. Ахир, тахтга...

Хуррамбек. Тахтга... Анвар пошони ўтқазиб қўярдик. (Изтиробда.) Ҳ-ў-ў, шундай зот душманнинг қиличию бизнинг нодонликларимиз туфайли қурбон бўлди. (Йиғлайди, ўзича.) Обдарада бешинчи ўқдан кейин отдан йиқилдилар...

2-чол. Бегим, мундан чиқди, у даврлар ўтипти-да?

Хуррамбек. Утмайди! (Сукут. Бизнинг кўзимиз энди очилди... Қанийди, сизларнинг кўзларинг ҳам очилса?... (Бирдан тек қолиб.) Хўш?

1-чол. Бегим, майли... Сиз айтган замон келса, яна бой бойлигича, камбағал камбағаллигича қоладими?

Хуррамбек. Соқолинг тўкилсин... Бировнинг молига кўз олайтиришдан ҳазар қилмайдиган ножинс! Ахир, бировдан олинган бир мири ҳам — қиёмат қарз бўлади-ку? Салом! Мана... шўрочилар буларнинг имон-инсофиниям бўридек еб қўйишибди!

Салом. Соқолини кесайми?

Хуррамбек. Ҳайда! Булар... тамом бўлган халқ. Моллар...

Салом қамчини олганда, Дудуқ тепадан бақиради.

Дудуқ. Ана, ана!..

Хуррамбек (тепага қараб). Опкелишяптими?

Бир йигит (тепадан). Икки кишини банди қип келишяпти! Икки кишини!

Хуррамбек (ўзида йўқ шод). Ниҳоят... Худойимга шуқр. Ишқилиб... (Саломга.) Тегма! Қўй, булар ҳам кўрсин... бамаъни гап айтувчи йигитни! Ундайларнинг қисмати нима бўлишиниям билиб қўйишинг! Чакмон!

Тушиб келган Дудуқ Хуррамбекнинг этагидан тортиб, эғнидаги чакмон эканини билдиради. Шунда Қассоб бошлиқ йигитлар Абдулла Набиев билан Остонни судраб киришади.

Қассоб. Мана!

Хуррамбек ишонинқирамай улар устига боради. Салом Абдулланинг сочидан тортиб, бекка қаратади.

Салом (жўн қувонч билан). Шу! Шунинг ўзи!

Хуррамбек. Нарӣ тур. (Сал тисланиб, қонга беланган, гимнастёркадаги Абдуллага тикилади.) Ж-жуда ёш экансан-ку, а?.. Мени биласанми? Мен — Хуррамбекман. Сен Сурхондан йўқотмоқчи бўлиб келган одам — Хуррамбек бўламан! (Остонга кўзи тушиб, завқи тошиб кулади.) Сени от эмас, ажал тортиб келган, жўра (Гангиб.) Қассоб, қаёғдан топа қолдинг буларни? Тағин иккисиниям-а? (Яйраб, нари-берига қадам отади.)

Қассоб. Мана шу шўрочини отингизга мингаштириб опкетаётган экан. Отни отдим...

Хуррамбек. От — садқайи сар... Лекин барака топ, дўстим! Сен — биттасан! (Остонга.) Хўш, ажина, сендан эшитамиз?

Остон. Шу. Рост. Муни опкетаётиб эдим.

Хуррамбек. Шуни?

Остон. Шуни.

Хуррамбек. Қаёққа?

Остон. Бойсунга.

Хуррамбек (алам билан хохолайди). Ҳэ, Остон-эй! Шу ўқрайган кўзларинг нега ўйилмайди? Шошмай тур... Бирйўла Шўронинг олдида ўзингни оқлаб олмоқчи бўпсанда? (Ўйланиб.) Бу меҳмонни қаердан олдинг?

Остон. Кеча айтиб эдим-ку, шу йигитни кўриш сенга насиб этмасин деб?

Хуррамбек (жилмайиб). Насиб этмаганини кўриб турибсан. Хўш? (Ошпазни эслаб қарайди.) на, унгаям боласининг аламини олиш насиб этмади!

Остон (кийналиб). Хуррам, уни бўшат. Кўлингдаман-ку? У бир ғамзада, ғариб...

Хуррамбек (ошпазга қараб). Бўшатмас эдим-у, рост гапиргани учун... (Йигитларга «ечинглар» ишорасини қилади. Остонга.) Хўш? Қулоғим сенда! (Абдуллага.) Сиз зерикиб қолманг, иним. Гурунгимиз алоҳида...

Остон (Абдулланинг майна қилинишини истамай, тез). Қочганимдан кейин йўлда ўйладим: бу йигитни барибир қўлга туширишади деб!.. Кейин жарликда пойлаб турдим. Бир вақт қирғоқдан биров учиб тушди-да, дўланага илиниб қолди. Қарасам, ўша... шу: Тушириб олдим... Қассоб отни отмаганда...

Хуррамбек. Гапир, гапир... Ҳэ, нонкўр! Китоб урсин сени! Қуръони шариф билан онт ичиб, сафга қўшилган қўрбоши эдинг-а, номард!

Остон. Мен номард эмасман.



Хуррамбек. Номард ҳам гапми? Сен саёқ, дайди итсан. Эгасининг ялоғини ялаб, тагин унинг бутига ёпишадиган қанжиқсан!

Остон. Ким қандай одам эканини аҳли мусулмон кўриб турибди. Лекин... сенга ростини айтаман: Шўродан авф сўраб бормоқчимас эдим.

Хуррамбек. Эй, аҳли мусулмон! Шунинг гапига ишониб бўладими?

1-чол. Шўро афу сўраганларни кечиради...

2-чол. Ҳа, кечириб ётипти.

Остон (бўкиради). Йўқ! Мен бунинг учун бормоқчимас эдим! Шунчаки... (Абдуллага қарайди).

Хуррамбек. Сен ҳозир ўлишинг керак.

Остон. Хуррам! Айт... мени бўшатсин!

Хуррамбек. Нима қиласан?

Остон. Кўрқма.

Хуррам уни бўшатишга имо қилади. Остон бўшалиб, билакларини уқалайди.

Икки оғиз гапим бор.

Хуррамбек. Фақат калта қил.

Остон (бозорчиларга). Юртдошлар! Мен номард эмасман. Мен... «қон тўкмайман!» деб онт ичиб эдим, холос. Шунинг учун авфonga ўтиб кетиб эдим. Аммо... бу юрт мени тортди. У Тангриқашқа бўлиб кишнади менга! Мен минг бир ўлимга чап бериб, бу ёққа ўтиб келдим. Лекин билдимки, бу тупроқда ё қон тўкишинг керак, ё қонинг тўкилиши керак экан... (Бозорчиларга.) Икки оғиз гапим бор, эшитинглар!

Хуррамбек. Тўрт оғиз бўп кетди-ку?

Остон. Хуррамбекка ишонманглар! Бу — бор бисотидан айрилиб, аламзада бўлган кимса! Ватанда беватан бўлган зот! Одамгарчиликдан асар ҳам қолмаган йиртқич! (шошиб кулади.) Кечадан бери эшитдим: туркий халқлар, туркий халқлар... дейди. Боши бирикмади, деб оқ тортади! (Хуррамбекка.) Эй, нодон бек, бу гаплар Анвар пошога ярашар эди! У киши... осмон қадар кенг одам эди! Сен... сен ўзбекнинг бошини қовуштиришга ярамайсан-у, ўзингни ким-нима чоғлайсан! Иброҳимбек ўзбек эмасми?.. Сапсата сотасан! Биламан, сен қайсар, ўр одамсан. Лекин ҳозир... (Бозорчиларга.) йиртқичга айланган бу! Йигитлар! Сизларниям бошларингга етади бу! Яна бир гап: бунинг изидан Авфonga ўтманглар! Авфон биздан юз ўгирган... Бунинг устига, Афғонистон пошшоси Омонуллахон Урусия шўролари билан махфий алоқа ўрнатаётир! Унинг мақсади — вақти келганда, бизникиларни ушлаб бериш, сотиш! Чунки... Чунки, Иброҳимбек уларнинг ҳам жонига тегди! У шўрлик бўлса, қароқчилик қилиб, кариллаб юрибди! Англизга ишониб... (Хуррамбекка.) Амирдан қурол-яроғ кутяпсан-а? Хомтама бўлма!.. Иброҳимбек онт ичган эмиш: Хуррам келиб, оёғимга йиқилмағунича қурол-яроғ ўтказмайман, деб...

Хуррамбек (титраб.) Ёлғон!.. (Бошини ушлайди.) Қассоб!

Остон. Шошилма, Қассоб! Бир кун келиб сениям баҳрингдан ўтади бу...

Хуррамбек. Қассоб!

Остон. Дийдор қиёматга қолди. Фақат бир нарсага ачинаман: бир суйганим бор эди, шуни кўролмадим...

Остон яқин келиб қолган Қассобнинг пичоғини суғуриб кўтарганда, Дудуқ отилиб чиқади.

Дудуқ-Офтоб. Шошманг! (Бошидан телпагини олиб ташлайди. Сочи калта қирқилган қиз.) Уша суйганингиз менман!

Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолади.

Остон. Офтоб?!

Офтоб. Мен. Ўхшайманми?

Остон. Э, тангрим!

Остоннинг қўлидан пичоқ тушади. У тиз чўкиб, манглайини ерга уриб, кўтаради.

Офтоб!

Офтоб. Мен.

Офтоб мардона, жоду табассум билан унинг қаршисида чўк тушади.

Остон. Ё, тавба!

Офтоб (Хуррамга қараб). Хуррамбек, ҳайрон бўлманг! Дудуғингиз қиз бола эди. Омондурдибойнинг қизи! Уйимизда меҳмон ҳам бўлгандингиз...

Йигитлар орасида шивир-шивир.

Алдаб эдим сизни Сизларниям, ўғлонлар! (Остонга дилкашлик билан). Нима қилай?
Ўзга иложим йўқ эди... Қизиллар отамни ўлдиришди. Эшитган бўлсангиз керак?
Остон. (шивирлаб). Йўқ.
Офтоб. Онамни булғашди.

Бозорчилар орасидаям ғовур-ғувур. Остон кафтлари билан юзини ёпади.

Мен... менинг паранжимдан ҳам тортишарди. (Хуррамбекка.) Бек, биларсиз, бизнинг қишлоқда паранжи ёпинишади?

Хуррамбек оғир бош ирғайди. Набиев диққат билан тингламоқда.

1-чол. Бойсунни марказидаям паранжи ёпинишади.

Офтоб. (Остонга). Ана шундай қилиб, кўрбоши оға, биз уйдан кетдик. Сизни изладик, кўрбоши оға... Отангиз Сўпи бобо: «Йигитлари адо бўлгач, Авғонга ўтиб кетипти», дедилар. Мен изингиздан Авғонгача ўтмоқчи бўлдим. Лекин илгариги тулпорларимиз қайда?.. Биз гадо бўлиб қолган эдик...

Остон. Офтоб...

Офтоб. Ў-ў, мен сизни, сизни... кўргим келгани учунмас, «Нега қочдингиз?» деб бормоқчи эдим!

Хуррамбек (ўзича.) Балли.

Офтоб. Мана бу (Абдуллага қарайди.) сочи узун, хотинчалишлардан нега ўчимизни олмайсиз, деб сўрамоқчи эдим. Булар, бегимиз рост айтдилар — хоин!

Жимлик.

Хуррамбек. Гапир, қизим, гапир.

Офтоб (йиғламсираб). Бултур Шерободда катта йиғин бўлди. Йўлдош ота Охунбоев деган бир чувак юзли киши келиб экан. (Бирдан Абдуллани кўрсатиб.) А-а, мана бунинг юртдоши экан... Айтиб берди. (Мунгли.) Ўзи яхшигина одам-у, «Хотин-қизларимиз паранжини ташласин!» дейди. Далага чиқиб ишласин дейди... Биз далага чиқиб кетмон чопар эмишмиз, қаролга ўхшаб... (Бозорчиларга.) Сизлар эшитмадингларми? Э-э, гадо-лар... (Остонга синиқ-кинояли жилмайиб.) Бухоро қўлдан кетган куннинг қайсидир йилини байрам қилишди-да, мана бу меҳмонга ўхшаганлар бош бўлиб... «Бу-хо-ро инқилобини нишонлаймиз!» деб. Халқ инқилоби, деб аташди... Амирни халқ ағдарган эмиш...

Хуррамбек. Балли, қизим, балли.

Офтоб (Остонга). Сиз бу гаплардан беҳабарсиз, кўрбоши оға.

Хуррамбек. Кўрбоши эди!

Офтоб. Ҳозир...

Хуррамбек. Навкар ҳам эмас.

Офтоб (Остонга). Шундайми?

Остон бош ирғаб тасдиқлайди.

Йўқ! Сиз навкарсиз! Сиз яна юзбоши бўласиз!.. Менга қаранг, бошингизни кўтаринг!.. Қандай йигит эдингиз! Мана, нима аҳволга тушиб қопсиз... (Хаёл ичра.) Мен сизга чакмон тикиб бераман. Ўрмак қураман, урчуқ йигираман... Ўзим мато тўқиб, ўзим тикиб бераман. Бу кийимларни ташланг!

Остон шикаста жилмайиб, Хуррамбек томонга қарайди. Офтоб бирдан бекка ўрмалаб, илтижо қилади.

Бегим! Буни ўлдирманг! (Ерга бош уриб кўтаради.) Бир қошиқ қонидан кечинг!.. Бу айбини ювади! Бу — мард йигит...

Хуррамбек (Остонга). Шундайми? Мардмисан?

Остон бош эгади.

Офтоб. Мард, мард... (Остоннинг қошига келади.) Айтинг, мен сизга содиқ бўламан денг! Элимга, оёқости бўлган юртимга содиқман денг! Курашаман денг... Мана булардан ўч оламан денг! Менинг учун ҳам!

Остон жим.

(Хуррамбекка.) Сиз бир нарса денг. Бу ишонмаяпти... Тузимиз ҳақи, хизматларим ҳақи! Ўлгунимча қулингиз бўлай!

Хуррамбек. Үзи нима дер экан?

Офтоб. Үзи рози. (Остонга.) Оға?

Остон (йиғлаб). Йўқ.

Офтоб (шивирлаб). Нимага?

Остон. Офтоб! (Ўрнидан туради.) Эй тангрим! Нега мени бунча эзасан?

Офтоб. Ундан ҳам афу сўранг!

Остон. Нимага?

Офтоб. Биз... ҳақ йўлдамиз! (Бозорчиларга ишора қилиб.) Мана бу исқиртларни қўйинг! Булар учун нон — пайғамбар, ош — худо! Кеча бизнинг қаролимиз эди булар. Эрта бошқаники бўлиб кетаверади. (Кулади.) Еки мана бунга ўхшаб Шўрога югурдак бўлади. Буям қашшоқдан чиққан! Э, сиз-е! Шуни қутқараман, деб юрибсиз-а?..

Хуррамбек. Қизим, ялинма бу итга. Үз қадрингни бил. Сен ёвқур туркманнинг қизисан. Бу менинг қавмимдан бўлса ҳам қўрқоқ хоин.

Офтоб (Остонга.) Шундайми?

Остон (ҳеч нарса ни кўрмай). Мен қон тўкмайман. Онт ичганман.

Офтоб. Мен учун ҳам-а?

Остон ерда қолган пичоққа қарайди. Энгашганида, қиз олади.

Остон. Офтоб...

Офтоб ўрнидан туриб, **Хуррамбек** томон чекинади. Ва ёнидан тўппончасини олади, **Остон**нинг кўксини кўзлаб отади-да, чиқиб кетади.

Остон (кўксини ушлаб). Раҳмат.

Остон йиқилади. **Бозорчилар** орасида ғовур. **Мурдани** судраб кетишади.

Хуррамбек нари-бери юриб, **Абдулланинг** қошида тўхтади.

Хуррамбек (**Абдулла**га.) Кўряпсанми нима ишлар бўляпти? Мусулмон фарзандлари бир-бирини ўлдиряпти... (бирдан) Сен туфайли. Сен учун! (**Абдулла** рад маъносида бош чайқайди.) Бўлмаса ким учун? Нима учун? (**Абдулла** бекнинг ўзига ишора қилади.) Мен? Мен айбдорманми? (**Абдулла** бош ирғаб тасдиқлайди.) Ҳа-а... Ҳа-а... Сен бошқа нима дейишнинг мумкин? Салом!

Салом. Лаббай!

Хуррамбек. Нега бунинг тилини кесдинг? (ўкириб юборади.) Мен бу билан гаплашишим керак эди-ку? Буни қанча кутдим!.. Бунинг йўлида кимлар қурбон бўлмади! Бойсунга етмай турибоқ!.. (ингранади. **Абдулла**га.) Хўш, бу юртга... ўз ихтиёринг билан келдингми? Еки Шўролар буюрдими? (**Абдулла** тўлғанади. Иягини кўксига тегизади.) А-аа, ўз ихтиёринг билан? Бай-бай-бай!.. Қўрқмадингми? (**Абдулла** рад маъносида бош чайқайди.) Ҳ-ўй! Ботир экан. Ҳариснинг тарбиясини олган-да?.. (Яна тутақиб кетиб.) Бу ер — Сурхонку?! Тошкент аллақачон Шўронники бўлди! Хора-эм ҳам ўрисга қўл кўтарди! Жунайид ҳам обло акбар бўлди! Сени... Фарғонанг ҳам... сенга ўхшаган мараз-сотқинларнинг орқасида ўрис мулкига айланди! Фақат шу ер, шу юрт қолган эди... (Сукут.) Шу ерда тириклар қолган эди! Фидойилар қолганди... (**Абдулла**га.) Ни-манг-га ишониб келдинг?

Абдулла бозорчиларга қарайди.

1-чол (кўз ёшини артиб) Бизга ишониб келган экан.

3-киши (аламда) Ҳа, бизга ўхшаган гадоларга...

2-чол. Қаролларга...

Хуррамбек (**Абдулла**га.) Молларга де? (**Абдулла** бош чайқайди.) Одамми булар? Ҳазинга ўхшаган-а? (**Абдулла** бош ирғайди.) Уҳ! Биз бир-биримизни тушунолмаямиз! (Аламдан.) Салом, нега тилини кесдинг?

1-чол. Тили бўлмасаям гапиряпти, бегим.

Хуррамбек. Ҳаммангни ётқизиб, қўйдай бўғизлайман... **Абдулла**, ука, сизлар ўйла-сизларми? Эртага нима бўлади, а? А?.. Анвар пошо айтган эдилар: «Ё ҳозир, ё ҳеч қачон!» деб! Ушанда эллик минг навқаримиз бор эди... (**Абдулла** жилмаяди.) Нега илжасан? Қўшинимиз барбод бўлганигами? Ҳэ-э, гўдак... Сенга... сенга ўхшаганларнинг ташвиқотиям бошимизга етди!.. Лекин биз ўлмаемиз! Ана, кўрасан! (**Абдулланинг** ҳаракатини тушунамайди.) Нима-нима? Ишонмайсанми? (**Абдулла** тасдиқлайди.) Хўш, хўш... Сизлар, шўрочилар шу халққа... (Ўртаниб кетиб.) Ватанга, мана бу осмондай кенг ўлкага озодлик бера оласизларми? (**Абдулла** бош ирғайди.) Ҳарислар юртдан чиқиб кетадими? (**Абдулла** жилмайиб бош ирғайди.) У, шўрлик бола!.. Қачон инсон кўрибдики, босқинчи босиб олган ўлкасидан чиқиб кетган? Ахир, уям қон тўкяпти! Ҳа қонини... Тушунапсанми? (**Абдулла** бош ирғайди.) Бекоргами? А, нима учун? (**Абдулла** иягини кўксига тегизиб, осмонга қарайди.) Бу нима деганинг? Салом, Салом...

1-чол. Биз учун... элнинг озодлиги учун эмиш.

Хуррамбек (тек қолиб, қаҳ-қаҳлаб кулади). Кимдан? Кимлардан озод этиш учун?

Салом. Э, бегим, гап тамом бўлди.

Хуррамбек. Ҳа. Сени тилингни кесишим қолди, холос.

Салом. Сизни сўкканди, тоқат қилолмадим-да.

Хуррамбек (кулимсираган Абдуллага.) Куляпсанми? Уҳ, сенинг сафдошларинг бир кун келиб йиғламаса, худодан ҳам розимасман! Урис сизларни йиғлатади... (Абдулла тагин рад маъносида бош чайқайди). Э-э, шўрлик жигарим..

Салом. Унга ачиняпсизми?

Хуррамбек. Ҳа. Буям бир умидли мусулмоннинг фарзанди ахир... Емон алдашган буларни... (Абдулла тагин бош чайқайди.) Нима? Нима демоқчисан? Бир оғиз... (Йиғламсираб.) Қассоб!

Қассоб. Шу ердан!

Қассоб Абдулланинг бошига келади. Хуррамбек Саломни кўрсатади.

Хуррамбек. Уни...

Қассоб. Бе-ек?

Хуррамбек (ночор.) Хўш, нима қил дейсан?

Қассоб. Мен... мен... (Пичоғини олмоқчи, пичоқ йўқ.) Ана буям каромат. Мен энди одам сўймайман! Мол ҳам сўймайман! Ҳа! Билганингизни қилинг

Салом. Қассоб, жўра, бўлган иш бўлди. Лекин... мандан олдин мана бу ўлиши керак!

Салом пичоғини сўғуриб, Абдуллага интилади. Унинг кўксига уради. Бозорчилар уввос солиб юборади.

1-чол. Жаллодлар...

2-чол. Бу ер қуш-қушхона экан...

Улар алпанг-талпанг келишиб, Абдуллани ушлашади. Шунда камар устида қарсиллаб ўқ узилади.

Хуррамбек (чўчиб тушиб). Нима гап?

Бир йигит (тепадан). Дудуқ... ўзини отди!

Шунда Умид уйғонади. Гангиб-аланглаб қараб, Абдуллани кўради-да, унга ўрмалайди.

Умид. Абдулла ака? Абдулла ака!.. (Тортқилайди. Кейин қондан кўрқиб отасига қарайди.) Бу кишиниям ўлдирдингизми?

1-чол. Ҳа, бўтам. Ўлдиришди.

Умид. Нега-а? Ота! Отажо-он, нега-а? (Йиғлайди.) Абдулла ака...

1-чол. Безовта қилма, бўтам... Бек, бизга мурдани беринг, жаноза ўқиб кўмайлик.

2-чол. Хўп денг, бек.

3-киши. Сизга энди керак эмас-ку?

1-чол **Умидни туртади. Умид отасининг қошига боради.**

Умид. Ота, беринг... (Бирдан унинг енгига ёпишади.) Беринг, қонхў-ўр!

Хуррамбек ўтирган ерида уни тепиб юборади.

Хуррамбек. Йўқол! Итвачча...

Умид ҳайратда қотиб ва кўрқиб чоллар томон силжиб боради.

(Ғамнок.) Мусулмонлар... мен ўлсам, мениям ўлигимни сўраб олиб, жаноза ўқиб кўмасизларми?

Чоллар сукутда.

Билардим...


Шунда Умид томошабинга қараб тиз чўкади. Қўлини фотиҳага очади.

Умид. Мен итваччаман... шунинг учун сиздай... отам йўқ. Облоху акбар.

Хуррамбек инграб туриб кетади. Ҳаво етишмай узоқлашади. Саҳна қорая бориб, йирокдан халқ қўшиғи эшитилади.

Кўшиқ.

Ўтди, ўтди, ўтдими?
Хуррамбеклар ўтдими?
Набиевни ўлдириб,
Муродига етдими?



Аер садолари

Саҳифа филология фанлари доктори,
профессор Беғали Қосимов таҳрири остида
чоп этилаётир

КАРИМБЕК ШАРИФБЕК УҒЛИ КАМИЙ

[1865—1922]¹

Тошкентлик. Себзор даҳасининг Чақар маҳалласида чопонфуруш оиласида туғилган. Эски мактабда Мансурхон домлада савод чиқарган. «Бекларбеги» мадрасасида машхур Шомаҳмуд мударрисда «хатми кутуб» қилган. Муқимий, Фурқат, Муҳъйи, Алмай, Юсуф Сарёмийлар билан яқин муносабатда бўлган. «Бедилхонлик»ларда қатнашгани маълум.

Умрининг кўп қисмини «Бекларбеги» ҳужраларидан бирида қашшоқликда кечирган.

Девон тартиб қилмаган бўлса-да, замонасида эътибор қозонган шоирлардан. Шеърлари, асосан, ишқий ва маърифатпарварлик йўсинида. Даврий матбуотда, баёзларда кўп учрайди.

Замондошлари шундай нақлни келтирадилар. «Садойи Туркистон» газетаси (1914—1915 йилларда Тошкентда чиққан) русча газеталарнинг биридан қайсидир черковда бўлган ёнғин хабарини олиб босади. Нима бўлади-ю, хабарни таржима қилиш чоғида «черков» сўзи «бутхона» бўлиб кетади. Бу газета атрофида катта тўполонни вужудга келтиради. Машхур миссионер Н. Остроумов буни ҳақоратлаш деб ҳисоблайди ва газетани судга беради. Айни ўша кунларда Камийнинг диққатингизга ҳавола қилинаётган шеъри («Яхши») матбуотда, худди шу Н. Остроумов муҳаррирлик қилган «Туркистон вилоятининг газети»да босилиб чиқади. Унда «Муаззин чирку масжид бўлса нопок, Ки ондин поп ила бутхона яхши», деган сатрлар бор эди. Тошкент округ суди «Садойи Туркистон» газетасининг муҳаррири Убайдулла Хўжаев ва ходими Рауф Музаффарзода устидан бошланган ишни тўхтатишга мажбур бўлади.

Мазкур шеър 1960 йилда чоп этилган «Ўзбек адабиёти» мажмуасининг 4-жилд, 1-китобидан олинди.

Яхши

*Сухан яхшиму ё дурдона яхши,
Сухандона — сухан, дур — қона яхши.
Қариндош, номувофиқ ошнодин
Мувофиқ етти ёт — беғона яхши.
Пули кўп, ақли кам янги чопондин
Яланғоч жанда-ю, девона яхши.
Дилеким, онда йўқдир оташи ишқ.
Ки ондин шам ила парвона яхши.
Кишидин шарбат ичгандин белиннат,
Ки то оғзига ботган қона яхши.
Киши дунон элидин нон егондин
Уруб сундурса тиш сандона яхши.
Кишиким, ваъдае қилса бировга,
Етурса ваъдасин поёна яхши.
Дуруғу кизб сўздин минг маротиб,
Деса бир сўзийи ҳаққона яхши.
Муқаррар дўстким, бўлса нодон,
Ки андин душмани фарзона яхши.
Ҳаёу шарму одобу тавозеъ*

*Эмас ҳайвонаким, инсона яхши.
Муаззин чирку масжид бўлса нопок,
Ки андин поп ила бутхона яхши.
Харобот аҳлига қанду асалдин
Шаробу бўзау майхона яхши.
Қиш ўлса камбағал бечорларга,
Кўмуру ўтину қошона яхши.
Биёбонида роҳи рост топмоқ
Адашган зору саргардона яхши...
Ажабким Тошканд бойбаччасига
Улоқу оту туллақхона яхши.
Гуруҳи ҳезтийнат одамидин
Шижоатпеша бир мардона яхши.
Ҳуш улким, суҳбати ножинслардин
Қочуб ўлтургали зиндона яхши.
Турубон эрта бирлан аҳли бозор
Келиб ўлтургали дўкона яхши.
Мусофирдил шикаста меҳмоннинг
Дилин шод айламоқ мезбона яхши.*

¹ Айрим адабиётларда шоирнинг таваллуд ва вафот саналари 1866—1923 деб берилган. Унинг ўлими тепасида бўлган ижодкор зиёлилардан Мўминжон Муҳаммадҷонов — Тошқин (у Камийга қариндош — акасининг ўғли ва шогирд ҳам бўлган) бу санани 1865—1922 деб кўрсатган. Биз ҳам шунга суяндиқ.

Бале хуқкомларнинг хизматида
Мулойим хўйлик дарбона яхши.
Ҳамадин аҳли дунёдорларга —
Чиқимсиз тушса пул ҳамёна яхши.
Тўла анбори донлиқ бойларга.
Ҳазорон мўрдин бир дона яхши.
Малахдин мазрағи бўлса амонда,
Ҳамадин бул эрур деҳқона яхши.
Амалдор аҳли-ю, мирзо элиға,
Етушса тез-тез моҳона яхши.
Ҳақими ҳозиқу ҳам бодиднат,
Жамии аҳли беморона яхши.

Ҳамадин жаҳрия эшон элиға,
Муриди зокири мастона яхши.
Самоварчи эли-ю, чойфуруша —
Чой ўтса шабу рўзона яхши.
Бу эрса Тошканд аҳлиға кирдор,
Намангон, Андижон, Фарғона яхши.
Бу жоҳил халқ дастидин ман эмди,
Қочиб кетгоним Афғона яхши.
Кўрурсиз даҳр уйин обод, алмо,
Билинг, андин бузук вайрона яхши.
Ҳаёлин этмак ул мужгон асонинг
Ками(й) дек хаста бедармона яхши.

* * *

АҲМАД ТАБИБИЙ

(1869—1911)

Хоразм адабий ҳаракатчили-
гининг машхур вакиллари-
дан. Хивада туғилган. Хон саройида
табиблик қилган. Ўзбек ва тожик
тилларида ижод этган. Учта ўз-
бекча, иккита тожикча девон туз-
ган. Фузулийнинг «Ҳафт жом»-
ини ўзбек тилига ўғирган. «Во-
мик ва Узро» достонини ёзган.

Муҳаммад Раҳим Ферузнинг топ-
шириғи билан ўттиз нафар хива-
лик шоир ҳақида маълумот ва
асарларидан намуналар берувчи
«Мажмуатуш шуарои Феруз»
тазкирасини тузган.


Мазкур ҳар икки ғазал шоир-
нинг 1968 йилда нашр этилган
«Танланган асарлар»идан олин-
ди.

* * *

Тонг эрмас тўн кийиб ўлсамки, йўқ бу қиш манго пўстин,
Агарчи хотиримда жилвагардур борҳо пўстин.
Демай пўстинниким, ўзга либосим ҳам қалин эрмас,
Илоҳо, қил манга айлаб карам, эмди ато пўстин.
Адамдин то келиб қилдим бу қишлоқ хонани маскан,
Киярға топмадим умрим ўтуб, мен бенаво пўстин.
Не бахти шумдиндирким, манго етмас бириси ҳам,
Агарчи беҳисобу ҳад эрур олам аро пўстин.
Совуқдин гаҳ қочиб кирсам, ичига қалтираб, қақшаб,
Танимға парвариш қилғай эди мисли ано пўстин.
Агар пўстин совуқда пўстдин эрмас эса, аҳбоб,
Недин қишда талаб айлар фақиру ағниё пўстин.
Қиш ичра иккимизга борҳо мақсад эрур буқим,
Отамға орзу чакмон, мангадур муддао пўстин.
Бу қиш ичра тараҳхум айлабон мискин Табибийнинг
Тани урёниға берғай худо чакмон ва ё пўстин.

* * *

Оламга боқсанг ҳосили бошдин оёқ кулфат эрур,
Бир роҳатининг кейнида беҳадду сон меҳнат эрур.
Бир ошиқеким, лаҳзаё топса висоли дилбарин,
Доим ҳамул бечораға сўнгра ғами фурқат эрур.
Ҳар кимсақим, коми дилин гар топса ондин ҳар нафас,
Андин насиби борҳо ҳирмон ила ҳасрат эрур.
Йўқдир жаҳонға эғтимод ушбу жиҳатдин, эй кўнгул,
Қим инқилоб этмак анга даврон аро одат эрур.
Ҳаргиз Табибий, кўнглиннга келтурма фикре бешу кам,
Қим они севмас даҳр аро ҳар кимиким, хушбахт эрур.



Қайта қуриш ва тарихий мерос

Ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига

АБАДИЯТ САБОҚЛАРИ

Ҳадис — Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг ўзи томонидан айтилган ибратли панд-насихатлар ҳамда унинг ҳаёти, фаолияти ва ҳидояти ҳақида пайғамбар алайҳи-с-саломнинг яқин-қариндош-уруғлари, сафдошлари томонидан айтилган фикр-мулоҳазалар, ривоятлар тўпламидир. Исломот тарихини ўрганишда Қуръони каримдан кейин ҳадислар асосий манбалардан ҳисобланади. Давр, шароит тақозоси туфайли VII асрнинг охириларида ҳадисларни тўплаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш билан кўпгина олимлар (улар муҳаддислар деб аталади) шуғуллана бошладилар. Лекин ислом дунёсида ишончли деб эътироф этилган олти ҳадислар тўпламлари мавжуд. Мана шу муҳим тўпламлардан биттаси «ал-Жомин» (бу бебаҳо китоб «Жомий ат-Термизий» ёки «Сунан ат-Термизий» номи билан юритилади) деб аталиб, у буюк ватандошимиз, машҳур муҳаддис олим ат-Термизийнинг қаламига мансубдир.

Ат-Термизийнинг тўлиқ исми Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн ад-Даҳҳак ас-Сулломий ал-Буғий ат-Термизий бўлиб, у 209 ҳижрий (милодийда 824 йил) санада Термиз яқинидаги Буғ (Шеробод ноҳияси) қишлоғида фақир бир оилادا таваллуд топган. Унинг болалиги Термиз шаҳрида ўтиб, у дастлабки маълумотни ҳам шу ерда олган. Ёшлигидан ўта заковатли, ғоятда қобилиятли бўлган ат-Термизий ҳадис илмига қизиққан ва сўнграқ ўз илмини ошириш мақсадида хорижий шарқ мамлакатларига йўлга чиққан. Жумладан, у узок йиллар Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшайди.

Узоққа чўзилган сафари чоғида имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Қутайба ибн Сайид каби буюк муҳаддислардан сабоқ олади, ҳадисларни жамлаб, илмий тарзда тартибга солади. Ўз навбатида ат-Термизий ҳам кўплаб шогирдларига устозлик қилади. Макхул ибн Фадл, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Аҳмад ибн Юсуф ан-Насафий ва бошқа етук олимлар унинг шогирдлари жумласидандир.

Хорижий элларда узок муддат яшаб Шарқнинг кўпгина машҳур уламолари билан мулоқотда бўлган ат-Термизий ўз юртига етук олим сифатида қайтади. Манбаларда ёзилишича, умрининг охириларида ат-Термизийнинг кўзи ожиз бўлиб қолган. У 279 ҳижрий (милодий 892) йилда ўзи туғилиб ўсган Буғ қишлоғида вафот этган. Машҳур мута-саввуф аллома мақбараси шу Буғ қишлоғида жойлашган бўлиб, давлат томонидан муҳофаза этиладиган ёдгорликлардан ҳисобланади.

Ўз ижодий фаолияти даврида ат-Термизий кўпгина асарлар битган, афсуски, улардан баъзиларигина бизгача етиб келган. Унинг «ал-Жомий» («Жаъмловчи»), «ал-Илол» («Иллатлар ёки оғишлар»), «аш-Шамоил ан-Набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») ва «ат-Таърих» каби асарлари мавжудки, уларни ҳар томонлама ўрганиш, халққа етказиш шу бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Журналхонлар эътиборига ҳавола этилаётган ҳадислар «ал-Жомий» ва «аш-Шамоил ан-Набавия» китобларидан олинган.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий

Ҳадислар

Ота (инсон)нинг ўз фарзандига берган тарбияси (катта) бир миқдор пул садақа қилгандан кўра авлороқдир.

Ўз дўстига содиқ одам Оллоҳ таоло наздида энг яхши инсондир; ўз қўшинисига яқин бўлган қўшни Оллоҳга ҳам яқин саналади.

(Инсон) одамларга ташаккур айтмаган киши Оллоҳ таолога ҳам шукрона келтирмайди.

Фақир-бечораларга қилинган садақа (хақиқий) садақадир. **Раҳмдил киши учун у** (садақа) **икки нарсадир: ҳам садақа, ҳам** (фақирга қилинган) **ҳадядир.**

Садақа — ҳам **Парвардигорнинг ғазабини сўндиради, ҳам майит** (ўлган киши)дан ёмонликни даф қилади.

(Ҳаётда) дастлаб туртинганигдаёқ сабрли бўл.

Дунёдан ўтган кишиларнинг яхши фазилатларини эслаб, ёмонликлари ҳақида оғиз очмангиз.

Муҳаммад алайҳи-с-салом деганлар: «Мен илгари сизларга қабрларни зиёрат қилишни ман этган эдим. Энди эса менга волидамнинг қабрини зиёрат қилиш изн (рухсат) этилди. Бинобарин, сиз ҳам қабрларни зиёрат қилингиз, чунки улар охиратни эсингизга солади».

Пайғамбар алайҳи-с-салом деганлар: «Агар биронтангиз намозхонларга имомликка ўтмоқчи бўлсангиз, унинг энгилроқ (тарзда) бўлишига интилинг. Чунки намозхонлар ичида ёш болалар, ёши улғайган қариялар ва соғлиги заифлари ҳам бўлади. Агар (улардан) кимдир ёлғиз ўзи намоз ўқиса, истаганича ўқийверсин».

Абу Шўайб деган бир шахс ўз хизматкорига: «Беш кишига яраша овқат тайёрла, мен пайғамбар алайҳи-с-саломнинг юзларидан қоринлари очганини сездим», — деган. Овқат тайёр бўлгач, одам юбориб, пайғамбар алайҳи-с-салом ва унинг ёнида бўлган шерикларини уйига таклиф қилади. Улар ушбу хонадонга келаётганларида таклиф пайтида ҳозир бўлмаган бир киши ҳам уларга эргшиб келаверади. Қачонки жамоа хонадон эшигига яқинлашганда, пайғамбар алайҳи-с-салом уй эгасига: «Биз билан бирга сен чақирмаган бир кимса ҳам келаётир, лекин агар сен рухсат қилсанг, у ҳам киради», — дедилар. Хонадон соҳиби: «Биз рухсат қилдик, майли, у ҳам кирақолсин», — деди.

Кимки ташландиқ ерни обод қилса, бу ер ўшаники бўлади. Бу ерда золим кишининг (ҳатто) тер тўкишга ҳам ҳаққи йўқ.

Мўмин бандалардан кимки кўчат ўтқазса ёки зироат экса, ундан инсон ёки қуш ёки ҳайвонлар баҳраманд бўлиб, у банда учун бу бир садақа ҳамдир.

Пайғамбар алайҳи-с-саломдан сўрабдилар: «Сизнинг назарингизда ким энг афзал киши ҳисобланади?» «Кимки Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилса» — дедилар. «Ундан кейин ким?» деб сўрадилар. «Охиратдан қўрққан, фуқаросига иймон келтирган ва одамларни ёмонликлардан огоҳ қилувчи киши афзалдир», дедилар.

Бир кишилик таом икки кишига ҳам етади, икки кишилик таом тўрт кишига, тўрт кишилик таом саккиз кишига ҳам етади.

Ота рози — худо (Оллоҳ) **рози.** Отанг ғазабга келса, худо ҳам ғазабга келади.

Учта дуо, шак-шубҳасиз, мустажобдир: жабрланган мазлум кишининг дуоси, мусофир кишининг дуоси, отанинг ўз фарзандидан (ризо ёки) **норизо бўлиб қилган дуоси.**

Пайғамбар алайҳи-с-салом ўз яқинларидан бири Амажж Абулқайсга деганлар:

«Сенда Оллоҳ таоло суйган (ёктирадиган) икки фазилат бор: (яъни) мурувват ва вазминлик».


Бир саҳройи араб пайғамбар алайҳи-с-саломдан: «Одамларнинг энг яхшиси ким?», деб сўраганида, «Узоқ умр кўриб (одамларга) яхшилик қилган киши», — деб жавоб қилганлар.


Ўзингдан юқори (устун) турганларга эмас, ўзингдан пастда (қуйида) бўлганларга қара, чунки бу (иш) сени Оллоҳнинг неъматини ёғилишини менсимасликдан асрайди.

Абу Хурайра гувоҳлик беришларича, пайғамбар алайҳи-с-салом деганлар: «Оёқ кийимини кийганда ўнг оёқдан бошлаб кийинг, ечмоқчи бўлсангиз чап оёқдан бошлаб ечинг».

Ибн Аббос айтишларича, пайғамбар алайҳи-с-салом узлуксиз бирнеча оқишларни оч ўтказардилар. Қўпинча ўзлари ва аҳли оилалари ҳам кечки овқатни емасдилар. Аксар истеъмол қилган нонлари арпа унидан бўларди.

Сўзбоши муаллифи ва таржимон
филология фанлари номзоди, доцент Убайдулла УВАТОВ.





Миртемир туғилган куннинг 80 йиллигига

ШЕЪРИЯТНИНГ БОБО ДЕҲҚОНИ

Азиз Абдураззоқ

Миртемир домла Некрасовни шундай деб атаган эдилар. Аслида, устознинг ўзлари ҳам шеъриятнинг, ижоднинг забардаст ва заҳматкаш бобо деҳқонларидан эдилар. Лекин у киши меҳнатини, шоирлигини ҳеч вақт пеш қилмаган ажойиб инсонлардан биридир. Ута даражадаги камтарлик Миртемир домлага ҳамиша ҳамроҳ бўлиб ўтди. Бу камтарлик шу даражада эдики, уни камтарлик эмас, балки хокисорлик дейилса тўғрироқ бўлар эди, назаримда.

Домланинг заҳматкашлиги билан бир қаторда хокисорлик, соддалик ва паришонхотирлик хусусиятлари менга қаттиқ таъсир қилгани учун уларнинг айримлари ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Бу ҳикояларим ичида ўзимнинг ҳам домладан юққан «фандилигим» йўқ эмас. Бундан ташқари, умуман, устоз ва шоғирднинг бошимиздан ўтган баъзи қизиқ воқеалар ҳам бу сўхбатимда жо-бажо.

Кузатиш

Яна айтаманки, Миртемир домла содда, паришонхотир эдилар. Бироқ бу борада камина ҳам устоздан қолишмайди... Бир куни гап уриниб келиб, шу ҳақда, яъни ўзимнинг соддалигим ҳақида ёш дўстларимдан бири — Яхё Тоғага гапириб қолдим:

— Қаранг, шу вақтгача одамдай яшашни билмабман. Жамғариб қўйган пулим йўқ уй-жойим, мол-мулким йўқ, мансабим йўқ...

Яхё ерга қараганча гапимни тинглаб ўтирди. Кейин, билмадим, дилидагини гапирдим, мени юпатмоқчи бўлдими, қизиқ жавоб қилди:

— Шу айтган нарсаларингизнинг ҳаммасига эришсангиз, эҳтимол, шоир бўлолмай қолардингиз.

Уйлаб кўрсам, бу гапда қандайдир жон бор. Ҳа, айтгандай, гап Миртемир домла ҳақида эдику. Устознинг таъбири билан айтганда: «Эс масаласи сал ҳалигидақароқ».

Домла ўзларини шундай таърифлар эдилар. Бир куни Москвага бордилар. Рус тилида китоблари чиқиши керак бўлгани учун «Советский писатель» нашриёти чақирган экан. Мен ўша вақтда Москвада талаба эдим. Уқишдан бўш вақтларимда деярлик ҳар куни домлага ҳамроҳ бўлдим. Нашриёт билан шартнома тузилди. Шундан кейин домла қалам ҳақининг олтимиш фоизини олишлари керак эди. Мен кўчада кутиб турган эдим, домла ичкаридан бўшашиброқ чиқдилар. Қараб турсам ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан буруннинг учини эзғилаб келаяптилар. Домла хаёл сурганда ёки танг аҳволда қолганларида шундай қилар эдилар. Аҳволни тушунсам ҳам индамай, оғизларини пойладим. Кўчада бироз юрганимиздан кейин:

— Пулни кетадиган куним берадиган бўлди,— дедилар.— Поездга билет олиб қўйган эдим. Бозорлик қилиб, уйга майда-чуйда олиш керак эди.

— Менда пул бор, бериб тураман.

— Қанча пулинг бор?

— Икки минг сўм¹.

¹ Эски пул ҳисобида.

— Ушани менга бериб тур.
Арбатдаги омонат кассага бориб, ҳамма пулимни олиб бердим. Бу икки бойлам ўн сўмлик эди. Домла пулни олдилару бир-икки ҳидлаб, кейин чўнтакка солдилар.

— Яхши, нафталин ҳиди йўқ экан,— дедилар.

Мен бу ҳолдан ҳайрон бўлиб турган эдим, изоҳ бердилар:

— Бундан уч-тўрт йил аввал ҳам шундақа воқеа бўлган эди. Москвалик бир таржимонимдан қарзга пул олган эдим. Чўнтагимга солиб кетаётсам, нуқул бурнимга нафталин ҳиди киради. Кейин билсам пулни сандиқда сақлаган экан. Омонат кассага қўйса нима қилар экан дейман. Ахир фирромлик билан топилган пул эмас-ку.

Ниҳоят, домланинг Тошкентга жўнайдиган кунлари етиб келди. Ваъдага кўра ўқишдан чиқиб тўғри домла яшаб турган меҳмонхонага бордим. Остона ҳатлаб ичкари киришим билан энг аввал қўлимга пул тутқаздилар:

— Қиёмат қарзини олиб қўй,— дедилар.— Ҳозир бериб қўймасам ҳали эсимдан чиқиб қолиши мумкин. Биласан-ку, эс масаласи сал ҳалигидақароқ.

Одатдагидек бу гапдан кейин жилмайиб қўйдилар.

— Танишинглр,— дедилар.

Ноз-неъматлар билан безатилган дастурхондан баҳраманд бўлиб ўтирган истараси иссиққина гавдалик киши билан қўл олишдик.

— Нашриёт ходими, менинг меҳмоним,— дедилар.— Ўзи татар, бемалол татарча гаплашаверсанг бўлади.

Ё бафармони худо... ўзимиз уч кишимизу дастурхон ўн кишига етиб ортулик. Домланинг меҳмондўстлиги ҳамиша шунақа бўлар эди. Гаров ўйнаб уйларига ярим кечадан кейин борсак ҳам тасодифий меҳмонга атаб олиб қўйилган иссиқ овқат, кўпинча хамир овқат бир зумда дастурхонга қўйилар эди.

Хуллас, «кетар жафоси» адоғига етди. Қўл урилмагандай турган тўкин дастурхонни шундайлигича қолдириб, Қозон вокзалига йўл олдик. Домлани вагонга чиқариб жойлаштирдик. Татар меҳмон билан хайр-хушлашиб, жавоб бериб юбордилар. Купеда иккимиз қолдик.

— Шеърхонлик қилсақ,— дедилар домла.— Поезд жўнашига ҳали анча-мунча вақт бор.

Домла кўпинча қўлтиқлаб юрадиган жуздонни очиб, ичидан қалин дафтар олдилар.

— Шунча кун сендан шеър эшитдим,— дедилар.— Энди мендан ҳам эшит, болам.

Бундан мен ғоятда хурсанд бўлдим.

Мана ман деган устоз шоирнинг ҳали элга эълон қилинмаган янги шеърларини эшитиш ҳазил гапми...

Домла эски ўзбек имлосида битилган шеърларидан ўқиб бошладилар. Мен ниҳоятда хайратланиб тинглаб ўтирдим. Миртемир шеърляти мени шунчалик сеҳрлаб олган эдики, вокзал дикторининг поезд жўнаши ҳақидаги эълонини ҳам эшитмай қолибман. Бир маҳал шеърлар ўқиб тугатилган замони поезд кўзгалди. Мен беихтиёр ўрнимдан сапчиб турдим. Домла энгимдан тортиб, ўтказиб қўйдилар.

— Биринчи бекатда тушиб, қайтиб келасан, ўтиравер,— дедилар дафтарни ёпиб.— Энди улфатчилик қиламиз.

Домланинг таъбири билан айтганда йўл-йўлакай «жиндак» майхўрлик қилдик. Газаги ҳам ёмон бўлмади. То домла айтган биринчи бекат — Рязань шахрига келгунча ўн икки ярим қадоқ пўртахолни еб тинчитдик. Ваҳоланки, домла у жониворни Тошкентга, бола-чақага деб олган эдилар. Ана сахийлигу мана сахийлик.

Мен Рязанда хайрлашиб тушиб қолдим. Аммо таътилда Тошкентга келсам марҳум дўстимиз таржимон Мирзиёд Мирзоидов ўша кузатиш воқеаси ҳақида латифа тўқиб қўйган экан. Кўпчилик ичида айтиб, ҳаммани кулдирди.

Мана ўша латифанинг ниҳоя қисми:

«Миртемир ака бир ухлаб турсалар, Азиз тепаларида ўтирган эмиш.

— Қаерга келдик? — дебдилар.

— Куйбишевга,— дебди Азиз.

— Болам, сен ҳам Тошкентга кетаяпсанми? — деб сўрабдилар.

— Йўқ, Сизни кузатиб кетаяпман,— дебди Азиз.

— Шу кузатганинг бўлади, болам. Раҳмат! Энди Москвага қайтақол,— дебдилар».

Андиша

Миртемир домла ниҳоятда андишалик, ўзига ғубор юқтиришдан қўрқадиган закий тоифадан эдилар. У кишининг чуқур мулоҳаза билан, эҳтиёткорлик билан сўз юритганларига кўп марта гувоҳ бўлганман. Мана ўша гувоҳликларимдан бири.

1961 йилнинг сентябрь ойида Самарқандда Ёзувчилар уюшмасининг кўчма кенгаши бўлди. Кенгашдан кейин уч кунлик вақтимизни самарқандлик ҳаваскор ижодкорларга бағишладик. Маслаҳатга келувчи ёш шоир ва шоираларнинг кўпчилиги Миртемир домлага мурожаат қилишар эди. Ўша кунларнинг бирида домла бирор соатга қаёққадир кетган эдилар. Бир гуруҳ толиблар қизлар — ёш шоиралар у кишини сўроқлаб келишди. Шунда Озод Шарафиддинов:

— Ҳамманглр нуқул Миртемир акани сўраб келасизлар-а,— деди.— Нима, бу ерда бошқа шоир йўқми?

— Миртемир акани яхши кўраммиз-да,— деди бир қиз ўзига ярашган нозик ва самимий табасум билан.

Қизлар кетишди. Бироз вақт ўтиб Миртемир домла кириб келдилар.

— Самарқандлик қизларнинг ҳаммаси Сизни яхши кўрар экан,— дедим мен бўлиб ўтган воқеани айтиб.

Домла алланечук нуқулай аҳволда қолдилар. Бу у кишининг юз ифодаларидан билиниб турар эди.

— Яъни бегараз маънода яхши кўришади-да, а? — дедилар бироз ўзларига келиб олиб. Даврада кулгу кўтарилди.

— Домла, ғаразли маънода яхши кўришса нима бўларди, ёмон бўлармиди? — деди Озод ака. Яна кулгу кўтарилди. Бу гал домла ҳам бизга кўшилишиб мириқиб кулдилар.

Хижолат

Бу 1965 йилнинг февралдаги воқеа: чимкентликлар ўзбек ёзувчиларидан бир неча кишини меҳмонга чақирган эдилар. Рўйхатнинг бошида Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, охирироғида биз, шогирдлар. Табиийки, бизга жуда катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Айниқса, Миртемир домла ўша ерли (у киши Туркистоннинг Иқон қишлоғидан) бўлгани учун чимкентликлар кўп учрашувларда «ўз шоиримиз» деган маънода фахрланиб, мақтов сўзларини ёғдираверишди. Камтар домламиз Миртемир ака бундан хижолат чекиб, бизга арзи ҳол айтар эдилар:

— Ўзи нима гап бўлаяпти, а? Бу чимкентликларга тушунтиринглар, ҳадеб мени мақтайверишмасин. Менинг нимама ни мақтайди? Нега мақтайди? Ахир бизнинг каттамыз, устозимиз Ғафур ака бўлади-ку. Ҳаммамиз бу ерга, энг аввало, Ғафур ака туфайли, шу кишининг соясида келганмиз-ку.

Биз домланинг илтимосларига кўра бир учрашувдан олдин сўзга чиқадиган меҳмонларни аниқлаб, уларга ҳалиги гапни, яъни — Миртемир аканинг арзи ҳолини етказиб турдик. Шундан кейин ҳар ерда сўзга чиққан чимкентликлар Ғафур ака билан Миртемир акани кўшиб мақтайдиган бўлишди.

Лекин шоир Миртемирни ҳар қанча мақтаса арзигулик. Шоир Миртемир ҳақида адабиётшунослар ёзди ва ёзажак. Шоир ва инсон Миртемир ҳақида, ёшларга отадай ғамхўр устоз Миртемир ҳақида замондошлари, шогирдлари қоғоз қоралашаяпти. Бу соҳада энг ибратли ишни шоир Отаёр бажарди, домла ҳаётдан катта бир китоб битди. Бироқ Миртемир домла ҳақида ҳали қоғоз бетига кўниб улгурмаган оғзаки фикрлар ҳам кўп. Масалан, шунақа фикрларнинг энг ўғил боласини устоз Абдулла Қаҳҳор лўнда қилиб: «Миртемир шоирликдан бошқа ишга ярамайди», дея айтиб қўяқолган эди у киши.

Бу жуда юксак баҳо. Шоир Миртемирнинг буюклигига ишора эди бу гап. Шу гапни эшитганимда беихтиёр мавлоно Муқимийни ўйлаб кетдим. У зот ҳам шоирликдан бўлак ишга ярамаган, яшаши билмайдиган, ношудликда биздан ўн чандон ўтиб тушадиган муллоий қашшоқ бўлган эканлар. Агар шундоқ нодир истеъдод эгаси бизнинг давримизда яшасами...

Бизнинг давримизда яшаган, шоирликдан бошқа ишга ярамайдиганлардан бири — ихчам шеърлар устаси Степан Шчипачёв эди. У киши шеърни қийналиб ёзар экан. «Шеър осон туғилмайди, — деган эди Степан Петрович бир суҳбатда. — Мен бир йилда энг кўпи билан саккизта шеър ёза оламан, холос».

Энди бу шоирнинг моддий аҳволи қандоқ кечди, деб сўрарсиз. Саккизта шеърдан олинадиган қалам ҳақи саккиз ҳафтага етмас-ов... Ана шунинг учун ҳам «Советский писатель» нашриёти унинг «Севги сатрлари» номили шеърини китобини қайта-қайта нашр этди, СССР Адабиёт фонди хушманзара Переделкино қишлоғидаги баҳаво боғлардан бирини икки қаватлик ҳашаматли уйи билан совға қилди. Бизнинг Толиб Йўлдош эса оддий фуқаро бемалол олиши мумкин бўлган жўн манзил дардида етти йил сарсон-саргардон юрди. Ниҳоят, бу ишга уюшмамиз раҳбарлари аралашдию манзил ҳам, пенсия ҳам ҳал бўлди. Қилса бўлар экан-ку...

Шогирдпарварлик

Домла шогирдларининг шахсий ҳаёти билан ҳам жуда қизиқар эдилар. Кимки тангроқ аҳволда қолса дарҳол ёрдам кўлини чўзар, мададга шошилар эдилар. Бирор кишининг иши олдинга босмаса куйиб-пишиб юрардилар. Бунини мен қирқ йилнинг нари ёғида, ҳали ёшгина йигитча пайтимдаёқ пайқаган эдим. У вақтларда Ёзувчилар уюшмасида куз, қиш ва баҳор ойларида ҳафтада бир марта ёш, ҳаваскор ижодкорларнинг адабий машғулоти бўлар, уни Миртемир домла бошқарардилар. Ҳали матбуотда деярлик кўринмаган эдим-у, лекин адабий машғулотларга мунтазам қатнар эдим. Шундан домла мени ҳарқалай таниб қолган эдилар.

Бир куни ёз палласида Ўрдадаги сартарошхона олдида учрашиб қолдик.

— Нега ялангоёқ юрибсиз? — дедилар домла.

— Бод касалим бор, — дедим мен. — Қариялар қизиб ётган асфальтда ялангоёқ юрсанг тузаласан дейишди.

— Ҳа, маъқул, — дедилар домла негадир хўрсиниб.

Ёшлик, етимлик йиллари эсларига тушган бўлса ажаб эмас.

Мен ҳам етим эдим, қашшоқ яшардик. Ҳеч қанақа бод касалим йўқ эди. Азбаройи йўқчилик, бечорачиликдан ялангоёқ юрган эдим.

Эртаси яна худди ўша ерда домлага юзма-юз келиб қолдим. Бу гал эски калиш кийиб олган эдим.

— Ҳа, бугун калиш кийиб олибсиз? — дедилар домла.

Пешоналари тиришган, қовоқлари уюлган, жиддий қиёфада эдилар.

— Калиш оёқни яхши қиздириб, бодни яхшироқ сўриб олар экан, — дедим мен.

Домла жиддий қиёфада бир нуқтага тикилганча туриб қолдилар. Билмадим, шу аснода у кишининг кўнглидан нималар кечаяпти экан.

— Бўшмисан? — дедилар.

— Ҳа, бўшман, вақтим бемалол.

— Мени идорага кузатиб қўйгин.

— Ҳўп, домла.

Лекин мен нима учун домлани кузатиб қўйишим керак? Тушуна олмадим.

Трамвайда кўғирчоқ театригача бордик. Ундан Карл Маркс кўчаси бўйлаб кетдик. Иккимиз ҳам жим кетаяпмиз. Домладан савол йўқ, мендан жавоб. Шу юришда универмага етиб қолибмиз. Уша ерда домладан садо чиқди:

— Шу ёққа бир кириб чиқайлик.

Кирдик. Мени тўппа-тўғри пойафзал бўлимига бошлаб бордилар. Шундагина домланинг дилидаги ниятини сездим. «Мени кузатиб қўй», деб бекорга айтмаган эканлар.

— Нечанчи размер киясан? — дедилар қатор-қатор териб қўйилган оёқ кийимларга қараб туриб.

— Керак эмас, домла, — дедим мен. — Уйда туфли бор.

— Йўқ, сен менинг айтганимни қилгин. Айт, нечанчи размер киясан?

Айтишга мажбур бўлдим. Менга лойиқ фақат чодир туфли қолган экан. Кийиб кўрганымдан кейин қўлимга пул бердилар. Кассага тўлаб, қайтимини келтириб берган эдим, олмадилар.

— Бунга ҳозир пайпоқ олгин.

Қўшни бўлимга бориб пайпоқ олиб келдим.

— Туфлини кийиб ол, — дедилар.

Пайпоқни ҳам, туфлини ҳам кийиб олдим. Ё тавба, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мен кийиш билан овра бўлиб турганимда эски калишни туфлидан бўшаган кутига ўз қўллар билан жойлаб, қўлтигимга қистириб қўйганларини билмай қолибман. Ташқарига чиққанимиздан кейин яна бир қарра раҳмат айтдим.

— Арзимаиди, — дедилар домла бир уф тортиб. — Хижолат бўлма. Дунё шунақа. Бир кун, қариб қолганимда сен ҳам менга туфли олиб берасан.

Бу гапдан анча енгил тортидим. Вужудимдаги хижолат ғубори бир қадар кўтарилгандай бўлди. Аммо туфли олиб бериш, яъни — қиёмат қарзини қайтариш менга nasib бўлмади. Чунки домла ҳеч кимдан ҳеч қанақа совға қабул қилмас эдилар. Кимки уйларига бирор нарса кўтариб борса қаттиқ ранжиб, кетаётганида олиб борган нарсасини қўлига тутқазиб юборар эдилар. Қачонки бизни уйларига таклиф қиларканлар, албатта тайинлар эдилар:

— Илтимос, ҳеч нарса олиб борманглар, мен хафа бўламан.

Биз айтганларини қилар эдик. Фақат икки дона нон олиб боришимиз мумкин эди. Уни икки қўллаб қабул қилар эдилар.

Шунақа эдилар домлаамиз. Совға олмас эдилар. Аксинча, одамларга совға беришни яхши кўрар эдилар. Эсимда бор, Тўра Сулаймон ҳам, Олимжон Холдор ҳам Тошкентга келганида, энг аввало, домлани зиёрат қилишарди-да, қайтиб кетиш олдидан хайрлашиши учун у кишининг хонадонига кириб боришар эди. Устоз уларни меҳмон қилиб, бирорта совға бериб юборардилар. Тўра Сулаймонга дўппи, Олимжон Холдорга кўйлак кийдириб юборганларини ўз кўзим билан кўрганман. Булар мен кўрганларим. Кўрмаганларим қанча экан, билмадим-ов...

Шогирдпарварлик шу даражага бориб етдики, менинг узоқ вақт бўйдоқ юришим ҳам устозни ташвишга солиб қўйди. Тақдирдошлари ичида энг кеч уйланган ҳам мен бўлсам керак: ўттиз тўрт ёшимда уйландим.

Бир куни Миртемир ака:

— Сен қачон уйланасан? — дедилар менга. — Ёки онанг қиз топмайтими? Совчиликка юрмайтими? Юр, мени уйингга олиб бор. Онанг билан гаплашиб маслаҳат қилайлик ахир.

Мен жон-жон деб рози бўлдим. Чунки домла бирон марта ҳам уйимга бормаган эдилар. Олиб борсам онам ҳам хурсанд бўлар эдилар. Нега десангиз, домлани ғойибона танирдилар, боланинг устози деб ҳурмат қилардилар.

Хуллас, бизнинг ҳовлига йўл олдик. Бироқ халта кўчамизга бурилганимизда домла тўсатдан тўхтаб қолдилар.

— Менга қара, онанг намоз ўқийдими, — деб сўрадилар.

— Ҳа, қанда қилмай ўқийдилар, — дедим мен.

— Ундай бўлса уйлариингга кирмайман.

Бу гапдан домлани даҳрий деб уйладингизми? Йўқ, давомини эшитинг:

— Жиндек ичганмиз, — дедилар у киши. — Онанг сезиб қолса ранжийди. Сен ҳам кайфингни тарқатиб, кейин уйингга киргин.

Домла орқага қайтдилар. Уйларигача кузатиб қўйдим.

Қаранг андишаю одобни. Бўлмаса у вақтлар турғунлик даври, динга қарши тажовуз, атеизм авжида эди. Домладан бошқа одам бўлса балки намозу тақвою ибодатни назар-писанд қилмас эди. Яна даҳрийлиги билан фахрлиб юрар эди.

Қишлоққа меҳр

Домла бир шеърда: «Йигит ёшимгача қишлоқ эдим», — деган эдилар. Бироқ у киши кейинчалик шаҳарлик бўлиб кетгани билан умрининг охиригача қишлоққа меҳр туйғуси билан, соғинч туйғуси билан яшаган шоирлардан эди. Бу туйғу, соғинч ҳисси устознинг жуда кўп шеърларида ўзининг ифорини уфуриб туради.

Домла нафақат ўзи туғилган ота юрти Туркистонни, ота қишлоғи Иқонни, балки Ўзбекистоннинг, ундан қолаверса Қозоғистону Қирғизистону Қорақалпоқнинг барча қишлоқларини яхши кўрар эдилар. Шунинг баробарида қишлоқ аҳлини, қўли қадоқ меҳнаткаш деҳқонларни, қишлоқ зиёлиларини, қишлоқдан келган ёш талабаларни жуда-жуда яхши кўрар эдилар. Улар билан ўз туғишганларидек яйраб-ашнаб, очилиб-сочилиб гаплашар эдилар. Бунга, айниқса, сафарларда бирга юрганимда жуда кўп марта гувоҳ бўлганман. Бу билан мен домла шаҳарликларни унча ҳушламас эди демоқчи эмасман. У киши барчага баробар қарайдиган байналминалчи эдилар. Байналминалчилик эса шоирнинг буюклигига буюклик қўшади. Миллатчи ва маҳаллийчи инсон минг даҳо бўлгани билан бир тийинга қиммат мурдор, ундан баландроқ бўлса макруҳ бандадир. У кишининг қишлоққа ва қишлоқларга бўлган меҳр-муҳаббати ҳақида кичик бир мисол келтирмоқчиман.

Бўстонлик деҳқорасининг Хондайлик қишлоғида Умарали Турдибов деган муаллим бор эди.

Умарали ака гоҳ-гоҳ шеърлар машқ қилар эди. Анча-мунча ёзганлари Чирчиқ шаҳрида чиқиб турган «Сталин байроғи» газетасида босилган. Ҳамқишлоқлари уни шоир деб ҳурмат қилишарди. Шу киши бир куни менга Миртемир домла билан шахсан танишиб қолганини ҳикоя қилиб берди:

«Қишлоғимизда пионер лагери бор. Кенжа қизим лагерда дам олаётган бир қиз билан танишиб қолибди.

— Менинг отам шоир, — дебди ўша қиз.

— Менинг отам ҳам шоир, — дебди менинг қизим.

Кейин қизим менга айтди:

— Дада-чи, дада, лагердаги бир қиз билан танишган эдим, отаси шоир экан. Қизини кўргани лагерга келганида бизларникига ҳам келармиш. Сиз билан танишмоқчи эмиш.

Эпирай, ким бўлди экан у шоир деб ҳайрон бўлдим. Қизим тушмағур болалигига бориб унинг отини сўрамабди денг. Уша шоир келадиган бозор куни уйда дастурхон тайёрлаб қўйиб, бир баланд жойга чиқиб, лагерь томонга тикилиб ўтирдим. Бир маҳал қизим дугонаси билан олдинда, уларнинг орқасида шоир меҳмонни келяпти. Яқинлаб қолганида қарасам, Миртемир. Худодё тавба, юрагим тарс ёрилиб кетишига сал қолди, Азизжон... Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, шундоқ улуғ одам менинг уйимга келса, бундан катта бахт борми дунёда?»

Ана шундай қилиб десангиз улуғ шоир кичик шоирнинг уйига ўзи ташриф буюриб, икковлари танишиб олишибди, бир-бирлариникига аҳён-аҳён бўлса ҳам борди-келди бошланибди.

Бу воқеадан маълумки, ушбу танишув биринчидан, домланинг қишлоққа, қишлоқ аҳлига меҳри туфайли бўлса, иккинчидан, Умарали Турдибоев қанақа шоир эканлигини билмоқчи бўлганлар, зарур бўлса ёрдам беришни астойдил дилга тугиб борганлар.

Бунақа ёдамохунлик домланинг ҳаётида жуда кўп бўлган.

Темирчининг бир ургани

Халқда шундай гап бор: «Игначининг минг ургани, темирчининг бир ургани».

Бироқ темирчи бир уришдан олдин минг тоблайти, пиштади. Миртемир домла ҳам шунақа «темирчи» эдилар. Шеърни узоқ муддат пишитар, кейин бир уриб тайёр қилар эдилар. Лекин пишитиш жараёнида не-не азоб-уқубатларни, изтиробларни чекмас эдилар устозимиз. Шунинг учун ҳам теша тегмаган сўзлар, иборалар, ташбеҳлар, биз билмаган мақол ва маталлар мисралар бўлиб тизиларди.

Домланинг сўз бойлиги ҳақида кичик бир мисол келтирмоқчиман. Бир шеърда Сирдарёнинг сиргиларини таърифлаб:

«Говмишлар пода-пода,
Баркаш-баркаш елинлик»

деб ёзган эдилар. Мен ўша шеърни сўзма-сўз таржима қилаётганимда довдираб қолдим. Лекин таваккал қилиб «баркаш» сўзини «поднос» деб ишлатиб юбордим. Домла ўқиб кўриб тушунтириб бердилар. Вахоланки баркаш — патнис эмас, балки озиқ-овқат солиб қўйиладиган, қадимда музхона вазифасини ўтайдиган идиш — сопол хумча экан.

Таваккалчилигим мени уялтириб қўйди. Домладан сабоқ олар эканман, шунақанги уялган вақтларим кўп бўлган.

Домланинг «Барқут» деган шеърида шундай сатрлар бор:

Келинлар қомати барқутдан там-там...
Барқут камзулларда беллар бир тутам,
Юзларда барқ урар қирмизи барқут.
Сувда чинорларнинг илдизи барқут.

Бу тўрт сатр ҳақида тўрт варақ ёзиш мумкин. Унда менинг ёзганим илм бўлиб қолади. Илмпазга айланиб қолмаслик учун юқоридаги сатрларни таҳлил қилишни шеър шинавандаларига қўйиб берсам-да, фақат охирги мисра ҳақида гапирсам:

Бу ерда мен устознинг кузатувчанлигига лол қолдим. Қизиқиб сўрадим:

— Ҳақиқатан ҳам чинорнинг илдизи баҳмалга ўхшайдими?

— Чинорнинг сув ювиб турган илдизига бир разм солинг, — дедилар домла. — Қип-қизил, барқутга ўхшаган бўлади.

Мен разм солдим. Тагидан сув оқиб турган чинорзорда юриб, бу ўхшатишнинг гувоҳи бўлдим. Чинорларнинг сувда очилиб қолган илдизлари қип-қизил, гўё бир қават қизил духоба билан ўрагандай.

Биз бўлсак она табиатдаги кўп нарсаларни ҳали кузатиб улгурмадик.

Бас, маълумки, зўр шеър зўр меҳнатни талаб қилар экан. Домла зўр меҳнат қиладиган, «Ё иш ўлсин, ё одам ўлсин», дейдиган ижодкорлардан эдилар. Бир шеърни ёзиб тугатгунча онадан туғма бўлар эканлар. Мен бунинг гувоҳи бўлганман.

Бир шеър тарихи

Миртемир домла — буюк шоир.

Мен бу фикримни тор доирадаги бир суҳбатда айтганимда бир мунаққид эътироз билдирган эди:

— Йўқ, Миртемир катта шоир, лекин буюк эмас, — деган эди у.

Мен тортишиб ўтирмадим. Вақт доно ҳакам экан, устознинг буюклигини тасдиқлади. Биз севган шоирнинг буюклиги ҳам шундаки, бир бутун авлод унга эргашди, этагидан тутди, ўзининг

шогирдлиги билан фахрланиб юрибди. Булар — Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Хайриддин Салоҳ, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Саъдулла Сиёев, Носир Фозилов, Тўра Сулаймон, Олимжон Холдор, Абдулҳай Носиров, Барот Исроил ва ҳоказо, ҳоказо... Ҳатто Миртемирга тенгқур ёки ундан сал кичикроқ ижодкорларнинг кўпчилиги ҳам уни устоз дейди. Миртемирнинг шогирдпарварлиги ҳақида у кишининг 50 йиллик кечасида устоз Абдулла Қаҳҳор айтган эди: «Миртемирнинг атрофида ёш шоирлар жўжадай чийиллаб юради. Ёшлар Миртемирни узоқдан кўриши билан қалдирғочнинг болаларидай чийиллаб оғзини очиб туради. Миртемир ҳам уларни ноумид қилмайди. Оғзига нимадир ташлайди».

Миртемирнинг меҳнатида заррача ҳам фирромлик бўлмаган ва бўлмас эди. Умр бўйи заҳмат чекиб, ҳалол ишлаган заргар шоир эди Миртемир. Миртемирнинг бир шеърини қандай ёзганини эсламан.

1962 йилнинг февралда Миртемир домла, Саид Аҳмад ва камина Ёзувчилар уюшмасининг топшириғи билан Фарғона водийси бўйлаб сафарга чиқдик. Сафаримизни Намангандан бошлаб Қўқонда тугатдик. Наманганда ҳам, Андижонда ҳам қувнаб, хушчақчақ юрган домла Марғилонга келганимизда паришон бўлиб қолдилар. У ерга кечаси етиб келиб, эски меҳмонхонадаги каттароқ бўлмага жойлашдик. Эртаси азонлаб Жалол Машрабий келиб биз билан ҳол-аҳвол сўрашганида домла рўйхуш бермагандай сокин эдилар. Нонушта пайтида ҳам хаёл суриб ўтирдилар. Биз нонушта қилаямиз, домла деярлик ҳеч нарса емайдилар. Узатилган чойни столга қўйгунча совуб қолганидан ҳам беҳабар ўтирибдилар. Биз ҳам ҳайронмиз, ҳам хижолат чекяпмиз. Бир маҳал уч-тўрт варақ қоғоз олиб олдиларига қўйдилар-да, ниманидир ёза бошладилар. Нонушта тугаб ўрни-миздан тургунча бир саҳифа, ўз таъбирлари билан айтганда «ажиб-бузи» бўлиб қораланди. Биз Фарғонага боришимиз керак эди. У ердан ўша вақтда вилоят «Коммуна» рўзномасининг муҳаррири бўлиб турган Адҳам Ҳамдам бизга ароба юбориб, идорада кутиб ўтирган экан. Кетдик. Йўлда биз суҳбатлашиб бордик, домла жим. Қўлларида қоғоз, қалам. Нималарнидир пичирлаб, аҳён-аҳён бир-икки сатр ёзиб қўядилар. Фарғонада Адҳам Ҳамдамдан илтимос қилдилар:

— Адҳамжон, айбга буюрмайсиз, идорангизда бир бўш хона топиладими?

— Нима, биронта жонон билан махфий суҳбатингиз борми? — деб сўради Адҳам ака одатдаги ҳазилкашлик билан.

Домланинг қовоқлари уюлди. Адҳам Ҳамдам у кишининг кайфиятини сезиб, дарров ўз хонасига олиб кирди.

— Мана шу хона ихтиёрингизда.

Биз бошқа хонада суҳбатлашиб ўтирдик.

— Сизлар бир из қолдириб кетинглар, — деди Адҳам Ҳамдам, — Саид Аҳмад, сен бир ҳикоя бер, домла билан Азиз бир донадан шеър беришин. Газетамизда чиқарайлик.

Биз рози бўлдик. Саид Аҳмадда «Юк» деган тайёр ҳикоя бор экан, берди. Мен ўша вақтда ўзим яхши кўрган, аммо ҳозирда бемаъни кўринган «Кекса чинор дейдики...» деган шеъримни бердим. Кейин домла ўтирган хонага секин бош суқдим. Домла «Хўш, хизмат?» — дегандай менга ўгирилиб қарадилар. Мен битта шеър беришлари кераклигини айтдим.

— Мени тинч қўйинглар! — дедилар домла. — Ўзларинг машҳур бўлаверинглар, мен шеър бермайман!

Эшикни секин ёпиб қочдим. Роса мулзам бўлдим. Ростини айтсам домлани бу даражада газабкор кўрмаганман.

Фарғонадан Қўқонга келдик. Домла ўша-ўша хаёчан ва паришон. Эртаси эрталаб чеҳралари ёришиб, саломимизга тузуккина алик олдилар.

— Болам, юр, редакцияга борамиз, — дедилар менга.

Бу орада Саид Аҳмад қаергадир, театргами кетган эди.

Шаҳар рўзномасининг редакциясида машинистка қизга шеърни ўқиб туриб кўчиртирдилар. Шеър машинкадан чиқди. Кейин уни ўқиб, Саид Аҳмад домлани тўлқинланиб табриклади. Кейин менга:

— Домлангнинг дардини билмаган эканмиз, зўр шеър туғибди, — деди.

Бу — Миртемир домланинг энг сара асарларидан «Пардалик» деган шеър эди.

* * *

Мана шунақа шоир бизнинг Миртемир домла. Буни биз айтаемиз. Аммо устозимиз ўз ижодидан қониқмаган, қаноат ҳосил қилмаган ижодкорлардан. Адабиётни ва халқимни рози қилолдимми, йўқми, деган андиша, бесаранжомлик домлани доимо ўйлатиб келган, ич-ичини кемирган эди. Бу у кишининг охириги шеърларидан бирида яққол билиниб туради:

Мен улуғ халқимга топширдим сени,
Мендан ризо бўлгин, она шеърят.

Бу икки сатр домланинг қандоқ шоир эканлигини ойнадай равшан акс эттириб туради.

Мана шунақа шоир бизнинг Миртемир домла. Узининг улуғ халқига улуғ мерос қолдирган хазинабонлардан биридир бизнинг Миртемир домла. Бу меросни, бу хазинани авайлаб асраш, унинг қадрига етиш, унга зарра гард юқтирмаслик бизнинг муқаддас вазифамиз. Шояд шу улуғ вазифани уdda қилолсак...

ОҶАНРАБО

Утаётган ҳар дақиқа, ҳар кеча-кундуз гўё тушга ўхшайди. Бизлардан бошқа бахтли одам йўқдай. Минг тўққиз юз олтимиш бешинчи йилнинг кузи эди. Унингчини тугатиб, ўлка пойтахтига келган ёшлар Тошкент Давлат дорилфунунида эндигина таҳсил ола бошлаганмиз, денг. Уша лаҳзаларнинг бетакрору баҳосизлигини ифодалаб бўлмас дейман. Қутлуғ даргоҳ сабоқлари-ю, талабаликнинг таъриф-тавсифи беадоқ файзли кеча-кундузлари; муҳаббатнинг инжиқ синоқлари-ю, илм уммонидан келмиш ҳаяжонли дамлар; шоиру-шоиралар, олиму адиблар иштирок этган давралар ҳарорати хотирадан ўчармиди! Уч қаватли муқаддас бино — ТошДД Инқилоб хиёбонида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси эса унга шундоққина туташ — Хадича Сулаймонова кўчасида — Алишер Навоий номидаги асосий кутубхона қаршисида эди. Уюшмада йиғинми, мушоира ё ижодий нимадир бўлармиш, деган хабарни эшитсак бўлди: қаёқда бўлсак ҳам етти юмалаб етиб келардик. Чунки, албатта адабиётга, ижодга алоқадор бирор баҳс бўлар, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом ё Шайхзода, Миртемир ё Собир Абдулла, Ғайратий ё Саида Зуннунова, Комил Яшин ё Зулфия, Уйғун ё Асқад Мухтор, Саид Аҳмад ё Назир Сафаров ва бугунги кунда катта адабиётимизнинг устозлари қаторида турган талай ижодкорлардан ибратли сабоқлар олардик-да!

Шундай ҳаяжонли мулоқотлардан биринчиси асло ёдимдан чиқмайди.

...Кунлардан бир кун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қандайдир ижодий йиғин бўлди. Чамамда ёш ижодкорлар билан боғлиқ эди. Адабий йиғиннинг танаффус қисмида фойега чиқдик ва устоз ёзувчиларимизнинг (ўша куни кўчма китоб дўкони келтирилган эди) китобларини олиб дастхатлар ёздириб олдик. Уша пайтлар Ғафур Ғуломнинг беш томлик асарларининг биринчи томи чиққан эди. Бирини олиб, мен ҳам фойеда салобат ва кўр тўкиб юрган Ғафур Ғуломга рўбарў бўлдим:

— Домла...

— Хўш, мулла?

Домланинг фавқуллода ва кўзларимга қатъий тикилганча берган сўроғидан довдираб қолдим. «Шу... шу...» дея қўлимдаги китобни узатдим.

— Ҳа... Дастхат дегин? Қани, ручкангни ол-чи?

Қизариб нима қиларимни, ўзимни қаерга кўяримни билмай қолдим. Келиб-келиб шу куни ручкасиз чиққан эканман. Ғафур Ғулом;

— Сени қара-ю, тагин ёзувчи бўлармиш, — деди гулдираган овоз билан ва ён чўнтагидан ўзининг тилларанг ручкасини олиб, тагин гулдираган овозда фавқуллода деди:

— Отинг нима?

— Отаёр...

— Дуруст, дуруст... фақат отангга эмас, дўстларингга, шеърятга, эзгуликка ҳам ёр бўлгин, маъқулми?

Шундай дер экан, домла ўз китобига қўйидаги сўзларни ёзди:

«Укам Отаёрга. Бундан буён сенга классиклар ёр бўлсин, катта ёзувчи бўл.

Ғафур.

8/IX.65».

Бу ерда, ҳали дастлабки машқлар билан терисига сиғмай юрган мендек бир ҳаваскорга Ғафур Ғуломнинг дастхат ёзиб берганини кўз-кўз қилмоқчи эмасман. Балки устознинг шу икки оғиз ишонч тўла сўзининг ҳамиша сабоқ бўлиб келаётгани, ҳамиша нимагадир тиришиб, курашиб интилиз лозимлигини эслаб турганлигини айтмоқчи бўлдим, холос.

Аслида, қаламқашларнинг китоб жавонларидаги китобларнинг тўқсон фойизида муаллифларнинг ўз дастхатлари ёзилган, улар ё устоз ёзувчиларнинг, ё бир-икки одим олдинда бораётган ижодкорларнинг, ё тенгдош қаламқашларнинг, ё издошларнинг дастхатлари бўлади...

Хуллас, академик шоир Ғафур Ғулом билан ўша бир дақиқалик мулоқот ёдимга тушди дегунча, унинг мана бу мисралари дарҳол тилу дилимга кўчади:

Туганмас хазинангни
Тинмай қозганим бўлсин,
Шеър ёзганим бўлсин,
Шеър ёзганим бўлсин.

Кейинчалик улуғворлиги баланд қояларга мингзаулик бу устозлар билан редакция топшириқлари туфайли учрашимга, баъзилари билан кўп бор мулоқотда ё сафарларда бўлишимга, улар ишончини синдирмаслик учун ҳаракат қилишга тўғри келди.

Аммо...

Аммо, ўша пайтлар бир неча буюклар билан дастлабки учрашувларимиз, мулоқотларимиз биринчиси ва сўнгиси бўлиб қолганлиги армон-да, ҳануз!..

Орадан кўп ўтмай зилзила. Ташвишлар, Тошкентни қайта куриш... Сал фурсатдан сўнг эса... Домла Ғафур Ғулом вафоти ўзбек халқининг, наинки ўзбек халқи, жуда кўп қардош элларнинг, шеърят оламининг, эзгуликка ташна, умри боқий тонларга мушфиқ жуда кўп дилларнинг қалбини ларзага солди.

Сўнг... ўзбек совет адабиёти учун яна оғир жудолик кунлари бошланди:

Ойбек домла, Шайхзода домла, Абдулла Қаҳҳор домлалар ҳам мангуликка бош қўйдилар. Бу — ана шу улкан сиймоларнинг сабоқларидан, эндигина бир-икки бор қисқа, аммо бир умрга татирли суҳбатларидан баҳраманд бўлаётган биз ёшлар қалбида ҳам оғир жараҳат қолдирди!

Буларни мен гапнинг индаллосини айтиш учун келтирдим. Чунки Миртемир домла билан илк танишувимиз худди ўша йилларга тўғри келган. Талабаликнинг иккинчи йилини охирлаётгудек, шекилли. Тошкентда Пушкин номили ва бошқа истироҳат боғларида, маданият саройларида, ижодий уюшмалар, аксарият пайт ёзувчилар уюшмасида, билим даргоҳларида тез-тез адабиёт байрамлари бўлиб турарди. Ижодий мунозаралар, мушоиралар давом этар, китоб бозорлари ташкил қилинар, кўшиқчи-шоирлар иштирокида шеърят ва санъат кечалари бўлар, атоқли адиблар билан учрашувлар, адабий кечалар ўтарди. Бир куни беғараз, самимий, аникрофи биз ёшлар учун сабоғи бир дунё шундай табдирларнинг бири ёзувчилар уюшмасида жуда қизғин, ҳаяжонли давом этар, кўзда тутилган муддат эса тугаб борар, аммо ҳеч ким қимирлагиси келмас эди. Охири ўн дақиқа танаффус эълон қилинди. Уюшма фойесига эса китоб дўкони очик, шу йиғинда иштирок этаётган қаламкашлардан аксариятининг китоблари ҳам келтирилган, бизлар эса боя айтганимдай улкан адиб ва шоирлар китобига дастхат ёздириб олишни бахт деб билардик-да...

Шундай қилиб, китобни кўтариб, минг истиҳола билан Миртемир домлага яқинлашдим.

— Дастхатдир-да, бўтам, — деди домла яқинлашганимда мен томон сал ёғашиб.

Биринчи кўришиш, сўрашиш салобати босди. Унинг устига у пайт домланинг қулоғи оғирроқ эканлигини билмайман, янаям тортиниб қайтардим:

— Ҳа... домла.

Миртемир домла фойега қўйилган ўриндиққа оҳиста чўқар экан, сўради:

— Исм-шарифингизни нима дейин?

Айтдим...

Домла чап қулоғи ортига кафтини тўсиқ қилганча гавдаси билан эгилиб яна сўради:

— Нима дедингиз?

Мен яна дадилроқ овозда қайтардим.

— Ҳа... — деди домла «Ҳа!» сўзини жуда ёқимли бир оҳангда, чўзиб, — Ота Эрнаҳанг ўғли-

ман денг... Яхши, яхши. Наҳанг деган сўзнинг маънисидан бохабардирсиз албатта. Катта балиқ дегани-да, Уммондаги анов-манов ҳайвонларни нари обориб, бери олиб кеб юради. Руслардаги «акула» сўзига менгзаса бўлар-ов.

Сўнг ўзига хос ҳусниҳатда, донна-дона, йирик ҳарфларда ёзди: «Ота наҳанг ўғлига! Исм-шарифини оқлаб юрсин. Чин кўнгилдан».

Шу-шу фавқулодда жуда оддий, гўё болалигимдан буён танийдигандай илиқ бир оҳанг, улуғворлиги ва салобатига тамоман зид — камтар бир хатти-ҳаракат, бу лаҳзалик ширин бир мулоқот ёдимда кўрғошиндай муҳрланиб қолди!

Орадан бир неча йиллар ўтиб, дорилфунунни тугатиб, газеталарда ишлаб, қаламни оз-моз «қайраб» олган, тўнғич тўпламимни кўтариб, иймана-иймана домлага йўлиқдим.

— Айбга буюрмайсиз, домла, шу... бир тўпламча тайёрловдим.

Бу пайтларда домла билан бир неча бор суҳбатлашишга, газета топшириқлари билан хонадо-нида ҳам тез-тез бўлишимга тўғри келар эди. Аммо домладаги самимийлик ва камтарлик қанчалик бетакрор, таърифлаб бўлмас даражада оддий, инсоний бўлмасин, унинг чехрасида қандайдир сирли донишмандлик, пок бир туйғу ифодаси, ғуборсиз бир нигоҳ балқиб турарди. Оқибатда у билан ҳамсуҳбат бўлган ҳар қандай киши бу сиймо олдида сипо тортиб қолар, ҳар бир сўзини ўйлаб гапиришга тиришар, «қовун тушуриб» қўймасликдан ўзини тияр эди.

Алқисса, ўшанда мен ҳам тўнғич тўпламимни домланинг назаридан ўтказиб олиш илинжида унга тутқазар эканман, елкамдан зил юк босиб турарди. Минг хил хаёлларга борар эдим.

— Қолдиринг-чи, вақт топиб қараб чиқарман.

Вазият ўзгарди-ю, бирон ҳафта ўтмай домлага кўнғироқ қилдим.

— Домла, минг бор узр. Сизни безовта қиляпман. Уюшмада ёшлар семинарида негадир қўлёзма тўпламим навбатдан ташқари муҳокамага қўйилибди. Индинга, тушлиқдан кейинга...

Домлани сўроғлаб, бемаврид безовта қилганимга қарамай одатича ранжиганнамо эмас, мутлақо энгил, вазим овозда деди:

— Бўтам, мен рози. Малол келмаса индинга, муҳокамадан олдинроқ яна бир ёдимга соларсиз.

— Раҳмат, домла!

Бир куннинг ўтиши наздимда бир йилча чўзилди-ёв.

Эртасига белгиланган муддат яқинлашгач, ёзувчилар уюшмасининг кичик зали ёшлар билан тирбанд, устозни кутар, унинг ўгити беадоқ сабоқларини тинглашга илҳақ туришар эди. Бу пайтга келиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқа бинода — Пушкин кўчасидаги 1-уй, тарихий воқеалар кечган уч қаватли даргоҳда, ҳозирги биносида фаолият курсатар эди.

Вақт ўтиб борар, Миртемир домла (гарчи ҳаётида ҳеч кимни куттирмаган ё бирон бир ранжитмаган бўлишига қарамай) дан дарак йўқ. Бизларни хавотир-ҳадикка солиб қўйди: «Тинчмикан ишқилиб, тоби қочиб қолган бўлмасин...» Қўнғироқ қилишга истиҳола қилиб, йўловчи бир машинада уйига етиб бордим. Ерқин ая мени кўриши билан: «Ярим соатча бўлди, безовта қилманглар, сал туриб чиқаман, уюшмага боришим керак» деб, хонасига кириб кетувди. Негадир, ҳалиям чиқмади» деди. Шу пайт эшикда домланинг ўзи кўринди.

— Э, бўтам, роса қийнадимми ёшларни! Бироз кутишди-да, жуд-а ёмон бўлди-да. Ёдимга солинг, дегандим-ку, қани кетдик.

Дарвозада ҳалиги йўловчи машина кутиб турар, ўлтиришимиз билан йўлга тушдик.

Шофёр билан ҳол-аҳвол сўрашиб, орқа ўриндиқда хаёлга берилиб кетаётган домла бир пайт мурожаат қилиб қолди:

— Мунча имиллайсиз-а, шофёр бўтам! Сал шошилсангиз бўлармиди...

— Кечирасиз, кўраяписиз, йўл тайғоқ, қиш бўлса...

— Шундай бўлсаям иложини қилиб, сал жадалласангиз, дейман-да...

Билсам, бугун ёшлар суҳбатига тайёрланиш домланинг ёдидан кўтарилган экану (ижодий ишлари кўпайиб), оз муддат қолганига қарамай, қўлёзмани охиригача кўздан кечирган экан.

Шундай қилиб тезлигини оширган машина, уюшмага яқин қолганида, «Зарафшон» ресторанининг шундоқ биқинидаги светофор ёнидан ўтиб бораётган пайти қизил чироқ ёниб қолди-ку. Шофёр тормоз берди. Машина юлқа муз тортган асфальт йўлдан тайрилиб бориб, орқа гилдираги йўл четигадаги ариқчага тушиб кетди. Машина Миртемир домла ўтирган томон билан йўл четига давлат тўкиб турган даракларнинг бирига «тақ» этиб урилди-ю, ўчди-қолди. Оғир, мен учун совуқ ва ўта хижолатли жимлик чўкди. Биз нима дейшни, нима қилишни билмай турардик. Бизларни бу нуқуллай вазиятдан чиқариш учун домла ярим ҳазил, ярим чин оҳангда деди:

— Ана, мулла Отаёр, ҳали шoir бўлиб шoirликнинг анов-манов тоғларни йиқитгулик инжиқликларига бардошингиз етадими, йўқми, манави тўнғич китобчангиз чиқадими-йўқми, билмайману аммо Миртемирнинг ўлиб кетишига сал қолди.

Миртемир домла ҳазил қилган бўлса ҳам чамаси вужудим музлаб кетди ўшанда. Машинани ариқчадан чиқариб, уюшмага етиб келганимизда ҳам хаёлим ўзимда эмас эди. Ҳадиқда кутиб турган ёшлар Миртемир домлани қуршаб иккинчи қаватга кўтарилишди.

Менинг тўплагим баҳона, ёшлар домланинг бу гал ҳам бетакрор залворли йиллар сабоғига тенг сўзларини тинглашларини билар эдилар. Шундай бўлди. Уша куни кечки олтиларда бошланган суҳбат, соат ўнга бориб туғади.

Бу суҳбат, айниқса мен учун қимматли ва ардоқли бўлиб қолди. Чунки домла ўша куни айтмоқчи бўлган ўғитларини менинг шеърини машқларим мисолида келтирган, топширган шеърларимдан атиги ўндан зиёдроғини маъқул деб кўрсатган эди.

Бу — ҳаётимда кечган энг бахтли кунларнинг бири — 1972 йилнинг 28 декабри эди.

Орадан бир йилча ўтиб, домланинг ўшандаги ўғитлари асосида сайқал бериб, булбулнинг тилидагина китобча тайёрладим. Домла икки оғиз сўз ёзиб берди. 1975 йили у домланинг фотиҳаси билан босилиб чиқди. Бошим осмонда эди. Аммо, домла бир куни деди:

— Китобчангизни варақлаб қиқдим тагин. Айрим машқларингизни киритишга бекор шошибсиз. Китоб номи учун ҳам тортишингиз керак эди. «Ишқим баёни» — анча чучмал гап. «Ишқим» деб қўйверса ҳам бўларди-ку...

Шу-шу нимаики ёзсам, нимаики иш қилсам қониқмасликка, ўз-ўзимга савол беришга кўникдим. Домланинг (ўшанда тан олишим анча оғир бўлган) дастлабки сўзлари, энди бир умрга татирлик фазиллату жиловлари билан қалбга муҳрланиб қолган сабоқ мактабига айланди. Миртемир мактабидан баҳраманд бўлмоқни истаган ҳар кимсани, у худди оҳанрабодай эрта-индинларга чорлаб туради.

Дарҳақиқат, Миртемир домла билан ўтган қисқа, армонли мулоқотлар менга ажиб ва ёддан ўчмас учрашувлар, сабоқли суҳбатлар, тасодиф ва ташвишлар, қувонч ва мўъжизалар тўхта этди.

Бир куни ёш қаламқашлар даврасида ижодга қандай ёндашиш, муҳаббат ва вафо, садоқат ва инсоф, кишиларнинг бир-бирига меҳри, уларнинг тотувлиги-бирлиги, яхшилик ва ёмонлик борасида гап қизиб кетди. Ҳамма домла Миртемир сўзларига илҳақ.

— Ёмонлик ҳақидами, нима дей? — елкасини учирди домла. — Шу мавзуда ҳар гал савол беришди. Жавоб бергим йўқ доим. Лекин айтсам айта қолай. Аслида, одамнинг ҳаммаси яхши. Ёмон хулқлилар бор, холос. Баднафс, бадфеъл, қилгилгини кўрсанг дунёга келганинг нафратланиб кетгулик бандалар борлигидан бир кам дунё дейишади-да. Қирқ киши ҳам бир, қинғир киши ҳам бир, дейди халқимиз. Бир замонлар шундай сўроқларимизга ота-оналаримиз, бобо-момола-римиздан эшитиб қолардик:

— Худонинг қора рўйхатига тушган болалар бор-да, болаларим. Ундайлар дастидан бўғзинга куз ёшсиз йиғи тикилса қаёққа борардинг. Болангдан қайтсин, худодан қайтсин, деган қарғишдан бўлак қандай зўринг бориди?... Зоринг бор-да, холос, зоринг...

Мен одамларга айтсам, бўғаларим, дунё пайдо бўлибдики, офтоб чиққанда ёндошиб, булут қоплаган лаҳзада қочиб, ўзини панага уриб юрганлар бўлган ҳамма вақт, ҳозир ҳам... Ёмонлик ва ёмон дастидан қабиҳлик, ваҳшийлик, талон-тарожлик, таъмагирлик, ўғирлик ва қирғинликлар бўлади. Улуғ Ватан урушини олинг. Тоғлар ўрнида кўллар, кўллар ўрнида чўллар пайдо бўлди. Неча шахру қишлоқлардан ном-нишон қолмади. Неча-неча жувонлар тул, болалар етим, чолу кампирлар нуридийдаларидан айри тушди. Хайриятки, яхшиларнинг устиворлиги, эзгу ва олий туйғуларнинг музаффарлиги туфайли омон қолдик, устун бўлдик, барча ғам-андуҳларга, йўқотишларга барҳам бердик...

Аммо айтмай: ижодкорлар ичида ҳам тилга олса арзимайдиган иллатлар, ғайрлик деган қусурлар бор-да. Биласизларми, узоқни кўра олмайдиган баъзи бир казо-казо ижодкорларга, айниқса, ичим ачийди. Улар ови бароридан келиб турган кезларида ўзларига ҳомийлар тўплашга, уларга яхшилик қилиб, эвазига бошига ташвиш тушиб, кексайганда улардан мадад келишини кутади. Билмайдик, худди шундай кун келганда биринчи бўлиб юз ўгирадиган, биринчилардан бўлиб унинг ўзига тош отадиганлар ўша «ҳомий»ларнинг ўзлари бўлиб чиқади...

Домла бир нафас жим қолди. Бу мавзуда гапиришни хоҳлагани гапидан, овозидан ҳам билиниб турар, ижод ҳақида саволлар берилган, балки шулар ҳақида яна айтишга чоғланар эди. Кейин чиройи очилди. Бу ҳақда сўзлаганида доимо қувонарди. Ижод сирини билишга, халқи адабиётига улуш қўшишга уринчоқ ёшлар иштиёқидан қувонарди.

— Ижод ҳақида нима дей тагин, — деди домла, — бошловчи ижодкор бошдан бир хиллик — муқимлик, туриш-турмушида тартиб, саришта-саранжомлик, кўнгли пок, ғайирлигу қоралиқдан қанчалик йироқ бўлсагина ижодида шунчалик ёруғлик, шунчалик унум, шунчалик халқоналик устун бўлади... Тагин, худди шундай ижодкор шарафини орзу қилган ҳар бир талантли қаламқаш ҳар гал қўлига қалам олганида дунё китобхонини ўйлаб, дунё ўқувчиси олдидаги бурчини хаёлига келтириб ёза олишга кўникса, умумбашарий маслакларни деб ҳалол тер тўқолса қандай яхши!

— Кейин, — деди домла бироз сўлиш олиб, — киши ҳаётда оқ-қорани таний бошлаганидан то умрининг сўнгигача синовлар рўпарасида яшайди, бебошдоқ болалик суронларида, биринчи бор бирон юмушни мустақил удалаганда, кашшофлик бўйинбоғини таққанида, кўча-кўйда, дўстлари даврасида, нурунийлар гурунларида, муҳаббатнинг телба туйғулари гангитганда, оила-

да, узоқ-яқин сафарларда, иш жойида, фавқуллода сафарбарлик талаб қилинганида, минбарларда, маросимларда, кексалик гаштини сураётганда... Бу синовли довоиларга ҳар ким ҳар хил тайёргарлик, ҳар хил йўллар билан юзма-юз келишга ҳаракат қилади: уларнинг аксарияти мардона, чинакам уриниш, манглай тери тўкиш билан келади. Ҳалол меҳнат, ўз интилиш, қобилияти билан обрў олиб яшашга не етсин!

...Шундай соҳалар борки, бу жабҳаларда жавлон урувчиларнинг ҳар қадами, муваффақияти, камчилиги, қобил-ноқобиллиги ойдин кўриниб туради. Улар ўз атрофидаги, оиласидаги, коллективидаги, маҳалла ёки қишлоғидаги кишилар кўз олдидагина эмас, балки ҳар кун, ҳар дақиқа бутун бир халқ синовларида бўлади: ижод ё спорт соҳасини олайлик. Бу соҳаларда ўз ўрнини топиш учун бел боғлаганлар ғирромлик ё нусхабозлик, ё енгилтаклик билан бир поғона ҳам силжийолмайди. Ахир бу соҳаларнинг кишилар газета ва журналлар, манеж ва китоблар, саҳна ва экранлар, эфир ва минбарлар, телеэкран ва стадионлар орқали кўп миллионли, синчков, юксак дидли кишиларнинг кўз олдида юзма-юз имтиҳондан ўтадилар-да. Бу ерда ижодкор ё спортчини истеъдодини яратилган асл маънодаги бадиий асар ё ўта эпичиллик, ўзгирлик, қўлилик намунаси белгилайди. Саралар сараланиб, мағлублар, ноқобиллар ўз-ўзидан суририлиб қолаверади... Ижодкор бу ҳақиқатни яхши билиши керак.

Дарёлар теран ё саяз, ўйноқи ё сокин, умри узоқ ё ўткинчи бўлади. Аммо ҳаммасининг эзгулиги битта: дов-дарахтга, экин-ткинга, жонзотга ҳаёт элтиш. Бу йўлда шағиллаб оқувчи баъзи дарёлар қишга етмай қуриб ҳам қолади. Шеърлар ҳам ўзининг теран ё саязлиги, ўйчан ё сохталлиги, ё ўйноқи, ё фалсафийлиги, қўйма ё шунчалилиги... билан баҳоланади. Бу ерда ҳам каттамукамми, ҳаваскорми ёки бошловчи — ҳаммасининг мақсади битта: ўқувчини қойил қолдирадиган, қалбларда эзгу туйғулар уйғотадиган, кишиларни яратувчилликка, гўзал бўлишга ундайдиган шеърлар ёзиш...

Аммо азалий ва фусункор шеърият дунёси фақат баланд савияни, таъсирчан, ўйлантирадиган, равон ва муסיқавий шеърларинигина тан олади. У шоирларнинг ёшига, малакаси ёки ҳаваскорлигига қараб ўлтирмайди. Буни ҳаваскорлар, умуман шоирлар қанчалик барвақт англаб етса шунча яхши.

Миртемир домла суҳбатни ниҳояламоқчи бўлди ё йирилган вақтини олаяпман деб ўйладики, кўп саволларга қисқа ва лўнда, маъноли жавоб берди. Сўнг деди:


— Яхши шеърларнинг қандай пайдо бўлишини сўрабсизлар. Кўпчилигингиз шоир шекилли? Чинакам шеър — шеър-да! У ғойибдан тўхфа этиладиган илоҳий қудрат эмас. У яратувчиси — шоир томонидан шу заминда — биз билан бирга яшаб, бирга ҳаёл суриб, нимадандир нафратлан-сак нафратланиб, қувонсак қувониб, энг юксак — зуваласи минг қайта пишитилган меҳнат қайноғида туғилади. Энг яхши ва жўн шеър шундай. Ҳа, заминда — шундай азоб-уқубатли, ҳузурли ва қувончбахш тўлғоқда пайдо бўлади-да, киши қалбини юлдузлар томон интиштилади; суйганинг, она тупроғинг ва орзуларингни осмон қадар буюклигида кўксингга жойлаб қўяди. Сизингиз не эзгу тушунча-туйғуларинг борки, уларга садоқатинг ва меҳрингни ўн чандон орттиради...

Энди қўшиқ ҳақида. Кўп гапириб ўтирмай. Ардоқли Михаил Светлов гапини айта қолай: қўшиқ — ҳам она, ҳам сингил, ҳам ёр демакдир. Ана шу уч соҳибжамолсиз эса ёшлик бўстонини тасаввур этиб бўлмайди...

Хуллас, бўталарим, яхши бўлишни ният қилиб яшасангизлар, яхши ниятни орзу қилиб, ҳар соҳада ҳалол меҳнатга оғайни бўлиб олга интилсангизлар адашмайсизлар. Қаранг, Иброҳим Юсупов яхшилар тилидан айтиб қўйибди: «Тошда унган бир гул кўрсанг йўлларингда, Шу лоланинг чин уруғи мен бўламан...» Одамларнинг бир-бирига қайишиб, бир-бирини суяб, бир-бирларининг қувонч ташвишларига шерик бўлиб яшаши ҳақида сўз кетса Мирзо Турсунзоданинг бир гапи ҳеч ҳаёлимдан кўтарилмайди: «Ҳеч қандай куч меҳнат қадар одамларни бирлаштиролмайди».

Ҳа, шундай! Бу гап ижодга ҳам, ҳар бир соҳа ва ҳар бир касбга ҳам тегишли, унутманг... Бугунга етар. Бир гап айтай. Ҳаётда ҳеч қачон норози бўлиб, ёмон ёзганингизни тан олмай, тўғрини нотўғри деб, ҳақиқатни инкор қилиб яшашга ўрганманг. Мавлоно Шайх Саъдий: «Инкор кўзи ила қарасанг кишига, Юсуфнинг юзи ҳам кўринур хунук. Муҳаббат-ла қарасанг девга, Дев ҳам кўринур фариштасифат», дейди. Келинг, пири улуғ сиз азиз ижодкорлар, ҳақиқий ижодкор бўлишга бел боғлаганлар бошдан билиши керак: инкор кўзи билан қараб катта адабиётимизга зиён етказиб қўймайлик. Ута муҳаббат кўзи билан қараб эса ланж, ўртамиёна нарсаларни ҳам Юсуфнинг юзидай бенуқсон қилиб тасвирлашга кўникиб қолмайлик. Уқувчини ранжитиб қўймайлик. Халқ ҳар бир ижодкордан ибрат кутади, жанжалли эмас. Ёмонлик ва тубанликни, яхшилик ва эзгуликни, ёниб курашишни қай даражада баланд беролсак, зукко китобхон ким ва нима қандай эканлигини сизу биздан яхшироқ ажратиб олади.

Мен ҳайрон бўламан. Миртемир домланинг ҳар бир суҳбати, ҳар бир ўгити, ҳар бир хатти-ҳаракати, характерида катта сабоқ олардик. Мана энди, шунча йиллар ўтиб, қайта қуриш деган замонларда Миртемир домлага ўхшаганларнинг ёзгани ҳам, ҳаёти ҳам, айтганлари ҳам, тажриба ва ўғитлари ҳам, сабоқларининг қиммати ҳам минг чандон ошиб кетди. Домла нима ҳақда ёзган бўлмасин, ҳеч бир ҳамду санога, ортиқча уйдирмаларга йўл қўймабди. Фақат ҳамма нарса ни оддийлигича бераолган, одамнинг машаққатли меҳнатининг ишонарли ифодаларини топаолган, халқ орзуларининг ҳамма вақт устивор бўлишини айта олган экан.



Дарғамарларга қолдан едирлар

ШАРИФ НУРХОН НИҲОЛЛАРИ

Шухрат ҳам қизик. Кимки унинг кетидан қувса, қочади. Кимки ундан қочса, қувади. Шухрат — бошинг атрофида ғинғиллаб айланадиган пашшадай гап. Унга маҳлиё бўлсанг ҳам, уни қувмоққа уринсанг ҳам ишдан қоласан. Яхшиси эътибор бермаслик. Бухорода бир шоир бор эди. Унинг номи Шариф Нурхон.

Қайроққа тиш ботолмайдир,
Соёни тиг чополмайдир.
Ақлу жоннинг бозори йўқ,
Биров ясаб сотолмайдир.
Ишқ шаробин ичган киши
Тўлғанадур, ётолмайдир.
Шарифийнинг иши кўпдир,
Қаришга вақт тополмайдир.

Ҳар байти қуйма, ҳикматли сўз, мақол даражасидаги шеър бу! Шариф Нурхонга, шеърларингизни Тошкентга чоп эттириш учун элтинг, деб маслаҳат берибдилар. У барча қўлёзмаларини белбоққа тугиб, Тошкентдаги нашриётларнинг бири дарвозаси ёнига келиб, қўл қовуштириб, эртадан кечгача тик турибди. Ҳеч ким унга, «Марҳамат, киринг!» — демабди. Шоир нашриёт ичкарисига қадам босмай, қишлоғига қайтибди. Шариф Нурхон билмасдики, нашриётнинг эшиги қулф бўлса, деразасидан, агар деразаси темир панжарали бўлса, деворини бузиб кирадиганлар бор. У таклиф этилмаган жойга киришга одатланмаган эди.

Шариф Нурхон дерди: «Аҳмад Яссавий, Ҳофиз, Навоий икки имзода, яъни икки киши бўлиб шеър ёзмаганлар. Шеър — муқаддас, оятдай гап. Уни якка ёзиш керак!» Шариф Нурхоннинг ўз дунёси бўлиб, унинг дунёсидаги одамлар бошқача эди: шоирлар хиёнатдан йироқ, олимлар гуруҳбозликдан узоқ, сиёсатдонлар ёлғондан парҳез. У китоб чиқариш учун шеър ёзмасди. У унвон олиш учун ШОИР бўлмаганди. У барча шеър ёзадиганларни авлиё деб биларди.

Унинг етмиш йиллиги нишонланиши арафасида юқори ташкилотларнинг бирига «хушёр»лардан хат тушибди. У хатда таъкидланишича, «Шариф Нурхон «халқ душмани», унинг шеърлари чуқур тафтиш ва таҳлилни талаб қилади. Қамоқда ётиб чиққан кишини юбилей этиш мақсадга мувофиқми? Балки Шариф Нурхон ўтган аср шоирларидан бирининг шеърларини кўчириб, ўзиники қилиб олгандир...»

Ҳасад билан шухрат нега эгизакдай юради, бир-биридан қолишмайди?

Дарвоқе, кексаларнинг гувоҳлик беришича, Шариф Нурхон бир вақтлар бир неча йилга кесилган, аниқроғи қамалиб чиққан экан.

Уруш йиллари денг. Қаҳатчилик, қимматчилик. Колхоз маъмурияти Шариф Нурхонга омбор мудирини вазифасини юклатади. Колхоздаги ҳувиллаб қолган масжид омбор ҳисобланган. Авжи саратон. Шунда юқоридан тошбақа жамлаш ҳақида буйруқ келиб, барча бу ишга сафарбар этилади. Чор атроф сахро эмасми, тошбақа дегани ҳам тўлиб кетган экан. Лекин йиғилган жониворларни қаерда асраш мумкин? Омборда-да! Ҳалиги масжидга тошбақаларни устма-уст ташлайверадилар. Ҳаво иссик. Юқоридан навбатдаги, яъни, тошбақалар гўшти топширилсин, деган буйруқ келгунча, бир ҳафта вақт ўтади. Бу орада ҳавонинг иссиқлигидан, жойнинг торлигидан тошбақалар ўлиб, уларнинг гўшти сасийди. Бундай «қўпоровчи»лик қилгани учун омбор мудирини Шариф Нурхон «халқ душмани» сифатида қамалади.

Шоирнинг қамалгани рост. Бегуноҳлиги ҳам рост. Унинг ўзи бу ҳақда гапиришни хуш кўрмасди.

Шариф Нурхон сахий инсон эди. Уни Бухорода катта-ю кичик таниб, ҳурматини жойига қўярди. Унинг ҳамсуҳбатлари ҳам хислатли одамлар эди. Шариф Нурхон Сафо Махсум ё темирчи уста Аминбобо ёнида шеърларини танлаб-танлаб ўқирди. Сафо Махсум бирор жойда бир мисра шеър эълон қилдирмаган. У Жалолиддин Румийдан тортиб Фитратгача ўтган шоирларнинг шеърини шарҳлаб, ёддан айтар, унинг шоирлигини бир неча кишигина биларди, хотос. Сафо Махсум ўз яқинларига, ҳамсуҳбатларига эшикдан кирганда очиқ чехра билан, хушхабар билан кириб, деб тайинларди. У нохуш хабарларни тарқатиб юришни ўзига касб этганлардан ҳазар қиларди. Турмушдан туну кун нолиб юрадиганларни нодон деб биларди. «Нохуш хабар одамга озор беради. Сизга бўлган меҳрим озурда бўлмасин», — дерди Сафо Махсум. Қоғозга қараб шеър ўқийдиганларни нимча шоир (нотугал шоир) дерди.

Шариф Нурхоннинг эгнида оддий матодан тикилган тринка костюм-шим, бошида чуст дўппи бўларди. Баъзан катталар иштирок қиладиган учрашувда уни галстук тақишга мажбур этардилар. Унинг икки юзи қип-қизил (бундайларни Бухорода, юзида нури Муҳаммади бор, дейдилар), боши эса ҳамиша ҳам эди. Мўйлови ўзига ярашар, гавдаси тўладан келган, қишин-ёзин далада ишлагани сабаб бақувват кўринарди.

У ҳеч қачон биров кетидан ғийбат қилмаган. У ўзига озор берганларга ҳам яхшилик қилган.

Ўз халқини, ўз ҳамкасбини сотмаган шоир эди Шариф Нурхон! Узининг илк китобини кўролмайд армон билан ўлган шоир эди Шариф Нурхон!

«Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож қилмагил, парвардигор!» иборасини у қуйидагича шарҳларди: Дўст — хотинингиз, душман эса фарзандингиз (уни душмани ширин, деб ҳам атайдилар), номард — ака ё укангиз ҳисобланади. Демак, бу ҳикматда хотинга зор, фарзанд олдида хор, ака-ука кўлига муҳтож бўлмаслик ҳақида гап кетади.

Шариф Нурхон умри давомида ўн миллион тупдан ортиқ ниҳол кўкартириб берган. Фақат Шариф Нурхонгина:

Ҳовучимга данак олиб ўлай, кўминг, ниҳол унсин,
Шарифийнинг мозори ҳам беҳишти мевазор бўлсин...

Ёки:

Оёқ остида кўкарсин соқолим сабза райҳондек,
У йўлни текис айланглар танимнинг тупроғидан...—

каби ҳайратангиз, халқона байтларни тиза олган.
Бухорода шуҳратдан кечиб юрган ЭЪТИҚОДЛИ битта ШОИР бор эди...

Садриддин САЛИМОВ

Шариф Нурхон

ЛАБИМ ТУПРОҚЛАРИ ЎПАР ҚАДРДОНЛАР ОЁҒИДАН

Сени кўрган чоғим

Яйрадим, ёр, сени дийдорингни кўрган чоғим,
Хулқу одоб, феълу атворингни кўрган чоғим,
Олмадек чехраи гулнорингни кўрган чоғим,
Оху янглиғ кўзи хумморингни кўрган чоғим,
Тилла ранг кокули тор-торингни кўрган чоғим.

Учрасанг кўча-ю кўйда менга қошинг қоқасан,
Уялиб хулқу тавозеҳ била қийғоч боқасан,
Гоҳи бошингга гулу сўнгра гажагин тоқасан,
Нозу истиғно қилиб жонимга ўтлар ёқасан,
Яна ўсгум ҳусни гулзорингни кўрган чоғим.

Ушбу хурлар боғининг зеболарин зебоси сан,
Кулишингдан ўрнак олиб очилар гулу чаман,
Энди кел кўнглимни олгин, дилбари нозик бадан,
Ишқу севги йўлини шайдоларин шайдосиман,
Сени юлдуз каби рухсорингни кўрган чоғим...

Мевазор бўлсин

Дер эрдим етти ёшимда: ниҳол экай, қатор бўлсин,
Ниҳолга баҳра бермоққа, дилим ҳам навбаҳор бўлсин.

Ёшим ўн бирга етганда шу орзумга эришдим ман,
Деди дўстлар: улуғ касбинг муборак, барқарор бўлсин.

Ҳамиша мақсадим: ишлаб етиштирган гулу мевам—
Қадрдон меҳнат аҳлига шифо бирлан мадор бўлсин.

Ниҳол экишга сарф этдим ҳалол меҳнат, ҳаётимни,
Ишимдан эл олиб ўрнак, сахий тажрибақор бўлсин.

Агар ўлсам таним хоки нисор бўлсин ниҳолларга,
Юрак-бағримдаги оташ беҳи, олма, анор бўлсин.

Ховучимда данак олиб ўлай, кўминг, ниҳол унсин,
Шарифийнинг мозори ҳам беҳишти мевазор бўлсин.

Сув юзида из бўлмайди

Чумчуқ ўсиб семирса ҳам ғоз бўлмайди,
Сув юзида юз юрсанг ҳам из бўлмайди.

Минг йил яшаб яйрасанг ҳам олам аро,
Ёшлигингдек лаззатга бой кез бўлмайди.

Яхшиларнинг юрагида ғараз бўлмас,
қуёшни кўр, қучоғида муз бўлмайди.


Марду доно, сахийларда фазилат бор.
Ғийбатчининг сўзларида туз бўлмайди.

Парваришлаб кексани ёш қилолмайсан,
Кампирга минг безак тақсанг, қиз бўлмайди.

Кел, Шарифий, хизмат қилиб, роҳат олгин,
Раҳмат, деган гапдан улуғ сўз бўлмайди.

* * *

Мен ўлсам халқ келар юртнинг яқину ҳам йироғидан,
Чалинг соз, ўчмасин кулги қадрдонлар дудоғидан.
Тасаддуғи бўлай доно, сахий устозу мардларнинг,
Насиҳат сўзлари чиқмас сира қалбим қулоғидан.
Жамият йўлидан бориб, ўқиб, ишлаб камол топдим,
Шу боис мангу озодмен такаббурлик тузоғидан.
Васият шу: кўзим юмсам, ёронлар, тутмангиз мотам,
Қазинг қабрим мазорнинг эл босиб ўтгучи ёғидан.
Кўриб қабримни ошнолар десинлар, бу эди боғбон,
Гул ҳидлаб, мева еганмиз, гулистон бирла боғидан.
Оёқ остида кўкарсин соқолим сабза райҳондек,
У йўлни текис айланглар танимнинг тупроғидан.
Сизга хизматни оз қилган, Шарифийман, кечиринг деб,
Лабим тупроқлари ўпар қадрдонлар оёғидан...



Эмин Усмон

УЙҒОҚ ОДАМЛАР КЎРАДИГАН ТУШ

Қиссалар хусусида айрим мулоҳазалар

Насримиз уфқлари, унинг ривожига қай даражада кечаётганини билиш, умумий тасаввур ҳосил қилиш мақсадида ўтган йили матбуот юзини кўрган асарлар билан танишиб чиқдим. Уларнинг баъзиларидан қувондим, баъзиларидан ранжидим. Кўнглимда туғилган барча фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман, фақат улар чуқур илмий, далил-исботлар етарлича асосланмаган бўлиши мумкин. Бунинг учун олдиндан узр сўрайман. Киши ўз ақл-савиясидан ошириб гап айтмоғи қийин.

Раҳимжон Отанинг «Сурнай наволари» қиссаси эълон қилинди. Муаллифнинг ўзи эътироф этишича, асар «...наинки муסיқа санъатимиз, балки аввало маънавий ҳаётимиз руҳий бисотимизнинг кечаги қиёфаси, қолаверса, бугуни ва эртаси хусусида жиддийроқ мулоҳазага ундайди».

Шу ўринда «Ешлик» журнали муаллифларига ўз асари ҳақида сўз айтиш имтиёзини бериб тўғри иш қилаётганини эътироф этиш керак. Бу минбар қаламқашнинг кимлигини рўй-рост кўрсатадиган ойна вазифасини ўтапти. Айрим қаламқашларнинг ўзи ҳақидаги гапларини ўқиб ҳайратдан ёқа ушласангиз, айримларининг фикрларидан номусдан бетингиз кўяди. Адабиётдан йироқ кўни-қўшнларингиз, қариндош-уруғларингиз орасида ёзувчиман дейишдан истиҳола қиласиз. «Ешлик» журнали ҳаммага ўзининг кимлигини кўрсатиш имконини бергани ва уларнинг гапларини айнан бераётган учун ҳам миннатдор бўлишимиз керак.

«Сурнай наволари» ғоят асабий, тўғрироғи аламзада бир оҳангда ёзилган. Асабийлик қиссанинг бош қаҳрамони Озоднинг феъл-атворию гап-сўзларига хос бўлиши мумкин, лекин бу нарса асарнинг руҳига сингдириб юборилмаслиги керак эди. Қисса гўё кимгадир, нимагадир, исботлаб бериш учун ёзилгандек таассурот қолдиради. Озод истеъдодли, бироқ омадсиз санъатшунос. У санъат оламидаги йўлини санъатшунослик институтидаги «...тиқмачоқдек тўла, бақбақалок... икки лунжи, ҳатто икки қоғоғи худди ярим палла босволди қовундек қавариб салқиган» Гулсун исми қиз билан танишишдан бошлайди. Пахта теримида шу бақалокни бағрига босиб, унга боғланиб қолади. Аммо кейинчалик Гулсун ҳамма шаҳарлик қизлардек мол-дунёга ўч, шаллақи, устига-устак бузуқ бўлиб чиқади. (Мана шундай бир қолип — шаҳарликлар нарса жинниси, қишлоқлар эса бағри кенг, олийҳиммат деган бир ёқлама ва думбул қараш сўнгги йиллардаги жуда кўп қисса ва ҳикояларда такрор-такрор илгари сурилмоқда.) Менинча, бу маҳаллийчилик эмас, нодонлик. Кишининг қандай одамлигини асло жуғрофий ўрни белгилamayди. Бу қон билан руҳга сингдирилган дунёқарашга, одобга, эътиқодга боғлиқ нарса. Озод Гулсундан осонгина ажрашиб, ҳамқишлоғи Мавлонбойнинг қизини тўйсиз, никоҳсиз шаҳарга етаклаб келади. Мавлонбойнинг ўзи қизини йигитга қўш қўллаб тутқазади. Мен бундай одат қайси таомилда борлигини сира тушуниб етолмадим. Никоҳга олмаган бокира қизни бировларга хотиним деб таништириш ва у билан бир уйда яшаш ғайриинсонийликдан, зиноғарликдан бошқа нарса эмас. Ваҳоланки, муаллиф бу нарсани «эзгуликни қуйловчи чўпчаклар даври аллақачон ўтган»ми дея оқламоқчи бўлади.

Мен «Сурнай наволари»да халқ қуйларининг соҳир оҳанглари тингларман деб ўйлаган эдим, афсуски, орзуим ушалмади. Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» қиссасида марсия оҳанги асарнинг ҳар бир сатрига сингдириб юборилганини, бу оҳанг қаҳрамонлар қисмати, воқеалар ривожига билан узвий боғланиб кетганини ва пировардида ўзингиз ҳам ўша марсия руҳи билан яшаётганингизни ҳис этасиз.

Гуржиларнинг сурнайчи ҳақида ихчамгина фильми бор. Унда халқ орасида юрган оддий сурнайчининг дунёни ҳайратга солган машҳур чолғувчилардан асло кам эмаслиги, гап номдор бўлишда эмас, биргина одамнинг дилини хушнуд эта билишдалиги чуқур бир самимият билан кўрсатилган.

Р. Отаевнинг қиссасида эса, умуман халқ яратган ўлмас оҳанглар, сурнайнинг ҳаётимиздаги ўрни, биз нега бу чолғусиз яшолмаслигимиз ва сурнай қисматимизнинг бир бўлагига айланиб кетгани ҳақида ҳеч қандай гап йўқ. Аксинча, маориф министри Озод ёзган китобга муаллифликка даъвогар, турли ифвогар, ғаламис кимсаларнинг тазйиқи, хуружларига сабаб бўладиган аллақандай

илмий иш ҳақида гап боради, холос. Маориф министри ҳам, бастакорлар уюшмасининг раисию унинг атрофидаги тубан кимсалар ҳам фақат муаллифнинг раъйига қараб иш қилишади. Озоднинг илмий ишлари, кимларгадир қарши кураши ҳақида асабий бир тарзда ахборот берилади. Қиссанинг шакли — икки боланинг йўқолиб қолишию фарзандларини излаб чиқиб юрган Озод бутун ҳаётини сарҳисоб этиши ўзини оқламаган. Шакл асар руҳидан келиб чиқмаган. Болаларнинг йўқолиши ҳам, топилиши ҳам Озод билан Райҳоннинг ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш ясамайди Ҳар қандай шартлилик нимагадир асосланиши, қаҳрамонлар ҳаётига, асар тўқимасига маълум таъсир ўтказиши шарт. Афсуски, «Сурнай наволари»да шакл билан мазмун, шартлилик билан қаҳрамонлар тақдири бир-бирига уйқаш эмас. Ачинарли жойи шундаки, асарнинг тили ғариб, худди газета мақоласидегидек руҳсиз, жозибасиз. Тилга эътиборсизлик қиссанинг номиданоқ кўриниб турибди: жонли тилда сурнай наволари эмас, сурнай навоси дейилади.

Раҳимжон Отаев табиатан оғир, камсуқум йигит, лекин қиссага ёзилган сўзбоши кишида бўлакча — омадсизлиги учун бировларни айбдор деб биладиган аламзада, жиззаки одамнинг ёзғиришидек таассурот уйғотади.

«Қора дўлана» қиссасининг муаллифи — Мамадали Маҳмудов (Эврил Турон) асарига ёзган сўзбошида ўзини турғунлик даврининг афсонавий қаҳрамони қилиб кўрсатади. Мамадали бу нарсани атайлаб эмас, азбаройи соддадиллигидан қилган деб ўйлайман. Акс ҳолда... ўз-ўзини мақташ ақлдан эмаслигини у ҳам яхши билади.

Гарчанд «Қора дўлана» ҳам шаҳар ёмон, шаҳарликлар фақат ўз манфаатини кўзлайдиган худбин кимсалар, шаҳарга келган киши албатта чиркинлашиб кетади, деган руҳда ёзилган бўлсада, ёзувчининг айрим ютуқ ва камчиликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Қисса сўнгги йигирма йилда қайта-қайта қаламга олинган мавзу — шаҳар кўрган муғамбир йигит содда қишлоқни қизнинг ифратига тегиб қўйишидан бошланади. Шу нарсани ўқиган заҳоти: «Адабиётимизда беномус қизлар жуда кўпайиб кетмадимикан-а», деган ўй кўнглимдан кечди. Номусини осонгина тупроққа қориштирадиган қизларнинг ҳаммасини ёзувчиларимиз бокира, ҳаёли, ҳурилоқдек гўзал дея таърифлашади ва тўйсиз, никоҳсиз биров билан қовушишга уларнинг ҳусн-малоҳати сабаб деган асоссиз фикрни илгари суришади. Бу бадбин ўйдан кишининг туқлари тиккайиб кетади. Адабиётимизда ҳирсий, жинойи тасвирларнинг кўпайиши аввало Оврупога таққиддан, қолаверса, ахлоқимизда бузилганидан нишонча. Бу нарсани кўз-кўз қилиш эмас, аксинча уялиш керак. Мен бу билан фаҳшни яшириш лозим демоқчи эмасман, уни фош этиш, бу офатни келтириб чиқараётган ижтимоий сабабларни рўй-рост кўрсатиш зарур. Ювиқсиз нарсаларни ёзишни ёқтирадиган қаламқашларга Мопассаннинг «Дундиқ» ҳикоясини қайта-қайта ўқиб, эзиб ички қилиб юборишларини маслаҳат берган бўлардим. Гўзал аёлни фоҳишалikka ундаган ижтимоий гуруҳ, ювиқсизлиги учун қай тарзда юз ўгиришганини ёзувчи санъаткорона тасвирлаган. М. Маҳмудов Мопассанга эргашади, бироқ чиркинликларни келтириб чиқараётган ижтимоий сабабларни етарлича очиб бермайди. Ахир, ижтимоий тус олган иллатларни Нурбек, Амрулло, Хосият, Сайдалим, Эшим зўр, қинғир йўл билан пул топиб ҳаром-ҳарошга сарфлайдиган совхоз директорлари эмас, ҳатто аксининг васиятига биноан унинг кўёбини суйадиган каттакон ҳам эмас, бутун тузум, узоқ йил ҳукм сурган ғайринисоий сиёсат, унинг теласида турган баттол кимсалар келтириб чиқаришган. М. Маҳмудов масаланинг моҳиятини чуқурлаштиришга ботинолмаган кўринади. Мен бу билан қиссанинг қадр-қимматини ерга урмоқчи эмасман. «Қора дўлана» жамиятни чиркинлик домига тортаётган иллат-мунофиқлик, иғвогарлик, виждонсизлик эканини тўғри топган. Гарчанд бу нарсаларнинг тасвири бадийи жиҳатдан жуда ҳам кўнглидагидек бўлмаса-да, ёлғон йўқ. Ёзувчи кўрган-билганларини ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича қоғозга туширган. Хусусан, асар якуни мантиқан тўғри топилган, фақат менга Ширин ғойиб бўлгандан кўра ўзини осиб қўйгани маъқулроқ туюлади. Ёки аксинча ўз қизига тажовуз қилганини билган Эшим зўр ҳалок бўлиши керак. Шунда Нурбек сингари кимсалар келтириб чиқарган фожиалар янада бўртиб кўринади.

М. Маҳмудовни Нурбек образи билан қутлаш мумкин. Бироқ «Ун икки курси»даги Буюк Мудаббирнинг биздаги замонавий нусхаси маромига етмай қолгани кишини афсуслантиради. Бунга ҳаётдан айнан нусха кўчириш, маҳорат етишмаслиги сабаб бўлган.

Албатта, «Қора дўлана»да фаҳш, чиркинлик кўп. Асар қаҳрамонларининг деярли ҳаммаси тубан кимсалар, уларга қарши турувчи биронта тоза одам, маълум куч учрамайди. Эҳтимол, ҳаёт шундай тус олгандир, этимол, ҳаммамиз ҳам қайсидир даражада розалат ботқоғига тойиб кетгандирмиз, ёзувчи мана шундай оғриқли масалалар хусусида баҳс юритар экан, ўзига хос усулда эзгуликни қадрлашга ундайди. Унинг яхши ниятини қўллаб-қувватлаш керак.

Орзиқул Эргашарё «Оқдарё, Қорадарё» қиссасида ўсмирлар ҳаётини қаламга олган. Умуман, бу ёзувчи табиатан туғилиб ўсган тупроғидан, ўз қаҳрамонларидан узоқлашиб кетмаган. Унинг қисса ва ҳикояларида киши руҳини тозалайдиган, кўнглида маънос бир орзиқини уйғотадаиган беғуборлик, самимият бор. Ёзган нарсалари ҳам ёзувчининг ўзидек, қаҳрамонларидек содда, бироқ маҳорат етишмаслиги, янгича бадийи шакл, рамзлар топишга уриниш йўқлиги сезилади.

«Оқдарё, Қорадарё» қиссасида инсон ўзининг кимлигини англаб етиши учун тарихини билсин, туғилиб ўсган тупроғини, унинг ҳар бир ғиёҳини, дарёю ўзанини севиб ардоқласин, деган фикр илгари сурилади. Бутун бошли дарёларнинг ўзанини, юртимиз қиёфасини ўзгартириб юбораётгани, экологик, биологик фожиалар юзага келтирилаётгани қаламга олинган. Афсуски, мана шу яхши гап зерикарли тарзда, руҳсиз баён этилади. Қиссада гап бор, фақатгина ёзувчининг майлига бўйсиндирилган қаҳрамонлар бор, улар муаллифнинг измидан чиқиб лоақал бир лаҳза хаёл суришмайди, ўз ҳолича хатти-ҳаракат қилишмайди. Жойсининг «Улисс» романи мана шундай қолипларни парчалаб ташлаш, инсон тафаккури, инсон тасаввури ҳеч қандай қолипга, назарияга бўйсунмаслигини исботлаш учун ёзилганга ўхшайди. XX асрнинг буюк мўъжизаси деб эътироф этилган бу асар нега бизнинг адабиётимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмаяпти? Ахир яхши нарсасга таққид қилиш ҳам, янгилликни ўрганишга уриниш ҳам фазилат-ку. Мен Орзиқулнинг бугунги адабий жараёни, унда юз бераётган сифат ўзгаришларини, инсон руҳиятини кашф этишнинг батамом янгича усулларини синчковлик билан ўрганиш зарур, деб ҳисоблайман.

«Оқдарё, Қорадарё»даги воқеалар қаҳрамонлар тақдирига сингдириб юборилмаган. Қисса сўнгиде бир неча бола бетон ариққа тушиб оқиб кетади. Бу ҳам ёзувчининг майлидан келиб чиқ-

қан. Ариқ, зовурларнинг қирғоқларини бетонлаштирамайлик, бу нарса тупроқ таркибининг бузилишига сабаб бўлибгина қолмай, юқоридагидек фожиаларга ҳам сабаб туғдиради, дейилмоқчи. Мақсад яхши-ю, ижро кўнгилдагидек эмас.

Агар таъбир жоиз бўлса, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Паноҳ» қиссасини худди чизмакашликдагидек вақтнинг, шу муайян лаҳзадаги инсон кечинмаларининг кесмасидан иборат дейиш мумкин. Биз Жўба қишлоғида юз берган zilzila офатини, одамлар бошига тушган мусибатнинг залварини, шу аснода ким ўзини қандай тутаётганини ва қолаверса, zilzila одамлар орасидаги маънавий тубанликлар туфайли анча илгари бошланганини ҳис этамиз.

«Паноҳ» қиссаси учун ер қимирлаши шартли бир восита, холос. Муаллиф шу баҳонада ўз қаҳрамонларининг руҳиятини зарбаини орқали синчиклаб кузатади. Аҳмадали опасиникидан узоқлашиб улгурмай оёғи остидаги ер қалқиб, ҳаммаёқ ағдар-тўнтар бўлиб кетади, у танчадан оёғини суғуриб ололмайдиган опасини қутқаргани эмас, ўз болаларидан хабар олгани шошилади, йўл-йўлакай Гулгун беванинг ичкарида қолиб кетган болаларини уйдан олиб чиқади, Сайфулло бобонинг оёғини босган харини жойидан силжитолмай йўқ одамнинг номини айтиб ёрдамга чақираётган Сайдуллага кўмаклашади, отаси қамалганда уни боқиб ўтиргани учун эридан: «халқ душманининг боласига ачинган одамнинг ўзи ҳам душман», деган танбеҳини эшитиб, калтагини еган Рўзихон аянинг кўнглини олиб, аҳволини сўради, йўлга қулаб ётган онаўриқнинг инграб шивирлаганини эшитади ва шу аснодан эътиборан бутунлай бошқа одамга айланади.

Қуръонда токи феълингизни ўзгартирмагунингизча мен сизнинг қисматингизни ўзгартирмайман, деган оят бор. Одамларнинг феъли айнимаса, нияти бузилмаса, ўртадан меҳр-оқибат кўтарилмаса, имон сусаймаса, инсон бошига офат ёғилмайди. Хуршид Дўстмуҳаммад бу кўҳна ҳақиқатни — одамларнинг маънавиятида юз берган zilzila, таназзулни мохирона тасвирлайди. Агар Абдували муаллим отамоср ҳовлисига уч туп ўрик ўстиргани учун уни давлат мулкига хиёнатда айблаб, халқ душманига чиқаришмаганда, ҳамқишлоғи Аппон зақун виждонини сотиб, унинг жиноятчи эканига далил-ҳужжат келтирмаганда, Рўзихон аянинг эри ноҳақ қамалган Абдували муаллимнинг ўлиғи қарагани учун хотинини ўласи қилиб урмаганида, zilzilaдан зарар кўрганларга моддий ёрдам берувчи комиссиянинг раиси уй босиб тушган Гулгун беванинг ҳақиқа хиёнат қилмаганида, Аҳмадалининг опаси қудаси бўлмиш Аппон зақуннинг бир йилдан бери шифтга қадалиб ётганини, тўйга қатнаша олмаслигини мамнуният билан айтмаганида эҳтимол zilzila рўй бермас, Жўба қишлоғини ер ютмас эди. «Паноҳ»ни ўқиб оламнинг ишлари ҳамisha одамларнинг феъл-атворида, ниятига боғлиқ эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Асар номида ҳам рамзийлик бор. Кишининг имони заифлашиб, қалби дарз кетганда, кўра-била туриб, ҳақни ноҳақдан ажратмаганда, меҳр-оқибат завоқ топганда, одамнинг кўзига дунё тангу тор кўринганда бош олиб кетадиган, таскин-тасалли, юпанч топадиган, виждонини хиёнатга ҳою ҳаваслар васвасасидан асраб қоладиган маскани бўлиши керак. Бундай маскан ҳар биримизнинг ўзимизда, уни кашф этиш имкони ҳам ҳар кишининг ўзи қўлида.

Тирноғи кўчган Аҳмадалининг қўли зирқираб, худди тирноғи орасига пона қоқилгандек азоб беради. Бу ҳам рамз. Пона аслида унинг тирноғи орасига эмас, ўтмиш билан бугун, киндик қони тўкилган қишлоқ билан янги қурилаётган шаҳарча орасига қоқилаяпти. Бу ўзгариш ҳали кўпларнинг ҳаётини остин-устун қилиб дилларини вайрон этади.

Хуршид Дўстмуҳаммад одамларни ҳам зоҳирий, ҳам ботиний паноҳини излаб топишга ундайди. Бу йўлда хато қилмаслигимиз, адашиб-улоқмаслигимиз учун дунёнинг чиркин ишларига аралашиб булганмаган, ҳар қадамда тергаб, ҳисоб талаб қилиб турадиган руҳий қиёфамизни — ўзлигимизни топишимиз лозим. Хуршиднинг қисса ва ҳикояларида руҳий олам билан моддий олам бир-бирига омухта тасвирланади, биз бу дунё билан у дунёнинг вакиллари ни ёлма-ён кўрамыз, икки олам ўртасидаги чегара йўқ. Одатда одам шундай яшайди-ю, бироқ ҳанузгача бу нарса адабиётимизда ўз аксини топмаган эди. Хуршид Дўстмуҳаммад биринчилар қатори мана шу бўшлиқни тўлдиришга жазм этди. Ивланувчан ёзувчининг асарларидаги мана шу ўзига хослик ҳақида адабий танқидчиликимиз ҳалигача ўз фикрини айтгани йўқ.

«Паноҳ» қиссасининг яна бир фазилатини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Асар тарашланган, пухта, оҳорли тилда ёзилган. Тасвирлар тиниқ, жумлалар лўнда, диалогларда ортиқчалик сезилмайди. Ёзувчи сўзининг салмоғини ҳис этади ва уни ўз ўрнида ишлатади. Воқеалар биз одатлангандек батафсил эмас, бир-бирини тўлдирадиган узук-юлуқ лавҳалар орқали тасвирланади. Бу — изланаётган ёзувчининг тажрибаси. Менингда унинг уриниши олқишга сазовор.

Усмирлар ўртасидаги жиноят сўнги йилларда кўпайса кўпайдики, асло қамаяётгани йўқ. Бу ҳақда вақтли матбуотда, ҳатто халқ депутатларининг қурултойида ҳам ташвишланиб гапирилди. Кўча-кўйда кўнгил хуши учун кимларгадир илиқиб ҳаромдан топилган болалар йил сайин эмас, ой сайин, кун сайин кўпайиб бормоқда. Бундай болалар учун етимхоналар, шифохоналар қуришдан бошимиз чиқмаяпти. Болаларни асраш телемафони ўтказилиб миллион-миллион хайр-эҳсон йиғилаяпти. Тўғри, эркак билан аёлнинг ношаръий хатти-ҳаракати учун бола айбдор эмас, бироқ у шўрпешонанинг манглайига, энг ёмони қалбига ҳаромзода деган тавқи-лаънат муҳри босилади. Қадим римликларда фарзанд истаган эр-хотин қўшилидиган кунни ҳаммомга тушиб, энг яхши либосларини кийишар, тансиқ таомлар еб, озода ўрин-тўшакларни солишар, чироқларни ёқиб, уйни чароғон этгандан кейингина бир-бирининг висолига етишар экан. Шунинг учун ҳам бу ердагилар инсониятга дунёни ҳайратга соладиган санъат асарларини, меъморлик обидаларини, фан дурдоналарини, ҳарб илминни берди. Разолат ва фаҳш авж олган Арабистонда поклик ва инсонийлик маёғини ёққан Муҳаммад пайғамбар одамзодни ёмонликдан, нопокликдан, ҳайвоний ҳаваслардан қайтарди, Муҳаммад пайғамбар туфайли ҳалол ва ҳаром, шаръий ва ношаръий деган тўшунчалар пайдо бўлди. Шаръий никоҳдан бола топиб, ҳалол неъматлар билан ризқлантириш фарз қилинди. Афсуски, Совет Иттифоқида ношаръий йўллар билан бола топиш шу қадар авж олганки, бу ҳақда гапиришнинг ўзи уят. Телемафонда кўрсатилган валадизиноларнинг ранги-руйига эътибор бердингларми? Уларнинг рангини, ирқини, миллатини ажратиш маҳол. Бу болаларга раҳм қилмаслик одамгарчиликка тўғри келмайди, меҳр кўрсатиш эса фаҳшга баттар ривож тилаш билан баробар. Мамлакатимизда тул хотинлар беҳисоб. Уларнинг кўплари ношаръий йўл билан бола топган-у, ҳеч кимнинг ухлаб тушига қирмаган имтиёзлардан фойдаланишади: бенабат уй, то боласи

18 ёшга тўлгунча 30 сўмдан нафақа олишади. Ваҳоланки, шаръий эридан ҳалол бола топган аёл эса боласи 8 ёшга киргунча атиги 12 сўм олади ва жамиятнинг биронта имтиёзидан фойдаланмайди.

Фақш шу зайл рағбатлантирилган, Тоҳир Маликнинг «Алвидо, болалик» қиссасида айтилганидек, Қамариддинлар кўпаяди, уларнинг атрофида Салим, Асрор сингари мустақил фикри йўқ болалар тўдаси пайдо бўлаверади, жиноятчилик авж олаверади. Тўғри, улар Санжар Келдиёров эмас, келдиёровлар бунақалардан кўра хавфлироқ, чунки улар ҳамиша давлат ҳимоясида, ҳукумат номидан пуштиланоҳ бўладиган, бошини силайдиган, ҳақиқат излаганларнинг танобини тортиб қўядиган асахонлари бор. Қамариддиннинг-чи? Ҳеч кими йўқ. У валадизини! Отаси кимлигини билмайди. Онасини волидам дейишга ор қилади, ҳар қадамда ҳақорат эшитади, хўрланади. Бу нарса уни аламдийда, шафқатсиз кимсага айлантиради, ўликнинг ҳам чўнтагини кавлаштириб, пулини қоқиб оладиган даражага бориб етади. Ҳаётнинг шафқатсиз зарбалари, онасининг ювиқсизликлари, қамоқ азоблари унга кўп нарсаларни ўргатади, яхши маънода ҳам, ёмон маънода ҳам оқ-қорани танитади. «Мен билан отанг ўртасида нима фарқ бор, биласанми? — дейди у Асрорга. — Мен ўғриман. Қўлга тушсам — кетдим. Отанг ҳам ўғри. Лекин у қўлга тушмайди. Мен одамларни қон қақшатиб оламан. Отанг кулдириб туриб, ўйнатиб туриб олади».

Қамариддин-ку аламзадалиқдан нобоп йўлга кирган экан, лекин Салимни нима мажбур қилди? Йўқчилик! Совет давлати дунёда энг инсонларвар давлат, совет болалари энг бахтиёр болалар деган сталинча, брежневча ғайринсоний шioriни ўзига ниқоб қилиб олган тузум келтириб чиқарган йўқчилик, ночорлик Салимга ўхшаганларни жиноят йўлига бошлади. Асрор эса одамлар орасида бўйидек бўй топган-у, лекин кўнглидек кўнги топмагани учун Қамариддинга илакишиб қолган. Бу жиноятчининг отасидан кўра шафқатли, меҳрибон, тўғрисиўз эканини кўриб, фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб кетади, дунё ҳақидаги, одамлар ҳақидаги тасаввурига пўтур етади. Энди кимнинг этагидан ушлашни, кимга эргашишни билмай қийналади ва бирдан-бир нажот — ўлим деган хулосага келади. Фақатгина отарчи отаси жиноятчи Қамариддин эмас, ҳатто жуғрофия муаллимаси Аъзамхонова ҳам Асрорнинг фожией ўлимини тезлаштиришга хизмат қилади. Ўз вази-фасини болаларнинг қалбига қулоқ солиш эмас, фақат дарс ўтишдан иборат деб ҳисоблайдиган бундай манқуртларнинг жамиятга етказётган зарари беадад. Бугун маориф соҳасини тубдан янгилаш, ўзгартириш керак деган ҳаётий талаб ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Санжар Келдиёров ва унинг ҳамтовоқлари эса бўзилган социалистик жамият вояга етказган тўраларнинг, ўзини ҳамма нарсага қодир деб ҳисобловчи манман киборларнинг арзандалари. Бундайлар жамияти-мизда кўп, уларнинг сони кун сайин ортиб борапти. Ижтимоий тенгсизликини йўқотиш учун қуролли инқилоб қилган, одамларни эзувчи бойлар, текинхўр, муштумзўр золимлар ва эзилувчи йўқсулар синфига ажратган жамиятда энди амалдор боёнлар ва уларнинг корчалонларидан иборат бутунлай янги бир синф пайдо бўлди. Бу синфнинг жамиятга, инсониятга етказётган зарари пахтага сепиладиган кимёвий дорилардан, Чернобиль ҳалокатидан кам эмас. Тоҳир Малик бу нарсаларни имкон қадар холис кўрсатишга уринган. Бизга ўсимрлар ўртасидаги жиноятчилик ҳақида ёзилган шундай асар жуда ҳам зарур эди. Қисса равон тилда, осуда ёзилган, юқорида айтиб ўтилганларнинг ҳаммаси асарнинг фазилати. Қамариддин образини эса ёзувчининг ютуғи дейиш мумкин. Тўғри, дунё адабиётида бундай қаҳрамонлар йўқ эмас, Тоҳир Малик улардан ижодий ўрганиб, бизга янги бир одам ҳада этган. Асрорнинг руҳий изтироблари ва ўзини ўлдириши ҳам ишонарли чиққан. Умуман, ёзувчи ҳаётнинг шафқатсизликларини холисона тасвирлашга уринган, афсуски шу жараёнда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйган. Аввало, асарнинг шакли ўзини оқламаган, Аҳбор билан суҳбатлар ҳеч нарсага хизмат қилмайди. Иккинчидан, Тальят образи рус адабиётида, хусусан кинода кўп такрорланган таниш образ. Унинг хатти-ҳаракатлари аввал-бошданок кимлигини фош этиб туради. Майор Солиев ҳам кўп жиҳатдан «Бўлим инспекторининг сўнги куни» киносидаги Михаил Жаров ижро этган қаҳрамонга ўхшаб кетади. Унинг изкуварлигида ҳам, жиноятларини фош этишида, ҳам, ҳалоллигида ҳам у қадар янгилик йўқ. Тоҳир Малик майор Солиев баҳонасида ички ишлар соҳасида ҳам нопоклик, виждоннинг эмас, юқоридагиларнинг амри билан иш қилиш ҳукмронлигини кўрсатмоқчи бўлган, лекин бу янги ният чала қолган. Менинчча, майор Солиевга тайиқ ўтказилиши баҳонасида ички ишлар, прокуратура соҳасидаги қаллобликларни, порахўрликни очиб ташлаш лозим эди. Ахир сўнги йилларда жумҳурият ва мамлакат миқёсидаги ички ишлар министрлари, муовинлари, бошқарма бошлиқлари порахўрлиги, уюшган жиноятчиларни хаспўшлагани, не-не яхши одамларга ноҳақ зулм ўтказгани учун ишдан олиняпти, қамалаяпти. Тоҳир Малик мана шундай далилларни четлаб ўтмаслиги керак эди.

Қиссанинг яна бир камчилиги ҳаддан ташқари батафсиллиги. Детектив асарда воқеалар шитоб билан, тез ривожланиши, ўқувчи уларни ҳаяжон ва бетоқатлик билан кузатиши керак. Афсуски, «Алвидо, болалик» ўта батафсил, айрим ўринларда эса чўзилиб кетган. Айниқса, жиноятлар фош этилиб, китобхонга ҳамма гап кундай равшан бўлиб турса-да, майор Солиевнинг кўрсатмалар беравериши, ҳали Тальятни, ҳали лейтенантни ишга буюриши, Салимнинг ва Қамариддиннинг онаси билан савол-жавоблари ортиқча. Худди ўқувчининг оғзига нон чайнаб қолиб қўйгандек, ҳамма жиноятчиларнинг ушланишини, ҳақ қарор топишини муфассал кўрсатиш шарт эмас эди, деб ўйлайман.

Фарида Қорақуллованинг «Қора гуруҳ» қиссаси ҳам жиноятчи ва изкуварлар ҳақида. Фотима номли кўҳлик жувонни машина уриб кетади. Ҳали жиноят эзига тушиб улгурмай марҳуманинг тириклиги, ярим кечаси уйига келгани маълум бўлади. Майор Уткир Хусанович бошчилигидаги изкуварлар бу сирли иш билан шуғулланиб — жуда кўп иш билан шуғулланиб, жуда кўп қотиллик ва қилвирликларни фош этади. Охир-оқибат маълум бўлишича, Фотима ўз синглиси Зухрани ўлимга маҳкум этади, уни машинада бостириб кетган Жавлон Бойматов қизларнинг қуйиб қўйгандек ўхшашлигига алданиб, ўз маъшукасининг қотилига айланади. У қўлга олинган, касалхонага жойлаштирилади, бироқ удабурон Жавлон тўртинчи қаватнинг деразасидан тушиб, ғойиб бўлади. У қочиб борган ҳовли топилади-ю, ўзининг қаердалиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди.

Аввало бизда ҳам детектив жанрга қизиқиш ортганидан, қаламқашларимиз жиноят-қидирув бўлими ходимларининг машаққатли ишини ўрганишаётганидан ва юз бераётган фожиаларни ўз қаҳрамонлари руҳияти орқали таҳлил этишаётганидан қувонганимиз керак. Сўнги йилларда адабиёт-техмининг жанр ва мавзу қўлами анча кенгайди: илмий фантастика осмондан ерга тушди, ижти-

мойи-сиёсий, ҳатто ахлоқий тубанликлар ҳақида ёзилган асарлар пайдо бўлди. Бу асарларнинг савияси қай даражадалигидан қатъи назар адабиётимизга янги кучлар кириб келаётганидан, излашни юз бераётганидан, айниқса, хотин-қизларимиз орасидан бадиий ижоддек машаққатли ишга ўзини бағишлаётганлар етишиб чиқаётганидан қувониб керак.

Фарида Қоракулова қалами анча пишиб қолган, нимани, қай тарзда ёзишни биладиган, одамларга айтадиган зарур гап бор адиба экан. Шунга қарамай, «Қора гуруҳ»даги воқеа-ҳодисалар адибанинг хоҳиш-иродаси билан юз беради, шу боис жиноятлар тафсилоти, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари яхши очилмай қолган. Бу асарда биз Тоҳир Маликнинг қиссасидаги шафқатсиз ҳаёт зарбаларидан дийдаси қотиб, аламзада кимсага айланган Қамариддинни, ўз оиласида руҳий таянч тополмаган серфикр Асрорни учратмаймиз, аксинча юзаки баёнга дуч келамиз, на жиноятчилар, на изкуварлар ўқувчининг эсида қолади. Ваҳоланки, қисса сирли бир тарзда жуда яхши бошланган, аммо муаллиф бу руҳни сақлаб қололмаган. Детектив жанрдаги асарлар Артур Конан Дойлнинг Шерлок Холмс туркумидаги ҳикояларидагидек қизиқарли, киши ҳаяжон ва хавотирда ўқийдиган бўлиши керак. Фёдор Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романи ҳам бир қараганда детектив асар. Муҳтожликдан ҳоли тангу тор бўлган ёш йигит пулдор кампирни чолиб ўлдиради ва шундан сўнг бутун асар давомида ўз жиноятини таҳлил қилади, изтироб чекади, қон тўкиб топган бойлигидан эҳтиёжи учун фойдаланмай айбига иқрор бўлади. Бу роман жаҳон адабиётида детектив эмас, чуқур психологик асарларнинг мумтоз намунаси ҳисобланади. Демак, у ёки бу жанр қаламқашга яхши ёзмаслик, изламаслик имтиёзини бермайди. Қишлоқ мавзусида, детективми, барибир, адабий асар ёзилар экан, барчасига бир хилда талаб билан ёндашиш, уни маънавий мулк бўлишига арзийдиган савъат намунасига айлантириш керак. Бу жиҳатдан Фарида Қоракулованинг қиссаси ҳали анчагина оқсайди.

Аббос Саидовнинг «Райҳон иси тутган ҳовли» қиссасининг қаҳрамони Аппон чол ўлишга қарор қилади: гўрковни ҳоли-жонига қўймай олдиндан ўзига гўр қаздиради, қуролдош дўсти Шокиркини қириб келади, отасидан мерос қолган китобларни унинг ёзувчи неварасига ҳадя қилади. Тилла жиннига пўстини билан теллагини беради, бирга жанг қилган мунофиқ ошнаси Абдулазизнинг башарасига тубан қилмишларини айтиб, уйдан ҳайдаб чиқаради, фақат Анормат носфуррушнинг хотини Салтанат Бўривой билан дон олишишни ҳеч кимга айтолмайди, бунга тили бормайди.

Аппон чол шарқона таомилларга риоя қилиб яшаган, ўлимни бу ҳовлидан нариги ҳовлига кўчиб ўтишдек табиий бир ҳодиса деб билган оқил одам. Бу одам тимсолида ҳаётда камайиб бораётган, адабиётимизда ҳам кўндан бери соғинтирган миллий қиёфани кўрамыз. Аппон чол ҳеч нарсага ва ҳеч кимнинг тақдирига бефарқ эмас. У гўрковнинг касалманд ўғлига ачиниш, уни тезроқ даволатиш зарурлигини ўқтиради, акс ҳолда бола улғайгач, ота-онасидан домонгир бўлиб қолади, дейди. Салтанат билан Бўривойнинг қабристонда ювиқсизлик қилишаётганини кўриб ўзини уларнинг гуноҳига шерик бўлиб қолаётгандек ҳис этади, Мўлдаҳматни ноҳақ қаматиб юборишганини эшитиб, юрак-бағри эзилади. Ноҳақ қамалиб, Содирнинг хиёнатларидан жабр кўрганда ҳам, Абдулазиз ўтмиш хотираларини оёқоти қилганда ҳам ҳаётдан қолимайди, маккор Абдулазиз мунофиқлик йўли билан орден олиб, ўзи кўпчилик ичида мулзам бўлганда ҳам тақдирининг шум ўйинларидан оғринмайди, аксинча, Абдулазизнинг қилвирлигини бетига солишдан узоқ вақт ўзини тияди ва ниҳоят юрагини бўшатади эртасига асрга чиқарилади.

Бу образ ҳеч бир муболағасиз Аббос Саидовнинг ютуғи. Бироқ ютуқ мукамал эмас. Бунга муаллифнинг ўзи айбдор. Қиссанинг бошланишида ноқ сергаплик, батафсиллик (эзмалик дейишга истиҳола қилади киши), такрор, бир марта айтилган гапни сал бошқача кўринишда изоҳлаш кўп. Аппон чолнинг гўрков билан мазор кезиши, икковининг сўхбати ва пировардида ҳали ўлмаган одам олдиндан ўзига гўр қаздириши керагидан ортиқ чўзилиб кетган. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш керакки, Аппон чол маҳалласидаги қабристонга дўсти Шокирнинг биринчи хотини дафн этилганидан, уни Шокирнинг ўғли Рашид машинада уриб кетганидан беҳабар бўлиши мумкин эмас. Намозхон одам мачитга чиқиб туради ва юртнинг яхши-ёмон ишларидан албатта хабар топади. Аппон чолнинг Тиллага пўстин билан телпак бериши воқеаси ҳам чўзиқ, мазорга қайтадан келиб гўрковга хизмат ҳақи бериши эса бутунлай ортиқча. Мазордан қайтаётганида Салтанат билан Бўривойнинг нопок қилмишига гувоҳ бўлиши, уларнинг сўхбатини тўла келтириш асар рўҳига мос тушмаган, Аппон чолдек диёнатли одам икки бетавфиқнинг зиногарлик қилаётганини кузатиб туриши дуруст эмас. Тарихдан маълумки, Умар-ул Одил кўчадан ўтиб кетаётганида бир ташландиқ бинода икки ёш ювиқсизлик қилаётган экан. Умар бир одамни қақриб, сен бу зиногарларнинг қилмишига гувоҳ бўл, мен ҳозир уларнинг калласини оламан, дебди. Гувоҳликка қақрилган одам, эй, одил халифа, ахир улар номақбул ишларини бировлар кўриб қолмасин деб панада қилиш аяпти-ку, сен нега ошкор этишинг керак? Ахир расулulloҳ бировнинг пинҳон сирларини очувчи бўлманг, дея ўгит берганлар-ку, дебди ва кесак олиб деворнинг тирқишига тиқиб қўйибди. Аппон чолдек тақводор одам бу ривоятни билмаслиги мумкин эмас, билъакс расулulloҳнинг ҳадисига амал қилиб, ношаръий иш юз бераётган жойдан тезроқ қочишга уриниши керак эди.

Аппон чолнинг ота арвоҳи билан сўхбати ғайритабиий, бу лавҳа фақат: «яратганнинг ишига аралашма», деган биттагина гапни айтиш учун берилган. Шундан кейин чол отасининг арвоҳи билан учрашгани, китобларни Шокирнинг неварасига бермоқчилиги ҳақида гапирилди. Бу нарсалар фақатгина ҳажмини оширишга хизмат қилади, холос. Янгийўлдан қизи келиши ҳам ортиқча. Ёзувчи бола билан сўхбат ҳам кераксиздек туюлади. Қолаверса, ўша ёзувчи муаллифнинг ўзи экани шундоққина билиниб турибди. Қиссада баён кўп, айрим сўзларни ноурин ишлатиш учрайди. Масалан: миёна сўзи ҳовли миёнаси, фалон ёш миёнасидан, фалон йил миёнасида деб ишлатилади. Деярли барча қаҳрамонларининг юзи тўғарак, ҳатто Толиб чегачининг кўзойнаги ҳам тўғарак. Ёзувчи сўзини ҳис этиш ҳақида жиддий ўйлаб кўрса фойдадан холи бўлмас эди.

Ҳабибулло Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнги кунлари» хотира қиссаси шафқатсиз ҳаёт ҳақиқати, кечаги қабоҳат кунимизни кўрсатадиган ойна. Халқимиз Совет ҳокимияти даврида не-не қора кунларни бошидан кечирганини, инсон тақдирини тубан, имонсиз, разил кимсаларнинг қўлида ўйинчоққа айланганини, сталинизмнинг қонли сиёсати ҳукмрон даврда, ҳатто ундан кейинги йилларда ҳам истеъдодли бўлиш, халқнинг дардини айтиш, ростгўйлик билан холис фикр юритиш жиноят ҳисобланганини, худо берган чинакам истеъдодларни орадан кўтариб ташлаш оммавий

эҳтиёжга айланганини кўрсатувчи ҳужжат. Абдулла Қодирийнинг 1938 йили 5 октябрда отилганини ўқиб эгим сесканиб кетди. Шундай истеъдодли, шунчалик хокисор инсонга милтиқ ўқталишга қандай кимсанинг қўли борди экан? Бор-йўқ гуноҳи халқни севиш ва уни шоҳ асарларида мадҳ этишдан иборат бўлган улуғ зот кўкрагини нишонга олишдан ҳаёлидан қандай ўйлар кечди экан? Уни сиёсий жиноятчиға, халқ душманиға чиқарган қаламкаш дўстлари, нега хиёнат кўчасига кирганини англаб етолмай гаранг бўлмадимикин? Ҳатто пулини еб кетган одамдан қарзини сўрашга истиҳола қиладиган, кўчада қолган бечораларни уйига опкели боқадиган, ҳовлисида етиштирган кучоққа сизмас қовналарини қўни-қўшинисига текин улашадиган, картошканини Тоштрам ишчиларига тортиқ этадиган, энг муҳими, ўз бурчини ҳалолликда, садоқатда деб билладиган оқкўнгил адиб ён-вериди ивирсиб юрган шоиру ёзувчиларнинг разиллигидан, жаллоднинг ойболтасини бажонидил қайраб беришларидан нечоғли изтироб кечди экан ўша аснода. Ахир бу дунёда ҳар ким ўз қилмишиға яраша ажр олади-ку, ёмонлик ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Қодирийнинг устидан ўлим ҳукмини ўқиганларнинг кўпларидан аллақачон одамлар қўл ювишди, ҳозир ҳам ҳаёт бўлганлари эса тирик мурдаға айлини элнинг назаридан қолди. Қодирий истеъдоди, ҳалоллиги туфайли қайтадан қалбларимиз тўрида.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Комил Яшин Олий суд, прокуратура, ДХК архивларида сақланган ёзувчиларға дахлдор ҳужжатларни ўрганадиган комиссия тузишни ва бу ишни ёшларға топширишни таклиф этади. «Ушанда, — деб ёзади К. Яшин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1988 йил 16 декабрида чиққан мақоласида, — қаламкашлик ниқоби остида хиёнат кўчасига кириб ҳалол одамларнинг оёқларидан чалган кимсаларнинг башаралари аниқ кўринадди. Жиноят орадан кўп йиллар кечганиға қарамай бежазо қолмаслиги лозим. Утган муддат хиёнаткорларни оқлашға ожизлик қилади». Комил Яшин юз фоиз ҳақ.

Тарихнинг бу қора кечмиши бизға сабоқ бўлиши, ундан тўғри хулоса чиқариб олишимиз лозим. Токи бундай хатолар минбаъд такрорланмасин.

Менға қолса, Совет даври адабиётини бўямасдан, ҳеч нарсани хаспўшламасдан, ёзувчиларнинг ижтимоий ва инсоний қамчиликларини очиқ-ойдин кўрсатиб, ижодкорларнинг шахсий қурсур ва фазилатларидан қатъи назар, маънавиятимизға қўшган ҳиссасини ҳолисона баҳолаб ўрганиш керак. Токи, келгуси авлод халқимиз қандай кунларни бошидан кечирганини, ижтимоий тузум одамларни не қўйларға солганини, имон-этиқод оёқости бўлганда не қўйларға тушиши мумкинлигини, ҳар қандай диктатура — хоҳ у йўқсилники бўлсин, хоҳ бошқа синфники, инсон ҳуқуқларига дахл этиб, мислсиз мусибатлар келтиришини билишимиз.

Марҳум ёзувчимиз Уктам Усмонов турғунлик даври халқимиз бошиға солган мусибатлар, жабру ситамлар ҳақида яхши бир асар ёзиб қолдирди. Қиссада қаламға олинган воқеалар биз ҳаётда кўп марта дуч келган, ханузгача илдизи қирқилин битмаган кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш ва ундан келиб чиқадиган фожиалардир. Бу фақатгина Тошмаматнинг изтироблари, Исмоиловнинг пушаймонлари эмас, балки чорасизликдан ҳам чора топиб, айбни яна бировларнинг гарданиға ағдаришни кўзлайдиган исломхўжаевлар, янгибевлар тўдаси нималарға қодирлигини кўрсатадиган ва ҳар биримизни чуқур ўйға толдирадиган, бундай ишларнинг олдини олиш учун мен нима қилдим, деган дардли сўроқ-ла вужудимизни симиластадиган асар. Уқувчи Исмоиловға ҳам, Исломхўжаевға ҳам заррача ачинмайди, уни Тошмаматнинг қисмати ташвишлантиради. Аслида ҳалол, меҳнаткаш бу одам кўрқоқлиги ва соддалиги туфайли қарилланган раис билан райком котибининг қўлидаги кўғирчоққа айланади: гоҳ уни юксак минбарға чиқариб, ерни асраш, ҳадеб пахта экавериш яхшиликка олиб бормаслигини айтган олимға қарши тош оттиришади, сохта ҳужжатларға қўл қўйдиришни гарданиға юклашади. Ҳатто қалти вазиятда ҳам ёлгон кўрсатма беришға мажбур қилишади. Бир қараганда бу нарсалар худди чет эл киноларидаги воқеаларға ўхшайди, бироқ бу мунофиқлик, хунрезлик социалистик жамиятда юз берган. Сурункали бир хил экин экилаверганидан ернинг таркиби бузилган, сув, ҳаво заҳарланган, одамларнинг соғлиги ишдан чиққан, болалар ўлими авж олган бир вазиятда ҳам инсонпарварлик ҳақида оғиз кўптириб, социализмнинг ривожланган даврга қадам қўйгани ҳақида бонг урилган, одамларнинг ризқини қийиб, янгидан-янги қуроллар ишлаб чиқарилган, мустақил фикр, ташаббуснинг пайи қирқилган... Қайта қуриш шарофати билан Уктам Усмонов бу нарсаларни анчагина очиқ ва ишонарли кўрсатган. Тўғри, қамоқхона тасвирида ўта батафсиллик, Исмоилов образида такрор бор, кўтарилган масаланинг моҳиятини очишда изчиллик йўқ ва энг асосийси ижтимоий иллатнинг туб илдизлари қаерға бориб тақалишини кўрсатишға жасорат етишмагани шундоққина сезилиб туради. Ахир, кўзбўямачиликлар, бир-биримизни аҳмоқ қилишлар, меҳнаткаш халқни турли воситалар билан лақлатишлар бутун тузумнинг, ҳақиқий ленинча деб эътироф этилган давлат раҳбарларининг иллати-ку. Халқимизнинг айби эса омилиги, сиёсий савияси пастлиги, ижтимоий идроки сустлиги. Бундай ҳақсизликлар ҳақида асар ёзадиган қаламкашларимиз масаланинг мана шу жиҳатларига алоҳида эътибор беришлари лозим. Кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш фақат беш-унта одам бойлик орттириши учун ўйлаб топилган найрангбозлик эмас, аксинча халқнинг қосасини оқартирмаслик учун, меҳнаткашни эзиб, доим кимгадир тобе қилиш учун ва шу тобелик орқали қулликни, ижтимоий тенгсизликни кучайтириш учун изчил амалға оширилган сиебат эди. Бу нарсани энди очиқ айтаямиз ва унинг даҳшатларини эндигина англаб етаямиз. Уттиз мингдан ошиқ хўжалик, ноҳия, вилоят ҳатто жумҳурият миқёсидаги раҳбар ходимлар қамоққа олинди, қанчаси отишға ҳукм қилинди, қанчаси ўз жонига қасд қилди ва пировардида бутун дунёға «ўзбеклар иши» деб аталувчи тўхматдан иборат манфур овоза тарқатилди. Меҳнаткашликдан бошқа айби йўқ халқ яна яхши фарзандларидан айрилгани етмагандек, юзига қора чапланиб, бадном бўлди. Уктам Усмоновнинг қиссасида масаланинг мана шу жиҳатлари қаламға олинмагани кишини афсуслантиради. Исмоилов, Янгибоев, Исломхўжаев, Барзангилар осмондан тушган эмас, уларни мазкур тузум вояға етказган. Сиёсий воқеаликка дахлдор асар мана шу ижтимоий сабабларни ҳам чуқур фош этиб берганда, янада юксак камолат касб этган буларди. Ахир Янгибоев ва Исломхўжаевларнинг гумашталари томонидан ўлдирилганлар оз эмас-ку. Қамоқхонада юраги уришдан тўхтаган, ақлдан озган, эл-юрт орасида бадном бўлганларга чидолмай ўз жонига қасд қилганлар озмунчми? Давлат ўзи берган олий нишонларига, қаҳрамонлик унвонларига тупурганини биринчи марта

кўриб турибмиз. Инсоният тарихида бундай шармисорлик илгари ҳам бўлганидан хабаримиз йўқ. Юқори ташкилотларнинг субтисизлиги туфайли минглаб хонадонга мусибат дориди, одамлар руҳан ва жисман майиб бўлди. Бу нарсалар асарларимизда бутун мураккаблиги билан руй-рост кўрсатилиши керак.

Асад Асиров «Тоғликлар» қиссасида ўзича мана шу мавзунини давом эттиришга уринган. Бироқ қисса бундан йигирма-ўттиз йил муқаддам пайдо бўлган сийқа қолипга асосан ёзилган. Бу асарда биз яна доно ва адолатпеша райком котибини, юлғич ва мунофиқ ижроком раисини, ҳаддини билмайдиган колхоз раисно ишбилармон агрономни кўрамыз. Инсоний муносабатлар шу қадар ясама, сохтаки, ҳайратдан ёқа ушлайди киши. Одатдагидек колхоз раиси жоҳил, ўзидан бошқа одамни одам ўрнида кўрмайди, ҳеч кимнинг фикри билан ҳисоблашмайди, ҳатто сувларни ҳам тескари оқизиб юборади, унинг суянган тоғи ижроком раиси эса нодонликда раисдан сира қолшмайди. Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, янги райком котибининг ҳузурига кириб, сенга ўхшаганларнинг кўпини кўрганмиз, бу ернинг эгаси биз, бизнинг йўриғимизга кирсанг юрдинг, бўлмаса, думингга челақ боғлаймиз, қабилида аҳмоқона гаплар қилади.

Ўқтам Усмоновнинг «Кишан» қиссасида ҳам худди шундай лавҳа бор. Иккала қиссадаги раис қамоққа олиниб, қисталанг келганда ўз пушти паноҳларини сотган. «Тоғликлар»даги ижроком раиси райком котибини ишдан олдиради. Бу воқеалар ҳаддан ташқари жўн, худди эртаклардаги сеҳрли дуо ёки сеҳрли узукнинг мўъжизасидек, оппа-осон юз беради. А. Асировнинг қиссаси айрим жиҳатлардан Улмас Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» асарига тақлидан ёзилган. У. Умарбековнинг қиссаси бадий жиҳатдан анча пухта, ҳаётий зиддиятлар ишонарли, қаҳрамонларнинг қисмати кишини бефарқ қолдирмайдиган тарзда ёзилган бўлса, А. Асировнинг қиссасидан бундай фазилатларни топиш маҳол. Бирон тўқнашув ёки қирғинлик ҳақида гап очилмади-ю, шу заҳоти ҳақ қарор топа қолади. Бадий адабиёт учун пировард натижа — шундай қилиб мурод-мақсадларига етдилар, дегани эмас, қутилмаган вазиятга тушган инсоннинг кечинмалари, у ёки бу шароитда ўзини қандай тутиши, олижаноблик қиладиёми ёки тубанликка юз бурадиёми — қисқаси, имтиҳон учун берилган умрни қандай яшашини тадқиқ этиши муҳим. Афсуски, Асад Асиров ҳали-хануз адабиётнинг мана шу бирламчи шартини англаб етмаган, англаса ҳам унга амал қилишга қурби етмаган кўринади.

Асад Дилмуродов Самарқанд одамлари, Афросиёб тарихига оид дуруст нарсалар ёзди. Унинг навбатдаги «Мулк» номли қиссаси ғоят муҳим масала — ўттизинчи йилларнинг қора кунлари ва шу талотуп ичида юриб имонидан айрилмаган, дорга осилишини била туриб эътиқодидан воз кечмаган одамлар ҳақида ҳикоя қилади. Агар қиссанинг ғоят муҳим мавзуга бағишланганини, айрим саҳифалари, хусусан сўнгги қисми жонли ёзилганини инobatга олсак, уни мақташ ва муаллиф шаънига фақат олқиш ёғдириш лозим. Бироқ мен гапни танқиддан бошламоқчиман. Ёзувчи маданият тарихимизга қора чирик тортган ва дилимизни ўртаётган қабоҳат кунлар дардини чуқур ҳис этимай ёзган кўринади. Қиссанинг тенг ярни ҳаддан ташқари зерикарли, ясама такаллуф, эриш туюладиган лутфу қарамлар, кераксиз савол-жавоблардан иборат.

30-йиллар охирида Туркистонда «ҳамма жиҳатдан ноқулай» арабий имлодан воз кечиш хуружи бошланди. Бу имло кимлар учун ноқулайлик туғдиргани ҳалигача ўрганилгани ва бу вазъат замирида қандай қора ният ётган халққа очик айтилгани йўқ. Фаттоҳ Обидийлар ота-бобосининг тарихи битилган имлодан ҳазар қилишади, уни жаҳолат, миллатчилик негизи деб билишади. 30-йиллардаги қонхўрлик сиёсати Фаттоҳ Обидий сингари калтабин, нодон кимсаларнинг қўли билан амалга оширилган, Уста Жамшиддин тўтиёдек нодир китоблар йўқолиб кетишидан кўриқиб, уларни оғилга кўмади, Қуръони шариф оёқости бўлмаслиги учун акаси билан уни сувга оқишишади, таниш-билишларига тарқатишга шошилади. Бироқ оммавий яқсончилик, вайрончилик, қириш ҳаракати авж олган пайтда нанкин китоб, киши, ҳатто ўз жонини ҳам асраши маҳол. Асад Дилмуродов мана шу аянчли аҳволни руй-рост акс эттиришга уринган. мен қиссани ўқий туриб беихтиёр Тенгиз Абдуладзенинг «Тавба-тазарру» фильмини эсладим. Т. Абдуладзе 30-йиллардаги қора кунлар фақат гуржи халқининг эмас, балки бутун инсониятнинг бошига тушган фожиа эканини, сохта таълимотларга, сохта шоирларга ишонган одамлар шундай жазога мустаҳқиқлигини санъаткорона маҳорат билан кўрсата олган. «Тавба-тазарру»да кечаги, бугунги кун омухта бўлиб кетган. Шартлилик, рамзийлик, тасаввур кўламининг кенглиги асарнинг бадий қимматини оширган, «Мулк»да эса биз бундай воситаларни кўрмаймиз. Ваҳоланки, танланган мавзу, умр бўйи бир-бирига меҳроқибат кўрсатиб келган дўстларнинг замона зайли билан ўз жонини асраш пайига тушиши, ҳатто Фаттоҳ Обидийларнинг тазйиқи остида машъала кўтариб, бебаҳо китобларни ёқиши, ақидасидан воз кечиб, замонасозлик қилиши турли бадий воситаларни қўллаш имконини беради. Афсуски, Асад Дилмуродов бундай имкониятдан фойдаланмаган. Оқибатда қисса зерикарли, юракни жизиллатмайдиган бўлиб чиққан. Ёзувчи баёнда ҳам, қаҳрамонлар нутқида ҳам классик тил унсурларини қўллашга уринган. Бироқ бу уринишни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди, ясамалик, зўрма-зўракилик сезилади. Бу жиҳатдан Хайриддин Султоновнинг «Кўнгил озодадур...» қиссаси муваффақиятли чиққан дейиш мумкин.

Адабий ҳаётда юз берган воқеа-ҳодисаларни ижодкор айнан баён этмаслиги — нухса кўчирмаслиги, аксинча уларни бадий идрок этиши, фикран, қалбан қайта ишлаши керак. Афсуски, кўпгина қиссалар мана шу жиҳатдан оқсайди. Хуршид Дўстмуҳаммад билан Хайриддин Султоновдан бўлак ҳамма деярли бир хил усулда, анъанавий қолипда ёзган. Бу асарлар бир-биридан фақат воқеалари билангина фарқ қилади, на шаклан, на руҳан, на фикран ўзига хослик бор. Бу қиссачиликда изланиш, янгилликка интилиш сустилигидан далолат беради. Қачонгача нуқул воқеабанд баённомалар ёзилаверади? Бугунги китобхонга чайнаб берилган нон керак эмас. У бадий адабиёт орқали дунёни бошқача кўришни, ҳис этишни, ўз ҳаётини бутунлай бошқача нуқтаи назар билан идрок этишни истайди. Афсуски, бугунги қиссачилик бу талабни қондирадиган даражада эмас экан.

Муроджон Мансуровнинг «Аломат одам» қиссаси ним кулги билан йўғрилган, ўқилиши энгил, ҳазми осон асарлардан. Муаллиф Адҳам Ҳамдамни прототип қилиб олгани хайрли иш. Бу халқимиз орасида тирак афанди деб ном қозонган латифағўй ёзувчи ҳақида ёзилган илк асар. Муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, у ҳали тугал эмас, уни Адҳам Ҳамдамни биладиган, ичакузди лати-

фаларини эшитган, алалхусус надоматли қисматини кўрган ва бундан тегишли хулоса чақарган қаламқашлар билан баҳамжиҳат тўлдириш керак.

Сиртдан қараганда қисса фақат ҳазил-мутобиба гаплар йиғиндисиға ўхшайди. Кўпгина саҳифалар чиндан ҳам шундай. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса афандитабиат Аҳад ака ҳаётда фақатгина латифа айтиб юрмайди, балки деҳқоннинг ғамини еб, пахтанинг эрта пишар навларини етиштириш ҳақида бош қотираётган олимларни, ҳўжалик раҳбарларини танқид қилади. Ёзган фелъетони учун обком котибидан танбех эшитиб чиққач, қадимги адолатли жазо усули — айбдорни эшакка тескари миндириб кўчама-кўча сазойи қилдиришни орзулайди. «Бир номаъкулчилик кўчасидан ўтган, кейин ўтмайди, деб ким айта олади. Юрт билдими, жазоси тайин. Токи ҳаммага ибрат бўлсин. Қани шундан кейин ҳам қайси мард юрак ютиб номаъкулчилик кўчасига кираркан. Ким сазойи бўлишни истайди. Ана, илгариги юрт оқсоқолларининг омилкорлиги қатда!»

Чиндан ҳам бундай жазо усули бугун бизга ҳар жиҳатдан қўл келарди. Не-не ҳукумат раҳбарлари, турли соҳаларнинг нозирлари, катта ташкилотларнинг бошлиқлари поражўрлиги, юлғичлиги, маиший бузуқлиги учун ишдан олинадди, қамалади, бироқ орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна оқлашиб, бояги-бояги айшини суриб юраверади.

Агар «аломат одам» — Адҳам Ҳамдам бу ҳолни кўрганда, биронта латифа тўқиб, яна катталарга ёмон кўриниши турган гап эди.

Қиссадаги Тоғанинг қайсарлиги, ўзсўзлигига боғлиқ воқеалар топиб айтилган, айниқса билармон райком котибини чивинга талатиши ишонлари чиққан. Биз бундай нодон кимсаларга ҳар қадамда дуч келамиз-у, ҳалигача уларнинг асл баршарасини очигаш журъат этолмадик. Муроджон Мансуров қиссада комсомолдан етишиб чиққан маҳмадона, ҳеч вақога ақли етмаса-да, ўзини доно қилиб кўрсатадиган, отасига ҳам насиҳат қиладиган райком котибларининг асл қиёфасини кўрсатиш имкони бор эди. Деҳқоннинг ҳамон таппи ёпи кун кўраётганини, ўттиз-қирқ сўм маош билан зўрға рўзгор тебратаетганини, хотин-қизлар даладан бери келмай эркашода бўлиб кетишганини, одамлар заҳардан нафаси бўғилиб ўлишаётганини, дори сепилган даланинг ўтини еган моллар ҳам ўлишаётганини, ариқдан сув ичган болалар ичбуруғ бўлиб ҳолдан тойишаётганини ва ниҳоят, буларнинг ҳеч бири на ноҳя, на вилоят раҳбарларини тирноқча ташвишлантираётганини, чунки улар махсус ошхона, махсус дўкон, махсус касалхона, махсус дам олиш масканлари билан таъминланганини кўрсатиш мумкин эди. Афсуски, ёзувчи бунга ботинолмаган. Шу боис қиссанинг юки енгилроқ, ўқувчини шунчаси қилдириш учун ўйлаб топилган ҳангомалар йиғиндисиға ўхшаб қолган. Машҳур «Ун икки курси» романи ҳам майнавозчилик, бошдан-оёқ латифанамо воқеалардан иборатга ўхшайди. Бироқ бу воқеалар замирида ижтимоий ҳақиқат, этиқодсизлик, зўравонлик, кўр-кўрона эргашиш натижасида келиб чиқадиган фожиалар ва энг муҳими, давр инсон тақдирини ўзгартириб, ўйинчоққа айлантириши, истеъдодли, ишбилармон одамлар қолиб, пандавақи, овсар давлат тепасига чиқиб олгани беқиёс улкан маҳорат билан кўрсатиб берилган. «Аломат одам» ҳам моҳиятан шундай асар бўлиши керак экан-у, бироқ бунга қаламқашнинг маҳорати етмаган кўринади. Аввало тил танланган жанр талабига мутлақо жавоб бермайди. Биз Неъмат Аминовнинг «Елвизак» қиссасини кула-кула ўқиймиз, муаллиф тили ҳам, қаҳрамонлар нутқи ҳам беихтиёр кулги кўзгайди. Афсуски, Муроджон Мансуровнинг қиссаси хусусида бундай фикр айтиш маҳол. У киши табиатан ҳажвчи ёзувчи эмаслиги сабабли топган топилдиғини кўз-кўз қила олмаган. Натижада «Аломат одам» енгил ўқилиб, осон унутилиб кетадиган асар бўлиб қолган.

Шу ўринда кўнглимдан кечган бир истакни айтиб ўтмоқчиман. Менинчга, аввало, Адҳам Ҳамдам латифаларини тўплаб, нашр этиш зарур. Бундай тажриба жаҳон адабиётида кўп учрайди: уйғурларда Салай қаққон, туркларда Дада Қўрқут... Адҳам Ҳамдам латифалари ҳам оммалашиб, халқимиз номини жаҳонга танитса ажаб эмас.

Истеъдодли ёзувчи Хайриддин Султоновнинг «Кўнгил озодадур...» қиссасини ўқиб чиққач, бир япон ривояти эсга тушди. Хизматкор бола хожасининг ҳузурига кирибди-да, очик чехра билан уч-кунга ижозат сўрабди. Хожа руҳсат сўрашининг боиси билан қизиқибди. «Отам қазо қилди, расм-русмларни ўтказиб келсам», дебди хизматкор тавозе билан. Хожа дарғазаб бўлиб ўшқирибди: «Отанг ўлган бўлса нега тиржайиб турибсан, аҳмоқ?!» Хизматкор ҳамон вазиятини ўзгартирмай: «Бу мусибат менинг бошимга тушди, ўз дардимни айтиб сизнинг ҳам кўнглингизни ғаш қилишининг нима кераги бор», дебди.

Хайриддин Султонов маънавий қашшоқлик — кўнгил мулки аро пайдо бўлган харобатлар, Гулҳаний билан «Гулхан» журналининг фарқиға бормайдиган кимсалар, бир тешикка чош-чош қиладиган ота билан бола, тоға билан жианлар — бугунги кунимизнинг Кўланкир султонлари келтириб чиқараётган фожиаларни қаламга олган. Қисса мажозийлиги, Гулҳаний билан дунёнинг ишлари, бир нашъаи комил — ишқ бобида қурилган сўхбатлари, аҳли туюрнинг чаш-чахи, бойўғлининг мингта вайронага — минглаб ҳисси совуқ қалбларга рози бўлмай оёқ тирашлари ғоят қизиқиб билан қўшиқдек равон ўқилади. Бамисоли кўрида келтирилган япон ривояти... Бу нарсани таъкидлаб айтаётганимнинг боиси шуки, аслида ёзувчи қўл урган мавзу ўта залварли, ўта фожейи, қалбларни ларзага солиб, фикрларни айқаш-уйқаш қилиб юборадиган даражада даҳшатли гап. Бироқ мана шу катта дард, маънавий офриқ ўта ёқимли бир тилда, бироз чучмалроқ усулда ёзилгани кишини андак ранжитади. Бешинчи синфда пахтага чиққан болалар синфдоши Турсунга азоб бериб роҳатланишдади, еганини заҳарга айлантириб ҳузурланишдади-ю, бироқ унинг бевақт ўлими чивин чаққанча таъсир қилмайди. Бу болаларча бепарволикми ёинки тинимсиз меҳнат, ҳайвоний шароит уларни шунчалки тошбағир қилиб қўйганми? Агар ёзувчининг муддаоси одамни ҳайвонга айлантириб юборадиган оғир меҳнат болаларни манкурт қилиб қўйганини, улар улғайгач, шодиёрларга, унинг отасиго тоғасига, Шерлонга айланганини айтиш бўлса, бу нарсани бўрттириброк кўрсатиш керак эди. Ҳатто Қундузининг ўзини осиб қўйиши ҳам китобхонни ортиқча ҳаяжонлантирмайди. Тўғри, асар сўнгиде Гуломнинг нопок бир хонимни ҳимоя қиламан деб Шодиёрнинг қўлида ўлиши кўнгилда армонли андуҳ уйғотади. Яхшилар ҳамиша хор-у, итнинг боши мистовоқдалиги, қилмиши юлғичлик, юриш-туриши нопок кимсаларнинг ошғи олчилиги, дунёнинг ишлари чигаллашиб, чиркинлашиб кетганлиги кишини афсуслантиради. Бироқ барибир бу қабоҳат бир оз юзакироқ, ортиқча надоматсиз ёзилгани сезилиб туради. Достоевскийча қўлам ва теранлик билан ёзилиши керак бўлган мусибат ўта лирик мақомга буриб юборилган.

Фақат қалб кўзи билан кўриб, дил қулоғи билан эшитиш мумкин бўлган Гулханий билан қурилган суҳбатлар ўқувчи қалбидаги гардларни кеткизиб, руҳини поклаши, ён-атрофидаги одамларга, юз бераётган яхши-ёмон ишларга, имондан айрилган манфур кимсаларнинг нечоғли тубанлашганига бошқача бир кўз билан қарашга ундайди. Қиссадаги гоҳ қушлар туюри, гоҳ Гоголу Андерсен, гоҳ риндифас шоирлар Маҳзуб, Мажзуб, Мунтазир билан сирли суҳбатлар фақат руҳий тажалли ила етишиладиган мақом, ҳар бир орифу комил киши интиладиган юксакликдир. Хайриддин Султонов мана шу кашфиётини янада теранлаштириши, худди Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романидаги булғор санъаткорлари черковда ижро этган кўшиқдек илоҳий пурвиқорлик даражасига етказиши зарур эди. Афсуски, ёзувчи ўз топилмасининг унчалик қадрга етмаган.

Суюн Шукуровнинг «Сазойи» қиссаси кейинги пайтларда расм бўлган «хон саройида ҳам яхши амалдорлар бўлган» деган андозага солиб ёзилган. Бухоро амири нодон, хотинбоз, қози-ул қуззо... мунофиқ, шайхулислом имонсиз, фақат қушбеги, ҳақгўй, одил; шунинг учун саройдан ҳайдалиб, сазойи қилинади. Исоф билан айтганда асар анча пишиқ, пухта ёзилган, тили равон, воқеалар эсда қоларли даражада таъсирчан. Фақат қиссага хос кўлам, қаҳрамонлар руҳиятининг теранлиги ва озгина ростгўйлик етишмайди. 1977 йилдан олдинги барча ҳукмдорлар аҳмоқ ва золим, унинг қўл остидаги фуқаро гадо, қорни тўймай ҳамиша ярим яланғоч кун кечирган, деган тамга, менингча, сийқалашиб кетди. Зулмнинг ёққиллобдан олдингиси ва кейингиси бўлмаслигини бугун ҳамма рўй-рост билиб турибди. Ўзбек деҳқони мамлакат аҳолисига нисбатан 8—10 баробар кам гўшт, сут, мева-чева истеъмол қилиши, ҳатто қорнини тўйдиришга етгулик маош олмаслиги, шунга қарамай кечаю кундуз пахтазорда тер тукиши сир эмас. Ўтмиш ҳақида асар битаётган қаламкашларимиз масаланинг мана шу жиҳатларига эътибор бериб, озгина инсоф билан шў тутишларини истардим.

«Сазойи» қиссасида ёлғон аралашган ўрин шундаки, шайхулислом ботирликда ва одилликда ном чиқарган қушбегини ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ улдириш керак, дейиши учун у ўтакетган имонсиз ва каззоб бўлиши керак. Шарият номидан иш кўрадиган одам бундай калтабинликка йўл қўймайди. Тўғри, у ҳам одам, амирнинг раъйига қарши боролмайди. Шў ўринда у устамонлик қилиб подшоларнинг истагини бажо келтирмаган қулларга шариятда қандай жазолар берилишини санаши, ҳукм чиқариш ихтиёрини эса амирнинг ўзига ҳавола этиши керак эди.

Қиссада воқеа бор, одам бор, фақат санъат йўқ, бадияят етишмайди, Амирнинг ҳам, Турумтойнинг ҳам ички кечинмалари, руҳий қийноқлари ёки аксинча ўз қилмишларининг тўғрилигига ишониб қаззатланишлари етарли очилмаган. «Ватангадолар» фильмидаги генерал Хлюдовнинг руҳий изтиробларини бир эсланга. Рост гапни гапирган жангчининг бошига қоп кийдириб, дорга осилиши буюрган кўмондон бир умр ўз золимлигининг жабрини тортади, ростгўй жангчининг руҳи уни ҳар қадамда таъқиб этаверади. «Сазойи» қиссасида амир Музаффар отасининг ўлимини хушнудлик билан қабул қилганига ишора бор. Муаллиф худди бу нарсаи — ҳокимият васвасасига учраган ўғилнинг ёвузлигини ва бу бадкирдорлиги учун бир умр азобланишини, отасининг руҳи уни ҳамиша таъқиб этиб туришини, шундан чалғиш учун ҳам Чилдухтаронда кўнгил очишини мантиқан асослаб берганда қиссанинг қиммати ошган бўларди. Турумтой образи ҳам худди шундай теранликка, инсоний кечинмаларга муҳтож. Ҳатто унинг Файзи авлиёни қандай тутгани ҳам кўрсатилмаган. Ваҳоланки, шў баҳонада ўша пайтдаги қишлоқ турмуш тарзи, аҳвол тирикчилиги, фойзи авлиёларнинг бош кўтаришига туртки бўлган ижтимоий сабаб очиб берилиши керак эди. Афсуски, муаллиф адабиётнинг энг зарур ва машаққатли талабларидан четлаб ўтган. Натижада яхши асар бўлишига ҳақли «Сазойи» қиссаси тарихдан бир лавҳага айланиб қолган.

Советлар мамлакатининг тарихига қоп-қора сиёҳ билан ёзиб қўйиладиган даҳшатли 37-йилнинг беадад мусибатларидан бири минглаб, миллионлаб одамлар исмсиз кимсаларга, номсиз далли-девоналарга, ақлу хушидан айрилган савдоиларга, бу дунёда нима мақсадда юрганини ўзи ҳам билмайдиган, бировларга ҳам ўқтиролмайдиган нотавон шармандаларга айлантирилганидир. Уларнинг бор-йўқ гуноҳи меҳнаткашлиги, шоирона хаёллар билан ўзини овунтириб, қўл остида йўлайдиган ходимасини болаларга беғуборлик билан севгани, ҳиссиз, ёвуз мусамаларнинг унга доимо очик эшикларидан ҳатламагани, бутун давлатни домига тортаётган чоҳ лабида турганини пайқамагани ва инсон боласи худди ўзига ўхшаш одамнинг қонини ичиб хузур қилишга ишонмагани эди. Бу нарсаларни биз ярим асрлик масофада туриб рўй-рост кўряпмиз, ўзимизча ҳукмлар чиқаряпмиз. Агар ўша даврда яшаб сув эмас, инсон қони солиб қайнатишган улкан дошқозонда қайнаганимизда ўзимизни қандай тутган бўлардик? Жонимизни сақлаб қолиш учун, еб турган нонимиздан айрилмаслик учун виждоннинг измини тутармидик ёки одам қиёфасидаги иблисларнинг йўриғига юрармидик? Менингча, ўтмиш ҳақида ҳукм чиқараётган ҳар бир киши ўзини ўша даврда яшаган одамлар ўрнига қўйиб кўриши, ўша даврнинг муҳитини танасида ҳис этиши лўима. Акс ҳолда унинг ҳар қандай фикри бир ёқлама, чиқарган хулосаси эса янглиш бўлади.

Айдар Осмон ўша қора кунлар ҳақида холис туриб, самимият ва чуқур инсоний дард билан йўғрилган «Олишув» номли қисса ёзибди. Асарни бефарқ ўқиб бўлмайди. Ешгина умрини айғоқчиликка тиккан Мусамманнинг қилмишлари, чопар қизчага танбех бериб: «Энди кулмайсан! Сенга ўхшаганларни кулдириб қўймаймиз! Кўрамиз, бундай фожиалар бўлаётганда кулишга қандай ҳақдинг сиққанини текшириб кўрамиз!» дейиши, янги муҳаррирнинг редакцияда ўрнатган тартиби — бутун жамиятдаги муҳит — юракка таҳлика солади. Ўз фикрини айтиш, кулиш, севиш мумкин эмас. Ҳамма бир хил ўйлаши, бир хил гапириши, ҳатто бир хил севиши керак. Севганда ҳам фақат бир кишини — доҳий Сталинини! Бу манқуртизм бугун бизга ғалати туюлади, ўзимизча куламыш ҳам, бироқ бу кечаги куннинг айнан ҳақиқати. Мана шў баттол сиёсат туйфайли қрим-татар халқи Азиза, Юсуф бола, Сафар оға тимсонда юртидан айро тушди, қиёфасини йўқотди, исмини унутди, ҳали-ҳануз дунёда қрим-татарлари борлиги, уларнинг ўз юрти, урф-одати, бетакроп маданияти бўлганлиги тўла эътироф этилаётгани йўқ. Биз ҳамон сталинизм вабосидан қутулиб улгурмадик. Шў боис ҳақиқатимиз ҳам чала, яримта. «Олишув» қиссаси фақат қрим-татарларнинг фожиаси ҳақида эмас, муаллиф фақатгина ўз халқининг дардини айтаётгани йўқ. Бу — Худого эмас, шахсга сифиниш инсонни не кўйларга солиши ҳақидаги мунгли бир арзюхот.

Қиссанинг якуни ғоят таъсирли, худди ҳинд киноларидагидек, дийдани юмшатиб, кўзга ёш келтиради ва шуниси билан асарнинг ҳам, халқ бошига тушган мусибатнинг ҳам салмоғини камай-

тиради. Азиза Магаданан соғ-омон қайтса ҳам Юсуф болани тополмаслиги керак. Бордию унда Юсуф боланинг биронга сурати сақланиб қолмаса, у Қарағайлига келиб минг сўраб-суриштирсада, бекатда «Шарман, Шарман!» дея қичқирган одамнинг кимлигини аниқлай олмай қалби тўла андуҳ билан изига қайтса, тўғрироқ бўларди. Ҳозирги ҳолида қисса воқеалари бахтли хотима топгандек таассурот қолдиради. Ахир Юсуфнинг савдодий бўлиб қолгани, Наташа ундан бола топгани, бу одам ўла-ўлгунча кимнидир кутиб яшагани, бироқ орзуси ушалмагани китобхонга маълумку, уни асар қаҳрамонига ҳам билдириб қўйиш шартмиди?

«Олишув» қиссасида сотқинликнинг ҳам, меҳр-оқибатнинг ҳам миллати, жўғрофий чегараси бўлмадлиги Василий Агафонович, Наташа, ҳатто ювиқсиз Осипов, ошпаз, сотувчи хотинлар орқали ишонарли кўрсатилган.


Биз кўпдан бери қрим-татарлар адабиётидан намуналар ўқимаган эдик. «Шарқ юлдузи» Айдар Осмоннинг қиссасини чиқариб хайрли иш қилган. Бу яхши анъанани бундан кейин ҳам давом эттириш керак.

Маматқул Ҳазратқуловнинг «Кўккўл» қиссаси газета тилида, расмона мақола тарзида ёзилган: на қизиқарли воқеа, на эсда қоладиган образ, на кутилмаган ташбеҳ бор. Муҳаббат ҳақидаги асарни бу қадар ҳиссиэ, зерикара ёзиш мумкинлигига ишонгиси келмайди кишининг.

Қисса чучмал бир ёлгон асосига қурилган. Хотини ўлиб кетган кекса рассомни бениҳоя гўзал қиз севиб қолади. Улар турмуш қуришади. Тошкентдан Бокуга дам олишга борган журналистга рассом хотинини қизим деб таништиргач, меҳмон унга ошиқу беқарор бўлиб қолади. Келгуси йили дам олишга чиққач, яна Бокуга учади, уювлон шеърхонлик қилишади, кўлда сайр этишади, ресторанда улфатчилик қилишади ва пировардида тошкентлик журналист бировнинг ҳалол хотинини бағрига босади, у ҳам бир зум эриб тургач, кўзлари ёшланиб, йигитнинг қучоғидан юлқиниб чиқади ва бундай фикрдан қайтишни очик ўтинади. Бу воқеанинг устига келиб қолган рассом рашк қилиш ўрнига улар эр-хотин эканини очик айтади. Орадан кўп ўтмай Бокудан уларнинг фарзандли бўлишгани ҳақида хат келади. Бамисоли бахтли хотима топадиган чўпчак ёхуд чучмал ҳинд киноси.

Адабиётимизда Олим Отахоннинг руҳан янги, Аҳмад Аъзамнинг фикран теран, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқулнинг рамз ва тимсолларга тўла, Абулқосим Мамарасуловнинг ростгўй асарлари пайдо бўлаётган бир пайтда «Кўккўл»дек бадийи заиф асар ёзиш бир қарра айб бўлса, бундай нарсани босиб чиқариш икки қарра айбдир. Бу қисса «Ёшлик» журналида эълон қилинган энг заиф нарсалардан бири деб ҳисоблайман.

Сўнги йилда эълон қилинган қиссалар билан танишиб, ёзувчиларимиз ҳаётнинг турли қатламларини, ҳар хил қалтис вазиятга тушган одамларнинг руҳий ҳолатларини, ижтимоий зиддиятларни, маънавий-ахлоқий масалаларни ўргана бошлашганидан қувонади киши. Мамадали Маҳмудов разолат ботқоғига ботган одамларнинг тубанликларини кўрсатиш орқали жамиятни ҳалокат сари элтаётган иллатларни, Тоҳир Малек тарбияда йўл қўйилаётган камчиликлардан чекаётган изтиробини, Хайридин Султонов ўтмишга, инсонпарварликка нописандлик билан қараш маънавий разолатга олиб боришини, Аббос Саидов ҳар қандай вазиятда одам ўз номига муносиб бўлиши лозимлигини, Ўктам Усмонов давлат миқёсида йўл қўйилган алдам-қалдамлар шу жамият одамларининг бошига беадад мусибатлар солишини, Ҳабибулло Қодирий ўтмишнинг аччиқ сабоқларидан тўғри хулосалар чиқаришни, Хуршид Дўстмуҳаммад киндик қони тўкилган гўшасини, муқаддас анъаналарни, инсонпарварликни қадрлашни бадийи жиҳатдан тадқиқ этади. Юқорида баён этилган танқидий фикрлардан қатъи назар, қиссачилигимизда жиддий ўзгариш, ижодий изланиш юз бераётгани, насримизга ҳозирги замон дунё адабиётининг ҳаётбахш нафаси кириб келаётгани сезилади. Бу ҳодиса ҳадемай яхши самара бериши, бизда ҳам ҳавас қилса арзигулик асарлар дунёга келишига умид уйғотади. Умидворлик эса уйғоқ одамлар кўрадиган тушдир.



Мамажон Муҳиддинов

ШАХМАТ ВА ИЖОД

Бундан қирқ беш-эллик йилча муқаддам мендақа болаларни шахматга «сеҳрлаган» нуруний отахоннинг исму шарифлари Мирсоли аълам эди. Ютқазиб қўйиб жаҳлимиз чиқиб кетган пайтларда у киши аста ёнимизга келардилар-да: «Шахматнинг шуниси қизиқ-да, — дердилар, — ҳа, бўл-маса кечагина ҳарфни уриштиришга ўрганган кишини «мулла» деб бўладими? Буни «64 хона, 32 дона ва бир хонаси... ҳасрат» дейдилар. Аччиғингиз чиқса — бурнингизни тишланг...» Бир томондан, устоз кўнглимизни кўтарсалар, иккинчи томондан, саботли бўлиш кераклигини ўқирган эканлар. Мағлубият ҳам, худди ғалаба сингари кишини шахмат сирларидан воқиф этишини, рақиб сизни мот қилган катак «ҳасрат хонаси»га айланишини кейинроқ тушунган эдик.

Агар шахмат бекорчиликдаги бир эрмак бўлганда, турган гапки, яқин икки минг йил давомида замон имтиҳонларидан ўта олмас, жаҳон халқларининг маданий ҳаётида ўзига лойиқ ўрин тута олмас, улуғ зотларнинг таҳсинига сазовор бўлолмас эди. Улар шахматни инсоният зақосининг меваси, деб биладилар. Шундай экан, ёш бўғинни тарбиялашда инсон маданиятининг ажралмас қисми бўлган шахматнинг ҳам ўз улуши борлиги аниқ. Бизнинг социалистик мамлакатимиз кўп асрлик шахмат тарихида биринчи бўлиб янги шахмат маданияти ва шахматнинг тарбиявий ҳамда маънавий қимматини чинакамига қадрлади.

Академик С. Г. Струмилин 15 ёшидан шахмат билан шуғуллана бошлагани ва бу нарса ўз иродаси ҳамда мантикий қобилиятини ўстиришда сезиларли аҳамиятга эга бўлганлигини айтади.

Шахмат — курашни акс эттиради. Бу кураш эса, ўйинчининг шахси, маданий савияси билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. В. И. Ленин шахматни «ақлнинг ўзига хос ажойиб гимнастикаси», деб таърифлаши ёки Лев Толстойнинг: «Шахмат кишига яхши дам беради, кишини ўзига хос равишда фикр юритишга мажбур этади. Ана шунинг учун ҳам мен шахматни севаман» дейиши шахматга берилган юксак баҳодир.

Дарҳақиқат, шахмат ва илм бир-бирига боғланган. Илм яхши шахматчи бўлишга ёрдам берса, шахмат пухта билим олишга замин яратади.

Маълумки, қадим-қадим замонлардан бери шахмат ўзининг мазмундорлиги, гўзаллиги, нафосати билан сўз санъаткорларини илҳомлантириб келади.

Жаҳон маданиятининг буюк намоёндалари Фирдавсий, Низомий, Навоий, Сервантес, Менделеев ва бошқалар қадимий ақл-идрок ўйини шахматни ҳаётга қиёс этишган. Бинобарин, шахмат ҳам инсон қалбининг қайноқ туйғулари, унинг туб-тубидан сизиб чиққан ҳаяжон, ёлқинли ҳислар, ақл-тафаккур билан омухтадир. Шахмат тахтасининг ҳар бир катагига сирли олам яширинган. У кишини мушоҳада тарозисида тортилган фикрлар, жўшқин ҳислар гирдобига, кураш майдонига етаклайди. Инсон қалби доимо янглик учун курашади. Шахматда доимо янги-янги қарашлар, талқинлар, фикр-ғоялар кураши ҳукмрон. Кўҳна ва ҳамisha навқирон шахмат шу боисдан ҳам энг улуғ зотларнинг йўлдоши саналган, забардаст сўз соҳибкорларининг назарида бўлган.

«МИНГ БИР КЕЧА»дан

«Минг бир кеча»да шатранж-шахмат тахтасидаги ибратли тўқнашувлар ҳақида ҳикоя қилувчи саҳифалар ҳам борки, бу нарса қадимий ақл-идрок ўйинининг асл ватани Шарқ эканлигини кўрсат-



Маълумки, кўп минг йиллик тарихга эга бўлган шатранж — шахмат тахтасида не-не алло-малар, буюк зотлар дона суришган. Адиблар орасида ҳам шахматга ишқибозлари кўп бўлган. Масалан, А. Пушкин, Л. Толстой, М. Горький, Фиграт, Ойбек каби адиблар бўш вақтларида шахмат ўйнашни яхши кўрганликларини биламиз. Бу билан шунини таъкидламоқчиманки, адиблар ўртасида кенг оммалашган бу ажойиб ўйин маълум даражада бадиий ижодда ҳам ўз ифодасини топан бўлса керак. «Шарқ юлдузи» журнали шу мавзуда бир мақола берса, адабиёт ва шахматни бирдек яхши кўрадиган журналхонларга манзур бўладиган иш қилган бўлув эди.

Ш. АХМЕДОВ
Тошкент вилояти, Калинин ноҳияси

са, иккинчи томондан, унда ғолиб чиқувчи қаҳрамонлар — доно хотин-қизлар эканлиги билан жозибали ҳамда қимматлидир. Қуйидаги лавҳага бир эътибор қилинг-а:

«... Қози қизни кўргач, ақли бошидан учиб, эси оғибди. «Эй ҳурматли! — дебди у қизга зўр-ба-зўр, — башарти мол-мулк ва канизакларни сотиб олдим, десанггина бу нарсаларни ўз ихтиёринга ўтказиш борасида ҳужжат битиб бераман». Қиз: «Хўп бўлади, шунга келишдик, — дебди-да, Масрурнинг мулки, канизаклари ва унинг қўлидаги барча нарсалар ана шунча-шунча баҳр билан Зайнулмавосиф қўлига ўтди, деб ҳужжат ёзишни буюрибди. Қози шундай ҳужжат ёзибди. Гувоҳ-лар унга бармоқ босишиб, ҳужжатни Зайнулмавосифга беришибди. Шу билан Масрурнинг барча молу дунёси, боғу роғи, аркони давлати Зайнулмавосифга ўтибди.

Шундан кейин Зайнулмавосиф: «Ҳой Масрур! Энди йўлингга кетабер!» — деган экан, қизнинг Ҳубуб номли канизаги Масрурга: «Бизга бир шеър ўқиб берсанг!» дебди. Шунда йигит шатранж ўйини шаънига мана шу байтни ўқибди:

Қилай шул кун бу даврондин ҳикоят,
Замон, шатранжу иқболдин шикоят:
Тушиб ишқим самовий бир гўзалга,
Кўриб ҳуснин тилим келди ғазалга.
Таранг қош ёйини айлаб муҳайё,
Қилиб киприк ўқин ёй ичра ул жо,
Қизил ҳам оқ кўшинларни қилиб саф,
Суриб кетди, қилолмас ҳеч киши даф.
Суриб ғолиб қизил отларни доно,
Деди: «Кишт!» Сақлади юрган ҳамоно!
Қаро зулфи каби тунда қилиб мот,
Чўзиб бармоқ, ҳушимни олди ҳайҳот!
Кўзимдин оқди ашки шашқаторим,
Ҳимоямға дағи қолмай мадорим.
Пиёда фарзину руҳ қилди ҳамла,
Деди: «Уйнар эсанг эс-ҳушинг жамла».
Нигоҳи ўқ отиб кўксимни тилди,
Мажолсиз қилдию, билганча қилди.
Дедиким, доналарни танлаб олғил,
Дедим, оқ доналар бахтдан нишон, бил.
Мен олдим оқни, оқ — нури жаҳон деб,
Қизилни бердим унга бағри қон деб.
Гаров тикдим ўюнга хонумоним,
Висоли бўлди обрўи жаҳоним.
Фалақдин дод этиб бағримни тилдим,
Бир орзуга етолмай юз йиқилдим,
Кўнгул қилмайди ҳеч оху надомат,
Зару сим деб, кўпаймайди қиёмат,
Қийиқ кўз ғамзаси бул дам ҳавасдир.
Агар бир кулса, менга ушбу басдир.
Букун ҳушни йўқотдим худди Мажнун,
Фалақ ҳам таъна айлар бизни бул кун.
Дебон, ошифта, гумроҳсан, недур қасд?
Дедим, борму ичиб май, бўлмаган маст?
Ниҳолдек қадду қомат ҳушни олди,
Дили тош бўлди, юмшоқлик йўқолди.
Кўриб ҳуснинг, ютарман эрмагимни —
Деб эрдим ўйламай бой берганимни.
Юрак васлига интилди дамодам,
Хароб бўлдим, бериб давлатни барҳам.
Чўкиб, ғам денгизи ичра бўлиб зиқ,
Кечарму севгисидан асти ошиқ.
Аюрди давлатидин, бўлди ғамгин,
Етолмай ёрига кўз энди намгин.

Зайнулмавосиф бу байтни эшитгач, Масрур тилининг равонлигига ажабланиб: «Ҳой Масрур! Бу шахтингдан қайтиб, ақл-ҳушингни йиғиб олгин-да, йўлингдан қолма! Шатранж ўйнаб, пул ва мол-мулкингдан айрилдинг. Мақсудинг ҳосил бўлмади. Энди орзумга етаман, деб овора бўлмай кўя қол, ҳаракатларинг зое кетади», — дебди...

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙдан

Буюк Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достонида ҳикоя қилинишича, шоҳ ўғли Хисравни жуда севади. Бундан таҳликага тушган унинг душманлари Хисрав Парвиз номидан сохта пул чиқариб шаҳарларга тарқатадилар. Шоҳ бу пулларни кўргач, Хисравдан шубҳаланиб, уни маҳв этмоқ фикрига тушади. Шоир ёзади:

Ул мансубани¹ шоҳ билиб қолгач,
Хисрав шатранжда бой берди қўйди.

¹ Мансуба — ҳийла, шахмат масаласи.

Шоҳ истади ўйин қилиб майдонда,
Янги шоҳни тутиб солсин зиндонга.

Хисрав отасининг бу фикрини эшитиб қочади. Отаси қанча вақтдан кейингина масаланинг туб маъносига етади ва Хисрав уйига қайтади. Отасининг ўлиmidан сўнг тахтга кўтарилган Хисрав айш-ишратга берилиб кетади. Мамлакатдаги бу вазиятдан хабар топган Баҳром Хисрав устига қўшин тортади. Хисрав Озарбойжонга қочади. Шоир ёзади:

Замона Хисравга бўлмади паноҳ,
Баҳром қаршисида мағлуб бўлди шоҳ.
Ҳарифи шатранжда лол қолган чоғда,
«Кишт» деди Хисравга, қолдириб доғда.

Хисрав мақсадига етиш учун Ширинга кўп ёлборса-да, у рад этиб, дейди:

Юз қўймоқ истаса ой юзга агар,
Шоҳ асло бўлолмас рухга баробар.

Бу ерда икки маъно бор: биринчиси шуки, Хисрав ўз юзини Шириннинг юзига қўймоқни истаркан, унинг шоҳлиги Шириннинг жамолидан устундир; иккинчиси шуки, шахмат ўйинида рух-рухга бирлашса, шоҳ мот бўлиб қолади.

Низомий достони сўнгида насихат қилиб, дейди:

Дон каби сочилган кўкариб ердин,
Сунбулдек уфурма калтак еб елдин.
Дунё бир шатранждир, унутма буни,
Икки рух бирлашса, куч кетмас белдин.

Шоирнинг машҳур «Искандарнома» достонида ҳам шахмат мотиви кўп учрайди. «Искандарнома»да шахмат илк дафъа Эрон ҳукмдори Доро билан унинг сарой паҳлавони орасидаги суҳбатда тилга олинади. Искандар Зулқарнайнинг Эронга қўшин тортиб келаётганини эшитган Доро дарҳол ўзининг яқин одамларини тўплаб, бир чора топишга ундаганда, бир паҳлавон шундай маслаҳат беради:

Ҳар мушкул калиди сабрдир, инон,
Сабрли кимсалар бўлмас пушаймон!
Бефойда сурса ким «фил» ила «от»ни,
Хор қилар, албатта, буюк шахматни.

Шоир бошқа бир парчада ёзади:

Яхшидир хайрли ишга қўл урмоқ,
«Рух»ни деб «шоҳрух»дан узоқроқ турмоқ.

Низомий Чин ҳоқонининг Искандар Зулқарнайнга қилган инъоми хусусида дейди:

Оту рух жанг қилса, қийин бўлғуси,
Оту фил бирлашса кучга тўлғуси.

Фил билан отнинг ҳаракатини кўрсатувчи бу мисол ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Искандарнинг Занзибар подшоҳига юборган хабарида:

Филларнинг ёнида борган пиёда,
Жанг қилур бир юз филдин зиёда, —

деб шахматда маълум бўлган бир ҳолга ишора қилади ва ўзи филлардан асло қўрқмаслигини айтади.

Шоир Искандарга жангсиз таслим бўлган ҳукмдор Нушоба шаънида шундай дейди:

У биллур тахтидин оҳиста тушди,
Чин юрак сўзлари лаблардин учди:
Тахтимда, — деди, — сен ўтир номидор,
Бир тахтга ярашмас икки тождор.
Билурсан, шахматнинг икки шоҳи бор,
Бир-бирин қилурлар ғамга гирифтор.

Низомий шахматдаги доналарнинг ҳаракат қондасидан фойдаланиб, ажиб хулоса чиқаради:

Одам сари доим тўғри юрувчи аскар,
Вазир бўлгач, дарровоқ эгри йўл танлар.

Яъни оддий одамлар — пиёдалар тўғри юрадилар. Вазирлар — фарзин қийшиқ йўл тутадилар, деб замонаси номатлубликларига нафрат билан қарайди.

САЪДИЙдан

Урта аср Шарқ классик адабиётининг забардаст намояндаларидан бири Шайх Саъдий асарлари билан халқимиз азалдан ошна. Унинг «Гулистон» асарида шахмат мотивидан фойдаланиб бадий оҳор берилган сатрлар ҳам мавжуд. «Гулистон»даги ҳикоятлардан бирида шундай парча бор: «Ҳажга кетаётган пиёда одамлар орасига низо тушди. Шу сафар асносида камина ҳам пиёда эдим. Ростини айтсам, биз жиддий баҳслашар, бир-биримизнинг юз-кўзимизга аямай мушт туширар эдик. Шунда кажавода зиёратга кетаётган бир кишининг ўз ҳамроҳига айтган гапини эшитдим. «Ажабо, шатранж пиёдаси хоналардан ўтиб, бошдаги маррага етса, аввалгидан кўра ҳам яхшироқ фарзин бўлади, бу ҳажга кетаётган пиёдалар эса саҳрони босиб ўтгандан кейин аввалгидан беш баттарроқ бўлдилар!»

Зулм ила халқ терисини шилган ўшал ҳожига менинг номимдан бориб икки оғиз сўз дегин:

«Сен ҳожи эмас, балки ҳожи эрур бу туянг,
Чунки — тикан овқати, кўтарар олам юкин».

НАСИМИЙдан

XIV аср охири, XV аср бошларида яшаган озарбойжонлик шоир Саййид Имомиддин Насимий шахматни чиройли ўйнаган. Асарларида шахмат мотивини кучли бадий восита сифатида қўллаган. Шахмат одамдан жиддийлик талаб этишидан ҳаётий маъно чиқарган шоир:

Агар сен дунёнинг шоҳи бўлсанг ҳам,
Шахматда мот бордир, ёдда тут маҳкам, —

деб ҳаётда чинакам фаолият кўрсатишга, ожиз қолмасликка чорлайди. Насимий рух сўзининг икки маъносидан фойдаланиб, ёзган бир байтида дейдики, сенинг руҳинг (юзинг) зулфинг ва юрагингга туташ бўлмаса, ҳар тарафга юз тутсанг (ҳар тарафга рух ўйнасанг) мот бўлурсан. Шоир бир томондан самимий бўлишга даъват этса, иккинчи томондан, ўзингни ўз ақлинг ихтиёрига бермасанг, бу замонда охир мот қилиб қўядилар, деб уқтиради.

МАҲСАТИЙ ГАНЖАВИЙдан

Муסיқа, санъатда ва шеърятда Маҳсатий хоним номи билан шуҳрат топган озар қизи шахмат ўйини нафосатидан ҳам чуқур хабардор бўлган.

Шоиранинг шахмат тахтасидаги асосий рақиби эри Амир Аҳмад бўлган. Маҳсатий хоним билан Амир Аҳмад ўртасидаги шахмат жанглари шундай қизиқарли ўтганки, бу ҳатто шоира ижодида ҳам аксини топган. Улар бир сафар шахмат ўйнаб турганда, шоирага мот хавфи туғилади. Бу қийин аҳволдан чиқиб кетишнинг ягона йўли: у ўз руҳини рақибининг руҳига қарама-қарши қўйиши керак экан. Аммо шоира кўп ўйласа-да, бу йўлни топа олмай, гоҳ Амир Аҳмадга, гоҳ шахмат тахтасига қараб тураверибди. Ниҳоят, у бошқа юриш қилибди ва Амир Аҳмад дарҳол руҳини ўйнаб, хонимнинг шоҳини мот қилиб қўйибди. Шоира қуйидаги рубоийсида ютқазса-да, ўзини койимайди ва лозим даражада диққат қилса, мот бўлмаслигига ишора қилади.

Хушбахтдир руҳига рух қўйса ҳар ким,
Рухнинг тутган йўлин шоҳ тута олмас,
Уйинга боқайми, руҳингга балким,
Иложсиз нетайин, мот бўлмасам бас!

Маҳсатий хоним «рух» сўзининг форсча икки маъносини англатишидан (юз, ёноқ, шахматда — кучли дона) санъаткорона фойдаланган. Рубоийда айтиладики, «сенинг руҳингга (донангга) қарши ўз руҳимни (донамни) қўйганимда мот бўлмасдим. Мен мот бўлсам ҳам хушбахтман, чунки менинг руҳим сенинг руҳингга қарши турмаса-да, кўзларим доимо сенинг руҳингга (юзингга) боқиб туради».

Шоира шахмат доналари нисбий қуввати нисбатидан маҳорат билан фойдаланади:

Шоҳ лашкарларига даҳшатдир ҳар фил,
Вазири мингбоши, минг шоҳни йиқар.
Мен сенинг руҳингга қурбон бўлай, кел,
Шоҳларни у отдан тушуриб қўяр.

ҲОҚОНИЙдан

Озарбойжоннинг буюк шоири, қудратли сўз устаси Афзалиддин Ҳоқонийнинг машҳур «Ироқ тухфаси» асари XI—XII асрларда Шарқда шахматнинг кенг ёйилганини кўрсатувчи ёзма манбалардан биридир.

Манбаларнинг тасдиқлашича, Ҳоқоний 1156 йили Макка зиёрати баҳонаси билан бир қатор Шарқ мамлакатларини айланиб чиқади. Сафар чоғида Кўҳистон деб аталмиш юртни (ҳозирги Ироқнинг бир қисми) кезганда, унинг баракали заминини кўрган шоир бундай деб ёзган эди.

Унинг ҳар тарафи бир гулистондир,
Хушбўйлар таратган боғдир, бўстондир.
Икки рух қўйибди Ҳузистонга у,
Уч зарба берибди Ҳиндистонга у.

Шоир Кўҳистон тупроғини Ҳузистон (Эроннинг бир вилояти) ва Ҳиндистон замини билан солиштирар экан, бир сўз билан икки маънога ишора қилади. Шоирнинг фикрича Кўҳистон Ҳузистондан икки марта, Ҳиндистондан эса уч баробар гўзал ва маҳсулдор тупроққа моликдир. Ҳоқоний шахмат доналарининг ҳаракатига уйғун келувчи ажиб маъноли сўзлар яратишда жуда моҳир бўлган.

Пиёданнинг манзилга етгани ҳамон,
Ютмоқ қийин бўлар сени бегумон.

Бу ерда Ҳоқоний шахмат ўйинидан ажойиб санъаткорона ҳаётий маъно чиқарган: пиёда етти хонани босиб ўтгач, саккизинчисида кучли дона — фарзинга айланишига ишора қилмоқда. Бунинг асл маъноси шуки, кимки машаққатларга бардош беролса, мақсадига етади. Кимки ҳаёт сирларини ўрганса ва дунё илмларидан баҳраманд бўлса, ундан ҳеч нарса қочиб қутила олмайди, ҳаёт курашлари унинг фойдасига ҳал бўлади. Ҳоқоний «Қаъба таърифи» деган шеърда шахматга мурожаат этади ва ўзининг бу борада билимдон эканини кўрсатади. Ҳоқоний Қаъбага юз тутиб, дейди:

Унинг пиёдасин мадҳ этсам агар,
Билиб қўй, ғурурли шоҳларни енгар.
У, ғам тахтасида ўйнарган шахмат,
Қилур юз хазина соҳибини мот.
Бу саккиз манзилли хонада рақиб,—
Унга тенг келолмас, минг қилса таъқиб.
Ҳақ мадад берганда, бир руҳи жангда
Саккиз пиёдани қолдирар тангда.
У, ўз санъатини ёздирса қанот,
Фалак бунёдкорни этар албат мот.
Маҳмудни тарк этсин дея ғам-қайғу,
Фил ила мот қилди Унсурийни у.
Бу кўҳна тахтадир, ўйинчоқ эмас,
Ҳоқоний сўзларин эсла бир нафас.

Замон вафосизлигини кўрган Ҳоқоний шахматни «ғам тахтаси»га айлантириб, дейдики: «Мен оддий бир киши бўлсам ҳам, ҳаёт жангида «юз хазина соҳибини мот» қилмоққа қурбим этади. Ақл соясида бир руҳим саккиз пиёдани ер билан яксон этажак. Шахмат жанги тасодифларга эмас, балки инсон ақл-заковатига асосланади», қудратли сўз соҳибқирони шахмат санъатининг мураккаблигини, гўзаллигини бадийий равшан тасвирлайди.

Бу парча Ҳоқонийнинг «Мадоин харобалари» деган фалсафий шеърдан:

Ибрат билан оламга боқ, кўнглим, бир фурсат сан,
Мадоин — айвонидин ойнаи ибратсан.
Ошиқмагил, отдан туш, она ерга қил таъзим,
Билки, филдан мот бўлмиш Нўмондек шоҳи азим.
Тақдирга боқ, филларни ожиз деб билган шоҳлар
Шахматда мот бўлишиб чекишар оху воҳлар.

Буюк шоир ўйинида пиёданнинг тўғри юриши, вазир-фарзиннинг эса ҳар тарафга «чопиши»дан мантиқий натижа чиқаради:

Ҳоқоний, олчоқлар йўлин тутмагил,
Бировга сизиниб шуҳрат кутмагил.
Вазир бўлиб эгри йўлдан юрмагил,
Пиёда бўлиб тўғри йўл юр, турмагил!

ЛУТФИЙдан

Мавлона Лутфийни «Маликул-калом», яъни «сўз подшоиси» деб улуғлайдилар. Лутфий хазинасида шахматга оид нафис, теран мисрлар талай:

Шатранжи латофатни ўтар нечаким ул ой,
Рух тарк бериб, чарх куёши била ўйнар.

ЖОМИЙдан

Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳам ўз асарларида шахмат мотивидан моҳирона фойдаланган.

Чекма бу вайрона ичра ганж учун қайғу-алам,
Нақдинг ўлди умр ганжи, ерга кўмгил они ҳам.

Бу жаҳоннинг боқма кишту коригаким, оқибат —
Мот бўлур бир кишт ила шатранж — умрнинг шоҳи ҳам.

Жомийнинг «Искандар хирадномаси» деган машҳур достонида мана бундай чуқур фалсафий сатрлар бор:

Эски ва янгилар китобин ўқи,
Ҳар диёр шоҳларин ҳисобин ўқи:
Шоҳлик майдонида нечук суриб от,
Ҳавас тахтасида қандай бўлди мот...
Тахтлардан тахтага қўйдилар қадам,
Маконлари бўлди тубсиз жаҳаннам...

ФУЗУЛИЙдан

Ишқ-муҳаббатни куйлаб, дурдоналар яратган Фузулий севги оламида ўзини «Мударрис илми жунун», яъни ошиқлик илмининг муаллими деб ҳисоблайди. Шоир шахмат доналарининг юриш-туриши қондасидан фойдаланиб, Мажнун замон эътибори билан мендан олдин дунёга келган бўлса ҳам у ишқ оламининг пёдасидир, мен эса шоҳман, дейди. Фузулий бу ерда шахмат тахтасини «ишқ майдонига» ўхшатган бўлса, «Лайли ва Мажнун» достонида уни «жанг майдони» деб Новфал ва Лайли қабиласи қўшинларининг сафини бундай ифодалайди:

Шатранж сифат ул икки лашкар
Бир-бирига турди баробар.

ЛЕССИНГдан

Лессинг анчагина моҳир шахматчи ҳам бўлган. У шахмат адабиёти билан яқиндан таниш бўлиб, муаллифлар орасида испаниялик Руи Лопесни айниқса юқори қўяр экан. Берлинда файласуф Менделсон, Гамбургда эса шоир Клопшток унинг доимий ҳарифлари бўлган.

Езувчи Лессинг ижодида шахмат мавзуи салмоқли ўринни эгаллагани табиийдир. Унинг ижод чўққиси ҳисобланувчи «Доно Ватан» драмасида шундай парча бор:

«Султон саройи. Салоҳиддин билан Зитта шахмат суришяпти.

ЗИТТА. Ҳой, Салоҳиддин! Эсингни йиғ! Уйинингни қара!

САЛОҲИДДИН. Наҳотки ёмон бўлса? Уйловдим — сара!

ЗИТТА. Менга-ку, ёмонмас, сенга қийин-да. Бошқача ўйнаганинг маъкул.

САЛОҲИДДИН. Нега энди шундай?

ЗИТТА. Отингга қара бундай.

САЛОҲИДДИН. Гапинг тўғри. Мана бўлмаса!

ЗИТТА. Бундай юрсанг — иккидан бири!

САЛОҲИДДИН. Бу-ку тўғри. Киштга жавоб бер.

ЗИТТА. Бундан не фойда? Олға юраман, сен эса бармоқни тишлаб қоласан.

САЛОҲИДДИН. Чангалдан қутулиш чораси — қурбон. Отимни олавер, бўлмаин гирён.

ЗИТТА. Кераги йўқ, олға юраман.

САЛОҲИДДИН. Ҳисобдан топгансан. Сенинг-чун мавқе — минг карра яхшироқ бунақа отдан.

ЗИТТА. Балки шундайдир.

САЛОҲИДДИН. Ҳа, ҳа, эгаси йўқ, дебмидинг! Қани, бунисини кутмабсан-да? Э, балли!

ЗИТТА. Сира кутмагандим фарзин — маликанг,

Аҳволинг шу онда қилади деб танг.

САЛОҲИДДИН. Узимнинг фарзиним — маликам-ку бу!

ЗИТТА. Кўриб турибман минг динорим нақд,

Ортиғи хожатмас — бермасин панд.

САЛОҲИДДИН. Нега шундай, а?

ЗИТТА. Ҳаттоки ютқазган чоғларимда ҳам,

Кўрганмисан ё кўзларимни нам.

САЛОҲИДДИН. Э-ҳе! Қачон ютқазиб қўя қолувдинг,

Ушанда ҳам, сингилча, билдирмагандинг.

ЗИТТА. Марҳаматли акажоним, ҳар қалай,

Сабаб бўлди сахийлигинг бир талай.

САЛОҲИДДИН. Лек ўйиндан чалғидик ногоҳ,

Тезроқ тугат! Бўлайин огоҳ.

ЗИТТА. Бошқача юрмайсанми? Бўлмаса кишт!

Оддий эмас, шоҳингга — қўш кишт!

САЛОҲИДДИН. Бунисини кўрмабман — кетди фарзиним.

ЗИТТА. Бусиз ҳам кетганди, бундай қарагин...

САЛОҲИДДИН. Малика жонга теккан, олгин жигарим.

ЗИТТА. Фақат шуми?

САЛОҲИДДИН. Кўзимдан йўқолсин, заруратим йўқ,

Ажабо, қор қилмас унга бирор «ўқ»...

ЗИТТА. Қиришдан не фойда? Кишт! Яна кишт!

САЛОҲИДДИН. Яша, қани давом эт!

ЗИТТА. Яна кишт! Ва яна кишт!

САЛОҲИДДИН. Баракалла, хуллас калом — мот!

ЗИТТА. Йўқ ҳали: тўсишга бор от —

Аммо кейин-чи?

САЛОҲИДДИН. Барибир мот! Бой бердим сенга,
Ютуқни тўлайди Ал-Ғофи тезда.

ҚОСИМБЕК ЗОКИРдан

Озарбойжон ҳажвий шеърятининг ажойиб намояндаларидан бири Қосимбек Зокир улкан шахмат ҳаваскори бўлган. Зокир асарларида ўйин қоидаларига оид мароқли сатрлар бор. Зокир Қорабоғ Жаъфарқулихонга атаб ёзган шеърида ўлканинг умумий вазиятини тасвирлаб дейди:

Вазирга рух кулиб боққани онда,
Фили жавлон урар эди ҳар ёнда.
От йўлин пиёда кесгани заҳот —
Шоҳ бўлур албатта ғам уйида мот.

Шоир қайд қиладики, давр вазирларга катта ҳуқуқ, ихтиёр бериб қўйгани туфайли улар истаган номаъқулчиликларини қилмоқдалар. Бу ҳолда мамлакат шундай кунда қоладика, пиёдалар (бу ерда жоҳиллар маъносидан) отнинг (мард одамларга ишора қилинган) йўлини тўсиб қўядилар, ақлли одамлар эса, ғам уйида мот бўладилар.

ОХУНДОВдан

Мирза Фатали Охундов «Камол-уддавла мактублари» деган асаридан шахматни «Зеҳнга жило берувчи», «Ақл жавҳари» деб атаб, у инсонга фароғат бағишловчи «неъматлар» сирасига дахлдордир, дейди. Буни илмий суратда исбот этади.

М. Ф. Охундовнинг дўстлари ва яқин ўртоқлари Бестужев — Марлинский, Г. Еристави, Х. Абовян, Илья Чавчавадзе, И. Полонскийлар ҳам шахматни қадрлашарди. Охундов улар билан шахмат ўйнаб, муסיқа тинглаб, суҳбатлар қуриб, завқ-шавққа тўларди. Тургенев ва Лев Толстой билан кўп учрашган ва шахмат ўйнаган Полонский Охундовнинг чинакам шахмат устози ва рақиби бўлган. Охундов 1864 йилда шахмат ўйини қоидаларини баён этувчи «Шатранж ўйини» деган шеър ёзган. Доналарнинг ҳаракати унда шундай ажойиб тасвирланганки, уни ўша замон шахмат дарсликлари қаторига қўйса арзийди.

Бир шоҳ, бир вазирдир, икки фили бор,
Икки от, икки рух турар сафарбар.
Саккиз пиёда ҳам иккинчи сафда,
Шоҳлари туришар равоқ тарафда.
Олтмиш тўрт хонадир ўйин майдони,
Оқу қора рангда бари шу они.
Шоҳи юра олур хонама-хона,
Олдинга ё ортга, бутун тўрт ёна.
Вазир чапгаю тўғрига юрар,
Очиқ майдон аро ул жавлон урар.
Филлар қиё боқар, тўғрига боқмас,
Рухларга мутлақо эгри йўл ёқмас.
От икки хонага сакрайди бирдан,
Унгдан чапга тушар сакраган ердан.
Оқ билан қора дуч келишган ҳамон,
Улар куч-қудратга тўлишар чандон.
Пиёда тик юрар қадам-бақадам,
Душманга дуч келса даҳшатдир бу ҳам.
Жанг қилиб соғ-омон чиқса юқори,
У бўлур майдоннинг кучли туғдори.
Охири шоҳ ёлғиз қолса кўп ёмон,
Ёв қуршаб атрофни қўймас ҳеч қачон.
«Шоҳ»ни «мот» деб билгил ўша замони,
Асирдир, битибдир даври-даврони.

ОЙБЕКдан

Заҳматқаш, зукко адиб Ойбекка жаҳоншумул шуҳрат келтирган асарларидан бири «Навой» романидир. Тарих Алишер Навой замонида Ҳиротда илм-фан, санъат қатори шахмат — шатранж ҳам камол топганлигидан далолат беради. Романда бу соҳа ҳам четлаб ўтилмаган.

«... Султонмуроднинг кўзларига яна ғам тошди. Зайниддин унга сўз кор қилмаслигини билиб, қўлидан тортди.

— Сен ҳали Ҳиротнинг хурсандчиликларидан хабарсиздурсен, — деди у куйиниб, — кексалар айтадики, замонамиздаги Ҳирот ҳаёти Амир Темур ва Улуғбек Мирзо давридаги Самарқанд ҳаётига ўхшамоқда... Юр, мен сени фоҳишалар базмига эмас, ажойиб бир жамятга олиб борурмен: шатранж устодлари билан таништирурмен.

Султонмурод ўрнидан туриб, яқинда бир мулозим орқали Навой юборган янги қимматбаҳо шоҳи тўнни кийди. Қозиққа илинган саллани олиб, бошига ўраркан, деди:

— Бир вақтлар Самарқандда ҳатто Шайхулислом ўз зиёратларига париваш аёл созандаларни

таклиф этар, май ичар, шатранж ўйнар экан. У ерда таҳсилда эканмен, у вақтнинг ҳаёти тўғрисида ажиб ҳикоялар эшитмишдим.

...Хитой асбоблари, Эрон ва Ҳиндистон ипаклик моллари ва нодир жиҳозлар билан бой безатилган хонада одам кўп эди. Булар орасида Ҳиротнинг ҳали танилмаган бир неча ёш шоирлари, ипак ва зарбоф тўнли бекзодалар, давлатманд оилаларга мансуб олифта йигитлар ҳам бир тўп шатранж устодлари ва ҳаваскорлар ўтиришарди. Гоҳ подшоҳнинг янги солдираётган саройи «Боғи жаҳон аро» ҳақида, гоҳ Навоийнинг янги бир ғазали ва унга Хўжа Абдулла Марворий томонидан яратилган куй ҳақида, гоҳ Ислоом барлоснинг шатранж ўйнаган вақтдаги қилиқлари тўғрисида сўз борарди. Ниҳоят, сабрсизлик билан қутилган вақт етди. Уртага чор бурчак шол рўмол ёзилди. Унинг устига шатранж тахтаси ва бир чилдирма ҳам бир ихчам чиройли ханжар қўйилди. Атоқли усталардан Мавлоно Хўжа билан Амир Халил бепарволик билан чордана қуриб, фил тишидан ишланган шатранж доналарини тахтага тера бошладилар. Уларнинг иккиси ҳам ўрта ёшли бўлишларига қарамай, ўспирин, шўх, танноз йигитлардай олифта кийинган эдилар. Одамлар кенг давра билан ўйинчиларни қуршади. Султонмурод Зайниддиннинг тиззасидан туртиб, таажубланган кўзлари билан ханжарга ва чилдирмага ишорат қилди. Зайниддин табассум билан унинг қулоғига шивирлади:

— Уйин вақтида устодларга луқма ташлай кўрма!

— Султонмуроднинг тажжуби яна ортди.


— Ургатувчиларга гарчи ханжар урмасалар ҳам, лекин қаттиқ ранжийдилар...— таъкидлаб шивирлади Зайниддин.

— Чилдирма-чи? Баён қилсанг-чи!— яна туртди Султонмурод.

— Сабр қил, жоним, кўрурсен...

Уйиннинг бошланғичи айтарлик қизиқ бўлмаса-да, устодлар ўйнагани учун ҳамма кўзлар шатранж тахтасига қадалган эди. Лекин ўйин тез қизиби кетди. Амир Халил ҳужумга ўтди. Ҳаяжондан томошабинларнинг ранги ўчиб, кўзлар ёна бошлади. Мана, амир Халил ўз рақибини чуқур тараддудга солиб, шошириб қўйгач, сезилар-сезилмас табассум билан атрофга мағрур кўз югуртиди-да, бирдан хуш овоз билан шатранж ўйинининг нақ ҳозирги ҳолатига доир бир байт ўқиди. Томошабинларнинг ҳаяжони яна кучайди. Пайваста қошларининг ўртаси тугунчак ясаган Мавлоно Хўжа оғир вазиятдан қутулиш учун ягона тўғри йўлни топди... Мавлоно Хўжа ўйиннинг шу даражасини ва қутулишни моҳир тасвирлаган бир байтни ўқиди. Буни биринчи мартаба эшитганлар завқланиб, бир-бирларига пичирлаб, байтни такрорламоққа, ёдламоққа тиришдилар. Амир Халил қовоғини солиб, ўз юришини ўйлаб тураркан, Мавлоно Хўжа ўрнидан ирғиб турди. Чилдирмани чалиб, катта ўйни янгратаиб юборди. Одамлар ўзларини орқага ташлаб, даврани кенгайтирдилар. Мавлоно Хўжа ўзи чилдирма чалиб, айна вақтда шундай чиройли рақс этдики, ўтирганлар беихтиёр қичқириб юбордилар. У ўткир кинояли ва бошқа одам томонидан такрорланиши имконсиз бўлган ҳаракатлар қилиб, ўрнига ўтирди. Уйин кескинлашиб кетди. Ҳар икки устод шатранж ҳақидаги байтлар, рубоийларни мўлроқ соча бошладилар. Бир донани ортиқ олгани энди рақсдан бошқа шатранжга оид бир неча байт айтар эди.

Улар ёлғиз шатранждаги маҳоратни кўрсатиш учун эмас, балки шатранжга доир кўпроқ шеър билганликларини кўрсатиш ва уни ўз ўрнида айта олиш учун ҳам курашар эдилар. Томошабинларнинг аксари ўйиндан кўра кўпроқ шу томонга берилган ва шунинг учун йиғилган эди. Мана, Амир Халилнинг қўли баландланган вақтда у чилдирма чалиб, шеър айтиб, Мавлоно Хўжа қаршисига ўтирди. Шундай кинояли ҳаракатлар кўрсатдики, одамларнинг кулгидан ичаклари узилаёзди. Ниҳоят, ўйин дуранг билан тугади. Устозлар самимий табассум билан бир-бирларининг қўлларини сиқиб, ўринларига ўтирдилар. Ҳамма уларни қизғин табриклади».



Музаффар Турсунов

БОШЛИҚЛАР ҚАЕРДА ТУФИЛАДИ?..

Ҳажвия

Сен билан ҳам хайрлашув кунлари яқинлашяпти, ошнажоним. Ҳамма ишлар битди. Сайқалу жило топдинг. Ҳалигача оддийгина темиру терсак эдинг. Ана, энди мукаммал «одам» қиёфасини олдинг. Шаклландинг-да, ошна, шаклландинг.

«Ошна» дейишим бежиз эмас. Ахир, сен билан роппа-роса уч йилдан бери машғулман. Буёғи энди иш, ташвиш. Сен билан ҳали кўп учрашамиз. Тўғриси, энди сен — менсан. Бу ёғига менинг, очиги, бизнинг номимиздан иш кўрасан.

Ҳали бир-икки кун бирга бўламиз. Кемтикларингни тамом битказаман. Бу орада сен Темир одам эмас, Фалончи Фалончиевич деган ном оласан. Қалай, ёқадими?

Манавини кўряпсанми? Ҳозир бошинг қопқоғини очамиз-да, шу — нақ баркашдек келадиган магнит лентани солиб қўямиз. Бутун имонинг ҳам, виждонинг ҳам ана шу лентада битилган. Бу жуда сирли нарса, дўстгинам. Сен билмайсан, бизда одамзоднинг бутун кечмиши, тақдири азали пешонасида битилган дейдилар. Бу ғирт нодонлик, албатта. Лекин сенинг бутун «келажагинг» ана шу узун тасмага туширилган, десам ишонавер. Айтиб қўяй, бизнинг хоҳишимиз билан исталган дақиқада ана шу мўъжизавий ғалтак ғириллаб айлана бошлайди. Кўряпсанки, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар содир бўлади. Лекин буни ҳеч ким билмайди. Сен гапираверасан, кучли нутқлар ирод қиласан, буюрасан, талаб қиласан. Буларнинг бари «пешонангга» — ана шу мўъжаз нарсада жуда аниқ қилиб битилган, дўстим.

Сен менинг ноёб ижодимсан. Бу ёғига бизнинг номимиздан ишга киришасан. Хоҳиш-иродамизни сўзсиз бажарасан. Бир неча кундан сўнг сени Катталар олдига — тасдиққа олиб кираман. Қўрқма, у ерда ўтирганларнинг кўпчилиги ҳам сенга ўхшаган роботлар. Миқ этмай, оғизларига талқон солиб, мўлтираб ўтиришади. Каттадан изн бўлмагунча ҳатто кўзларини ердан олишмайди. Сендан бирон нима сўраганда ҳам Каттанинг хоҳишини билиб, унга ёқадиган саволларни беришади. Бўлмаса, йўқ.

Ҳарқалай билиб қўйганинг яхши. Сени эшик томонда тикка турғизиб қўядилар. Бир хиллар юзингга ҳавас билан кўзлари ёниб қараса, яна бир хилларининг кўзида ҳасад учқунлари чақнайди. Мен катта бир дафтарни варақлаб туриб сени уларга таништираман. Ана шу дақиқадан бошлаб сен «Фалончи-Фалончиевич» бўлиб кетасан.

Бу машварат узоққа чўзилмаслиги керак. Қўрқма, сени Бошлиқ жуда яхши билади. Тўғриси, сени яратаётиб унинг ҳамма хоҳишларини қисобга олганман. Бусиз илож йўқ, ошна. Мен ҳам унинг қўлидаги бир кўғирчоқман. Қолаверса, унинг олдида худди сен каби ижрочи — югурдакман.

Эшитиб қўй, сени тўпланганлар олдига олиб кираману тантанавор оҳангда дейман: — Фалончи Фалончиевич. Фалон йилда туғилган. Сиёсий етук, ахлоқан пок. Ҳисоб карточкасида тирноқдай доғ йўқ. Лаёқатли, ишчан, шубҳасиз ишончларингизни оқлайди.

Сен бош эгиб, жимгина турасан. Қўлинг кўксингга бўлади. Тамом. Шу асно ҳамманинг кўз олдида тоғ каби юксаласан.

Катталар билан кўришмаганман-ку, деб ҳайрон бўлма. Бошингдан чиқариб ташла бу гапларни. Каттамиз сени беш панжасидай билади. Анави, калланг бўшлигида ўрнатганим митти «мия»ни, асосан, Бошлиқнинг ўзи режалаштириб берган. Отасига минг раҳматки, мендай бир кичкина одамга ана шундай кашфиётни ишонди. «Ишонаман,

мана бундай қилиб ясайсан!» — деб аниқ кўрсатма берди. «Кўриниши жиддий, босиқ, кўзлари ўйчан бўлсин» — деб тайинлади. Сени яратишда Бошлиқнинг гапидан қилча четга чиққан эмасман. Бўлмаса, барибир бир куни шарманда бўламиз. Мана елкаларинг кенг, қадинг расо, бўйинг узун.

Тасдиққа кирганингда ўзининг сал эркин, андак тобедай тут. Каттанинг саволу сўроқларига жиндай ўйлаб, нагст овозда, андиша билан жавоб қил. У киши ҳозиржавобларни ёмон кўради. Бўлмаса, мен ҳам гапга қоламан. Айтиб қўяй, узоқ куттириб ҳам қўйма. Шошқалоқлик ҳам бўлмасин. Умуман, кулмасликка ҳаракат қил. Қани, ҳозир ана шу лавҳани бир машқ қилиб олайлик. Бошладик: ўйчанлик, хаёлкашлик, бир зум тепага кўз қисиб қараш, қошни чимириш... Яхши, жуда дуруст!

Оҳ, сен у ёққа ким бўлиб бораётганингни билмайсан-да, дўстим! Жуда буюк бўлиб кетасан. Ҳали сени кўплашиб тантанавор кутиб олишади. Қучоққа сиғмайдиган гулдас-талар кўтариб истиқболингга чиқишади. Бир хил нозанинлар, айримлари эрларининг топшириғи билан чиройли оёқларида кўтарилиб, сербўёқ лабларини чўзиб, ўпишади. Кейин кўзларингга синчков боқиб минг маъно ахтаришади. Ҳар бир сўзингни тарозига солиб, роса ўлчашади. Жуда ҳушёр бўлишинг керак. Ана шу хотини билан кутишга чиққанларнинг бир қисми сени дафъатан қўлга олмоқчи бўлганлардан ҳисобланади. Сен мутлақо билмайсан. Хотин халқи сал бошқача келади. Улар сени эрлари айтганидан бошқача ният билан ўпиши мумкин. Ана шундан сўнг дақиқа ўтмай ўзаро висир-висир бошланади.

— Сездингни? — дейди униси.

— Жуда келишган экан, — дейди буниси.

— Бошқа нарса демоқчийдим, — дейди униси, бурнини жийириб.

— Ҳўш, нима экан? — дейди буниси кўзларини ўйнатиб.

— Лаблари... муздай экан...

Мабодо ана шу сўзлар қулоғингга қайси томондан урилса, ўша томонга сал ўгирилиб, истеҳзо билан кулимсираб қўй. Ҳалиги аёллар терга ботиб, йўлини йўқотиб қўяди. Тамом! Шу дақиқадан бутун вилоят қўлингга. Ҳамма ёққа овозалар учади.

— Жуда ҳам ҳушёр экан.

— Худди ичингдагини ойнада кўраётгандай.

— Ғайритабиий талант. Қоронғуда бир чақиримдан одамни танийди.

Кўрибсанки, нақ пайғамбар бўласан-қоласан. Ҳамма сенга бошқача қарайди. Хушомад билан ҳайиқиб ёндашади. Имо-ишорангга маҳталлар қанча!

Эсим курсин, айтиб қўяй, бошингга ҳеч кийим киймаслигинг керак. Юбилей-мубилей деб бошингга дўппи қўндиришганидаям рози бўлма, ишимизнинг пачаваси чиқиб кетади-я! Бошингга дўппи қўндирилган ҳамон алоқамиз узилиб қолиши мумкин. Мана буларни кўр. Мен ана шу бошқарув жойида ўтириб, сени бир дақиқа бўлсин кўзимдан қочирмай тураман. Манави темир қалпоқни кийиб олишим ҳам шарт. Ана шунда орамизда тўғри алоқа бошланади. Шу японларга қойил қолмай илож йўқ-да. Нима дединг? Баракалла! Ана шу қалпоқ уларнинг ихтироси. Мен сени девордаги ойнадан тўлиқ кўриб тураман. Хаёлимдан нимаики ўтса, вужудингдаги мураккаб япон қурилмалари уни шу лаҳза илғаб олади ва «миянгга» етказишади. Шундай қилиб, бизнинг ўрнимизда «фаолият» бошлайсан.

Гарчи тушунмасанг-да, айтиб қўяй, алоҳида ҳолатлар мана бу ерда қайд қилинган. Тугмалардаги ёзувларни кўряпсанми? «Ғазабланиш», «кўз олайтириш», «дўқ пўписа», «жилмайиш», «қаҳ-қаҳа»... ва ҳоказо, ва ҳоказо. Мен қайси тугмани боссам, сен шу усулда ўйлайсан, дўстим.

Яқинда ёмон бўлди. Биз сенинг ўрнингдаги «киши»ни зудлик билан чақириб олдик. Мана, кўр, ичак-чавоғи узилиб, хору зор ётипти. Икки пулга қиммат. Уша куни Бошлиқнинг ўзи дарғазаб бўлди. «Чақиринглар у аҳмоқни» деди рангим бўзариб. Кириб келиши билан боши қопқоғини силтаб очдию «мияси»ни узиб олди.

Воқеа бундай бўлган эди. Бир таъзияга боришганда унинг бошига дўппи кийгизишибди. У эса жимгина ўтираверибди. Айтдим-ку, сизнинг авлодга бош кийими мумкин эмас, деб. Буни қаттиқ ёдингда тут. У ўзига ишонган, дўппи билан ҳам ишласа бўлади, деб ўйлаган-да. Мана, оқибати! Расво бўлди. Қабристондаги йиғинни район актив йиғилиши деб ўйлаган-да нутқ ирод этиб юборган: «Ўртоқлар! Бу йил фалон қадар пахта, гўшт, сут топширишимиз керак!» Хайрият, орқасига қўйган одамимиз вақтида етиб борди. Ҳеч кимга сездирмай, дарҳол бошидан дўпписини олди. Бошқарув марказидан зумда янги йўлланма бериб, аҳволни ўнглаб олдик. Бизнинг таъсиришимиз билан у нутқини тузатиб, қуйидагича давом этди: «Бундай дейишдан мурод шуки, ўртоқлар, орамиздан бемаҳал кетган марҳум дўстимиз ҳақиқий пахтакор ва чорвадор эди. Биз унинг ўрнини билдирмаслигимиз керак. Алвидо, дўстим, жойингда тинч ёт».

Лекин ошга пашша тушиб бўлган эди. Бошлиқ буни эшитиб, тепа сочи тиккайиб кетди. Ғазаби қўзиб «Нима учун бизнинг чизиқдан чиқади? Нимага мустақил ишлайди?» деб столни урди. Уша куниёқ уни чақиртириб олдик. Уни тайёрлаган кишини ҳам ковушини тўғрилади.

Сен ана ўша «Соғлиги ёмонлашганлиги учун ўз аризасига биноан ишдан олинган»нинг ўрнига боряпсан. Ҳозирча менинг бошимга офтоб чиқди. Чунки Бошлиқ сени менга ишонди. Бу ҳазилакам гапми? Уйлайманки, мени уятга қўймайсан. Сен чўчима, сени жуда мураккаб қилиб тузганмиз. Еб-ичишинггача ҳисобга олинган.

Аммо менга қийин. Манави махсус жойда сергак ўтиришим керак. Турсам — турасан, юрсам — юрасан. Ғазаблансам — қаҳринг чиқади, кулсам баробар куласан. Мен ёнингдаги одамларни шу ердан аниқ кўриб овозларини баралла эшитиб тураман. Сен мана бу финча костюм-шимни кийиб оласан. Чўнтагингда ҳар хил гувоҳномаю нишонлар бор. Улар оддий темир бўлсаюм ваколатинг даражасини кўрсатиб туради. Ҳа, темирда гап кўп, дўстим, айниқса, манави байроқчали нишонларнинг алоҳида хосияти бор. Бизда нишонларнинг қиммати жуда баланд. Узи тирноқдай темир-у, обрўингни осмон қадар юксалтиради. Оҳ, бу нишонлар!

Ҳозир қалланг бўшлиғида ўрнатганимиз игна ўймали ёдномада биринчи мажлисдаги нутқинг ҳаяжонли қилиб ёзилган. У солиштирма далиллар, чоғиштиришларга жуда бой. Эшитган одам хотирангга ҳайрон қолади.

Ишни бошлаган кунданоқ эски бошлиқнинг эркаларидан бир-иккитасини товонинг остида эзғилашга тушасан. Таомил шунақа. Қолганини ўзлари ҳал қилишади. Одамлар шунақа. Бошлиқнинг хоҳишини имо-ишорасидан билишади. Шу йўлда бир-бирларини еб битиришади. Сен бундан зиён кўрмайсан. Томошабиндай тураверасан. Одамларни бирлашишига қўйма — муҳими шу!

Яна бир нозик масала бор. Сармойдор одамлардан бир-иккитасини кўз остингга оласану «Биз шуларнинг ишидан мутлақо норозимиз», дейсан катта бир йиғинда. Кейин: «Ҳали фурсат бор, ўйлаб кўришсин. Озроқ кутамиз, хулоса чиқаришмаса, ўзимиз хулоса чиқарамиз» дейсан ишонч билан. Шу билан, тамом. Лекин сен кўз тагига олган одамларни анойи деб ўйлама. Улар бурганинг кўзини кўрадиганлар-а. Шунақа «хулоса» чиқаришадик, асти қўявер. Бизга эса, дўстим, худди ана шуниси керак, жудаям керак. Бир пайт кўрибсанки, сени ҳоли топиб, қулоғингга сирли шивирлаб туришибди: «Ана бу Сиз айтган ҳужжатлар ҳаммаси тахт» деб оёғинг остига дипломатни қўйишади. Балки столнинг устигами, остигами семиз конверту «махфий дело»лар қўйишар.

Ўзингни кўрмаганга сол, беписанд туравер, қовоғингни сира очма, расми шунақа.

У бечоралар кўзларингга мўлтиллаб қарайди. Сен эса бошқа томонга бепарво, совуқ тикилиб туравер.

— Юқоридоғилар билан гаплашиб кўрай, балки ўрнингизда ишлайверарсиз, — деб мужмалроқ жавоб қилсанг ҳам бўлади. Бу ёғини биргалашиб ҳал қиламиз.

Қани, «дипломат» манзарасини бир машқ қилиб кўрайлик: қовоқ осилсин, дўқ-пўписа, яъни баравж, энди сал юмшаш, тагдор гапириш, дипломатни келтирган кишига беписандлик билан қараш, ўриндан қимирламаслик, мужмал ваъда... Тамом!

Биз сени бу ёққа чақириб ҳам турамиз. Вақти-соати билан ёнингга ҳам борамиз. Ҳа, келган дипломатларнинг барини бурчакдаги темир сандиққа солиб қўяверасан. Бу ёғини ўзимиз ҳал қиламиз.

Айтмоқчи, масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Мажлисларда танқид еган одамлар сени қўлга олиш пайида бўлишади. Олдингга сулув жононлар, гўзал қизларни киритишлари ҳам тахминдан холи эмас. Шунда жуда эҳтиёт бўл. Тағин сир очилиб қолмасин.

Мабодо сен ишлайдиган кунлари бу ёқда мен касал бўлиб қолсам албатта, ётиб олишинг шарт. Лекин укол олишга мутлақо йўл қўйма! Касалимни аниқ биламан, фалон-фалон таблеткаларни берингу жўнаб кетаверинглар деб туриб ол. Уколга кўнсанг, шармандамиз чиқади. Буларни анавинда кодлаштирганман. Фавқулодда ҳолларда биз сени чақириб оламиз.

Мабодо, Бошлиқ сен томонларга ўтгудай бўлсалар, мен қўшилишиб бораман. Тушундинг? Яхши.

Мана, ҳамма аъзоларинг соатдай беҳато ишлаётганлигини мана бу ускуналар кўрсатиб турибди. Қолаверса, менинг келажагим ҳам сенга боғлиқ. Фақат сен режадан чиқмасанг бўлгани. Ҳамма ишимиз вадаванг кетаверади. Қани, бир қимирлаб кўрчи. Ҳа, баракалла! Ўннга бурил! Чапга, орқага қайрил! Яна! Утириб тур. Тез, тезроқ, яна! Дуруст. Кул, илжай, тиржай, қаҳ-қаҳа ур! Соз, жуда соз!

Ишонаманки, бу ёғи яхши бўлади. Ҳозиргина телефондан хабар қилишди, эртага тасдиққа кирамиз экан. Қўрқма, ўзим таништираман.

Энди манави кийимларни кийиб ол. О, қандай ярашиб тушди. Муборак бўлсин! Кел, бир ўпишиб қўяйлик, дўстгинам!

ЯНГИ МАСАЛЛАР

Аждаҳо билан жанг

Замоники келиб жўмард бир ботир
Ёмонликка қарши жангга отланди.
Бир қўлда қалқону бир қўлда шамшир —
Оламини пок этиш дардида ёнди.
Маҳв этилди қанча ёвуз, очофат,
Қочишди тирқираб Бўрию Шоғол,
Дерди, барҳам топсин ҳар қандай офат,
Жонворлар яшасин эркин, бемалол.
Не-не йиртқиқларни енгди-ю, аммо
Бўлди қаршисида нимадир пайдо:
Кўрсаки — баҳайбат аждаҳо турар,
Оғзидан ўтми-ей, бало уфурар,
Чор атрофга солар ўлгудай даҳшат,
Жамики жонзотлар титрашар қалт-қалт.
Аммо бегонадир ботирга кўркув!
Қўлда қиличини серпаганди у —
Учиб тушди шу дам аждар калласи.
Э, бу нимаси?..
Бошқа калла ўсиб чиқди-ку шу он,
Ботир кўп ҳайрон.
Яна қилич солди аждарга ўктам,
Шарт узиб ташлади янги бошни ҳам.
Қараса — бошқаси чиқибди ўсиб,
Ботир қираверди каллани шип-шип.
Аммо, аждар эса тирикдир ҳамон,
Лаънати сўлоқмон бермас сира жон;
У ҳамон қалдираб оғиз очади,
Атрофга буйруғу қоғоз сочади.

Кошки енга олсак бу рўдапони,
Расмиятчиликни — шум аждаҳони!

Қушлар тили ҳақида масал

Паррандага тилдан берган-да худо,
Қаранг, ҳар бирида ҳар хил гуфтигў:
Қалдирғоч виж-вижлар, кабутар — ғу-ғу,
Булбул-чи — чаҳ-чаҳлаб қилади наво.
Яшасин ҳар кимнинг ўз она тили!
Ҳатто Қарғада ҳам ўзича забон,
Учиб келиб иссиқ ўлкалар томон —
Ҳукмин ўтказай деб паррандаларга,
Доим юқоридан қараб уларга —


Дейди: «Қарғалардан олингиз ибрат,
Бизнинг тилимизда сайранглар фақат,
Ўзимиз улуғ-у, тилимиз кўп бой,
Кимки буйсунмаса — аҳволига вой!»
Қанча чиранмасин хурпайиб қарға,
Ўтказа олмайди ҳукмин қушларга,
Барибир ҳар бири ўзича сайрар,
Нақадар яйрар —
Эрир тош бўлса ҳам эшитган дили...

Яшасин ҳар кимнинг ўз она тили!

Супургининг қисмати

Нима етсин саранжому саришталикка?! —
Зўр тозалаш борар эди катта ҳовлида,
Бир супурги керак бўлиб қолди-ку жуда —
Келасолиб ишга тушиб кетди у тикка.
Кўп ғайратли супургийди, мустаҳкам, бикр,
Ахлатларни сурди ҳарён отгача қулоч,
Қотганини қиртишлади қўймасдан бир-бир,
Кир-иркитлик дунёсида бошланди «қоч-қоч».
Супургининг хизматидан хурсанд хонадон,
Қаранг, қандай очилди-я ҳовлининг юзи,
Аммо-лекин тартиб дея қуйдирганда жон
Анча-мунча кирланди-ку, афсуски ўзи.
Энди ундан фойдаланиш чикора, гумон!
Ва, супурги ирғитилди ахлатга шу он...

Осон эмас супургининг, илло, хизмати,
Ачингулик сабоқ эрур унинг қисмати.





Абдуғани Абдуғаффоров

ҲАСРАТ

Ҳажвия

Сўқимбой ичкарига кирмаёқ хуноб бўлди. Худди самосвалдан шағал тўкилгандай, уйдан кучли қаҳқаҳа эшитилди. «Хўп беғам одамлар бор-да, уларга маишат-у, кулги бўлса бас», кўнглидан ўтказди у. Эшикни қия очди. Баланд-паст овозлар янгради:

— Шундай қилиб Афанди ўша куни...

— Бироз тўхтаг, илтимос, ичагим узилиб кетади. Жиндай дам олволайлик...

Мўралаётган Сўқимбойни кўрган Нозимбек даҳлизга чиқиб, уни қарши олди.

— Э, бормисиз, кўшни, қаёқларда юрибсиз?

— Дўхтурга бордим. Шу денг, бир ҳафтадан буён ланжман. Миям зирқираб оғрийди. Бунинг устига, ўзингиз ҳам биласиз-ку, чап курагимнинг ости ўқтин-ўқтин санчиб туради. Эрталаб ўқчийман. Дўхтурхонада...

— Ичкарига кирайлик,— гапни бўлди Нозимбек.

— Кирамиз-кирамиз, нима деятувдим? Ҳа, кўрсатмаган дўхтурим қолмади. Ҳозир бир жиблажибон: «соппа-соғсиз, юзингизга чертса, тизиллаб қон чиқади», дейди. Мутлақо касални билишмайди бу бедардлар. Охунжон табибни билармидингиз? Уша раҳматлик томирингизни ушлабоқ, дардингизни шартта-шартта айтиб берарди...

Хонада яна гулдурос қаҳқаҳа янгради.

— Меҳмонлар кутиб қолишди,— тугилди Нозимбек,— ичкарига кирайлик.

Сўқимбой ичкарига кирди-ю «кўрганимиз-кўришганимиз», деб бурчакка чўнқайди. Меҳмонлар кўярда-қўймай уни тўрга ўтказишди. Нозимбекнинг отаси ўпка қилди:

— Қўшниям шунақа бўладими? Қаёқларда юрибсиз? Икки-уч марта одам чиқардик...

— Дўхтурга бордим. Шу денг, бир ҳафтадан буён ланжман. Миям зирқираб оғрийди. Бунинг устига, ўзингиз ҳам биласиз-ку, чап курагимнинг ости ўқтин-ўқтин санчиб туради. Эрталаб ўқчийман. Э, жон меникимас...

— Шундайми?— Нозимбекнинг отаси савол берганига пушаймон бўлди,— даволансангиз яхши бўлиб кетасиз. Дастурхонга қаранг. Қани, Акрамжон, Юсуфжон қизиқдан тагин эштайлик. Кейин навбатни кўшиққа берамиз.

— Эштайлик-эштайлик,— қўллаб-қувватлашди атрофдагилар.— Бугун хўп ўтириш бўлди-да! Кулги билан умримизга яна ўн йил умр қўшдик.

— Кулавериб, менинг биқиним оғриб қолди.

— Биқинингиз оғриси, дарҳол дўхтурга кўрсатинг,— кўзларини ола-кула қилди Сўқимбой.— Бу — опасний. Бизнинг бир қариндошимиз шунақа биқини оғриб юриб бандачилик қилди.

— Йўғ-э, унчалик эмас,— биқини оғриганнинг ранги докадай оқариб кетди.— Бу кўп кулганники, санчиқ шундан турган бўлса керак.

— Э, сиз бепарво бўлманг, дарҳол дўхтурга кўрсатинг. Мен ҳам санчиқдир деб юриб, чап курагимни ногирон қилиб олдим. Санчиқ юракка «осложнение» беради. Юрак санча бошладими, тамом деяверинг.

— Қўйинглар бу гапларни, кулишиб ўтирайлик,— Нозимбек меҳмонларга назар ташлади. Биров биқинини, бошқаси бошини чангаллаб ўтирарди.— Қани, бир аскияни бошлайлик.

— Аския яхши нарса,— гапни илиб кетди Сўқимбой,— фақат томонлар ҳазилни кўтарадиган бўлса. Яқинда бир тўйда аскиянинг охири ҳақоратга тақалиб, муштлашиш бўлиб кетди. Ажратаман деб, қаншаримга дайди мушт есам бўладими. Қон кетаверди денг, ҳеч тўхтатиб бўлмади. «Тез ёрдам» чақирди. Шу-шу бошим айланадиган,

кўзим тинадиган бўлиб қолди. Тез-тез миям зирқираб оғрийди. Эрталаб ўқчийман. Кетма-кет эснайман...

Гап шу ерга келганда Сўқимбой оғзини тандирдай очиб, эснади. Юзини бужмайтириб, атрофдагиларни кузатди. Эсноқ ҳам юқумли эмасми, бирданига тўрт киши кафтини оғзига қопқоқ қилди.


— Астағфируллоҳ,— яна гапни бошлади Сўқимбой навбатдаги эсноқни якунлаб.— Бу эсноқ ҳам касаллик аломати. Акса уриш бошқа гап. Бевақт келган эсноқ асабларни таранглаштиради. Мана, уч марта эснадим-у, миям отилиб кетай деяпти. Узи бир ҳафтадан буён ланжман. Дўхтурга борсам...

— Э, бўлди-е,— ўрнидан туриб кетди эндигина латифа айтиб, ҳаммани кулдириб ўтирган йигит.— Ҳаммани касал қилвордингиз, биродар.

— Ие-ие, астағфирулло...— Сўқимбой ёқасини ушлади.— Нима бўлган бу одамларга? Тўғри гапириб ҳам ёқмайсан, тавба...

Сўқимбой иштаҳа билан маставани ичиб, дастрўмоли билан пешона терларини артгунча хонада Нозимбекнинг отасидан бошқа ҳеч ким қолмади.

— Мана энди бафуржа гаплашайлик, қўшни,— томоғини қириб, гулдурос кекирди Сўқимбой.— Шу денг, чап курагим...



Азиз журналхонлар!

«Шарқ юлдузи» журнали бу йил ўқувчилар орасида катта қизиқиш уйғотиб, тиражи ҳам олдингидан 60 минг нусхага кўпайганини биласиз.

Янги 1991 йилда Сизнинг бу ишончингизни оқлаб, журналимиз мундарижасини янада бойитишга, шакли-шамойилини янада яхшилашга ҳаракат қиламиз.

Халқимиз тарихи ҳали деярли ёритилмаган. Бугунги ҳаёт ҳақида ҳам ҳали кўп салмоқли сўзлар айтилгани йўқ. Журнал хизматчилари ва таҳрир ҳайъати биринчи навбатда ҳақиқатга суяниб, инсонда олижаноб туйғуларни тарбиялайдигани, эзгудикка ярайдиган асарлар билан Сизни таништириб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Сўнгги пайтларда журнал Сизнинг турли фикр ва мулоҳазалар билдириб юборган мактубларингиздан ҳар қачонгидан кенгроқ фойдаланиб, Сиз, азиз журналхонларни, ўз фаолиятига кўпроқ жалб этмоқда. Бундан кейин ҳам шундай қилиш ниятидамиз. Олдинги йилларга нисбатан журнал муаллифлари сафи бир неча баробар ўсди. Янги йилда ҳам бу саф ўсиб бориши шубҳасиздир.

Хабарингиз борки, 1991 йил буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудига тегишли сана кенг нишонланади. Журнал янги йилнинг биринчи сонидан бошлаб Навоий ҳаёти ва ижоди, унинг асарлари қисмати тўғрисида мунтазам қизиқарли ҳикоялар бериб боради.

Бу йил эълон қилинаётган улкан маданий ёдгорлик — Қуръон таржимаси янаги йил ҳам давом этади. Шунингдек, кўплаб журналхонларнинг илтимосини инobatга олиб, Қуръон нашрининг давоми сифатида келгуси йилда Имом Исмоил Бухорий ривоят қилган Муҳаммад пайғамбар ҳадисларини эълон қилиш ниятидамиз. Журналимизда аввал ваъда қилинганидек, замонавий мавзудаги бир қатор насрий ва шеърый асарлар, жумҳуриятимиз ҳаётидаги долзарб муаммоларга бағишланган суҳбатлар, мақолалар ҳам режалаштирилган.

Азиз журналхонлар! Бизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра келаси йилдан журнал нархи бир қадар қимматлашиши кўзда тутилмоқда. Биламиз, бу ўқувчиларимизнинг маълум қисмига бир оз малол келиши мумкин. Аммо журналхонларимизнинг кўпчилиги бу тadbир қоғоз ва матбаа харажатларининг қимматлашуви туфайли содир бўлаётганини яхши тушунадилар, деб ўйлаймиз.

Бунинг эвазига биз юқорида айтиб ўтганимиздек, журнални янада яхшилашга, сизларнинг юксак талабларингиз даражасида иш олиб боришга ҳаракат қиламиз.

«Шарқ юлдузи» журнаliga 1991 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна барча алоқа бўлимларида, тегишли муассасаларда **ЧЕКЛАНМАГАН** миқдорда қабул қилинади.



На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 9

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1990

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев** Рассом **Ф. Алимов.**

Мусаҳҳих И. Султонов

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади. Журнал матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П. «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки журнал ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000. Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 11.07.90 й. Босишга рухсат этилди 25.07.90 й. Қоғоз формати 70×108^{1/16}. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,95+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 205807. Буюртма 3665. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.